

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

**Д. ПЎЛАТОВА, М.ҚОДИРОВ, М.АҲМЕДОВА,
А.АБДУҲАЛИМОВ, Ш.ШОЗАМОНОВ**

ФАЛСАФА ТАРИХИ (ШАРҚ ФАЛСАФАСИ)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан 5120500- Фалсафа таълим йўналишида
таълим олувчи талабалар учун асосий қўлланма сифатида тавсия
этилган

ТОШКЕНТ – 2013

Фалсафа тарихи (Шарқ фалсафаси). Ўқув қўлланма. –Тошкент: «JAHON PRINT». 2013. – 532 б.

Ўқув қўлланма Олий Таълим Давлат Стандарти асосида фаннинг намунавий ўқув дастурига мос равишда Фалсафа таълими бакалаврлари учун тайёрланган. Қўлланмадан шунингдек, барча таълим йўналишлари талабалари, магистрант ва илмий изланувчилар, фан ўқитувчилари ҳамда фалсафа тарихини мустақил ўрганмокчи бўлган ўқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мазкур қўлланмада «Шарқ фалсафаси» фанидан мавзуларга оид асосий саволлар, таянч тушунчалар, тушунтирувчи назарий матн, консултатив материаллар (схема ва таблицалар); мавзуларни мустақил ўзлаштириш учун саволлар, машқлар, тестлар, машҳур мутафаккирларнинг ахлоқий қадрият касб этувчи хикматли фикрлари, глоссарий, шунингдек асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати берилган.

Ўқув қўлланма Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳолда Фалсафани босқичма-босқич ўқитишнинг ягона тизимини яратиш жараёнида ёшларнинг фалсафий тафаккурлаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Фалсафа кафедрасида «ИТД-4-160 Таълим тизимида фалсафа фанини ўқитишнинг такомиллаштирилган ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида яратилган.

*Лойиҳа раҳбари – ТДШИ Фалсафа кафедрасининг мудири
фалсафа фанлари номзоди, доцент **Пўлатова Д. А.***

Муаллифлар:

***Д. Пўлатова, М.Қодиров, М.Аҳмедова,
А.Абдуҳалимов, Ш.Шоҳамонов***

Тақризчилар:

*фалсафа фанлари доктори профессор **Х.Алиқулов**
фалсафа фанлари доктори **Р.М. Имомалиева***

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128-сонли буйруғига асосан 5120500- Фалсафа таълим йўналишида таълим олувчи талабалар учун асосий қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган (Рўйхат рақами 128-007)

Мазкур ўқув қўлланма ТДШИ ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқиб тасдиқланди ва нашрга тавсия этилди. (2-сонли баённома.
25.10.2011.)

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013

КИРИШ

Аждодлар тўплаган илмий, ижтимоий-маданий тажриба бугунги кунга келиб, фалсафани дунёқараш характерига эга бўлган фан даражасига кўтарди. Лекин унинг бошқа фанлардан фаркли жиҳати – муайян этнос ёки миллатнинг цивилизация, маданий, маънавий қадриятларини ўзида акс эттиришидадир. Шу сабабли ҳам фалсафа тарихида «Шарқ фалсафаси», «Ғарб фалсафаси» деган атамалар, йўналишлар шаклланди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги халқимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Бу давр мобайнида давлатимиз турли соҳаларда олиб бораётган муҳим ислохотлардан бири таълим тизимига тааллуқли. Унинг бош мақсади мустақил фикрловчи шахс, комил инсонни тарбиялашдир.

Шарқ фалсафасини ўқитишдан мақсад таълим тизими миллий дастурининг асосий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, талабаларга унинг тарихи, инсоният ҳаётида тутган ўрни, ижтимоий фикр тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида чуқур илмий билим бериш; турли хил фалсафий оқимларнинг ривож ва йўналишлари тўғрисида илмий дунёқарашини шакллантириш, улар ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара олиш, фалсафий таълимотларни асосли таҳлил қилиш, Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ўзаро алоқаларини тўғри англаб етиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Мазкур ўқув қўлланмада қадимги ва ўрта асрлар Шарқида фалсафий, табиий-илмий, ижтимоий-ахлоқий фикрларнинг юзага келиши ва ривожланиши, ундаги асосий оқимлар, мактаблар, уларнинг хусусиятлари минтақалар ва тарихий даврлар бўйича ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма тўртта йирик боблардан иборат бўлиб, биринчи боб «Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафаси» деб номланиб, ундаги иккита бўлим мазкур минтақа халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даврларини ўз ичига олган. Иккинчи боб қадимги давр ва ўрта асрлар ҳинд фалсафасига бағишланган.

Хитой фалсафасига бағишланган учинчи бобда қадимги Хитой файласуфлари, конфуцийчилик ва дао таълимоти, уларнинг ўрта асрлар Хитой маънавий ҳаётида тутган ўрни ўз ифодасини топган.

Сўнги боб «Корея ва Япония фалсафаси» деб номланиб, унда корейс ва япон фалсафий тафаккури тарихининг қадимги ва ўрта асрлардаги тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз боради.

Ўқув қўлланма Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган «Фалсафа тарихи» фанининг намунавий ўқув дастурига мос равишда яратилган бўлиб, ундаги Шарқ фалсафасига оид барча мавзуларни қамраб олган.

Ўқув қўлланмадаги ҳар бир мавзу бўйича мантикий-структуралашган материаллар, мустакил таълим учун саволлар ва топшириқлар, адабиётлар рўйхати келтирилган. Қўлланмада боблар бўйича тестлар ва унинг сўнгида глоссарий берилган. Адабиётлар рўйхатини тузишда мавзуга алоқадор нафақат ўзбек ва рус, шунингдек инглиз, араб, форс, корейс, япон, хитой тилларида нашр этилган китоблар ва журналлардаги материалларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ўқув қўлланманинг тегишли мавзуларини ёзишда М.Аҳмедова, С.Йўлдошев, О.Шоматовларнинг «Ҳинд фалсафаси», М.Аҳмедова ва В.Ханларнинг «Корея фалсафаси» рисоаларидан ҳам фойдаланилган.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланмада Шарқ фалсафасига – жаҳон фалсафий тафаккури тарихининг ажралмас бир қисми сифатида ёндошилган бўлиб, уни ўрганиш нафақат илмий, ғоявий, балки тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган бўлиб, Олий ўқув юртларининг фалсафа таълим йўналиши талабаларига, шунингдек, барча ижтимоий-гуманитар йўналишдаги олий ўқув юртларининг талабалари, магистрантлари, стажёр-тадқиқотчилар, илмий изланувчилар ва Шарқ фалсафаси тарихи билан қизиқувчилар учун тавсия этилади.

Ҳозирги даврда Шарқ фалсафасига қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлиги ҳамда мазкур ўқув қўлланманинг ушбу йўналишда амалга оширилган илк тажриба эканлигини ҳисобга олиб, муаллифлар гуруҳи ҳурматли ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини қуйидаги манзил орқали кутиб қолади: falsafa2009@mail.ru.

І БОБ. ЯҚИН ВА ҰРТА ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

І БҰЛИМ

ҚАДИМГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

1-МАВЗУ

ШАРҚ ФАЛСАФАСИНИНГ МАВЗУ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Шарқ фалсафий тизимларининг шаклланиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш, халқимиз қон-қонига сингиб кетган инсонийлик фазилатлари Шарқ фалсафасининг асоси эканлиги тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Шарқ фалсафаси, қадимги Шарқ фалсафаси, дунёқараш, Яқин Шарқ, Байналнаҳрайн, Шумер, Бобил, Миср, Ҳиндистон, Хитой, асотирий тафаккур (афсонавий фикрлаш), диний тасаввурлар, маънавий тафаккур.*

Асосий саволлар

1. Фалсафий тизимларнинг узок тарихга эга эканлиги.
2. Дунёни асотирий тафаккур (афсонавий фикрлаш) орқали тасвирлаш.
3. Шарқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Фалсафий тизимларнинг узок тарихга эга эканлиги

Дунёнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва инсоннинг ундаги ўрни ҳақидаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилган қадимги фалсафий тизимлар ўзининг узок тарихига эгадир. Инсонни ўраб турган дунё тадрижий равишда унинг фаолияти учун мавзуга айлана борган. Инсон дунёга бўлган ўз муносабатини дастлаб назарий шаклларда ифода қила олмаган. Инсон амалий фаолиятининг ривожланиши воқеаларнинг муайян изчилликда мушоҳада қилишга асосланган унинг қобилиятини такомиллашшига олиб келганлиги орқасида табиат ҳодисаларининг баъзи қонуниятларини идрок этишга муваффақ бўлган. Тилнинг ривож ва аввало мажхул тушунчаларнинг пайдо бўлиши назарий тафаккурнинг шаклланишига тўртки бўлган. Инсон умрининг ўткинчилигини идрок этиш, замон ҳақидаги тасаввурнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Қадимги даврнинг баъзи афсоналарида замон қадрият мезони сифатида намоён бўла бошлаган. Фақат абадий нарсагина мукаммал бўлиши ҳақидаги тасаввур келиб келиб чиққан. Абадийлик илоҳий мавжудлик ва фаолиятлилик сифатида намоён бўла бошлаган.

Инсон тафаккури тараққиётининг муҳим натижаси сифатида ёзув кашф этилган. У билимларни авлодлардан авлодларга узатишнинг янги имкониятини берибгина қолмай, балки билимларнинг ўз тараққиёти тағзаминини ҳам бойитган.

Шарқ мамлакатларидаги фалсафий тафаккур тараққиёти тўғри чизик бўйлаб ривож топмаган. Гарчи баъзи тараққиёт босқичларида ва айрим соҳаларда ўзаро таъсирни истисно қилмаган ҳолда, Шарққа тааллуқли бўлган ўрганилаётган уч минтақа, яъни Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва Хитой – мустақил маданий бутунликни ташкил этган.

Яқин Шарқ том маънода қадимги даврда фалсафий анъанага асос сола олмаган. Аммо у дунёнинг бошқа минтақаларидан фарқли ўлароқ, деҳқончилик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жиҳатидан доимий равишда илгарилаб кетган. Бу нарса билим ва тажриба тўпланишига омил бўлган. Ҳосил қилинган амалий маълумотлар назарий тафаккур ривожи учун туртки бўлган. Улар умуман диний тасаввурлар, мафкура ва маданиятга ўз таъсирларини ўтказганлар.

Ушбу бой мерос асосларини Кичик Осиё қирғоқларида яшовчи юнонлар ва улар орқали бутун эллинистик дунё ўзлаштириб олган. Инсониятнинг барча билим соҳаларига Юнонистон қўшган буюк ҳиссани, шу жумладан, фалсафа соҳасидаги тафаккур тараққиётини юқоридаги асосларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Яқин Шарқнинг қадимги маданияти Ҳиндистон билан алоқада бўлган. Аммо бу ердаги фикр тараққиёти аввал бошданок озми-кўпми мустақил равишда ривожланган.

Хитойнинг қадимги ва ўрта асрлар фалсафасини ҳам Хитой жамиятининг маънавий ҳаётидан ажратиб бўлмайди. У ҳам мустақил равишда тараққий этган. Аммо фақат буддавийлик унга сезиларли таъсир этган бўлса ҳам, бироқ бир неча асрлар давомида у маҳаллий анъана ва маънавий ҳаётга мослаштирилган.

Милоддан аввалги IV ва III минг йилликлар орасида Байналнаҳрайн ва Миср заминида ёзувнинг мавжудлиги ҳақида биринчи

далиллар қўлга киритилган. Аммо Яқин Шарқ ўлкаларидаги ёзма ёдгорликлар аниқ тушунчалар дастгоҳига эга бўлган тўла фалсафий тизимлар эмаслиги аён бўлди. Унда борлиқ ва дунёнинг мавжудлиги (борлиқ ҳақидаги таълимот) ҳақидаги муаммо ҳамда инсонни, уни ўраб турган дунёни билиш имкониятлари (билиш назарияси) ҳақидаги масалада аниқлик йўқ. Бундай тараққиёт босқичига Европа фалсафий фикри анъаналари ибтидосида турган қадимги юнон мутафаккирларигина чиққанлар. Аммо қадимги юнон фалсафаси ривожини ва унга боғлиқ бўлган бутун фикрий тараққиётни Яқин Шарқдаги қадимги маданиятларнинг меросисиз тўла тушуниб бўлмайди. Бироқ Яқин Шарқдаги маданиятлар таъсирини изчил тадқиқ этиш ишига нисбатан кеч киришилганлиги учун кейинги юз йил ичида қўлга киритилган натижалар билангина чегараланишга тўғри келади.

Дунёни асотирий тафаккур орқали тасвирлаш

Асотирий тафаккур (афсонавий фикрлаш) – инсоннинг дунёга ва билвосита ижтимоий муносабатларга бўлган муносабатини муайян бутунликда ифодалаш шаклларида бирийдир. У гарчи ҳаёлий бўлса ҳам, бу дунёнинг пайдо бўлиши, табиий тартибнинг маъноси ҳақидаги саволга берилган биринчи жавобдир.

Дунёни асотир тафаккур орқали тасвирлаш диний тасаввурлар билан яқиндан боғлиқ бўлиб, табиат кучларини шахслар фаолияти билан ифодалашдир. Аммо у табиат ва инсон жамияти ҳақидаги асрлар давомида тўпланган билимлар мажмуаси сифатида намоён бўлади. Мантиқий фикрлаш (фалсафа)гина инсон тафаккурини афсонавий анъаналар ва уни бевосита ҳиссий таассуротларга боғлаб қўйган занжирлардан ҳам халос қила олиш имкониятини беради.

Шарқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти

Ўтмишдаги Шарқ фалсафасини ўрганиш ўша даврдаги нуқтаи назарларни бугунги эришилган назарий натижалар билан қиёслаш имкониятини беради. Шарқ фалсафаси дунёни ва жамиятни тушунишда асосий фалсафий муаммоларни баён қилиш усулларида муайян мажмуини ўз ичига олган. У ўзига хос

шарқона тафаккур тарзини шакллантирганки, ҳозирги ёш авлод ҳам ундан баҳраманд бўлиши керак.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Қадимги Шарқ фалсафий тафаккури заминлари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Шарқ фалсафасининг ўзига хос асосий хусусиятлари нимада?
2. Дунёни афсонавий тушуниши деганда нимани тасаввур қиласиз?
3. Шарқ фалсафасининг қандай муаммолари бор?
4. Инсон дунёга бўлган ўз муносабатини дастлаб қандай ифодалаган?
5. Дошимандликнинг моҳиятини қандай тушунасиз?
6. Дунёни асотирий тушунишининг ўзига хослиги нимада?
7. Шарқ фалсафасини ўрганишининг аҳамияти нимада?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Қадимги Шарқ фалсафасига оид интернет материалларини тўпланг, слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
2. Шарқ фалсафасини юнон фалсафий таълимотларига таъсир қилган жиҳатларини топинг ва реферат тайёрланг.

3. Қадимги Ўрта ва Яқин Шарқ, Хитой ва Ҳиндистон фалсафасига оид энг умумий жиҳатларни топинг ва слайд тайёрланг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
8. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I. –Тошкент, 1968.
9. Фалсафа. М.Аҳмедова умум.таҳр. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.
10. Фалсафа. Қомусий лугат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Шарқ, 2004.
11. Антология мировой философии в 4-х томах. Т. 1, часть 1. – Москва, 1969.
12. Гуломов Х., Татыбаев А.С. Центральная Азия и мировая история. –Т.: Университет, 2004.
13. История Востока. Т.1. Восток в древности. –М.: «Восточная литература» РАН, 2002.
14. Томпсон Мэл. Восточная философия. Перевод с английского. –М., 2000.

2-МАВЗУ

ҚАДИМГИ МИСРДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларга қадимги мисрликларда бўлган инсон табиати, ўлими ва нариги дунёдаги ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни, уларнинг дostonларида акс этганлиги ва бу ҳақиқий воқеликда ҳам шундай деб талқин этилганликлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ҳаётнинг моҳияти тўғрисида фалсафий фикр қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *ўлим ва нариги дунёдаги ҳаёт, исм ўлган киши ҳаётини абадийлаштириши; «Арфа чалувчининг кўшиғи», Ўрта салтанат; мил. авв. III мингйиллик охири; Имхотеп, Джедефхор, Берлин папируси, «Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати»; эҳромлар ва мақбаралар; анъанавий йўналиши, абадий барҳаётлик ақидасини танқиди; ҳаёт билан мўроса қилиш.*

Асосий саволлар

1. Қадимги Миср ва Бобилда табиатшунослик илмларининг ривожини.
2. Мисрликлар тасаввурида инсон табиати, ўлими ва нариги дунёдаги ҳаётини.
3. «Арфа чалувчининг кўшиғи» асарининг мазмуни.
4. «Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати» қўлёзмасининг моҳияти.

Қадимги Миср ва Бобилда табиатшунослик илмларининг ривожини

Милoddан аввалги IV минг йилликнинг охири III-минг йилликнинг бошида қадимги Бобил ва қадимги Миср маданияти ўз таракқиётининг юқори нуктасига эришади. Бу давлатларда фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши, бир томондан, дунё ҳақидаги фанлар бўлган - астрономия, космология, математика биринчи одимлари билан яқиндан боғлиқ бўлган бўлса, иккинчи томондан, асотирлар билан боғлиқ эди. Энг муҳим илмий ютуқлар (ҳисобнинг

олтмишталик тизими, йилнинг узунлиги, геометрик шакллар ҳажмининг ҳисоблаб чиқилиши ва бошқалар) амалий аҳамиятга эга бўлиб, хўжалик юритишда қўлланилар эди. Қадимги Бобил ва Миср олимлари ой ва кун тутилиши даврилигини аниқлашга мувофиқ бўлдиларки, бу уларга бу ҳодисани олдиндан айтиш имконини берди. Бу ҳам амалий аҳамиятга эга эди. Масалан, Миср учун энг муҳим ҳодиса бўлган – Нил дарёсининг ҳар йилги кўтарилиши вақт жихатдан осмонда ёруғ юлдуз бўлган - Суҳайл (Сириус)нинг пайдо бўлиши билан мувофиқ келар эди. Мисрликлар юлдузлар туркуми вазиятида кўринадиган Ернинг Қуёш атрофидаги йўли жойлашган текисликни (эклиптика) аниқладилар – ва уни буржларни (осмонда сайёралар ҳаракат қиладиган чамбар йўл) ташкил этган 12 қисмга бўлдилар; ҳар бири 30 кундан иборат бўлган, 12 ойдан ташкил топган таквимни вужудга келтирдилар. Бир кеча ва кундузнинг вақти сув ва Қуёш соатлари билан ўлчанар эди. Бобилликларда бўлгани каби қадимги мисрликларнинг папирус қоғозлари (тропик камишдан қилинган) табобатни сеҳргарлик усули билан даволашдан ажратилганлигини кўрсатади.

Қадимги бобилликлар ва мисрликларда илм-фан билан коҳинлар шуғулланар эдилар. Илм-фан билан шуғулланган мисрликлар ва бобилликлар умуман дунёга афсоналар орқали қарар эдиларки, бу ҳақда улар томонидан юлдузларни жуда ҳам катта ва узун юлдузлар туркумлари гуруҳларига бўлиб чиққанликлари ва оқибатда уларни мистик-математик рамзлар билан белгиланганликлари гувоҳлик беради. Шундай асарлар пайдо бўла бошлайдики, уларда афсоналарни фалсафий талқин қилишга уринишлар кўзга ташланади («Арфа чалувчининг кўшиғи», «Дунёдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати», «Ҳаёт маъноси ҳақида хожа ва кулнинг савол-жавоблари» ва бошқалар). Гарчи Қадимги Миср ва Бобилда фалсафий тафаккур Қадимги Юнонистон савиясига эришмаган бўлса ҳам, уларнинг ютуқлари Эллада маданиятига оз таъсир кўрсатгани йўқ. Масалан, милoddан аввалги I-минг йиллик ўрталарида фиръавнлар юнонча турмуш тарзига риоя этар, уларнинг кўплари юнонликлар билан қариндошчилик иплари билан боғланган эдилар. Юнонликларга Мисрда умумий тураржойлар ташкил этишга руҳсат этилган эди. Улар илм-фан ва фалсафада мисрликларни жуда ҳам орқада қолдириб кетган вақтларида ҳам, Мисрда донишмандлик манбаи сифатида қараб, унга бўлган ўз ҳурматларини сақлаб қолдилар.

Мисрликлар тасавурида инсон табиати, ўлими ва нариги дунёдаги ҳаёти

Милоддан аввалги IV-III минг йилликлар орасида ягона Миср давлати пайдо бўлмасдан олдин мисрликлар тасавурида инсон табиати, ўлими ва нариги дунёдаги ҳаёти ҳақида муайян қарашлар шаклланган эди. Мисрликлар фикрича: «Исмга эга бўлмаган нарса, мавжуд бўлмайди». Шунинг учун табиийки, қабр тошида абадийлаштирилган исм ўлган киши ҳаётини абадийлаштиради; ва аксинча, исмини йўқ қилиш, уни эгасини яқсон қилиш билан баробардир. Мисрликлар тасавурида жасадни бутун ҳолда сақлаш нариги дунёдаги абадий ҳаётга замин бўлар эди. Шунинг учун жасадни мумиёлаш расм бўлган.

«Арфа чалувчининг қўшиғи» асарининг мазмуни

Нариги дунёдаги абадий ҳаётга қарши бўлган ақидани ифодаловчи асар бўлган «Арфа чалувчининг қўшиғи» Ўрта салтанат даврида, яъни милоддан аввалги III минг йиллик охирида XI сулола фиръавни Интеф ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган эди.

Бу асарда қайд этилишича, ердаги барча нарса фоний бўлиб, ҳаммаси йўқ бўлиши муқаррардир; асрлар давомида кишилик жамиятидаги авлодлар бирлари кетидан бошқалари қабрга манзил тутадилар, қабр ёдгорликлари емирилади ва йўқолади, ерга кўмилганлардан ҳатто ҳеч қандай эсдалик қолмайди; фақат қадимги дунёнинг донишмандлари бўлган Имхотеп ва Джедефхорни шунинг учун эслайдиларки, уларнинг айтганларини ҳамма билади ва такрорлаб туради; ўлганлардан ҳеч бири нариги дунёдан қайтиб келмаганки, тирикларга уларни нима кутаётганлигини гапириб берса; шунинг учун ҳаётнинг барча неъматларидан фойдаланиш керак, шоду-хуррамлик ва лаззатланиш зарур, негаки, ўлимнинг барҳақлигини ҳеч қандай нарса бартараф қила олмайди.

«Арфа чалувчининг қўшиғи» ердаги ҳаётга юқори баҳо берибгина қолмай, нариги дунёга нисбатан бўлган эътиқодга, яширмасдан, умидсизларча қарашни бошлаб берди.

**«Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан
суҳбати» қўлёзмасининг моҳияти**

Берлинда сақланаётган папирусларда битилган қадимги Миср адабиётининг энг қизиқ ва машҳур асари «Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати», деб номланган. Папирус Ўрта салтанат даврига тааллуқлидир. «Суҳбат» савол-жавоб шаклида бўлиб, ҳаётдан тўйган ва ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлган шахснинг ўз руҳи билан ички мулоқотидирки, унда руҳ ҳаётни зарурлигини таъкидлаб, уни соҳибини ўз раъйдан қайтармоқчи бўлган.


«Бугун мен юрагимни кимга очай?». «Ҳафсаласи пир бўлган киши»нинг жавоби ҳам ўзига хос: «Юраклар очкўзлик билан тўлиб тошган, ҳар ким бировнинг ҳақиға қўл чўзади»; «Олижаноб кишилар йўқлигидан, муштумзўрларга кенг майдон очик»; «Беҳаё ўз қурбонини топгайди, кишиларга эса, томоша бўлса-бас!»; «Илгариги яхши замонларни ҳеч ким эсламайди. Яхшиликка яхшилик қайтишини кутмайсан»; «Дўстлар пўпанак босиб қолдилар, бировлардангина раҳм-шавқат кут»; «Адолатли кишилар йўқ, ер маккорларга берилган»; «Қабоҳат ер юзини босиб кетган, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқ».

«Ҳафсаласи пир бўлган»га эътироз билдириб, унинг «руҳи» ер юзидаги тартибларга тўхталмайди, аммо ўлим ва нариги дунё тўғрисида бутунлай бошқа нуқтаи назарни баён қилади. Унинг фикрича, ўлим ва нариги дунё тўғрисида ўйлашнинг ҳеч кераги йўқ; эҳромлар ва мақбаралар қуришининг ҳам зарурияти йўқ. Улар барибир бузиладилар ва ҳеч кимга яроқсиз ҳолатга тушадилар. Шунинг учун ҳаётнинг лаззатларидан фойдаланиш керак.

Қаршимизда қадимги Миср жамияти ижтимоий фикрининг икки бир-бирига қарши оқими вакиллариининг савол-жавоблари турганлиги аёндыр. «Ҳафсаласи пир бўлган киши» муҳофизакор (консерватив) йўналиш вакили бўлиб, анъанавий таълимот бўлган ўлим ва нариги дунёдаги ҳаётга қатъий ишонади ва жамиятдаги янги муносабатларни шафқатсиз ва чидаб бўлмас, деб қоралайди. Унинг «руҳи» эса - бар акс, ҳамма томонидан қабул қилинган абадий барҳаётлик диний ақидасини танқид қилиб, қандай кўринишда бўлмасин инсонни ўз ҳаёти билан муросага келишга ундайди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

I-илова



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Қадимги мисрликлар тафаккурида исмларнинг қандай аҳамияти бор эди?
2. Қадимги мисрликларнинг ҳаёт ва ўлим тўғрисидаги қарашлари нималарга асосланган эди?
3. Қадимги мисрликларнинг «исм ўлган кишиларни абадийлаштиради», деган фикрларини қандай изоҳлайсиз?
4. Қадимги мисрликлар дунёқарошида нариги дунёга бўлган муносабат қандай ифодалаган?
5. «Арфа чалувчининг кўшиғи» асаридаги фикрларнинг фалсафий моҳияти нимада, деб ўйлайсиз?
6. Ушбу асардаги фикрлар бугунги кунда қанчалик аҳамиятга эга?
7. «Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати» кўлёмасининг моҳияти нимада?
8. Қадимги мисрликлар тафаккурининг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. «Қадимги Мисрда фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

2. «Қадимги Миср фалсафасига менинг муносабатим» мавзусида фалсафий эссе ёзинг.
3. Қадимги Миср фалсафасига оид интернет материалларини тўпланг ва тақдимот қилинг.
4. «Арфа чалувчининг кўшиги» асарининг мазмуни бўйича реферат тайёрланг.
5. «Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати» қўлёзмасининг фалсафий жиҳатларни топинг ва слайд тайёрланг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
8. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I. –Тошкент, 1968.
9. Фалсафа. М. Аҳмедова умум.таҳр. – Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.
10. Фалсафа.Комусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Шарқ, 2004.
11. Антология мировой философии в 4-х томах. Т. 1, часть 1. – Москва, 1969.
12. Гуломов Х.,Татыбаев А.С. Центральная Азия и мировая история. –Т.:Университет. 2004.
13. История Востока. Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература РАН, 2002.
14. Томпсон Мэл. Восточная философия. Перевод с английского. –М., 2000.

3-МАВЗУ

ҚАДИМГИ ШУМЕР ВА БОБИЛДА ИЖТИМОЙ ТАФАККУР. ХАММУРАПИ ҚОНУНЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Байналнаҳрайн (Месопотамия) инсон маданиятининг бешиги эканлиги ҳақида, шумерликлар биринчи ўлиб ёзув ижодкори эканликлари ва уларнинг тақдир ҳақидаги тасаввурлари афсонавий эканлиги, Хаммурапи қонунлари мажмуаси Шарқдаги биринчи ҳуқуқий ҳужжат эканлиги ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш. Шунингдек, талабаларда Шарқда ҳам қонунчилик узок тарихга эга эканлигини фалсафий мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Тўфон тўғрисида, Шумер афсонаси, Зуусудра, илоҳий ваҳий, Тильмун (Баҳрайн), «Исм» шумерликлар тасаввурида, «Инсон ва унинг шахсий худоси», Хаммурапи қонунлари мажмуаси.*

Асосий саволлар

1. Байналнаҳрайн (Месопотамия) маданияти.
2. Шумерликлар маросими ва тақдир ҳақидаги тасаввурлари.
3. Хаммурапи қонунлари мажмуаси.

Байналнаҳрайн (Месопотамия) маданияти

Шумерликлар маданияти Миср билан бир қаторда дунёдаги энг қадимги ёдгорликлардан биридир. Милоддан аввалги IV минг йиллик охирида Байналнаҳрайндаги Дажла ва Фрот дарёлари водийсида меҳнат тақсимоли туфайли жамият тоифаларга бўлинган эди. Аммо Мисрдан фарқли ўлароқ, Байналнаҳрайн маданияти бир хил эмас эди. Уни вужудга келишида Шумер халқи иштирок этган бўлиб, унинг тили бизга маълум бўлган тиллар гуруҳининг ҳеч бирига қирмайди. Байналнаҳрайн ёзуви Шумер халқи ижодидир. Бу *миххат ёзувини* аввал аккадликлар, кейинроқ Олд Осиёнинг бошқа халқлари ҳам иқтибос қилган эдилар. Бу ёзув уч минг йил давомида тадрижий ривожланиш ва такомиллашишда бўлганлиги исботланган. Шумер ёзуви матнларининг бизгача етиб келганлари милоддан аввалги XIX-XVIII асрларга тааллуқли бўлиб, бу вақтга келиб, Шумер тили барҳам топа бошлаган эди.

Тўфон тўғрисидаги Шумер афсонасида худолар томонидан инсон зотининг яратилиши ва ер юзидаги тартибларнинг қанчалик мукамаллиги баён қилинган эди. Аммо номаълум сабабларга кўра, худолар инсониятни йўқ қилишга қарор қилганликлари баён этилади. Адолатли ва тақводор ҳукмдор Зиусудра илоҳий ваҳийга бўйсуниб, катта кема қурганлиги ва шу туфайли нажот топиб, худолар томонидан абадий ҳаётга лойиқ кўрилганлиги таъкидланган. Матнда «барча ўсимликлар ва инсон уруғи исмларининг нажоткори», деб аталган Зиусудра худолар томонидан Қуёш чиқадиган мамлакат ороли бўлган Тильмунга (Бахрайн) жойлаштирилганлиги қайд этилган. «Исм», шумерликлар тасаввурида дунёнинг барча моддий ҳодисларининг руҳига ўхшаш моҳиятдир.

Шумерликлар маросими ва тақдир ҳақидаги тасаввурлари


Шумерликларнинг кўмиш маросимида куйланадиган марсияларининг бири «инсон ва унинг шахсий худоси», деб номланади. Унда тақдирга тан берган, ақлли кишининг тўсатдан касалликка чалинганлиги ва шу муносабат билан ўз худосига нажот истаб мурожаат қилиши тасвирланган. Бу илк диний-фалсафий асар эканлиги унинг мазмунидан маълум бўлади. Бунда азоб-уқубатлар сабаби, дунёвий адолатсизлик, тақдирнинг кўр-кўрона иш тутиши, олижаноб киши ҳиссасига тушган синовларнинг баёни берилган. «Мен – ақли расо киши бўла туриб нега жоҳил ёшлар билан иш юритишим керак, - деб савол қўяди азоб тортаётган шахс. Мен билагон киши бўлсаму, нега мени жоҳиллар қаторига қўйишади? Атрофда егулик фаровон бўлса-да, менинг егулигим – очлик».

Хаммурапи қонунлари мажмуаси

Бир томондан айрим шахсларнинг қўлида катта бойликлар тўпланиши, иккинчи томондан эса, куйи табақадаги озод ёлланма кишиларнинг қашшоқлашиб бориши, ижтимоий қарама-қаршиликларни кескинлаштирганлиги биринчи Бобил сулоласи даврида (милоддан аввалги II-минг йиллик бошида) очик намоён бўлган эди. Натижада шу даврда машҳур подшоҳ Хаммурапининг қонунлар мажмуаси ишлаб чиқилган эди. Бунда диний қарашлардан кўра, кўпроқ дунёвий ишларга, жумладан жиноят ва жазога, яъни

924 536


17



иқтисодий муносабатлардан келиб чиқиб ёндошилганлиги ақс этган. Жиноятни келиб чиқиши талқинида «гайри табиий» кучлар аралашувиға йўл қўйилмаган. Юридик ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ҳукмдорлар ўз қарор ва ҳукмларида ҳурмат юзасидан илоҳий кучларға мурожаат қилсалар-да, муайян ҳуқуқий тадбирларда кўпроқ дунёвий жиҳатни ҳисобға олганлар. Ҳукмлар ижтимоий бошқарув эҳтиёжларини ҳисобға олиб ҳукмдорларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлашға қаратилган эди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Байналнаҳрайн маданиятини вужудға келиш сабабларини айтиб беринг?
2. Тўфон тўғрисидаги афсона ҳақида нималарни биласиз?
3. Қадимги шумерликларнинг «инсон ва унинг шахсий худоси» деган фикрини қандай изоҳлайсиз?
4. Зигурдра образи яна қайси диний таълимотларда мавжуд?
5. Қадимги шумерликларнинг тақдир тўғрисидаги қарашларига қандай муносабат билдирган бўлардингиз?
6. Хаммурапи қонунларининг вужудға келтирган асосий омилларни санаб беринг.
7. Хаммурапи қонунлари асосини нималар ташкил қилади?

8. Қадимги шумерликлар ва мисрликлар тафаккурларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималарда кўзга ташланади?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. «Қадимги Байналнаҳрайн маданияти» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
2. «Қадимги Миср фалсафасига менинг муносабатим» мавзусида фалсафий эссе ёзинг.
3. Қадимги Шумер ва Бобил фалсафасига оид интернет материалларини тўпланг ва такдимот қилинг.
4. Хаммурапи қонунларининг тўлиқ мазмуни билан танишиб чиқинг ва реферат тайёрланг.
5. Қадимги Миср ва Байналнаҳрайн фалсафий тафаккурини қиссий таҳлил қилинг ва шу асосда слайд тайёрланг.
6. Инсерт усулидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдириг (2-илова).

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
 «V» - биламан;
 «—» - мен билган маълумотни инкор қилади;
 «К» - мен учун янги маълумот;
 «?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

2-илова

Мавзу саволлари	V	—	К	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

2. Каримов И.А. *Тарихий хотирасиз келажак йўқ.* Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.* Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Фалсафа. М. Аҳмедова умум.таҳр. – Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти, 2006.
5. *Антология мировой философии в 4-х томах. Т. 1, часть 1.* – Москва, 1969.
6. *История Востока. Т.1. Восток в древности.* –М.: Восточная литература; РАН, 2002.
7. *История всемирной литературы. Т. 1.* –М.: Наука, 1983.
8. *История философии в кратком изложении.* –М.: Мысль, 1991.
9. *История философии. Т. 1.* –М., 1957.
10. *Матье М.Э. История искусства Древнего Востока.Т. 1.*–Л., 1941.

4-МАВЗУ

ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЭРОН ХАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИ. «АВЕСТА»ДАГИ ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАР

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Марказий Осиёда яшаган халқларнинг бой маънавий қадриятлари тўғрисида илмий тушунчалар ҳосил қилиш. Талабаларда ёзма ёдгорлик «Авеста»даги ғояларни фалсафий мушоҳада этиш ва бу ғояларни Ғарб тафаккури билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Авеста, Митра, Ардвисура, Анахита, Вертрагна, Заратуштира, Зардушт, Ахурамазда, Яштар, Гоҳлар, Вендидот, Плиний, эзгу ният, эзгу фикр, эзгу амал.*

Асосий саволлар

1. Қадимги Марказий Осиё ва Эрон халқларининг бой маънавий қадриятлари.
2. «Авеста»даги фалсафий ғоялар.
3. «Авеста»нинг ахлоқий таълимоти.

Қадимги Марказий Осиё ва Эрон халқларининг бой маънавий қадриятлари

Милоддан аввалги I-минг йилликда Марказий Осиё худудида саклар ва массагет қабилалари яшар эдилар. Милоддан аввалги VI аср охири V аср бошларида саклар форслар давлати таркибига кирдилар, милоддан аввалги IV асрда эса, Марказий Осиёга македониялик Искандар Зулқарнайн қўшинлари ҳужум қилди. Бу даврда хунармандчилик, маданият ва санъат ривожланган эди. Марказий Осиёга арамей алифбоси кириб келадикки, унинг асосида хоразмий ва суғд ёзувлари вужудга келадигу ана шу даврда Марказий Осиё халқларининг адабий ва оғзаки ижоди шаклланади.

Халқ оғзаки ижодининг илк ёдгорликлари сак ва массагетларнинг қахрамонлик ҳақидаги қиссалари бўлиб, улар асосида Марказий Осиё халқларининг ватанпарварлик курашлари ётар эди. Ушбу дoston қахрамонларининг бош хусусиятлари – ватанпарварлик, жасорат ва садоқат эди. Бу дostonларнинг қахрамонлари – малика Зарина - жанговар курашчи ва шаҳарлар бунёд-

кори; малика Спаретра кўшин тўплаб, жангда форс давлатининг асосчиси Ки устидан ғалаба қозониб, ўз эрини асирликдан озод қилган; малика Тўмарис – у билан бўлган жангда Ки кўшинлари мағлуб бўлиб, унинг ўзи ҳалок бўлган; Доро кўшинларини хийла билан саҳрога олиб борган чўпон Широқ ўлдирилади, аммо ўз ҳаёти эвазига унинг халқи ўз озодлигини сақлаб қолади.

Жўғрофий тушунча бўлган Туронда яшаган туркий ва унга кўшни бўлган Эрон халқларининг энг қадимий ва бой маънавий қадриятларга эга эканликларига манбалар гувоҳлик беради. Ушбу қадриятларнинг асл илдизлари мелоддан аввалги X асрларга бориб тақалади. Кўхна Шарқ оғзаки ижодининг илк намуналари бўлмиш Митра, Ардвисура, Анахита, Вертрагна каби маъбудларга бағишланган афсоналарда ўз аксини топган. Ана шундай ибтидоий эътиқод ва қарашлар тадрижоти жуда қадим замонлардаёқ Кўк Тангрига, Муқаддас Кўнғир Ер-Сув худосига, Умай Момо, Нанай Марғиёна-Малхиёна, Мехр (Куёш), Анахита (ҳосилдорлик ва сув) худоларига, ўтган аждодлар руҳларига сиғиниш эътиқодлари, илм-фани, тиббиёти, тақвим, йил ҳисоби тўғрисидаги тасаввурига, Хуббоз ота руҳига сиғиниш, Жадда тоши ёрдамида уруш, қирғинбаротларни даф қилиш, ёмғир ва сув чақиритиш, қурбонликлар қилиш, маросим ва маърака, урф-одат, анъаналарнинг пайдо бўлишига, уларга амал қилишга олиб келган. Жуда қадимги даврлардан бошлаб, Турон ва Эрон халқлари дунёнинг барча халқлари, элатларида бўлганидек, юқорида санаб ўтилган тотемистик, фетишистик, бутун олам бир бутун жонли, деб эътиқод қилиш (анимизм), сеҳргарлик, жодулаш, шомончилик, руҳларга сиғиниш билан боғлиқ қарашларни, таълимотларни бошдан кечирганлар.

«Авеста»даги фалсафий гоялар

Халқимизнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларида ҳам миллий қадриятларга катта эътибор берилган. Миллий қадриятларимизнинг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган энг муҳим ёзма ёдгорлик «Авеста» китобидир. Милоддан аввалги VI асрдан бошлаб Марказий Осиёда зардуштийлик пайдо бўлиб, милодий III асргача ҳукмронлик қилади. Зардуштийликнинг ватани сифатида Марказий Осиё (Бактрия, Хоразм) ва Эронни (Мидия) кўрсатадилар. Зардуштийликда энг қадимги даврлардан бошлаб (ми-

лоддан аввалги III-II-мингйилликлар) милоддан аввалги I-минг йиллик ўрталаригача бўлган Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг диний тасаввурлари акс этган.

Унинг илк саҳифалари бундан уч минг йил илгари Хоразмда яратила бошлаган. Милоддан аввалги VII асрга келиб, уни Амурдарё соҳилидаги туя боқувчи қабилалардан стишиб чиққан Заратуштира қайта ишлаб чиққан. Заратуштира ёки содда қилиб айтганда Зардушт «Авеста»нинг қадимги қисми бўлган «Яштлар»даги кўпхудолик ақидаларига зид ўлароқ, унинг «Гоҳлар» қисмида яккахудолик ғояларини тарғиб этган.

Қадимги юнон донишманди Плиний таъбири билан айтганда «бир миллион кўшиқдан иборат» бўлган «Авеста»да дин назарияси, амалиёти билан бир қатор Мовароуннаҳр ва қадимги Эрон халқларининг тарихи, маданиятига оид қимматли далиллар мавжуд. «Авеста»нинг «Вендидот» қисмида ҳуқуқшуносликка оид фикрлар кенг ва батафсил баён этилган.

«Авеста»да юртимиз заминиде яшаган халқларнинг исломгача бўлган даврдаги табиий-илмий, ахлоқий қадриятларининг ривожланиши тарихига оид ғоят қизиқарли маълумотлар бор.

«Авеста» китобига биноан, Коинот, ер, океан, осмон, нурли доира ва жаннатдан иборат. Ер думалоқ бўлиб, атрофи океан билан ўралган ва обу-ҳаво, йил фасллари билан боғлиқ бўлган етти қисмдан иборатки, бу бобилликларнинг етти шамоллар ҳақидаги қадимги тасаввурларидан иқтибос қилинган. Осмон тўрт доирадан ташкил топган: юлдузлар доираси, Ой доираси, Қуёш доираси ва жаннат доираси ёки нур макони. Юлдузлар, Ой ва Қуёш худо *Ахура Мазданиянг* бадани сифатида тасвирланади.

Зардуштийликнинг жамият тарихи ҳақидаги тасаввурлари Инжил ва Қуръондаги афсоналар билан ўхшаб кетади. Авеста бўйича биринчи одам Йимадир. Барча одамлар ундан келиб чиққан. Бу давр олтин аср сифатида тасвирланади: инсонлар абадий ҳаётга эга эдилар, худо Ахурамазда абадий баҳор яратган бўлиб, кишилар фаровонлик ва бахт-саодатда яшар эдилар. Аммо кунлардан бир кун улар гуноҳга ботдилар: улар таъқиқланган мол гўштини еб қўйдилар. Зиёнкор руҳ *Анхра Майнью* уларга совуқ ва қор юборди. Йима одамларни совуқдан қотиб қолишларидан сақлаш учун уй қуриб, унга барча тирик жонзотлардан бир жуфтдан яширди. Бу афсона Шумер, Бобил, Инжил ва Қуръондаги Бутун

дунёни туфур босганлиги ҳақидаги афсонага ўхшашдир. Тарихнинг биринчи даври бўлган – Олтин давр шундай тугалланиб, иккинчи давр бўлган – *яхшилик* билан *ёмонлик* ўртасидаги кураш даври бошланади. Учинчи давр, яъни инсоният келажаги Авестада қадимги давр кишиларининг бахт-саодат ҳақидаги орзулари сифатида тасвирланадики, унда яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашда худо Ахурамазда ғалаба қилади ва ўшанда яхшилик салтанати барқарор бўлади. Унда ўликларнинг тирилиши ва машҳар кун ҳақидаги тасаввурлар ҳам мавжуд.

«Авеста»нинг ахлоқий таълимоти

«Авеста» нинг ахлоқий таълимоти уч асосга: эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амалга таянганлиги яққол намоён бўлади. Унда яхшилик, баркамоллик, хурфикрлик, инсонпарварлик каби хислатлар ягона худо – Ахурамазда иродаси сифатида кўрсатилган. Инсоннинг кадри яхшиликнинг ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслигида, яшаш тарзида, маънавий қиёфасида ва ижтимоий фаолиятида ўз ифодасини топган.

Зардуштийликнинг қонунлар мажмуасида ҳалоллик, меҳнат-севарлик, адолатлилик, фикр, сўз ва амалда холислик юқори ахлоқий меъёр асоси сифатида олдинга сурилади. Зардуштийликнинг асосий эътиқоди *учлик қондасида* ўз аксини тошган: *хайрли фикр (гумата)*, *хайрли сўз (гукта)* ва *хайрли иш (гваришта)*. Бир қатор олимларнинг фикрича, бу учлик қондани қадимги даврнинг машҳур файласуфи Демокрит зардуштийликдан иқтибос қилган. Зардуштийлик ахлоқининг талаби инсоннинг руҳий ва танасининг поклигидир. Зардуштийлик тинч ва осойишта, иттифоқликда яшашни маслаҳат беради, яқинларга нисбатан хайрихоҳ бўлишни, бир-бирига ёрдам беришни, ёмонлик билан курашишни, шафқатсизлик, шуҳратпарастлик, зўравонлик, ўзбошимчалик ҳасад, тухматни маҳкум этади, ғазаб ва шаҳвотга берилмасликни тарғиб этади, берилган ваъдага вафо қилмасликни, ўғрилиқни таъқиқлайди, тузилган шартномага риоя этишни, савдода ростгўй бўлишни, қарзни ўз вақтида тўлашни таъкидлайди.

Мухим ахлоқий меъёрларга қуйидагилар кирган: ҳомиладорлик ва кўз ёриш даврида аёл тўғрисида ғамхўрлик қилиш, турмуш ўртоғига хиёнат қилишдан ўзни тийиш, ерни ишлаш, дарахт-

лар ўтказиш, сув ва озиқ-овқат манбаларини тоза сақлаш, чорва боқиш, болаларни ўз вақтида уйлаш ва турмушга бериш, муҳтожларга ўзидаги ортиқча нарсалар билан ёрдам кўрсатиш, фойдали хайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш.

Авестанинг энг қадимги даврларга оид қатламларида синфий жамиятдан олдинги даврларга хос бўлган демократик ғоялар ва деҳқон жамоалари манфаатини ҳимоя қилиш майллари кўзга ташланади. Кейинчалик унда қулдорлар (Аҳмонийлар даври) ва феодаллар (Сосонийлар даври) манфаати ўз ифодасини топди.

Милоддан аввалги VI асрга тааллуқли бўлган *Заратуштра таълимоти* ислохотчиликка уриниш бўлиб, ўз ифодасини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар ғоясида топди. Қулдорлик муносабатларининг ривожланиш жараёнида деҳқон жамоаларининг хонавайрон бўлиши давом этдики, улар манфаатини Заратуштра ҳимоя қилган эди. Заратуштра халқнинг зўравонлик ва талон-таррождан азоб чекаётганлигини ҳамдардлик билан қайд этиб, қонун ва тартибга риоя этишга чақиради. Айнан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар ғояси учун Заратуштрага жамият тепасида турганлар қарши чиқдилар. У қонундан ташқари деб эълон қилинди, жамодан ҳайдалди, унинг мол-мулки мусодара қилинди¹.

Заратуштрадан кейин, Авестанинг кейин ёзилган қисмларида илк демократик ғоялар йўқолиб, унинг ўрнига кўпроқ мурасо-созликка асосланган фикрлар пайдо бўлади, бойлик ва ҳокимият шарафланадики, зардуштийликни шаклланаётган ҳукмрон синф бўлган қулдорлар манфаати учун тадрижий равишда ўзгара борганлигидан гувоҳлик беради. Зардуштийликда ўша даврдаги жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий тизими ўз аксини топган.

Заратуштра таълимоти Марказий Осиё ва Эрондан бошлаб Қора денгиз ва Мисргача ёйилган эди. Ушбу таълимотга кўра, олий худо - Холик ва унга қарши турган ва унга бўйсунмайдиган ёвуз кучлар мавжуд. Халиқ дунёни муайян мақсадда яратган, аммо ҳозирги ҳолатда бу дунёнинг интиҳоси бўлиб, бу ҳақда дунёнинг нажоткори келиб, ундан хабар беради. Жаннат ва дўзах мавжуд бўлиб, ҳар бир руҳ киши вафотидан сўнг судга тортилади. Замонлар охирида ўлганлар тирилиб, Қиёмат қойим бўладики, ўшанда барча гуноҳкорлар яқсон қилинадилар. Сўнгра Ер юзида Худонинг салтанати барқарор бўлади ва тақводор кишилар бу

¹ Қаранг: Маковельский А.О. Авеста. –Баку, 1960. –Б.99.

салтанатга кирадилар (ушбу салтанат форсча сўз бўлган «парадайза» - жаннат деб аталади) ва худо хузурида рухий ва жисмоний жиҳатдан абадий қолиб, донмий бахт-саодат ва хузур-ҳаловатда бўладилар.

Бу тасаввурлар турли яҳудий мазҳаблари томонидан ўзлаштирилдилар. Яҳудийлик ва зардуштийлик жуда кўплаб жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшашдир. Ўхшашлик бўйсундирилган халқнинг (яҳудийларнинг) ўз буюк ҳомийларига (форсларга) бўлган ҳурмати туфайли янада кучайиб, зардуштийликнинг яҳудийликка таъсир ўтказишига имкон берди.

Бу ҳақда парфянлар даврида яратилган манбалар гувоҳлик берадики, унда насронийлик, гностик мазҳаблар ва Шимолий буддавийлик ҳам ўзларида Заратуштра таълимотининг Аҳмонийлар империясининг барча вилоятларида қолдирган чуқур таъсирини сақлаб қолган.

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. *Қадимги Турон ва Эрон бой миллий қадриятларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида нимага биласиз?*
2. *Ушбу халқлар қадриятларининг шаклланишида халқ оғзаки ижоди қандай аҳамият касб этди?*
3. *Анилизм, тотемизм ва фетишизм тўшунчаларининг моҳияти нима?*
4. *Нима учун «Авеста»ни ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган?*
5. *«Авеста»даги эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал тўғрисидаги ғояларнинг бугунги кунда жамиятимиз маънавиятини шакллантиришида қанчалик аҳамиятли, деб ўйлайсиз?*
6. *«Авеста» нинг «Вендидот» қисмида нима ҳақида сўз боради?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни албатта ўқинг.
2. «Қадимги Турон ва Эрон халқларининг бой миллий қадриятлари» мавзусида мустақил ижодий иш тайёрланг. Ижодий ишнинг таркиби мавзу юзасидан 15та савол, 10 та тест ва 10-12та сўзли кроссворддан иборат бўлсин.
3. ««Авеста» да фалсафий ғоялар» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

4. «Марказий Осиё халқлари маънавияти шаклланишида «Авеста»нинг ўрни» мавзусида эссе ёзинг.
5. ФСМУ жадвалини тўлдириг (1-илова).

1-илова

**ФСМУ учун топшириқ: «Эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал»
ғоясини таҳлил этиш**

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Турон, Эрон, «Авеста», Ахурамазда, Ахриман, эзгулик, ёвузлик, таълимот.

Савол	«Авеста» даги фалсафий ғоялар
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтириг	
(У) Фикрингизни умумлаштириг	

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). –Т., 1995.
4. Сулаймонова Фозила. Шарқ ва Ғарб. (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
6. Қодиров М. Авесто.// Ўзбек миллий энциклопедияси. Т. 1. –Т., 2001.
7. Кадыров М. Авеста.// Очерки по истории общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.:Фан, 1977.
8. Мери Бойс. Зороастризм. –М., 1988.
9. Маковельский А. О. Авеста. –Баку, 1960.

5-МАВЗУ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БУДДАВИЙЛИК, МОНИЙЛИК ВА МАЗДАКИЙЛИК ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда буддавийлик диний-фалсафий таълимотининг Марказий Осиёга ёйилиши, унинг икки жиҳати тўғрисида тушунча ҳосил қилиш. Марказий Осиёда монийлик таълимотининг вужудга келиши ва унинг фалсафий-илоҳий таълимотини ёритиб бериш. Талабаларда Маздак таълимотидаги қадриятлар мавзусининг кўтарилиши сабабларини фалсафий мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Гаутама, Сидҳарта, Будда, нурланган, инсонлар тенгдиги, Ашока, Ҳиндистон, драхмалар, ашёларнинг ҳужайралари, йогача усул, нирвана-бетаиши ҳолат, руҳий хотиржамлик, Моҳаяна, сабр-тоқат, тарки дунёчилик, дунёнинг доимий ўзгаришида эканлиги. Моний (мил. III аср), Маздак (мил. VI аср), «Хуастуанифт», Суза, «Моний ёзуви», ягона дин, «зулмат ва зиё дунёси», ёвузлик – бойликка ҳирс қўйиш, Қубод I (мил. 488-581 йй.), адоват ва ҳасадни йўқ қилиш.*

Асосий саволлар

1. Буддавийлик диний-фалсафий таълимотининг Марказий Осиёга ёйилиши.
2. Буддавийликнинг икки жиҳати. Буддавийликнинг Моҳаяна фалсафий тизими.
3. Марказий Осиёда монийлик таълимотининг вужудга келиши ва унинг фалсафий-илоҳий таълимоти.
4. Қадриятлар мавзуси Маздак таълимотида.

Буддавийлик диний-фалсафий таълимотининг Марказий Осиёга ёйилиши

Буддавийлик диний-фалсафий таълимоти аждодларимиз бир қисмининг қадриятига айланган эди. Бу таълимот Қадимги Ҳиндистонда милoddан аввалги VI аср охири ва V аср бошларида юзага келган бўлиб, кейинчалик жаҳон динларидан бирига айланган. Бу таълимотга асос солган киши Гаутама уруғидан чиққан Сидҳарта бўлиб, кейинчалик Будда, яъни нурланган, деган номга сазовор бўл-

ган. Буддавийлик таълимотига кўра, инсоннинг олий мақсади қайта туғилиш эмас, балки ҳузур-ҳаловатли ҳолат бўлган нирванага (якка жоннинг мутлақ жон билан қўшилиб кетишига) эришишдир.

Буддавийлик жамиятининг табақаларга бўлинишига қарши қаратилган бўлиб, азоб-уқубат ва ундан кутилиш борасида барча инсонлар тенгдирлар, деган ғояни илгари сурган. Милoddан аввалги III асда шоҳ Ашока буддавийликни қабул қилиб, уни ҳукмрон мафкурага айланишига ва Ҳиндистон худудидан ташқарига, шу жумладан, Марказий Осиёга ёйилишига сабабчи бўлган.

Буддавийликнинг ёйилиши мураккаб жараён бўлиб, у Марказий Осиё орқали Ҳитой, Япония ва Курияга тарқалди. Ҳитой манбаларида Бактрия, Сўғд ва Парфиядан чиққан, илоҳиётга доир жиддий рисоалар ёзиб, уларни Ҳитой тилига таржима қилган буддавий роҳибларнинг исмлари тилга олинган. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, Марказий Осиёлик роҳибларсиз II-IV асрларда Ҳитой буддавийлик ҳақида деярли ҳеч нарса билмаган бўлар эди².

Марказий Осиёда Вайбхашика буддавийлик мактаби тарқалган эди. Вайбхашика мактабига мансуб бўлганлар ўзларининг билиш назарияларида объектив дунёдан келиб чиқдиларки, уни билиш ҳис-туйғу аъзолари орқали амалга оширилади. Ашёларнинг жавҳари беш доимий унсурдир. Барча объектлар пировардида атомларга келиб тақалади.

Вайбхашика тарафдорлари фикрича, Будда оддий одам бўлган ва тўла-тўқис нирвана ҳолатига эришгач, ўз мавжудлигига барҳам берган. Бирок унда илоҳий унсур-ҳақиқатни ички тушуниш мавжуд бўлган. Буддавийлик билан бир қаторда Марказий Осиёга ҳиндларнинг дунёвий фан ва маданиятининг унсурлари ҳам тарқалди.

Буддавийликнинг икки жиҳати. Буддавийликнинг Моҳаяна фалсафий тизими

Буддавийлик икки жиҳатни, яъни нарсалар табиати ҳақидаги ва билиш йўллари тўғрисидаги таълимотни ўз ичига олади. Унинг

² Қаранг: Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда по материалам пянджикентских храмов//Живопись Древнего Пянджикента. -- М., 1954; В.А. Litvinsky. Outline of Buddhism in Central Asia, --Moscow, 1968.

парсалар табиати ҳақидаги таълимоти асосида драхмалар – «ўзининг белгиларига эга бўлган заррачалар» ёки «унсурлар» тўғрисидаги тушунчалар ётади. Драхма-заррачалар дунёвий ашёларнинг хужайралари каби бутун моддий ва руҳий оламнинг жараёнларида улар таркибида ҳаракатда бўлиб, ҳар лаҳзада шуълаланиб ва учиб туради. Буддавийлик фалсафасида дунёни азалдан доимо ўзгаришда кўриш ва оқиб турган дарё билан таққослаш ғояси ётади.

Буддавийликнинг иккинчи жиҳати, яъни билишнинг йўллари ҳақидаги таълимот йогача усулда мушоҳада қилишнинг субъектив-ғоявий усули билан боғлиқдир. Унинг моҳияти ички беташвиш ҳолат бўлган *нирванага*, яъни руҳий хотиржамликка эришишдир.

Буддавийликнинг Марказий Осиёда амалда бўлган Моҳаяна фалсафий тизими ахлоққа оид муаммоларни қамраб олган бўлиб, халқ оммасини сабр-қаноатга даъват этган. Буддавийликнинг асосий қондаси бўлган азоб-укубатдан тарки дунёчилик орқали қутилиш ғояси кўпчиликни ўзига жалб этар эди.

Марказий Осиёда монийлик таълимотининг вужудга келиши ва унинг фалсафий-илоҳий таълимоти

Милодий II-III асрларда Марказий Осиёда ва унга қўшни бўлган ҳудудларда иқтисодий таназзул ва унинг ғоявий ифодаси сифатида янги мафкуравий оқим бўлган монийлик таълимоти вужудга келган эди. Бу таълимотнинг асосчиси 216 йилда Бобилда туғилган, 25 ёшида Ҳиндистонга бориб, ўз ҳамфикрлари жамоасини тузган ва кейинчалик Форс ва Сузада яшаган Моний эди. У «моний ёзуви» номи остида янги алифбо кашф этиб, уни тавсия этди. Унинг орзуси ҳаммага маъқул тушадиган, умумий ягона динни яратиш эди.

Монийнинг фалсафий-илоҳий таълимотида маънавий қадриятларга катта эътибор берилган. Унинг фикрича, икки дунё – «зулмат ва зиё дунёси» мавжуд бўлиб, биринчисида адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм сурган, иккинчиси абадий, емирилмайдиган, доимий қадриятлар дунёсидир.

Моний таълимоти озод деҳқонларга қаратилган бўлиб, улар манфаатининг ғоявий ифодаси эди. Шунинг учун III ва ундан кейинги асрларда ҳам Эрон, Марказий Осиё, Байналнаҳрайн, Сурия, Миср ва Рим империясининг Шарқий вилоятларида унинг

ғоявий таъсири кенг ёйилган эди. Буюк ипак йўли бўйлаб буддавийлик таълимотининг тарқалишига қадар Эронда қувғинга учраган Монийнинг маслакдошлари Марказий Осиёдан паноҳ топган эдилар. Монийлик ғоялари уйғурлар дунёқарашига катта таъсир ўтказган. Монийликнинг уйғур тилига қилинган таржимаси тарзида сақланган диний ёдгорлиги «Хуастуанифт» (монийликнинг тавба намози) аниқ, тушунарли тилда ёзилган. Монийлик VIII асрда Уйғур давлатининг давлат динига айланган.

Қадриятлар мавзуси Маздак таълимотида

Қадриятлар мавзусининг излари VI асрда яшаган Маздак таълимотида ҳам кўзга ташланади. Маздак ақидасига кўра, дунёда содир бўладиган жараёнлар онгли мақсадга йўналтирилган эзгулик ва унинг манбаи бўлган ёруғлик билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракат қилувчи қоронғулик (жоҳиллик) ўртасидаги курашдан иборат. Асосий ёвузлик – бойликка ҳирс қўйишдир.

Табиат уч унсур: сув, олов ва тупроқдан ташкил топган бўлиб, уларнинг қўшилишидан ижобий ва салбий ҳодисалар келиб чиқади. Эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш эзгуликнинг ғалабаси ва ёвузликнинг йўқ қилиниши билан барҳам топади. Маздакчиларнинг ижтимоий дастури кескин талаблар қўйди: барча одамларнинг тенг ҳуқуқлиги, истеъмолда тенглик, барча мулкларнинг ва аввало ернинг умум ихтиёрида бўлиши; яхшиликни барқарор қилиш учун ижтимоий тенгсизликка барҳам берилиши.

Бундай таълимотга асосланган Маздак бойларнинг мол-мулкани тортиб олиб, камбағалларга бўлиб беришга бошчилик қилган.

Эрон шоҳи Қубод I (мил.488-581йй.), аввал бошда Маздакни қўллаб-қувватлаб, уни бутун мамлакатга қози қилиб тайинлаган эди. Мамлакатда катта ер эгалари, амалдорлар ва қоҳинларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлгандан сўнг, шоҳ Қубод I Маздак билан алоқани узади. 529 йили маздакийларнинг инқилобий ҳаракати бостирилиб, Маздакни қатл этилади. Аммо унинг таълимотидаги адоват ва ҳасадни йўқ қилишга қаратилган тадбирлар, ижтимоий адолатсизликка қарши курашиш муқаддас вазифа эканлиги ҳақидаги ғоялар жазибакор мафкура сифатида узоқ вақтгача халқ қалбида сақланиб қолади.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

<i>Таълимотлар</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Пайдо бўлган даври</i>
<i>Буддавийлик</i>	<i>Инсоннинг олий мақсади қайта туғилиши эмас, балки ҳузур-ҳаловатли ҳолат бўлган нирванага (якка жоннинг мутлақ жон билан қўшилиб кетишига) эришишидир.</i>	<i>Мил.ав. VI аср охири - Vаср бошлари</i>
<i>Моҳаяна</i>	<i>Моҳаяна фалсафий тизими ахлоққа оид муаммоларни қамраб олган бўлиб, халқ оmmasини сабр-қаноатга даъват этган.</i>	<i>Милодий I аср</i>
<i>Монийлик</i>	<i>Икки дунё – «зўрат ва зид дунёси» мавжуд бўлиб, биринчисида адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм сурсан, иккинчиси абадий, емирилмайдиган, доимий қадриятлар дунёсидир.</i>	<i>Милодий III аср</i>
<i>Маздакийлик</i>	<i>Дунёда содир бўладиган жараёнлар оғли мақсадга йўналтирилган эзгулик ва унинг манбаи бўлган ёруғлик билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракат қилувчи қоронғулик (жоҳиллик) ўртасидаги курайдан иборат. Яхшиликни барқарор қилиш учун ижтимоий тенгсизликка барҳам бериши лозим.</i>	<i>Милодий VI аср</i>

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Буддавийлик диний-фалсафий таълимоти тўғрисида нималар биласиз?
2. Будда таълимотига кўра, инсоннинг олий мақсади қандай бўлиши керак?
3. Моҳаяна мактабининг асосий гоялари нималардан иборат?
4. Буддавийликнинг икки жиҳати деганда нималарни тушунасан?
5. Монийнинг фалсафий-илоҳий таълимотида маънавий қадриятлар қандай ўрин тутади?
6. Моний таълимотининг фалсафий моҳияти қандай эди?
7. Маздак таълимотининг асосий гояси нималарни кўзда тутар эди?
8. Маздак таълимотида қандай қадриятлар ўрин эгаллаган?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. Буддавийлик таълимоти тўғрисида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. «Марказий Осиё халқлари маънавий-маданий ҳаётига буддавийликнинг таъсири» мавзусида эссе ёзинг.
4. Моний ва Маздак таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу мазмунда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I. –Тошкент, 1968.
4. Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда по материалам пяджикентских храмов//Живопись Древнего Пяджикента. –М., 1954.
5. Исмагов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX-XV вв. –Душанбе: Дониш, 1986.
6. Степаньянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. –М., 1997.
7. Litvinsky B.A. Autline of Buddhism in Central Asia. –Moscow, 1968.

II БЎЛИМ ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФАСИ

I-МАВЗУ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИКЛАР ФАЛСАФАСИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги туркий халқларнинг оғзаки ижоди намуналарига оид маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилганлигига доир тасаввурлар ҳосил қилиш, халқ оғзаки ижоди ва афсоналарда миллий кадриятларнинг акс этганлиги тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш. Туркий халқлар ёзуви, Култигин, Билга хоқон, Тўнжук, Унгин, Куличур, Моюнчур битиктошларидаги диний-фалсафий қарашларни мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Қадимги туркий халқлар, Маҳмуд Қошғарий, «Девону луғотит турк», мардлик, жасорат, илм, касб-ҳунар, ҳалоллик, садоқат, фидойилик, Тўмарис, Широқ, Рустам, «Зарина ва Стриангия», «Сиёвуш», руний (сирли) битиклар, урхун-енисей ёзуви, Култигин, Билга хоқон, Тўнжук, Унгин, Куличур, Моюнчур битиктошлари, сўд, уйғур ёзуви, моний ёзуви, Қорахонийлар, араб ёзуви.*

Асосий саволлар:

1. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк асари».
2. Халқ оғзаки ижодида миллий кадриятларнинг акс этиши.
3. Туркий халқлар ёзуви.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк асари»

Энг қадимги туркий халқ кўшиқлари бизга қомусий билим соҳиби Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали етиб келган. Туркий халқлар оғзаки ижод намуналарида ватанпарварлик, инсонийлик, ҳамжихатлик, мардлик ва жасорат, илм ўрганиш, касб-ҳунар эгаллашга даъват, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, ҳалоллик, поклик, дўстлик садоқат, камтарлик, фидойилик каби турли-туман инсоний фазилатлар ўзининг бадий ифодасини топган.

Халқ оғзаки ижодида миллий қадриятларнинг акс этиши

Агар «Тўмарис», «Широқ», «Рустам» сингари халқ оғзаки ижоди намуналарида дўстлик, эл-юрт ҳимоясига отланиш ва бу йўлда жонини ҳам тикиш, халқни ғайритабиий кучлар, офатлардан ҳимоя қилиш сингари юксак гоълар мужассамлашган бўлса, «Зарина ва Стриангия», «Сиёвуш» сингари афсоналарда миллий қадриятларимизнинг бошқа жиҳатлари ҳам тасвирланган.

Туркий халқлар ёзуви

Туркий халқларнинг бизга маълум ёзув тарихи ҳозирги кунда руний ёки урхун-енисей номи билан юритилувчи битиклардан бошланган эди. Бу ёзув фан оламига XVIII асрдан бошлаб маълум бўлган. Марказий Осиёнинг қатта қисмида, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам мазкур ёзув кенг ёйилган эди. Турк руний ёзувидаги ёдгорликларнинг энг йирик намуналари турк амалдорлари хотирасига қўйилган қабр тошларида мужассамланган. Култигин, Билга хоқон. Тўнюқуқ, Унгин, Куличур, Моюпчур битиктошлари *VI-VII асрларга* тааллуқлидир. Бу хатнинг тошлардан ташқари олтин, кумуш, суяк, ёғоч, сопол буюмларга ёзилган намуналари ҳам мавжуд. Шарқий Туркистондан қоғозга битилган ёдгорлик ҳам топилган.

Қадимги турк даврида алфавитли ёзувнинг бошқа турлари ҳам қўлланилган. Суғд, уйғур, моний, қисман қўлланилган брахма ёзуви шулар жумласидан эканлиги илмий тадқиқотларда исбот этилган.

Суғдлар ва туркий халқларнинг маданий алоқалари натижасида милодий *VI-VIII асрларида уйғур ёзуви* шаклланган. Турк хоқонлиги даврида турк руний ёзуви асосий ёзув бўлса, кейинчалик унинг ўрнини уйғур ёзуви эгаллаган. X асрга келиб Қорахонийлар давлатида ислом расмий дин сифатида қабул қилинган. Шу муносабат билан араб ёзуви бошқа барча ёзувлар ўрнини ола бошлаган.

Ўрта Осиёнинг туркий халқлари XV аср охирига қадар уйғур ва араб ёзувидан баробар фойдаланиб келган.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Эслаб қолинг!

«Девону луготит турк» туркий халқлар озгаки ижоди ҳақидаги энг муҳим манба

«Тўмарис», «Широқ», «Рустам» афсоналарида туркий халқларнинг миллий қадриятлари ўз аксини топган

Туркий халқларнинг бизга маълум ёзув тарихи ҳозирги кунда руний ёки урхун-енисей номи билан юритилувчи битиклардан бошланган

Урхун-енисей ёзуви фан оламига XVIII асрдан бошлаб маълум бўлган

Ўрта Осиёнинг туркий халқлари XV аср охирларига қадар уйғур ва араб ёзувидан баробар фойдаланиб келган

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Қадимги турклар кимлар?
2. Қадимги туркий битиклар тўғрисида энг дастлабки маълумотлар қайси асарда берилган?
3. Қадимги туркий битикларда қандай фалсафий гоялар мавжуд?
4. «Тўмарис», «Широқ», «Рустам» афсоналарида миллий қадриятларимизни акс этувчи қандай гоялар мавжуд?
5. Туркий халқлар ёзуви қайси манбалардан бошланган?
6. Тўнжукўк, Билга хоқон ва Кўлтегин битиктошларида нималар акс этган?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. Қадимги туркий битиклар тўғрисида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

3. «Тўмарис», «Широк», «Рустам» афсоналарини қадимги Юнонистон халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёсланг.
4. Қ.Содиқовнинг «Қадимги турк фалсафаси» рисоласи билан танишиб чиқинг.
5. Мавзу юзасидан инсерт жадвалини тўлдиринг (2-илова).

2-илова

«V» - биламан

«—» - мен билган маълумотни инкор қилади

«Қ» - мен учун янги маълумот

«?» - ноаниқ (аниқлаштиришни талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

V	—	Қ	?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Содиқов Қ.: Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари. –Т.: ТошДШИ нашриёти, 2004.
4. Содиқов Қ. Аждодларимиз битиги. –Т.: Фан, 1990.
5. Содиқов Қ.Қадимги турк фалсафаси. –Т.: ТошДШИ нашриёти, 2008.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. –Т.: Ёзувчи, 2000.
8. История Востока. Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература; РАН, 2002.
9. Малов С. Е. Памятники древне тюркской письменности. – М-Л., 1951.
10. Тугушева Л.Ю. Ярлыки уйгурских князей из рукописного собрания ЛО ИВ АН. –Тюркологический сборник, 1971, –М., 1972.

2-МАВЗУ

ҚУРЪОНИ КАРИМ ВА МУҲАММАД (С.А.В.) ҲАДИСЛАРИ ТАЪЛИМОТИНИНГ ШАКЛАНИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Марказий Осиёга исломнинг кириб келиши ва ривож, анъанавий ва исломий илмлар тараққиёти тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш, исломий илмлар ривожига мовароуннаҳрлик олимларнинг ўрни беқиёс эканлигини тушуниш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ислом, Муҳаммад (С.А.В.) Мовароуннаҳр, Қуръони Карим, ҳадислар, диний дунёқараш, калом, фикҳ, Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо ат-Термизий, калом илмининг ривожига Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Муъин ан-Насафий, Қафқол Шоший, Бурҳониддин Марғиноний, Жалолиддин Аҳмад ал-Косоний, «қадимги ёки анъанавий илмлар», «араб илмлари».*

Асосий саволлар

1. Исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва ривож.
2. Анъанавий илмлар тараққиёти.
3. Исломий илмлар ривож.

Исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва ривож

Ислом энг сўнгги жаҳоний дин сифатида олдинги динларнинг кўп ижобий хислатларини ўзида ифодалаган. XX аср бошларига қадар у Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Марказий Осиёда дингина эмас, балки ҳукмрон дунёқараш вазифасини ўтаб келган эди.

Ислом VIII асрнинг бошларида Марказий Осиёга кириб келди. У VIII-IX асрлар давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрда зардуштийлик, монийлик, буддавийлик каби динларни сиқиб чиқариб, уларнинг ўрнини эгаллай бошлади. Ислом дини дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан бирга, аста-секин унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий, адабий каби томонларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган. IX-X асрларга келиб, Қуръонга асосланган махсус ислом илмлари, яъни исломнинг турли томонлама

асосини мустаҳкамлаш ва уни талқин этишга қаратилган махсус диний илмлар шакллана бошлаган эди³.

Исломий илмларнинг шаклланиши ва ривожда Мусулмон Шарқидаги қадимги маданий анъаналарга бой бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан олимлар, кўп ҳолларда зўр истеъдод ва ижод намуналарини кўрсатиб, мусулмон оламида ном қозондилар. Масалан, IX-X асрларда тез ривожланган ҳадисшуносликнинг машҳур бўлишида ватандошларимиз бўлган Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо ат-Термизий, калом илмининг ривожда Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Муъин ан-Насафий, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослигида Қафқол Шоший, Бурҳониддин Марғиноний, Жалолиддин Аҳмад ал-Косоний кабиларнинг улуши катта бўлган эди (1-илова).

IX-X асрларда яшаб ижод этган, қадимги илмий анъаналар, жумладан, юнон, ҳинд илмларидан яхши хабардор бўлган ҳамда исломнинг маънавий таъсирини бевосита гувоҳи бўлган катта қомусий олимлар асарларида ўз даврида илмлар тизими, таърифи ўз ифодасини топиши билан бирга, уларни «қадимги ёки анъанавий илмлар» ҳамда янги – «араб илмлари», деб икки йўналишда баён ва таҳлил этишга уринганлар. Бу дунёвий илмлар ҳамда исломий илмлар тизимидан иборат эди.

Анъанавий илмлар тараққиёти

Анъанавий илмлар қадимги юнон илмлари асосида вужудга келган фалсафий илмларнинг турли йўналишларини – математика, физика, география, кимё кабилар, шунингдек, фалсафа, мантик, ахлоқ кабиларни ташкил этган. Ўша давр оимлари «Ихвон ас-сафо» тўрагининг аъзолари, Абу Наср Ғоробий, Абдуллоҳ Хоразмий ва бошқалар диний, исломий илмлар, аниқроғи араб илмлари сифатида ислом фалсафаси назарияси бўлмиш калом илми, ҳадисшунослик, шариатга асосланган фикҳ – ҳуқуқшунослик, Қуръонни тафсирлаш каби масалаларни, шунингдек, араб тили ва грамматикаси, араблар тарихи (исломдан сўнгги) кабиларни санаб ўтганлар (2-илова).

³ Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафактури (ўрта асрлар). –Т.: ТошДШИ нашриёти, 2010. –Б.47.

Исломий илмлар ривожу

Ислом илмлари ичида, авваламбор, илоҳиёт фалсафаси – калом, сўнг ҳадисшунослик, фикҳ – ҳуқуқшунослик, Қуръон тафсири муҳим ўрин эгаллаган ва соф диний масалалардан ташқари турмушнинг барча жиҳатларини қамраб олган.

Ислом дини таълимотида Муҳаммад (САВ) пайғамбар ҳаёти, фаолияти ҳамда диний, ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Каримдан кейин турувчи манба ҳисобланади.

VIII-XI асрлар ҳадис илмининг энг сермахсул даври бўлган. Чунки, шу даврда суннатнинг асосий манбаси бўлмиш «Олти саҳиҳ тўплами» вужудга келган. Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу ҳадислар тўпламини ёзган муҳаддисларнинг аксари Марказий Осиёлик бўлиб, улар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Муслим ибн ал-Ҳажжож (819-874), Абу Довуд ас-Сижистоний (817-880), Абу Исо ат-Термизий (824-892), Аҳмад ан-Насоий (830-915), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Можжа (824-886) каби ҳадис илми пешволаридир.

Улар ичида «ҳадис илмида амир ал-мўъминин», деган таҳаллусга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида ўрин тутади. Унинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» тўплами ишончилиги жиҳатидан Қуръондан кейинги ўринда туради.

IX-X асрларга келиб, қадимги юнон илмий меросини ислом Яқин Шарқида ўрганиш ва унинг кенг ёйилиши натижасида уларни турлича талқин этишга интилиш, масалан, муътазилийлар таълимоти ва унинг турли йўналишларининг вужудга келиши ҳамда уларни танқид этиш жараёнида пайдо бўлган фикрларни тизимга солиш заруриятга айланди.

X-XI асрларда калом ва юнон фалсафасининг натижаларини қориштиришга интилиш мавжуд эди. IX-XII асрларда исломнинг қонун-қоидаларига асосланган тасаввуф йўналиши шаклланиб, Марказий Осиёда кенг ёйилди. Бу йўналиш, диний дунёқараш асосида фан, маданият ривожу имкониятини кенгайтириши билан, уларнинг ютуқларидан фойдаланиш йўллари бойитган. Тасаввуф зиёлилар орасида тарқалган.

Хулоса қилиб айтганда, ислом дини ва фалсафаси янги ахлоқий комилликка интилувчи тарбияни вужудга келтиришга интилди. Ҳадисларда баён этилган исломий тарбиянинг асоси имон ва солиҳ амаллардан иборат эди. Унинг устидан назорат қилиш шариаат қонунлари ва суннатга топширилди. Аслида пайғамбар сун-


нати, деб аталган нарса, барча мусулмонлар учун маънавий озуқа бўлувчи идеал – ахлоқдир.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова



IX-X асрларда Марказий Осиёда илм-фан тараққиёти



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Ислом қандай диний таълимот?
2. Исломий илмлар деганда қайси илмларни тушунасиз?
3. Фикҳ ва калом нимани ўрганади?
4. Марказий Осиёлик энг йирик муҳаддислардан кимларни биласиз?
5. Ҳадис нима?
6. Исломий ва анъанавий илмлар ўртасидаги алоқадорлик нимада?
7. Нима учун исломий илмларнинг энг забардаст вакиллари-нинг аксарияти Мовароуннаҳр ва Хўросондан етишиб чиққан эди?
8. «Ҳадис илмида амир ал-мўъминин», деган таҳаллусга сазовор бўлган мовароуннаҳрлик муҳаддис ким эди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ўрта асрларда Мусулмон Шарқида диний ва дунёвий илмлар ривожини» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзуга оид 15та блиц-савол ва 10та тест тайёрланг.
4. Исломи динидаги ахлоқий ғояларни бошқа диний таълимотлар билан қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан кластер тузинг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т., 2010.
4. Маънавият юлдузлари. (Марказий осийлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Масъул муҳаррир Хайруллаев М. М. Тўлдирилган катта нашр. –Т.: А. Қодиров номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.
5. Қодиров М. Исломи маърифат, маданият ва маънавий қадриятлар фалсафаси. //Исломи, тарих ва маънавият. – Т., А. Қодиров номидаги халқ мероси нашриёти. 2000.
6. Исломи. энциклопедия (А-Х) «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Т., 2004.
7. Ислам (энциклопедический словарь). – М.: Наука, Главная редакция восточной литературы. 1991.
8. История Востока. В 6-томах. Т.1.Восток в средние века. – М.:Восточная литература РАН, 2002.

3-МАВЗУ

ИСЛОМ ДУНЁСИГА ДУНЁВИЙ ФАЛСАФАНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА АРАСТУ ТАЪЛИМОТИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Ислом дунёсига юнон фалсафасининг кириб келиши, Арасту таълимотининг қайта тикланиши, Аббосий халифаларнинг маърифатчилик ҳаракатлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; шарқ ва юнон фалсафий тафаккурини қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ислом фалсафаси, Хурсон, Андалузия, Искандария, Умар Ос, Эрон, Рум, Антокия, Ҳаррон, Эдисса, Нисайбин, Рассилайн, Климент Сентимий Флоренс Тертуллиан, Яқуб Раҳовий, Жандишонур, Хусрав I Анушеравон.*

Асосий саволлар

1. Қадимги юнон фалсафасининг Искандария ва Сурия фалсафасига таъсири.
2. Уммавий халифалар давридаги илмий таржимачилик.
3. Аббосий халифалар (Маъмун) давридаги маърифатчилик.

Қадимги юнон фалсафасининг Искандария ва Сурия фалсафасига таъсири

Ислом фалсафаси сурияликлар, араблар, эронликлар, туркий халқлар, барбарлар ва бошқа миллат вакиллари иттифоқ этган мураккаб ғоявий жараён ҳосиласидир (1-илова). Яқин Шарқ, жумладан Искандария 641-йилда *Умар Ос* томонидан фатҳ этилади. Бу минтақанинг араблар қўлига ўтиши асрлар давомида давом этиб келган Эрон ва Рум истилоларига барҳам берган эди.

Искандария VII асрда юнон фалсафаси ва илоҳиётини тадқиқ қиладиган муҳим марказга айланган эди. Юнон тилини ўрганиш Сурия ва Ироқда VI асрда, Антокия, Ҳаррон, Эдиссия (арабчаси Урфа ёки Арроҳа) шаҳарларида, Сурия шимолидаги Киннасарин, юқори Ироқдаги Нисайбин ва Рассилайнда сал кейинроқ бош-

ланган эди. Юнон тилини ўрганиш Искандариядан ўтган юнон илоҳиётини ўрганишдан бошланган эди. Квинт Сентимий Флоренс Тертуллиан (160-230) айтганларининг монийликка қарши қаратилган жойлари сурийёний тилига таржима қилинган эди. Якуб Раҳовийнинг (ваф. 708) илоҳиёт ва фалсафага доир асрларнинг ёйилиши эркин фикр мавжудлигидан гувоҳлик беради.

VII асрда Ҳаррон ва Жандишопурда (Эрон жануби) юнон илмларини ўрганган икки марказ мавжуд эди. Жандишопур ўқув юрти 555- йилда Ҳусрав I Анишеравон томонидан таъсис этилган эди.

Уммавий халифалар давридаги илмий таржимачилик

Уммавий халифалари (661-749) деярли бир аср давомида ҳокимиятни мустаҳкамлаш билан банд бўлдилар. Абдумалик ибн Марвон (685-705) даврида бошқарув соҳасида ислохотлар ўтказиб, араб тили юнон тиллари ўрнига идора ишларида расмий тил сифатида жорий этилган.

Амалий мулоҳазалар энг қадимги илмий ва айниқса табобат соҳасидаги матнларни араб тилига таржима қилиш заруриятини келтириб чиқарган эди. Энг қадимги араб тилидаги манба бўлган Ибн Надимнинг (ваф. 925) «Ал-Фехрист» («Рўйхат») китобидаги маълумотларга кўра, биринчи марта кимё, астрономия ва табобатга доир асарларни араб тилига таржима қилиш Уммавий амири Холид ибн Язидга (ваф. 704) тааллуқли эди.

Илгари зардуштий динида бўлиб кейин, исломга кирган Абдулло ибн Муқоффанинг (757й. қатл эт.) Паҳлавий тилидан араб тилига ҳинд олими Бидпой Ҳакимнинг «Калила ва Димна» асарини таржима қилганлиги катта аҳамиятга эга бўлган эди.

Унинг қадимги форс тилидан араб тилига қилган таржималаридан «Худойнома» («Қадимги форс давлатчилиги тарихи»), «Ойиннома» («Йўл-йўриқлар», урф-одатлар), «Мазда китоби», «Анушервоннинг ҳаёт йўли» ва бошқа адабий-ахлоқий рисоалар ислом минтақаси маданиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган эди.

Арастунинг «Категориялар», «Биринчи аналитика», Порфирийнинг «Исоғучи» («Мантиска кириш») асарларини Аббосий халифа Мансур (754-770) учун араб тилига қилинган таржимаси ҳам ибн Мукаффага тааллуқли эди. Халифа Мансур таржима ишларига жалб қилган олимлар орасида Навбахтий хонадонининг аъзолари, ҳамда энг машхур олим Албитрик ҳам бор эди⁴. Мазкур халифа ҳукмронлиги даврида Арастунинг бир неча рисоалари, Птолемейнинг «Алмагест», Евклиднинг «Геометрия усули» ва бошқа бир неча асарлар юнон тилидан араб тилига таржима қилинган эди.

Аббосий халифалар (Маъмун) давридаги маърифатчилик

Ҳақиқий таржимачилик фаолиятини Мансурнинг невараси Маъмун (813-833) йўлга қўйган эди. Маъмун отаси Ҳорун ар-Рашид саройининг табиби Юҳанно ибн Мосулни 830 йили «Байтул ҳикма» раислигига сайлаган эди. У Афлотуннинг «Тимей» асарини араб тилига таржима қилган эди⁵. Ҳажжож ибн Матар, Яхъё ибн Албитрик, Ҳунайн ибн Исҳоқ (899-873)ларнинг таржимачилик фаолияти катта самара келтирди.

Саламо исмли олим ва таржимон «Соҳиб Байтул ҳикма» лақабига эга эди. (Ибн Надим. Ал-фехрист, 353-саҳифа). Ҳунайн муҳаррирлиги остида унинг дўстлари, ўғли Исҳоқ, жияни Хубаш ва шогирди Исо ибн Яхъё томонидан Арастунинг деярли барча асарлари, Афлотуннинг бир қисм китоблари таржима этилган эди. Ҳозиргача араб тилида мавжуд бўлган Жолинус (Гален) ва Букрот (Гипократ) китоблари Ҳунайн таржимасида етиб келган.

Юнон фалсафасининг ислом тафаккурига тўла таъсири таржималар натижасида IX асрда намоён бўлган эди (2-илова).


⁴ Қифтий Тарихи ҳукамо. 220-саҳифа.

⁵ م: كتاب الفهرست - القاهرة، بی تا، ۱۹۵۸. //ابن ندیم، م: كتاب الفهرست - القاهرة، بی تا، ۱۹۵۸. «Китобе Ал-Фехрист» («Рўйхат китоби»). – Коҳира: Бито. 1958, – Б.358.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Ислом фалсафасига турли халқлар маданиятининг таъсири



2-илова

Ислом дунёсига фалсафанинг кириб келишидаги асосий омиллар



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Ислоҳ фалсафасига қайси халқлар дунёқарашилари ўз таъсирини кўрсатди?
2. Қадимги юнон фалсафаси қандай қилиб, араб-мусулмон дунёсига кириб келди?
3. Ўрганилаётган мавзуга тегшли қадимги араб тилидаги манбани биласизми?
4. Юнон фалсафасини ўрганиш марказлари бўлган шаҳарлар қайсилар эди?
5. «Калила ва Димна» асарининг муаллифи ким бўлган?
6. «Алмагест» ва «Геометрия усули» асарларининг муаллифи-чи?
7. Аббосийлар даврида илм-фаннинг гуллаб-яшнашига нималар сабаб бўлган эди?
8. Юҳанно ибн Мосул қайси асарни таржима қилган эди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Шарқ ва Юнон фалсафаси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзуга оид махсус комплекс иш тайёрланг (15 та блиц-савол, 10та тест ва 12 сўзли кроссворддан иборат).
4. Қадимги юнон ва Ўрта аср Шарқ дунёқарашини қиёсий таҳлил қилинг ва шу мазмунда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдириш (3-илова).

3-илова

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Абдуҳалимов Б. «Байт–ал ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.:Тошкент ислом университети. 2004.
4. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.: ТДШИИ нашриёти. 2010.
5. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.(Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. История Востока.Т.1.Восток в средние века. – М.:Восточная литература РАН, 2002.
8. Микулинский С.Р. Очерки развития историко-научной мысли. –М.: Наука, 1988.
9. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. –Т.:Фан, 1988.
10. Можед Фахрий. Сайре фалсафа дар жаҳоне ислом (Ислом дунёсида фалсафа тарихи жараёни). Лонгман, 1983. Форс тилдан таржума, Насрулло Пур Жаводий таҳрири остида. Техрон. Техрон университети нашири. 1372 ҳижрий йил (1997).

4-МАВЗУ

ИСЛОМ ИЛОҲИЁТИ – КАЛОМ ФАЛСАФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (VIII-IX АСРЛАР)

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда вужудга келган калом илми, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва вакиллари, асосий баҳс-мавзулари ҳамда мактаблари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш, шунингдек, талабаларда икки йирик калом мактаблари бўлган ашъария ва мотуридия таълимотларини қиёсий таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Калом, мутакаллим, ақлий далил, нақлий далил, қазо ва қадар, хаворижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржийлар, муътазиллийлар, Ҳасан ал-Басрий (642-728), Восил ибн Ато (ваф. 748), Абул-Ҳасан ал-Ашъарий, Абу Мансур ал-Мотуридий, «Китоб ат-Тавҳид», ирода эркинлиги, қадим билши, ҳадис билши.*

Асосий саволлар

1. Муътазила таълимоти.
2. Калом илмининг вужудга келиши.
3. Каломнинг Абул-Ҳасан ал-Ашъарий мактаби.
4. Мотуридия мактаби.

Муътазила таълимоти

Исломда илк илоҳиёт оқимларидан бири ҳисобланган муътазилия (арабча – ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар)нинг келиб чиқиши назарий жиҳатдан муҳим воқеа бўлди. Бу оқимнинг вакили Ҳасан ал-Басрий (642-728) муътазилий оқимининг пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Ҳасан ал-Басрий таълимоти ривожидан унинг издошлари Восил ибн Ато (ваф. 748) ва Амир ибн Убайд (ваф. 761) кабиларнинг ўрни катта. Улар исломга қадимги дунё фалсафаси ва мантиғининг усул ва тушунчаларини татбиқ қилиб, ислом асосларини ақлий тарзда талқин этишга ҳаракат қилишган.

Муътазила оқими тарихида муайян мутафаккирларнинг номи билан боғлиқ бўлган кўплаб гуруҳлар мавжуд эди. IX ва X асрлардаги асосий мактаблар Басра ва Бағдод мактаблари эди.

Барча муътазиллийлар учун умумий бирдай нарса деб ҳисобланадиган мезон сифатида бешта асосий қоида (усул) хизмат қилади:

1. *Яккахудолик (тавҳид)* – кўпхудолик, антропоморфизм (одамларга хос хусусиятларнинг нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб ҳисоблайдиган ибтидоий тафаккур), ҳамда илоҳий моҳиятдан фарқ қилувчи илоҳий сифатларнинг ҳақиқийли ва чексизлигини муайян моҳиятлар ёки рамзлар эъқолигини рад қилувчи Худо ҳақидаги таълимот.

Муътазиллийлар илоҳий моҳиятлар билан бир хил ҳисобланадиган *моҳиятлар сифатини* (билим, ҳокимият, ҳаёт) фарқ қилар эдилар. Шунинг учун уларни чексиз ҳисоблаб, *ҳаракатлар сифатини* (ирода, эшитиш, нутқ) яратилган деб қараб, уларни замон билан бирга ўсиб боровчи ва ўзгарувчи ва шунинг учун ҳам илоҳий моҳиятдан фарқ қилувчи деб билар эдилар. Ана шу ердан антропоморфизмни рад этиш ва Қуръоннинг яратилганлигини тан олиш келиб чиқар эди.

Антропоморфизмни рад этиб, улар Худонинг сифатларини ҳам рад этдилар. Уни ягона, мавҳум, бўлинмас, аниқлаб бўлмайдиган ва билиб ҳам бўлмайдиган деб талқин қилдилар. Абадийлик фақат Худогагина хос бўлганлигидан, Қуръон абадий бўла олмайди, негаки, бу нарса икки томонлама мангуликка олиб келади. Демак, Қуръон Худо томонидан яратилган ва унинг томонидан ижод қилинган нарсалардан бирдир.

2. *Адолат (адл)* – илоҳий адолат инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларида озод бўлишини ва Худонинг фақат «яхши» (*ал-аслах*)ни ярата олишини назарда тутди. Ундан ҳеч қандай ёмонликнинг чиқиши мумкин эмас. Бу нарса ирода эркинлигига асос бўлади ва тақдирнинг азалдан белгиланганлигини рад этишга олиб келади.

3. *Ваъда ва қўрқитиш (ал-ваъд ва-л-ваъид)* - Худо ўз ваъдаси ва қўрқитишини амалга оширади. Агар у мўъминларга жаннат, гуноҳкорларга қўрқитиб дўзах ваъда қилган бўлса, инсоннинг қилмиши учун Пайғамбарнинг шафоати ҳам, ҳатто яратганнинг раҳм-шафқати ҳам, унга жазо берилишини ўзгартира олмайди.

4. *Ўртача ҳолат (ал-манзила байна-л-манзилатайн)* – оғир гуноҳ қилган мусулмон, эътиқод қилувчилар сафидан чиқади (уни илгаригидек динга ишонувчи ҳисобловчи либерал муржийларга қарама-қарши), аммо динсиз бўлиб қолмайди (қатъиятли хаворижлар таълим бергандек) ва улар ўртасида ўртача ҳолатда қолади. Восил ибн Ато бундай мусулмонларни гуноҳкорлар (*фо-*

сиқ) деб атади, Ҳасан ал-Басрий эса – икки юзламачилар (*муно-фиқ*) деб ҳисоблади. Бу нарса улар ўртасидаги ихтилофга сабаб бўлди. Муътазилийлар фикрича, гуноҳкор одам мусулмон жамоаси аъзоси сифатида ўз ҳуқуқларини сақлар, аммо халифа ёки имом бўлиб сайлана олмас эди.

5. *Буйруқлар ва таъқиқлар (ал-амр ва-л-маъруф ва-н-нахийъан ал-мункар)* – бу қоида мусулмонни барча воситалар, шу жумладан, куч ишлатишни ҳам, яъни қилишни ишга солишни ҳам истисно этмаган ҳолда эзгуликни ғалабаси учун ўз мажбуриятини бажариб, уни амалга оширишга ёрдам беришни талаб қилар эди.

Муътазила таълимоти Аббосийлардан Хорун ал-Рашид (786-809), Маъмун (813-833), Ал-Восиқ (842-847) халифалик қилган даврларда расмий эътикод сифатида танилди. Ал-Мутаваккил ҳукмронлик қилган даврда (847-861) эса, исломга зид бўлган оқим сифатида қаттиқ таъқиб остига олинди.

Калом илмининг вужудга келиши

Халифа Мутаваккил ҳукмронлиги вақтида бошланган муътазилийларни таъқиб қилиш шароитида ва умуман, «калом»га ҳужум даврида муътазалий Ал-Жубоий (ваф. 916) нинг шогирди ва янги «калом» мактаби бўлган *Ашъарийликнинг асосчиси Абул Ҳасан ал-Ашъарий* (874-933) уни анъанавий диний ақида билан, баъзида расмийчилик учунгина бўлса ҳам, муросасозлик йўли билан сақлаб қолишга уринди.

Шу даврдан бошлаб «калом» (арабча-«таълимот») номини олган илк ислом фалсафаси ишлаб чиқиладиган бўлди. Бу таълимот тарафдорларни *мутакаллимлар* деб атадилар. Мутакаллимлар анъанадан кўра, ақлга таянишнинг афзаллигини таъкидлар, «тақлид»ни рад этар ва бирор-бир нуқтаи назар ва таълимотни қабул қилишдан олдин эҳтиёткорлик жиҳатидан унга шубҳа билан қарашни насихат қилар эдилар.

Мутакаллимлар ўрта асрлар фалсафасига хос бўлган бир қатор асосий муаммоларни, жумладан, дин билан ақлнинг алоқалари масаласини ҳал этишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу муаммоларга худо ва дунё, табиатдаги жисмларнинг тузилиши, «бўлинмас» заррачалар (чексиз кичик), континуум (узликсизлик) ва бошқа масалалар кирар эди. Муътазилийлар ва мутакаллимлар ўрта асрлардаги зиёлиларнинг энг маълумотли қисмини ташкил этардилар. Улар орасида кўплаб энциклопедик олимлар, файласуфлар (Ан-Наззом, Жоҳиз) бор эди. Улар ичидан Ал-Киндий, Замахшарий каби забардаст файласуфлар ва бошқалар чиқдилар.

Калом илми ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида махсус билимлар тизими мажмуи сифатида вужудга келган эди.

Мутакаллимлар (калом илми вакиллари) ва файласуфлар орасидаги фарқ, уларнинг мавжуд масалаларни таҳлил қилишда тутган мавқеларида эди. Мутакаллимлар уни ечишда ислом қонунқоидалари ҳисобланган Қуръон ва ҳадисга таянган бўлсалар, файласуфлар қадимги анъанавий услубга риоя қилиб, барча масалалар ечимида ақлгагина таяниб, мантиқий фикр юритганлар. Калом илми дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний фирқалар (хаворижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржийлар, муътазиллийлар)нинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин (маздакийлик, насронийлик) вакиллари билан бўлган баҳслар жараёнида шаклланди. Бу тортишувларнинг натижаси Қуръон тафсири ва ислом арбобларининг у ёки бу соҳада қилган амаллари талқинига бориб тақалар эди. Шулар асосида калом илмининг дастлабки мавзуси вужудга келди: Аллоҳнинг ягона вужудлиги ва унинг сифатлари; қазо ва қадар (инсон тақдири); ўтган пайғамбарларнинг, шу жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳ элчиси эканлигини тан олиш; қиёмат куни ва қайта тирилишга ишониш; мусулмонларнинг диний ҳамда дунёвий раҳбарларининг (халифа, имомлик) сифатлари каби масалалар унинг мазмунини ташкил этди (1-илова). Ислом даврининг дастлабки босқичларида жамиятнинг диний-ҳуқуқий асосларини турли дин ва халқларнинг миллий маданияти ташкил қилар эди. Ўзга динларда бўлгани каби исломнинг назарий-ҳуқуқий томонлари кейинги асрларда шакллана бошлади. Чунки бу дин ўрта асрларда ўз атрофига араб бўлмаган – ажам халқларини ҳам бирлаштиришга улгурган эди. Шу туфайли исломнинг диний-ҳуқуқий таълимотини яратишда бу динни қабул қилган турли миллат ва ирқ вакиллариининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозим эди. IX аср ўрталарига келиб исломда йирик оқимларни суннийлар, муътазиллийлар, муржийлар, шиалар ва хаворижийлар ташкил қилар эди.

Каломнинг Абул-Ҳасан ал-Ашъарий мактаби

Сиёсий ва диний баҳслар авж олган мураккаб шароитда Бағдодда Абул Ҳасан ал-Ашъарий каломнинг янги мактаби бўлган ашъарийлик оқимининг асосчиси сифатида чиқиб, илк исломий ақидалар билан каломни мурасасозлик йўли билан сақлаб қол-

моқчи бўлди. Илгариги илоҳиётчилардан фарқ қилиб, Ашъарий ва унинг издошлари илк исломни мантиқий ва фалсафий далиллар ёрдамида ҳимоя қилишга уриндилар.

Ашъарий ақлий усулни қўллаб, тақдирга ишониш ва ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотни ички қарама-қаршилигини ҳал қилмоқчи бўлди. Унинг томонидан «касб» (бажариш ёки ўзлаштириб олиш) таълимоти яратилди. Унга мувофиқ, *қазо* (қарор, ҳукм) худонинг азалий ва умумий иродаси бўлиб, *қадар* (ҳокимият, ирода) - худонинг ҳукмини дунё ҳодисаларига нисбатан қисман қўлланилиши эди. Инсон эса, ушбу хусусий қарорни фақат худди ўзиникидек, «касб этиши» ёки «ўзлаштириши» мумкин. Бу таълимотга кўра, фаолият худо томонидан яратилади, аммо ирода эркинлигига эга бўлган инсон томонидан бажарилади ва қўлга киритилади. Гарчи ашъарийлик оқими ўзини ошкора муътазилийлардан ажратган бўлса ҳам, аммо улар учун умумий бўлган ирода эркинлиги ва ақлий йўналишда боришда давом этган.

Илгариги илоҳиётчилардан фарқли ўлароқ, Ашъарий ва унинг издошлари илк исломни мантиқ ва фалсафани, яъни ақлий усулни қўллаш йўли билан ҳимоя қилишга уриндилар. Ашъарий тақдирга ишониш ва ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотнинг ички қарама-қаршилигини мураса йўли билан ҳал қилишга уринди. «Касб» назарияси унга тааллуқли эдики, унга биноан *қазо* (қарор, ҳукм) Худонинг абадий ва умумий иродаси бўлиб, *қадар* (ҳокимият, ирода) эса, Худонинг қарорини дунё ҳодисаларига қисман қўлланилиши эди. Инсон ушбу айрим олинган қарорни фақат ўзиникидек «касб этади» ёки «ўзлаштиради». Бу назарияга мувофиқ ҳатти-ҳаракат Худо томонидан яратилади, аммо ирода эркинлигига эга бўлган инсон томонидан касб этилади ва бажарилади.

«Калом»нинг илоҳиётга доир масалалари тараққиётида *ашъарийа* маслакдошлари ўз таълимотларини муътазилийлар билан анъанавий ақида тарафдорларининг нуқтаи назарлари ўртасига қўйдилар. «Калом» тарихида янги босқич XIII асрнинг бошидан, айти мутакаллимлар билан файласуфлар, биринчи навбатда Ибн Сино мактаби ўртасида дўстона алоқалар тикланган вақтда бошланди. Бу тикланиш биринчилар учун *Шахрестоний* (1153 й. вафот этган) ва *Фаҳриддин Розий* (1209 йил вафот этган) асарлари туфайли тайёрланган бўлса, иккинчилар учун *Насриддин Тусий* (1274 йил вафот этган) ижоди баракатидан муяссар бўлган эди. Бунинг натижасида, Ибн Халдуни (1332-1405) қайд этгандек, охириги муътазилийлар орасида «калом» ва «фалсафа» муаммо-

лари шундай қўшилиб кетган эдики, бу фанларни бир-биридан ажратиб бўлмай қолди¹.

«*Кейинги калом*» деб ном олган «калом» тараққиётидаги янги босқич *Байдавий* (1390 йил вафот этган), *Исфаҳоний* (1348 йил вафот этган), *Ижзий* (1355 йил вафот этган), *Тафтазоний* (1390 йил вафот этган) ва *Журжоний* (1413 йил вафот этган)ларнинг асарларида баён қилинган.

Ашъарийлик асосан ўз тарафдорларини Ироқ, Сурия ва Мисрда топди.

Мотуридия мактаби

Каломнинг асосий мактаблари билан бир қаторда Самарқанд ва Бухорода Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) асос солган Мотуридия мактаби ҳам мавжуд эди. Маворауннаҳрда X асрдан кейин, Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топиб, Мутақаллим ас-Самарқандий номи билан машҳур бўлган Абу Мансур ал-Мотуридий (944 йил вафот этган)нинг издошлари бўлган мотуридия оқимининг жуда кўп мактаблари мавжуд эди. Мотуридий ўзининг калом тизимини Ашъарийдан мустақил равишда ишлаб чиққан эди. Умуман, уларнинг қарашлари ва тизимлари бир-бирига ўхшайди.

Мотуридий таълимоти муътазилийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки ақл билан нақлни қўшиб фойдаланишни зарур, деб билган. Мотуридий ислом илоҳиётида қазо ва қадар, яъни инсон тақдири борасида ҳам ўзининг мулоҳазаларини баён этган.

У инсонда танлаш эркинлиги, яъни ҳар кимнинг ихтиёри ўзида эканлигини таъкидлаган. Худонинг ягоналигини исботлашда Мотуридий билимнинг уч хил йўлига таянган. У нақлда кўрсатилганлардан бошлаб (сом), ақл кўрғазмасига (далолат ал-ақл) етиб келган ва яратилган нарсалар туфайли ҳосил бўладиган ҳис-туйғу (далолат ал-истидлол би-л-халқ) билан ўз далилларини тамомлаган. Мотуридий ва унинг асарлари билангина Мовароуннаҳр калом тарихига биринчи марта қадам қўйган.

Мотуридийнинг билиш назарияси ўзига хос ва жозибали эди. У дунёни билишни икки турга: *қадим* ва *ҳадис* билишга ажратган. *Қадим* билишда Аллоҳни таниш, *ҳадис* билишда эса, мавжудот-

¹ Қаранг: Ибн Халдун. Ал-муқаддима. Ал-Мутбаъа аш-шарафийя. –Бейрут, 1967. –Б.520.

ларни тушуниш кўзда тутилган. Касбий билиш ҳам тарихий ва истидлолий билиш сифатида иккига ажратилган. Хабар йўли билан ҳосил қилинган билишга тарихий, ақлга таянган билишга эса, истидлолий номи берилган.


Мотуридий кўлаб шоғирлар етиштирдик, улар орасида ислом оламига машҳур бўлган: Абул Ҳасан ар-Рустуғфаний (ваф. 961), Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абдул Карим ал-Паздавий (ваф. 999), Абу Аҳмад ал-Ийодий, Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандий (ваф. 953) каби олимлар бор эди. Ушбу шоғирлар и ўз устозларининг таълимотини давом эттирганлиги туфайли Ҳанафий мазҳаби ичида мотуридия мактаби кенг ёйилди.

МАЗЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Калом илмининг асосий мавзулари



Каломнинг икки йирик мактаби**Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар**

1. *Калом илми нима?*
2. *Калом илмининг вужудга келишидаги асосий омилларни биласизми?*
3. *Муътазиллийлар кимлар эди?*
4. *Муътазиллийлар учун билишнинг бирламчи манбаи нима эди?*
5. *Калом мактабларидан қайсиларини биласиз?*
6. *Ашъарий таълимотига кўра, инсонда ирода эркинлиги борми?*
7. *Мотуридия ва ашъария таълимотларида қандай тафовутлар бор?*
8. *Сизнингча, қайси диний-фалсафий оқимнинг қарашларида кўпроқ фалсафий мушоҳадага йўл очилган эди?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Муътазила ва калом таълимоти» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзуга оид махсус комплекс иш тайёрланг (15 та блиц-савол, 10та тест ва 12 сўзли кроссворддан иборат).
4. «Мотуридийнинг калом таълимотида билиш муаммоси» мавзусида мустақил иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. *Имом Мотуридий таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ*. 2000 йил 16 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 9- жилд.
2. Каримов И.А. *Юксак маънавият – енгилмас куч*. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. *Тарихий хотирасиз келажак йўқ*. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Уватов У. *Имом ал-Бухорий. //Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев. Тўлдирилган катта нашр*. –Т., А. Қодирий полмидаги халқ мероси нашриёти. 1999.
5. *Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан*. -- Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Кодиров М. *Марказий Осиё. Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар)*. –Т. 2010.
7. *История Востока. В 6-томах. Т.1.Восток в средние века*. -- М.: Восточная литература РАН, 2002.
8. Миклушинский С.Р. *Очерки развития историко-научной мысли*. –М.: Наука, 1988.
9. Рудольф Ульрих. *Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. (Ал-Мотуридий ва Самарқанд сунний илоҳиёти)*. –Алматы: Фонд XXI век, 1999.
10. *Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей*. –Т.: Фан, 1988.
11. Ашъарий, Абул Ҳасан. *Дин усулларига тафсир*. Хайдаробод, 1948. 6 саҳифа (араб тилида).
12. Можед Фахрий. *Сайре фалсафа дар жаҳоне ислом (Ислом дунёсида фалсафа тарихи жараёни)*. Лонгман, 1983. Форс тилидан таржима Насрулло Пур Живодий таҳрири остида. Техрон. Техрон университети нашири. 1372 ҳижрий йил (1997).
13. MacCarthy R. J., *Theology of al-Ash'ari*. (Маккарти. Ашъарий илоҳиёти). –Beirut, 1953, –P.70.

5-МАВЗУ

МУҲАММАД МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ ВА АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙЛАРНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда яшаб ижод этган ватандошларимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг илмий мероси ҳамда уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссалари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда икки йирик мутафаккирнинг ижодини қиёсий таҳлил асосида ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Муҳаммад ал-Хоразмий, «алгебра», «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-муқобала», «алгоритм», «Зиж» (юлдузлар каталоги), «Зиж ал-мумтаҳан» («Синалган зиж»), «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб», «Диксит Алгоризми», «Алжабр», Х.Зутер, К.А. Наллино, И.Ю. Крачковский, устурлоб, «Китоб сурат ул-арз», Аҳмад ал-Фарғоний, Дамашқ расадхонаси, нилометр, «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби», «Алфраганус».*

Асосий саволлар

1. Ал-Хоразмий ҳаёти ва фаолияти.
2. Ал-Хоразмийнинг табиий-илмий қарашлари.
3. Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси.

Ал-Хоразмий ҳаёти ва фаолияти (783-850)

Араб тили Марказий Осиёни ислом маданияти, араб дунёси, араб тилида яратилган маданий-маънавий бойликлар, юнон тилидан қилинган илмий таржималардан баҳраманд бўлишга олиб келган бўлса, форс тили қадимги ва ўрта асрдаги Эрон маданияти, шеърятини чуқур ўрганиш, маданий алоқаларни ривожлантириш имконини берди⁶.

⁶ Қаранг: Хайруллаев М.М. IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиш//Маънавият юлдузлари. –Б.36.

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда Марказий Осиё араб халифалиги таркибига кирар эди.

Ривожланиб келаётган мавжуд тузум тақозо қилган ижтимоий-иқтисодий талаблар шу даврдаги тараққиёт жараёнининг асосий омилларидан бири бўлди. Курилиш, савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларни янада тараққий эттириш учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилди. Муҳаммад ал-Хоразмий шу фанлар олимларининг пешқадами ва йўлбошчиси эди⁷.

Хоразмий дунё фанига ғоят катта ҳисса қўшди. У алгебра фанининг асосчиси бўлди. «Алгебра» сўзининг ўзи эса, унинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-муқобала» номли рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи хинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик нозицион ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Олимнинг «ал-Хоразмий» номи эса, «алгоритм» шаклида фанда абадий ўрнашиб қолди. Унинг жўғрофияга доир асари эса, араб тилида ўнлаб географик асарларнинг яратилишига замин яратди. Хоразмийнинг «Зиж»и (юлдузлар каталоги) Европада ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди. Лекин афсуски, фаннинг бир неча тармоқларига асос солган, «ўз даврининг энг буюк математики ва агар барча шарт-шароитлар назарга олинса, ҳамма даврларнинг ҳам энг буюкларидан бири» (Ж. Сартон) бўлган бундай сиймонинг ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли сақланмаган⁸.

Хоразмий даврида «Байт ул-ҳикма»да ишлаган йирик таржимонлар орасида Ҳажжож ибн Юсуф ибн Матар, Абу Закариё Юҳанно ибн Битрик, Хунайн ибн Исҳоқ ва Кусто ибн Луко ал-Баъалбакийлар бор эди. Бағдодга келган Марказий Осиёлик олимлар орасида машҳур астроном Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний (ваф. 865)нинг номини эслаш лозим. Марвлик Яҳё ибн Абу Мансур Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласидаги расадхонанинг асосчиси ва раҳбари бўлди. Яҳё 831 йили вафот этганидан сўнг,

⁷ Қаранг: Аҳмедов А. Мусо ал-Хоразмий. //Маънавият юлдузлари. –Б.36.

⁸ Ўша манба. –Б.37.

Хоразмий бу расадхонани бошқаради ва у ердаги кузатишларда фаол қатнашади. Яхёнинг қаламига мансуб «Зиж ал-мумтаҳан» («Синалган зиж») номли астрономик асари маълум. Дамашк яқинида Касиюн тоғидаги расадхонани Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий бошқаради. У ҳам ўз «Зиж»ини тузади. Холид ер меридианининг узунлигини ўлчаш ишларига бошчилик қилади.

Хоразмий ана шундай илмий муҳитда яшаб ижод қилди ва 850 йилда Бағдодда вафот этди.

Ал-Хоразмийнинг табиий-илмий қарашлари

Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар «Алжабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» алгебраик асар, «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» ёки «Қўшиш ва айриш ҳақида китоб» – арифметик асар, «Китоб сурат ул-арз» – географияга оид асар, «Зиж», «Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Устурлаб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида», «Китоб ар-руҳома», «Китоб ат-таърих», «Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола». Бу асарларнинг тўрттаси араб тилида (биттаси Фарғонийнинг асари таркибида), иккитаси лотинча таржимада сақланган ва қолган учтаси ҳали топилган эмас⁹.

Хоразмийнинг арифметик рисоласи қачон ёзилгани номаълум, ammo бу рисола XII асрда Испанияда лотин тилига таржима қилинган. Таржиманинг XIV асрда кўчирилган ягона қўлёзмаси Кембриж университети кутубхонасида сақланади. Рисола «Диксит Алгоризми», яъни «Ал-Хоразмий айтди» ибораси билан бошланади.

Хоразмий ҳинд рақамлари асосида ўнлик позицион системада сонларнинг ёзилишини батафсил баён қилади. У сонларнинг бундай ёзилишидаги қулайликлар, айниқса, ноль ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Кейин Хоразмий арифметик амалларни баён қилишга ўтади. Бунда Хоразмий сонларнинг мартабаларини, яъни даражаларини эътиборга олишни ҳамда нолни ёзишни унутмасликни уқтиради, акс ҳолда натижа хато чиқади, дейди у. Рисоланинг бошланишида Хоразмий ундаги масалалар ўз даврининг амалий талабларига жавоб сифатида вужуд-

⁹ Қаранг: Аҳмедов А. Мусо ал-Хоразмий. //Маънавият юлдузлари. –Б.39.

га келганлигини қайд қилади. У шундай дейди: «...Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Алжабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда ва шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда, (амалий) геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир»¹⁰.

Рисоланинг Кембриж университети кутубхонасида сақланаётган лотинча қўлёзмасининг матнини 1857 йили Б.Бонкомпаньи нашр этган. Мазкур қўлёзманинг фоторепродукциясини тарихчи А.П.Юшкевич ҳам нашр этган¹¹. Ундан ташқари А.П.Юшкевич ўз рисоласида Хоразмий рисоласига алоҳида параграф бағишлаган¹². Б. Бонкомпаньининг нашри асосида Ю.Х.Копелевич ва Б.А.Розенфельдлар рисоланинг русча таржимасини нашр этишган¹³. Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилеи муносабати билан 1983 йили бу асарнинг қайта нашри ва ўзбекча таржимаси чоп этилди.

Хоразмийнинг алгебраик рисоласининг тўлиқ номи – «Ал-ки-тоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала». Рисоланинг номидаги «Ал-жабр» ва «ал-муқобала» сўзлари «тўлдириш» ва «рўпара қўйиш» – ўрта аср алгебрасининг иккита асосий амалини англатади. «Алжабр» сўзи лотинча транскрипцияда «алгебра» бўлиб, Хоразмий асос солган янги фаннинг номи бўлиб қолди. Хоразмийнинг алгебраик рисоласи уч қисмдан иборат: 1) алгебраик қисм, бунинг охирида кичик бир бўлим – савдо муомаласидаги боб келтирилади; 2) геометрик қисм, алгебраик усул қўлланиб ўлчаш ҳақида; 3) васиятлар ҳақидаги қисм. Хоразмий уни алоҳида ном билан «Васиятлар китоби» деб атаган. Хоразмий ўз рисоласида ҳеч қандай белги келтирмайди ва мазмунни бутунлай сўз билан баён этади ва шакллар келтиради (1-илова).

¹⁰ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. –Т.: Фан, 1983, – Б.78.

¹¹ Қаранг: Юшкевич А. П. Арифметический трактат Мухаммеда ибн Муса ал-Хорезми. Труды института истории естествознания и техники АН СССР, вып. I. –М., 1964.

¹² Қаранг: Юшкевич А. П. История математики в среднес века. –М., 1961.

¹³ Қаранг: Муҳаммад ал-Хорезми. Математические трактаты. –Т., 1964.

Хоразмийнинг энг йирик астрономик асари унинг «Зиж»идир. Олим бу асарни 830 йилда ёзган.

Хоразмийнинг «Зиж»и 37 боб, 116 жадвалдан иборат. Асарнинг аввалги беш боби хронологияга бағишланган бўлиб, «тўфон», «искандар», «сафар» ва христиан эраларидаги саналарни ҳижрий эрага кўчириш қоидалари келтирилади. 6-бобда айлана – 12 буржга, бурж – 30 даражага, даража – 60 дақиқага, дақиқа – 60 сонияга ва ҳоказо майда бўлақларга бўлиниши баён этилади. 7-22-боблар Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари масаласига бағишланган. Бу бобларда Хоразмий қадимги ва илк ўрта аср ҳинд астрономик маълумотларидан, эрон ва юнон маълумотларидан моҳирона фойдаланган ҳолда Птолемейнинг геомарказ системасига асосланиб, сайёралар ҳаракатини баён этган. 23-боб тригонометрияга бағишланган, унда Хоразмий «текис» ва «аксланган синус» тушунчаларини киритади ва бу функциялар жадвалларини келтиради. 25-27 боблар математик географияга бағишланган. Бу ерда географик жойларнинг узунлик ва кенгликларини аниқлаш қоидалари келтирилади ва бу координатларнинг ўзгариши Қуёшнинг йиллик, кечакундузлик ҳаракатида эклиптик, экваториал координатларнинг ўзгариши билан боғлиқлиги кўрсатилади.

Хоразмий ўз «Зиж»ида бошланғич меридиан сифатида, ҳинд анъанасига кўра, Арин (ҳозирги Ҳиндистондаги Ужайн) шаҳридан ўтган меридианни танлаган. Европада XIII асрда Рожер Бэкон ва Буюк Альберт ҳам Арин меридиани ғоясининг тарафдорлари бўлганлар. Арин ғоясига кўра, Айялик Петр (Франциядан) 1410 йили ўзининг «Ер тасвири» номли асарини ёзди. Бу асарнинг 1487 йили чоп этилган бир нусхасидан Христофор Колумб фойдаланган. Колумбнинг ўзига тегишли нусха ҳошиясига ёзган эслатмаларига кўра, Арин ғояси унда ернинг ноксимон эканлиги ва ернинг Аринга диаметрал карама-қарши тарафида Аринга ўхшаш жой бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилган.

Шундай қилиб, Хоразмийнинг «Зиж»и география соҳасидаги буюк кашфиётларга ҳам алоқадор бўлди.

Академик В.В. Бартольд бу асар 836-847 йиллар орасида ёзилганлигини аниқлаган¹⁴.

¹⁴ Қаранг: Бартольд В.В. Введение к изданию Худуд ал-алам. Соч.: Т. 8. – М., 1973, –С.504-545.

Асар 1037 йили кўчирилган ягона араб нусхасида бизгача етиб келган бўлиб, бу нусха Страсбург университети кутубхонасида сақланади.

Китобда шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, ороллар ва дарёлардаги 2402 та географик жойнинг координатлари келтирилади. Шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, ороллар ва бошқа объектлар иқлимлар бўйича тақсимланган.

Хоразмий ҳам Птолемей каби узунликларни Капар ороллари-дан бошлаб ҳисоблайди. У экватордан жанубда 8 шаҳар, 1-иқлимда 64 шаҳар, 2-иқлимда 54 шаҳар, 3-иқлимда 59 шаҳар, 4-иқлимда 146 шаҳар, 5-иқлимда 79 шаҳар, 6-иқлимда 63 шаҳар, 7-иқлимда 25 шаҳар ва 7-иқлимдан шимолда 40 шаҳарнинг координатларини келтиради.

Хоразмийнинг «Китоб сураг ул-арз» асари кўн олимлар томонидан ўрганилган. Лекин асар шу пайтгача тўла равишда бирорта ҳозирги замон тилига таржима қилинмаган. 1983 йили олимнинг 1200 йиллик юбилей муносабати билан бизда бу асарнинг ўзбекча таржимаси Хоразмийнинг «Танланган асарлар»ни таркибида чоп этилди¹⁵.

Хоразмий асарлари дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Турли Ғарб ва Шарқ тилларига таржима қилинган. У ўз асарлари, ихтиролари билан нафақат ўз ватанини, балки араб халифалигининг илмий ютуғи, ўз даври маданиятининг юксак натижаларини бутун дунё ва барча асрларга машҳур этди. Ҳозирда унинг номига турли мамлакатларда (Эрон, Туркманистон, Ўзбекистон ва бошқалар) мукофот ва медаллар таъсис этилган, кўча, муассасалар унинг номи билан юритилимоқда.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси (797-865)

Ўрта асрларда яшаган Марказий Осиёлик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ ал-Фарғоний салмоқли ўрин эгаллайди.

Унинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад Ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. У Фарғона водийсининг Қубо (Қува) ту-

¹⁵ Қаранг: Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. –Т.: Фан, 1983.

манида туғилган. Абу Райхон Берунийнинг бир хабарига кўра, Бағдод расадхонасининг ишида Яхё ибн Абу Мансур, ал-Хоразмий ва бошқа олимлар, Дамашқ расадхонасида эса, Холид ибн Абдумалик ва ал-Фарғоний билан бирга иккинчи гуруҳ олимлар ишлаганлар. У шунингдек, ал-Фарғонийнинг Сурия шимолида, Синжор саҳросида 832-833 йилларда Тадмур ва ар-Раққа оралигида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда иштирок этганини ҳам айтган.

Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг сўнгги ва энг аниқ хабар 861 йил билан боғланади. У шу йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи усқунани ясаган ёки таъмирлаган.

Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» («Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нужум») XII асрда Европада латин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Европа тилларига ҳам таржима қилингандан сўнг, унинг латинлаштирилган номи «Алфраганус» шаклида Ғарбда бир неча аср давомида кенг тарқалади. Унинг ушбу китоби шу асрлар давомида Европа университетларида астрономиядан асосий дарслик вазифасини ўтади. Ал-Фарғоний асарининг латинча таржимаси биринчи марта 1492 йилда нашр этилган бўлиб, у энг қадимги нашр қилинган китоблардан ҳисобланади. 1669 йили машҳур Голланд математиги ва арабшуноси Якуб Голиус ал-Фарғоний асарининг арабча матнини янги латинча таржимаси билан нашр этганидан сўнг, ал-Фарғоний ва унинг асарининг Европадаги шуҳрати янада ортди. Европа Уйғониш даврининг буюк намояндаларидан бири бўлган машҳур олим Региомонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маърузаларни ал-Фарғоний китобларидан ўқиган. Ал-Фарғоний номини Данте (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) ҳам эслаган.

Европа олимларидан Даламбер, Брокельман, И.Ю.Крачковский, А.П.Юшкевич, Х.Зутер ва Б.А.Розенфельдлар ал-Фарғонийнинг ижодини юқори баҳолаганлар¹⁶.

Ҳозирги кунда ал-Фарғонийнинг саккиз асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор ва бирортаси ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган. Улар қуйидагилардир:

¹⁶ Қаранг: Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний//Маънавият юлдузлари, –Б.47.

юкорида тилга олинган асар («Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби»), одатда уни «Астрономия асослари ҳақида китоб» номи билан ҳам аташади – қўлёзмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. «Устурлоб яшаш ҳақида китоб» – қўлёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида, «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб» – биргина қўлёзмаси Рампурда (Ҳиндистон), «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола» – қўлёзмаси Қоҳирада, «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида» – қўлёзмалари Готада ва Қоҳирада, «Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб» – қўлёзмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сақланади. Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш асари Беруний томонидан эслатилади, лекин қўлёзмаси топилмаган.


Фарғонийнинг номи Хоразмий каби бутун Шарқ ва Ғарбда машҳурдир. Ҳозирги кунда кўчалар, ўқув юртларига унинг номи берилган. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармони билан Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллууд санаси катта тантаналар билан нишонланди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

Г-илова

«Ал-Жабр ва муқобала»нинг тузилиши





Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Ватандошимиз ўрта аср мутафаккири Ал-Хоразмий жаҳон илм-фани равнақига қандай таъсир кўрсатди?
2. Ал-Хоразмийнинг ишқ асари қандай номланади?
3. Устурлоб нима?
4. Хоразмийнинг «Зиж» асарида нечта жадвал мавжуд?
5. Хоразмийнинг географияга оид асарини биласизми?
6. Ал-Фаргоний меросини ўрганишдаги энг дастлабки манба қайси?

7. Ал-Фарғонийнинг яна қандай асарларини биласиз?
8. Ал-Хоразмий ва ал-Фарғонийнинг илмий ижодларини ўрганиши Мустақил Ўзбекистон истиқболи учун қандай аҳамиятга эга?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ал-Хоразмийнинг табиий-илмий қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Танланган асарлар»ини тўлалигича ўқиб чиқинг.
4. Ал-Фарғоний ва ал-Хоразмийларнинг астрономияга оид қарашларининг жаҳон фалакиётшунослиги ривожига таъсири мавзуси мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдиринг (3-илова).

3-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқ. Асарлар. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 1999.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Абдуҳалимов Б. «Байт–ал ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.:Тошкент ислом уни-верситети. 2004.
4. Аҳмедов А. Мусо ал-Хоразмий. //Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.– Б.36-44.
5. Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний//Маънавият юлдузлари.–Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б.44-49.

6. Бартольд В.В. Введение к изданию *Худуд ал-алам*. Сочинения: Т. 8. –М., 1973.
7. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. *Танланган асарлар*. –Т.: Фан, 1983.
8. Мухаммад ал-Хорезми. *Математические трактаты*. –Т., 1964.
9. Хайруллаев М.М. IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиши.//*Маънавият юлдузлари*.–Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. –Б.35-36.
10. Қодиров М. *Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар)*. –Т., 2010.
11. Юшкевич А.П. *Арифметический трактат Мухаммеда ибн Муса ал-Хорезми. Труды института истории естествознания и техники АН СССР, вып. 1.* –М., 1964.
12. Юшкевич А.П. *История математики в средние века.* –М., 1961.

6-МАВЗУ

АБУ ЮСУФ ЁҚУБ ИБН ИСҲОҚ АЛ-КИНДИЙ ВА ИБН РАВАНДИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда араб-мусулмон оламида биринчи соф файласуф мақомига эга бўлган Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг фаолияти, унинг оламнинг беш асоси тўғрисидаги таълимоти, шунингдек, Ибн Равандийнинг танқидий қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; Ал-Киндий ва Арастуларнинг борлик ҳақидаги қарашларини қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Куфа, Сукрот, Птолемей, Пифагор, «Табақотул атбо», муътазила, «Беш моҳият ҳақидаги китоб», руҳ, ақл, жавҳар, илоҳий, модда, шакл, макон, ҳаракат, замон, Ибн Равандий, Аҳмад ибн Таййиб Серахсий, диний шубҳа, «Раддиялар», «Китоб ал-интисор», «Китоб аз-зумрруд», рисолат, танқид, Ибн ал-Муртазо, дуалистлар, рофизийлар, ваҳий, ақл, хайр, шарр.*

Асосий саволлар

1. Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг фалсафий қарашлари.
2. Ибн Равандий ва муътазила эътиқоди. Илоҳиётга доир баҳслар.
3. Ибн Равандийнинг танқидий дунёқараши.

Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг фалсафий қарашлари (800-879)

Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий биринчи араб файласуфи ва ўрта асрларнинг йирик комусий олими эди. Ал-Киндийнинг ижоди Аббосий халифа ал-Маъмун ҳукмронлиги даврига тўғри келганлиги сабабли, унинг дунёқарашига муътазилийларнинг ақлга таянган ғоялари катта таъсир кўрсатган.

Ал-Киндий 801-йилда Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилиб, дастлабки таълимни ўз она шаҳри ва Басрада олган, ҳамда кейинчалик Бағдодда давом эттирган. У илмий билимларга, айниқса, юнон фалсафасига катта қизиқиш билан қараб, Арасту,

Птолемей, Пифагор, Сукрот, Жолинус ва бошқа файласуфларнинг кўп асарларини араб тилига таржима қилган ўзидан олдинги ўтган муаллифлар томонидан қилинган китоблар таржимасини қайта ишлаб, таҳрир қилган.

Ал-Киндий қаламига 272 асар мансуб бўлса ҳам, бизгача фақат унинг баъзи қисмларигина етиб келган.

Киндий фикрича, азалий нарса жинсга эга бўла олмайди. У жисмга ҳам эга эмас. Бу ҳақда Киндий Арасту ва Проклнинг оламни азалийлиги ҳақидаги ақидаларига қарши чиққан Искандариялик Яҳё Наҳавий фикрларидан фойдаланган. У диний мантиққа таяниб, худонинг ягоналигини исбот қилишга уринган.

Киндийнинг бизгача етиб келган асарларидан энг машҳур «Беш моҳият ҳақидаги китоб»дир. Унда қуйидаги фикрлар баён қилинган:

«Барча жавҳаларда бўладиган нарсаларга келсак, улар бештадирлар: биринчиси – модда, иккинчиси – шакл, учинчиси – макон, тўртинчиси – ҳаракат, бешинчиси – замон. Жавҳар бор бўлган барча нарсаларда модда мавжуддирки, ундан таркиб топгандир, шакл бордирки, биз уни кўрамиз ва у туфайлигина унинг ўзи бошқа нарсалардан кўринарли даражада фарқ қилади, макон бордирки, унинг ўзи унда маълум худудларда жойлашгандир (негаки, бирор-бир жисм йўқдирки, унинг мавжудлиги учун маълум жойда ва муайян худудларда жой тайёрланмаган бўлсин), шунингдек, ҳаракат бордирки, унинг туфайли у мавжуддир. Ҳаракат муайян макон ва муайян замондагина мавжуддир, негаки, замон ҳаракатнинг адади (сони)дир. Агар биз барча жисмларда ҳаракат борлигини ва ҳар қандай ҳаракат бир макондан иккинчиси томон юз беришини тушунтирсак, шу нарса аён бўладики, ҳар бир жисмда замон ҳам мавжуддир»¹⁷.

«Барча ашёлар моддадан таркиб топган. Модда – бу шундай нарсаки, ўзи йўқолмай, қарама-қаршилиқни қабул қилади».

Араб дунёсида шакл ҳақида биринчи бўлиб мулоҳаза юритган шахс ҳам ал-Киндийдир: «Оддий моддада қандайдир имконият (қобилият) бордирки, у туфайли моддадан ашёлар ташкил топади: шундай имконият шаклдир. Бу дегани, шакл ёки қобилиятдир... Мен айтаман: шакл-турдаги фарқ бўлиб, унинг туфайли у ёки бу нарса бошқа ашёлардан кўринишдан ажралиб туради».

¹⁷ Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. –М.: Соцэжгиз, 1961. –С.107-114, перевод А.В.Сагадеева.

Киндийнинг ҳаракат ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир: «Ҳаракат олти турга бўлинади: биринчидан, пайдо бўлиш, иккинчидан, йўқ бўлиш, завол топиш; учинчидан, бир нарсдан бошқасига айланиш; тўртинчидан, кўпайиш; бешинчидан, камайиш; олтинчидан, бир жойдан бошқа жойга силжиш».

Ислом дунёсига макон тушунчасини олиб кирган ҳам ал-Киндийдир: «Нимаики, жисми сиғдирса, биз уни макон деймиз, дарҳақиқат, баъзида сен бўш бўлган жойда ҳавони кўрасан, гоҳида эса, ҳаво бўлган жойда, сувни кўрасан. Бу шунинг учун юз берадики, сув кирганда, ҳаво чиқади. Аммо макон бундай ҳолатда қолади ва ёки бу нарсанинг йўқолиши билан у завол топмайди.

Макон мавжудлигининг моҳияти шундаки, у туфайли бошқа барча нарсалар ўзгаларидан фарқ қилади».

Дунёнинг таркибий тузилиши ва ундаги мавжуд тушунчаларни араб файласуфи ўзининг замон ҳақидаги мулоҳазалари билан яқунлайди:

«Ҳозир» ўтган замонни келгуси замон билан қўшади. Аммо улар ўртасида мавжуд бўлган «Ҳозир» узоқ вақтга чўзиладиган муддатга эга эмас, ва у биз унинг тўғрисида ўйлаганимизча, олдинроқ ўтиб кетади. Демак, бу «Ҳозир» замон ўртасида бирор нарса тасаввур қилинса, бу билан биз улар ўртасида замон борлигини тасаввур қиламиз. Бу эса, шундан далолат берадики, замоннинг маъноси «аввал» ва «кейин»дан бошқа нарсада ифодаланмайди ва у муддатдан бошқа нарса эмас. Демак, замон ҳаракатни ҳисоблайдиган муддатдир.

Ал-Киндийнинг буюк хизмати шундан иборат эдики, биринчи марта инсониятнинг араб дунёсига маълум бўлмаган ақлий тафаккур намуналарини араб тилида баён қилиш билан кейинги даврда араб тилидаги илмий йўналишларга катта туртки берди. Натижада Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино ва бошқа йирик олимлар бу соҳада юксак даражаларга эришдилар.

Ибн Равандий ва муътазила эътиқоди. Илоҳиётга доир баҳслар

Ислом дунёсига IX асрда озод баҳс юритиш муҳитида шакланган фалсафий бедорлик давом этди. Аҳмад ибн Таййиб Серахсий (899 й. қатл эт.) томонидан динга шубҳа билдирилди. У устоз ал-Киндий каби муътазила оқимига тамойили кучли бўлганлигидан ақлни асосий меъёр қилиб олган эди. Бу масалада ундан ҳам

сўлроқ бўлган Ибн Равандий (ваф. 910) диний шубҳага хатарли даражада яқинлашди.

Ахмад ибн Яхё Абул Хусайн ибн Равандий машхур илоҳиётчи бўлиб, умри давомида ўз диний-сиёсий қарашларини бир неча бор ўзгартирган шахс сифатида майдонга чиқди. У Марварудда туғилган бўлса ҳам, Бағдодда ўсган ва муътазилий Бишр ибн ал-Муътамир (825й. ваф.эт.) ва унинг илоҳиёт мактабининг мухлиси бўлган эди. Ибн Равандий ўзининг биринчи асарларини муътазилийлар эътиқодини тарғиб қилишга бағишлади. Баъзи мусулмон муаллифларининг фикрича, у кейинчалик муътазилий эътиқодидан қайтиб, «худосизлик»ка юз тутган, яъни мулҳид бўлган. Муътазилийлар ундан юз ўгириш билангина чегараланмай, ҳокимиятга арз қилиб, уни жазолашни сўрашган. Ибн Равандий қочиб мажбур бўлиб, Куфадаги бир яҳудийнинг уйига яширинишга мажбур бўлган.

Ибн Равандийнинг танқидий дунёқараши

Қирқдан кўп асарлар муаллифи бўлган Ибн Равандий, уларнинг кўпчилигини муътазилийлар ва умумий мусулмончилик ақидаларини рад қилишга бағишлаган. Ўз навабагида, турли илоҳиёт мактаблари ва йўналишларига мансуб бўлган мусулмон илоҳиётчилари (ал-Ҳаййот, ал-Ашъарий, ал-Жуббой ва бошқалар) Ибн Равандий қарашларига қарши кўплаб «Раддиялар» ёзишган. Ана шундай «Раддиялар» туфайли (аввало ал-Ҳаййотнинг «Китоб ал-интисор») Ибн Равандийнинг учта асаридан келтирилган парчалар, жумладан, «Китоб аз-зумурруд»дан бир бўлак сақланганки, уларда пайғамбарликка, жумладан, Муҳаммад (САВ) рисолатига нисбатан танқидий фикр юритилган. Уларда пайғамбарлик мўъжизалари рад этилиб, ҳатто Қуръонда келтирилган баъзи диний ақидалар ақлга мувофиқ келмаслиги таъкидланган.

Ибн Надим Ибн Равандийнинг асарларини санаб ўтиб, уни ягона худога ишонувчилар ақидасини рад қилишда айблаган.


Бу муаллифнинг таъкидлашича, Ибн Равандий қалам ҳақи олиш учун яҳудийлар, христианлар ва дуалистлар учун ҳам асарлар ёзган. Рофизийлар учун имомат ҳақида ёзган рисоласи учун, улардан ўттиз динор иш ҳақи олган.

Ибн Равандий ваҳийни зарурий нарса ҳисоблаган. Унинг фикрича, инсон ақли билан худони танишга, хайр (яхшилиқ) билан шарр (ёмонлик)ни бир-биридан фарқ қилишга қодир. Унинг ақидасига кўра, Қуръон ҳам бадийий жиҳатдан бошқа арабча асарлардан беназир ва тенги йўқ ижод намунаси эмас. Ундан зўр мазмундаги асарларни ҳам ёзиш мумкин¹⁸.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Ал-Киндийнинг оламнинг беш асоси тўғрисидаги таълимоти



¹⁸ Қаранг: .۷۰۰ ص. /ابن ندیم فهرست، ص. ۷۰۰. /Ибн Надим. Феҳрист. –Б.35.

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Ал-Киндийнинг араб-мусулмон дунёсида тутган ўрни қандай?
2. Ал-Киндий қайси файласуфларнинг асарларини араб тилига таржима қилган?
3. Ал-Киндийнинг борлиқ фалсафасида оламнинг асосини нима ташкил этади?
4. Ал-Киндийнинг ҳаракат тўғрисидаги таълимоти қайси Фарб файласуфи қарашларига яқинроқ?
5. Ал-Киндийнинг Шарқ фалсафаси ривожига қандай ҳисса қўшган?
6. Ибн-Равандий Шарқ фалсафаси тарихида қандай из қолдирди?
7. Нима учун Ибн Равандий динга шубҳа билан қаради?
8. Ибн Равандий фикрича, билишнинг энг ишончли воситаси нима?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ал-Киндийнинг борлиқ фалсафаси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. «Ибн Равандий қарашларига менинг муносабатим» мавзусида фалсафий эссе ёзинг.
4. Ибн Равандий ва Порфирийнинг фалсафий қарашларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу мазмунда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзуга оид кластер тайёрланг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Аль Фараби. О разуме и науке. – Алма-Ата.:Наука, 1975.
3. Ислам. энциклопедический словарь. – М.:Наука. 1991.
4. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. –М.:Соцэкгиз, 1961.
5. Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. –М., 1960.

6. *Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане.* –Т.: Фан, 1976.
7. *Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Книга издана координационным бюро Фонда им. Фридриха Эберта по Центральной Азии.* – Алматы: Фонд «XXI век», 1999.
8. *Наср Х.С. Ислолда илм-фан ва цивилизация.* –Гарвард. 1968 (инглиз тилида).
9. *Ибн Надим Ал-Фехрист.* 216-217.(араб тилида).
10. *Ал-Хаййот, Абул Хусайн Абдураҳим ибн Муҳаммад. Китоб ал-интисор ва-р-радд ала Ибн ар-Равандий ал-мўлҳид.* – Бейрут. 1957 й. 22-38 бетлар (араб тилида).

7-МАВЗУ

АБУ БАКР МУҲАММАД ЗАКАРИЁ АР-РОЗИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Шарқ табиатшуноси ва файласуфи Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё Розийнинг фаолияти, унинг борлиқ ва ахлоққа оид қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш, унинг ушбу қарашларини Пифагор ва Афлотун таълимотлари билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё Розий, табиатшунослик, кимё, табобат, Рей, Бағдод, «Табобатга доир барча нарсаларни қамраб олувчи китоб», «Сиррул-асрор», категориялар, бурҳон, илоҳий фалсафа, мутлақ, жузъий, замон, макон, жон, руҳ, жисм, холиқ, бирламчи модда, азалий, манба, жавҳар, ақл, сураат, шакл.*

Асосий саволлар

1. Розийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.
2. Розий асарлари.
3. Розийнинг фалсафий қарашлари.

Розийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти (865-925)

Шарқ халқларининг илмий табиатшунослик ва фалсафий фикрлари ривожига катта ҳисса қўшган ўрта аср мутафаккирларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 865 йилнинг 28 августида Рей шаҳрида (Эрон) туғилган. Ёшлик йилларида адабиёт, шеърят ва мусиқа билан шуғулланган. Кейинчалик фалсафа, риёзиёт, астрономия, алхимия ва табобатни ўрганишга ружуъ қўйган. Ар-Розий йигитлигидаёқ табобат бобида машҳур бўлиб, «ўз даврининг Жолинуси» таҳаллусига сазовор бўлган. Бир қанча вақт Рей ва Бағдод шаҳарларидаги касалхоналарни бошқарган. Унинг машҳур «Табобатга доир барча нарсаларни қамраб олувчи китоб» асари ўша давр табобат илмининг қомуси бўлган. Розийнинг бир мунча муддат Мовароуннаҳрда яшаб, бу

ўлканинг илмий доиралари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатгани ва бир неча шогирдларга эга бўлганлиги маълум.

Унинг илмий ижоди кейинчалик Беруний ва бошқа буюк мутафаккирлар ижодига баракали таъсир ўтказган. Ҳаётининг сўнгги йилларини ўз юртида ўтказган Розий 925 йилнинг 26 октябрида Рейда вафот этган.

Розий кимё фанида ҳам забардаст олим бўлиб, машҳур «Сиррул-асрор» («Сирлар сири») китобини ёзган.

Розий асарлари

Риёзиётни истисно этганда, Розий табиатшунослик ва ижтимоий соҳаларда 200 га яқин асар ёзган. Фалсафага доир асарлари рўйхати қуйидагича:

1. Мантиқий рисоалар мажмуаси. Унда категориялар, бурхон (далил, исбот) ва мантиққа кириш (исоғучи) ҳақида баҳс ва каломда мантиқни қўллаш тўғрисида фикрлар мавжуд.

2. Илоҳий фалсафага оид рисоалар мажмуаси.

3. Мутлақ ва жузъий ҳақоло (субстанция, модда).

4. Бўшлиқ, тўлалик, замон ва макон.

5. Самойе табиий (табиат овози китоби).

6. Жаҳон яратувчи ҳакимга эғалиги ҳақида.

7. Жисмларнинг азалийлиги ва фонийлиги ҳақида.

8. Прокл таълимотига раддия.

9. Плутархнинг табиатшуносликка доир қарашлари ҳақида.

10. «Тимей» китобининг тафсири.

11. «Тимей» китобига Плутарх қилган тафсир ҳақида.

12. Жисм ўз зотига кўра, ҳаракатда эканлиги ва ҳаракат табиатнинг ибтидоси эканлиги ҳақида.

13. Тибби руҳоний (руҳий даволаш).

14. Фалсафий йўл-йўриқлар.

15. Жон ҳақида китоб.

16. Имом Маъсум айтганлари ҳақида.

17. Муътазила қарашларининг танқид ва таҳлили ҳақида.

18. Илми илоҳий Афлотун нуқтаи назаридан.

19. Илми илоҳий Сукрот нуқтаи назаридан.¹⁹

¹⁹ Қаранг: Можед Фаҳрий. Ислом оламида фалсафа давони. –Б.115-116.

Розийнинг фалсафий қарашлари

Розийнинг фалсафий қарашларини ўрганишга унинг уч фалсафий рисоласи манба бўлиб хизмат қила олади: «Китоб тибб ар-руҳоний» («Рухий даволаш китоби»), «Китоб сийрат ал-фалсафийа» («Фалсафий ҳаёт тарзи ҳақида китоб») ва «Мақола фи аморат иқбол ва ад-давлати» («Бахт-саодат ва бойликка эришиш йўллари ҳақида рисола»).

Розий борлиқ ва дунёнинг тузилиши ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Бу беш нарса (ҳолиқ, рух, бирламчи модда, макон ва замон) ҳақиқатда мавжуд бўлган дунёнинг зарурий манбалари (тағзамини)дир. Негаки, ундаги ҳис-туйғу орқали қабул қилинадиган нарса – (ҳар хил) шаклларни қабул қилувчи, (турли-туман) қўшилувдаги бирламчи моддадир»²⁰. (1-илова).

Розийнинг дунёнинг азалийлиги ҳақидаги қарашларини биз унинг қарашларини шиддатли танқид қилган Носир Хисравнинг «Зод ал-мусофирин» («Мусофирларнинг озуқа халтаси») асаридан топамиз:

«Дарҳақиқат, бирламчи модда азалийдир, негаки, нарсаларнинг бошқа нарсалардан пайдо бўлишининг имкони йўқ, махсусан агар у жисм бўлса, чунки, ақл бундай таълимотни қабул қилмайди»²¹.

Розийнинг ахлоққа бағишланган энг машҳур асари «Тибби руҳоний» эди. Унинг фикрича, мусиқа «тибби руҳоний» бир томондан, бадан тарбия (тибби жисмоний) иккинчи томондан бир-бири билан муътадил равишда қўшилганда кишининг руҳий ва нафсоний ҳолатини яхшилайдди.

Замон тўғрисидаги таълимотида ҳам Розий Арастуға қарама-қарши бўлган фикрда турган. Унинг ақидасича, рух худо, ҳаюло ва замон каби азалийдир. У бу жаҳоннинг замонда яратилганлигини ва унинг фонийлигини тан олади. Афлотун эса, унинг яратилганлигини ҳамда абадийлигини тан олади. Шунга бинсан, қайд этиш лозимки, Розий Афлотун каби рухнинг ва худонинг азалийлигини ўз-ўзидан ошқора ҳодиса ҳисоблайди.

²⁰ Абу Райхан Беруни. Избранные произведения (Танланган асарлар). Том 1. –Т., 1957. –С.288.

²¹ Насири Хисрав. Зод ал-мусофирин. –Берлин, 1935. –С.74. (форс тилида).

Азалийми, абадийми бўлишидан қатъий назар, рухнинг борлиги ва унинг жисм бандлигидан озод бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўрни шу билан белгиланмасдан, бунда фалсафанинг ҳам рухни тоза тутишида белгиловчи хусусияти борлигини таъкидлайди. Бу фикрда Афлотун ва Пифагор қарашларининг таъсири ошкора сезилиб турибдики, уларда исломга муҳолиф бўлган ваҳий ва у билан боғлиқ бўлган пайғамбарлик тушунчасига жой йўқ. Дарҳақиқат, Розий ақлий далилларни гувоҳга чақириб, худо билан инсон ўртасида воситачилик қиладиган пайғамбарлар рисолатини рад этади. Пайғамбарларни умматлар ўртасига нифоқ солувчи шахслар сифатида зиён келтиришлари мумкинлигини таъкидлайди²². Унинг қарашлари танқидига бир неча мусулмон илоҳиётчилари ўз асарларини бағишладилар. Жумладан, Абу Ҳотам Розий (ваф. 321/933) ва Носир Хисрав (XI) уни кофирликда айбладилар.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Розийнинг борлиқ ҳақидаги назарияси



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

²² Берунийнинг таъкидлашича, Розий бу масалага доир «Ибтол ул-нубувват» ва «Уюб ул-анбиё» («Пайғамбарлар айби») номли рисолалар ёзган: Қаранг: Kraus P. Epite de Beruni. –Paris, 1936. –P.20.

1. Розийнинг араб-мусулмон фалсафасида тутган ўрни қандай?
2. Розий қайси фанларни чуқур ўрганган?
3. Розийнинг шоҳ асари қандай номланган?
4. Розийнинг борлиқ фалсафасида оламнинг асосида нима ётади?
5. Унинг борлиқ тўғрисидаги қарашлари қайси ғарб файласуфи таълимотига яқинроқ?
6. Розийнинг ахлоққа оид қарашлари унинг қайси асарида ўз ифодасини топган?
7. Розийнинг фалсафий дунёқарашига қайси файласуфларнинг таъсири катта бўлган?
8. Нима учун Розий Абу Ҳотам Розий ва Носир Ҳисравлар томонидан кофирликда айбланган?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Розийнинг борлиқ фалсафаси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан интернет маълумотларини топинг ва махсус комплекс иш тайёрланг.
4. Розий ва Афлотуннинг замон, макон ва руҳ тўғрисидаги қарашларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу мазмунда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдириш (2-илова).

2-илова

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. *Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т.1. – Т., 1957.*
2. *Абдухалимов Б. «Байт–ал ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.: Тошкент ислом университети. 2004.*
3. *Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). – Т.:ГДШИ наириёти. 2010.*
4. *Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. – М., 1960.*
5. *Ислом, тарих ва маънавият. – Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси наириёти. 2000.*
6. *Каримов У.И. Неизвестное сочинение ар-Рази («Книга тайны тайн»). – Т., 1957.*
7. *Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т.:Фан, 1976.*
8. *Насири Хисрав. Зод ал-мусофирин. – Берлин. 1935.*

8-МАВЗУ

ИСМОИЛИЙЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда VIII аср ўрталарида Шарқда пайдо бўлган исмоилийлар фалсафаси, унинг намояндалари ва фалсафий қарашларига оид тушунчалар ҳосил қилиш, ушбу таълимотдаги ғояларни, хусусан, борлиқ эманацияси назариясини антик давр файласуфлари қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиш ҳамда объектив хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *шиалик мазҳаби, Аббосийлар сулоласи, Жаъфар ас-Содиқ, ал-қарматия (қарматлар), «яширинган» имомлар, ад-даъва, низорийлар, Ҳасан ибн ас-Сабоҳ, ад-даъват ал-жадид, ад-даъват ал-қадим, христиан гностицизми, ал-гайб таъоло, «мутлақ худо», умумий ақл, умумий руҳ, ҳаюло, макон, замон, комил инсон, эманация, макрокосм, Қоим (Имом Маҳдий).*

Асосий саволлар

1. Исмоилийлар эътиқодининг келиб чиқиши.
2. Қарматийлар шаҳобчасининг вужудга келиши.
3. Исмоилийларнинг фалсафий қарашлари.

Исмоилийлар эътиқодининг келиб чиқиши

VIII аср ўрталарида исломдаги шиалик мазҳабининг ички парчаланиши натижасида исмоилий эътиқодий оқими ажралиб чиқди. Аббосийлар сулоласининг 750 йилдаги ғалабаси, яъни ҳокимият тепасига келиши шиа ҳукмрон доиралари томонидан Муҳаммад (САВ) хонадонининг ғалабаси сифатида қабул қилинган бўлса ҳам, аммо шиаларнинг мурасасиз гуруҳлари халифаларга қарши кураш олиб бориш мақсадида алоҳида эътиқодий гуруҳга бирлашган эдилар. Уларнинг кўпчилиги еттинчи имом сифатида Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли Исмоилни тан олдилар. Аммо Исмоил отаси ҳаётлигида оламдан ўтганлиги туфайли, унинг ўғли Муҳаммадни тан олдилар. Имомий шиаларга қарама-қарши ўларок, имомликни Исмоил авлодларида қолдириш тарафдорлари бўлганлар ўзларини исмоилийлар, деб атадилар.

Муҳаммад ибн Исмоил вафотидан кейин, улар ўртасида яна парчаланиш юз берди. Айрим тоифа уни охириги еттинчи имом (ас-сабиъ – «еттинчи»), деб ҳисобладилар ва замон охирида уни ал-Қоим (Имом Маҳдий) сифатида қайтишини кутишга қарор қилдилар.

Қарматийлар шаҳобчасининг вужудга келиши

IX асрнинг иккинчи ярмида исмоилийларнинг бу шаҳобчаси ал-қарматий (қарматлар) номини олди. Аббосийлар таъқибидан Сурия, Хуросон ва бошқа жойларга қочган ушбу фирқа аъзолари Муҳаммад ибн Исмоил авлодларини расман тан олиб, уларни «яширинган» имомлар, деб атадилар ва улар номидан жўшқин ташвиқот (ад-даъва) олиб бордилар.

Шимолий Африкада 909 йилда Фотимийлар ҳокимият тепасига келгунча бўлган барча кейинги давр, исмоилийлар ҳаракати тарихида «яширин» (ас-сатр) давр, деб аталди. Бу оқим тарафдорларини X аср бошидан бошлаб Фотимий Исмоилийлари, деб аташди. «Яширинган» имомнинг турар жойи қатъий сир тутилганлиги сабабли, узоқ вақт давомида қарматлар билан исмоилийлар ўртасида катта тафовут йўқ эди. Баъзи тадқиқотчилар фотимийларгача бўлган даврни исмоилийлар ҳаракатининг «Қарматий босқичи», деб ҳисоблайдилар²³.

Халифа ал-Мустансир вафотидан (1094 й.) кейин олий ҳокимият учун кураш бошланганлиги оқибатида исмоилийлар ўртасида вужудга келган парчаланиш оғир оқибатларга олиб келди. Шарқий исмоилийлар орасида вужудга келган парчаланишнинг ҳам оқибатлари ёмон бўлди. Шарқий исмоилийлар ёки низорийлар(халифанинг катта ўғли Низор тарафдорлари) Фотимийлар халифалигига кирмаган Эрон, Сурия ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида кўпчиликни ташкил этар эдилар.

Исмоилийлик, кейинчалик эса, қарматийлик ислом мазҳабий оқимлари ичида етарли даражада мураккаб бўлган ўз илоҳиёт ва фалсафий тизимини ишлаб чиққан ягона ташкилий уюшма эди.

²³ Қаранг: Хайруллаев М.М., Усманов М.А. Проникновение Ислама в Среднюю Азию и последующая идеологическая борьба. //Очерки истории общественно – философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1977. –С.34-35.

Исмоилийларнинг фалсафий қарашлари

Исмоилийларнинг ақидаси Афлотун, Арасту, янги афлотунчилик, янги пифагорчилик, христиан гностицизми таълимотлари таъсирида шаклланган мураккаб тизимни ташкил этган (1-илова). Бу тизимга биноан барча мавжуд нарсаларнинг ягона ибтидоси олий сир (арабча – ал-ғайб таоло) бўлиб, уни таърифлаб ҳам, билиб ҳам бўлмайди. У бирор-бир сифатга эга бўлмаган, аммо абадий сокинликда турувчи зот, яъни «мутлақ худо»дир. У ижодий жавҳарни ўзидан ажратади, у эса, ўз навбатида умумий ақл (арабча – ақл ал-кулл) бўлиб, худонинг барча сифатларига эгадир.

Умумий ақл ўзидан нур чиқариб (эманация) умумий рухни (арабча – нафс ал-кулл) пайдо қилади.

Мукамалликка эришмаган Умумий рух ўз навбатида ўзидан нур чиқариб (эманация) – бирламчи моддани (арабча – ҳаюло) вужудга келтиради. У эса, – ер, осмон ва барча тирик мавжудотларни яратади. Эманациянинг кейинги босқичларида макон, замон, комил инсон вужудга келади. Шундай қилиб эманациянинг етти босқичи ташкил топади.

Етти босқич умумий жиҳатга эга бўлиб, макрокосмга ҳам (коинотга), инсон оламига ҳам тааллуқли эди. Пайғамбарлар ва уларнинг ёрдамчилари ҳам еттита бўлганлар, негаки, инсоният тарихи пайғамбарликнинг етти даврийлик замонидан, яъни Одам Ато, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад алайҳиссаломлар ва келажакда келиши кутилаётган Қоим (Имом Маҳдий) тушунчасидан иборат эди.

Исмоилий ички ташкилотининг поғоналари ҳам еттита: нотик, сомит, барча исмоилийлар бошлиғи-имом, минтақа, вилоят бошлиқлари – ҳужжа, маҳаллий ташкилот раҳбарлари-доъий, сирли таълимотни ўрганишга рухсат этилган ташкилот аъзоси – мазун, ва ниҳоят, сирли таълимотни ўрганишга рухсат этилмаган, ташкилотга янги кириб келган оддий аъзо-мустажот эди.


Умуман, исмоилийлар таълимотига келганда, у иккига: зоҳирий (ташқи)-очиқ ва ботиний (ички) –маҳфий таълимотга бўлинади. Зоҳирий таълимот шиаларнинг умумий таълимотидан кам фарқ қилади, у фирқанинг маҳфий таълимотидан беҳабар бўлган оддий исмоилий оммасига мўлжалланган. Ботиний таълимотни мовароуннаҳрлик ан-Насафий (ваф. 942й.) асослаб берган. Унга кўра, мутлақ

худо ўзидан куйи бўлган 7 та ноғонани ажратади (эманация), яъни: мутлак худо, олабий ақл, олабий жон, бирламчи модда, фазо, вақт ва комил инсон (яъни пайғамбар). Камолотга эришган инсон (ал-инсон ал-комил), исмоилийлар таълимоти бўйича, ўзида «олабий ақл»ни акс эттирган нотик (гапирувчи) бўлиб, у пайғамбар мақомида бўлади ва вахийни инсонларга етказиб беради, ўзида «олабий жон»ни акс эттирган сомит (жим турувчи) эса, оятлардаги ботиний мазмунни тушунтириб беради²⁴.

Исмоилийлар таълимоти, хусусан, қарматийлар мафқураси ислом динининг ўта сўл маслаги бўлган. Ўрта аср тафаккурининг йирик намояндалари Абул Ало ал-Маърий, Рудакий, Ибн Сино ва бошқаларга қарматийлар мафқураси таъсир кўрсатган. Машҳур шоир ва мутафаккир Носир Хисрав эса, исмоилийларнинг йирик намояндаларидан бири эди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова



²⁴ Қаранг: Ислом, энциклопедия (А-Х). –Т:«Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. 2004. –Б.125.

Мавзунни ўзлаштириш учун саволлар

1. *Исмоилийлар этиқоди қандай пайдо бўлди?*
2. *Қарматийлар кимлар эди?*
3. *Исмоилийлар ақидасига қайси таълимотлар таъсир кўрсатган?*
4. *Исмоилийлар фалсафасига кўра, оламнинг яғони ибтидоси нима?*
5. *Исмоилийларнинг борлиқ тўғрисидаги қарашлари гарбнинг қайси таълимотларига яқинроқ?*
6. *Исмоилийларнинг борлиқ эманацияси неча босқичдан иборат эди?*
7. *«Комил инсон» тушунчаси исмоилийлар фалсафасида қандай изоҳланади?*
8. *Мазкур оқим вакилларида кимларни биласиз?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Исмоилийлар фалсафасида эманация тушунчаси» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 15та блиц-савол ва 15та тест тайёрланг.
4. Исмоилийлардаги эманация (тажаллий) назариясини янги афлотунчилик таълимоти билан қиёсий таҳлил қилинг ва уларни қуйидаги жадвал асосида ёритиб беринг (2-илова).

2-илова

	<i>Янги афлотунчиликка кўра...</i>	<i>Исмоилийлар фалсафасига кўра ...</i>
<i>Мутлақ худо</i>		
<i>Ақл</i>		
<i>Жон</i>		
<i>Бирламчи модда</i>		
<i>Фазо</i>		
<i>Вақт</i>		
<i>Комил инсон</i>		

Адабиётлар

1. Ислам, энциклопедия (А-Х). –Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. 2004.
2. Қодиров М. Марказий Осиё. Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафакқури (ўрта асрлар). –Т.: ТДШИ нашриёти. 2010.
3. Григорян С.М. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. –М., 1960.
4. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
5. Исмаилов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX-XV вв. –Душанбе: Издательство «Дониш». 1986.
6. Хайруллаев М.М., Усманов М.А. Проникновение Ислама в Среднюю Азию и последующая идеологическая борьба. // Очерки истории общественно – философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1977.
7. Петрушевский И.П. Ислам в Иране. – Л., 1966.

9-МАВЗУ

НОСИР ХИСРАВНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрлар Шарқида яшаб, ижод этган шоир ва мутафаккир Носир Хисравнинг фалсафий қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш, шунингдек, уларда Шарқ ва Ғарб фалсафий мактаблари таълимотларидаги гуманистик ғояларни қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Фотимийлар (909-1171), Улмавийлар (912-1031), Носир Хисрав, «қидирувчи-топувчидир», «Зод ал-мусофирин» («Мусофирларнинг сафар озуқаси»), «Икки донишмандлик уйғунлиги».*

Асосий саволлар

1. Носир Хисравнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Носир Хисравнинг фалсафий қарашлари.

Носир Хисравнинг ҳаёти ва ижоди (1004-1088)

Хисрав ўғли Абу Муин Носир 1004 йилда Қабодиён шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. Номидан маълумки, бу шаҳар афсонавий шоҳ Қай Кубодга («Шоҳнома»да куйланган) бориб тақалади. XX асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган қазилмалар гувоҳлиги, бу шаҳар қадимги маданий марказлардан бири бўлган.

Амударё билан қарвон йўли кесишган жойдаги бу шаҳар XI асрларда фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билангина машҳур бўлмай, балки савдо-сотик ҳамда ҳунармандчилик ҳам тараққий топган жой эди. Қубодиённинг қолдиқлари ҳозирги Тожикистоннинг Носир Хисрав шаҳри четларидадир.

Носир ёшлигиданоқ мактабда ўқиб, жуда яхши билим олади. Сўнг Марвга бориб билимини оширади ва мустақил равишда илмий китоблар мутолаа қилади. У фалсафа ва математика фанларини ҳам чуқур ўрганади. Шеърятга қизиқади ва ўзи ҳам шеър ижод қилади. 26 ёшларида Носир Балхга келади ва Махмуд Ғазнавий саройига дабирлик хизматига киради. Сўнграқ у Марвда

салжук давлат идораларидан бирида хизмат қилади. Аммо бу вақтда унинг олимлик ва шоирлик шухрати ҳам ёйила боради.

Носир Хисрав бу даврда улуг ватандошлари Абу Али Ибн Сино ва Форобий асарларини чуқур ўрганади ҳамда бутун умрга уларнинг содиқ шогирди ва давомчиси бўлиб қолади. Бундан ташқари, у қадимги дунё файласуфлари Суқрот, Афлотун, Арасту таълимотини ўрганиш билан шуғулланади. У ўша даврдаги илму фаннинг бошқа ҳамма соҳалари билан ҳам чуқур танишади ва улардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шоирнинг ўзи бу ҳақда:

*Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекор ўтказмадим умримни бир дам...
Қайдаки эшитсам илму донишдан
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам...
Бўлади кўпли-оз фойдаланганман,
Умримда бирор илм қолмади, десам.*

Билим доираси шу даражада кенгайган шоирни энг юкори материя – инсон мияси ва унинг маҳсулоти ақл-идрок, онг ҳақидаги фалсафий масалалар ҳам, ўша давр ақидаларнда оддийгина кўринган турли мансабдаги ва турли мутахассисликдаги кишилар орасидаги муносабатлар ҳам қизиктиради. У оламнинг туғилиши, дунё асослари, уни ҳаракатга келтирувчи кучлар, хаёт бойликларининг ижодкорлари – меҳнат аҳлининг аҳволи ҳақида чуқур мулоҳазаларга боради.

Мутафаккир 1045 йил декабрида сафарга чиқиб, 1052 йил октябрга – 7 йил саёҳат қилади. бу сафарда у мусулмон шарқининг деярли ҳамма ўлкаларини, жумладан, Озарбайжон, Кичик Осиё, Сурия, Ҳижоз ва бошқа ўлкаларни кўради. Тўрт марта Маккада ва уч марта Мисрда бўлади. Бу вақтда Мисрда қармат ва исмоилия деб аталган мазҳаб ҳукм суради, давлат ҳам фотимийлар қўлида эди. Бу оқимларнинг бошланиш даврида мулкий тенглик ва меҳнатни улуглаш каби ижобий жиҳатлари мавжуд эди. Носир Хисрав бутун қайноқ қалби, эҳтироси билан меҳнаткаш халқ аҳволини яхшилайдиган, дунёда ҳақиқат ўрнатадиган йўлни излар экан, унга исмоилия таълимоти бирдан-бир тўғри йўл бўлиб кўринади. Бу саробнинг мустаҳкамланишига чуқур ижтимоий сабаблар бор эди, албатта.

Салжук урушларидан бўшамаган, ўзаро низолардан тинчимаган Ўрта Осиёга нисбатан Мисрда ўша вақтда мустаҳкам мар-

казий давлат мавжудлиги ва шунинг натижасида халқ ҳаётида маълум даражада турғунликнинг борлиги туфайли иқтисодий ва маданий ҳаётнинг, илму ҳунарнинг тараққий этишига тузукрок шароит мавжуд эди.

Шоир Мисрга бормасдан олдин солиқ йиғувчи бўлиб ишлар экан, халқнинг қашшоқлигини, меҳнатқашнинг аянчли аҳволини кўради, бунга сабаб бўлаётган салжук султонларини «дашт бўрилари» деб атади.

Сомонийлар даври унга идеал ўтмиш бўлиб кўринади.

*Сомон олидан бўш қолгач Хуросон,
Фаровон ҳаётдан қолмади нишон.*

Мисрга келгач эса, Носир Хисравнинг бу норозилиги янада ошиб, она юртида собит бир тартиб йўқлигига ўкинади. Унинг кўзига Миср гуллаб, яшнаб турган мамлакат бўлиб кўринади.

У Қоҳирада 1047 йилнинг охирида халифа Мустансирнинг ўғил кўриш муносабати билан бўлган маросимда ҳам иштирок этади, замона имоми ҳисобланган фотимийлар халифаси Мустансирнинг ҳам қабулида бўлади.

Баъзилар Носир Хисрав ҳақида гапириб, «У олим киши эди ва таҳаллуси «Хужжат», чунки у мунозараларда ҳужжат келтиришга уста эди», дейдилар.

Шундай қилиб, Носир Хисрав илгари исмоилия ғоялари билан таниш, унга хайрихоҳ бўлса, эндиликда бутун вужуди билан унга берилиб кетади. Ватанига қайтиб келгач, шоир қарматчиликнинг жўшқин тарғиботчисига айланади, мутаассиб уламоларга қарши чиқади. Уларга номалар юборади, халқ йиғинларида оташин нутқлар сўзлайди, атрофига шогирдлар тўплаб, уларга ваъзлар ўқийди.

Сафардан қайтгач, шоир бир неча вақт Балхда яшайди, аммо унинг сиёсий ва маънавий кучини кўрган ва ўша даврда жорий тузумга унинг нечоғлик хавfli рақиб эканлигини тушунган ислом уламолари уни «кофир» деб эълон қиладилар, салжук ҳукмдорлари буюк мутафаккирни қувғинга учратадилар.

Носир Хисрав Балхдан Мозандаронга ўтади, шаҳарма-шаҳар юриб, ўз ватанининг ҳеч бир ерида тинч, осойишта ҳаёт топа олмайди. Охири Бадахшон тоғлари бағридаги Юмғон кишлоғига бориб истиқомат қилишга мажбур бўлади. У ерда шоирнинг

хаёти жуда оғир шароитда ўтганлиги маълум. Баъзи ривоятларга кўра, у ғорда яшаган.

Ҳақиқатан ҳам бир неча йиллик жўшқин фаолияти натижа-сида Носир Хисрав Юмғонни Хуросон ҳужжатиининг қароргоҳига айлантириб юборди. Ҳатто халқ уни Шоносир деб ҳам атарди. Юмғонда у даъватномалар ёзди. Миср фотимийлари билан доимий алоқа қилиб турди. Фалсафий ва бадий асарларининг кў-пини ҳам шу ерда ёзди.

У қийин ҳаёт йўлини босиб ўтишига қарамай, жуда кўп асар-лар ёзди. Улардан бизгача етиб келганлари «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин», «Важҳи дин», «Саодатнома», «Рушинонома», «Шеърлар девони», «Жомиул ҳикматайн» ва бошқа асарлардир.

Меҳнат аҳлининг қайноқ дўсти, озодлик курашчиси ва ҳақи-кат изловчи шоир Юмғонда 20 йил яшаб, ғоявий-сиёсий кура-шини ва ижодий ишини давом эттиради. Бу ажойиб инсон 1088 йилда Юмғонда вафот қилади ва шу ерда дафн этилади.

Носир Хисравнинг фалсафий қарашлари

Носир Хисрав «қидирувчи-топувчидир», деган иборани қай-таришни яхши кўрар эди. Носир Хисрав бутун умри давомида, ўзлигини унутиш даражасида, ҳақиқат қидирди.

Носир Хисравнинг фалсафий асарларидан иккитаси ҳамма-сидан кўра кўпроқ диққатга сазовордир: «Зод ал-мусофирин» («Мусофирларнинг сафар озуқаси») ва «Икки донишмандлик уйғунлиги».

Ҳар икки асарда кўтарилган асосий масала инсон фикрининг буюклиги ҳақидадир. Икки донишмандлик – бу қадимги юнон фалсафаси (юнон донишмандлиги) ва қарматийлик илоҳиётидир. Носир Хисрав уларнинг бир-бирига қарама-қарши эмаслигини исботлашга уринади. Унинг фикрича, қарматийлик тизимигина ягона ғоя бўлиб, Сукрот, Афлотун, Эмпедокл, Пифагор ва Арасту каби мутафаккирларнинг фалсафий фикрлари моҳиятини тўғри талқин қилади ва ривожлантиради.

Носир Хисрав фикрича, дунёдаги ҳамма нарса ўзгаришда ва ҳаракатда бўлиб «оқин сувдек» ҳолатдадир. Пайдо бўлган нарса эскиради ва ҳалок бўлади, аммо тескари ҳаракат йўқ, ҳаракат дунёни фонийликка олиб бормади, балки янгини туғилишига ва

нашгу намога олиб келади. У ўзининг шеърлари ва рисолаларида ўзгармас, деб топилган, турғун акидаларга қарши чиқади. Унинг хулосасига кўра, тараққиёт узлуксиз жараён бўлиб, табиат ва инсон доимий такомиллашишдадир. Бирламчи модда, агарчи холик томонидан яратилган бўлса ҳам, яратилгандан кейин, ўзининг моддий сабаблари қонуниятига мувофиқ ривожланиб боради. Дастлаб «моддий дунёнинг асоси» бўлган тўрт унсур: тупрок, сув, ҳаво ва олов, ҳамда тўққиз сайёравий доира пайдо бўлади. Уларнинг ўзаро таъсири натижасида тадрижий равишда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсон пайдо бўлади. Инсон – бу ҳайвонларнинг энг олийси бўлиб, «гапирувчи рух» билан таъминланган ва ўзининг икки алоҳида белгиси, яъни ақли ва меҳнат фаолияти туфайли дунёни ўзига бўйсундиради: «Инсониятнинг моҳияти унинг фаолияти орқали вужудга келган».

«Ҳар бир мавжудот зинама-зина кўтарилиб бориб, комил инсон даражасига эришиши лозим». Бундай одам завола топмайди, негаки, жисмоний ўлимдан кейин, унинг ўлмас руҳи дунёнинг Умумий руҳи билан қўшилади – «фақат биргина даҳшатли ўлим бор, у ҳам бўлса қайта тирилмайдиган руҳдирки, у билимсизлик ва ақлсизлик натижасида завола топади»²⁵.


Носир Хисрав фикрича, ташқи дунёни билиш мумкин; ташқи ҳодисалар сезги аъзолари орқали билиб олинса, ички жараёнлар – ақл ёрдамида билиб олинади (1-илова). Унинг билиш назарияси ўз асосига кўра, ақлга таянади: «илм – бу ашёларни қандай бўлса, шундайлигича билишдир, ашёларни эса, қандай бўлса, шундайлигича билиб олувчи нарса ақлдир». У билиш жараёнининг чексизлигини ҳам қайд этади: «Инсонни билиши учун ҳеч нарса қолмаган ҳолатнинг бўлиши, ҳеч қачон мумкин эмас»²⁶.

Носир Хисравнинг ўзи истамаган ҳолда фанга қилган яна битта катта хизмати унинг ўз асари «Зод ал-мусофирин»да Закариё Розийнинг моддиюнча қарашларини танқидидир. Шу танқид туфайли Розийнинг йўқотиб юборилган ажойиб фалсафий асари билан танишиб, ундан баҳраманд бўлаемиз.

²⁵ Ўша жойда. –Б.116.

²⁶ Брагинский И. 12 миниатюр. –М.: Художественная литература, 1966. – С.124.

Носир Хисравнинг билишга оид қарашлари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Носир Хисравнинг «қидирувчи – топувчи» ишорининг фалсафий мазмуни нимада эди ?*
2. *Носир Хисрав фикрича, моддий оламнинг асоси нималардан ташкил топган?*
3. *Мутафаккирнинг билиш назариясидаги ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат?*
4. *Носир Хисрав шахснинг қомил инсон даражасига эришиши йўлини қандай тасаввур этади?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Носир Хисравнинг фалсафий дунёқарашини» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.

3. Мавзу юзасидан 15та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Ғарб файласуфларидан бирортасини танилаб олинг ва унинг билишга оид таълимотларини Носир Хисрав қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиб кўринг. Шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдилинг (3-илова).

3-илова

ФСМУ учун топшириқ: Носир Хисравнинг фалсафий қарашларини таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Носир Хисрав, «қидирувчи – топувчи», Сукрот, билиш, ақл, ҳиссиёт.

Савол	Носир Хисравнинг фалсафий қарашлари
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик маиҳур сиймолар, алломалар, адиллар). Масъул муҳаррир Хайруллаев М. М. Тўлдирилган катта нашр. – Т.: А. Қодирий нолидаги халқ мероси нашириёти. 1999.
3. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.:ТДШИ нашириёти. 2010.
4. Байхақий, Абул Ҳасан. Торихе ҳукамоул ислом («Ислом ҳукамолари тарихи»), –Дамашқ, 1946. (араб тилида).
5. Қифтий, Али. Торихе ҳукамо (Ҳакимлар тарихи). –Лейпциг. 1903 (араб тилида).
6. Насири Хисрав. Зод ал-мусофирин. – Берлин. 1935.

10-МАВЗУ

ИСЛОМ ДУНЁСИГА ФАЛСАФИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎЙИЛИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда X асрда ислом дунёсига фалсафий маданиятнинг ўйилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари ва намояндалари – Тавҳидий, Мискавайҳ ва Адийларнинг ахлоқий қарашларига оид тушунчалар ҳосил қилиш; уларда Шарқ ахлоқшунослигининг буюклиги ва узоқ тарихга эга эканлигини фалсафий тафаккурлаш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Абу Ҳаййон Тавҳидий, «Ал-имтоъ вал муъонисата», «Минг бир кеча», Мискавайҳ, «Тажориб ул-умам», ахлоқ, «Жовидоне хирад», «Таҳзиб ул-ахлоқ», доришунос, риёзиёт, мантиқ, тиббиёт, мобаъдул табиа (метафизика), Яҳё ибн Адий, дўстлик, яқинлик, меҳрибонлик, сабртоқат ва чидам, ҳамда ўрталмиёналикка интилиш.*

Асосий саволлар

1. Абу Ҳаййон Тавҳидий дунёқараши.
2. Абу Али Мискавайҳ .
3. Яҳё ибн Адийнинг ахлоқий қарашлари.

Абу Ҳаййон Тавҳидий дунёқараши (ваф. 1023)

X аср охирларида адабий ва фалсафий доираларда машҳур бўлган олимлардан бири Абу Ҳаййон Тавҳидий эди. У юнон маданиятидан яхши хабардор бўлган Абу Сулаймон Сижистонийнинг (ваф. 1000) шогирди ва дўсти эди.

Тавҳидийнинг энг муҳим асари «Ал-имтоъ вал муъонисата» бўлиб²⁷, хилма-хил адабий ва фалсафий мавзуларда «Минг бир кеча» услубида ёзилган. Унинг ўзи гарчи фалсафа соҳасида мутахассис бўлмаса ҳам, чуқур фалсафий мушоҳадаларга эга бўлган. У ўз замондошлари бўлган таржимон Ибн Заррадан тортиб, файласуф Мискавайҳ га нисбатан танқидий муносабатда бўлган ва

²⁷ Қаранг: .۴۴-۱۹۳۹. القاهرة، المؤسسة. الامتاع و المنفعة. ابو حيان. // Тавҳидий, Абу Ҳаййон. Ал-имтоъ вал муъонисата. –Қоҳира. 1939-1944. (араб тилида).

улар билан баҳсга киришган. Тавҳидий назарича, улар молу-дунёга хирс қўйган, лаззатталаб кишилар бўлганлар.

Х асрда юноний манбалар ва фалсафага қарши таассуб авж олаётган эди. Тавҳидий ўз китобининг ўн еттинчи кечаси воқеаларида ўша замоннинг энг муҳим низоли мавзуси бўлган фалсафа билан исломий ақидалар алоқасига тўхталади. У қайд этадики, «Ихвон ас-сафо»дан эпчилроқ бўлган унинг душманлари, улар эришганчалик муваффақият қозона олмадилар. Диний ақидалар илоҳий ваҳийга қараб иш тутганлиги сабаб файласуф, мантиқшунос ва мунажжимларнинг хунарларидан бениёздирлар.

Тавҳидий фикрича, «ақл ваҳийга бўйсунганидек, файласуф ҳам пайғамбарга бўйсунди. Агар ақлнинг ўзи ҳақиқатни кашф этиши учун етарли бўлганда, диннинг мавжудлиги ортиқча бўлар эди. Аммо инсонларнинг юриш-туришларининг эгаларидан бири бўлган ақл, улар орасида баробар тақсимланмаган. Шунинг учун агар ваҳий бўлмаса, инсонларнинг кўпчилигининг қўли ҳақиқатга эришишга қалталиқ қиларди»²⁸ (1-илова).

Абу Али Мискавайҳ

Мискавайҳ Изиддавла Диламий хузурида хазинадор бўлиб ишлар эди. Тавҳидий гарчи Ибн Сино каби Мискавайҳ нинг илмий мақомига унчалик қойил қолмаган бўлса ҳам. Ўзининг бошқа бир асари «Ал-ҳавомил ва ал-шавомил»да²⁹ унинг фалсафий қарашлари тўғрисида мукамал маълумот беради.

Мискавайҳ тарих, илмул нафс (руҳ ва жон) ва ахлоқ соҳасида ижод қилган. Унинг «Тажориб ул-умам» асари умумий жаҳон тарихига бағишланган эди³⁰. Бу мусулмон маданиятида жаҳон тарихи бўйича биринчи китоб ҳисобланиши мумкин. Кейинчалик унга тақлид қилувчилар пайдо бўлди. Мискавайҳ нинг энг машҳур асари «Жовидоне хирад» («Абадий донишмандлик») ³¹ бўлиб, юнон, форс, араб манбаларидан олинган ахлоқий панд-насиҳатлар маж-

²⁸ Тавҳидий, Абу Ҳаййон. Ал-имтоъ вал муъонисата. 2-жилд, 10-саҳифа. (араб тилида).

²⁹ Қаранг: . ۱۹۵۱. قاهرة، - الهوامل و الشوامل. ابو حيان. // توحيدى، ابو حيان. 1951. Ал-ҳавомил ва ал-шавомил. –Қоҳира.

³⁰ Қаранг: Можед Фахрий. Сайре фалсафа дар жаҳони ислом. –Б.204.

³¹ Қаранг: . ۱۹۵۲. قاهرة، - جاودان خرد. ابو على. // مسكويه، ابو على. 1952. (араб тилида). Жовидоне хирад. –Қоҳира.

муаси эди. Унинг «Таҳзиб ул-ахлоқ» («Ахлоқни тузатиш»)³², илмул нафсага доир бир қанча рисолалари ҳам мавжуд. Қадимги манбаларда қайд этилишича, унинг доришуносликка (гиёҳдан тайёрланадиган дорилар) оид асарлари ҳам бўлган³³.

Мискавайҳ ўзининг йирик асарларидан бири бўлган «Ал-фузул асғар» китобида³⁴ янги афлотунча ҳикмат намуналарини берадики, у вақт жиҳатидан Ибн Синонинг «Нажот» асаридан олдин ёзилган.

Мискавайҳ ақлий илмларни қуйидаги тартибда эслатади: риёзиёт, мантиқ, тиббиёт, мобаъдул табиа (метафизика). Исломий янги афлотунчилик анъанасига кўра, жумладан, Форобий ва Ибн Сино асарларида одатда мантиқ бошқа ақлий илмларни ўрганиш муқаддимасида келар эди.

Мискавайҳ ақидасича, ашёлар манбаи худованд бўлиб, улар содир этиш йўли билан амалга оширилади. Бу биринчи ибтидо ва борлиқ манбасидан содир этилган нарса биринчи ақл бўлиб, уни ақли фаол (фаол ақл) деб атайдилар. Исломий янги афлотунчилар бундай номни ўнинчи ақлга берадилар. Иккинчи содир этилган нарса – рух, учинчиси – фалақдир. Унинг фикрича, худованд ҳамма нарсани яширинган йўқликдан яратган (2-илова).

Мискавайҳ нинг ахлоқ фалсафаси табобатга ўхшаб, ёмонликларни олдини олувчи ва улардан тийиб турувчиликдан ташқари, рухни саломат сақловчи ва кучайтирувчи восита вазифасини ўтар эди.

Яҳё ибн Адийнинг ахлоқий қарашлари

Яҳё ибн Адий X асрдаги калом ва фалсафий илмларнинг йирик намояндаларидан бири эди. У ўз даврининг энг йирик мантиқшуноси ҳам бўлган.

Яҳё ибн Адийнинг «Таҳзиб ул-ахлоқ» асари Мискавайҳ нинг шу номдаги асаридан 50 йил илгари ёзилган бўлиб, бизгача етиб келган араб тилида ёзилган ахлоққа оид асар эди.

Унинг бу рисоласида айтилишича, инсоннинг табиий тамоийли хайвоний фитрат хусусиятига эга бўлиб, фақат ахлоқий тар-

³² 1966. //مسكويه، ابو علي. تهذيب الاخلاق. - بيروت، 1966. - Байрут. 1966. (араб тилида).

³³ Қаранг: Қифтий. Торихе ҳукамо. -Б.331.

³⁴ Қаранг: الفوز الاصغار. -بيروت، هـ. 1319. //مسكويه ابو علي. ميسكويه، أبو علي. Ал-фузул асғар. -Байрут. 1319 ҳижрий йил. (араб тилида).

биягина бу тамойилни маълум хуудгача бартараф қила олади. Агар шундай бўлмаганда ахлоқий фасод шунчалик кучли бўлар эдики, уни тузатишга ҳеч қандай умид қолмас эди.

Яҳё ибн Адий Мискавайҳ каби асосий ахлоқий тафовутларни руҳнинг бир-бири билан курашадиган уч қувватидан, яъни шаҳват қуввати, ғазаб ва оқилликдан келиб чиқишини таъкидлайди. Агар инсонда шаҳват қуввати ғалаба қилса, у инсонликдан кўра ҳайвонларга ўхшаб қолиб, ўз жисмидан қочади ва имон-ихтиёрини маишатпарастликка ва табиий тамойилларга бериб қўяди. Ғазаб қуввати кишида ғалаба қилган чоғда, у исёнкор ва тажовузкор бўлиб, бошқалар билан жанжал кўтаради³⁵. Ақл қуввати ягона кучдирки, инсонни ҳайвонот оламидан ажрата олади. Ҳар бир инсоннинг камали шу қувватгагина боғлиқдирки, у қолган икки қувватдан устун чиқиши лозим. Бу қувватнинг махсус фазилатлари қуйидагилардан иборат: маърифат касб этиш, шахсий ва ижтимоий ишларга маъқул келадиган муносиб йўл танлаш, дўстлик, яқинлик, меҳрибонлик, сабр-тоқат ва чидам ҳамда ўрта миёналикка интилиш.

Разилликларга боғлиқ бўлган қувват қуйидагилардан иборат: фирибгарлик, риё, рашк.

Ахлоқий фазилатларни тарбиялаш барча фазилатларнинг сарчашмасидир. Шундай фазилатларни ҳосил қилган киши ўзидаги ҳайвоний ва ғазаб қувватини мўтадиллаштириб, барча нафсоний қувватларни бир-бирига ҳамоҳанг қила олади³⁶.

Яҳё ибн Адий назарича, йирик фазилатлар қуйидагилардан иборат: ўртамиёналик, инсоф, ҳайбат, сабр, виқор, рафоқат, шафқат, вафо, камтарлик ва саҳоват. Ушбу фазилатлар қаршисида қуйидаги разилликлар мавжуд: шаҳватга берилиш, беҳаёлик, енгилтаклик, жаҳлдорлик, бағритошлик, ғурур ва такаббурлик, аҳдига вафосизлик, ёлғончилик ва кўролмаслик³⁷.

Яҳё ибн Адий Бағдодда яшаб, Форобийдан таълим олган бўлишига қарамай, исломий каломда ўз замонасининг мусулмон мутакаллимлари билан баҳс қилган, чекланган христиан олимларидан бири эди.

³⁵ Қаранг: يحيى بن عدى. تهذيب الاخلاق. // Яҳё ибн Адий. Таҳзиб ул-ахлоқ (Ахлоқни тузатиш), –Б.15. 18. (араб тилида)

³⁶ Қаранг: Ўша жойда, –Б. 21.

³⁷ Ўша жойда. –Б.35.

Унинг каломга бағишланган кўп сонли асарларининг қўлёз-маси Ватикан ва Париж кутубхоналарида мавжуддир.

МАВЗУГА ОИД КОНУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Тавҳидий дунёқараши




2-илова

Ибн Мискавайҳ нинг борлиқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари



Яхё ибн Адийнинг ахлоқий қарашлари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Ислам дунёсига фалсафий маданиятнинг ёйилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Абу Ҳаййон Тавҳидийнинг энг муҳим асари нима тўғрисида эди?
3. Тавҳидий нима учун замондош файласуфларни танқид остига олди?

4. Мискавайҳ қайси соҳаларда ижод қилган?
5. Мискавайҳ ақлий илмларни қай тартибда жойлаштиради?
6. Яҳё ибн Адийнинг «Фазилатлар ва разолатлар» тизимида яна қандай категорияларни киритиши мумкин?
7. «Таҳзиб ул-ахлоқ» асарининг муаллифи ким?
8. Юқоридаги мутафаккирлардан қай бирининг ғоялари Мустақил Ўзбекистон ёшларининг маънавий тарбиясида муҳим ўрин тутади, деб ўйлайсиз?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ибн Мискавайҳ нинг ахлоқий қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та савол, 15та тест ва 8-10 сўзли кроссворд тайёрланг.
4. Мазкур уч мутафаккир ахлоқий қарашларини юнон файласуфларининг ғоялари билан қиёслаб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан инсерт жадвалини тўлдириг (4-илова).

4-илова

«Инсерт» жадвали

1. «V»- мен билган маълумотларга мос;
2. «-» - мен билган маълумотларга зид;
3. «+» - мен учун янги маълумот;
4. «?» - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). Масъул муҳаррир Хайруллаев М.М. Тўлдирилган катта нашр. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.
3. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.:ТДШИ нашриёти. 2010.
4. Григорян С.М. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. – М., 1960.
5. Ислам энциклопедический словарь. – М.: «Наука», 1991.
6. Крымский А. История Персии, её литературы и дервешской теософии. –М., 1912 том II.
7. Петрушевский И.П. Ислам В Иране. –Л., 1966.
8. Тавҳидий, Абу Ҳаййон. Ал-имтоъ вал муъонисата. –Қоҳира. 1939-1944. (араб тилида)
9. Тавҳидий, Абу Ҳаййон. Ал-ҳавомил ва ал-шавомил. –Қоҳира. 1951.
10. Мискавайҳ. Таҳзиб ул-ахлоқ. –Байрут. 1966.
11. Можед Фаҳрий. Сайре фалсафа дар жаҳоне ислом (Ислам дунёсида фалсафа тарихи жараёни). Лонгман, 1983. Форс тилига таржима Насрулло Пур Жаводий таҳрири остида. – Техрон:Техрон университети нашири. 1372 ҳижрий йил (1997).

11-МАВЗУ

ИСЛОМ ДУНЁСИДА ЯНГИ АФЛОТУНЧА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. АБУ НАСР ФОРОБИЙ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда «Шарқ Арастуси» номи билан машхур бўлган ўрта аср араб-мусулмон фалсафий тафаккурининг ёрқин намоёндаси, комусий олим Абу Наср Форобийнинг шахси ва мероси, унинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси, борлиқ ва билишга оид фалсафий қарашлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш, уларда фалсафа ва дин ўртасидаги муносабатни қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг асосий тушунчалари: Янги афлотунча қарашлар, Форобий, дин, фалсафа, ҳақиқатнинг икки жиҳати, «биринчи ибтидо», назарий ҳикмат, ақл, «ақл бил қувва», фаол ақл, хайр (яхшилик), шарр (ёмонлик), билишнинг қуроли: нутқ, тасаввур, ҳис, «бу жаҳон», «у жаҳон», Фозил шаҳар, ваҳий, тасаввурий қувват, назарий ақл, қиёс, разолат, «етуклик», «баркамоллик», руҳ саломатлиги, бадан саломатлиги, бахт-саодат, камолот, фазилат.

Асосий саволлар

1. Абу Наср Форобий ва ислом дунёсида янги афлотунча йўналишининг пайдо бўлиши.
2. Форобий дин ва фалсафа ҳақида.
3. Форобийнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти.
4. Форобийнинг билиш назарияси ва мантиғи.
5. Форобий жамият ва ахлоқ ҳақида.

Абу Наср Форобий ва ислом дунёсида янги афлотунча йўналишининг пайдо бўлиши (873-950)

Янги афлотунча тамойиллар Киндий, Розий, Форобий ва Ибн Сино фалсафий қарашларида намоён бўлган. Киндий тафаккурида кўпроқ Арасту таълимотининг таъсири устунлик қилса, Абу Бакр Закариё Розийда Афлотун қарашлари кучлироқ эди (1-илова).

Янги афлотунча ақидаларнинг мунтазам биринчи шарҳи араб тилида энг йирик ислом файласуфи ва мантиқшуноси Муҳаммад ибн

Муҳаммад ибн Тархон Форобий асарларида берилган. Ўрта асрларда лотин тилида ижод қилганлар Форобийни Абу Наср, деб атаганлар.

Абу Наср Форобий ҳижрий 260 (873) йилда Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган жойда Шош – ҳозирги Тошкентдан 250 км шимолий-ғарбида жойлашган Фороб (Ўтрор), деган жойда туғилган. У Форобда, Шош, Бухоро ва Самарқандда таълим олди. Бағдодда илмий изланишларини давом эттириб, умрининг охириги йилларида Ҳалабда, сўнгра Дамашқда яшади. Манбалар гувоҳлигича, Форобий мантиқ илмини христиан динидаги олим Юҳанно ибн Ҳайлондан ўрганган бўлса ҳам, тез орада ўз замонасидаги барча мусулмон олимларидан бу соҳада ўзиб кетган. Форобий Бағдодда Юҳанно ибн Ҳайлондан ташқари Матто ибн Юнусдан ҳам таълим олган ва ундан барча илмлар соҳасида ўзиб кетган. Мисрга қилган сафаридан кейин Сурия шимолидаги Ҳалабга қайтган Форобий, бироз муддатдан кейин Дамашқда 950 йили 80 ёшида вафот этган.

Бағдод ўша вақтда мантиқ илмининг марказига айланган эди. Биринчи тазкиранавислардан бири бўлган Соэд Андалузий ўзининг «Табоқот ул-умам» асарида Форобийнинг Афлотун ва Арасту асарларини моҳирона шарҳ қилганлигини қайд этади³⁸. Форобий Афлотунни «машхур ҳақим», «илоҳий Афлотун», деб атаган.

Форобий назарича, мантиқдан табиат фалсафасига етиб келиш, мантиқдан ахлоққа етиб келишдек, табиийдир. У ўзининг «Ихсоёе улум» («Илмларнинг келиб чиқиши») асарида барча илмларни қуйидагича саккиз ном остида тасниф қилади: илму луғат (филология), мантиқиёт (логика), риёзиёт (математика), табиийёт (табиатшунослик), илоҳиёт, сиёсиёт (сиёсатшунослик), фикҳ (ислом ҳуқуқи) ва калом³⁹.

Абу Наср Форобийнинг мусиқа назариясига бағишланган қуйидаги асарлари мавжуд: «Мусиқа китоби», «Оҳанглар таснифи ҳақида китоб», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оҳангга қўшимча қилинган сўз».

Форобийнинг буюк хизматларидан бири ҳамма замонларда, барча аҳоли табақалари орзу қилган идеал жамият ҳақидаги ўйлари, у ҳақида ёзган асарларидир.

³⁸ Қаранг: ۱۹۱۲. بيروت، - طبقات الأمم. // صاعد بن صاعد اندلسي. Соэд ибн Соэд Андалузий. Табоқот ул-умам. –Байрут. 1912. –Б.53. (араб тилида).

³⁹ Қаранг: ۱۹۴۹. قاهرة، احصاء العلوم. فارابی، أبو نصر. Форобий, Абу Наср. Ихсоёе улум. –Қоҳира. 1949. –Б.129-130.

Форобий бу борада бир неча асарлар муаллифидир. Унинг «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» («Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш») ва бошқа асарлари бўлган. Буларда Форобий олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ана шу асарнинг икки нусҳаси Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Ундан ташқари, шу институт жамғармасида Форобийнинг ўн саккизта қўлёзма китоблари ҳам сақланмоқда. Булар орасида «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Масалалар булоғи», «Жисм ва акциденцияларнинг бошланиши», «Ақл маънолари ҳақида рисола», «Яхё ан-Наҳвийнинг Арастуға билдирилган раддиясига қарши ёзилган раддия», «Арастунинг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақида» каби асарлари мавжуд.

Форобий дин ва фалсафа ҳақида

Форобий Шарқда биринчи бўлиб Арасту изидан борган араб файласуфи Абу Юсуф Исҳоқ ал-Киндий (801-866) қарашларига қарши ўлароқ, дин ва фалсафани ҳақиқатга етишишнинг икки мустақил усули, деб ҳисоблади (2-илова). Уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтди. Форобийнинг назарида диний ҳақиқатлар фалсафий мисоллардан иборат эди. Бошқача ибора билан айтганда, дин ва фалсафа ягона бирликнинг икки хил жиҳатларидир. Фалсафа далилий ҳукмларнинг қоидаларига таянади, дин эса, ўша ҳукмлар ва қоидаларнинг хитобий шаклидир. Унинг бундай қарашидан, фалсафа диндан олдин вужудга келган деган хулоса келиб чиқади⁴⁰.

Дин ва фалсафанинг ягона бирлиги ҳақидаги унинг мулоҳазаларига қарамасдан, кейинчалик Форобий фалсафани диндан афзалроқ ва устунроқ қўйганлигига диққат-эътиборни қарата бошладилар. Аммо Форобий «Дин фалсафанинг мисолларидир» деган

⁴⁰ // رضا داوری اردکانی. فارابی مؤسس فلسفه اسلامی، پژوهشگاه علوم انسانی و مطالعات فرهنگی. تهران، ۱۳۷۷. ص ۱۱۶.
Қаранг: Ризо Доварий Ардаконий. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси. Илмий-текшириш ва маданий тадқиқотлар муассасаси. –Техрон, хижрий 1377/1998. –Б.116. (форс тилида)

вақтда қайд этиб ўтган эдики, пайғамбар халқ тилида сўзлашга мажбур, чунки омма далилий ҳукмларни тушунмаганлиги сабабли далилий ҳақиқатларни хитобий шаклда баён этишдан ўзга чора йўқ, акс ҳолда пайғамбар ҳам файласуфдир, деб ҳисоблаган⁴¹.

Форобийнинг фикрига кўра, авомнинг диний қарашлари унинг фалсафий хулосаларига доим ҳам мос тушавермайди ва бунинг зарурияти ҳам йўқ. Шунинг учун у ўз фикрларини бевосита авомга мослаштирмаган эди. У авом мени тушунади, деб ҳам ўйламаган ва, аксинча, бундан хавотир ҳам олганки, унингча авомнинг фалсафага аралашishi, уни бузади⁴².

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, у кўпгина фикрларини турли ишоралар билан мажхулроқ тарзда ёзар, содда ва очикчасига билдирилган мулоҳазаларга эса, камдан-кам ҳолларда йўл қўяр эди. Айни пайтда у ўзининг энг содда фикрларини ҳам келажакда тафсирга сазовор, деб билишларидан умидвор бўлган. Унинг умидворлиги бежиз эмас эди. Зеро, ундан кейинги маърифат аҳли ва файласуфларнинг барчаси унинг асл мақсадини тушунишга диққат-эътибор билан киришдилар ва алломанинг энг содда гапларини ҳам ўзларича тафсир қилиб, янада мақбул шаклга келтирдилар. Бунга мисол тариқасида шайхур-раис Абу Али Ибн Синонинг «Шифо» асаридаги пайғамбарлик ҳақидаги баҳсни кўрсатиш мумкин⁴³.

Қадимги юнон фалсафасида динни чеккага суриб қўйиш ҳоллари бўлган эди. Ўрта асрлар Европа фалсафаси эса, кўпроқ, дин билан яхши муносабатда бўлди ва кўпчилик христиан файласуфлари муқаддас саналган руҳонийлар сафидан жой олиб, черковнинг машхур арбобларидан ҳисобландилар. Ислом оламида эса, файласуфлар бундай шухрат ва обрўга эга бўла олмадилар, аксинча, гоҳида шариат пешволари томонидан маломатга қолдилар. Албатта, фалсафа Юнонистонда юксак ривож топган бўлиб, буни ўрта асрдаги ёки янги замон файласуфлари ҳам инкор этмайдилар. Аммо, ҳар бир даврнинг фалсафаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун исломий фалсафанинг хусусиятларини юнон фалсафаси хусусиятларига тенглаштириш

⁴¹ Қаранг: Ўша жойда.

⁴² Қаранг: Ўша жойда.

⁴³ Қаранг: Ризо Доварий Ардаконий. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси. Илмий-текшириш ва маданий тадқиқотлар муассасаси. –Техрон, хижрий 1377/1998. –Б.116. (форс тилида)

тўғри эмас, яъни ислом фалсафаси асос ва усулини юнон фалсафасининг асоси ва усулидан қидириб бўлмайди.

Форобий фалсафасининг инкор этиб бўлмайдиган жойи шундаки, у назарий фалсафани ҳақиқий ва асосий илм, деб билиб, қолган барча фанларни унга тобе бўлган иккинчи даражали соҳалар мақомига қўйди. Фалсафалар ўртасидаги умумий дунёқарашлар билан кифояланмай, дин билан фалсафани ҳам айрим бир қисмга жойлади. Унинг фикрича, фалсафадаги масалалар исботини пайғамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар, зеро, моҳият жиҳатидан фалсафа билан дин ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ⁴⁴. Бундай қараш ўз даврида ниҳоят даражада муваффақият қозониб, исломий фалсафанинг асоси ва усулини белгилаб берувчи фикрлаш тарзига айланди.

Шунинг учун ҳам, XIV асрада яшаган Ибн Халдун исломий файласуфларни фалсафани диний масалалар билан аралаштириб юборишда ва Арасту каби қадимги файласуфлардан узоқлашиб кетишда айблади⁴⁵.

Форобийнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти

Форобийнинг фикрича, борлиқ худодир ва фақат угина моҳиятларга вужуд бағишлайди. Форобий фалсафа тарихида биринчи бўлиб мавжудотларни икки қисмга: ақлий вужудга ва моҳиятга, моҳиятларни эса, тўққиз жавҳар ва ораз (акциденция) тушунчасига тақсим қилади. Ваҳоланки, Арастунинг ўнта категорияси, вужуд маъқулоти бўлиб, моҳият тушунчаси эмас. Бинобарин, бундай тақсимлаш тарзи аҳамиятсиз ва шунчаки бир иш эмас. Уни ҳикмат асосларига киритилган жузъий ўзгартиришигина деб эмас, балки ислом фалсафасидаги асосий масалаларга қўйилган ечимлар режаси, деб қабул қилмоқ керак. Шунга асосан энди ҳақиқат ва сабабият тушунчалари мутлақо бошқача маъно касб этади. Форобий айтганидек, ҳақ худодир ва ҳақиқатнинг бошқа маънолари унинг асарларида худди шу маънода қўлланилади. Зеро, барча мавжудотлар илми илоҳийда мавжуд бўлиб, нимаики илоҳий қазода бор бўлган бўлса, қадар даражасига тушиб қолган,

⁴⁴ Қаранг: Ўша жойда. –Б.133.

⁴⁵ Қаранг: Ўша жойда. –Б.134.

дейди у⁴⁶. Худди шунингдек, ҳақни азалий, деганда, аллома айнан мана шу маънога асосий эътиборни қаратади. Бунга қўшимча сифатида яна шуни айтиш мумкинки, сабабият ҳам унинг асарларида бошқача кўриниш ва талқинга эга бўлиб, кўпроқ фаоллик маъносини касб этади. Бу маъноларнинг ҳеч бирини юнон файласуфлари асарларидан топа олмаймиз. Агар диққат билан кузатсак, шу нарса маълум бўладики, ислом фалсафасида юнон фалсафасига хос бўлмаган бирор янги масала ўртага қўйилса, бу фақат диний мулоҳазадан келиб чиқибгина шундай қилинган, дейиш мутлақо нотўғридир. Чунки, аксарият ҳолларда бундай масалалар янги усулнинг зарурияти туфайлигина янгича тарзда қўйилган, холос. Шунинг учун ҳам Форобийни маълум маънода ислом фалсафасининг муассиси, яъни асосчиси, деб билмоқ керак.

Форобий «Ал-жамъе байне ройи ҳақимин» – «Икки ҳақим қарашлари ўртасидаги жамланма»⁴⁷ китобининг муқаддимасида ушбу мулоҳазаларини қайд этади: «Кўрдимки, замона аҳли оламнинг ибтидоси ва унинг пайдо бўлиши, шунингдек, яратилганлик ва азалийлик масалаларида бир-бирлари билан низо қиладилар, хоҳладимки, ушбу низоларни бартараф қилсам»⁴⁸.

«Форобий бу низоларни қандай қилиб бартараф этди?»-деган савол туғилади. Ҳақиқат шундан иборатки, у Афлотун қарашларини ҳам, Арасту фикрларини ҳам исбот қилиб ўтирмади, балки уларнинг ҳар иккиси қарашларини ўз фалсафаси асосида тафсир қилди. Унинг бу тафсири фақат илоҳий билим билангина чегараланмайди, балки фалсафанинг барча таркибий қисмларини ҳам қамраб олади.

Форобий фикрича, назарий маърифат «Биринчи ибтидо»ни тушуниш асоси бўлиб, унга биноан барча мавжудотлар, «Ундан» ва унинг учун вужудга келгандирлар. Форобий фалсафа ва ҳикматни маданий жамиятни бошқариш учун шарт деб билди ва уни жидду-жаҳд билан моддий оламдан чиқиб, юқори даражадаги оламга қадам қўйиш билан боғлиқ, деб тавсифлади.

⁴⁶ Қаранг: Ризо Доварий Ардаконий. Форобий – муассис фалсафайе исломни. 123-124-бетлар (форс тилида).

⁴⁷ Қаранг: .۱۹۶۰، بيروت، - الجمع بين الرأى الحكيمين. // فارابى، ابو نصر. الجمع بين الرأى الحكيمين. – Байрут. 1960 (араб тилида).

⁴⁸ Ризо Доварий Ардаконий. Форобий – ислом фалсафаси муассиси. 133-бет (форс тилида).

Форобий фикрича, назарий ҳикмат, яъни худовандни таниш илми узокдаги сабаб бўлса, илмнинг ўз зоти, яъни борлиқ дунёдаги воқеаларнинг сабаб ва оқибат алоқаларини билиш яқиндаги сабаблардандир. Унинг ёзишича, «ҳикмат афзал мавжудотлар ҳақидаги афзал илмдир»⁴⁹.

Форобий ақидасига кўра, моддадан узоклашиш Плотин услубидаги рухнинг бадандан узоклашиши маъносида эмас, балки жисмоний зарурият ва моддийётдан ақлий амаллар сари изланиш натижасида борлиқнинг энг олий мавзуси бўлган биринчи сабабга ақлан яқинлашишдир. Моддадан покланиш тушунчаси Форобий фалсафасида шундай маънога эгадирки, унда инсон ўз зехнини шундай сайқаллаштириши керакки, бундан кейин уни ҳеч қандай моддий нарса ўзига жалб қила олмаслиги лозим ва унинг барча заррача ва қисмлари юқоридаги олам томон тўпланиб, доиравий шаклдаги ҳаракат билан бир-биридан ажралувчи мавжудотларни босиб ўтиб, қудратли вужуд нуқтаси бўлган биринчи сабаб томон юзланиши зарур.

Форобий «ақл билкувва» ва фаол ақлни моддадан ҳоли равишда идрок этмаган. У модданинг фоний бўлиши билан йўқолади, – деб ҳисоблайди. Фақат фойдаланилган ақлгина тушунчаларни фаол ақлнинг файзи туфайли бевосита ва моддадан бениёз ҳолда кўлга киритиб, уни идрок эта олади. Бу шунинг учун ҳам юз берадики, унинг тааллуқли жойи моддадан ҳоли бўлган мавжудлик бўлганлигидан фаол ақл билан бирлашгандан сўнг фақат шу ақлгина яшаб қолиб, қиёмат кунининг лаззат ёки алам, мукофот ёки укубатларининг мазасини тотиб кўради. Бундай нуқтаи назарни таъкидлаш, шуни исботлайдики, Форобий Афлотунга қарши ўларок, ҳеч бир нафсоний қусурларни, жумладан, шаҳвоний, ғазабли феъл ва ҳатти-ҳаракатларни, ҳатто ҳасад, бераҳмлиқ, бахиллик ва кароматли ишқни ҳам яхши ҳам, ёмон ҳам ҳисобламайди. Унинг фикрича, бу айтилганларни бахт-саодат ёки бадбахтликдаги ўрни ва мақомига қараб, хайр (яхшилиқ) ёки шарр (ёмонлик) ҳолатига айлантириш мумкин⁵⁰.

⁴⁹ Қаранг: ذبيح الله صفا. تاريخ علوم عقلی در تمدن اسلامی. – تهران، ۱۹۲۲. Сафо. Ислом маданиятида ақлий илмлар тарихи. – Теҳрон, 1923, 1-жилд, – Б.188. (форс тилида).

⁵⁰ Қаранг: Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи. 2002, –Б.39.

Форобийнинг билиш назарияси

Форобий фикрича, билишнинг қуроли: нутқ, тасаввур ва ҳисдан иборат. Нарсалар тўғрисидаги билим нутқ қуввати орқали, тасаввур ва ҳис-туйғу воситасида ҳосил бўлади. Ҳар вақт билим ҳосил қилишга ирода кўрсатилса, унинг гидроки нутқ қувватининг шаънидир. Нутқ воситасида келиб чиққан илм ўз эътибори билан ҳис-туйғу уйғотувчи ишларни баён этади. Демак, илм ҳиссий қувват натижасида келиб чиқади (3-илова). Илм мавзусининг тасаввурга тааллуқлиги, тасаввур эса, ўз навбатида орзу туғдириши ва ҳис-туйғуга бошқача тасаввурларнинг кириб келиши нутқ қувватининг ҳосилаларидир. Шунга биноан, тасаввурий маърифатнинг мавзуси энг юкори зотларнинг вужуд босқичларидан тортиб, то мавжуд бўлмаган ёлғон нарсаларни ҳам ўз ичига олади. Иккинчи томондан, аввалдан вужудга келган нарсалар икки хил:

- 1) ҳис-туйғу билан билинадиган нарсалар;
- 2) исбот ва далил орқали билинадиган нарсалар⁵¹.

Тасаввурий маърифат борлиқдаги барча мавжудотларга тааллуқли бўлганлигидан тасаввур орқали ҳосил қилинган илм ҳам худди далил ва исбот воситасида ҳосил қилинган мавжудотлар каби билиб олинishi, яъни ҳис-туйғу уйғотадиган билимларни ҳам тасаввурий маърифат жумласидан, деб ҳисоблаш мумкин.

Тасаввурий қувват нутқ қувватининг «ўринбосаридир». Ақл ва тасаввур фаол ақл файзи воситасида шаҳар раисига соф ва холис, шу билан бирга ажойиб маърифат мажмуасини тақдим этадики, у бу орқали осмоний белгиларни кўради ва тушуна олади. Натижада Фозил шаҳар раиси бу кўрганларини ерга тушириб, шаҳар ҳаётига тадбиқ этишга киришади⁵².

Назарий ақл шундай кучки, унга қиёс ҳам, исён ҳам ва хато ҳам аралаша олмайди. У инсонга ва унинг тўла фаолиятига хос бўлган нарса бўлиб, руҳнинг бадандан ажралгандаги шундай ҳолатидирки, руҳ ўзининг яшаши, таяниши ва фаолияти учун модалага бошқа муҳтож бўлмай қолади. Шунингдек, у ҳис-туйғу ва

⁵¹ Қаранг: Ризо Доварий Ардаконий. Форобий – ислом фалсафаси муассиси. –Б.117.

⁵² Қаранг: Форобий. Фазилат. Бахт-саодат ва камолот. –Т.: Ёзувчи. 2002. –Б.25-26.

тасаввурдан ҳам бениёз бўлиб, уларсиз ҳам «биринчи ибтидо»-нинг зотини тушунишга эришади. Яъни, фозил шаҳарнинг биринчи раиси қиёс, мисол ва ўзининг жисмоний кучининг аралашувисиз ҳам, худованду таборак ва таолони холис равишда тасаввур ва «мушоҳада» қила олиши мумкин.

Форобий жамият ва ахлоқ ҳақида

Абу Наср Форобийнинг ахлоқ назариясига қадимги юнон мутафаккирлари сезиларли таъсир ўтказганлар. Форобий юнон мутафаккирларининг жамият ва ижтимоий ахлоқ тўғрисидаги таълимотларини исломий нуқтаи назардан қайта ишлаган.

Форобий фикрича, инсон олти босқичда яратилган вужудларнинг энг пастки босқичида бўлса ҳам, туғма қобилияти ва қуввати билан фаол ақл ёрдамида ўзини баланд мартабали мумтоз вужудга айлантира олади. У мавжудотлар силсиласи босқичларидаги шундай ягона бир жинсдирки, уни ўз кучига кўра, ҳаракатдаги борлиқ дейиш мумкин. Бахт-саодат бундай юксак «кўтарилиш», яъни мумтозлик таркибига кирмайди. Бахт-саодат тушунчаси «фаол ақлга энг яқин турган нарсадир»⁵³, ва унинг маъномоҳияти фаол ақл билан қўшилувида яширингандир⁵⁴.

Шундай қилиб, фазилат ва бахт-саодат ўртасидаги сабаб ва оқибат нисбати далилидан Форобий шундай хулосага келадикки, бахт-саодат фазилатга ташқаридан ёпиштирилган ёки юкланган амал бўлмасдан, балки унинг ўз жинсидан ва зотнинг умумийлигидан чиққан сифатий ҳолатдир.

Форобий инсон моҳиятини тарбиялашни узоқ муддат давом этадиган яхши амал, деб билди. Унинг фикрича, ҳар қандай яхши ахлоқ, агар зехнда такроран жойлана берса, унинг натижасида инсон онгининг қуввати ва фазилати орта боради.

⁵³ Қаранг: Форобий. Рисолат фи ал-ақл («Ақл ҳақида рисола»), –Байрут, 1939. –Б.31. (араб тилида).

⁵⁴ Қаранг: Форобий. Фалсафату Аристотелис ва ажзон фалсафата ва маротиб ажзонҳо («Арасту фалсафаси ва фалсафанинг қисм ва босқичлари»). Мухсин Маҳди таҳрири остида «Матнлар силсиласи». –Байрут, 1-жилд, 1961. –Б.128. (араб тилида).

Маданий жамиятнинг сифати моҳиятан ирода ва ихтиёрда бўлганлигидан жамият бошлигининг вазифаси ушбу иродани хайр (яхшилик) томон йўналтиришдир.

Форобий фикрича, сиёсат табобат сифатидаги нарса бўлиб, жарроҳлик йўли билан бўлса ҳам даволаниши зарур бўлган фуқароларнинг дардига малҳам қўйишдир. Табибнинг мақсади беморнинг дардини даволаш бўлганидек, фозил сиёсатнинг ҳам охиргги мақсади жароҳатларга малҳам қўйиш, синган суякларни пайвандлаш сингари аҳолининг фаровонлигини кўтариш орқали унинг руҳини ва саломатлигини яхшилашдир.


Форобий ахлоқий фазилатларни руҳ учун бадан саломатлигидек нарса, деб тушунган. Демак, сиҳат-саломатликни тиклаш учун инсон табибга эҳтиёж сезганидек, бемор инсоннинг руҳи учун ҳам табиб зарурдирки, уни ҳолатини даволай олсин. Шундан келиб чиқадики, қонуний ҳукумат раисининг бўлиши жамият учун исбот қилинган заруриятдир.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги ўз назариясини таклиф қилишдан мақсади, барча инсонларга бахт-саодат ва камолотга эришиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборат эди.


МАЗЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Шарқда янги афлотунчилик




Фаробий фалсафа ва дин ҳақида



3-илова

Фаробийнинг билиш назарияси



Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар

1. Шарқда янги афлотунча қарашлар қайси файласуфлар мисолида намоён бўлди?
2. Фаробийнинг фанлар таснифи қандай кўринишда эди?
3. Нима учун Фаробийни янги афлотунчилик йўналишининг вакили деймиз?
4. Фаробийнинг борлиқ ҳақидаги қарашларидаги «Ягона ибтидо» нима?
5. Фаробий дин ва фалсафа муносабатини қандай изоҳлаган эди?
6. Фаробий фикрича, билишнинг энг ишончли манбаси нима?
7. Мутафаккирнинг сиёсат ва ахлоққа оид қандай асарларини биласиз?
8. Абу Наср Фаробий меросини ўрганиш Ўзбекистон маънавий ҳаётида қандай аҳамият касб этиши мумкин?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Фаробийнинг билиш тўғрисидаги қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та савол, 20та тест ва 10та блиц-савол тайёрланг.
4. Фаробий ва янги афлотунчилик мактабининг борлиқ тўғрисидаги қарашларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдиринг (4-илова).

4-илова

ФСМУ учун топширик: Фаробийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Фаробий, жамият, ахлоқ, фозил шаҳар, фазилат, жаҳолат.

Савол	Фаробийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
3. Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Т.: Ёзувчи нашриёти. 2002.

4. Абдуҳалимов Б. «Байт-ал ҳикма» ва Ҷрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.:Тошкент ислом университети. 2004.
5. Аль-Фараби. О разуме и науке. –Алма-Ата: Наука. 1975.
6. Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. – М., 1960.
7. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1976.
8. Очерки по истории общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.,1977.
9. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. -- Т.: Фан, 1963.
10. Фараби. Существа вопросов. Избранные произведения мыслителей Ближнего и Среднего Востока. –М., 1968.
11. Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города // Григорян С.Н. Из истории Средней Азии и Ирана VII-XII веков. – М., 1960.
12. Форобий. «Рисола ат-тахсил ас-саодат». «Мажму-ар расоил». ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№ 2865.
13. Форобий. Китоб таҳсил ас-саодат. Хайдаробод.1927.

12-МАВЗУ

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта аср мутафаккири, ватандошимиз Абу Али Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий мероси, асарлари, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий ва мантикий қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; уларда алломанинг жаҳон илм-фани таракқиётидаги муносиб ўрнини билиш ҳамда унинг фалсафий қарашларини антик файласуфларнинг ғоялари билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ибн Сино*, «*Шайх ур-раис*», *назарий фалсафа – метафизика (олий фан), математика (ўрта фан), табиат ҳақидаги фан-табиатишунослик (қуёи фан), амалий фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ, уй ишларини бошқариш – иқтисод, ахлоқ, тиббиёт, астрология, физиогномика, кимё, «Китоб аш-шифо», «Китоб ан-нажот», «Китоб ал-ишорат ва танбеҳот», «Донишнома», «Ҳикмати-маириқийн», хилқати илоҳий, фалакул афлок, фаол ақл, биринчи ақл, руҳ, сураат, ердаги фаришталар, «Рисолат ат-тайр», «Ҳай ибн Яқзон», «Иироқий манбалар».*

Асосий саволлар

1. Ибн Синонинг ҳаёт йўли.
2. Борлиқ ҳақидаги қарашлари ва фанлар таснифи.
3. Билиш назарияси ва мантиғи.
4. Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
5. Ибн Синонинг илоҳиёти.

Ибн Синонинг ҳаёт йўли (980-1037)

Агар Форобий исломий янги афлотунчилик фалсафасининг асосчиси ва унинг Ғарбдаги охириг намояндаси Проклдан кейинги энг буюк файласуф бўлса, бу фалсафани ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда ҳимоя қилган шахс Абу Али Ҳусайн Ибн Синодир. XIII асрда лотин тилида қалам тебратган муаллифлар уни Авиценна, деб аташган. У исломда янги афлотунча фалсафани юқори даражага кўтарган эди. XII ва XIII асрнинг машҳур олимларидан бўл-

ган «Миллал ва ниҳал» («Миллатлар ва мазҳаблар») муаллифи Шахристоний (ваф. 1153 й.), мутакаллим Фахриддин Розий (ваф. 1209 й.) ва Насриддин Тусий (ваф. 1273 й.)лар Ибн Сино асарларига шарҳ ва тафсирлар ёзишган.

Ибн Сино исломий фалсафа маданиятини бойитиб ҳам араб, ҳам форс тилларида асарлар ёзган. Унинг «Донишнома»си форс тилида ёзилган биринчи машҳур фалсафий асардир.

Ибн Синонинг энг катта фалсафий асари «Китоб аш-шифо» бўлиб, исломий ва юноний илмлардан тортиб, мантиқ ва риёзиётни ҳам ўз ичига олган. Унинг бошқа йирик асари «Китоб ал-ишорат ва танбиҳот» ўқувчилар орасида «Китоб аш-шифо» дан кўра, катта эътиборга сазовор бўлган эди. Ушбу китоб унинг умрининг охирларида ёзилганлиги туфайли, мустақил фикрлар баёнидир.

Ибн Сино тафаккури шаклланишида икки омил муҳим ўрин тутган: биринчиси «Ихвон ас-сафо» фалсафий анжуманининг рисолалари, иккинчиси Абу Наср Форобий асарлари. XII аср тарихчиси Байҳақийнинг ёзишича, Ибн Сино отаси каби «Ихвон ас-сафо» рисолатарини қайта-қайта ўқир эди⁵⁵. У бир неча ирфоний рисолалар ёзиб, уларни «Шарҳ фалсафаси» ёки «ишрок» деб атаган.

Ибн Сино Форобий каби Арасту-Птолемей дунёқарашларига асосланган янги афлотунча қарашлар тизимини вужудга келтирган. У дунёнинг илоҳий судур босқичларидан келиб чиққанлигини исботлашга уринади. Ибн Сино ўзининг «Китоб аш-шифо» асарини мантиқ илмининг қисқача баёнидан бошлаб, унга Арасту, янги афлотунча ва равоқийлар қарашларини қўшган.

Ибн Синонинг ҳаракат, сокинлик, замон, макон, бўшлиқ, чексиз ва чекланганлик ҳақидаги фикрлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ибн Сино «илоҳий илм»ни «биринчи фалсафа» ёки «ҳикмати мутлақа», деб атайди. Ибн Синонинг худованд ва унинг ҳақидаги, илм тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир. Унинг фикрича, вужуд ҳақидаги тушунчани фақат ақлгина била олади.

Ибн Сино 980 йили Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топди. Отаси Балхдан, Ситора исмли онаси Бухородан эди. Ибн Сино ёшлигидан уйда ҳар хил устозлардан таълим олди,

⁵⁵ Қаранг: *ابو الحسن، منتخب صوال الحكمة، نسخة خطى بوليان*. Байҳақий, Абул Ҳасан. Сувоул ҳикма. 40-саҳифа. (араб тилида).

мактабда ўқиди. У ўз даври илмлари – математика, мантиқ, астрономия, фикҳ, физика, фалсафа асослари ва хусусан тиббиёт илми билан жиддий шуғулланди.

999 йилда Бухоро Қорахонийлар томонидан босиб олинди. Ибн Сино 1002 йили Хоразм саройига келади. У ерда ўз даврининг етук олимлари Абу Райҳон Беруний ва Ҳаммор кабилар билан мулоқотда бўлади. Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга яқинлашгач, Ибн Сино ундан қочиб, Эроннинг турли шаҳарлари – Нишопур, Рей, Журжон, Исфахон ўртасида сарсон бўлиб юришга мажбур бўлади. Умрининг сўнгги йилларида Ҳамадонда сарой табиби ва вазирлик лавозимларида хизмат қилади ва шу ерда 1037 йил 18 июнда 57 ёшида вафот этади.

Ибн Сино асарларидан 190 га яқини фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқшунослик ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган. Бизгача унинг асарларидан фақат юзтаси етиб келган.

Ибн Синонинг фалсафий қарашлари уч катта бўлимдан ташкил топган – метафизика, физика, логика-мантиқда ўз аксини топган бўлиб, метафизика – илоҳиёт, вужуд ва мавжудот, дунёнинг бошланиши, тузилиши, таркиби ҳақидаги масалаларни талқин этади; физика-табиатшунослик масалалари, жисм, моддани ўрганиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўз ичига олади; мантиқ тўғри фикрлаш санъати, ақлий билиш шаклларини ўрганеди.

Борлиқ ҳақидаги қарашлари ва фанлар таснифи

Вужуд, мавжудот таркиби, илмлар таснифи Ибн Синонинг борлиқ, мавжудот ҳақидаги онтологик таълимотини Форобий таълимотининг давоми, ривожидеб таърифлаш мумкин.

Ибн Сино вужудни иккига: зарурий вужуд – *вожиб ул-вужуд* ва *мумкин ул-вужуд* – вужуди мумкинга ажратади. Зарурий вужуд ҳамма мавжуд нарсаларнинг бошланғичи – биринчи сабаби – яъни Аллоҳдир, ундан келиб чиқувчи бошқа борлиқ нарсалар вужуди мумкиндир⁵⁶.

⁵⁶ Қаранг: Хайруллаев М.М. Абу Али Ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари.// Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б.63.

Биринчи ягона вужуддан келиб чиқувчи вужудлар, мавжуд борлиқнинг турли туман шакллари, бошланғич ягона вужуднинг ифодаланишидир. Аста-секин келиб чиқувчи борлиқ шакллари, яъни сўнги вужудлар сабаб-оқибат муносабати шаклида ўзаро боғлиқдир. Биринчи вужуднинг хислатлари ундан келиб чиқувчи барча вужудларга ўтиб боради. Вужуд ҳақидаги фикрлар, мавжудот шаклларининг ўзаро боғланиши, эманация Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо», «Китоб ан-нажот», «Донишнома» каби асарларининг метафизика бўлимида ҳар томонлама баён этилган.

Ибн Сино вужуди мумкинни *жавҳар* (субстанция) ва *ораз* (акциденция)га ажратади. Жавҳар турли кўринишларга эга бўлиб, у содда ва мураккабдир. Содда жавҳар бошланғич унсурлар -- олов, ҳаво, сув, ердан иборат, шунингдек, модда ва шаклнинг бирлигидан ташкил толиб табиат, ўсимлик, ҳайвонот, инсон шаклида мавжуддир⁵⁷.

Фалсафа фанини Ибн Сино икки катта бўлимга ажратади:

1) *Назарий фалсафа* – метафизика (олий фан), математика (ўрта фан) ҳамда табиат ҳақидаги фан – табиатшунослик (пастки фан)дан иборатдир.

2) *Амалий фалсафа* – сиёсат, ҳуқуқ, уй ишларини ўрганиш -- иқтисод ва ахлоқшунослик, яъни этикадан ташкил топади (1-илова).

Ибн Синонинг илмлар таснифи, таърифи ва таркиби ҳақидаги фикрлари ўрта асрда фалсафанинг ривожини, унинг табиатшунослик ва бошқа илмлар билан узвий алоқасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Билиш назарияси ва мантиғи

Ибн Синонинг билиш назарияси (гносеология) ҳақидаги таълимоти хусусан ҳиссий билиш, сезгилар, сезги аъзолари ҳақидаги фикрлари унинг «Тиб қонунлари» асарида инсон физиологияси ва психологияси асосида талқин этилади. Ибн Сино сезгини ташқи ва ички сезгиларга ажратади. *Ташқи сезги* инсонни ташқи олам билан боғлайди, улар бешта – кўриш, эшитиш, таъм-маза

⁵⁷ Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т., 1976. –С.351.

билиш; ҳид ва тери сезгиси. Булар инсоннинг сезги аъзолари – тери, кўз, оғиз, бурун, кулоқ билан узвий боғлиқ.

Ички сезгилар – бу умумий, чунончи, таҳлил этувчи, ифода-ловчи, эслаб қолувчи (хотира), тасаввур этувчи сезгилардир. Бу ички сезгилар ташқи сезгилар асосида шаклланиб, ташқаридан олинган айрим сезгиларни умумлаштириш, уни қабул этиш, хотирада сақлаш ва сўнг тасаввур этиш учун хизмат қиладилар.

Тиббиётни чуқур ўрганиш асосида Ибн Сино мияни барча сезгилардан боровчи нервлар маркази, умуман инсон нерв системасининг маркази эканлиги ҳақидаги таълимотни олға суради⁵⁸.

Мавжудотнинг моҳиятини билиш инсон жони, тафаккурининг дунёвий ақл билан қўшилиши асосида вужудга келади, яъни дунёвий ақл инсон ақлининг фаоллигини билишдаги муваффақиятларини таъминлайди.

Инсон билимларининг ҳаммаси ҳам ташқи сезгилар ёрдамида қўлга киритилмайди, бошланғич сезги орқали билиб бўлмайдиган аксиомалар, ақидаларни инсон тафаккури дунёвий ақлдан олади. Яъни дунёвий ақл инсон ақлининг тўла ва баркамол бўлиши учун имкон яратади. Дунёвий ақл инсонда ақлий куч ёки муҳокама, мулоҳаза қувватларининг шаклланишида иштирок этади. Бу қувват эса, инсонга хос бўлган мантиқий тафаккур вужудга келишида ҳал қилувчи мақомга эга бўлади.

Ибн Синонинг мантиқ соҳасидаги таълимоти унинг қатор асарларида «Китоб аш-шифо», «Китоб ан-нажот», «Китоб ишорат ва танбиҳот», «Донишнома» кабиларда кенг баён этилган.

Ўз даврининг энг йирик фалсафий қомуси бўлган араб тилидаги «Китоб аш-шифо»нинг бошланғич 9 китоби тўлалигича мантиқ илми масалаларига бағишланган. Ибн Синонинг «Донишнома» асарида мантиқ илмининг асосий тузилиши, қисмлари, тафаккурнинг шакллари, усуллари, қоидалари, мантиқий хатоларнинг ифодаланиши кабилар тасвирлаб берилган.

Мантиқ илми Ибн Сино талқинида 9 қисмдан ташкил топади:

⁵⁸ Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане (Ўзбекистонда илғор ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан материаллар), –Б.351.

1) Ал-мадҳал – мантикқа кириш, унинг асосий вазифалари, билишда тутган ўрни, қисмлари каби масалаларни ўз ичига олади;

2) Ал-маъқулот – бу тафаккурнинг бошланғич асосий тушунчалари, уларнинг нутқ орқали ифодаланиши каби масалалар.

3) Ал-ибора – ҳукм, унинг турлари, ифодаланиши кабилар.

4) Ал-қиёс – дедуктив, силлогистик хулоса чиқариш, унинг шакллари, қоидалари каби масалалар;

5) Ал-бурҳон – исботлаш, унинг моҳияти, вазифаси, турлари, қоидалари ва бошқа масалалар;

6) Ал-жадал – диалектик ҳукмлар номини олган мураккаб ҳукмлар, шартли бўлинувчи савол-жавоб ҳукмлари кабилар;

7) Ас-сафсата – нотўғри ҳукмлар, бошқаларни алдаш, ёлғонни исботлашга қаратилган софизм, паралогизмлар ҳақида;

8) Ал-хитоба – риторика, логиклик санъати қоидалари, унинг таркибий қисмлари каби масалалар;

9) Аш-шеър – шеърӣ ҳукмлар. Шеър ёзиш санъати, унинг вазифалари ва бошқалар (2-илова).

Ибн Сино учун *мантиқ*:

- тўғри фикр юритишнинг, хатолардан сақланишнинг қоида-сини ўргатади;

- маълум билимлардан номаълум билимларга ўтиш йўлини кўрсатади;

- мантиқнинг фикрлашга муносабати, грамматиканинг нутққа, шеър назариясининг шеърӣятга бўлган муносабатига ўхшашдир, амалий тафаккур ҳар доим мантикқа муҳтож, чунки мантик ёрдамида у мукаммаллашади, стукликка эришади.

Мантиқ илм-фан билан шугулланувчи ҳар қандай инсон учун энг зарурий илмлардан ҳисобланади ва уни ўрганиш ҳақиқатни тўғри билиш ва аниқлашнинг муҳим воситаси, қуролидир.

Ибн Сино мантиқ фанининг вазифалари, тафаккурда тутган ўрни ва аҳамияти, тафаккур билан тил, мантиқ билан грамматика муносабатлари, тафаккурнинг тўғрилигини белгиловчи барча қоидалар ва уларнинг тузилиши, хатоларнинг турлари, фикрда инсонни атайлаб адаштириш ва алдашнинг шакллари ҳақида кенг ва изчил маълумотлар беради.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари

Ибн Сино ўзининг «Ишорат ва танбиҳот» асарида шундай таъкидлайди: «Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина, уларни қондира олиши мумкин»⁵⁹. Бунинг учун барча жамоа аъзоларини бирлаштириб турувчи ҳуқуқий қонунлар зарур бўлади. Жамоанинг барча аъзолари фойдали меҳнат билан шуғулланмоқлари зарур. У инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларига қараб 3 гуруҳга ажратади:

- а) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар;
- б) бевосита хом ашё, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар;
- в) давлатни кўриқлаш, уни турли ташқи ҳужумлардан сақлашни таъминловчи ҳарбийлар.

Жамиятнинг бу гуруҳлари ўзаро бир-бирларига боғлиқ ва ҳар доим мулоқотда бўладилар, бир-бирларисиз яшай олмайдилар.

Ибн Сино ўзининг «Рисолату тадбири манзил» асарида шундай ёзади: «Одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабидир»⁶⁰.

Ибн Сино яна бошқа бир асарида шундай ёзади: «Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қондалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос эса, бу қондаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларни ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва қозини тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар»⁶¹.

⁵⁹ ابن سينا. الاشارات و التنبهات. - القاهرة، ١٩٥٧. - Б.54. (араб тилида).
танбиҳот. - Қоҳира. 1957-1960. - Б.54. (араб тилида).

⁶⁰ Қаранг: Раховский Б.Э. Философское наследие Ибн Сины.//Вопросы философии. -1955. №5.

⁶¹ Ўша жойда.

Демак, ҳар қандай жамият, давлат маълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши, адолатсизликка йўл қўймаслиги керак. Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланишида исломдаги демократик ғоялар ўз таъсирини ўтказган.

Ибн Сино илоҳиёти

Назарий ва амалий жиҳатдан Ибн Синонинг энг машҳур асари «Китоб аш-шифо» бўлиб, латин схоластикасининг уламолари унинг баъзи қисмларинигина тушуниб етдилар. Бу асар уч қатта қисмдан, яъни *мантиқ*, *тиббиёт* ва *илоҳиётдан* иборат эди. Ибн Синонинг мақсади ҳаммага манзур бўладиган «Машриқ ҳикмати»ни яратиш эди. Барча назарияларнинг асосида илм ётади. Ташқи кўринишдан умумий назария ақлдан келиб чиқади. Ақл эса, илоҳий оламдан, фаришга воситасида етказилади. Бу далилга кўра, фариштани билиш жаҳонни билиш асоси ҳамда ундаги инсон ўрнини белгилаш ҳам илм вазифасига киради.

Худди Форобий фалсафасида бўлганидек, борлик ақл тафаккуридан келиб чиққани каби, дунёни билиш ходисаларни мушоҳада этиш ва виждоний малака ҳосил қилиш турига айланади. Биринчи ақл ўз мабдоси (келиб чиқиш)га диққат-эътибор бериб, унда фикран тўхтайтиди ва биринчи ақл ақл вужудини заруриятга айлантиради. Шунингдек, биринчи ақл ўз вужудининг сарф бўлиш имконига диққат-эътибор бериб, шундай ҳулосага келадикки, унинг гумонича, у ўз мабдосидан ташқарига чиқиб кетган. Биринчи фикрий тўхташдан иккинчи ақл, иккинчи фикрий тўхташдан биринчи фалак (фалакул афлюк)нинг ҳаракатидаги руҳи, учинчи фикрий тўхташдан танланган жисм ва бу биринчи фалакдан юқори турувчи унсур ва шу тартибда биринчи ақлдан пастда турувчи (зулмат ва йўқлик) келиб чиқади⁶². Борликни барпо қилувчи бу уч фикрий тўхташ бошқа ақлларда ҳам такрор бўлаверадикки. натижада икки босқичдан иборат тартибда такомиллашиб боради. Диний ақллар ва самовий руҳлар силсиласи жисмий қувватга эга эмаслар, аммо соф ҳаллоқона кучга эгадирлар, яъни улар ҳис-туйғудан маҳрум бўлиб,

⁶² Қаранг: Можед Фаҳрий. Сайре фалсафа дар жаҳони ислом. –Б.174.


уларнинг шавку-завқи ўзлари келиб чиққан ақлга эргашадилар. Ақл фалакларнинг ҳар бирида уларга хос бўлган ҳаракатни келтириб чиқаради. Шунга кўра, ҳар бир ҳаракатнинг келиб чиқишига сабаб бўлган коинотдаги инқилоблар шавку завқнинг оқибати бўлиб, ҳеч қачон йўқ бўлмайдилар.


Кучга эга бўлмаган ўнинчи ақл ўз навбатида ягона ақл ва ягона руҳни ижод қилади. Айтиш мумкинки, ўнинчи ақл билан биргаликда келиб чиқадиган инсоний руҳ «сурат», кўп нарсага бўлиниш имкониятига эга бўлган ҳолда пайдо бўлади. Ваҳоланки, унинг зулматли тузилишидан ой остидаги модда вужудга келади. Ана шу ўнинчи ақлни фаол ақл, деб атайдилар. Бу ақлдан бизнинг руҳимиз келиб чиққан бўлиб, унинг ёғдуси илмий сиймода унга қайтиб келиши мумкин бўлган руҳни топадики, у унга кўшимча бўлади. Инсоний ақл маъқулни ҳис этиладиган нарсдан ажрата олиш вазифасига эга эмас. Ҳар илм ва айтилган гап, содир бўлган нарса ва ёғду фариштадандир. Шунинг учун, инсоний ақл куч-қувват жиҳатдан ўзида фаришта табиатига эгадир. Икки томонлама вазият, яъни амалий ва назарий ақл воситасида икки хил «сурат»га эга бўлган инсоний ақл «ердаги фаришталар», деб аталади⁶³. Руҳлар тақдирининг сири бундан бошқа нарса эмас. Назарий ақл тўрт тарафлама ҳолат воситасида фаришта ақли билан ёки фаол ақл билан қўшиладики, уни муқаддас ақл, деб атайдилар. Муқаддас ақл ўзининг энг олий босқичида ўша мумтоз пайғамбарлик ақлидир.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, фаол ақл масаласида аввалданок Арасту шарҳчилари орасида ихтилоф чиққан эди. Ибн Сино Абу Наср Форобийга эргашиб, Тимей ва Аквиналик Томасга қарши ўлароқ, инсоний ақлдан ташқарида бўлган ажратувчи ақлни қабул қилади. Аммо уни худо тушунчаси билан бирдек ҳисобламайди.

⁶³ Ўша жойда. –Б. 174-175.

Ибн Сино фалсафаси



Мантиқ илми Ибн Сино талқинида**Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар**

1. Нима учун Ибн Синони янги афлотунчилик давомчилари қаторида кўрамиз?
2. Ибн Синонинг мантиқий қарашлари унинг қайси асарларида ўз аксини топган?
3. Ибн Сино фикрича, оламнинг биринчи сабаби нима?
4. Ибн Сино ва Форобийларнинг фанлар таснифида қандай тафовутлар мавжуд?
5. Ибн Сино дин ва фалсафа муносабатини қандай изоҳлаган эди?
6. Ибн Сино фикрича, билимнинг энг асосий манбаи нима?
7. Мутафаккирнинг илоҳиётга бағишланган асарларини била-сизми?

8. Сизнингча, Ибн Сино илмий меросини тадқиқ қилиш жамиятимиз маънавий ҳаётида қанчалик аҳамиятга молик масала?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ибн Синонинг билиш тўғрисидаги қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Ибн Сино ва Форобийнинг борлиқ тўғрисидаги қарашларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Ибн Сино ва Форобийнинг фалсафий қарашларини қиёсий таҳлил қилиб, қуйидаги жадвални тўлдириг. (3-илова).

3-илова

	Форобийга кўра, ...	Ибн Синога кўра, ...
Борлиқ сабаби		
Билиш манбаи		
Ахлоқ бу...		
Дин бу..		
Фалсафа		
Сиёсат		

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдуҳалимов Б. «Байт–ал ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.: Тошкент ислом университети. 2004.
3. Ирисов А. Ҳаким ибн Сино. –Т.: Фан, 1996.
4. Йўлдошев С., Қодиров М., Усманов М. Аждодларимиз мероси – мафқурамиз гавҳари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нацириёти. 2001.

5. *Маънавият юлдузлари.* –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.
6. *Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари.*//Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. *Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана (IX-XII вв).* – М., 1960.
8. *Ибн Сина. Даниш-наме.* – Душанбе, 1957.
9. *Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока.* –М.: Изд-во социально-экономической литературы. 1961.
10. *Материалы по истории общественно-философской мысли народов Узбекистана.* –Т.: Фан, 1976.
11. *Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане.* –Т., 1957.
12. *Очерки по истории общественно-философской мысли в Узбекистане.* –Т.: Фан, 1977.
13. *Раховский Б.Э. Философское наследие Ибн Сины.* //Вопросы философии.– М., 1995, № 5.
14. *Файзуллаев О.А. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии.* –Т.: Фан, 1974.
15. *Наср С.Х. Ислолда илм-фан ва цивилизация.* – Гарвард. 1968. (инглиз тилида).

13-МАВЗУ

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда X асрда яшаб ижод этган ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти, асарларидаги фалсафий қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда мутафаккирнинг «Мафотиҳ ул-улум» асаридаги илмлар таснифини бошқа файласуфларнинг фанлар классификацияси тўғрисидаги қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиш ва амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Хуросон, Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Бақр ар-Розий, «Мафотиҳ ул-улум» («Илмлар калитлари»), Ван Флотен, И.Ю.Крачковский, В.В.Бартольд, К.Брокельман, Э.Видеман, Д.Сартон, М.М.Хайруллаев, У.Каримов, Г.П.Матвиевская, Х.Ҳасанов, М.Зиёвуддинова, «араб илмлари», «араб бўлмаган илмлар», калом, сарф ва наҳв, шеър ва аруз, тарих, фалсафа, логика, тиб, арифметика, астрономия, ҳандаса, механика.*

Асосий саволлар

1. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти.
2. «Мафотиҳ ул-улум» асарининг ўрганилиши.
3. Абу Абдуллоҳ Хоразмий фанлар таснифи ҳақида.

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти (997 й. ваф.эт.)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Хоразмий ижоди кам ўрганилган мутафаккирдир. Унинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтган. У Хуросон шаҳарларида ҳам таълим олган. Унинг машҳурлиги вазир Абул Ҳасан ал-Утбий ҳузурда котиб бўлиб хизмат қилган даврида чўққисига чиққан. Шу вазифаси туфайли у «ал-китоб ал-Хоразмий» номи билан танилган⁶⁴. Абу Абдуллоҳ ўз хизмат вазифаси юзасидан Бухорога

⁶⁴ Қаранг: Баҳолиров О.М.Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий.// Маънавият юлдузлари. –Б.82.

тез-тез бориб турган ва у ердаги кўлгина олимлар билан ҳамсухбат бўлган. Илмга чанқоқ олим хизмат асносида амирнинг бой кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий 997 йилда вафот этган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган мантиқий тафаккур намояндалари Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Бакр ар-Розий таъсири остида шаклланган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача фақат ягона асари -- «Мафотих ал-улум» («Илмлар калитлари») етиб келган. «Мафотих ал-улум»нинг қўлёзма нусхалари чет эллардадир. Яқин-яқингача унинг тўрт нусхаси бор, деб ҳисобланар эди. Ана шу тўрт нусхадан учтаси Буюк Британия музейида 7528, 23429 ва 2524 рақамлари, ҳамда Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланади. Америкалик олим К. Босворт XX асрнинг 60-йилларида ушбу асарнинг яна олти нусхасини Туркия кутубхонасида борлигини аниқлаган. Барча олти нусха Истамбул шаҳридаги кутубхоналардадир.

«Мафотих ул-улум» асарининг ўрганилиши

«Мафотих ал-улум»ни биринчи бўлиб ўрганган ва 1895 йилда нашр этган олим – голландиялик шарқшунос Ван Флотендир. Шунингдек, И.Ю.Крачковский, В.В.Бартольд, К.Брокельман, Э.Видеман, Д.Сартон, М.М.Хайруллаев, У.Каримов, Г.П.Матвиевская, Ҳ.Ҳасанов, М.Зиёвуддинова⁶⁵, А.Шариповлар ҳам асрнинг турли томонларини тадқиқ этганлар. «Мафотих ал-улум» ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўша даврдаги деярли ҳамма асосий фан соҳаларини ўз ичига қамраб олган.

Олим барча фанларни иккига – «араб илмлари» ва «араб бўлмаган илмлар»га ажратади (1-илова).

Унинг биринчи анъанавий «араб илмлари» қисми ўн бир бобдан иборат фикҳ, етти бобдан иборат калом, ўн икки бобдан иборат грамматика (сарф ва наҳв), саккиз бобдан иборат иш юриши, беш бобдан иборат шър ва аруз ҳамда тўққиз бобдан иборат тарихдан ташкил топган.

Иккинчи қисмига эса, «араб бўлмаган» қуйидаги илмлар киритилган:

⁶⁵ Қаранг: Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-улум» асарида поэтика. – Т., 2001.

Улар – уч бобдан иборат фалсафа, тўққиз бобдан иборат мантиқ, саккиз бобдан иборат тибб, беш бобдан иборат арифметика, тўрт бобдан иборат ҳандаса, шунингдек, тўрт бобдан иборат илм ан-нужум, уч бобдан иборат мусика, икки бобдан иборат механика ва уч бобдан иборат кимё.

Шундай қилиб, асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда ўн беш илм (илм) тўқсон уч бобда баён этилган.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий фанлар таснифи ҳақида

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмлар таснифининг шакли қуйидагича:

I. Шариат ва у билан боғлиқ «араб» илмлари.

1. Фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги.
2. Калом, яъни диннинг мантиқий асослари.
3. Грамматика.
4. Иш юригиш.
5. Шеърят ва аруз.
6. Тарих.

II. «Араб бўлмаган» илмлар (юнон ва бошқа халқларга тегишли).

1. Назарий фалсафа:

а) қуйи илмлар ҳисобланган табиатшунослик – тиббиёт (тибб), самовий ҳодисалар – метеорология, минералогия, алкимё, механика;

б) ўрта илмлар ҳисобланган риёзиёт (грамматика, ҳандаса, илм ан-нужум, мусика);

в) олий илм ҳисобланган илоҳиёт, яъни метафизика;

г) мантиқ.

2. Амалий фалсафа:

а) ахлоқ – этика (таълим-тарбия, одамни бошқариш);

б) манзил тадбирлари (уй хўжалигини бошқариш);

в) сиёсат (шаҳарни, мамлакатни бошқариш) (2-илова).

Анъанавий араб илмлари. Шу илмлардан бири, фикҳда муаллиф ислом ҳуқуқшунослигининг асоси бўлган ва ислом ҳуқуқи посбонининг доимий дастури Қуръон, пайғамбар сўзлари, ҳикматли гаплари ва ҳаётларини эке эттирувчи суннат, ҳадис ва унинг хиллари; ижмоъ – ислом жамоасининг яқдиллик билан қабул қилган қарори, шариат қонун-қоидаларига амал қилишни, яъни таҳорат қилиш, намоз ўқиш, азон айтиш, рўза тутиш, закот тўлаш устида тўхтаб ўтган.

Иккинчи бўлим каломда мазҳабларнинг еттига бўлиб баён этилиши, айниқса, муътазиллийлар ҳақидаги мукамал тафсилотлар муҳим аҳамиятга эга. Унда исломгача бўлган даврдаги Эрон ва Ямандаги диний эътиқодлар, Ҳиндистонда тарқалган баъзи дуалистик оқимлар ҳамда зардуштийлик баён этилган. Бу маълумотлар Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги халқларнинг динлари тарихини ўрганишда ғоят катта аҳамият касб этади.

Иш юргизиш бўлими давлат девони, солиқ турлари ва олиниши, солиқ йиғувчиларнинг вазифалари, аскарлар рўйхати, уларнинг кийим-кечаги ва тўланадиган маошлари, канал хиллари, сув ускуналари, икки дарё (Сирдарё ва Амударё) оралиғидаги суғориш тизимлари ҳақидаги маълумотларни ёритиб берганлиги билан муҳим эди.

Асарнинг тарих бўлимида афсонавий подшоҳлардан бошлаб, тартиб билан турли давр ва мамлакат ҳукмронлари: Уммавийлар ва Аббосийлар халифалиги, исломгача бўлган даврдаги Яман тарихи, Рум ва Юнон тарихи ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган.

«Араб бўлмаган» илмлар қаторида биринчи бўлиб фалсафа қайд этилиб, унда ушбу илм атамаларининг шарҳи билан бир қаторда илмлар таснифи масаласи ёритилган.

Арастунинг мантиққа оид китоблари шарҳи Хоразмий асарининг мантиқ бўлимида ўз аксини топган. Унда муаллиф Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги ушбу илм ҳақидаги маълумотлар, олдинга сурилган ажойиб ғоялардан фойдаланиб, уларни янада бойитган.

Асарнинг табиий илмларга оид бўлимлари ўрта аср Шарқида илмий юксалиш даражасини ўрганиш нуқтаи назаридан ниҳоятда маълумотларга бойдир. Тибга оид бўлимда касалликлар, содда ва мураккаб дорилар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бўлимда ўша давр табобатида маълум бўлган ва кенг тарқалган мижоз ҳамда қон томири уришига қараб касалликни аниқлаш тўғрисидаги нозик тавсифлар берилган.

Риёзиёт бўлимида ўрта аср Шарқидаги математик илмлар ҳолати баён этилган. Ал-Хоразмий математик тушунчани ақлнинг ихтиёрий ижоди эмас, балки объектив оламнинг маълум томонларини, ашёлар ўртасидаги муносабатларнинг инъикоси, деб талқин этган.

Астрономия бўлимида унинг вазифаси билан бирга тарихига оид масалалар ҳам кўриб ўтилган. Хоразмий ўз таснифида мусиқани риёзиёт илмларига қўшади ва унда мусиқавий асбоблар,


товушларнинг ўзаро муносабати, тартиби, сози (лад) тавсифланади ва охирида ритм ҳақидаги таълимот кўриб чиқилади.

Механика бўлимида, оғир юкларни жой-жойига қўйиш ва дала-ларни суғориш мақсадида ишлатиладиган қурилмалар, яъни содда машиналар, уларнинг тузилиши ва вазифалари устида тўхтаб ўтади. Умуман, асарда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даври табиий ва риёзиёт илмларини яхши билган, уларни назарий фалсафага киритиш билан бир томондан, уларнинг аҳамиятини ошириш ва таъкидлаш, иккинчи томондан, фалсафани бойитишга интилган. Ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-улум» асари ўрта аср маданияти ва маънавиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади⁶⁶.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг фанлар таснифи



⁶⁶ Қаранг: Хайруллаев М.М., Шарипов А.Д. Абдаллах Хорезми. // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1976. –С. 93.

**Хоразмий фанлар таснифидаги
«Араб бўлмаган илмлар»**



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. *Абу Абдуллоҳ Хоразмий ким бўлган?*
2. *Абу Абдуллоҳ Хоразмий дунёқарашига қайси файласуфларнинг таъсири кучли бўлди?*
3. *«Мафотиҳ ул-удум» неча бобдан иборат?*
4. *Нима учун мутафаккир илмларни таснифлашда тарих илмини араб илмлари қаторида келтирган?*
5. *Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва Форобийларнинг фанлар таснифида қандай умумият мавжуд?*
6. *Мусо ал-Хоразмий ва Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларни яққол ажратиб турадиган жиҳатлар нима?*
7. *Абу Абдуллоҳ Хоразмий Европада кимлар томонидан ўрганилган?*
8. *Мутафаккирнинг илмий мероси нима учун кам ўрганилган?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг фанлар таснифи» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва Арастуларнинг фанлар таснифи тўғрисидаги қарашларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдириг (3-илова).

3-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Баҳодиров О.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. // Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.
3. Йўлдошев С. Қодиров М, Усманов М. Аждодларимиз мероси – мафкурамиз гавҳари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001.
4. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафакқури (ўрта асрлар). –Т.: ТДШИ нашриёти. 2010.
5. Хайруллаев М.М. и Шарипов А.Д. Абдаллах Хорезми. // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1976. –С. 93.
6. Зиевуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-удум» асарида поэтика. –Т., 2001.
7. Очерки по истории общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1977.

14-МАВЗУ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Марказий Осиёлик Комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси, асарларидаги борлиқ, билиш ва жамият тўғрисидаги қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш, шунингдек, уларда мутафаккир ижодини қадимги юнон фалсафаси вакиллариининг таълимотлари билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Қонуни Масъудий», «Минералогия», «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» («Сайдана»), ақл ва хотира – «Аллоҳнинг туҳфаси», кузатиш, кўриш, тажрибалар ўтказиш, лантиқий умумлашмалар чиқариш, маълумотларни тўплаш, ёзма ёдгорликларни ўрганиш, манбаларга танқидий қараш, ҳақиқатни аниқлаш, нарсаларни бир-бирига таққослаш, ёзувларни ўрганиш.*

Асосий саволлар

1. Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий мероси.
2. Абу Райҳон Беруний борлиқ ҳақида.
3. Абу Райҳон Берунийнинг билиш назарияси.
4. Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий қарашлари.

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий мероси (973-1048)

Марказий Осиё ва бутун Яқин ва Ўрта Шарқда табиий-илмий билимлар ва фалсафий тафаккур тараққиётига Абу Наср Форобийдан кейин Ибн Сино билан бир даврда яшаган Абу Райҳон Аҳмад Беруний катта таъсир кўрсатди.

Абу Райҳон Беруний илмий ишларининг серқирралиги, фикрий парвозининг юксаклиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган буюк даҳодир. У бир юз элликдан ортиқ асар ёзган ўрта асрнинг улуғ алломаси (энциклопедисти)дир.

Абу Райҳон Беруний ҳижрий 362 (мил. 973) йилнинг 2-зул-ҳижжа ойида Хоразмнинг илк маркази Кат (Қиёт) шаҳри атрофида дунёга келди. У ўз туғилган масканида яхши таълим олди, илк ёшлигидан илмий ишларга берилиб кетди. Ўша пайтда Хоразмда юз берган сиёсий танглик сабабли ўз ватанини тарк этди, тахминан, 998 йилдан то 1004 йиллар мобайнида Каспий денгизининг жанубий-шарқий чеккасидаги Жўржон (Гургон)да яшади. Шу йиллари ўзининг йирик асари – «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобини яратди. Бу китобнинг рус тилига қилинган таржимаси 1957 йили ва ўзбек тилидаги таржимаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриётида алоҳида-алоҳида китоб бўлиб, босилиб чиқди.

1005 йили Беруний Хоразмга қайтиб келди ва Хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун (1009-1017) саройида хурматли мартабани эгаллади. 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) Хоразмни ўзига бўйсундиргач, Беруний бошқа олимлар қатори пойтахт Ғазнага олиб кетилди ва умрининг охиригача ўша ерда яшади⁶⁷.

Ғазнада Беруний илмий ишларга берилиб кетди. Султон қўшинлари билан бирга у бир неча бор Ҳиндистонда ҳам бўлди. Шу пайтларда бу ўлкани атрофлича ўрганишга киришди, натижада, 1030 йили Ҳиндистон ҳақида ажойиб асар – «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» (қисқача «Мўланҳинд» – «Ҳиндистон»)ни⁶⁸ яратди (Бу асар 1963 йилда рус тилида «Фан» нашриётида нашр этилди). Бундан олдинроқ, 1025 йили эса, «Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш» (қисқача «Геодезия») ⁶⁹ асарини ёзиб тугатган эди.

Маҳмуднинг вориси султон Масъудга (1030-1041) Беруний ўзининг математика ва астрономияга оид энг йирик асари – «Қонуни Масъудий»ни бағишлади. Ундан кейинги султон Мавдуд (1041-1048) даврида Беруний минералогияга оид асари – «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар

⁶⁷ Қаранг: Шариллов А. Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари. –Т.: Фан, 1972.

⁶⁸ Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. –Т.: Фан, 1965.

⁶⁹ Қаранг: Абу Райхан Беруни. Геодезия. –Т.: Фан, 1966 (рус тилида).

тўплами» (қисқача «Минералогия»)⁷⁰ни, умрининг охирида эса, «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» (қисқача «Сайдана»)⁷¹ асарини ёзди.

Беруний ҳижрий 440 йилнинг 2-ражабиди (мил. 1048 йил, 11 декабр) Ғазнада вафот этди.

Беруний ўз даврида тажрибавий билимларни пухта эгаллаган олимлардан бўлиб, бу унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим омиллардан ҳисобланган.

Абу Райҳон Беруний борлиқ ҳақида

Беруний борлиқ, дунё яратилганми ёки йўқми, деган саволларга дунё яратилган, деб жавоб беради (1-илова). Унинг қарашларида намоён бўлган икки қарама-қарши ғоялар, яъни бир томондан, дунёнинг яратилганлигини инкор этмаслик, иккинчи томондан эса, табиатни мустақил, деб билиш, Берунийнинг табиатшунос сифатида дунёни ва табиатни тушунишда маълум даражада *деистик* (худо дунёни яратиб қўйиб, бошқа унинг ишларига аралашмайди) йўналишга мойиллигини кўрсатади. Худо дунёни бутунлигича яратади ва унга азалдан маълум қонунларни беради. Ана шу қонунлар туфайли табиий куч, яъни табиат ҳаракат қилади. Лекин кейинчалик Беруний ҳатто деизм қобилигининг торлигини сезади ва моддий дунёнинг абадий мавжудлигини тан олишни зарурлигини ҳис этади. Бу фикрнинг исботини у Курьондан ҳам топади. Ўша даврдаги табиатшунослик фанида эришилган ютуқлар уни Арастунинг табиат фалсафасига танқидий ёндошишга, шунингдек, унинг заиф томонларини фарқига боришга олиб келган. Бу унинг Ибн Сино билан ёзишмасида ўз ифодасини топган. Уларнинг бу ёзишмалари асосан Арастунинг «Ғазо ҳақида» ва «Физика» асарлари бўйича олиб борилган.

Бу ёзишмада Ибн Сино Арастунинг табиат фалсафасини ҳимоя қилган. Беруний эса, Ибн Синога эътироз билдирган. Уларнинг баҳси асосан Арасту табиат фалсафасининг муҳим масала-

⁷⁰ Абу Райҳон Беруний. Минералогия. –Т.: Фан, 1967.

⁷¹ Абу Райҳон Беруний. Доривор ўсимликлар ҳақида китоб (Сайдана). –Т.: Фан, 1968.

ларидан бири – жисмларнинг чексиз бўлиниши бўйича бўлган. Бу борада Берунийнинг Ибн Синога қарши чиққанлигини кўрган айрим муаллифлар, уни Демокрит атомизмининг тарафдори, деган хулосага келганлар. Лекин Беруний бу масалага бирмунча жиддийроқ қараган. У бўлиниш муаммосини ҳал этишда шундай йўлни топишга ҳаракат қиладики, икки таълимот – атомистик ва чексиз бўлинишнинг ўзига хос қарама-қаршиликларини ва чекланишларини бартараф этишга интилади.

Беруний атомистик назариясини Демокрит атомистик назариясидан фарқи шундаки, Абу Райҳон бўшлиқни инкор этса, Демокрит бўшлиқ – дунёнинг зарурий ажралмас қисми, деб ҳисоблайди.

Беруний Арастуни танқид қилишда даставвал тажрибага муурожаат этади. Унинг бу йўли Арастунинг кузатувчилик усулига қарши қаратилган эди. Шундай қилиб, Беруний жисмларнинг чексиз бўлинувчанлигини тан олиш ва бўлинмас заррачалар тўғрисидаги атомистик таълимотнинг чекланганлигини кўрсатишга интиладию, бироқ бу муаммони тўлиқ ҳал қила олмайди. Шунга қарамай, масаланинг бундай қўйилишининг ўзи ҳам мутафаккирнинг катта ютуғи бўлган.

Беруний барча унсурлар, шунингдек, оғирроқ унсурларнинг бошқа унсурлардан олдин марказга интилиши тўғрисида гапириб, «Ҳамма унсурлар марказга қараб интилади, лекин вазминроклари бошқа унсурлардан ўзиб кетади»⁷², деб таъкидлайди. Беруний «Ҳиндистон» асарида унсурларнинг Ерга оддий интилиши тўғрисида эмас, балки барча оғирликларнинг Ер марказига тортилиши ҳақида фикр юритади. Берунийнинг Ибн Синога билдирган эътирозларида муҳитнинг оғирлигини эътироф этиши бу фазо жисмлари билан Ер ўртасидаги тортилиш кучлари борлигини тан оладиган фикрга яқинлашганлигини кўрсатади.

Берунийнинг бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисидаги таҳмини унинг фалсафий ютуқларидан бири ҳисобланади. Беруний бошқа дунё ҳақида фикр юритар экан, бошқа моддий дунё эҳтимол бизнинг дунёмиз сингари табиий хусусиятга эга бўлиб,

⁷² Шарипов А. Малоизвестные страницы переписки между Беруни и Ибн Синой // Обществєнные науки в Узбекистане. – 1965, № 5. – С.39.

«ҳаракат йўналишлари эса, бизнинг дунёмиздаги ҳаракат йўналишларидан фарқ қилади», дейди⁷³.

Абу Райҳон Берунийнинг билиш назарияси

Буюк табиатшунос Беруний ўзининг салафлари, хусусан, Аҳмад Фарғоний ва Муҳаммад Хоразмий ишлаб чиққан билишнинг илмий усулини ривожлантириб, янада чуқурлаштирди. Унинг айтишича, «Кузатишнинг кўплиги кўрилган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини ярагади». Беруний ўзининг ўгитида: «Билиминг шундайки, у яланғоч бўлсанг ҳам ўзингда қолади, уни ҳаммомга кирганингдаги хўллик ҳам йўқота олмайди», – дейди. Беруний инсон хотирасини «Аллоҳнинг туҳфаси», деб ҳисоблайди. У «тиришқоқлик ва кўп шуғулланиш билан ҳам хотирани мустаҳкамлаш мумкин»⁷⁴, – дейди.

Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда тажрибага таянувчи фанларнинг асосчиларидан бўлган Беруний табиат ҳодисаларини билишдаги назарий-мантикий хулоса, қиёслашнинг аҳамиятини бениҳоя катта эканлигини уқтириб ўтади. Беруний тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳақиқатини билишга тааллуқли ҳамма масалаларни ҳар тарафлама ўрганиш зарурлигини кўрсатади ва бу билан нотўғри йўлга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. У шундай ёзади:

«Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўрилган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишдан иборатдир. Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш шу пайт, шу он билан чекланади. Хабар эса, нарсанинг кўрилган пайти ва вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар мавжуд нарсалардан ҳам, келажак нарсалардан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра, афзалроқ ҳисоблаш мумкин; қаламнинг мангу ёдгорликлари бўлмаганда, халқларнинг тарихини қандай билар эдик?!

⁷³ Ўша жойда.

⁷⁴ Ўша жойда.

Сўнгра, одатда бўлган ҳол ҳақида берилган хабар бир хил эмас, балки (фарқсиз) рост ва ёлғон бўлиши мумкин»⁷⁵.

Беруний ёлғон хабарларнинг муайян ва умумий илдиэларини очиб ташлайди. У буларни маълум гуруҳ кишилариининг манфаатларини қарама-қаршилигида кўради. Унингча, чинакам жасорат, қахрамонлик сўздами ё амалдами, ҳар икки ҳолатда ҳам ёлғонга қарши курашда ўлимни ҳам писанд қилмасликда намоён бўлади. «Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди. Ахир, ўз зарарингизга бўлса ҳам, рост гапиринг дейилганку»⁷⁶, деб ёзади у.

Кузатиш, кўриш, тажрибалар қилиш, мантикий умумлашмалар чиқариш, маълумотларни тўплаш, халқ оғзаки ижоди, ёзма ёдгорликларни ўрганиш, барча хабар, манбаларга танқидий қараш ҳақиқатни аниқлаш учун уларни бир-бири билан таққослаб кўриш, тил курилишини, ёзувларни ўрганиш – булар ҳаммаси ўрта асрнинг буюк қомусчиси Абу Райҳон Беруний илмий усулининг асосини ташкил этади.

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий қарашлари

Абу Райҳон Беруний томонидан «Сабабларнинг сабаби» – инсон ва инсоният жамиятининг юзага келиши масаласининг кўйилиши диққатга сазовор. «Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир»⁷⁷.

Беруний кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши ҳақида ақлга асосланиш нуқтаи назарида турганини кўраммз. Оламнинг мавжудлиги масаласига келганда, Беруний «эҳтимол у бир неча минг миллион йиллардан бери мавжуд бўлгандир»⁷⁸, деган тахминларни айтади.

Беруний фикрича, инсон ҳайвондан ақли билан фарқ қилади. Мутафаккир инсоннинг ҳайвондан тубдан фарқ қиладиган бу хусусияти қандай пайдо бўлганлигини тушунтирганда, худога мурожаат қилиб, инсонни худо азалдан шундай яратган дейди. У инсон-

⁷⁵ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2-жилд, –Т.: Фан, 1965, – Б.25.

⁷⁶ Ўша жойда.

⁷⁷ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, –Т.: Фан, 1968, –Б. 50.

⁷⁸ Ўша жойда.

нинг жисмоний тузилиши ва бутун ҳаётини аниқлашда жўғрофий омилнинг роли ҳақида ажойиб фикрларни айтади: «... (одамлар) тузилишининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тулрок, сув, ҳаво ва ер (одам яшайдиган жой)ларнинг турличалигидан ҳамдир»⁷⁹.

Беруний фикрича, ақл, меҳнат, эркин танлаш инсоннинг ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди. У инсон бошқа одамларнинг бахт-саодати ҳақида доим ўйлаши керак дейди ва шундай ёзади: «Муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қондасидир»⁸⁰. Бу фикрни давом эттириб, инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланишидан иборат эканлигини таъкидлайди. Зеро, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади. Бинобарин, у «инсонларнинг мақсад ва ниятлари ҳар хил бўлгач, санъат ва ҳунар ҳам турлича бўла бошлайди»⁸¹-дейди. Бу эса, меҳнатнинг тақсимланишига олиб келади, деган фикрни олға суради.

Беруний пулнинг келиб чиқишини даставвал меҳнат тақсимоми билан боғлиқ, деб билди⁸². Унинг фикрича, инсонлар ўртасида олтин ва кумуш сифатида пулнинг муомалада бўлиши махсус қимматга эга эмас, чунки улар инсоннинг ҳеч қандай эҳтиёжини қондира олмайди. Фақат айирбошлаш туфайли пуллар қимматга эга бўлади. Жамиятда пул фақат ўлчов сифатида, умумий эквивалентнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Лекин бу уларнинг табиати ҳамда маълум табиий қонун асосида бўлмай, балки шартли келишув туфайли содир бўлган. Чунки уларнинг иккиси ҳам (олтин ва кумуш) даставвал ўз мазмуни билан инсонни на тўйдиради, на чанқоғини қондиради, на зўрлик ёки зулм хавфидан қутқара олади. Пулнинг нотўғри ишлатилиши туфайли ёвузлик келтирувчи бойлик юзага келади. Ўз навбатида бу мажбурий меҳнатни келтириб чиқаради. Беруний фикрича, пул туфайли фақат турли товарлар айирбош қилинмай, балки бегона куч ҳам ёлланади. «Бири иккинчисини ёллайди, яъни бир киши иккинчисига адолатли шартнома туфайли доимо ишлаши керак, бунинг эва-

⁷⁹ Ўша жойда. —Б.236.

⁸⁰ Ал-Беруни. Геодезия. —Б.83.

⁸¹ Ўша жойда.

⁸² Қаранг: Ал-Беруний. Минералогия. —Б.12.

зига у мукофотланади»⁸³. Ёлланма меҳнатни тушунишда Беруний янада илгари кетиб, унда фақат одил шартномани кўрибгина қолмайди, балки ҳар қандай мажбурий меҳнатга қарши чиқиб, қуйидагиларни ёзади: «Зўрлик ва ёллаш орқали амалга ошадиган мажбурий меҳнат доим тўғри эмас»⁸⁴.

Беруний подшоҳлар «эркин бўйсуннишни» қўрқув ва зўравонлик йўли билан мажбурий бўйсундиришга айлантирганликларини қайд этади. Подшоҳлик мансаби меросга айланганини кўрган Беруний, инсоннинг жамиятда тутган ўрни наслнинг қадимийлиги, авлод-аждодларнинг хизматлари билан белгиланишига қарши чиқади ва кимки, ўзининг марҳум қариндош-уруғи ва бувалари орқали мансабга эришаман деса, ўзи марҳумдир, лекин марҳум авлодлари барҳаётдир, дейди.

Беруний жамиятни бошқариш масаласига тўхтаб «идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборатдир»,⁸⁵ дейди. Берунийнинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига, Искандар Зулқарнайн Арастунинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, бўйсунниши; шоҳнинг ўзи ҳам «яратувчанлик онгига» эга бўлиши, кўпроқ деҳқонлар ҳақида қайғуриши керак. «Зеро, подшоҳлик деҳқончиликсиз яшай олмайди»⁸⁶.

Беруний мамлакат равнақини фан равнақида кўрди. Илм-фан саховатли хизматни ўташи мумкин, деб ҳисоблади. У шундай ёзади: «Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим-билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни, мен ўзим учун, қатта бахт деб ҳисоблайман»⁸⁷.

Беруний фикрича, инсоннинг олий бахти билишда, чунки у ақлга эга. Бахт ана шу нуқтаи назардан тушунилсагина жамиятга тинчлик ва фаровонлик келтиради. Инсоннинг олий фазилати эса, бошқалар ҳақида, айниқса, камбағаллар ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Унинг Ҳиндистонда олиб борган кенг илмий талқиқот ишлари

⁸³ Ўша жойда.

⁸⁴ Ўша жойда.

⁸⁵ Ўша жойда.

⁸⁶ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Фан, 1968. –Б.74

⁸⁷ Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. 2. 1963, –С. 23.


халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва маданий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берди.

Шундай қилиб, Берунийнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари асосида чуқур инсонпарварлик ётади⁸⁸.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Берунийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Абу Райҳон Беруний Шарқ фалсафий тафаккури тарихида қандай ўрин тутади?

⁸⁸ Қаранг: Шарипов А. Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари. –Т.: Фан, 1972.

2. *Абу Райҳон Беруний ҳаёти тўғрисида мавзудан ташқари яна нималар биласиз?*
3. *Мутафаккирнинг борлиқ ҳақидаги қарашиларида қайси файласуфларнинг таъсири сезилиб туради?*
4. *Деистик таълимот, деганда нимани тушунасиз?*
5. *Берунийнинг ал-Хоразмий ва ал-Фаргонийларнинг қайси фикрларини қўллаб-қувватлади ва ривожлантирди?*
6. *Беруний фикрича, инсон ким?*
7. *Мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий қарашиларида географик детерминизм кўртаклари мавжудми?*
8. *Берунийнинг ижтимоий қарашиларида қандай ғоялар етакчи ўрин тутади?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Абу Райҳон Берунийнинг билиш назарияси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Абу Райҳон Беруний ва Демокритларнинг атомистик таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг .
5. Мавзу юзасидан инсерт жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

«Инсерт» жадвали

1. «V»- мен билган маълумотларга мос;
2. «-» - мен билган маълумотларга зид;
3. «+» - мен учун янги маълумот;
4. «?» - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Абу Райҳон Беруний. Доривор ўсимликлар ҳақида китоб (Сайдана). –Т.:Фан, 1968.
3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.:Фан, 1957.
4. Абу Райҳон Беруний. Минералогия. –Т.:Фан, 1967.
5. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, –Т.: Фан, 1968.
6. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. –Т.Фан, 1965.
7. Абу Райҳон Беруни. Геодезия. –Т.:Фан, 1966 (рус тилида).
8. Абу Райҳон Беруни. Избранные произведения. Т. 2, 1963.
9. Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.
10. Шарипов А. Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари. –Т.: Фан, 1972.
11. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.:ТДШИ нашриёти. 2010.
12. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Абу Райхана Беруни. –Т.:Фан, 1972.

15-МАВЗУ

«ИХВОН АС-САФО» («СОФ БИРОДАРЛАР») ФАЛСАФИЙ МАКТАБИНИНГ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда Шарқда янги пифагорча илмларнинг ёйилиши, «Ихвон ас-сафо» фалсафий мактабининг ташкил топиши ва фаолияти тўғрисида илмий тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, уларда Шарқ ва Ғарб фалсафий мактаблари таълимотларини қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: Янги пифагорчилик, «Ихвон ас-сафо», таносух назарияси, тарқи дунёчилик, Саффорийлар (867-908), Сомонийлар (874-979), Ғазнавийлар (962-1186), шиша мазҳаби, Ол Буйа (946-1055), Салжукий турклар (1055-1194) Фотимийлар (909-1171), Улмавийлар (912-1031), Абу Сулаймон Бўстий, Мажритий (ваф. 1008), Пифагор.

Асосий саволлар

1. Янги пифагорча фалсафа ва фалсафий илмларнинг ёйилиши.
2. «Ихвон ас-сафо» («Соф биродарлар») фалсафий мактабининг таълимоти.

Янги пифагорча фалсафа ва фалсафий илмларнинг ёйилиши

Пифагор фалсафасига мусулмонларнинг қизиқиши юнон ва Искандария маданиятининг бевосита таъсири остида юз берди. Буни Ибн Сино ўзининг «Ал-ишорат ва ат-танбеҳот» асарида (4-қисм 36-саҳифаси) қайд этган. Мусулмон мутафаккирларини тавҳид (якка-худодик) масаласи қизиқтирганлиги учун улар Пифагор назариясидаги сонлар, жумладан, I рақамга алоҳида эътибор берилганлигини қадрладилар. Ҳатто Пифагор фалсафасининг энг дағал жойи бўлган, руҳни кўчиб юриши, яъни таносух назарияси ҳам Муҳаммад ибн Закариё Розийнинг эътиборини жалб қилган эди.

Пифагор фалсафасининг хусусияти бўлган илм билан ирфонни ғаройиб тарзда бир-бири билан қўшилиши ислом тафаккуридаги бир-бирига муҳолиф бўлган икки кутбни келиштиришга қаратилган эди. Юнонча тафаккур тарзига тушиб қолган, аммо иккинчи томондан Шарқ ҳикмати таъсиридан чиқиб кета олмай,

иккиланаётганлар учун бундай қўшилиш маънавий озуқа бўлиб хизмат қилди.

Пифагор фалсафасининг ички хислати таркидунёчиликка мойиллиги бор Шарқ руҳиятига мос келар эди. Бундай руҳият X асрдаги ижтимоий ва сиёсий можаролардан ўзни олиб қочиш зарурияти туфайли туғилган эди. X аср ислом тарихида нафақат буюк илмий ва фикрий тараққиёт даври, балки ислом империяси сиёсий бирлигини тадрижий узилиши ва Бағдод халифалари шону шавкатининг қўлдан кетиши ҳам бўлган эди. Агар бу халифаларнинг фармонлари илгари Синд дарёсидан тортиб, Атлантика океанигача бўлган минтақаларда бажарилган бўлса, энди кичик амирликларга бўлиниш ва уларнинг мустақиллик даъволари юз берди. Саффорийлар (867-908) Эронда, Сомонийлар Мовароуннаҳр ва Эронда (874-979), Ғазнавийлар Афғонистон ва Панжобда (962-1186), ислом дунёсига шиа маҳзабини ёйилишига сабабчи бўлган Ол Буйа (946-1055) ва уларнинг равнакига тўсқинлик қилган Салжуқий турклар (1055-1194) мустақил сулолалар сифатида фаолият кўрсатган эдилар. Мисрда Фотимийлар (909-1171), Андалузияда Уммавийлар (912-1031) X аср бошидаёқ, мустақил ҳукмронликни бошлаган эдилар.

«Ихвон ас-сафо» («Соф биродарлар») фалсафий мактабининг таълимоти

Ол Буйа сулоласи ҳукмронлиги даврида «Ихвон ас-сафо» номли махфий диний-фалсафий анжуман Басрада фаолият кўрсатди. 52 фалсафий рисола ва битта умумий илмларга бағишланган китоб ёзган бу анжуманнинг таҳрир ҳайъатида қуйидагилар бор эди: Абу Сулаймон Бўстий (Муқаддасий номи билан ҳам машҳур), Абул Ҳасан Зенжоний, Абу Аҳмад Наҳржурий (бошқа номи Меҳржоний), Ауфий ва Зейд ибн Рифоъий. Сижистонийнинг қайд этишича, улар «олимлардан ташкил топган гуруҳ бўлиб, биргаликда «Ихвон ас-сафо рисолалар мажмуаси»ни таълиф этишган. Улар бир фикрга келганликларидан кейин Муқаддасий қалам билан битган»⁸⁹.

⁸⁹ . ۱۹۴۶. تاريخ حكماء الاسلام، دمشق، ابو الحسن. //Байхақий, Абул Ҳасан. Торихе ҳукамоул ислом («Ислом ҳукамолари тарихи»), –Дамашк, 1946. 35-саҳифа. (араб тилида).

«Ихвон ас-сафо» («Соф биродарлар») анжуманининг рисола-лари X асрда мусулмон оламига ёйилган фалсафий илмларнинг доирату.1 маъорифи (энциклопедия) мақомида бўлиб, ундаги энг муҳим жиҳат риёзиёт (математика) ва илми нуҷум (астрономия) эди. Андалузия мунажжими Мажригий (ваф. 1008) ёки унинг шогирди Кермоний (ваф. 1066) бу рисоаларнинг нусхаларини бошқа юнонча ва арабча асарлар қаторида Андалузияга олиб келишган⁹⁰.

Қирқ тўртинчи рисола «Ихвон ас-сафо эътиқоди ва раббонийлар мазҳабининг баёни» деб аталиб, унда қайд этилишича, анжуман аъзоларининг биринчи даражали қизиқиши «илоҳий илм» бўлган. Инсон бадани «Ихвон ас-сафо» қарашларига биноан катта олам бўлган Коинотнинг хулосаси эди (1-илова). Инсон дунёни билишнинг калити бўлиб, моҳияти эса, унинг ўзини билишда эди. Инсон бениҳоят кичик зарра билан бениҳоят катта зарра ўртасида ўртача вазиятда туради. Унинг танаси унчалик катта ҳам, унчалик кичик ҳам эмас. Умрининг узунлиги ҳам шундай: қисқа ҳам, узун ҳам эмас. Унинг ер қуррасида пайдо бўлиши ҳам тез ёки узоқ муддатга чўзилмаган. Инсон маърифати ҳам жаҳолат билан комиллик ўртасида турганлигидадир.


«Ихвон ас-сафо» Пифагорга ҳам доим иззат-хурмат кўрсатиб, уни «ҳаким» деб атадилар ва уни мақташ ҳамда унга таянишни тўхтатмадилар. Аммо улар ҳар қандай бошқа манбалардан фойдаланишни ҳам давом эттирдилар. Уларнинг шиори шундай эдики, «ҳеч қандай илм манбаси инкор этилмасдан фойдаланилсин ва барча диний эътиқодларнинг ижобий томонлари, ўзлари ярагаётган таълимотларга киритилсин»⁹¹.

Улар фалсафа билан имон-эътиқод ўртасидаги ҳижобни олиб ташлашга ҳаракат қилган эдилар.

⁹⁰ Қаранг: .۱۹۰۳، لايزيك، -تاريخ الحكماء. قطي، على، // Қифтий, Али. Торихе ҳукамо (Ҳакимлар тарихи). –Лейпциг. 1903 (араб тилида). 243-саҳифа.

⁹¹ .۱۹۹۶، تهران، -مجلد الحكمة. ترجمة رسائل اخوان الصفا. قهران، //Мужмал ал-ҳикма (Ихвон ас-сафо рисолалари таржимаси): Муҳаммад Тақи Донишпазхуҳ ва Ираж Афшар таҳрири остида. –Техрон, 1996. 4-жилд. 42-саҳифа. (форс тилида).

«Ихвон ас-сафо»да борлиқ масаласи



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Янги пифагорча фалсафа қандай таълимот?*
2. *Янги пифагорча фалсафа вакилларида кимларни биласиз?*
3. *«Ихвон ас-сафо» фалсафий мактабининг вужудга келишига нималар таъсир кўрсатди?*
4. *«Ихвон ас-сафо»да динга муносабат қандай эди?*
5. *Ушбу фалсафий мактаб қайси илмга биринчи даражада қизиққан?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ихвон ас-сафо» фалсафий мактаби фаолияти» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 15та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Мавзу юзасидан Б/Б/Бжадвалини тўлдириг (2-илова).

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Қодиров М. Марказий Осиё. Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафакқури (ўрта асрлар). –Т.:ТДШИ нашриёти. 2010.
2. Байҳақий, Абул Ҳасан. Ториҳе ҳукамоул ислом («Ислом ҳукаمولари тарихи»), –Дамашқ, 1946. (араб тилида).
3. Қифтий, Али. Ториҳе ҳукамо (Ҳақимлар тарихи). –Лейпциг. 1903 (араб тилида).
4. Мўжмал ал-ҳикма (Ихвон ас-сафо рисоалари таржимаси): Мухаммад Тақи Донишпажух ва Ираж Афишар таҳрири остида. –Техрон, 1996. (форс тилида).
5. Брагинский И. 12 миниатюр. –М.: Художественная литература, 1966.

16-МАВЗУ

УМАР ХАЙЁМНИНГ ТАБИЙ-ИЛМИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда яшаб, ижод этган олим Умар Хайёмнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, шоирнинг «Рубоиёт»идаги инсон, олам, модда ва рух ҳақидаги қарашларига оид тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, уларда ўрта асрлар мусулмон Шарқидаги фалсафий қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини мушоҳада қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Умар Хайём, Нишонур, «чодир тикувчи», Балх, Бухоро, Самарқанд, табиатшунослик фанлари, математика, «Маликшоҳ солномаси», «Рисола фил вужуд», «Рисолат ул-қавн ват-таклиф», «Рисола фи-қуллиёти вужуд» «Рисолаи жабр», ноевклид геометрияси, Ренан, Мюллер, Венка, рубоиёт, борлиқ, ҳаракатлантирувчи куч, моддий дунё.*

Асосий саволлар

1. Умар Хайёмнинг ҳаёти ва фаолияти.
2. Умар Хайём ижодининг жаҳонда ўрганилиши.
3. Умар Хайёмнинг фалсафий қарашлари.

Умар Хайёмнинг ҳаёти ва фаолияти (1040-1123)

Умар Хайём Салжуқийлар даври ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва илмий тафаккурининг энг атоқли намояндаларидан бирidir. У Хуросоннинг ўша вақтдаги маркази бўлган Нишонур шаҳрида 1048 йилнинг 18 майида туғилди. Унинг вафоти ҳам аниқ ҳисобланган бўлиб, 1123 йилнинг 4 декабрида рўй берган. Олимнинг лақаби бўлган «Хайём» («чодир тикувчи»)дан маълумки, унинг келиб чиқиши ҳунармандлардан бўлган. Умар Хайём Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг Балх, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларида ўқиб улғайди ва ўз замонасининг етук олимларидан бири бўлиб етишди. У табиатшунослик фанлари соҳасида, айниқса математикадан забардаст олим бўлиб етишди.

Фалсафада Умар Хайём ўзини Ибн Синонинг издоши, деб ҳисоблар эди. 25-26 ёшларидаёқ уни ўз замондошларига, кейинчалик эса, асрлар давомида барча илм аҳлига машҳур қилган алгебрага доир рисоласини ёзиб тугатди. У астрономияда ҳам шуҳрат қозонди.

1074 йилда Умар Хайём Салжуқийлар султони Маликшоҳ томонидан пойтахт Исфаҳондаги расадхонага мутасаддилик лавозимига чақирилди. У ерда 471 ҳижрий йилнинг ўнинчи рамазонида (1079 йилнинг 15 март) узоқ астрономик изланишлар натижасида ҳозиргача мавжуд бўлган куёш тақвимлари (календарь) ичида энг аниғи бўлган «Маликшоҳ солиномаси», деб аталган тақвимни яратди. Ўзининг иккинчи энг муҳим риёзиётга доир асари бўлган «Евклид китоби муқаддимасининг тушунтириш қийин бўлган жойларига шарҳ» ва баъзи қисқача фалсафий асарлари, жумладан, «Рисола фил вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»)ни ҳам шу ерда ёзди. Унинг математика, астрономия, фалсафа ва бошқа фанлар соҳасида «Рисолат ул-қавн ват-тақлиф» («Қоинот ва унинг вазифалари»), «Рисола фи-қуллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола»), «Рисолаи жабр» каби асарлари бизгача етиб келган.

Умар Хайём ўзининг «Рисолаи жабр» китоби муқаддимасида: «Биз илм аҳлининг инқирозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган фақат бир кичик гуруҳгина қолди, холос. Энди бизнинг замон донишмандларининг аксарияти ростни ёлғон билан яширадилар, билимда шуҳратпарастликдан нарига ўтолмайдилар. Агар илм бобида бирор нарса билсалар, уни ҳам фақат тубан мақсадлар ва ўз маишатлари учун сарф қиладилар. Агар бирор киши ҳақиқатни қаттиқ талаб қилса, тўғрилиқни афзал кўрса, фириб ва ёлғонни рад этишга ҳаракат қилса, риёкорлик ва хийладан ҳалос бўлишга азм қилса, уни ҳақорат қиладилар, масхараляйдилар», деб ёзган эди.

1092 йилда Умар Хайёмга ҳомийлик қилган Маликшоҳ ва унинг бош вазири Низомулмулк вафотидан кейин, Исфаҳондаги расадхона беркитилади. Умар Хайём кейинги тахт ворисларини кизиқтириш мақсадида ўз астрономик изланишларини давом эттиради. У куёш тақими билан боғлиқ бўлган Наврузга бағишлаб форс тилида рисола ёзади. Ой тақими ноқулай ва ўзгарувчан бўлганлигидан Хайём, Туркистон ва Эрон араблар истилосидан олдин фойдаланиб келган 365 кундан иборат Куёш тақвимини қайтадан

тузиб чиқди. Аммо унинг ҳукмдорларни қизиқтиришга бўлган ури-нишлари яхши натижа бермади. Бир неча йилдан кейин Салжук-ийларнинг пойтахти яна Марвга кўчирилди. Замона ҳукмдорлари билан иш кўришга мажбур бўлган Умар Хайём Марвга келиб, ўз илмий фаолиятини давом эттирди. Табиатшунослик соҳаларида ёзган унинг ўнта рисоласи бизгача етиб келган.

Илмий ишлари туфайли худосизликда шубҳа қилинганлиги учун Умар Хайём ҳаж сафарига боради. Сафар давомида Бағдод-га келганда қадимги фанлар билан шуғулланадиган унинг кўплаб ҳаммаслаклари Умар Хайём суҳбатига шошиладилар. Ҳаж сафа-ридан ўз она шаҳри Нишопурга қайтган Умар Хайём камтарона ҳаёт кечиради. Эрта ва шом намозига чиқиб турса ҳам, ўзининг чуқур илмий мулоҳазаларини бошқалар билан ўртоқлашишдан ўзини тияди.

Хайём даврида ва ундан кейин ҳам узоқ вақт давомида Шарқ-да китоб нашр этишни кашф этилмаганлиги сабабли, унинг қим-матли илмий кашфиётлари Европага ўз вақтида етиб бормади. XVI асрда Эрон маданиятини ўрганган Европа олимлари унинг исми билан яхши таниш эмас эдилар. Шунинг учун бўлса керак, Умар Хайём Эрон ва Ўрта Осиёда гўё унитилган, деган фикр пайдо бўлди.

Алгебрага жуда катта янгиликлар киритган, унинг риёзиётга доир рисолалари, параллелли муносабатлар назарияси, рақамлар ҳақидаги таълимот, ноевклид геометрияси элементларини аниқлаш кабилар унитилаёзди. Умар Хайём томонидан XII асрда қилинган бу соҳадаги кашфиётларни Декарт яна қайтадан очишга мажбур бўлди. Унинг алгебрага доир рисоласи биринчи марта Европада фақат 1742 йилдагина тилга олинади.

Умар Хайём ижодининг жаҳонда ўрганилиши

Серқирра илмий асарлар ёзган қомусий олим Умар Хайём жаҳонга ўзининг асарларининг илмий қиммати билан эмас, балки китоблари ҳошиясига дам олган кезларида ёзган шеърлари билан машҳур бўлди. XIX-XX асрларда тадқиқотчилар унинг рубоийла-рига эътибор бера бошладилар. Ҳолбуки, XIII асрнинг ўрталари-да яшаган машҳур тарихчи ал-Қифтий ўзининг «Тарихи ҳукамо» («Ҳақимлар тарихи») асарида Хайём тўғрисида қуйидагиларни

ёзган эди: «Астрономия ва фалсафа соҳасида унга тенг келадиган киши йўқ эди»⁹².

XIX асрда яшаган Европа тадқиқотчилари Ренан, Мюллер, Вепка ва бошқалар уни тарки дунёчилик қарашлари устидан кулган бўлсалар ҳам, аммо уни эркин фикрловчи файласуф сифатида қадрлаганлар.

Умар Хайём ўзининг шеърий асарлари – рубоиёти билан бутун оламга машҳур бўлди, десак муболаға бўлмайди.

У ўз рубойларида ҳам илмий-фалсафий китобларида бўлганидек, олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикру ўйларини ажойиб шеърий сиймоларга ўраб, мўъжизакор тўртликларда ифодалаб беради.

Эрон олими Мужтабох Минавийнинг «Хайём ҳақида дақиқий тадқиқотлар» тўплами маълумотларига қараганда, фақат 1929 йилгача Европа ва Америкада шоир Умар Хайём ҳақида ёзилган китоблар ва мақолалар сони 1500 дан ошиб кетган. Устод Саид Нафисий эса, шундай ёзади: «Менинг ҳисобимча, Хайём рубойлари 32 марта инглиз тилига, 16 марта французчага, 11 марта урду тилига, 12 марта немисчага, 8 марта арабчага, 5 марта италян, 4 марта туркийга, 8 марта русчага, 2 марта данияликлар тилига ва бошқа тилларга таржима қилиниб, чоп этилган. Э.Фитсжералднинг инглизча таржимасининг ўзигина то 1925 йилгача 139 марта чоп этилган»⁹³.

Эрон олими Али Даштий ўзининг 1965 йилда чиққан «Даме бо Хайём» («Бир лаҳза Хайём билан») деган китобида Умар Хайём ҳақидаги китоб ва мақолалар шоядки, 2000 дан ошиб кетса, дейди.

Бундан ташқари жуда кўп сўз санъаткорлари Хайём рубойларини ўз асарларига киритадилар, минглаб кишилар бу дурдона тўртликларни ёддан ўқиб юрадилар, унинг китобларини бир-бирларига совға қиладилар.

⁹² Қаранг: Умар Хайём. Рубойлар. Шоислом Шомуҳамедов муқаддимаси. –Т.: Шарқ, 1997. –Б.11.

⁹³ Ўша жойда.

Умар Хайёмнинг фалсафий қарашлари

Умар Хайём фикрича, борлиқ мураккаб (ашё, модда) ва оддий (биринчи ибтидолар, бирламчи асослар) нарсалардан ташкил топган (1-илова).

Борлиқ, тўхтовсиз тараққиёт ҳолатидадир. У жонсиз дунёдан тажридий равишда юкори шаклга, яъни одам даражасигача юксалади. Ҳар бир доиранинг ақлига руҳ мувофиқ келади. Руҳ – ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, ақл эса – ишқ ва муҳаббатни кўзговчидир. Бу бирликдаги раҳбар куч – ақлдир, аммо руҳ ақлдан юқорироқ кўтарилишга ҳаракат қилади. Руҳнинг ақлга қарама-қаршилиги туфайли турли доираларда ривожланиш юз бериб туради.

Дунё моддий бўлиб, ўзининг қонуниятларига эга. Борлиқ – ибтидоси ва интиҳоси бўлмаган доимий оқимдир. Модданинг мавжудлигининг бир шаклидан бошқасига чексиз равишда ўтиб туриши, бир сифатий ҳолатдан иккинчисига айланиши борлиқнинг табиий ҳолатидир.

Ижтимоий соҳада Умар Хайёмнинг орзуси – хур фикрли, озод фикр юритувчи, соф дилли, фалсафий тафаккурга муккасидан кетган инсон эди.


Унинг фикрича, инсон бахт-саодатли яшаш учун туғилади. Бу бахт-саодатнинг асоси табиатдир. Аммо ундан, яъни унинг бойликларидан фойдаланиш учун унинг ўзини ўрганиш керак.

Умар Хайём инсон ижодий фаолиятининг ғалабаси учун, унинг ер юзидаги бахт-саодати учун курашди. Бунининг рубоийларида кўриш мумкин (2-илова).

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Умар Хайёмнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари



2-илова

Рубоийлардан намуналар

*Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.*

*Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд-наст одам.
Сўзи билан иши бир келса агар
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.*

*Ўлик-тирик ишин тузаткувчисен,
Тарқоқ коинотни кузаткувчисен,
Ёмон бўлсам ҳамки, сенинг бандангман,
Мен нима ҳам қилай? Яраткувчи – Сен.*

*Фалакка ҳукм этган Тангридай бўлсам,
Фалакни қилардим ўртадан барҳам.
Янгидан шундай бир фалак тузардим,
Яхшилар тилакка етарди ул дам.*

*Киши ўзлигидан яхши-ёмон ҳам,
Қазову қадар у қувонч ёки гам.
Ақл айтур: буларни чархга тўнкама,
Чарх сендан ожизроқ, бечора-ю кам.*

(Форсчадан Шоислом Шомуҳамедов таржимаси)

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Умар Хайём ким бўлган?
2. У қайси соҳаларда илмий изланишлар олиб борган?
3. Сизнингча, Умар Хайём дунёқарашига қайси таълимотлар сезиларли таъсир кўрсатган бўлиши мумкин?
4. Нима учун Ғарб олимлари Умар Хайём ижодини қизиқиш билан ўрганган ва ўрганмоқда?
5. Мутафаккирнинг фалсафий гояларини биз унинг қайси асарларида кўришимиз мумкин?
6. Умар Хайёмга кўра, борлиқнинг ибтидоси нима?
7. Мутафаккир ижодида инсон тақдирининг азалийлиги масаласи қандай ҳал қилинади?
8. Умар Хайём фикрича, комил инсон қандай сифатларга эга бўлиши керак?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Умар Хайёмнинг фалсафий қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

3. Мавзу юзасидан 15та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Умар Хайёмнинг «Рубойлар» асарини тониб, ундаги рубойлардан 8-10тасини ёд олинг. Ёдлаган рубойларингиздаги фалсафий ғояларни таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан кластер тузинг.

Адабиётлар

1. Умар Хайём. Рубойлар. Шоислом Шомухамедов муқаддимаси. –Т.: Шарқ, 1997.
2. Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири. Харқаро илмий анжуман материаллари. –Т.: Моварауннахр, 2004.
3. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.: ТДШИ наириёти. 2010.
4. Петрушевский И.П. Ислам в Иране. –Л., 1966.
5. Мец А. Мусулманский ренессанс. –М., 1973.
6. Файзуллаев О.А. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. – Т: Фан, 1974.

17-МАВЗУ

ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ОҚИМЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрлар Шарқида гуллаб-яшнаган, араб-мусулмон фалсафий тафаккурининг ажралмас қисми бўлган тасаввуф фалсафасининг моҳияти, унинг йирик намояндалари ва Марказий Осиёда кенг тарқалган оқимлари, ундаги инсон камолоти тўғрисидаги ғоялар ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда мазкур диний-фалсафий таълимотда илгари сурилган ғояларни қадимги ҳинд, хитой, юнон ва бошқа таълимотлардаги қарашлар билан қиёсий таҳлил қилиш ва олинган хулосаларни фалсафий мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Тасаввуф, зуҳд, суфий, мутасаввиф, солиқ, ҳиндувийлик, буддавийлик, таркидунёчилик, қазо ва қадар, ҳабб (илоҳий ишқ), Восил ибн Ато, Ҳасан Басрий, Жунайид, Боязид Бистомий, Маҳосибий, «ал-фано тавҳид» (тавҳидда фанога айланиш), «Ваҳдат ул-вужуд», «анал-ҳақ», «айнул-жамъ», «сукра», «саҳв», ваздий (иррационал), «хушёрлик» (рационал), Юсуф Ҳамадоний, яссавия, хожагония, илм-ан-назар (рационализм), Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, тавба, узлат, қаноат, сабр, Баҳоуддин Нақибанд, хуш дар дам, сафар дар ватан, назар дар қадам, хилват дар анжуман.*

Асосий саволлар

1. Тасаввуф таълимотининг моҳияти ва назарий тизими.
2. Юсуф Ҳамадоний фаолияти.
3. Ҳожа Аҳмад Яссавий қарашлари.
4. Нажмиддин Кубро таълимоти.
5. Ҳожагон тариқати ва Баҳоуддин Нақшбанд.

Тасаввуф таълимотининг моҳияти ва назарий тизими

Тасаввуф илк ислом даврида пайдо бўлган бўлса-да, унинг илдизларини христианлик, ҳиндувийлик ва буддавийликдаги руҳан чексизликка интилиб, у билан бирлашиб кетиш ҳамда хилма-

хилликдан ҳоли бўлган олдинги ягоналик ҳолатига қайтиш маъносидан келишлилиги ажабланарли эмас (1-илова).

Ислом давридаги зуҳднинг, яъни молу-дунёга ҳирс қўймасликнинг энг йирик вакили Ҳасан Басрий (ваф. 110/738) бўлиб, ислом тарихидаги энг муҳим бурилиш даврида яшади. Араб дунёсидаги ҳокимиятнинг янги тури бўлган халифалик масаласидаги тортишувлар натижасида вужудга келган шароит ва учинчи халифа Усмоннинг 656 йилда қатл этилиши оқибатида мусулмонлар жамоаси икки гуруҳга бўлиниб кетди. Бу нарса уммавийлар билан Али тарафдорлари бўлган шиалар ўртасидаги низони келтириб чиқарди. Бу воқеанинг мафкуравий негизи сифатида бир асрга чўзилган сиёсий ва каломий баҳслар келиб чиқди. Сиёсий курашга асос сифатида каломий баҳсларнинг катта гуноҳ, қазо ва қадар, кишининг ўз ихтиёри ҳақидаги масалалар келиб чиқди. Бу ҳаракатнинг пешқадами сифатида Ҳасан Басрийнинг шогирдларидан бири Восил ибн Ато кураш саҳнасига чиқди.

Ҳасан Басрийнинг диний ҳаётдан олган хулосаси зоҳидона бўлиб, нарҳезкорлик, фақирлик, ноз-неъматлардан нафратланиш, унинг биринчи фикрий унсурларидан иборат эди. У тавсия этган ҳаёт тарзи фикрлаш, нафсни ҳисобга олиш, худонинг хоҳишига мутлақан таслим бўлишдан иборат эдики, натижада ички ризолик ҳолати келиб чиқар эди. Бундай ҳолатда илоҳий йўлланма билан инсоний ирода ўртасида мувозанат бутунлай ўртадан кўтарилади.

Сўфиёна фаолият кейинчалик Басрадан 762 йилда Мансур томонидан барпо этилган ва халифаликнинг сиёсий ва диний пойтахти деб эълон қилинган Бағдодга кўчди. Бағдоднинг энг йирик сўфийлари қаторида Маъруф Кархий (ваф. 199/815), Мансур ибн Алишер (ваф. 224/839), Бишр ибн Хофий (ваф. 227/842) ва Ибн Аби ад-Дунё (ваф. 281/894)ларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бағдод сўфийларининг энг машҳурлари Маҳосибий (ваф. 243/857) ва Жунайид (ваф. 297/910) эдилар. Маҳосибий Басрада туғилган бўлиб, кейинчалик Бағдодга келган эди. Кўп ўтмай у бу ерда ханбалийлар билан тўқнашиб қолади, чунки у ўзининг диний баҳсларида калом илмининг усулларида фойдаланар эди. Маҳосибийнинг тасаввуфий ақидаси икки асосга таянар эди: биринчиси «Маҳосибий нафс», яъни «нафсни ҳисобга олиш», шунинг учун лақаби Маҳосибий бўлди; иккинчиси худо «маҳбуб»и йўли-

да ҳар қандай огир бало-қазоларга ҳам чидашга тайёр бўлиш. У ўзини ҳақиқий парҳезкорликнинг меъёри деб билса, азоб тортишга (бало-қазоларга чидаш) тайёр туришни, буюк фазилат саналган «сабр»дан баҳраманд бўлишнинг нишонаси, деб билади. Маҳосибий ибодат фарзларининг қимматини инкор этмаган ҳолда, имоннинг икки жиҳатларига таянади. Имон ҳар вақт бўйсунуш ва ихлос руҳи билан аралашгандагина, маънавий ҳолатда ўша инсон самимийлигига айланади.

Абул Қосим Жунайид тасаввуф анъанасида биринчилардан бўлиб бу соҳага қадам қўйган энг йирик пирлардан бири ҳисобланади. Маҳосибий, Сақтий (ваф. 256/870) ва Абу Хафс Ҳаддод (ваф. 259/873) Жунайиднинг устозлари эдилар. Агар у ўртача муътадилликда иш олиб борган бўлса ҳам, ўзини худога қўшилиб кетган деб ҳис қилувчи сўфийлардан бўлган Боязид Бистомийни (ваф. 260/874) ҳурмат қилар эди. Жунайид тасаввуфнинг кейинги давридаги ёйилишига катта таъсир кўрсатди. У худонинг ягоналиги ва ҳар нарсага қодирлигидан, унга чексиз муҳаббат ва чуқур ҳис-ғуйгу орқали ҳаяжонли тадбирлар билан мурожаат қилиб, унинг висолига етишни ташвиқ қилди. Унинг бу ташвиқидан илҳомланган Ҳаллож (ваф. 309/922) ўзини кўярга жой тополмай қолди. Жунайиднинг бевосита ва билвосита шогирдлари орасида худо билан қўшилиб кетиш даражасидаги ошиқ Ҳаллождан ташқари, суннатга оғишмай рияз этувчи пирлар, калом илмининг йирик намояндалари ва тасаввуф шайхларидан бир нечасини топиш мумкин. Ҳатто Газзолийдек шахс ҳам уни ўзининг энг йирик маънавий устози сифатида танлаган эди.

Илоҳий ишқ бодасидан маст бўлган бепарво сўфийлар ичида ўзини тута олмай ваҳдат ҳавойиси бўлиб қолганлардан икки киши, айниқса машхурдир. Булар Бистомий ва Ҳалложлардир. Ибн Сино билан дўстлик муносабатларида бўлган Абу Саид Абул Хайр (ваф. 440/1049) ва Шиблийга (ваф. 334/943) ўхшаганлар икки асрдан кейин уларнинг йўлидан бориб, ўз турмуш тарзларида шаттоҳ тасаввуфий намуналарини ошқора кўрсатиб, қабул қилинган урф-одатлар чегарасидан чиқиб, девонавор хунарлар кўрсатдилар.

Боязид Бистомий (ваф. 261/875) Хуросоннинг ғарбидаги Бистомда туғилади ва мусулмончилиқни яқинда қабул қилган Абу Али Синдий тарбиясида тасаввуфга киради. У «ал-фано тавҳид» (тавҳидда фанога айланиш) айланиш таълимотини Бистомийга

ўргатади. Бистомий юқорида айтилган сўфийларга қараганда ҳам ўз жонини онгли равишда қийинчиликларга солиб, бир йўла инсоний қолипдан чиқиб (пок ва шаффоф) худо билан юзма-юз бўлмоқчи бўлади.

Жунайид Мансур Ҳалложга суфийлик хирқасини кийгизган ва 25 йил давомида маънавий муршидлик қилган эди. Аммо Жунайид Ҳалложнинг ҳаддан ошувчилик тамойили борлигидан хавфсирар эди. Ривоятларга кўра, Ҳалложнинг ўзбилармонлиги ва такаббурлиги туфайли, улар бир-бирларидан алоқани узишган.

Гарчи Ҳалложнинг расмий айбланиши унинг «анал ҳақ» («мен худоман»), дейиши ва мўминларнинг шариат фарзларини бажаришда ўз ихтиёрларича эркин иш тутиши мумкинлигини айтгани сабабли бўлса ҳам, аммо унинг исканжасига солиниб, кейинчалик қатл этилишининг асосий омили сиёсий тўполон чиқарганлигида эди. Судда унга худо номидан биринчи шахс сифатида илгариги гапларини эслатганларида, ўзини ҳимоя қилиб, бундай сўфиёна таълимотдаги «айнул жамъ» ҳолатига тўлалигича тўғри келишини айтган. Бундай ҳолатда сўфий худо қўлидаги асбобдан ўзга нарса эмас. Бу ерда шуни қайд этмоқ зарурки, кўпчилик орасида ёйилган фикрга қарши ўлароқ, Ҳаллож «анал ҳақ» деганлиги учунгина суд қилинмаган. Эҳтимол, бундай тасаввур шундан келиб чиққан бўлса керакки, Ҳаллож «анал ҳақ» дейишга бошлаган вақтда Жунайид башорат қилиб, бундай фикр унинг бошига етади, деган эди. Ҳар ҳолда суд муҳокамаси жараёнида Ҳалложнинг «анал ҳақ» дейишида айбламаганлар⁹⁴. Шундай бўлса ҳам, уни айбловчилар, айниқса, халифанинг вазири Ҳомид унинг «айнул жамъ» ҳолатини баён қилишдаги каломий тафсирларига қулоғини динг тутиб, халифанинг Ҳалложни дарра билан уриш ва сўнгра бошини танасидан жудо қилиш ҳақидаги фармониغا қарамасдан, ўта ҳасадчилиги туфайли уни дарра билан уришга, баданини қийма-қийма қилишга, дорга осишга, бўйнини кесишга, кейин эса, жасадини ёндириб, кулини Дажла дарёсига ташлашга буйруқ берди. Бундай жазолаш бутун ислом дини тарихи давомида юз бермаган эди. Ҳаммани таажжубга соладиган Ҳалложнинг таълимоти ва унинг ўлими шуни кўрса-

⁹⁴ Қаранг: Комил Мустафо ал-Шайбий. Ал-Ҳаллож девонининг шарҳи. – Байрут-Бағдод. 1394/1974, –Б.58. (араб тилида).

тадики, тасаввуфдан қанчалик хавфли хулосалар, шу билан бир-галикда диний расм-русумлар ва имон маърифати қолипларидан чиқишлар юз бериб туради. Бинобарин, тасаввуфнинг ислом дини тафаккури тарихидаги ўчмас қадрияти шундаки, қуруқ ихлос қолипидаги ақидага жозибакорлик ва шодлик туйғусини бағишлайди ва исталган мақсадга етишиш йўлларини ҳал қилиб беришга даъво қилади.

Жунайид тасаввуф моҳияти, ҳикматларини оммалаштириш хавфли, деб ҳисоблади. Зеро, авом нозик маъноларни англашдан ожиз, нотўғри талқинлар пайдо бўлади ва имон-эътиқодга путур етади. Шунинг учун бўлса керак, Жунайид Мансурни осииш тўғрисида тайёрланган фатвога ўзи ҳам қўл қўйган. Жунайид Бағдодийнинг айтишича, ҳақиқий бақо «сахв» хушёрликка қайтишдан кейин бошланади. «Сукра»даги одам бамисоли денгизга шўнғиб, ғарқ бўлган киши бўлса, «сахв»га қайтган денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб чиққан гаввосдир.

Шундай қилиб, Боязид Бистомий тасаввуф тарихида важдий (иррационал), интуитив билиш назариясининг асосчиси ҳисобланса, Абул Қосим Жунайид Бағдодий эса, илм ва ақлга суянандиган «хушёрлик» (рационал) билиш назариясига асос солди ва тасаввуф таълимотини илмий-назарий қарашлар билан бойитишга улкан ҳисса қўшди. Замондошлари Жунайидни бсҳудага «ақл хайкали», деб айтмаганлар.

Агар тасаввуф тарихини кўздан кечирсак, бу икки концепция кўп асрлар давомида яшаб келганлиги ва тасаввуфнинг вужудга келишига сабаб бўлганлигини кўраимиз. Яна шуниси ҳам борки, ҳар икки оқимни бирлаштиришга уринганлар ҳам бўлиб турган.

Инсонда ақл билан тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар бўлишини фан исботламоқда, улуг кашфиётлар айнан шу «бсҳудалик» ҳолатида қўлга киради. Орифона тасаввуф барча илмларни қамраб оладиган ҳикмат, фалсафани ҳам кўшадиган тасаввуфдир. Ошиқона тасаввуф ишқий кечинмалар, ишқий-завқий ирфонни биринчи ўринга қўйиб, муҳокама юритадиган, тўғрироғи муҳокама-тафаккурдан кўра, ҳис-ҳаяжон, муҳаббат шавқ-завқи тошқинини афзал кўрадиган тасаввуфдир. Маломатия ва қаландария оқимлари ҳам моҳиятан ошиқона тасаввуфнинг шаҳобчасидир.

Ёшларда бўладиган муҳаббат шавқи ва завқи аввало бу дунёга нисбатан бўлиши керак. Ҳозирги замонимизда фан ва техника тараққиёти шундай имкониятларни яратганки, у бутун башариётнинг асрий орзуси бўлган тўла бахт-соадатни ер юзининг ўзида яратиб беришга қодир. Ана шундай замин ўтмишда бўлмаганлиги учун орзуларга етишишнинг чораси сифатида турли тасаввуф тарикатлари келиб чиққан. Уларни ўрганар эканмиз, замонимиз кадрига кўпроқ етамиз.

Юсуф Ҳамадоний Ғаолияти (1048-1140)

Мовароуннаҳр диний-ирфоний таълимотининг асосчиларидан бири Юсуф Ҳамадонийдир. У Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўз тасаввуф мактабига асос солди. Унинг ҳаёт тарзи ҳалол яшашни тарғиб қилишга қаратилган эди. Юсуф Ҳамадоний Бухорода ва кейинчалик Марвда ташкил этган тасаввуфий тўғарақларида пайғамбаримизнинг «фақирлик фаҳримдир» деган қудсий калималарини ўзининг ҳаётий шиори, деб билиб, уни шоғирдларига сингдира бошлади. Ҳамадоний тасаввуф мактабидан келгусида Туркистонда оммалашиб кетган «яссавия» ва «хожагония» тариқат асосчилари етишиб чиқди. Юсуф Ҳамадоний Марв ва Бухорда хонақо ва мадраса қурдириб, кўплаб туркий забон ва форсийгўй шоғирдлар тайёрлади. Бухородаги шоғирдлари орасидан Ҳасан Андоқий, Абдулло Барақий, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний алоҳида ажралиб турарди. Кейинроқ бу тўрт истеъдодли шоғирд Ҳамадоний мактабини муваффақият билан давом эттирдилар⁹⁵.

«Яссавия», «Нақшбандия» тариқатлари Ҳамадоний таълимоти асосида шаклланди.

Ҳазрати Юсуф Ҳамадонийнинг тўлиқ исми Абу Яъқуб Юсуф бин Айюб бин ал-Ҳусайн бин Ваҳора ал-Ҳамадоний бўлиб, 1048 йилда Ҳамадон (Эрон) яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. Юсуф Ҳамадоний 17 яшарли йигит пайтида илм истаб, XI асрдаги халифаликнинг пойтахти – Бағдодга келади ва у

⁹⁵ Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик Хайруллаев М.М. таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.103-104.

ердаги машхур «Низомия» мадрасасида ўқийди. У ўз даврининг атоқли донишмандлари бўлган Абу Исҳоқ аш-Шерозий, Абу Исҳоқ ан-Наззорий, Хатиб ал-Бағдодий, Абу Жаъфар бин Муслим, Абу Ҳусайн ал-Мухтадий каби олимлардан фикҳ, ҳадис, тасаввуф ва маънавиятнинг бошқа соҳаларидан чуқур таълим олади. Кейинчалик халойиқ орасида ҳадислар тўплаш мақсадида Исфаҳон, Балх, Ҳирот, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бир неча бор сафар қилади. Ҳамадоний Бағдодда яшаган кезларида ас-Самъоний, Аҳмад ал-Ғаззолий (машхур мутасаввиф Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг акаси)лардан тасаввуфга оид илмларни ўрганган, уларнинг ваъз-насиҳатларини тинглаган. Ас-Самъоний қўлидан ҳирқапўш (яъни мустақил равишда тасаввуфга жалб қиладиган мурид) бўлган. Юсуф Ҳамадоний умрининг иккинчи ярмини кўпроқ Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказди.

Ҳам «яссавия», ҳам «нақшбандия» (Хожагон) тариқатларининг маънавий отаси бўлмиш Юсуф Ҳамадоний таълимотига кўра, ўзининг тамом фикри-зикрини Аллоҳ-таолонинг висолига етишишга бағишлаган, бундай эзгу ва нажиб йўлда поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, ўз қўли кучи ва пешона тери, ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган, бунинг учун ҳормай-толмай мужодала ва мубориза қилувчи, ҳар томонлама камолотга эришган инсонларгина аҳли тасаввуф, деб аталиши мумкин.

Юсуф Ҳамадоний даставвал илм-ан-назар (рационализм) соҳасида катта мутахассис бўлиб етишса-да, тез орада ўша илмдан воз кечиб, ҳақиқий художўйлик йўлига киради, ўзи худо васлига етмоқ учун саъй-ҳаракат қилади, ўз камолотини оширади, бошқаларни ҳам мана шу йўлга даъват этади ва бу соҳада кўплаб шоғирдлар тарбиялайди.

90 ёшдан ошган мўйсафид донишманд Шайх Юсуф Ҳамадоний Бомийн (ҳозирги Афғонистон) шаҳрида оламдан кўз юмади. Унинг жасадини шоғирдларидан Ибн Анжар (устози васиятига кўра) Марвга олиб келиб, дафн этади⁹⁶.

⁹⁶ Қаранг: Фахруддин Али ас-Сафий. Рашахот айн-ул-ҳаёт. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма асарлар хазинаси. Инв. –№ 3593. Литография. Лакнау. 1890. –Б.6-7. (форс тилида).

Хожа Аҳмад Яссавий қарашлари
(1041-1167)

ХII Асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. У 1041 йилда Сайрамда, Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. Унинг вафот этган вақти кўпгина қўлёзма манбаларда ҳижрий 562 (1166/67) йил деб ёзилган. Аҳмад ёшлигида онасидан, сўнг отасидан ажралади. Уни бобоси Арслонбоб тарбиялаб вояга етказди. Аҳмад дастлабки таълимотини Ясида машҳур олим Шаҳобиддин Исфинжобийдан олади. Сўнгра бобоси Арслонбоб кўрсатмаси билан Бухорога бориб Юсуф Ҳамадонийдан таълим олади. Аҳмад Яссавийнинг ўзи «Устоз Юсуф Ҳамадонийнинг ҳузурига 23 ёшида борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига ноил бўлгонлигини» айтади⁹⁷. У ерда тасаввуфдан таълим олиб, сўнг ўз юрти Туркистонга қайтади, тасаввуф таълимотини тарғиб этиб, шогирд, муридлар тайёрлай бошлайди.

Алишер Навоий ибораси билан айтганда, «Туркистон мулкнинг улуг Шайх-ул-машойихи» Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган. Маълумки, «Яссавия» тариқатидан кейин Марказий Осиёда икки йирик тариқат пайдо бўлади: «Накшбандия» (Хожагон) ва «Бектошия».

XVI асрда яшаган йирик тасаввуф намояндаси бўлган Маҳдуми Аъзам ўзининг «Рисолайе илмия» («Илмий рисола») асарида таъкидлашича, Яссавия тариқатининг шиори «Ниятинг худода, кўлинг ишда бўлсин» ибораси эди. Кейинчалик кўрамизки, бу иборанинг форсча таржимаси бўлган «*Дил ба Ёру, даст ба кор*» Накшбандия тариқатининг асосий шиорига айланган.

«Яссавия» тариқатининг барча ақидалари Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш «Ҳикмат»да муфассал баён этилган. ХII асрдаги туркийзабон шеърятининг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган «Ҳикмат» асарида «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз қўл кучи, пенсона тери ва ҳалол меҳ-

⁹⁷ Қаранг: Усмонов О. Аҳмад Яссавий. //Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). –Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1999. –Б.135-136.

нати билан кун кечириш, Аллоҳ таоло висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган.

Бағдодда 922 йилнинг 22 март куни шайхлар ва мутаассиб уламолар томонидан худосизликда айбланиб дорга осилган, сўнгра қўл-оёқлари кесилиб, танаси куйдирилиб, дарёга ташланган машҳур мутасаввуф Мансур Ҳаллож (858-922)ни Яссавий бир талай шеърларида чуқур ҳурмат билан тилга олади, довюрак ва жасур мутасаввуфга катта рағбат кўрсатади:

*«Билмадилар муллолар «Анал-ҳақ»нинг маъносин,
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.
Шариатдур, деб олимлар буюрдилар,
Кофир Мансур ўлмади, деб кўйдурдилар.
Аҳгар қилиб қулин кўкка совурдилар,
Тоғу тузлар «Анал-ҳақ», деб турар эрмиш»⁹⁸.*

Яссавий ҳам ўзининг пири бузруквори шайх Юсуф Ҳамадонийга ўхшаб мол-дунё тўплашга мутлақо қизиқмаганини, камбағалпарвар ва ғарибпарвар бўлиб яшаганлигини унинг баъзи бир хикматларидан ҳам билса бўлади. Мол-дунёга, бойликка ва давлат орттиришга муккасидан кетган, ҳасис ва очофат кишиларни Яссавий қаттиқ танқид қилади:

*Бешак билинг бу дунё барча халқдан ўтаро,
Ишонмагил молинга, бир кун қўлдан кетаро,
Ото, оно, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун санго етаро.*

Дарҳақиқат, Хожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тариқат – «Яссавия»нинг асосчиси, нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳр, балки туркийзабон халқларнинг маънавий тарихида кенг маълум бўлган, мутасаввиф, инсонпарвар шоир ҳисобланади.

⁹⁸ Қаранг: Усмонов О. Аҳмад Яссавий. //Маънавият юлдузлари. –Б.135-136.

Нажмиддин Кубро таълимоти
(1145-1221)

Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири буюк ватандошимиз шайх Нажмиддин Кубродир.

Аҳмад ибн Умар Абул-жанноб Нажмиддин Кубро 540 хижрий йилда Хоразмнинг Хивак шаҳрида дунёга келади.

Али Акбар Деххудонинг машҳур «Луғатнома»сида келтирилишича, «у кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва туганмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалани сўралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким у киши билан баҳс-мунозара қилса, ғолиб чиқар эдилар»⁹⁹.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнгги ҳаёти ўта оғир, шиддатли ва мураккаб шароитда кечади. Бу даврда Турон ўлкасидаги Хоразм, Шош, Бухоро ва Самарқанд ҳукмдорларининг ноаҳиллиги, танг назарлиги туфайли мўғулларнинг Туркистонга қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарбошилари Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарларни бирин-кетин беаёв босиб олишга муваффақ бўлганлар. 1221 йилнинг жумад ул-аввал (июль) ойида Чингизхон лашкарбошиларидан бири Хулағухон ўзининг ёш ўғли, тумонат лашкари билан Урганч қалъасини ўраб олади. Урганч шаҳри қамал ичида қолиб, аҳоли ниҳоятда оғир шароитда азоб чекаётган бир аснода мункиллаб қолган, етмишдан ошган Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўплаб, қўлида қурол билан қалъани бир неча кун давомида душман ҳамлаларидан сақлаб туради.

Нажмиддин Кубро юксак обрўга эга бўлса ҳам, камтарона ҳаёт кечирган. Аммо у кишининг баъзи муридлари мамлакат миқёсида шунчалик нуфузга эга бўлганларки, ҳатто Фахриддин Розий каби файласуф ва султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам уларнинг рақобатидан хавотирланганлар. Масалан, «Султон ул-уламо» лақабига эга бўлган Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳовуддин Валад Балх шаҳрининг уч юзга яқин файласуф олимлари билан баҳс юргизган ва уларни юнон фалсафаси билан ортиқча шуғулланишда айблаган. Нажмиддин Кубронинг бошқа бир шогирди, ўз навбатида шайх Фаридиддин Атторнинг муршиди бўл-

⁹⁹ Али Акбар Деххудо. Луғатнома. 104-жилд. –Техрон университети нашри. 1965, –Б.365 (форс тилида).

ган хоразмлик Мажиддин Бағдодий ҳокимиятдаги ишларни танқид қилгани учун қатл қилинган. Лекин унинг минглаб шогирдлари бўлган. Баъзида султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам шайхларнинг ҳузурига келиб, уларни зиёрат қилиб турган.

Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши ўз муридлари билан шиддагли жангга кириб, шаҳид бўлган. Жангдан кейин, у кишининг жасадини дарҳол топиша олмаган. Чунки ул зот қийма-қийма қилиб ташланган эдилар. Шаҳид бўлганликлари ҳақидаги маълумотни ҳижрий 710 (1311) йилда ёзилган Рашидиддин Фазлиллоҳнинг «Жомеат ул-таворих» («Тарихлар тўплами») асарида учратамиз.

Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг машхурликларини эшитган бўлганлигидан Хоразмга ҳужум қилиш олдидан, у кишига чопар юбориб, «мен Хоразмни қатлиом қилмоқчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шахсни у ердан кетиб, бизга қўшилишингизни сўрайман», деган. Аммо шайх унга жавобан: «Мен етмиш йил умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучугини бирга торганман. Энди улар бошига бало-қазолар ёғилаётган пайтда қочсам, мурувватдан бўлмайди»¹⁰⁰, деган. Ҳижрий 733 (1334) йилда Хоразмга сафар қилган машхур араб сайёҳи Ибн Баттута Урганч шаҳридан чиқа беришдаги зовияда Нажмиддин Кубронинг мақбараси ва бошқа улуғларнинг мазорини кўрганлигини ёзади¹⁰¹.

Нажмиддин Кубро бир неча илмий асарлар ва рубоийлар ёзганки, улар жуда кўп тазкираларда учрайди. У ўз қарашларини араб тилида ёзган бир қатор рисоаларида баён қилган. Улардан асосийлари «Фавоъих ал-Жамол ва фавоих ал-жалол», «Ал-Усул ал-ашшара», «Рисолат ал-хоъиф ал-хаъим мин лаумон ал-лаъим» ва бошқалардир.

Маълумки, Кубро ҳақиқат асрорига етишиш мақсадида ўз тасаввуф мактабини яратди. Унинг акидасига кўра, инсон ўз моҳияти эътибори билан микрокосм, яъни кичик оламни ташкил этадики, у макрокосм, яъни катта дунё бўлган коинотдаги барча нарсаларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлашганлигидан,

¹⁰⁰ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийе маънавий: Муқаддима. Қобул. 1982. –Б.8. (форс тилида).

¹⁰¹ Қаранг: Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. –М.: Наука. 1988. –С.74.

ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай юксакликларга кўтарилиб, илохий сифатларга эга бўлиши учун, яъни камолотга эришиши учун, маълум риёзатли йўллари ўтишлари зарур. Бунинг учун эса, ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак (3-илова):

1. *Тавба* – ўз хоҳиши билан Ҳақ таолога ҳеч бир кўрсатмасиз юзланишдир.

2. *Зухд фи-дунё* – бу дунёда ҳам, унинг ташқарисида ҳам, нимаки лаззат томон бошласа, ундан тийилишдир.

3. *Таваккал* – худога ишонч жиҳатидан бу турмушдаги барча икир-чикирлардан воз кечишдир.

4. *Қаноат* – ҳаёт кечиршни таъминлайдиган оз нарса билангина қаноатланишдир.

5. *Узлат* – танҳоликла ўтириб, руҳни мустаҳкамлаш, одамлар билан муомалани тўхтатиш: гаплашмаслик, эшитмаслик, қарамаслик ва турли феъл-атвордан алоқани узишдир.

6. *Мулозамат аз-зикр (уздуксиз зикр)* – ўз хоҳишича Худонинг исмини фикрида ёд қилиб туриш ва бутун қалбни у билан тўлдириш.

7. *Таважжух* – бутун ички моҳиятни Худога қаратиш, унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмасликдир.

8. *Сабр* – ўз ихтиёри билан нафс доирасидан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, ўзини олиб қочишдир.

9. *Муроқаб*а (тафаккурга ғарқ бўлиш) – эришилган даражада мушоҳада юритиш, қалбни арзимас ҳис-туйғулардан холи қилиб, тозалаш ва хотиржамликка эришиш.

10. *Ризо* – шахсинг нафс эркинлигидан чиқиб, Худо хушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган бўлса, ўшани бўйнига олишдир.

Нажмиддин Кубро шахид бўлгандан сўнг, унинг таълимотини шогирдлари давом эттириб, Марказий Осиё Кубравия мактабини вужудга келтирдилар. Бу биродарлик фирқаси аъзоларини бирлаштирган нарса расмий ташкилот эмас, балки таълимотнинг руҳи ва мақсади эди.

Кубравия мактаби бир қатор мустақил шаҳобчалар вужудга келишига сабаб бўлдики, улар мусулмон дунёси Шарқда кенг тармоқ отди. Бу тармоқ келиб чиқиш манбаини Кубронинг бошқа бир шогирди бўлган Мажиддин Бағдодий (Бағдодак Хоразмдаги қишлоқ

бўлиб, ундан чиққан Маждиддин 1219 йилда қатл этилган) асос солган тариқатдан, деб ҳисоблар эдилар. Булар қуйидагилар:

Фирдавсия – Сайфиддин Баҳорзий шогирдининг халифаси бўлган, 1300 йилларда вафот этган Нажибиддин Муҳаммад томонидан ташкил топган ва Ҳиндистонда (Дехли, Бихар) тарқалган;

Нурия – 1317 йилда вафот этган Абдурахмон ал-Исфароиний томонидан асос солинган бўлиб, Кубравиянинг Бағдод шаҳобчаси ҳисобланади;

Рукнийя – ўз келиб чиқишини 1261-1336 йилларда яшаган Рукниддин Алоъаддавлa ас-Симнонийдан олган биродарлик тариқати;

Ҳамадонийя олийа – Кашмирда исломни ёйишда фаол иш кўрсатган Саййид Али бинни Шаҳобиддин Ҳамадоний (1314-1385) асос солган, рукнийадан ажраб чиққан биродарлик тариқати бўлиб, Кубравия тариқати силсиласининг бошқа шаҳобчаларига қараганда энг машҳурдир;

Игтишошийя – ҳамадонийя олийанинг Хуросон шаҳобчаси бўлиб, Исҳоқ ал-Хутталоний (1423 йилда ўлдирилган) томонидан асос солинган. Унинг икки шогирди эса, икки мустақил шиа тариқатига асос солишган;

Заҳабийя – асосчиси XV аср ўрталарида вафот этган Абдуллоҳ Барзишободий Машҳадий;

Нурбахшия – асосчиси Нурбахш (1392-1464) лақабли Саййид Муҳаммад бинни Муҳаммад.

Юқорида айтилганлар шундан гувоҳлик берадики, Нажмиддин Кубро таълимоти бутун мусулмон Шарқи мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, ҳозирда ҳам унинг кўринишларини учратиш мумкин.

Кубровияда қуйидаги ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади:

Нажмиддин Кубро «Бешиқдан то қабргача илм изла» ҳадиси шарифига амал қилган. У диний, илоҳий, ладуний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганишга эришди. Динийликни дунёвийлик билан боғлашга ҳаракат қилиш ушбу тариқатнинг асосий хусусиятидир.

Хожагон тариқати ва Баҳоуддин Нақшбанд

Муътазила таълимоти Марказий Осиёда диний-фалсафий таълимотларни вужудга келиши учун ғоявий замин тайёрлади.

Буларга исмоилийлар, қарматлар ва тасаввуфни мисол келтириш мумкин. Умуман олганда, машҳур шарқшунос Е.Э. Бертельс фикрича, муътазиллийлар таълимоти тасаввуфга сезиларли таъсир кўрсатди¹⁰².

Тасаввуф назариётчилари Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111), Шаҳобиддин Яхъё ас-Сухравардий (1115-1191), Ибн Арабий (1165-1240) ва бошқалар ўз даврининг билимларини пухта эгаллаган, турли билим соҳаларидан хабардор мутафаккирлар эдилар.

Ал-Ғаззолий таълимоти туфайли, тасаввуф мусулмон руҳонийлари томонидан тан олинди. Ғаззолий тавҳид моҳиятини англаб етмоқ учун ақл ва мантиқнинг ўзи кифоя қилмаслигини тан олиб, тасаввуф ирфони қадриятлари ҳимоясига ўтади¹⁰³.

Х асрдаёқ Марказий Осиёда тасаввуф бўйича айрим рисоалар ёзилган ва улар тасаввуфнинг минтақада оммалашувиغا маълум даражада таъсир кўрсатган. Булар Ҳаким Термизийнинг (ваф. 908) «Китоб хатм ал-вилайа»¹⁰⁴ ва Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободийнинг (ваф. 995) «Китоб ат-таарруф ли мазҳаб ул-тасаввуф» номли асарлари бўлиб, улар тасаввуфнинг сўнгги ривожига ғоявий манба бўлди. Марказий Осиёда тасаввуфнинг тарқалишини икки сўфий: Абдул Ҳасан Али ал-Харақоний (ваф. 1034) ва Абу Али ал-Фармозий (ваф. 1084) номлари билан боғлаш ўринли.

Абу Али ал-Фармозийнинг икки шогирди Абу Аҳмад ал-Ғаззолий (ваф. 1126) ва Юсуф Ҳамадоний ирфоний изчилликни давом этгирдилар. Юсуф Ҳамадоний таълимотидан икки тасаввуф мактаби – Яссавий ва Хожагон тариқатлари келиб чиқди. Яссавия тариқати Аҳмад Яссавий, Хожагон тариқати эса, Абдухолик Ғиждувоний номлари билан боғлиқ¹⁰⁵.

Хожагон тариқати XII-XIV асрлар давомида фаолият кўрсатди.

Хожагон тариқатининг асосчиси Хожа Абдулхолик Ғиждувоний (1103-1179) бўлиб, у Бухоро яқинидаги Ғиждувон туманида таваллуд топган. «Сўнгра шайхуш-шуюх олим ва орифи раббо-

¹⁰² Қаранг: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Т. 3. –М.: Наука, 1965. –С.28.

¹⁰³ Қаранг: Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил боскичлари. –Т.: Шарқ, 1996. –Б.63.

¹⁰⁴ Тримингэм Д. С. Суфийские ордена в исламе. –М.: Наука, 1989. –С.51.

¹⁰⁵ Қаранг: Муминов И.М. Философские взгляды Мирзы Бедия (Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари). –Т.: Фан, 1957. –С.14.

ний Хожа ва имом Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадоний Бухорога келиб-турлар ва Хожа Абдулхолиқ алар суҳбатиға етибтурлар ва маълум қилибтурларки, аларда ҳам кўнгул зикри бор. Алар суҳбатида бўлур эрмишлар ва маълум қилибтурларки, то алар Бухорода эрмишлар, дебтурларки, Хожа аларнинг сабоқи ва зикри пиридулар ва Хожа Юсуф суҳбат ва хирқалари пири Хожа Юсуфдин»¹⁰⁶, - деб ёзади Ҳазрат Навоий.

Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳамадоний таълимотини янги амалиётлар билан бойитди ва мустақил бир сулукка асос солди.

Хожагон тариқатининг йирик намояндalarидан бири, Ҳазрат Азизон номи билан машхур бўлган Хожа Али Ромитонийдир. Туркий тилдаги манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ромитоний 1195 йилда Ромитон кишлоғида туғилиб, шу ерда 1321 йили вафот этган.

Хожагон тариқатининг машхур вакилларида бири, Сайид Амир Калон ас-Сухорий эди. Манбаларда унинг туғилган йили кўрсатилмаган. Сайид Амир Калон Сухор кишлоғида туғилиб, кулолчилик касби билан ҳаёт кечирган. Шунинг учун халқ орасида Амир Кулол¹⁰⁷ номи билан машхур бўлди. Унинг ҳақида маълумот «Мақомоти Мири Кулол» да сақланган.

Амир Кулол, Муҳаммад Бобойи Самосий ўғитига асосан бор билимларини Баҳоуддин Накшбандга берганидан сўнг ижозат бериб, унга бошқалардан таълим олишини айтади. Шундан сўнг, Накшбанд етти йил давомида ориф Дегаронийдан таълим олган. Ҳазрат Амир Кулол ҳижрий 772, милодий 1370 йили вафот этди.

Хожагон тариқатидагилар Тангриини ҳақ деб, унга етишиш, уни билиш ва танишни ҳақиқатга эришиш, деб билганлар.

Хожагон тасаввуфий таълимотининг фалсафий асоси «ваҳдати-вужуд» бўлиб, борлик – ягона асл зотнинг тажаллийси, нури деб қаралади. Улар таълимоти бўйича, бутун борлик Ҳақнинг жамол ва жалолининг тажаллийси ва кўринишларидир. «Қалб тўла софликни топганидан сўнг, - деб ёзади Хожа Али Ромитоний, - унда ваҳдониятнинг нури порлар, у тажаллий аҳли бўлур»¹⁰⁸.

¹⁰⁶ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. –Т.: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2011. –Б.301.

¹⁰⁷ Қаранг: Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Мири Кулол. 1436 й. Бухоро вилоят музейи. Инв. –№ 1158. –Б.2.

¹⁰⁸ Ромитоний Хожа Али. Рисолаи Ҳазрат Азизон. 1327 й. Бухоро вилоят музейи. Инв. –№ 12548/II. –Б.25.

Турк олими Усмон Турорнинг фикрича, «ваҳдати вужуд» ақлий далил билан эмас, қалбий мушоҳада, завқ ва ҳол билан эришиладиган бир «ирфон» бўлиб, ақлий назарий эмас»¹⁰⁹.

Абдулхолиқ Гиждувоний илмни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга, ҳар қандай амални ихлос билан адо этишга даъват қилади. «Ислому асоси учун этгайсиз сидқи ихлос билан этинг»¹¹⁰ – дейди ўғитларида Гиждувоний.

Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлар амал қилиши лозим бўлган 11 та хулқ-одоб қоидаларини ишлаб чиққанлар. Булар «рашҳа» деб аталиб, шулардан учтаси Ҳамадонийга, тўрттаси Гиждувонийга, яна тўрттаси Нақшбандга тегишлидир.

Нақшбандия тариқатининг асосий диний-фалсафий ғоялари қуйидаги уч манбага таянади:

а) тариқатнинг ўн бир рашҳаси (қоида). Улардан тўрт машҳур калима (чаҳор калима): «Хуш дар дам», «Ҳилват дар анжуман», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан» асосий қоидалардир;

б) тариқатнинг асосий шиори бўлган «Дил ба Ёру, даст ба кор»;

в) нақшбандиёна ҳикматлар, яъни юксак инсонпарварликни, ҳалолу покликни ёритишга қаратилган Нақшбанд «вирдлари», яъни илтижо, нидо ва ўғитлари ташкил этади (4-июва).

Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ўн бир рашҳада лўнда ифодаланган таълимотни яратганлар.

1. «*Хуш дар дам*». Тасаввуф таълимотига кўра, олам иккига: фоний ва боқий дунёга бўлинади. Бу олам фоний – ўткинчи дунёдир. Инсон учун чекланган миқдордаги бу дунёни ғанимат билиб, унинг ҳар бир лаҳзаларини хурсандчилик ва шукроналик билан ўтказмоқлик лозим бўлади.

2. «*Назар бар қадам*» қоидаси кишининг ҳаётида кўядиган ҳар бир қадами назорат остига олинмоқлигини таъкидлайди. Бу қоида ўзликни танишга, идора этишга қаратилгандир. Бунда инсон ҳар бир қўйилган қадамини, ҳар бир сўзини ва феъли-хаёлини назорат қилиб турмоғи лозим. Ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини назорат қилиши эса, уни комилликка, Ҳаққа томон етаклайди.

¹⁰⁹ Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиклол, 1999. –Б.155.

¹¹⁰ Гиждувоний Хожа Абдулхолиқ. Васиятнома. Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси, инв. –№ 3844. В. –Б.147.

3. «*Сафар дар ватан*». Инсон борки, у сайёҳдир. Унинг хаёли ҳам, жисми ҳам сайр этади. Исломда сафарнинг энг олийси – бу Ҳақ йўлига сафардир. Тирикликда эса, кишининг энг олий сафари Ҳаж сафаридир. Тасаввуфда дарвеш-қаландарларнинг асосий хусусияти сафар қилиб, ҳаёт кечириш бўлган. Бу тартиб нақшбандияда ҳам ўз ифодасини топган.

4. «*Хилват дар анжуман*». Унинг оддий ифодаси жамоа ичида яккалик, ёлғизлик, яъни фақат худо ҳақида ўйлаб ўтиришликдир. Ҳазратдан «тариқатингизнинг асоси нимадан иборат?», деб сўраганларида, «хилват дар анжуман, ба зоҳир бо халқ ва ба ботин бо Ҳақ» («Халқ орасидаги ўтиришларда ташқи томондан гўё улар билан, аммо ички томондан фақат Худони ўйлаб ўтириш»), -деб жавоб берганлар.

5. «*Ёдқард*» – бу қоида «Рашахот»¹¹¹ да баён этилишича, лисоний ёки қалбий зикрдир. Ёдқард (Худони доимо эслаш) қоидасидан кейинги уч мақом аввалги мақом-қоидаларни мазмунан тўлдириб боради. Ёдқарднинг маъноси тариқатдаги сўфийлар фоний дунёда ҳамиша ҳақ ёди билан яшамоғи лозимлигини англатади.

6. «*Бозгаиш*» – бунинг маъноси инсон умрининг фонийлиги, ушбу ёруғ дунёдан албатта нариги, яъни бокий дунёқа қайтиб бориши таъкидланади.

7. «*Нигоҳдоиш*» – бунинг маъноси киши ўзини ҳар қандай шайтоний нафс куткусидан пок сақлаши кераклигини уқтиради.

8. «*Ёддоиш*» – ҳақ субҳанаху ва таолони доимо завку-шавк билан ёдда (хотирада) тутиб, огоҳ бўлишдир.

Маълумки, нақшбандия тариқатида Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари асос солган рашҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Улар учта бўлиб, тариқатнинг 9, 10, 11-рашҳаларини ташкил этади:

9. «*Вуқуфи замоний*» – бунинг маъноси сўфий ўз умридаги ҳар бир лаҳзани, сонияни Аллоҳга шуқр айтиш билан ва унинг бандаларига фақат яхшилик қилиш билан ўтказмоқликни билдиради.

10. «*Вуқуфи ададий*» – бунинг маъноси зикр жараёнида тартиб, сон алоҳида ўрин тутишлигини қайд этишдан иборат. «... ул зикрда ададни риоя этмакдин иборатдур»¹¹². Муқаддас дуоларни,

¹¹¹ Фаҳруддин Али Сафий. Рашахот (оби ҳаёт томчилари). –Т.:Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. –Б.36.

¹¹² Ўша асар. –Б.39.

калималарни зикр қилинишини санаш, уларни билиш ва уларга риоя қилиш кераклигини уқтиради.

11. «*Вуқуфи қалбий*» – бунинг маъноси сўфийнинг зикри қалбан бўлмоғи зарурлигини ифодалайди.

Нақшбандия тариқатига биноан, юкоридаги ўн бир муқаддас қондаларни мукаммал бажарган киши комил инсон даражасига етишади.

Нақшбандиянинг асосий рашҳалари билан бирга «Дил ба Ёру, даст ба кор» шиори ушбу тариқат негизини ташкил этади:

1) Инсон Аллоҳ яратган мавжудотларнинг энг шарафлиси ва аълосидир. Унинг Зотининг тажаллийсидир. Демак, унинг борлиги илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради;

2) Аллоҳ инсонга ақл, беш сезги, шуур, ирода берган; саъй-ҳаракат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, уни эзгуликка даъват этади, яъни бунда дил Аллоҳ макони эканлиги таъкидланади.

3) Инсоннинг Аллоҳга, ҳаётга ва бошқа тирик жонзотларга, кишиларга бўлган мураккаб муносабатларининг яна бир муҳим қиррасини – тил ва дил зикридаги фарқларни ёки мутаносибликни кашф қилади. Дил билан қилинадиган муносабатлар жамики ҳаётий муносабатларнинг энг аҳамиятлисидир;

4) Инсон ўз ҳаётида энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, хур ва гўзал инсон бўлиши зарурлигини англатади;

5) Инсоннинг ҳаётдан, ўзини буюк зот – инсон эканлигидан, Аллоҳ берган неъматлардан розилигини чуқур ва лўнда ифода этади;

6) Бу шиор бизни Аллоҳ ҳақи, адл-инсоф, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётдан мақсад адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади;

7) Киши қалбида Аллоҳ бўлиши, яратган ожиз бандасини ҳар қандай салбий ўй-хаёл, фикр, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятдан қайтариб туришини таъкидлайди;

8) Аллоҳ ҳаётдаги ҳақиқатсевар, адолатли, эзгулик йўлида юрган ҳар бир бандасини ўз қарами билан муқофотлашини ифодалайди;

9) «Дил ба Ёру, даст ба кор»да асосий гоё – инсон қалби муттасил Аллоҳ ёди билан, инсон қўли, амалиёти эса, ижтимоий фойдали меҳнат, касб-хунар билан банд бўлмоғи таъкидланади.

Баҳоуддин Нақшбанд дунёқарашини ифода этувчи яна бир омил, бу унинг пурмаъно ирфоний ҳикматлари, ўғит, ибораларидир. Улардан: «Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас»; «Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди»; «Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса, қоронғуда бўл» каби бир қатор ўғитларини кўрсатиш мумкин.

Нақшбандия тариқат амалиёти ўз тарихий тараққиётида қуйидаги жуда мураккаб ва шиддатли даврларни босиб ўтган:

I давр. Нақшбандия тариқати жамоасининг шаклланиши ва асосий амалий талабларининг ишлаб чиқилиши 1342-1347 йиллардан то 1358 йили Амир Қазағоннинг ўлдирилиши билан боғлиқ сиёсий беқарорлик, Амир Темурнинг сиёсат майдонига кириб келиши (1360-1361) даврини ўз ичига олади.


II давр. 1361 йилдан бошлаб, то Амир Темур вафотигача, ундан кейинги даврда (1420 йилларгача) хожагон-нақшбандия тариқати сиёсий таъкиб остида бўлса-да, ташкилий жиҳатдан мустақамланиб ўзининг жўғрофий, этник-сиёсий таъсир доирасини кенгайтира борган.

III давр. 1420 йилдан кейинги давр. Бу даврдан бошлаб нақшбандия Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Муҳаммад Қози, Махдуми Аъзам, Офок Хожа ва бошқа нақшбандия муршидлари фаолияти даврлари, яъни XV асрдан то XX асргача жамият, давлат тараққиётининг барча жабҳаларида миллий озодлик ҳаракатлари курашининг мафкураси бўлиб қолди. Худди мана шу 3-даврнинг бошида нақшбандия камбағаллар нажоти учун кучли ижтимоий ҳимоя тизимини вужудга келтирди. Хонақоҳларда йўлловчи дарвешларга, мусофирларга, етим-есирларга бошпана ва егулик берилар эди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Тасаввуф фалсафасига таъсир кўрсатган таълимотлар



2-илова


Тасаввуфнинг Марказий Осиёда кенг ёйилган тариқатлари



Кубровия тариқатида инсон камолоти

1	<i>Тавба</i>	– ўз хоҳиши билан Ҳақ таолога ҳеч бир кўрсатмасиз юзланиш
2	<i>Зухд фи-дунё</i>	– бу дунёда ҳам, унинг ташқарисида ҳам, нимаики лаззат томон бошласа, ундан тийилиш
3	<i>Таваккал</i>	– худога ишонч жиҳатидан бу турмушдаги барча икир-чикирлардан воз кечиш
4	<i>Қаноат</i>	– ҳаёт кечиришни таъминлайдиган оз нарса билангина қаноатланиш
5	<i>Узлат</i>	– танҳоликла ўтириб, руҳни мустаҳкамлаш, одамлар билан муомалани тўхтатиш
6	<i>Мулозамат аз-зикр (уз-луксиз зикр)</i>	– ўз хоҳишича Худонинг исмини фикрида ёд қилиб туриш ва бутун қалбни у билан тўлдириш
7	<i>Таважжуж</i>	– бутун ички моҳиятни Худога қаратиш, унга чексиз муҳаббат қўйиш, бошқа нарса борлигини ҳис этмаслик
8	<i>Сабр</i>	– ўз ихтиёри билан нафс доирасидан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, ўзини олиб қочишдир
9	<i>Муроқаб</i> (тафаккурга ғарқ бўлиш)	– эришилган даражада мушоҳада юритиш, қалбни арзимас ҳис-туйғулардан ҳоли бўлиши
10	<i>Ризо</i>	– шахснинг нафс эркишлигидан чиқиб, Худо хушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган бўлса, ўшани бўйнига олишдир

Нақшбандий тарикатининг асосий манбалари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Тасаввуф қандай таълимот эди?
2. Тасаввуф фалсафасининг асосий моҳияти нима эди?
3. Тасаввуф таълимотининг асосчилари кимлар эди?
4. Ушбу диний-фалсафий таълимотга қайси таълимотлардаги гоялар таъсир кўрсатган?
5. Тасаввуфда борлиқ муаммоси қандай муҳокама қилинган?
6. Ваҳдати-вужуд нима?
7. Кўбровия мактаби сабабли қандай мустақил шаҳобчалар вужудга келди?
8. Ҳожагон тарикатига қайси тарикатлар киради?
9. Ўрта асрларда Шарқ маънавий ҳаётида тасаввуф қандай вазифани бажариб берди?
10. Тасаввуф фалсафасини ўрганиш Мустақил Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялашга доир қандай ижобий хулосалар келтириб чиқариши мумкин?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.

2. «Тасаввуф тариқатлари» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 30та тест, 20та савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Тасаввуф фалсафасидаги борлиқ ва билишга оид фалсафий қарашларни топинг. Уларни ҳиндувийлик, буддавийлик, христианлик, янги афлотунчиликдаги ғоялар билан қиёсланг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. «Нақшбандийнинг «Дил ба Ёру, даст ба қор» шиорининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти» мавзусида эссе ёзинг.
6. Мавзу юзасидан инсерт жадвалини тўлдириш (5-илова).

5-илова

«Инсерт» жадвали

1. «V»- мен билган маълумотларга мос;
2. «-» - мен билган маълумотларга зид;
3. «+» - мен учун янги маълумот;
4. «?» - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. –Т.:Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2011.
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т.: Шарқ, 1996.
4. Ислоҳ тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Тузувчи проф. Ҳ.Болтабоев. – Т.:Ўқитувчи. –2005.
5. Усмонов О. Аҳмад Яссавий.//Маънавият юлдузлари. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.

6. Усмон Турор. *Тасаввуф тарихи*. –Т.: Истиқлол, 1999.
7. Фахруддин Али Сафий. *Рашиаҳот (Оби ҳаёт томчилари)*. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.
8. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик Хайруллаев М.М. таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
9. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). – Т.: ТДШИ нашриёти. 2010.
10. Гиждуювий Хожя Абдуллоҳиқ. *Васиятнома. Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси, инв. –№ 3844. В.*
11. Бертельс Е.Э. *Суфизм и суфийская литература. Т. 3.* –М.: Наука, 1965.
12. Кныш А.Д. *Мусульманский мистицизм.* –М.–С.Петербург: Диля, 2004.
13. Ибрагимов Н. *Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии.* –М.: Наука. 1988.
14. Муминов И.М. *Философские взгляды Мирзы Бедия (Мирзо Бедиянинг фалсафий қарашлари)*. –Т.: Фан, 1957.
15. Хисматулин А.А. *Суфизм.* –С.Петербург: Петербургское востоковедение, 2008.
16. Тримингэм Д.С. *Суфийские ордена в исламе.* –М.: Наука, 1989.
17. Али Акбар Деххудо. *Луғатнома. 104-жилд.* –Техрон университети нашри. 1965 (форс тилида).
18. Комил Мустафо ал-Шайбий. *Ал-Ҳаллож девонининг шарҳи.* –Байрут-Бағдод. 1394/1974 (араб тилида).
19. Мавлоно Жалолиддин Румий. *Маснавийе маънавий: Муқаддима.* Қобул. 1982 (форс тилида).
20. Ромитоний Хожя Али. *Рисолаи Ҳазрат Азизон. 1327 й. Бухоро вилоят музейи. Инв. –№ 12548/II.*
21. Фахруддин Али ас-Сафий. *Рашиаҳот айн-ул-ҳаёт. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғазма асарлар хазинаси. Инв. –№ 3593. Литография. Лакнау. 1890 (форс тилида).*
22. Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. *Мақомоти Мири Қуллол. 1436 й. Бухоро вилоят музейи. Инв. –№ 1158.*

18-МАВЗУ

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ғазал мулкининг сул-топи, дея таърифланувчи, туркий тилда ижод қилишга кенг йўл очган ва шу тилда кўплаб асарлар яратган шоир Алишер Навоий ҳамда унинг замондоши Абдурахмон Жомийларнинг ирфоний қарашлари ҳамда тасаввуфга бўлган муносабатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ушбу икки забардаст мутафаккирларнинг маънавий меросини фалсафий мушоҳада қилиш ва назарий ҳамда амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, тасаввуф, Нақибанд сулуки, «Нафаҳот ул-унс», «Луғжжат ул-асрор», «Ашрат ул-ламаот», «Рисолаи мусиқий», «Рисолаи муалло», сўфиёна кайфият, тасаввуфий ҳаёлот, «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», «Лисон ут-тайр», «Мантиқ ут-тайр», қуш тили, ибрат, илм, ирфон ва амал, «мажоз тариқи».*

Асосий саволлар

1. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва фаолияти.
2. Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфга муносабати.
3. Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашлари.

Абдурахмон Жомий ҳаёти ва фаолияти (1414-1492)

Абдурахмон Жомий Ҳиротда тасаввуф йўлига киришни, ўз билим ва фаолиятини шу йўлга, қолаверса ижодга, илм-фанга бағишлашни афзал кўради.

Ёш Жомий Шайх Саъдиддин Қошғарий билан яқинлашиб, унга қўл беради ва тез орада унинг ҳурматини қозонади. Жомий пирининг қизига уйланади. Саъдиддин Қошғарий тасаввуфда Муҳаммад Нақшбанд сулукига мансуб эди.

Жомий кундалик ҳаётида оддий, дарвишона яшаса ҳам, бироқ шоҳ ва унга алоқадор кишиларнинг, ҳатто уни асарлари ор-

кали таниган бошқа мамлакат подшоҳларининг унга муруввати катта эди. Шунинг учун у ўзига тушган даромадлар ҳисобига бир қанча бинойи хайриялар, шу жумладан Хиротда икки мадраса ва хонақоҳ, туғилган шаҳри – Жомда бир масжид қуриш имкониятига эга бўлган.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий ҳаётда юз берган ибратли ҳодисалардан бири Навоий-Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод соҳасида халқпарварлик ва инсонпарварлик мавқесида туриш билан бирга халқ, давлат ишларида инсоф ва адолатни ёқлар эдилар. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», «Лужжат ул-асрор», «Ашират ул-ламаот», «Рисолаи мусиқий», «Рисолаи муаммо» каби бир қанча асарлари Навоийнинг маслаҳати ва илтимоси билан ёзилган¹¹³.

Жомийнинг шахсий мактубларидан маълум бўлишича, у яқин дўсти Хожа Аҳрор таклифи билан Тошкентда ҳам бўлган ва улуғ мазоратларни зиёрат қилган.

Таниқли шарқшунос Е.Э. Бертельс «Жомий» монографиясида шоир асарларининг Тошкент кулиёти (ЎЗР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўлёзма инв. № 2122) асосида 52 асарининг номини келтиради.

Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг бир қатор масалаларини ўз қарашича талқин қилади, тасаввуфнинг XV асрдаги энг йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бунга унинг «Нақши фусус» («Маънолар нақши»), «Шавоҳиди нубувва» («Пайғамбарликка далиллар»), «Шарҳи қасидаи «Тоия» (радифда «то» ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи), «Нақди нусус» («Матнни танқид»), «Шарҳи қасидаи «Хамрия» («Хамрия» қасидаси шарҳи), «Нақшбандий таълимоти ҳақида рисола», «Воҳид» атамаси ҳақида рисола», «Зикр» шартлари ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола», «Ашиот ул-ламаот» каби бир қанча асарларини шу гуруҳга киритиш мумкин (1-илова).

¹¹³ Қаранг: Ҳайитметов А. Абдурахмон Жомий.// Маънавият юлдузлари. – Б. 202.

Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфга муносабати

Жомий ўзининг мутасаввуфлик фаолиятида Баҳовуддин Нақшбанд ғояларини шу сулукнинг иккинчи бир йирик намоян-даси – Хожа Аҳрор Валий билан яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантирди. Расман у ўзини кундалик ҳаётда «Мало-матия» тариқатига мансуб, деб ҳисобласа-да, асарларида Нақш-бандга ихлоси баланд эди. У ўзининг «Лужжат ул-асрор» қаси-дасида сўфий хулқ-ахлоқи, инсон тарбияси ҳақида гап борганда таъмагирликни қоралаб, қаноатли кишиларнинг олийжаноблик-ларини, уларнинг маънавий жиҳатдан подшоҳ ва вазирлардан ҳам устун эканликларини мадҳ этиб, қуйидаги сатрларни битган эди:

*Томеъон аз баҳри туъма пеши ҳар хас сар ниҳад,
Қонеъонро ханда бар шоҳу вазири кишвар аст.*

Мазмуни:

Таъмагирлар бир луқма учун бошини хасга қўйишга тайёр,
Қаноатлилар эса, мамлакат шоҳи ва вазири устидан ҳам кула олади.

Шоир фикрича, инсон ҳалол ва пок яшаши, бунинг учун эса, у бир касбга эга бўлиши, ўз меҳнати ҳисобига кун кўриши зарур:

*Марди косиб к-аз машаққат мекунад кафро дурушт,
Баҳри ноҳамворийи нафси дағал сухонгар аст.*

Мазмуни:

Косиб одам меҳнат туфайли қўлини қавартиради,
Бу қўлдаги дағал эса, нафс ғадир-будурини текисловчи рандадир.

Жомийнинг тасаввуфга бўлган эътиқоди соф ва мукаммал бўлиб, у Худони ёруғ нур кўринишида тасаввур этар эди.

Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарини яратиш билан тасаввуф тари-хини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Унда 616 мутасаввуф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 таси аёл-лардир. Жомий вафотидан кейин бу асарни Навоий маълум тўлди-ришлар билан ўзбек тилига таржима қилиши бежиз эмас эди.¹¹⁴

¹¹⁴ Қаранг: Ўша жойда. –Б.203-204

Жомий шеърӣй меросининг йирик тадқиқотчиси А. Афсаҳзод у тўғрисида ёзган эди: «Жомийдаги сўфиёна кайфият, унинг ижодий йўлининг энг ибтидосидан бошланган эди»¹¹⁵.

Жомий лирик шеъриятида реал ҳаёт билан тасаввуфий ҳаёт шoirнинг ижодий фантазияси орқали бирлашиб кетган.

Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашлари (1441-1501)

Алишер Навоий XV асрнинг охириги ўн йиллигида ўзининг «Мажолис ун-нафоис» ва ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, ҳинд машойихлари тарихига оид «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодаси») рисоаларини ёзади. Бу асарлар ниҳоятда муҳим манба бўлиб, ўша давр маънавиятининг жонли сиймоларидан мишга яқин киши ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жамъ этган. Бундан ташқари нафақат тасаввуф ирфони ва адабиёти, балки ислом даври маънавиятининг бошқа муҳим жиҳатлари ҳақида ҳам кўплаб назарий мулоҳазалар ушбу асарлар қатидан жой олган бўлиб, уларни муфассал тадқиқ этиш миллий маънавиятимизни холис англаб етишда бугунги авлодлар учун беназир манба ва асос бўлиб хизмат этади¹¹⁶.

Навоий 1498 йилда «Лисон ут-тайр» («Қуш тили»), 1499 йилда «Муҳокамат ул-луғатайн», 1500 йили «Маҳбуб ул-қулуб» асарларини ёзди. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг авж нуқталари эди. Адиб «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси»)да ўзининг бутун ижодий йўлини сарҳисоб қилиб, туркий тилдаги шеърятнинг қудратини таъкидлаган. Унда, жумладан, қуйидаги маълумот бор: «Чун «Лисон ут-тайр» илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асrorини мажоз суратида кўргузупмен».

¹¹⁵ Аълоҳон Афсаҳзод. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами. –М., 1988, –С.184.

¹¹⁶ Қаранг: Имомназаров М. Алишер Навоий. //Маънавият юлдузлари. – Б.208.

Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеъриятининг устози Фаридиддин Аттор яратган «Мантиқ ут-тайр» асарига меҳр қўйган эди. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу – жавоб ёзар экан, ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий яқун ясайди. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳияти ҳақида, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкони даражаси ҳақида эди. «Лисон ут-тайр» мазмуни «Мантиқ ут-тайр»га зид ёки ундаги фикрларнинг такрори ҳам эмас, балки янги тарихий-маънавий босқичдаги шарҳи, талқинидир.

Атторнинг қушлар тилидан ёзилган достонида ирфоний эҳтирос ниҳоятда жўшқиндир. Навоий эса, босиқ воқеабанд тасвирга урғу беради, қушлар саргузаштида ва ички ҳикояларда ҳаётийликни кучайтиради. Бу бежиз эмас. Охирги ҳулосада Навоий салафига қараганда олға кетади, масала моҳиятини теранроқ ҳис қилади ва бадий тасвирни ҳам шунга муносиб яратади.

Ниҳоят Навоий охирги асари «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгишларнинг севгани») рисоласида барча саволларга яна ўзи жавоб берган. Бу асар том маънода ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғояларга тўлиқ бўлиб, XV асрда мавжуд бўлган барча ижтимоий тоифалар моҳияти муфассал очиб берилган, ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ишонарли таъкидланган.

Алишер Навоий ўзи ва салафлари – Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Ироқий ва бошқалар яратган мустақил бадий тафаккур тарзини «мажоз тариқи», деб номлади ва унда Ҳақ асрори «мажоз сувратинда» акс этишини таъкидлаган. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи Нақшбандиянинг: «Дил ба Ёру, даст ба кор», қоидасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу диний дунёқараш тизими «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларида, шоир лирикасида бадий инъикосини топган.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Жомийнинг диний-фалсафий мазмундаги асарлари



Навоийнинг ижодида тараннум этилган асосий ғоялар**Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар**

1. Тасаввуфий шеърят намуналаридан нималарни биласиз?
2. Абдурахмон Жомийнинг қайси асарлар тасаввуфий руҳда ёзилган?
3. Жомий ижодидаги тасаввуфий қарашларга қайси тасаввуф мактабининг таъсири кучли бўлган?
4. Жомийнинг тасаввуфий қарашларида қандай ғоялар илгари сурилган?
5. Алишер Навоий суфий бўлганми ёки йўқми?
6. Навоий «Лисон ут-тайр» асарини ёзишига нима сабаб бўлган?
7. Алишер Навоийнинг маънавий-ирфоний қарашларини ўрганишининг долзарб аҳалияти нимада?
8. Шу даврга хос яна қандай тасаввуф шоирларини биласиз?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Навоий ижодида гуманизм ғоялари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдирот қилинг.

3. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Мавзу юзасидан Б/Б/Бжадвалини тўлдилинг (3-илова).

3-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Навоий А. «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қудуб». Тўла асарлар тўплами. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2011.
3. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2011.
4. Имомназаров М. Алишер Навоий. // Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
5. Ислоҳ тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Тузувчи проф. Х.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи. – 2005.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик Хайруллаев М.М. таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). – Т.: ТДШИ нашриёти. 2010.
8. Ҳайитметов А. Абдурахмон Жомий. // Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
9. Аълохон Афсаҳзод. Лирика Абд ар-Раҳмана Джемми. – М.: 1988.

19-МАВЗУ

ТАСАВВУФНИ НАЗАРИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНТИРИШДА АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ВА ИБН АРАБИЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда тасаввуф фалсафасининг назарий асосчилари бўлган Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ибн Арабийларнинг тасаввуф назариялари ҳақида тушунча ҳосил қилиш: шунингдек, талабаларда ушбу икки забардаст мутафаккирнинг маънавий меросини фалсафий мушоҳада қилиш ва назарий ҳамда амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Абу Ҳомид Ғаззолий, Ибн Арабий, тасаввуф, «аҳли сунна вал-жамоа», янги афлотунчилик, тасаввуф назарияси, «Айнул-жамъ», «Мушкот ул-анвор», «Арисолат ул-лудинийа», «қуллу шайин ҳаликун илла важҳаҳу», «завқ», «нур ҳижоби», «субҳон», ягона ҳақ (воҳидул ҳақ), Андалузия, «Ал-футуҳот ул-Маккия» («Макка сирларини очилиши»), «рубубият», «Альёмо», «Аёни собита».*

Асосий саволлар

1. Ғаззолий ислом илоҳиётчиси сифатида.
2. Ғаззолийнинг билишга оид қарашлари.
3. Ибн Арабийнинг тасаввуф назарияси.

Ғаззолий ислом илоҳиётчиси сифатида (1058-1111)

Тасаввуфдаги илоҳий муҳаббат орқали худога етишиш ва эзгуликка интилиш орзуси Исломга янги жозоба ва маънавий янгиланиш бағишлаган бўлса-да, иккинчи томондан, хатарли натижаларга олиб келиши ҳам мумкин эди. Масалан, бутунлай озодликка эришиш ва худо билан юзма-юз кўришиш талаби у дунёдагина эмас, балки бу дунёда рўй беришини тақозо қилиш имконияти бор эди. Бундай талаб инсон руҳини шундай дағалликларга ҳам олиб келиши мумкин эдики, ундан қутулиш ҳаммага ҳам насиб этавермас эди.

Тасаввуф тарихида Ҳаллождан кейинги энг йирик шахслар Ғаззолий ва Ибн Арабийдирлар. Маълумки, Ғаззолий ўзининг

фикрий ва руҳий эҳтиёжларини тасаввуддан топди. У ўзининг бутун истеъдодини ишга солиб, аҳли суннат ва жамоа (Ханафийлик мазҳаби) эътиқодларини ҳимоя қилишга отланди ва нимани арзигулик деб билса, шуни унга мувофиқлаштиришга интилди. Аҳли суннат ва жамоа эътиқодларига мувофиқ келадиган Ғаззолийнинг сўфиёна ақидаси уч асосга таянар эди:

1) Куръоннинг яратилган жаҳонга нисбатан бутунлай мувофиқ равишда, Худонинг мутлақ иродаси туфайли яратилганлиги;

2) Борлиқнинг янги афлотунча тарзда бир неча босқичлардан иборат қилиб яратилганлиги;

3) Унда ақл Худо билан қўшилиб кетиши ва бу ҳолатдан «Айнул-жамъ» («хамма нарсанинг бирикиши») тарзидаги асбоб сифатида фойдаланиш (1-илова).

Юқорида айтилган уч асосдан фалсафа тарихи учун фақат иккинчисигина алоҳида аҳамиятга эгадир. Икки муҳим сўфиёна рисола бўлган «Мушкот ул-анвор» ва «Ар-рисолат ул-лудиний-йа» асарларидан кўринадики, борлиқнинг янги афлотунча босқичлари тизими Ғаззолийнинг барча тасаввуфий қарашларининг табиатдан ташқаридаги нарсалар асоси сифатида қўлланилади.

Гувоҳлик бериш мумкин бўлган олам ёки суфли олам, яъни жисмоний ва зулматли дунё олами малакут ёки алавий олам қаршисида руҳий ва нурли дунё бўлиб, у ҳақда Куръон ва бошқа осмоний китоблар ҳикоя қиладиларки, мазкур дунё мағз атрофидаги пўчок ёки пейкар қаршисидаги сояга ўхшайди¹¹⁷.

Нурли мавжудотлар босқичларининг тизими Олий нурга (худо) узоқ ёки яқинлигига қараб белгиланади. Шунга мувофиқ тарзда Исрофил даражаси Жаброилникидан юқорироқ туради. Демак, Жаброил ва бошқа арвоҳларнинг жойлари жисмоний мавжудотлар билан биргаликдаги нисбатда ўз борлиқларини узоқдаги нурдан оладилар. Шунга мувофиқ равишда уларнинг мавжудлигини холиқ билан қиёслаганда, худонинг зоти ўзига холислиги нуқтаи назардан бутунлай таққослаб бўлмаслик даражасидадир. Бинобарин, Ҳақнинг мавжудлиги (ростакам борлиқ) ягона бўлиб, ундан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Шундай нуқтаи назардан

¹¹⁷ Қаранг: Ғаззолий, Абу Ҳомид. Мушкот ул-анвор. –Қоҳира. 1961. –Б.51. (араб тилида).

келиб чиқиб, Ғаззолий ёзади: «Орифлар шундан келиб чиқиб, ўз мажозий ҳақиқатлари чўққисига чиқдилар ва ўз меърожларининг камолига эришиб, шуни аён кўрдиларки, борлиқ сахнасида худойи таолодан ўзга нарса йўқ»¹¹⁸. Қуръондаги «куллу шайин ҳаликун илла важҳаҳу» ояти ҳамма нарса замони келиб нобуд бўлади маъносида эмас, балки шундай мазмундадирки, ҳамма нарса азалий-абдий тарзда нобуд бўлгусидир ва бундай ҳолатдан ўзгача тасаввурга сиғмайди. ...Шундай қилиб фақат худойи таолонинг важҳигина мавжуддир. Зеро, ҳар бир нарса икки важҳга эга: «ўз тарафига тортилувчи важҳ ва ўз худосига тортилувчи важҳ. Нарса ўзининг важҳи эътиборига кўра эса, мавжуддир. Демак, худойи таоло ва унинг важҳидан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Бинобарин, унинг важҳидан бошқа барча нарсалар азалий-абдийлик тарзида нобуд бўлгувчилардир»¹¹⁹.

Инсон бундай босқичлар силсиласида беназир мақомга эга. Зеро, худованд уни нафақат «ўз сурати каби яратди», балки борлиқ жаҳоннинг «хулосаси» мақомида яратди. Илоҳий сурат худонинг хати билан унга нақшланган ва шунинг учун ҳам сўфиёна ҳадисда шундай келтирилади: «фақат ўзини билган кишигина худосини ҳам таний олади». Аммо бу сурат «Аллоҳ» сурати бўлмасдан «Ар-Раҳмон» суратидир. Негаки, «Аллоҳ» суратини ҳаргиз махлуқ сифатида тилга олиш ва шу сифатда тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу ўша илоҳий сирдирки, Ғаззолий уни мажозий ва истеъора тилидан бошқача баён қилиб бўлмаслигини таъкидлайди¹²⁰.

Ғаззолийнинг билишга оид қарашлари

Ғаззолий фикрича, билишнинг энг юқори тури тўғридан-тўғри тажриба ва «завқ» воситасида ҳосил қилинадиган ақл ёки имон йўли билан қўлга киритилмайди. Шундай бўлса ҳам, худони билишнинг тўғри йўли «тажрибавий» билишлар жумласидан жой олади. Баъзилар бу дунёнинг шодликлари ва ғам-ғуссалари билан шунчалик муккаларидан кетадиларки, худонинг нуруни идрок эта олмай қоладилар. Бошқа бировлар худони фақат бу дунё билан бўлган алоқаси

¹¹⁸ Ўша жойда.

¹¹⁹ Ўша асар. –Б.55.

¹²⁰ Қаранг: Ғаззолий, Абу Ҳомид. Мушкот ул-анвор. –Б.71.

доирасидагина биладилар, яъни осмонларни айлантирувчи ва биринчи ҳаракат манбаи сифатида танийдилар.

Худони билишнинг барча босқичларида орифлар парвардигорни унинг ҳақиқий зотини беркитган «нур хижоби» орқали топадилар. Аммо орифларнинг тўртинчи гуруҳи, яъни «қўшилувчилар шуни идрок этадиларки, ушбу «субҳон» шундай сифат сифатидирки, фақат ягоналик ва мутлақ комиллик унга хосдир. Шунинг учун улар ўз нигоҳларини унинг томонига, уни муқаддас яратувчига ҳамда у яратган осмонлар ва заминларга қаратадики, энг узоқдаги ҳаракатланувчи оламлар ҳам ундан фармон олиб турадилар»¹²¹. Бу орифлар ўртасида шундай кишилар бошқалардан афзалдирларки, ягона ҳақ (воҳидул ҳақ) даражасига етиб келганларида фано бўлиб, йўқлик даражасига шўнғийдилар ва шу сабабдан ўзларини ҳам, бошқа ҳеч бир мавжуд нарсани кўрмасдан, фақат Аллоҳнинг жамолинигина кўрадилар, холос. Баъзида бундай сўфиёна ҳолатни «фано» ёки «фано ал-фано» деб атайдилар, зеро, суфий бу ҳолатда ўзидан фоний бўлади ва ўзининг фонийлигидан ҳам фоний бўлади. Баъзилар (Шиблий, Бистомий) софликда шу даражада мастлик ҳолатига шўнғийдиларки, ўзларини худо, деб биладилар. Ҳақиқатда эса, улар эришган ҳолат худони ягоналигини (тавҳид) тасдиқлашдан бошқа нарса эмас, яъни жаҳонда ундан ўзга ҳақиқий мавжуд нарса йўқлигидан соғо бўлишликдир¹²². Аммо бундай ҳолат бошқа-ю, у билан бирлашиб кетиш (иттиҳод) ҳолати бошқа гап.

Шундай қилиб, Ғаззолий шаттоҳ ҳолатидаги сўфийлардан ошкора равишда алоқани узишдан кўра, гарчи уларнинг баъзида «яшириладиган ва айтиб бўлмайдиган» сирларини фош қилганликлари туфайли танбеҳга сазовор, деб билса ҳам, ўз устози Жунайд каби ваҳдат вужуд моҳиятини маҳорат билан узоқлаштиради ва таназзулга туширишдан сақлаб қолади. Шунинг учун унинг тасаввуфини исломдаги яккахудолик ғоясининг эътиборини кучайтиришга ва унинг табиатан ташқаридаги нарсаларда ҳам тўғрилигини исботлашга уриниш, деб тушуниш мумкин.

¹²¹ Қаранг: Ғаззолий, Абу Ҳомид. Мушкот ул-анвор. –Б.91.

¹²² Қаранг: Ғаззолий, Абу Ҳомид. Ихёи улум ад-дин. («Диний илмларнинг жонланиши»). –Қоҳира. 1348 ҳижрий йил. (1931) 4-жилд, –Б.243. (араб тилида).

**Ибн Арабийнинг тасаввуф назарияси
(1165-1240)**

Сўфиёна ҳақиқат асосларини яратишга уринган йирик шахслардан бири шубҳасиз Ибн Арабийдир. Ибн Арабий ҳижрий 560 (1165) йилда Андалузиянинг Мурсия шаҳрида таваллуд топди. Андалузия, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ бўйлаб қилган узок сафарларидан кейин Дамашқда яшаб қолди ва ўша ерда ҳижрий 638 (1243) йилда оламдан ўтди. Унинг сўфийлар сафига қўшилиши Оламриёда рўё берган бўлса керак, деган тахминлар бор. Чунки, бу шаҳарда Андалузиянинг машҳур файласуфи Ибн Масарранинг (ваф. 319/931) мактаби ривож топган эди¹²³. Ибн Арабийнинг ўтмишдошларидан Ибн Масаррадан ташқари, Термизий (285/898), Воситий (ваф. 330/942) ва Ибн Ориф (ваф. 535/1141)ларни кўрсатиб ўтиш лозим. Айтишларича, Ибн Арабий туш кўрибди ва унда Машриқ томонга сафар қилиш ҳақида унга кўрсатма берилибди. Шунинг учун ҳижрий 597(1201) йили Маккага келади ва у ерда «Фармон олади»ки, ўзининг йирик асари бўлган «Ал-футухот ул-Маккия» («Макка сирларини очилиши»)ни ёза бошлайди. Сўнгра, бир қиз билан танишиб, унга уйланади. Бу қиз эронийлардан бўлиб, сўфий тариқатида эди. Ибн Арабий Маккадан чиқиб, Мосул, Қунё, Бағдод ва Қоҳира орқали ҳижрий 620 (1223) йилда Дамашққа келган.

Янги тадқиқотлар кўрсатадики, Ибн Арабий 846 асар ёзган. Булардан 550 таси бизгача етиб келган бўлиб, улардан камида 400 таси ростдан ҳам ўзи томонидан ёзилган бўлиши керак¹²⁴. Бу асарларининг кўпида у қайд этадики, уларни бевосита илоҳий илҳом ёки пайғамбарлар фармонларига мувофиқ равишда ёзган¹²⁵. Бундан олдин кўрдикки, Мансур Ҳаллож сўфийни худо ўзининг иродасини баён қилувчи таржимон сифатида ишга солади, деб даъво қилган эди.

¹²³ Қаранг: Asin Palacios, m. Ibn Masarra y su escuela. –Madrid, 1948 (ed. And trans.) El regimen del solitario. –Madrid and Granada, 1964, –P. 94.

¹²⁴ Қаранг: Yahia, O. Histoire et classification de l'oeuvre d'Ibn Arabi. --Damascus, 1964. I, 73 f. (француз тилида)

¹²⁵ Қаранг: Ибн Арабий. Фусус ал-ҳикам (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Абу Аъло Афибий). –Қоҳира. 1949. –Б.48. (араб тилида).

Икки йирик асари бўлган «Ал-футухот ул-Маккия» ва «Фусус ал-ҳикам» мазмунига қараганда Ибн Арабийнинг таълимоти ваҳдати вужуд тушунчаси атрофида айланади. Аммо, унинг тафаккур тарзи сўз (логос) назариясига мувофиқ келади. Ибн Арабий фикрича, ҳар бир пайғамбар бир ҳақиқатга мувофиқ келадигани, уни «сўз» деб атайдилар. Ҳар бир сўз эса, ягона илоҳий зотнинг жилвасидир. Агар илоҳий зот бу сўзлар ёки пайғамбарлар тажаллиётида Одам Атодан бошлаб, Хотам ул-анбиёгача намоён бўлмаганда эди, у вақтда «Ҳақ» вужудининг табиати доимий равишда яширин қолар эди. Ҳар бир ҳақиқат ушбу вужуддан келиб чиққанлигидан, мазкур вужуд зотига кўра, бўлинмас қадим ва ўзгармасдир. Ибн Арабий бу вужуднинг икки жиҳати ўртасида тафовут борлигини қайд этади: биринчи жиҳат ягоналик бўлиб, яширин, билиб олинмаган ва васф қилиб бўлмайдигандир; иккинчи жиҳат «рубубият» (намоён бўлиш) орқали худо жаҳон билан бўлган ўз нисбатини, яратувчилик, холиқ ва «маъбудлигини» ошкор этади. Биринчи жиҳатда ҳеч қандай сон-саноқ ёки намоён бўлиш, ҳеч қандай тайинлик йўқ ва шунинг учун худони бу жиҳатдан соф нур ёки эзгулик ёки бўлмаса, қисқача «Альёмо», яъни ҳамма нарсани билувчи, дейиш мумкин. Иккинчи жиҳатда, мадомики, худо ҳам холиқ ва ҳам кўп махлуқотлар яратувчиси бўлганлигидан, кўплик ва унинг қарама-қаршисидир¹²⁶.

Худо фақат сифатлар ёки хилма-хил аниқ нарсалар туфайли ўзига кўпликни қабул қилади. Агар унинг зотининг ўзига боқсак, у «ҳақ»дир. Агар унга сифати жиҳатидан қарасак, яъни имкони бор кўпликдаги тажаллий топган сифатига боқсак, у «ҳалқдир» (яратилгандир). Аммо бунинг ҳар иккиси, ваҳдат (ягоналик) ва касрат (кўплик), аввал ва охир, қадим (азалий), маҳдас (яратилган), вожиб (зарурий) ва мумкин, зотига кўра, бир ҳақиқатдан ўзга нарса эмас¹²⁷.

Ибн Арабий «Аёни собита» деб атаган махлуқот аслида азалийлик намуналарининг бир ипи сифатида илоҳий илмда мавжуд эди. Аммо худо яширин қолган эди, энди хоҳладигани, ўзини ошкор қилса. Шунинг учун барча махлуқотларни илоҳий амри

¹²⁶ Қаранг: Ибн Арабий. *Фусус ал-ҳикам*. –Б.38, 63.

¹²⁷ Қаранг: Ибн Арабий. *Фусус ал-ҳикам*. 76-бет; Affifi, *The Mystical Philosophy of Ibnul-Arabi*. Cambridge, 1938. –P.101.

билан яратди. Шунинг учун унинг нисбати махлуқот билан худди ойина ва тасвир, ёки соя билан сиймо, ёки бўлмаса, кўплик билан бирлик ўртасидаги муносабатда эди. Уни ушбу жаҳонни йўқликдан борликка чиқаришга ундаган нарса «Ишқ» эди. Худди ҳадисда келтирилгандек: «Мен бир яширинган ганжгина эдим, хоҳладимки, ўзимни танитсам»¹²⁸.

Энг юқори даражада намоён бўлиш ёки илоҳий мазҳар ўша «биринчи инсон намунаси»дирки, Ибн Арабий уни Одам Ато билан бир деб билиб, уни илоҳий калима ёки комил инсон, деб атайди¹²⁹. Дарҳақиқат, бу жаҳоннинг борлиги ва мавжудлигининг сабабининг ҳар иккиси ана шу комил инсон борлиги туфайлидир.

Худо «сурати» ва унга ўхшаб яратилган комил инсон талқини яна Ҳалложга қайтишни тақозо этади ва тасаввуфнинг Худо ва инсон ўртасидаги аклий тафсирида муҳим вазифани бажаради. Ибн Арабий лоҳут ва носутни бир-биридан фарқ қилувчи икки табиат, деб тушунади. Лоҳут ўзининг яширинганлик жиҳатидан ҳар икки мавжуднинг ички моҳиятига мувофиқдир, носут эса, ташқи жиҳатдан зоҳирдир. Фалсафа истилоҳида биринчиси жавҳарга мувофиқ келса, иккинчиси ораздир. «Ҳақ»нинг намоён бўлиши инсонда ўз авжига чиқади¹³⁰. Шунга биноан инсон кичик олам ёки барча яратилган нарсаларнинг хулосасидир. У катта оламнинг барча камолотини, ҳамда илоҳий зотнинг камолотини ҳам тажассум эттиради. Ана шу далилга мувофиқ инсон Куръонда келтирилгандек, худонинг ердаги халифаси, яъни ноиби сифатида сайлангандир.

Шундан келиб чиқиб бўлса керак, баъзи мусулмон давлатларининг Асосий қонунларида «Ер худоники» деган жумла қайд этилган. Хусусий мулк эгаси эса, халифадир. Шунинг учун унга топширилган мулкни, яъни ерни қаровсиз қолдирмаслиги, уни экиб, парваришлаши ва мўл ҳосил олиши шартдир.

Шундай қилиб, ислом ақидасига мувофиқ келадиган тасавуфни назарий жиҳатдан асослаш икки улкан илоҳиётчи Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ибн Арабий ҳиссасига тушди. Улар ўзларининг

¹²⁸ Ибн Арабий. Фусул ал-ҳикам. 203-бет; Affifi, *The Mystical Philosophy of Ibnul-Arabi*. Cambridge. 1938. –P. 82.

¹²⁹ Ибн Арабий. Фусул ал-ҳикам. –Б.48, 75.


¹³⁰ Ўша асар, –Б.55.

кенг қамровли дунёқарашлари туфайли ушбу вазифани шараф билан бажардиларки, натижада уларнинг асарлари кенг оммага ҳам, зиёлиларга ҳам маъқул тушди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Ғаззолийнинг сўфиёна уч ақидаси



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Тасаввуфнинг энг йирик назарийтчилари кимлар эди?
2. Нима учун биз Ғаззолий ва ибн Арабийларни тасаввуф назарийтчилари деб атаймиз?
3. Суфий билан мутасаввифнинг нима фарқи бор?
4. Ғаззолийнинг билишига оид қарашларига кўра, билишнинг энг юқори тури нима?
5. Ибн Арабийнинг «Ал-футуҳот ул-Маккия» асари қайси мавзуга бағишланган эди?
6. Рўбубият нима?
7. Ибн Арабий ва Ғаззолий дунёқарашига юнон фалсафасининг қандай таъсир кўрсатган?
8. Сизнинг фикрингизча, Ғаззолий файласуфми ёки диний арбобми?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ғаззолийнинг билиш назарияси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Мавзу юзасидан Б/Б/Бжадвалини тўлдириг (3-илова).

3-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). – Т.: ТДШИ нашриёти, 2010.
3. Фалсафа: энциклопедик лугат/ЎзРФА, И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010.
4. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Мушкот ул-анвор. – Қоҳира, 1961. (араб тилида).
5. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Ихёи улум ад-дин. («Диний илмларнинг жонланиши»). – Қоҳира, 1348 ҳижрий йил. (1931) 4-жилд (араб тилида).
6. Asin Palacios, m. Ibn Masarra y su escuela. –Madrid, 1948 (ed. And trans.) El rejimen del solitario. –Madrid and Granada, 1964.
7. Yahia, O. Histoire et classification de l'oeuvre d'Ibn Arabi. – Damascus, 1964. (француз тилида).
8. Ибн Арабий. Фусус ал-ҳикам (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Абу Аъло Афибий). – Қоҳира, 1949. –Б.48. (араб тилида).
9. Ибн Арабий. Фусус ал-ҳикам. Affifi, The Mystical Philisophy of Ibnul-Arabi. Cambridge, 1938.

20-МАВЗУ

МУСУЛМОН ИСПАНИЯСИ (АНДАЛУЗИЯ) ФАЛСАФАСИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Мусулмон Андалузиясидаги файласуфлар – Соэд Ибн Аҳмад ибн Соэд Андалузий, Ал-Мунтасир, ибн Мажритий, Ибн Бажжа, Ибн Масарра, Ибн Рушд ва Ибн Туфайлларнинг илмий фаолияти ва фалсафий қарашлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ушбу мутафаккирларнинг фалсафий қарашларини мушоҳада қилиш ва назарий ҳамда амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Мусулмон Андалузияси, Уммавийлар, юнон илмлари, ислом илмлари, Ал-Мунтасир, ибн Мажритий, Ибн Бажжа, Ибн Масарра, Ибн Рушд ва Ибн Туфайл, «Шажарат ул-ҳикмат» («Фалсафа шажараси»), «Ихвон ас-сафо», «Тадбир ал-мутаваҳҳид», «жисмоний инсон», «руҳоний инсон» осмоний жисмлар, фаол ақллар, маъқул моддалар, тахаййул, хотира, исломий илмлар, «Ҳай ибн Яқзон», «Раддиянинг раддияси», икки ҳақиқат назарияси.*

Асосий саволлар

1. Андалузияда фалсафий тафаккурнинг шаклланиши.
2. Ибн Туфайлнинг фалсафий қарашлари.
3. Ибн Рушд фалсафаси.

Андалузияда фалсафий тафаккурнинг шаклланиши

Олдинги мавзулардан маълумки, Исломда фалсафий тафаккур Аббосийлар ҳокимият тепасига келган VII асрда бошланди. 131-ҳижрий – 749 милодий йилда Уммавийлар сулоласи таназзулга юз тутгандан кейин, бу хонадондан чиққан бир шахс Испанияда Аббосийларга қарши бўлган амирликни таъсис этди. Бу амирлик узоқ муддат Аббосийларга фақат сиёсатдагина эмас, балки маданият соҳасида ҳам рақобатда бўлди. Испаниядаги Уммавийлар хонадони ўз навбатида бутун ислом тарихида энг ёрқин маданият саҳифасини оча олди ва юнон ҳамда исломий билим-

ларни XII асрда Ғарбий Европага етказиб беришда алоқа кўприги вазифасини ўтади.

Бағдоддаги Аббосийлар билан Қуртабадаги (Кордова) Уммавийлар ўртасидаги кескин рақобатга қарамасдан, ислом халифалигининг Шарқий ва Ғарбий қаноти ўртасидаги маданий алоқалар ҳамиша ҳам хусуматли эмас эди. IX асрдан бошлаб олимлар ислом дунёсининг бу тарафидан у тарафига қараб саёҳат қила бошладилар ва ўзлари билан китоблар ҳамда хилма-хил тушунчаларни олиб келдилар. Шу йўл билан ниманики, ислом дунёсининг ягона маданияти, деб аташ мумкин бўлса, ўшанинг дахлсизлигини таъминладилар.

«Табакот ул-умам» асарининг муаллифи, фалсафа ва табобат тарихчиси Созд ибн Аҳмад ибн Созд Андалузийнинг (ваф. 462/1070) ёзишича, фалсафа ва илмга қизиқиш IX асрда Испаниядаги Уммавийлар сулоласининг бешинчи вакили бўлган Муҳаммад ибн Абдурахмон (238-273/852-886) ҳукмронлиги даврида бошланди. Гарчи испаниялик олимнинг қизиқиши фикҳ, ҳадис ва луғат илмлари бўлса ҳам, илми нужум (астрономия) ва табобатни ҳам ўз ичига олар эди. Шундай бўлса ҳам, аввалги илмлар ўз ривожини учун қадам қўйишига бир авлоднинг умри кетди.

Алҳакам II (Алмустансир) ташаббуси (350-365/961-976) билан беҳад кўп илмий ва фалсафий асарлар Шарқ томондан келтирилган. Эндиликда Қуртаба ўзининг кутубхоналари ва катта университети туфайли ислом дунёсининг энг катта илм маркази бўлган Бағдод билан рақобат қила олар эди.

Аммо Ал-Мустансирнинг вориси бўлган Ҳишом II (365-399/976-1009) ҳукмронлиги даврида аксил амал бошланди ва унинг амрига мувофиқ илгариги илмлар, хусусан мантиқ ва астрономияга оид китоблар ўтга ташлаб ёндирилди. Бу амал ҳамиша бу фанларга қарши бўлиб келган гуруҳлар ва мутакаллимларнинг кўнгиллини олиш учун қилинди¹³¹. Шунга қарамасдан XI асрнинг ўрталарида фалсафа ва бошқа илмларни ўрганиш тикланди ва кўплаб олимлар етишиб чикди. Шу жумладан Абдурахмон ибн Исмоилни (Иқлидий номи билан ҳам машҳур) кўрсатиб ўтиш жоизки, у биринчи мантиқ олими эди. Абдурахмон бошқа испаниялик олимлар каби илмий

¹³¹ Қаранг: Созд ибн Созд Андалусий. Табакот ул-умам. –Бейрут. 1912. 66-бет. Hitti, PH, History of the Arabs. –London, 1953. –P.532.

асарлар қидириб, Машрикқа сафар қилди. Абу Усмон Саид ибн Фатхунни грамматика мутахассиси ва мусикашунос, деб билар эдиларки, у «Шажарат ул-ҳикмат» («Фалсафа шажараси») номли фалсафий илмларга муқаддима ёзган¹³².

Бу даврнинг энг йирик олими ҳисобланган Мусаллимата ибн Аҳмад Мажритий аслида риёзидон (математик) ва астроном эди. У Машрик томонга кўп сафарлар қилган. Кўп сонли хабар ва ҳужжатлар мавжудки, у «Ихвон ас-сафо» анжуманининг аъзоси бўлган. Айтишларича, бу илмий тўғаракнинг рисоаларини ўзи билан Машриқдан олиб келган. Ҳатто шундай маълумот борки, Мажритий «Ихвон ас-сафо»нинг 51 рисоласини қисқартириб, «Рисолат ул-жамеъа» номи остида китоб қилган¹³³. Унинг «Ғоят ул-ҳаким» номли сеҳр ва жоду, яъни астрологияга доир катта китоби ҳам мавжуд бўлган. Ушбу китобда Гермес, янги афлотунчилик ақидалари мавжуд бўлиб, муаллиф қарашига, «Ихвон ас-сафо»нинг таъсири борлиги сезилиб туради.

Кейинги йирик донишманд Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Масарра бўлиб, қози Созд уни ботиний сифатида танитади. Ибн Масарра зиндикликда айбланганлиги учун Машрикқа сафар қилади ва у ерда муътазиллийлар каломига маҳлиё бўлиб қолади. Аммо охирида ватанига қайтиб зуҳд ва тақвога берилади¹³⁴. Баъзида Ибн Масаррани Эмпедокл таълимотининг тарафдори сифатида эсга оладилар. Аммо унинг таълимоти Эмпедокл ва машҳур янги афлотунчилик назариясининг омухтасидир.

Қози Созд фалсафа ва мантиқ соҳасида қалам тебратган XI аср олимларидан Абул Ҳакам Умар ва Кермонийларни эсга оладик, улар ҳандаса (геометрия) соҳасида йирик мутахассис бўлиб, математик билимлар доирасини кенгайтириш мақсадида Шарқнинг узоқ ўлкаларига сафар қилиб, Харронгача бориб етганлар. Хабар берадиларки, Кермоний «Ихвон ас-сафо» рисоаларини ўзи билан олиб кетган ва кўпчиликнинг таъкидлашича, Мажритий уларни Испанияга таништирган. Бу даврда ижод қилган бошқа олимлар қуйидагилар: Ибн Жаллоб, Ибн Қаннорий

¹³² Ўша жойда. –Б.68.

¹³³ Қаранг: Истамбулдаги Роғубишошо қўлёзмаси. –№956. 3 а варақ.

¹³⁴ Қаранг: Созд ибн Созд Андалусий. Табақот ул-умам. –Байрут. 1912. –Б.21.

(Катторий), Ибн Ҳазн ва Ибн Сайда¹³⁵. Аммо Соэднинг қайд этиб ўтишича, Абдулло ибн Найёш Бажжой¹³⁶ ва эҳтимол Абу Усмон ибн Бағнуш Тулайталийдан бошқа бирор Андалузиядан чиққан олим табиатшунослик ва илоҳиёт илмларига диққатга сазовор ҳисса қўша олмадилар.

Андалузия фалсафаси тарихидаги энг буюк шахс, шубҳасиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Соъиғ бўлиб, кўпроқ Ибн Бажжа (лотинча манбаларда Avetrache) номи билан машҳурдир. У Саракустатада (Сарагоса) таваллуд топиб, кейинчалик Ишбила (Севилья) ва Гиронота (Гренада)да яшади ва 532- ҳижрий -1138 милодий йилда Фосда вафот этди¹³⁷. Унинг ватандошларидан икки киши Ибн Бажжанинг фалсафа ва бошқа илмлар соҳасида тутган ўрни ҳақида фикр билдирганлар: биринчиси Абул Ҳасан Али ибн Имом бўлиб, ўз устозининг илмий-фалсафий қўлёмаларини ягона мажмуасини кўчириб, бизгача етказган. (Оксфорд университети қўлёмаси, 206-ўрам. Бу қўлёманинг бошқа бир ягона нусҳаси Берлинда инв. № 5060. Ушбу нусҳа Оксфорд қўлёмасидан тўлароқ бўлиб, Ибн Бажжанинг табобатга доир баъзи ёзишмаларини ҳам ўз ичига олади). Иккинчиси «Ҳай ибн Яқзон» асарининг муаллифи Ибн Туфайлдир.

Ибн Имом ўз устозини кўп мактовлар билан эсга олади. Унинг ёзишича, халифа Ал-Ҳакам II Андалузияга олиб келтирган фалсафий асарлар Ибн Бажжагача очилмаган сирлигича қолган эди. Ибн Имом таъкидлайдики, устозининг «Мобаъд ул-табиа» («Метафизика») номли асари юқори савияда ёзилган бўлиб, илмий баҳсларга сазовор бўлган. Аммо унинг илмий изланишлари кейинги даврда диққат-эътиборсиз қолган. Унинг фикрича, Ибн Бажжанинг тадқиқотлари Шарқнинг икки буюк файласуфи Ибн Сино ва Абу Ҳомид Ғаззолийлар қаторида туришга лойик эди¹³⁸.

Ибн Бажжанинг бошқа издошларидан бири бўлган Ибн Туфайл унга холис баҳо беришга кўпроқ ҳақли бўлса ҳам, Ибн Имомнинг Андалузиядаги фалсафий илмлар тарихига ва унда Ибн Бажжанинг тутган мақомига доир фикрларини таъкидлайди.

¹³⁵ Ўша жойда –Б.70.

¹³⁶ Ўша жойда. –Б.77, 85.

¹³⁷ Қаранг: Ибн Халликон. Вафиёт ул-аъён. 4-жилд. –Б.681.

¹³⁸ Қаранг: Ибн Бажжа. Расоил мобаъдул табиа. –Байрут. 1968.

Унинг ёзишича, Андалузиянинг биринчи олимлар авлоди биринчи навбатда риёзиёт (математика) ҳақида ғамхўрлик қилиб, ўз вақтларини уни ўрганишга бағишладилар. Кейинги авлоддан баъзиларигина мантиқ илми билан шуғуллана бошладилар, аммо уларнинг бу соҳадаги фаолиятлари унчалик етарли бўлмади. Кейинчалик фалсафа соҳасида маълум маҳоратга эга бўлган олимларнинг янги гуруҳи пайдо бўлиб, фалсафий илмлар майдонига қадам қўйдилар. Ибн Бажжа бу гуруҳ сафининг бошида эди. Шунга қарамасдан, икки омил унинг истеъдодини тўла очишига йўл қўймади: унинг орзуларининг ниҳоятда юксак бўлганлиги ва бевақт етиб келган ўлим. Натижада, унинг ўзи баъзи асарларида тан олганидек, кўпчилик асарлари ё тугалланмай қолди ёки диққат эътибордан ҳоли қолди¹³⁹.

Ибн Туфайлнинг Ибн Бажжага берган баҳоси кўпроқ ички хиссиётларга таянади. Ундан бизгача етиб келган ажойиб 30 рисоладан ҳеч бири 30 бетдан ошиқ эмас, кўпчилиги эса, ўн бетдан ҳам ошмайди. Бунинг устига, унда қўйилган саволларнинг ҳеч бирига тўлиқ жавоб берилмаган ва етарли баҳс қилинмаган. Бунинг ўрнига муаллиф кўпинча ўқувчини «Арасту бу тўғрида жуда кўп фикрлар баён этган» қабилдаги манбаларга эътибор беришга чақириш билан кифояланган. Унинг берган маълумотлари кенг бўлганлигидан кейинги келган олимлар унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатганлар. Аммо унинг танқидчилари ва муҳолифлари ҳам кам эмас эди¹⁴⁰. Шунга қарамасдан, унинг тарафидан ўртага қўйилган жиддий фалсафий мавзулар лойиҳаси ислом маданияти тарихида Перения ярим оролида бошланган бурилиш нуқтаси бўлди. Зеро, бу нарса шундай шароитни вужудга келишига замин бўлдики, натижада Арасту фалсафий усулига энг мукаммал тафсирлар ёзилди, ҳамда бу усулнинг ҳимояси учун энг кучли далиллар кўрсатилдики, буларнинг барчасини Ислам дунёсининг энг йирик Арастучиси Ибн Рушд Куртабий (Кордовалик) бажарди.

Ибн Бажжа ўртага қўйган масала Абу Наср Форобий ва Ибн Синолар қўйганидек, ахлоқий масала бўлиб, ўлгандан кейинги ҳаётга ҳам тааллуқли эди.

¹³⁹ Қаранг: Ибн Туфайл. Ҳай ибн Яқзон// Можед Фаҳрий. Сайр фалсафалар жаҳоне ислом. 1983. –Техрон университети нашриёти. –Б.280 (форс тилида).

¹⁴⁰ Қаранг: Фатҳ ибн Ҳокон. Қалойид ул-ақиён. –Б.34.

Форобий ва Ибн Синоларнинг ҳар иккисининг тасаввурлари шундан иборат эдики, фалсафа икки қисм, яъни назарий ва амалий ҳикматдан иборат бўлиб, бу қисмлар бир-бирларини тўлдирдилар. Улар фикрича, фалсафанинг мақсади маърифатдир, негаки, у инсонни саодат сари бошлайди ёки бошқа соҳада маърифат ҳосил қилиш орқали руҳий майлни қониқтиради. Мутақаллимлар ва фақиҳларнинг таъкидлашларича, бундай даражага бу жаҳонда эришиб бўлмайди. Файласуфлар ва сўфийлар маълум маънода бундай қарашга рози бўлиб, уни тўғри йўл кўрсатишга қодир бўлган фалсафий-ахлоқий дастур сифатида олға сурдилар. Бу шундай дастур эдики, унга кўра, руҳ бу ҳаётда ҳам шундай даражага эриша олади. Сўфийлар бу дастурнинг амалий ва шахсий томонларини таъкидлаб, уни юқори чўққисини «бирлашиш», деб билдилар. Файласуфлар эса, унинг назарий ва фикрий жиҳатларини таъкидлаб, ушбу дастурни «қўшилиш» ёки «боғланиш», деб атадилар¹⁴¹.

Ибн Бажжа ўзининг энг муҳим асари бўлган «Тадбир ал-мутаваҳҳид» ҳамда «Иттисол» («боғланиш») тўғрисидаги «Фи иттисол ал-ақл бил инсон» («Ақлнинг инсонга боғлиқ эканлиги»), деб аталган рисоласида ақлнинг билқувва ҳолатидан билфёъл ҳолатга кўтарилиши ва ниҳоят «иттисол» ҳолатида фаол ақл билан бирлашишини фақат оз сонли мумтоз одамларгагина насиб қилиши масаласини ўртага қўйди.

«Тадбир ал-мутаваҳҳид» китоби «тадбир»нинг хилма-хил кўринишлари, масалан, шахсий, сиёсий ва илоҳий тадбирлар ҳақидаги баҳсдан бошланади. Форобий Афлотундан олган фозил шаҳар намунаси шундан иборат эдики, шундай орзудаги шаҳар-давлат ҳақиқий фазилатли ҳаётни қуришга имкон беради ва бундай адолатли жамиятда табиб ва қозига ҳеч эҳтиёж қолмайди. Аммо фозил шаҳар-давлат инқирозга юз тутса, у тўрт турдаги разиллик ҳукмронлик қилган давлатнинг бирига айланадики, Афлотун ва Форобий бундай турдаги жамият ҳақида баҳс юритган эдилар. Бундай жамиятда яшаган файласуфнинг қийинчиликлари икки баробар ортади. Агар у бундай давлатдан бошини олиб кетмаса, ўз халқи ичида ёки ўзига ўхшаганлар орасида бир бегонадек яшашга мажбур бўлади.

¹⁴¹ Қаранг: Можед Фахрий. Сайр фалсафа дар жаҳоне ислом. 1983. –Б.281 (форс тилида).

Бу бегоналашган одамнинг қийинчиликлари ҳақида ўйлаш Ибн Бажжани инсоннинг хилма-хил феъл-атворини таҳқиқ қилишга ундади. Айниқса шундай феъл-атворларни таҳлил қилишга туртки бердики, оқибатда бирлашиш ёки фаол ақл билан боғланишга олиб келар эди. Ана шундай умумий феъл-атворлардан баъзиси инсон ва ҳайвон ўртасидаги масалаларга ҳам доир эди. Ҳайвоннинг феъл-атвори фаол ақл билан бирлашишга имкон бермайди. Инсоний феъл-атвор шу жиҳатдан ҳам ҳайвоний феъл-атвордан ажралиб турадики, у ихтиёр ё тафаккурдан келиб чиқадиган иродага боғлиқдир, ваҳоланки, ирода иштирокисиз келиб чиққан феълу атвор ғариза (инстинкт)дан келиб чиқади. Кўринишдан фозил бўлмаган шаҳардаги барча феъл-атвор иродасиз бўлиб, ғаризага тааллуқлидир. Чунки бундай шаҳарнинг аҳолиси ақл ва ирода асосида амал қилмай, балки ўз ҳаётий заруриятларини, масалан, лаззат, мансаб ва бошқалар устидан ғалаба қилишларини таъминлаш асосидагина иш тутадилар¹⁴².

Агар инсоннинг асосий фарқи ва унга хос феълу атвори ақл бўлса, бундан шундай хулоса чиқадики, у «руҳоний шакл» ёки ақлий сиймодирки, вужуднинг узлуксиз занжиридаги энг юқори жойида жойлашган бўлади. Шунга кўра, Ибн Бажжа шундай хулосага келдики, инсон мартабаси «руҳоний шакл»нинг узун силсиласида, яъни мусулмон янги афлотунчилари ривожлантирган барча вужуд босқичлари силсиласининг юқорисида жойлашгандир. Ибн Бажжа бундай шаклнинг тўрт табақасини санаб ўтади: 1)осмоний жисмлар шакли; 2)фаол ақллар ва ундан чиқарилганлар; 3)моддадан ажратилган маъқул шакллар; 4)шакллар ёки жоннинг ички қувватида сақланган умумий ҳис, тахаййул (фикр-га ботиш) ва хотира каби тушунчалар.

Биринчи тушунча бутунлай ғайри моддийдир. Иккинчи тушунча, гарчи зоти жиҳатдан ғайри моддий бўлса ҳам, модда билан ўзига хос нисбатдир. Зеро, ақл моддий шаклни ундан ажратган ҳолда камолга етказади ёки уларни ўзининг фаол ҳолатида қалбакилаштиради. Учинчи тушунча, ушбу ажратилган шакл моддийлик мавзусидан бўлганлиги туфайли модда билан ўзига хос нисбатга эгадир. Тўртинчи тушунча эса, моддий ва руҳоний шакллар орасида бир воситадир. Инсоннинг аслий

¹⁴² Қаранг: Ибн Бажжа. Расоил мабаъдул табиа. –Б.62.

вазифаси услуб жиҳатдан ақлий вазифадир ва бу шу даражададирки, ушбу шакл ақлга тобе бўлиб, бу вазифани тўлдириш ва такомиллаштиришда қатнашади. Бу нарса инсонни ушбу вазифа билан шуғулланишига арзийди. Негаки, ушбу вазифа ўзининг охирги даражасига етиб келса, «бирлашган» инсон абадийлик ёки мажхул вужудликка эришадики, унинг барча хусусияти руҳоний шаклдир. Фақат шу «руҳоний инсон»гина ҳақиқатан бахтлидир; негаки, «жисмоний инсон» жисмоний лаззат билан шундай овора бўлиб қоладики, ундан бошқа ҳеч нарсани хоҳламайди. Бу руҳоний инсон фалсафий ҳикматга эришган вақтда энг юқори фазилатлар, яъни назарий ва ахлоқий сифатларни қўлга киритади ва ҳақиқатан илоҳийлашади ва ажратилган жавҳарлар силсиласига қўшилади. Форобий ва Ибн Сино исбот қилганларидек, бу инсоннинг энг юксаклик даражаси бўлиб, унинг фаол ақл билан қўшилганлигининг белгисидирки, Ибн Бажжа ва Ибн Рушдлар ҳам уни «боғланиш» (иттисол-“стыковка”), деб атадилар.

Руҳан фаол ақл билан бирлашган одам унинг ақлий орзуларини амалга оширишга йўл қўймайдиган, камчиликлардан ҳоли бўлмаган давлатда яшаётганини ҳис этса ёки бошқа қийинчиликларга дучор бўлса, бундан кутилиш учун адолат барқарор бўлган давлатга кўчиб ўтиши ёки ана шундай мамлакат йўқ бўлса, илож борица ўзини жамиятдан узоқлаштириб, узлатга чекинishi лозим бўлади. Аммо унинг бу иши ижтимоий амалга қарши қаратилган бўлади. Бундай қилиш Арастунинг инсон ўз табиатига кўра, ижтимоий ҳайвондир, деган акидасига тўғри келмайдик, деган танқидий мулоҳазага жавобан Ибн Бажжа айтдики, бундай қилиш агарчи моҳиятан шарр (ёмон) бўлса ҳам, аммо ташқи томондан хайрли (яхши)дир. Чунки, қаердаки ижтимоий ҳаёт ўз такомиллига мукамал етмаган экан, ўз-ўзидан маълумки, ижтимоий бўлмаган ҳаёт фақат ахлоқий жиҳатдан афзалдир.

Ибн Бажжа ана шу мавзуни «Рисолаи фи иттисол ал-ақл» («Ақлнинг қўшилиши ҳақида рисола») асарида ҳам таъкидлаб ўтади. Шунга қарамаздан, ўзининг «Рисолайе тадбирул мутаваҳҳид» асарида қисқача ишора қилганидек, инсоннинг ақлий ва руҳоний ҳаракатининг охирги босқичи, умуман айтганда инсоний эмас. Инсон такомиллининг тугалланиши худо томонидан ўзи танлаб олган кишилар калбига солган нурли шуъладир. Бу шундай нурдирки, Ғаззолий уни ирфоний ирода билан «барча маърифий шаклларнинг

калитги», деб тафсирлаган эди¹⁴³. Шунинг учун Ибн Бажжанинг ёзишича, худо бирор кишини иноят этса, «у бадандан ажралгандан ксйин осмоний нурлардан бирига айланадики, тасбиҳ ва софлик билан худога ибодатни бошлайди ва шундай йўл билан пайгамбарлар, авлиёлар, шаҳидлар ва солиҳлар сафига қўшилади»¹⁴⁴.

Айтиш мумкинки, Ибн Бажжа инсон ақлини илоҳий шуълага таянишини энг охирги босқичда тасаввуфча тақдим этди. Тасаввуф шунга даъво қилганича қолмоқда эди. Шундай бўлса ҳам, худди келажакдаги издошлари Ибн Туфайл ва Ибн Рушддек, у қатъий равишда айтдики, бу илоҳий иноят файласуфлар учун сақланиб қолади. Шундай қилиб, бу шуъла ҳукмронлиги ҳавзасини чегаралаб, шундай шароитни баён этадики, худованд унинг таъсирида бу нурни ўзи танлаган оз сонли шахсларгагина ато этади.

Ибн Туфайлнинг фалсафий қарашлари (1110-1185)

Андалузия фалсафаси тарихидаги иккинчи буюк шахс Абу Бакр Муҳаммад ибн Туфайлдир. У «Води Аш» аҳолисидан бўлиб, Гиранота (Гренада) шимолий шарқидаги кичик бир қишлоқда туғилган. Унинг ҳаёти, маълумоти ва нима билан шуғулланганлиги ҳақида жуда кам нарса биламиз. Фақат эҳтимолга таяниб айта оламизки, у ҳижрий олтинчи – милодий ўн иккинчи асрнинг биринчи ярмида таваллуд топган. Ибн Туфайл Ишбила (Севилья) ва Куртабада (Кордова) таъбат ва фалсафани ўрганган, кейинчалик Муваҳхидон сулоласи халифаларидан бўлган Абу Якуб Юсуф саройида хизмат қилган. Бу халифа саҳоватли одам бўлиб, илм ҳомийси, айниқса, фалсафага жуда ҳам ихлоси баланд эди (Марокаший. Алмуъажжаб фи ахборул мағриб, 172-бет)¹⁴⁵. Айтишларича, унинг халифа билан муносабати жуда яқин ва самимий бўлиб, бунинг натижасида жуда кўп олимлар ва файласуфлар Ибн Туфайл томонидан маърифатларвар ҳукмдорга тавсия этилдиларки, уларга ҳомийлик кўрсатилди. Аввало баракали иш бўлган ёш Ибн Рушднинг 564 ҳижрий 1169 йилда саройга олиб келинганини қайд этиш лозим. Халифа Ибн Рушдни Арасту асарлари-

¹⁴³ Ибн Бажжа. Расоил мобаъд-ул табиа. –Б.246 (араб тилида).

¹⁴⁴ Ўша жойда. –Б.162.

¹⁴⁵ Қаранг: Можед Фахрий. Сайрс фалсафа дар жаҳоне ислом. –Б.284.

нинг тафсирчиси сифатида ишга тайин этди. Ибн Туфайлнинг ўзи сарой табиби вазифасида хизмат қилар эди. Аммо унчалик аниқ бўлмаган хабарларга қараганда, у халифанинг маслаҳатчиси ҳам бўлган. Бироқ вазирлик мақомида бўлмаган. 580 ҳижрий – 1184 милодий йилда Ибн Туфайлнинг ҳомийси вафот этди. Аммо Абу Якубнинг фарзанди ва вориси ҳукмронлиги даврида ҳам саройдаги ўз юксак мавқеини вафотигача, яъни 581 ҳижрий – 1185 йилгача сақлади (Gauthier, Ibn Tofail, sa n'a, sas anvers, p. 19)¹⁴⁶.

Ибн Туфайлнинг табобат, астрономия ва фалсафага оид асарлари кўп. Аммо унинг фалсафий асарларидан фақат биттаси, яъни «Ҳай ибн Яқзон» гина бизгача етиб келган.

Ибн Туфайл дунёқараши кенг олим эди. У табобат, риёзиёт, астрономия ва шеърят билан қизиқар эди. Ибн Рушднинг хабар беришича, Ибн Туфайлга тегишли «Ер юзининг одам яшайдиган ва яшамайдиган минтақалари» ҳақида асар мавжуд бўлган.

Ибн Туфайл фалсафа соҳасида асосий эътиборни билиш назарияси масалаларига қаратган. Унинг «Ҳай ибн Яқзон» («Яқзон ўғли Ҳай ҳақида қисса») асари – давр хужжатидир. Ибн Туфайл бунда Арасту, Форобий, Ибн Сино ва Ибн Бажжа издоши ва Ибн Рушд салафи сифатида майдонга чиқади. Шундай номга эга бўлган асар Ибн Синода ҳам бор. Шунинг учун ўрта аср китоб кўчирувчилари хато қилиб, Ибн Туфайлнинг асарини Ибн Синога тааллуқли деб ҳисоблаганлар. Гап шундаки, Ибн Сино анча илгари «Рисолайе Ҳай ибн Яқзон» («Яқзон ўғли Ҳай ҳақида рисола»)ни ёзган эди. Бу асар мажозий ва мавҳум бўлиб, муфассал шарҳсиз тушуниш қийин эди.

Ибн Сино ўз рисоласида Ибн Туфайл қиссасидаги барча сиймолар (номлар)ни тилга олган эди. Аммо Ибн Туфайл унинг асарининг асосий мақсадини ўзлаштириб олган эмас.

Қиссанинг фалсафий маъноси қуйидагича. Бу табиат устидан ғолиб чиққан инсон ҳақидаги қисса бўлиб, унинг билиш босқичларини акс эттиради ва унинг қандай қилиб юқори фалсафий ҳақиқатга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Қиссанинг мақсади – инсон ўзининг билиш ва ижодий қобилиятини тўла ишга солиб, атрофидаги ҳис-туйғу уйғотувчи дунёни мустақил равишда тажриба воситасида била олиши, мавҳум ҳақиқатларни идрок қилиб,

¹⁴⁶ Ўша жойда.

ҳар хил йўллар орқали бир хил моҳиятга эга бўлган фалсафа ва диннинг ўхшашлигини кўрсатиб беришдан иборат эди. Бу мақсадни амалга ошириш учун муаллиф мусулмон ва араб адабиётидаги айрим сиймолардан фойдаланган, аммо уларни сезиларли даражада жонлантирган.

Қиссада ўша замондаги фалсафий доираларда ҳукм сурган кескин курашга сабаб бўлган масалаларга тўхталган. Диннинг фанга бўлган муносабати ва унинг акси масаласига катта эътибор берилган. Кўпчилик шарҳловчилар файласуфнинг нуқтаи назарини қуйидагича талқин қиладилар:

Дин – оддий одамлар ақлига қаратилган, фалсафа эса, маълумотли зиёлилар учундир. Бундай ғояни ўз вақтида Абу Наср Форобий ошкора ёзган эди.

Ибн Туфайлнинг асари ўрта асрлардагина эмас, балки янги давр Европа китобхоналари ўртасида ҳам XVII аср охиригача машҳур бўлиб кетган эди. Унинг ўқувчилари орасида Спиноза ва Лейбниц каби мутафаккирлар бор эди. Ибн Туфайл ғоялари таъсирини Даниэль Дефонинг «Робинзон Крузо» романида ҳам топшиш мумкин.

Ибн Рушд фалсафаси **(1126-1198)**

Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушд (Европада Аверроэс номи билан машҳур) - Куртаба (Кордова)да туғилган. Унинг бобоси ва отаси шаҳар қозиси бўлиб, ўта зиёли шахслар эдилар. Ёшлик йилларидан бошлаб Ибн Рушд отаси раҳбарлигида илоҳиёт ва мусулмон ҳуқуқини ўргана бошлайди. Араб адабиёти ва шеърини намуналари билан танишади, кейинчалик эса табобат, математика ва фалсафани ўрганишга киришади.

1153 йили Ибн Рушд Марокашга жўнайди. Бу ерда у маданий-оқартув муассасаларини ташкил қилиш бўйича катта ишларни амалга ошира бошлайди. Бундай тамойиллар Абу Яқуб Юсуф ҳукмронлиги даврида жонланган бўлиб, у маърифатли шоҳ саналиши учун ўз атрофига фан, санъат ва фалсафа арбобларини йиққан эди.

Абу Яқуб вафотидан сўнг тахтга Ал-Мансур (1184-1198) номи билан ўтирган унинг ўғли Абу Юсуф чиқди. Дастлаб, унинг

даврида ҳам Ибн Рушд зўр эҳтиром ва шарафга муяссар бўлди. Бу даврда унинг олим ва файласуф сифатидаги доврўғи авжга чиққан эди. Аммо 1195 йили мутафаккирнинг мавқеи кескин ўзгарди. Ибн Рушднинг асарлари мусулмон илоҳиётчилари даврасида душманлик билан кутиб олинаётган эди. Унинг фалсафани Арасту руҳида талқин қилиши руҳонийлар томонидан ислом ақидаларига қарши қаратилган чиқиш сифатида баҳоланаётган эди. Мусулмон илоҳиётчилари Ибн Рушднинг дунёнинг абадийлиги ва унинг қонуний равишда ривожланишда эканлиги ҳақидаги таълимотига, айниқса, унинг воқеликни ақл ёрдамида билиб олиш мумкин, деган қарашларига қарши чиқдилар.

Мурувватсизликка учраган Ибн Рушд, ҳатто ўзининг шоғирдларидан ҳам маҳрум қилинади. Руҳонийлар унинг атрофида чидаб бўлмас муҳит яратадилар. Унинг замондошларининг ёзишларича, бир куни Ибн Рушд ва унинг ўғли Абу Аллахни Қуртабадаги масжиддан ҳайдаб чиқарадилар. У ўз уйида қамоқ ҳолатида яшайди. Фақат вафотидан сал олдингина Ибн Рушд яна халифа томонидан Марокашга чақирилади ва ўша ерда 1198 йилнинг 10 декабрида оламдан кўз юмади.

Ибн Рушд элликка яқин йирик асарлар ёзган. Улардан энг машҳурлари қуйидагилар: «Раддияни рад этиш», «Мантиққа оид асарлар», «Осмоний жисмларнинг ҳаракати ҳақида мулоҳазалар», «Замон муаммоси», «Биринчи ҳаракатга келтирувчи куч ҳақида», «Абадий ва вақтинчалик мавжудлик ҳақида мулоҳазалар», «Жон ҳақида фан муаммолари», «Ақл ҳақида мулоҳазалар», «Фалсафа масалалари», «Дин билан фалсафанинг мувофиқлиги ҳақида» ва бошқалар.

Ибн Рушд асарларининг бир қатор арабча асл матнлари бизгача етиб келмаган. Улар фақат қадимги яҳудий ва лотин тилига қилинган таржималари орқалигина маълумдир.

Ибн Рушд «шарҳловчи» сифатида ҳам машҳур – уни «Илоҳий комедия»нинг муаллифи Данте шундай деб атаган. У Арасту таълимотини илк даврдаги соф ҳолатига қайтарди. Маълумки, Арасту қарашларини Искандария шарҳчилари сезиларли даражада бузиб, унга Афлотунча унсурларни қўшган эдилар. Ибн Рушднинг ишончи комил эдики, тўғри тушунилган Арасту таълимоти, инсон эришиши мумкин бўлган олий билимга қарама-қарши турмайди. Унинг фикрича, Арасту сиймосида инсоний ақл ўзининг


юқори ифодасини топганки, шунинг учун уни илоҳий файласуф деб аташ маъқул бўлади. Унинг замондошлари фикрича, «Арасту табиатни тушунтирди, «Аверроэс эса, - Арастуни»¹⁴⁷.

Ибн Рушд Арасту ва унинг издошлари бўлган ал-Киндий, Форобий ва Ибн Синолар фалсафасини қабул қилиш билан бирга, факат фалсафадаги ушбу йўналишни кўрсатибгина қолмасдан, балки жаҳон фалсафий тафаккури ривожига ўзининг қайтарилмас ҳиссасини ҳам қўшди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Ибн Бажжанинг борлиқлар силсиласи ҳақидаги қарашлари



¹⁴⁷ Ренан Э. Собрание сочинений. – Киев, 1960. Т. 8. – С.70.

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Аббосийлар сулоласи даврида фалсафа ва фан тараққиётида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. Ибн Бажжа ахлоқий қарашларида қайси файласуфларнинг таъсири сезилиб туради?
3. Ибн Бажжа борлиқ муаммосини қандай тушунтирган?
4. Ибн Туфайл дин ва фалсафани қандай тушунган?
5. Унинг фалсафий қарашларининг асосини нима ташкил қилади?
6. Ибн Рушднинг «Тахофут ат-тахофут»асари нима муносабат билан ёзилган эди?
7. Унинг «икки» ҳақиқат» назариясида нималар акс этган?
8. Араб-мусулмон фалсафаси ривожсида Ибн Рушднинг номи яна нималар билан эсга олинади?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Мусулмон Испанияси (Андалузия) фалсафаси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
 - а. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
 - б. Ибн Бажжа, Форобий ва Афлотунларнинг ахлоқий қарашларини қиссий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
 - с. Мавзу юзасидан Б/Б/Бжадвалини тўлдириг (3-илова).

3-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик Хайруллаев М. М. таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Ренан Э. Собрание сочинений. –Киев. 1960. Т. 8.
4. Hitti, PH, *History of the Arabs*. –London, 1953.
5. Созд ибн Созд Андалусий. Табақот ул-умам. – Бейрут. 1912.
6. Ибн Халликон. Вафиёт ул-аъён. 4-жилд. –Б.681.
7. Ибн Бажжа. Расоил мобаъдул табиа. –Байрут. 1968
8. Ибн Туфайл. Ҳай ибн Яқзон.//Можед Фахрий. Сайр фалсафа дар жаҳоне ислом. 1983. –Техрон университети нашириёти. (форс тилида).
9. Можед Фахрий. Сайр фалсафа дар жаҳоне ислом. 1983. – Техрон университети нашириёти (форс тилида).

21- МАВЗУ

XIV-XV АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКР

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда XIV-XV асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти ҳақида, Саъдуддин Тафтазоний ва Мир Сайид Шариф Журжонийларнинг фалсафий ва мантикий қарашлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ушбу икки мутафаккирларнинг маънавий меросини фалсафий мушоҳада қилиш ва назарий ҳамда амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Темурийлар даври, Саъдуддин ибн Умар Тафтазоний, фалсафа, мантиқ, калом, Темур, Фиждувон, Жом, Туркистон, Ҳирот, «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), сабаб, оқибат, ҳис-туйғу, Мир Сайид Шариф Журжоний, Журжон, мантиқишунос, «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Усули мантиқийа» («Мантиқ усули»), қиёс (силлогизм), истекро (индукция – бўлакдан бутунга томон ҳукм юритиш) ва ҳадс (аналогия - ўхшатиш).*

Асосий саволлар

1. Саъдуддин ибн Умар Тафтазонийнинг фалсафий қарашлари.
2. Мир Сайид Шариф Журжонийнинг фалсафий қарашлари ва мантиғи.

Саъдуддин ибн Умар Тафтазонийнинг фалсафий қарашлари (1322-1392)

Марказий Осиё фалсафий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган аллюма Саъдуддин Тафтазоний - Ашхобод яқинидаги Нисо шаҳри атрофидаги Тафтазон қишлоғида туғилди. Темур ўз марказий давлатини тузгунча бўлган феодал урушлар натижасидаги нотинчликлар ёш Тафтазонийни Хуросон шаҳарлари бўйлаб сарғардон юришга мажбур этди. 16 ёшли Саъдуддин илоҳиёт фанларини, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ соҳаларини мукаммал эгаллайди. Бу фанларни ўз даврининг машҳур олимлари бўлган Азиддин Ижий ва Қутбиддин Розий ат-Тахтонийлардан

ўрғанади. Тафтазонийнинг 16 ёшида ёзган биринчи илмий асари унга шуҳрат олиб келди ва унинг мадрасада мударрислик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишига сабаб бўлди.

1340 йилдан 1372 йиллар ичида Тафтазоний Ғиждувон, Жом, Туркистон, Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидаги мадрасаларда дарс бериб, йирик олим сифатида шуҳрат қозонди. Айниқса мантиқ, нутқ санъати, араб тили грамматикаси ва илоҳиёт соҳаларида унга тенг келадиган олим кам топилар эди¹⁴⁸. Унинг замондоши машҳур араб тарихчиси Ибн Халдун Тафтазоний ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Мовароуннаҳрдан чиққан қуёшнинг нури араб мамлакатлари ва Испаниягача етиб келмоқда»¹⁴⁹.

Тафтазонийнинг шуҳрати ўз пойтахти Самарқандга энг машҳур олимлар, хунармандлар ва усталарни тўплаётган Амир Темурга ҳам етиб боради. У Тафтазонийни Самарқандга чақиртиради. Тафтазоний умрининг охиригача саройда яшайди ва 1392 йилнинг 12 августида вафот этади.

Тафтазонийнинг назарий мероси ўрта асрлар фанининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Қуръон тафсиридан бошқа асарлари араб тилида ёзилган бўлиб, улар ичида мантиқ, нутқ санъати ва араб тили грамматикасига оид рисоалари алоҳида ўрин тутаяди. Бу рисоалардан XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг иккинчи ярмигача Мовароуннаҳр ва унинг атрофидаги ўлкалар мадрасаларида ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилган. Машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс ўз тадқиқотларида форс шеърятининг буюк классиги Абдурахмон Жомий шеърят ва нутқ санъатини Саъдуддин Тафтазоний асарларидан ўрганганлигини кўрсатиб ўтади.

Тафтазоний қирқдан ортиқ асар ёзган бўлиб, бизгача етиб келган асарларидан диққатга сазоворлари қуйидагилар (1-илова): «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «Ас-саъдия» (XIII аср охири ва XIV аср биринчи ярмида яшаган Котибийнинг мантиқа оид «Аш-шамсия» рисоласига ёзилган шарҳ), «Ал-мутаввол» (Нутқ санъатига оид «Кенг талқин»), «Мухтасар ал-маоний» (риторикага оид «Қисқача маъно-

¹⁴⁸ Қаранг: Муртазоев С. Саъдуддин Тафтазоний асарларида дунёқараш, билиш назарияси ва мантикий масалаларнинг ёритилиши. Автореферат. – Т.: 1975. –Б.5.

¹⁴⁹ Ибн Халдун. Мукаддима. –Қоҳира. 1995. 1-жилд. –Б.545.

лар»), «Ал-иршод ал-ходий» (араб тили грамматикасига оид «Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» (фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари»), «Рисола фи завое ал-мусаллас» («Уч бурчакнинг бурчаклари ҳақида рисола»). Булардан ташқари Тафтазоний ўзидан олдинги ўтган мутафаккирларнинг асарларига кўплаб шарҳлар ва хошиялар ёзган.

Тафтазоний дунёқарашидаги диққатга сазовор масалалардан бири қазо ва қадар ҳамда ирода эркинлигидир. Маълумки, ирода эркинлиги масаласида кўплаб файласуфлар ҳар хил фикрлар баён этишган ва инсон ўз хулқ-атворида эркинми, яъни ихтиёри ўз қўлидами, деган саволга жавоб топишга интилганлар.

Саъдуддин Тафтазоний ўзининг «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» асарида инсоннинг хулқ-атворидаги ирода эркинлиги масаласига кенгрок тўхталади. Унинг фикрича, ҳар қандай олижаноблик ва хайрли ишлар ўз табиатига кўра, худонинг моҳиятидан келиб чиқади ва у ҳамма нарсанинг холиқи сифатида хайр ва шарофатнинг яратганлиги сабабидан инсонларни ёмон хулқ-атвордан тийилиб туришга чорлайди. Ёмон хулқлар, гуноҳлар инсонга хос нарсалар бўлмасдан, улар фақат кишиларни синаш учун яратилгандир. Шундай қилиб, унинг фикрича, худо – ўз бандаларига икки йўлни «таклиф» этади, яъни шарафли, хайрли фаолият кўрсатишни ёки номатлуб машғулотлар билан гуноҳга ботишни, гуноҳга ботиш эса, жазога тортилишни келтириб чиқаради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, худо томонидан кўпроқ инсонларга хайрли ишлар қилиш, ғайри шаръий ишлар камрок бўлиши таъкидланади. Қайси йўлни танлаш инсоннинг ўз иродасига боғлиқдир. Шунинг учун худо ёмон хулқ-атворли инсонларни жазолайди. Ёмон хулқ-атворни қоралаш худонинг иродасига қарши бориш эмас, чунки ёмонликнинг ер юзида мавжудлиги инсонларни покликка чорловчи синовдир.

Билиш назариясида Тафтазонийнинг қарашлари Ибн Синоникидан фарқ қилади. Масалан, Ибн Сино нарса, ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни билим деб билса, Тафтазоний уларни алоҳида ҳис-туйғу ва билим ўртасидаги воситавий босқич, деб тушунади. Унингча, ашёлар ва ҳодисалар мавжудлиги туфайли улар уйғотган ҳис-туйғу шаклларида билим юзага келади. Чунки ҳиссиёт моддадан унинг зарурий сифатлари ва алоқалари билан биргаликда ташқи қиёфасинигина қабул қилиб олади. Шу сабабдан мутафаккирнинг фикрича, ҳиссий тасаввурга эга бўлиш

учун модданинг бўлишлиги шартдир. Лекин ақлий, маънавий билиш эса, моддий асосдан анча узоқлашган бўлиб, ҳиссий билимларга қараганда юқорироқ босқичда ҳосил бўлади.

Тафтазоний фикрича, маънавий тафаккурдаги хатоликлардан халос қиладиган восита бўлиб, янги билимлар ҳосил қилиш заминидир¹⁵⁰.

Тафтазоний фикрича, маънавий билиш шакллари тасаввур ва тасдиқдир. Бирор ашё ёки ҳодисани тасаввур этиш ва унинг тўғрисида ҳукм чиқаришда асосий ўринни тил бажаради. Онг ва унинг белгиси бўлган нутқ бир-бири билан бевосита боғлангандир. Бирор ашё ёки ҳодисанинг белгиси бўлган сўзлар, бирор бир мазмун туфайлигина қандайдир маъно касб этади. Сўзлар ва уларнинг ҳар хил турларини тилшунослик фани ўрганади, маънавий эса, муайян мазмунга алоқадор муносабатдаги белгилар ўрнини аниқловчи сўзларни ўрганади. Шундай қилиб, Тафтазоний фикрича, маънавий фани маънавий онг билан боғланган бўлиб, тушунча ва ҳукми ифодаловчи сўзлар ва гапларни таҳлил этади.

Ақл қуроли орқали ашёларни ақл этирадиган тушунчаларни таърифлаб, Тафтазоний ўз олдига шундай савол қўяди: тушунчалар қандай келиб чиқадилар ва шаклландилар? Тафтазоний ақлнинг таҳлилий-хулосавий қобилияти (таҳлилоти) ва шуурий истисодоти (маънавий) тушунчалар шаклланиши учун асосий йўл деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича: «Фақат таҳлилоти ва маънавий воситасидагина ашёлар ҳақида муайян тушунчалар ҳосил этиш мумкин»¹⁵¹.

Тафтазоний ўз фалсафий қарашларида табиат ҳодисалари ўртасида сабаб-оқибат муносабатлари маънавийликка шубҳа қилмай, борлиқнинг ана шундай муносабатларини диққат билан таҳлил этиб, сабаб ва оқибатнинг муайян турларини ажратиб кўрсатади. «Сабаб – бу шундай нарсаки, ашёнинг маънавий бўлиши унга боғлиқдир. Сабаб ички ва ташқи кўринишларга эга. Агар сабабнинг муайян белгилари оқибатига кўчиб ўтса, унда ички сабаб намоён бўлган бўлади, агарда бунинг акси бўлса, унда ташқи сабаб ўзлигини кўрсатган бўлади»¹⁵².

¹⁵⁰ Қаранг: Тақриб ал-маром фи таҳзиб ал-калом. 2-қисм, –Б.65 (араб тилида, қўлёзма).

¹⁵¹ Маънавий юлдузлари. –Б.165.

¹⁵² Ўша жойда, –Б.164.

Тафтазонийнинг Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида муносиб ўрин тутган қадимги юнон файласуф ва мантиқшунослари илмий ютуқлари билан чегараланмасдан, IX-X асрлардаги Шарқ мутафаккирларининг илмий-ижодий юксакликларига таянган ҳолда уни ривожлантиргани ва янги ғоялар билан бойитганлиги диққатга сазовордир.

Тафтазоний, Темур давридаги Самарқанд илмий муҳитида ўша замон олимлари билан биргаликда самарали ижод этиб, кейинчалик жаҳоншумул аҳамият касб этган Улуғбек мактабини вужудга келишига замин ҳозирлаган мутафаккирлардан бири бўлиб тарихда қолди. У ислом фалсафаси бўлган каломга мантикий хулосаларни татбиқ этиб, уни кучайтирди ва илоҳиётни ҳам жозибали фан сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг асарларини илмий қиммати ҳозирда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Тафтазонийнинг илмий меросини ўрганиш тафаккуримиз тарихининг зарҳал саҳифаларини бойитиш имконини беради.

***Мир Саййид Шариф Журжонийнинг
фалсафий қарашлари ва мантиги
(1339-1413)***

Соҳибқирон Амир Темур томонидан Самарқанднинг шон-шуҳратини ошириш ва уни жаҳон илмий марказларидан бирига айлантириш ниятида ўз пойтахтига тўплаган олимларидан бири Мир Саййид Шариф Журжонийдир. У 1387 йили Шероз фатҳ этилганидан кейин, у ердаги машҳур кишилар қаторида Самарқандга жўнатишган. Журжоний деярли 20 йил давомида Самарқандда баракали ижод қилиб, фақат Темур вафотидан кейингина Шерозга қайтиб, 1413 йили ўша ерда вафот этди.

Илмий адабиётларга Мир Саййид Шариф номи билан кирган Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳусайний Журжоний 1339 йилда Эроннинг Гургон (арабча - Журжон) вилояти маркази бўлган Астробод шаҳри яқинидаги Тоғу қишлоғида туғилди.

Журжоний ёшлик йилларидан Шарқда мавжуд бўлган фанларнинг барча турлари билан шуғулланди. Ислом фалсафаси ва калом, мантиқ, тил масалаларидан ташқари табиатшуносликка доир соҳаларни қунт билан ўрганиб, улар ҳақида катта илмий асарлар ёзиб қолдирди.

1365 йили Журжоний Ҳиротга машхур файласуф Кутбиддин Муҳаммад ар-Розий ат-Тахтонийдан таълим олиш учун боради. Аммо Тахтоний ўзининг қариб қолганлигини айтиб, Мисрдаги шогирди Муборакшоҳ олдига боришли маслаҳат беради. Лекин Журжоний 1368 йилгача Ҳиротда қолади. Сўнгра турк файласуфи Муҳаммад Оксаройидан таълим олиш учун Қорамон шаҳрига жўнайди. Муҳаммад Оксаройининг шўхрати ва унинг асарлари Журжоний эътиборини жалб этган бўлиб, у машхур файласуф ва мантиқшунос бўлиб етишган Оксаройининг шогирди Муҳаммад Мулло Фанорий билан учрашиб, дўст тутинади ва биргаликда 1370 йилда Мисрга жўнашади. Журжоний Қоҳирада 4 йил давомида машхур мантиқшунос Муборакшоҳ ва Акмалиддин ал-Бобартийлар маърузаларини тинглаб, ўз савиясини оширгач, 1374 йилда Истамбулда илмий изланишларини давом эттиради. У ердан Ватанига қайтиб, 1387 йилгача Шероз мадрасаларида дарс беради. Сўнг Самарқандда мадрасаларда дарс бериш билан бирга Темур саройидаги илмий баҳсларда фаол иштирок этади. Бу ерда у илму фаннинг барча соҳаларига бағишланган бир қатор рисолалар, ўтмиш мутафаккирларининг асарларига шарҳлар ёзади.

Журжоний 50 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, улар фаннинг даярли барча соҳаларини қамраб олган эди. Аммо Мирзо Улугбекка бевосита таъсир этгани, шубҳасиз унинг XII-XIII асрларда Хоразмда яшаб ўтган Маҳмуд ал-Чағмийининг астрономияга оид асарларига ёзган «Шарҳе мулаҳҳас ал-ҳайа» («Астрономияга оид сайланмага шарҳ») ва Насриддин Тусий асарига бағишланган «Шарҳе тазкиратул Насирийат» («Астрономия ҳақида эслатмага шарҳ») асарларидир.

Журжоний билиш назарияси ва мантиққа доир «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Усули мантиқийа» («Мантиқ усули») ва илмий баҳс фанига бағишланган «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола») каби араб тилида ёзилган асарларнинг муаллифи ҳамдир. Бундан ташқари Журжонийнинг форс тилида ёзилган мантиққа оид бир неча асарлари ҳам бизгача етиб келган. Булардан «Суғро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро» («Катта далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсат дар мантик» («Мантиқда ўрта ҳулоса») ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг «Шарҳе фароизе Сарожийа» («Мерос бўлиш мажбуриятларининг Сарожий таърифига шарҳ») асари

хуқуқшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, фақиҳ Сажовандий асарларига жавоб тариқасида ёзилган.

Журжоний XIV аср файласуфи Эзидин Абдурахмон ал-Ижзий (1300-1356)нинг «Мавоқиф фи илм ал-калом» («Калом илмидаги манзиллар») асарига ёзган «Шарҳе мавоқиф фи илм ал-калом» шарҳи унинг замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари учун фалсафа ва мантиқ бўйича ўзига хос қомус мақомига эга бўлди.

Шарҳлардан ташқари Журжоний жуда кўп фалсафий асарларга ҳошиялар ёзган. Унинг Абу Али Ибн Синонинг «Ишорат» («Кўрсатмалар») асарига ёзган шарҳи, Насиридин Тусийнинг «Тажвид» («Абстракция») асарига шарҳ ёзган шайх Шамсуддин Маҳмуд Исфаҳоний (1294-1349)га жавоб тариқасида ёзилган хошияси диққатга сазовордир.

Журжоний дунёқараши, ундан олдин ўтган салафларинидек, ўрта асрлардаги бутун фалсафий масалаларни, чунончи, борлиқ ҳақидаги таълимот, коинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, билиш муаммолари, мантикий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқалари ва бошқаларни ўз ичига олади. У коинот, инсон ва ақлни қамраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини яратишга ҳаракат қилди. Журжоний таълимотига хос бўлган нарса борлиқ манзарасини босқичма-босқич тартибда тушунтиришдан иборат эди. Беш бобдан иборат «Ойнайе гитинамо» («Дунёни ақс эттирувчи кўзгу») рисоласининг биринчи бобини «*вожиб ул-вужуд*» ва «*мумкин ул-вужуд*» мавжуд эканлигини асослашга бағишлайди. Журжоний унга шундай таъриф беради: «Йўқ бўлиши мумкин бўлмаган, бор бўлиши эса, зарур бўлган нарса *вожиб ул-вужуд*, деб аталади. Масалан, Холикнинг ўзлиги каби тушунча. Борлиги ҳам, йўқлиги ҳам зарур бўлмаган нарса эса, мумкин ул-вужуд, деб аталади»¹⁵³.

Журжоний фикрича, *вожиб ул-вужуд* худо бўлиб, мумкин ул-вужуд моддий оламдир. У борлиқнинг биринчи сабаби сифатида *вожиб ул-вужудни*, яъни худонинг борлигини тан олади. Унингча, мумкин ул-вужуд ўзининг бор бўлиши учун қандайдир тарзда бўлса ҳам, бирор-бир сабабга эҳтиёж сезади. У бирор-бир нарса

¹⁵³ ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзмалар фонди: «Ойнайе гитинамо», 2984-рақамли қўлёзма, 1-саҳифа (форс тилида).

туфайли, яъни биринчи сабаб моҳиятига кўра, мумкин ул-вужуд даражасига кўтарилади.

Журжоний фикрича, ҳамма жисмлар бир-бирига бўлган ўзаро муносабатда сабаб-оқибат нисбатида бўладилар. «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» рисоласида у шундай ёзади: «Бор бўлишга имкони бор нарса икки таркибий қисмдан – субстанция ва акциденциядан, яъни туб моҳият ва тасодифий ҳолдан ёки ходисадан ташкил топади. Агар мавжуд бўлишга имкони бўлган нарса ўз мавжудлиги учун жойга эҳтиёж сезмаса, унда уни туб моҳият деб, агарда унга эҳтиёж сезса, ҳодиса деб аталади. Туб моҳият беш хил бўлиши мумкин. Агарда бирор-бир туб моҳият, бошқа жойда бирор нарса ўрнида қарор топган бўлса, у жойлашган ўша жой модда деб, ҳолат эса, – шакл, деб аталади. Агар у ўз ичига ҳолат ва жойни олган бўлса, у жисм, деб номланади. Агар туб моҳият бу айтилган уч нарсани ўз ичига олмаса, у айирувчи субстанция, деб аталади. Агарда шу айирувчи туб моҳият жисмга эга бўлса, у ҳолда унинг ўзгарувчи қисми рух деб аталади. Бу жисмлардаги ўзгармайдиган нарса ақл деб аталади. Агарда ушбу ақл бевосита вожиб ул-вужуддан келиб чиққан бўлса, у бошланғич онг ёки умумий ақл, деб аталади»¹⁵⁴.

Журжоний табиатдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз келиб чиқмайди, деб таъкидлайди. Ҳамма мавжуд ашёлардаги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар фақат макон ва замондагина рўй беради. Журжоний дунёқарашига хос хусусият, унинг бутун борлиқни бир-бирига қонуний равишда боғланган бўлакчалардан иборат ягона тана сифатида таърифлашидир. Унинг фикрича, моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур, яъни олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади. Уч унсурдан иборат бошқа жисмлар, яъни металллар, ўсимликлар ва ҳайвонлар эса, юқорида айтилган тўрт унсурнинг бир-бирлари билан қоришишининг ҳосиласи сифатида келиб чиққандир. Тўрт унсур доимо ҳаракатда эканлигидан ўзгарувчан бўлиб, бири иккинчисига айланиб қолиши мумкин. Ҳаво сувга, сув тупроққа ва ҳоказо.

Журжоний фалсафасида моддийлик ғояларигина эмас, балки диалектик ёндошув ҳам мавжуд. Унинг фикрича, моддийликдан холи бўлган бўш жой йўқ. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Самовий

¹⁵⁴ Ўша жойда.

гумбаз буюк доирадир. У барча жисмларни қамраб олган бўлиб, моддий дунёни чегаралаб туради. Аммо у бўшлиқ эмас, чунки уни моддадан ташқарида бўлган тушунча ёки бирор ўлчов билан тушунтириб бўлмайди. Бундан ташқари бир-бири билан ўзаро ёпишиб, айни вақтда бошқа жисм билан ҳам боғланиб турган нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир атрофдаги дунё, ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг кетидан юқоридагидек тартибда жойлашиши лозим, чунки бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Мана шундай жисмлар, унсурлар, самовий доиралар, бутун сайёралар ва моддий бўлакчаларнинг таркибий мажмуаси олам, деб аталади»¹⁵⁵.

Мир Саййид Шариф Журжоний мантиқ илмига салмоқли ҳисса қўшди. У Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари мантикий меросининг барча оқимларини таҳлил этиб, уларни янада ривожлантирди.

XV-XVI асрлар давомида мантиқ илмини ўрганиш ва ўқитиш ишлари XIII асрда ёзилган дарсликларга XIV асрда ёзилган шарҳлар, айниқса, машҳур мантиқшунос ат-Тахтоний (1290-1365), унинг шоғирди Ибн Муборакшоҳ (1310-1375), Самарқандда ижод қилган унинг икки издоши – Тафтазоний (1322-1392), Журжоний томонидан ёзилган шарҳ ва ҳошиялар асосида олиб борилди. Бу даврда араб тилига нисбатан форс тилида кўпроқ асарлар ёзилди. Моҳият жиҳатдан мантиқ илмининг фалсафа ва илоҳиёт соҳасидаги тадқиқотларда ишлатилиш жараёни кўпайди. Журжоний ўз ижодида мантиқни фалсафадан ажратмаган ҳолда, уни кўпроқ ҳуқуқ ва тил соҳаларида қўлланилишини таъминлади. Унинг баракали ижоди туфайли шу даврдан бошлаб, ислом мадрасаларида мантиқни ўқитиш ҳуқуқ ва тил фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Натижада мантиқ илмига ислом ақидаларига хос бўлган «бегона таълимот», деб ғараз билан қараш, аста-секин барҳам топа бошлади.

Журжонийнинг таъкидлашича, назарий билимлар ҳаётий тажрибада ҳосил қилинган бошланғич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли билан шаклланади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса, деб атайди ва унинг уч турини кўрсатиб ўтади (2-илова).

¹⁵⁵ Журжоний. Шарҳе мулаххас ал-ҳайа ал-Чағминий. ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги 2655-рақамли кўлёзма, 225-саҳифа (араб тилида).

Булар: қиёс (силлогизм), истекро (индукция – бўлақдан бутунга томон ҳукм юритиш) ва ҳадс (аналогия - ўхшатиш). Булардан қиёс хулосанинг бош тури ҳисобланиб, назарий билимлар ҳосил қилишнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади.

Иstekро (индукция) тушунчаси остида Журжоний шундай хулосани назарда тутадик, унда дастлабки хусусий шартлар асосида умумий натижа чиқарилади. У икки хил истекрони, яъни тўла ва тўла бўлмаган истекрони кўрсатиб ўтади.

Тўла истекрода ҳар бир бўлақдаги бирор-бир сифат мавжудлигига асосланиб, ана шундай сифат хусусияти умумий бутунликда ҳам бор эканлигига ишонч ҳосил қилинади.

Тўла бўлмаган истекро шундай хулосадирки, умумий бутун бўлган нарсанинг баъзи бир қисмларида мавжуд бўлган бирор-бир хусусиятдан келиб чиқиб, шундай хусусият бутунда ҳам мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилинади.

Журжоний тўла бўлмаган индукция фақат тахминий мулоҳазагагина олиб келади, деб ўйлайди ва унинг таъкидлашича, биз оловнинг айрим хусусий ҳолатларини кузатсак, ҳар қандай олов иссиқлик чиқаради, деган айрим хусусиятга эга бўлган билимдан, яъни дедуктив (бутундан бўлаққа ўтадиган) ҳолатга ўтадиган хулоса келиб чиқиши мумкин¹⁵⁶. Шу билан бирга унинг таъкидлашича, индуктив йўл билан ҳосил қилинган билимлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Чунки, инсон тажрибаси ҳеч вақт тўла мукамалликни бермайди.

Журжонийнинг индуктив ва дедуктив хулосалар ҳақидаги фикри Арасту ва унинг Шарқдаги издошлари фикрини эслатади. Аммо бу фикрга ноёб хулосалар қўшилиб, такомиллаштирилган.

Журжонийнинг илмий фаолияти туфайли мантиқ Темурийлар даврида инсон билимларининг барчасига қўлланиладиган қоида ва мезон қонунига айланди. У ҳар бир юритилаётган ҳукмнинг тўғрилигини тортувчи фанларнинг тошу тарозиси сифатида намоён бўлди. Натижада тез орада вужудга келган Улуғбек расадхонасининг илмий тадқиқотларида кенг қўлланилди.

Журжоний Улуғбекни мадрасада бевосита ўқитибгина қолмай, унинг Академиясини вужудга келишига ҳам катта ҳисса

¹⁵⁶ Қаранг: Мир Саййид Шариф Журжоний. Ат-таърифот. –Истамбул: Дор ул-табаоте омера». 1818 й., –Б.11. (араб тилида)

қўшди. Чунки, унинг шогирдлари бу илмий марказнинг негизини ташкил этар эдилар. Шунинг учун ҳам унинг илмий меросини тўлалигича ўрганиш мустақил Республикамиз маънавиятига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Саъдуддин Тафтазонийнинг диққатга сазовор асарлари



Журжоний мантигида хулоса турлари**Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар**

1. *Ушбу давр фалсафасининг асосий хусусиятларини биласизми?*
2. *Тафтазонийнинг тақдир масаласидаги қарашлари қандай эди?*
3. *Тафтазонийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари унинг қайси асарида ўз аксини топган?*
4. *Тафтазонийнинг билиш назарияси Ибн Сино қарашларидан қайси томонлама фарқ қилади?*
5. *Журжонийнинг шоҳ асари нима деб номланади?*
6. *Журжоний ўз меросида қандай фалсафий муаммолар билан шугулланган?*
7. *Истеқро нима?*
8. *Журжоний илмий фаолияти телмурийлар даври илм-фани учун нечоғли аҳамиятли?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Тафтазонийнинг билиш назарияси» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.

4. «Мир Саид Шариф Журжонийнинг мантикий қарашлари» мавзусида мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Бжадвалини тўлдириш (3-илова).

3-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Садиҳон Муртазов. Саъдуддин Тафтазоний асарларида дунёқараш, билиш назарияси ва мантикий масалаларнинг ёритилиши. Автореферат. –Т., 1975.
3. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик Хайруллаев М.М. таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқиунослик институти. Қўл-ёзмалар фонди: «Ойинайе гитинамо», 2984-рақамли қўлёзма, (форс тилида).
5. Тақриб ал-маром фи таҳзиб ал – калом. 2-қисм, (араб тилида, қўлёзма).
6. Ибн Халдун. Муқаддима. –Қоҳира. 1995. 1-жилд. –Б.545.
7. Журжоний. Шарҳе мулаххас ал-ҳайа ал-Чағминий. ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқиунослик институтидаги 2655-рақамли қўлёзма, (араб тилида).
8. Мир Саййид Шариф Журжоний. Ат-таърифот. –Истамбул: Дор ул-табаоте омера». 1818 й.(араб тилида).

I БОБГА ОИД ТЕСТЛАР

1. Инсон дунёга бўлган муносабатини дастлаб қандай ифодалаган?

- a) диний тафаккур тарзида;
- b) илмий тафаккур тарзида;
- c) фалсафий тафаккур тарзида;
- d) асотир тафаккур тарзида.

2. «Арфа чалувчининг қўшиғи», «Хаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз руҳи билан суҳбати» асарлари қаерда пайдо бўлган эди?

- a) Қадимги Байналнаҳрайн;
- b) Қадимги Ҳиндистон;
- c) Қадимги Миср;
- d) Қадимги Хитой.

3. «Инсон ва унинг шахсий худоси» деган фикрга қайси худудда эътиқод қилинар эди?

- a) Қадимги Шумер;
- b) Қадимги Миср;
- c) Қадимги Ҳиндистон;
- d) Қадимги Хитой.

4. Миллий қадриятларимизнинг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган энг муҳим ёзма ёдгорлик – бу... .

- a) Қуръони Карим;
- b) Туркий битиклар;
- c) Ўрхун-Энасой ёдгорликлари;
- d) Авеста.

5. Инсон атрофида руҳлар мавжудлиги ва уларнинг инсон ҳаётига бевосита таъсир этиши тўғрисидаги ибтидоий тафаккур гарзи нима деб аталади?

- a) фетишизм;
- b) анимизм;
- c) тотемизм;
- d) фатализм.

6. Марказий Осиё ҳудудларида кенг тарқалган буддавийлик таълимотидаги драхмалар нима эди?

- a) ўзининг хусусиятларига эга бўлган ғоялар;
- b) инсон ҳаётиги белгилаб берувчи Будда руҳлари;
- c) ўзининг белгиларига эга бўлган заррачалар» ёки «унсурлар»;
- d) жисм ва руҳни боғлаб турувчи ришталар.

7. Маздак таълимотига қўра, асосий ёвузлик – бу

- a) бойликка ҳирс қўйишдир;
- b) бойликдан узоқлашишдир;
- c) дунёвий лаззатлардан воз кечишдир;
- d) дўстига хиёнат қилишдир.

8. Туркий халқлар оғзаки ижоди ҳақидаги энг муҳим манба тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

- a) «Девони луғоти турк»;
- b) «Авеста»;
- c) «Қутадғу билиг»;
- d) Туркий битиклар.

9. Қалом илми деганда нима тушунаси?

- a) Қуръон илмини;
- b) илоҳиёт фалсафасини;
- c) ҳадисшуносликни;
- d) ислом ҳуқуқшунослигини.

10. Арастунинг «Категориялар», «Биринчи аналитика», Порфирийнинг «Исоғучи» («Мантиққа кириш») асарларини Аббосий халифа Мансур (754-770) учун араб тилига таржима қилган шахс ким эди?

- a) Ибн Муқаффа;
- b) Ҳунайн ибн Исҳоқ;
- c) Яҳё ибн Матта;
- d) Албитриқ.

11. Арабчада «ажралиб чиққанлар» маъносини англаувчи таълимот вакиллари кимлар эди?

- a) жабарийлар;
- b) мутақаллимлар;
- c) қадарийлар;

d) муътазилийлар.

12. Муътазилийларнинг диний ҳукмларни қабул қилишдаги асосий мезони нима эди?

- a) қиёс;
- b) ақл;
- c) нақл;
- d) ақл ва нақл бирлиги.

13. «Китоб ат-Тавҳид», «Китоб таъвилоти аҳл ас-сунна» асарлари муаллифи, Марказий Осиёлик мутакаллим ким эди?

- a) Ал-Ашъарий;
- b) Ҳасан ал-Басрий;
- c) Ал-Мотуридий;
- d) Восил ибн Ато.

14. Биринчи араб файласуфи ким бўлган?

- a) Ибн Рушд;
- b) Аз-Замахшарий;
- c) Ибн Мискавайх ;
- d) Ал-Киндий.

15. Розийнинг «Тибби руҳоний» асари қайси мавзуга бағишланган эди?

- a) ахлоққа;
- b) табобатга;
- c) мантиққа;
- d) руҳшуносликка.

16. Розий борлиқ ва дунёнинг тузилиши ҳақида қуйидаги беш нарсани келтиради:

- a) холиқ, табиат, инсон, ҳаракат ва бирламчи модда;
- b) холиқ, руҳ, бирламчи модда, макон ва замон;
- c) холиқ, руҳ, ҳаракат, макон ва замон;
- d) холиқ, бирламчи модда, ҳаракат, макон ва замон.

17. VIII аср ўрталарида исломдаги шиалик мазҳабининг ички парчаланиши натижасида қайси эътиқодий оқим ажралиб чиқди?

- a) муътазилийлар;
- b) муржиъийлар;
- c) исмоилийлар;

d) хорижийлар.

18. «Ақл ваҳийга бўйсунганидек, файласуф ҳам пайғамбарга бўйсунди. Агар ақлнинг ўзи ҳақиқатни кашф этиши учун етарли бўлганда, диннинг мавжудлиги ортикча бўлар эди», деган фикр муалифини топинг.

- a) Абу Али Ибн Сино;
- b) Яхё ибн Адий;
- c) Ибн Мискавайх ;
- d) Абу Ҳаййон Тавҳидий.

19. Форобий фикрича, дин –

- a) фалсафани рад қилувчи дунёқарашдир;
- b) фалсафанинг мисолларидир;
- c) ҳақиқатнинг ягона йўлидир;
- d) жамиятни бошқаруви қуролидир.

20. Форобий фикрича, борлиқ –

- a) худодир ва фақат угина моҳиятларга вужуд бағишлайди;
- b) ҳаюло бўлиб, у абадий ва чексиздир;
- c) табиат бўлиб, инсон унинг бир қисмидир;
- d) руҳ ва жисмдан ташкил топган мукамал инсондир.

21. Форобийнинг билиш назариясига кўра, билиш қуроли қуйидагилардан иборат:

- a) сезги, идрок ва тасаввур;
- b) тушунча, ҳукм ва хулоса;
- c) нутқ, тасаввур ва ҳис;
- d) тажриба, ақл ва сезги.

22. Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари унинг қайси асарида ўз аксини топган эди?

- a) «Ақл маънолари ҳақида рисола», «Сиёсат ал-мадания»;
- b) «Фозил одамлар шаҳри», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар»;
- c) «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар»;
- d) «Фозил одамлар шаҳри», «Сиёсат ал-мадания».

23. Дунё яратилганми ёки йўқми, деган саволга Беруний қандай жавоб берган?

- a) яратилган, бироқ худо кейинги ишларга аралашмайди;

- b) яратилмган, у азалий ва абадий мавжуд;
- c) объектив тарзда мавжуд;
- d) худо томонидан яратилган ва доимий равишда унинг таъсиридадир.

24. Беруний фикрича, нима инсоннинг ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди?

- a) ақл, бойлик ва эътиқод;
- b) ақл, меҳнат, эркин танлаш;
- c) меҳнат, адолат ва субутлилиқ;
- d) ақл, заковат ва онг.

25. Ибн Сино фалсафий қарашлари неча бўлимдан ташкил топган?

- a) 2 бўлимдан; фалсафа ва илоҳиёт;
- b) 3 бўлимдан; физика, фалсафа ва метафизика;
- c) 3 бўлимдан; метафизика, физика, мантиқ;
- d) 4 бўлимдан; метафизика, физика, мантиқ ва табобат.

26. Ибн Сино фикрича, борлиқнинг биринчи сабаби бу –

- a) Вожиб ул-вужуд – Худо;
- b) Мумкин ул-вужуд – олам;
- c) Вожиб ул-вужуд – Инсон;
- d) Ваҳдат ул-вужуд, Худо ва олам бирлиги.

27. Ибн Сино мантиғи неча қисмдан ташкил топган?

- a) тўққиз қисмдан;
- b) ўн қисмдан;
- c) саккиз қисмдан;
- d) етти қисмдан.

28. «Мафотих ул-улум» асарининг муаллифи ким?

- a) Мусо ал-Хоразмий;
- b) Абу Абдуллоҳ Хоразмий;
- c) Ҳайдар Хоразмий;
- d) Муҳаммад ал-Хоразмий.

29. Абу Сулаймон Бўстий, Абул Ҳасан Зенжоний, Абу Аҳмад Наҳржурий, Ауфий ва Зейд ибн Рифоъий. Уларга қандай умумий жиҳат хос?

- a) улар мўътазила оқими вакиллари эди;

- b) улар «Ихвон ас-Сафо» рисодаларини танқид қилганлар;
- c) улар «Ихвон ас-Сафо» рисодаларини таҳрир қилганлар;
- d) улар араб-мусулмон оламидаги энг биринчи файласуф эдилар.

30. «Зод ал-мусофирин» («Мусофирларнинг сафар озуқаси») ва «Икки донишмандлик уйғунлиги» асарлари муаллифи, Марказий Осиёдан чиққан ҳассос шоир ва мутафаккир ким эди?

- a) Умар Хайём;
- b) Носир Хисрав;
- c) Мирзо Ғолиб;
- d) Алишер Навоий.

31. Тахаллуси «чодир тикувчи» маъносини англатувчи, XI аср шоири ва файласуфи ким эди?

- a) Саъдий Шерозий;
- b) Носир Хисрав;
- c) Аҳмад Югнакий;
- d) Умар Хайём.

32. Худо ва олам бирлиги ҳақидаги таълимот қандай номланган?

- a) Ваҳдат ул-мавжуд;
- b) Ваҳдат ул-шуҳуд;
- c) Ваҳдат ул-вужуд;
- d) Вожиб ул-вужуд.

33. Ислом давридаги зухднинг, яъни молу-дунёга ҳирс қўймасликнинг энг йирик вакили ким эди?

- a) Зуннун Мисрий;
- b) Ҳасан Басрий;
- c) Робия Адавия;
- d) Нажмиддин Кубро.

34. Тасаввуф таълимотида «анал ҳақ», дегани учун мутаассиб дин пешволари томонидан қатл этилган суфий ким эди?

- a) Насимий;
- b) Мансур Халлож;
- c) Маҳосибий;
- d) Жунайид Бағдодий.

35. «Дил ба Ёру, даст ба кор» қайси тариқатнинг асосий шиори бўлган?

- a) Кубровия;
- b) Нурбахшия;
- c) Нақшбандия;
- d) Заҳабия.

36. Тасаввуф таълимотига кўра, жамоа ичида яққалик, ёлғизлик, яъни фақат худо ҳақида ўйлаб ўтиришлик –

- a) «Хилват дар анжуман»;
- b) «Сафар дар ватан»;
- c) «Назар бар қадам»;
- d) «Хуш дар дам».

37. Қуйидагилардан қайсилари тасаввуф назарийётчилари ҳисобланишади?

- a) Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абу Ҳасан ал-Ашъарий;
- b) Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ибн Арабий;
- c) Жунайид Бағдодий ва Ҳасан Басрий;
- d) Юсуф Ҳамадоний ва Аҳмад Яссавий.

38. Мусулмон Испанияси (Андалузия)да яшаб, фаолият кўрсатган файласуфлар тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

- a) Ал-Мунтасир, Ибн Мажритий, Ибн Арабий, Ибн Бажжа, Ибн Масарра, Ибн Рушд ва Ибн Туфайл;
- b) Ал-Мунтасир, Созд Андалузий, Ибн Мажритий, Ибн Бажжа, Ибн Масарра, Ибн Рушд ва ал-Ашъарий;
- c) Созд Андалузий, Ал-Мунтасир, Ибн Мажритий, Ибн Бажжа, Ибн Масарра, Ибн Рушд ва Ибн Туфайл;
- d) Созд Андалузий, Ал-Мунтасир, Ибн Мажритий, Ибн Арабий, Ибн Бажжа, Ибн Масарра, Ибн Рушд.

39. Тафтазоний фикрича, мантиқ – бу... .

- a) тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан;
- b) инсонни ақлий билиш босқичлари орқали ҳақиқатга етакловчи йўл;
- c) диний ҳукм ва ақидаларни ақлий далиллашга хизмат қилувчи фан;
- d) тафаккурдаги хатоликлардан халос қиладиган восита бўлиб, янги билимлар ҳосил қилиш заминидир.

40. Журжоний ўзининг беш бобдан иборат «Ойнайе гитинамо» («Дунёни акс эттирувчи кўзгу») рисоласининг биринчи бобини қайси мавзуга бағишлайди?

а) Борлиқнинг абадий ва азалийлигини мантиқий исботлашга бағишлайди;

б) «Вожиб ул-вужуд» ва «мумкин ул-вужуд» мавжуд эканлигини асослашга бағишлайди;

с) Билишнинг асосий мезони бўлган ақлнинг хусусиятлари ва вазифиларини ёритиб беришга бағишлайди;

д) Ўзидан олдинги ўтган файласуфларнинг ақлий далиллари шарҳлашга бағишлайди.

II БОБ. ҲИНДИСТОН ФАЛСАФАСИ

I БЎЛИМ

ҚАДИМГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

1-МАВЗУ

БРАХМАНИЗМ ТАЪЛИМОТИ. ВЕДАЛАР ФАЛСАФАСИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Ҳиндистондаги энг дастлабки фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиши, брахманизмнинг ривожланиши ва ведаларда орийларнинг ибтидоий дунёқараши акс этганлиги, ведаларнинг таркибий қисми бўлган Ригведа, Самаведа, Яджурведа, Атхарваведалар, шунингдек, Упанишадлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш. Ҳинд фалсафасини ўрганишда Ғарб ва Шарқ тадқиқотчиларининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: Қадимги Ҳиндистон, брахманизм, ведалар, веда адабиёти, брахманлар, Упанишадлар, Ригведа, Самаведа, Яджурведа, Адхарваведа, мадҳия, алқов, сутра, Шрәтасутра, Грхьясутра, Дхармасутра, Агни, Индра, Митра, Воруна, Сома, Ушас, Ашвинам, Марутам, дуолар, Г. Т. Кольбрук, Т. Бенфей, А. Вебер, Д. Уитни, Г. Ольденберг, Л. Рену, И. Хертель, П. Тиме.

Асосий саволлар

1. Брахманизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Ведаларда орий қабилалар дунёқарашининг акс эттирилиши.
3. Упанишадларда фалсафий муаммоларнинг қўйилиши.
4. Европада Ведаларнинг ўрганилиши.

Брахманизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Милоддан аввалги II мингинчи йилнинг охирларига келиб, темир қуроолларнинг тарқалиши натижасида Ганг воҳасида яшовчи халқлар деҳқончилик билан шуғуллана бошлашган. Улар ўрмонларни кесиб, ботқоқлик ерларни қурита бошлашди. Кўчманчи чорвадорлар учун овчиликка нисбатан ўтроқлашган деҳқончилик устун турар эди. Ганг воҳасида яшовчиларнинг иқтисодий ҳаётларининг асосини деҳқончилик ташкил этарди.

Милоддан аввалги II мингинчи йилнинг охири ва I мингинчи йилларнинг бошида жамиятда ташкил топаётган мафкуравий ҳаётда буюк ўзгаришлар юз бера бошлади. Кейинчалик ҳинд жамиятида ўз ижтимоий вазибаларига биноан тенг ҳуқуқли кишилар тўрт гуруҳга ёки варналарга бўлина бошланди, яъни *Брахманлар* (давлат раҳбарлари ва донишмандлар), *Кшатрийлар* (ҳарбийлар), *Вайшьялар* (ноз-несъматларни яратувчи кишилар) ва *Шудралар* (жамиятдаги энг оғир ва ифлос ишларни бажарувчилар) (1-илова). Бу табақалар бир-бирларидан ижтимоий мавқелари, ҳақ-ҳуқуқлари ва бажарадиган ишлари билан фарқланадилар.

Ҳиндистонда бу даврда *Брахманизм* этакчи динга айланган эди. Дунёда бирдан бир реаллик (мавжудлик) бу *Брахма*, яъни *Брахма* худосидир. У бирдан бир реал дунёвий рух, шахссиз, сифатсиз илоҳий субстанция, ҳаёт манбаи, барча борлиқнинг асосидир. *Брахманизм* динида «*Карма*» ҳақида таълимот яратилди. Бу таълимотга асосан жон бир танадан иккинчи танага ўтиб юриши таъкидланган. *Карма* қонунига биноан инсон фоний дунёда қилган ҳатти-ҳаракатлари учун нариги дунёда жавоб беради.

*Брахманизм*да *Брахма* худоси – оламни яратувчи бўлиб, унга қурбонлик келтиришни буюрган. *Брахманлар* ўзларини одамлар орасида энг яхшилари деб, *инсон қиёфасидаги худолар*, деб билиб, жамият фуқаролари эса, уларга бўйсунушлари шарт деб ҳисоблаганлар. *Брахманизм* дини кейинчалик Ҳиндистон бўйлаб ёйилди. Илк ўрта асрларга келиб, Ҳиндистонда янги дин – *ҳиндуизм* шаклланиб, у бутун Ҳиндистон бўйлаб ёйилди¹⁵⁷.

Ведаларда орий қабилалар дунёқарашининг акс эттирилиши

Қадимги ҳинд жамиятининг ҳаёт тарзи ҳақида таълимот берувчи биринчи манба Ведалардир. *Веда* сўзининг санскрит тилидаги луғавий маъноси «*билим*» деганидир¹⁵⁸. Ведалар китоби диний мазмунда бўлса ҳам, иқтисодий юксалиш ва жамиятнинг таркиби, дунё тўғрисидаги билимларни ҳам ўз ичига олади. Ведаларда орийларнинг ибтидоий дунёқарашининг акс этган.

¹⁵⁷ Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси. –Т.:ТошДШИ нашриёти. 2006. –Б.104.

¹⁵⁸ Ўша асар. –Б.105.

Веда адабиётининг иккинчи қатлами брахманлар бўлиб, унда дунёнинг пайдо бўлиши ва ҳамма нарсанинг асосида биринчи ибтидо сифатида сув туриши ҳақидаги ривоятлар учрайди. Брахманларда мукамал диний-фалсафий тизим бўлмаса ҳам, кейинчалик Упанишадларда асосий мавзу бўлган баъзи тушунчалар биринчи марта ифодаланган.

Ведалар милoddан аввалги II-минг йиллик охири ва I-минг йилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлган қадимги ҳинду (веда) тилида ёзилган. Ведаларнинг энг қадимги қисми тўртта йирик ҳажмдаги мадҳия, дуолар ва алқовлардан иборат бўлиб *Ригведа*, *Самоведа*, *Яджурведа*, *Атхарваведа* деб аталган (2-илова). Ригведа 1028 мадҳияни ўз ичига олган бўлиб, матнлар саккиз қисмга, яъни аштаккага бўлинган. Ригведада асосий ўринни юксак бадий ифодалардаги қофияларда баён қилинган Агни, Индра, Митра, Варуна, Сома, Ушас, Ашвинам, Марутам ва бошқа худоларга мурожаат, табиатнинг турли томонларини ўзида мужассамлаштирувчи кучларни макташ ташкил этган.

Упанишадларда фалсафий муаммоларнинг қўйилиши

Ведалар билан алоқаси борлигига қарамасдан Упанишадларгина моҳиятан фалсафий ва диний фикрлар ривожига янги йўналиш бериб, кейинги вужудга келадиган тизимларга асос бўлган. Агар Упанишадларда асосий эътибор фалсафий муаммоларга қаратилган бўлса, Ведалар билан боғлиқ сутралар (Штраутасутра, Прхьясутра, Дхармасутра) аввало диний маросимларга ва қисман ҳуқуқ муаммоларига (Дхармасутра) бағишланган.

Қадимги Ҳиндистон фалсафаси, дини ва маданияти тарихини ўрганиш бўйича биринчи даражали аҳамият касб этган Ведаларни ўрганишга қизиқиш кучли бўлиб, бу соҳада Ҳиндистонни ўзида 25 асрлик анъана мавжуд. Ригведанинг машҳур шарҳчилари Панини, Шанкара, Саянилардир.


Европада Ведаларнинг ўрганилиши


Маълумки, Шарқ азалдан ўзининг жозибаси билан дунё халқларини қизиқтириб келган. Хусусан, ҳинд маданияти ва фалсафаси ҳам доимо тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Шундай тадқиқотларнинг аксарияти Ғарбий Европа мамлакатлари олимлари томонидан амалга оширилган. Европада Ведаларга қизиқиш XIX аср бошида пайдо бўлган (Англияда Г.Т.Колбрук, кейинчалик Р.Рот, Т.Бенфей, Т.Ауфрехт), А.Вебер (Германия), М.Мюллер (Англия), Д.Уитни (Америка). XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган йирик олимлар Г.Грасман, Г.Ольденберг, А.Хиллебранд, Р.Пишель, К.Гельднер, А.Людвиг (Германия), А.Бергенъ (Франция), М.Баумфилд (Америка), А.Кит, А.Макдонелл (Англия), охириги ўн йилликларда эса, Л.Рену (Франция), И.Хертель, Г.Эртель, Г.Людерс, П.Тиме (Германия) ва бошқалар Ведаларни ўрганишга муҳим ҳисса қўшганлар.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Қадимги ҳинд жамиятидаги ижтимоий табақалар



Ведаларнинг энг қадимги тўрт қисми**Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар**

1. Қадимги ҳинд жамиятида қандай ижтимоий қатламлар мавжуд эди?
2. Брахманизм таълимотига кўра, оламнинг асоси нима ташкил этади?
3. Брахманлар ўзларига қандай таъриф берганлар?
4. Веда сўзининг маъноси нима?
5. Ведаларда нималар ҳақида сўз боради?
6. Упанишадларнинг Ведалардан фарқи нимада?
7. Қадимги ҳинд фалсафаси, тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича энг муҳим манба нима?
8. Ҳинд фалсафасини ўрганиш бўйича қандай тадқиқотларни биласиз?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ведалар фалсафаси» бўйича слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20 та тест, 10 та блиц-савол ва 8-10 сўзлик кроссворд тузинг.
4. Қадимги ҳинд фалсафасини юнон фалсафий таълимотларига таъсир қилган жиҳатларини топишга ҳаракат қилиб кўринг ва шу мавзуда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдиринг (3-илова).

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси. –Т.:ТошДШИ нашриёти. 2006.
2. Низомиддинов Н.Ғ. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислоҳ. –Т.:Зар қалам, 2006.
3. Восемь гимнов Риг-Веды. Пер. Н. В. Крушевского. –Казань, 1879.
4. Ларин Б. Из области ведийской поэзии. //Восток, 1924. –№4.
5. Рагозина З.А. История Индии времен Риг-Веды. –СПб, 1905.
6. Томпсон М. Восточная философия. –М.:Гранд. 2001.
7. Фортунатов Ф. Samaveda – Aranyaka Samhita. Исследование. –М., 1875.

2-МАВЗУ

УПАНИШАДЛАРДА ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАР

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Қадимги хинд фалсафасининг муҳим манбаларидан бири бўлган Упанишадлар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; уларда Упанишадлардаги борлик, коинот, инсон ва ҳаёт чархи ҳақидаги ғояларни фалсафий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Упанишадлар, Ведалар, Қадимги Ҳиндистон, Брихадараньяка, Чхандогья, Таиттирия, Айтарея, Каушитаки, Ригведа, Кена, Катха, Иша, Шветашватара, Мундака, Маханараяна, Праина, майтри, Мандукья, Атхарваведа, монотеистик ғоя, Пуруша, брахма, атман, санкхья, йога, миманса, Бхагаватгита, ҳаёт чархи, Брахмасутра, Шанкара, Рамануджи, Рам Моҳан Рай, Ганди, Анкетиль, Дюперрон, Шопенгауэр.*

Асосий саволлар

1. Упанишадлар Ҳиндистоннинг фалсафий-диний асарлар туркуми эканлиги.
2. Борлиқнинг яғоналиги ҳақида Упанишадлардаги янгича талқин.
3. Ҳаёт чархи ҳақидаги таълимот.

Упанишадлар Ҳиндистоннинг фалсафий-диний асарлар туркуми эканлиги

Упанишадлар (ҳақиқатни билиш мақсадида ўқитувчи олдидан ўтириш) Ведаларнинг тўрттасидан бирига анъанавий тарзда қўшилдиغان Қадимги Ҳиндистоннинг фалсафий-диний асарлар туркуми бўлиб, Веда адабиётининг якуний қисми – Веданта («ведалар хотимаси») ни ташкил этади. Одатда Упанишадларга 108 асар тааллуқли (ҳаммаси бўлиб уларнинг 200 таси маълум) эканлиги аниқланган. Упанишадларнинг энг қадимгиси милоддан аввалги VI-III асрларда вужудга келган. Упанишадлар кейинги даврларда ҳам, ҳатто XIV-XV асрларгача пайдо бўлишда давом этганлар.

Упанишадларнинг энг қадимги қатламлари Брихадараньяка, Чхандогья, Таиттирия, Айгарея, Каушитака (кейинги иккитаси Ригведага бориб тақалади) ва Кена бўлиб, ушбу асарлар Упанишадларнинг энг қизиқ ва обрўли қисмини ташкил этадилар. Улардан бири кейинроқ ёзилган Катха, Иша, Шветашватара, Мундака, Маханараяна қофиядош шаклдадирлар. Прашна, Майтри ва Мандукья кейинчалик яратилган гуруҳни ташкил этадилар. Атхарваведага кўпроқ тааллуқли, деб топилган Упанишадларнинг қисми замон жиҳатдан охиригиси бўлиб, энг кенгроғи ҳам ҳисобланади.

Борлиқнинг ягоналиги ҳақида Упанишадлардаги янгича талқин

Ведалар даврига тааллуқли бўлган кўплаб муҳим мавзу ва ғоялар (қоинотга тегишли бир қатор тасаввурлар, бутун борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги ғоялар) Упанишадларда янгича талқин этилган. Илк даврда ёзилган Упанишадлар Ведалар динини қабул қилиб, унинг монотеистик ғояларини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Упанишадлар Ҳиндистон тарихида биринчи марта қўйилган фалсафий муаммоларнинг манбаси эканлиги: «биз қаердан келиб чиққанмиз, биз қаерда яшайпмиз ва қайси томонга қараб ҳаракат қиляпмиз..., кимнинг ҳукмига биноан биз гоҳида азоб-уқубатда, баъзида эса, роҳат-фароғатда мавжудмиз? Бунга замон сабабми ёки табиатми, ёки заруриятми, тасодифми, ёки унсурларми, ёки бўлмаса Олий Рухни ўзида мужассамлаштирган *Пуруша*, деб аталган одамми?» (Шветашватара-Упанишадлар). Бу каби саволлардан энг муҳими дунёвий руҳнинг табиати ҳақида бўлиб, унга мувофиқ Упанишадлар фалсафасининг иккита асосий тушунчаси – *брахман* ва *атман* келиб чиққан. *Брахман* – муайян бирор нарсага эга бўлмаган мутлақ ибтидо бўлиб, бутун Коинотни тўлдиради ва ундаги бор нарсани вужудга келтирувчи олий объектив борлиқдир. *Атман* ҳамма нарса ичига кира олувчи субъектив воқелик сифатида ўзини намоён этади: у – «катта ҳам эмас, кичик ҳам эмас, танасиз ва қонсиз, соясиз ва қоронғиликсиз, шамолсиз ва эфирсиз..., иссиз ва таъмсиз, кўзсиз ва қулоқсиз, овозсиз ва ақлсиз ... унинг «олдида ҳам, кетида ҳам ёки ичида ҳам ҳеч нарса йўқ... (Брихадараньяка – Упанишадлар).

Ҳаёт чархи ҳақидаги таълимот

Упанишадларнинг энг муҳим қисми ҳаёт чархи тўғрисидаги таълимот (*сансара*) ва у билан мустаҳкам боғланган қилмишига яраша мукофотлаш қонуни бўлган *кармадир*. Ҳаёт чархи тўғрисидаги таълимотга кўра, инсон ҳаёти узлуксиз қайта туғилиш занжирининг муайян шакли сифатида тушунилади. Ҳаёт чархи абадий бўлиб, дунёдаги барча нарсалар унга бўйсунди. Упанишадлар Ҳиндистондаги кейинги тафаккур тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Упанишадларнинг Бхагавадгитага таъсир ўтказгани ҳаммага маълум. Упанишадлар фалсафасининг кўп жиҳатлари санхья ва йога, қисман Миманса йўналишлари билан умумийлиги борлиги қайд этилган. Упанишадларнинг ғоялари Брахма-сутрада, кейинчалик Шанкара Рамануджи ва Ведантанинг бошқа машхур файласуфлари томонидан тўпланиб шарҳланган. Упанишадларнинг таъсири Рам Мохан Рай, Ганди ва бошқаларнинг дунёқарашларида намоён бўлган.

Европада Упанишадлар билан XIX асрнинг бошларида Анкель Дюперрон таржималари орқали форсча қайта ишланганлиги туфайли танишганлар. Упанишадларнинг ғоялари Европа фалсафасига, айниқса Шопенгауэр ва XX аср бошидаги рус файласуфлари қарашларига сезиларли таъсир ўтказганлиги ҳам маълум.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

Эслаб қолинг!


- *Упанишадларга 108 асир тааллуқли;*
- *Упанишадларнинг энг қадимгиси милоддан аввалги VI-III асрларда вужудга келган;*
- *Упанишадларнинг энг қадимги қатламлари Брихадараньяка, Чхандогья, Таиттирия, Айтарея, Каушитака (кейинги иккитаси Ригведага бориб тақалади);*
- *Упанишадларнинг энг муҳим қисми ҳаёт чархи тўғрисидаги таълимот (сансара) ва у билан мустаҳкам боғланган қилмишига яраша мукофотлаш қонуни бўлган - кармадир;*
- *Ҳаёт чархи тўғрисидаги таълимотга кўра, инсон ҳаёти узлуксиз қайта туғилиш занжирининг муайян шакли сифатида тушунилади;*

➤ *Европада Упанишадлар билан XIX асрнинг бошларида Анкетиль Дюперон таржималари орқали форсча қайта ишланганлиги туфайли танишганлар;*

➤ *Упанишадларнинг зоялари Европа фалсафасига, айниқса Шопенгауэр ва XX аср бошидаги рус файласуфлари қарашларига сезиларли таъсир кўрсатган.*

1-илова

Упанишадлардаги ҳаёт чархи ҳақидаги таълимот



Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар

1. Упанишад сўзининг маъноси нима?
2. Упанишадларнинг энг қадимгиси қачон вужудга келди?
3. Нима учун Упанишадларни фалсафий манба сифатида ўрганамиз?
4. Пуруша нима?
5. Упанишадлар фалсафасининг иккита асосий тушунчаси қайсилар?
6. Карма қонуни, деганда нимани тушунасиз?
7. Упанишадларнинг ҳаёт чархи ҳақидаги таълимотида қандай муносабат билдирасиз?
8. Упанишадлар фалсафаси кейинчалик қайси файласуфлар таълимотларига таъсир кўрсатган?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Упанишадларда фалсафий қарашлар» бўйича слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Упанишадлар ва Ғарб файласуфлари таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг, улардаги умумий ва фарқли жиҳатларини топиб шу асосда мустақил иш тайёрланг.
4. Қадимги ҳинд фалсафасини юнон фалсафий таълимотларига таъсир қилган жиҳатларини топишга ҳаракат қилиб кўринг ва шу мавзуда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан инсерт жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

«Инсерт» жадвали

1. «V»- мен билган маълумотларга мос;
2. «-» - мен билган маълумотларга зид;
3. «+» - мен учун янги маълумот;
4. «?» - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси. –Т.:ТошДШИ нашриёти, 2006.
2. Низомиддинов Н.Ф. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислом. –Т.:Зар қалам, 2006.
3. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1. – М., 1956.
4. Сыркин А.Я. О некоторых закономерностях в содержании ранних Упанишад.// Индия в древности. –М., 1964.
5. Сыркин А.Я. Система отождествлений в Чхандогья Упанишад. «Уч. зап. Тартуского гос. ун-та», 1965.
6. Философская энциклопедия. Т. 5. –М., 1970.

3-МАВЗУ

БУДДАВИЙЛИК ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда буддавийлик диний-фалсафий таълимоти ва ундаги диний-ахлоқий қарашлар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; уларда буддавийлик таълимотининг ҳинд маънавий маданиятига таъсирини англаш кўник-маларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: Будда, Буддҳа, Сиддхартха, Гуатама, буддавийлик, Шакья-муни, брахманлар, Урувилва ўрмони, тарки дунёчилик, дхарма, шоҳ Ашока, карма, нирвана, сансара, мадхьямика, йога, чирог, шўъла, оқим, Раджагреха, Вайшала, Паталипутра, Кашир, Моҳаяна, Хинаяна, Андхра, Кумарагупта I, Наланда, Вайбхашика, Саутрантика, Йогачара, Виджњянавад, Дигнага, Дхармакүрти, «Праманавартика», Ҳиндустон, Хитой, Тибет, Мўғулистон, Япония, Гупта, Пала, ҳиндувийлик.

Асосий саволлар

1. Будда таълимотининг шаклланиши ва унда инсонларнинг тенглигини эълон қилиниши.
2. Буддавийликнинг фалсафий мазмуни.
3. Буддавийликнинг билиш назарияси.
4. Буддавийликнинг йўналишлари.

Будда таълимотининг шаклланиши ва унда инсонларнинг тенглигини эълон қилиниши

Будда (тўғрироғи Буддҳа, санскрит тилида – ойдинлашган, нурланган маъносида) Гуатама уруғидан чиққан Сиддхартха исмли шахс бўлиб, буддавийлик анъанасига кўра, буддавийлик фалсафаси ва динининг асосчисидир. Сиддхартха Шакьямуни подшо Шуддходан хонадонида туғилган бўлиб, ёшлигида брахман ўқитувчиларининг насиҳатларини тинглаган. 29 ёшида саройни тарк этиб, Урувиява ўрмонида тарки дунёчилик ҳолатида мушоҳада орқали дунёнинг абадий равишда шаклланиб туришини тушуниб етган. Археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришича, милoddан аввалги учинчи асрда кишилар уни ердаги буддавийлик ди-

нининг асосчиси ҳисобланган ва ушбу дин ижтимоий ҳолатдан юз ўгиришни, зўрликка қарши чиқмасликни ва тақдирга таян беришни тарғиб этган. Ҳозирги замон фани Будда ҳаётини милоддан аввалги 563-483 йилларга тааллуқли эканини таъкидлайди.

Буддавийлик қадимги ҳинд жамиятида мавжуд бўлган табақаларга (каста) бўлиниш ва қоҳинларга қарши чиққан. Барча инсонларнинг тенглигининг эълон қилиниши буддавийликнинг кенг ёйилишига сабаб бўлган. Йирик давлатлар ташкил топиши шароитида брахманлик динининг қоҳинларига қарши қаратилган бўлганлигидан, буддавийлик катта давлатлар ҳукмдорларига фойдалироқ эди. Милоддан аввалги III асрда шох Ашока буддавийликни қабул қилиб, уни Ҳиндистондан четга чиқиб ёйилишига ҳисса қўшган эди. Будда дини ўз навбатида урф-одатлар, сиғиниш маросимлари ва ақидалар тизимини ишлаб чиққан. Қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган руҳларнинг кўчиб юриши ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, буддавийлик тирик мавжудотларнинг қайта туғилиш ақидасини олға сурган. Унинг таъкидлашича, тирик мавжудотнинг ўлими унинг заррачалардан ташкил топган танасининг сочилиб кетиши бўлиб, шундан кейин унинг янги унсурлари бўлган – дхармаларнинг янгидан ташкил топиши юз беради.

Дхармаларнинг янги комбинацияси илгариги кўчиб юриш доирасида вужудга келган барча хайрли ишлар ва гуноҳлар мажмуасига боғлиқ бўлган карма орқали тайин этилади. Буддавийликнинг эзгу орзуси – руҳнинг кўчиб юриш жараёнини тўла барҳам топиши ва шу йўл билан гўё ҳаёт моҳиятини ташкил этувчи азоб-уқубатдан қутулиш ҳолати – *нирванага* эришиш эди.

Буддавийликнинг фалсафий мазмуни

Буддавийликнинг фалсафий мазмуни икки жиҳатни ўз ичига олади: нарсалар табиати ҳақидаги таълимот ва билиш йўллари тўғрисидаги таълимот. Буддавийликнинг нарсалар табиати ҳақидаги таълимоти асосида дхармалар – «ўзининг белгиларига эга бўлган заррачалар» ёки «бўлакчалар», «унсурлар» тўғрисидаги тушунчалар ётади. Бу таълимотга кўра, дхарма-заррачалар дунёвий ашёларнинг ҳужайралари каби бутун моддий ва руҳий оламнинг жараёнларида улар таркибида ҳаракатда бўлиб, ҳар лаҳза шуълаланиб ва ўчиб туради. Унинг ҳар бир ўчиши янгидан шуъ-

лаланиш ва бошқатдан ўчишни англатади. Буддавийлик фалсафасида дунёни азалдан доимо ўзгаришда, қайтадан туғилишда кўриш ва оқиб турган дарё билан таққослаш ғояси ётади.

Буддавийликда дхарма – унсурлари учун бир неча таснифлаш ишлаб чиқилган. Илк буддавийлик намоён бўлган борлик – сансара ва намоён бўлмаган борлик – нирванага бўлинишни қайд этган эди. «Намоён бўлган борлик» чархида бўлиш азоб-уқубатлар тортиш билан ҳамроҳ бўлиб, ундан қутулиш – «ахлоқий амалнинг саккиз аъзоли йўли»ни тушунишга олиб боради. Буддавийлик моддий ва руҳий дунёлар ягоналигини таъкидлайди. Буни таъкидлаш мадхъяликлар фалсафий мактаби намояндалари томонидан тизимга солиб ишлаб чиқилган.

Буддавийликнинг билиш назарияси

Буддавийликнинг иккинчи жиҳати, яъни билишнинг йўллари ҳақидаги таълимот йогача усулда мушоҳада қилишнинг субъектив-ғоявий усули билан боғлиқдир. Буддавийлик руҳнинг мавжудлигини, яъни инсон ичидаги алоҳида руҳий моҳиятни инкор этади. Буддавийлик ақидасидагилар инсон шахсининг моддий ва руҳий хусусиятини ташкил этувчи беш гуруҳ унсурлардан ташқарида алоҳида мавжуд бўлган атманни инкор этадилар. Бу беш унсурлар қуйидагилар: 1)онг, 2)тасаввурлар, 3)ҳис-туйғу, 4)карма кучлари, 5)инсон ташқи сезгилари (2-илова). Ушбу тизимда қандайдир ўзгармайдиган, абадий ибтидога ўрин йўқ. Сабаб оқибатдан олдин келади. Инсон шахси, дунёдаги барча нарсалар каби ўн икки аъзоли «сабабий туғилиш» ифодасида мужассамлашган сабаб ва оқибат қонунига бўйсунди. Мавжуд инсоний ҳаёт – фақат илгариги мавжудликнинг хулосасидир, холос. Онг ердаги ҳаётнинг «шахсий оқими» орқали оқиб, ўртадаги ҳолатлар орқали ва ундан кейин келадиган янги қайта туғилиш босқичларини босиб ўтиб, ҳар лаҳзада ўз мазмунини ўзгартириб туради. Ушбу абадий ташкил топиш кўпинча қадимги ҳинд фалсафий адабиётидаги чироғ шуъласига ўхшатиладики, ундаги ёниш ва ўчиш жараёни тўхтовсиз давом этиб, доимийлик тасаввурини туғдиради.

Намоён бўлмаган борлик, яъни нирванага мансублик эса, чироғда шуъланинг ўчишига қиёсланадики, ундаги ёғ таъмини тамом бўлгани сабабли, у ўчади. Аммо ўчган шуъла, йўқолган ўт

эмас, балки бошқа ҳолатга ўтган шуъладир. Буддавийликда бўлиниб турувчи оқим ҳақидаги диалектик ғояга асос солинган.

Буддавийликнинг йўналишлари

Буддавийлик илк даврлардаёқ бир неча йўналишларга бўлиниб кетган эди. Ақидавий қарама-қаршилиқларни олдини олиш мақсадида умумий мажлис чақириш зарур бўлган. Буддавийлик анъанаси тўрт марта умумий мажлис чакирилганлигидан гувоҳлик беради: Раджачрихадаги мажлис (мил.ав. 477 йил), Вайшала мажлис (мил.ав. 367 йил), Паталапутра мажлиси (мил.ав. III аср) ва Кашмирдаги мажлис (мил.ав. II асрда).


Мамлакат шарқида «Қатга жамоа» тарафдорлари йиғилдиларки, улар мактабини Моҳаяна («Қатга арава» ёки нажотнинг «кенг йўли») деб атадилар. Қолган мактаблар Хинойна («Кичик арава») номини олган. Ашока (мил.ав. III аср) ва Кушонлар (II-III асрлар) даврида буддавийлик Ҳиндистон ҳудудларидан ташқарига чиққан. II ва III асрларда буддавийлик Андра империясида ҳукмрон мавқега эга бўлган. IV-V асрлар давомида буддавийлик фалсафаси ҳинд маданиятининг барча соҳаларига кириб борган. V асрнинг биринчи ярмида шоҳ Кумарагупта I Наландада буддавийлик университетини таъсис этган. Бу университет кейинчалик халқаро аҳамиятга эга бўлган.

I-V асрлар давомида тўртта асосий фалсафа йўналиши узил-кесил ташкил топган эди: Вайбхашика, Саутрантика, Мадхьямика, Йогачара. Кейинги вақтда ташкил топган виджнянавада-йогачарлар орасида Дигнава ва унинг издоши Дхармакирти томонидан ишлаб чиқилган буддавийлик мантиғи ва билиш назариясининг келиб чиқиши муҳим воқеа бўлди. Дхармакиртининг «Праманавартика» асари Ҳиндистон, Хитой, Тибет, Мўғулистон ва Япония фалсафий адабиётини бошлаб берган эди. Гупта даврининг охири ва айниқса Пала сулоласи даврида (VIII-IX асрлар) буддавийликнинг таъсири заифлашган эди. Наланда университетининг инкирозга юз тутиши бунинг натижаси эди. Буддавийлик ва брахманликнинг яқинлашиши янги дин бўлган ҳиндувийликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳиндистонда ўз ҳукмронлик мавқисини йўқотган буддавийлик Цейлон, Бирма, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларга кенг сийилди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Буддавийлик таълимотининг кенг ёйилишига сабаб бўлган асосий омиллар



2-илова

Буддавийликнинг билиш назариясидаги беш унсур



Мавзунни ўзлаштириш учун саволлар

1. «Будда» сўзининг маъноси нима?
2. Буддавийликнинг асосчиси ким бўлган?
3. Буддавийлик таълимоти нима учун халқ орасида кенг ёйилди?
4. Ушбу таълимотга кўра, энг олий мақсад нима?
5. «Танассух», деганда нимани тушунаси?
6. Буддавийликнинг фалсафий мазмуни нималардин иборат эди?
7. Буддавийликнинг билиш назарияси нималарга асосланган эди?
8. Буддавийлик қандай йўналишларга эга?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Буддавийлик диний-фалсафий таълимот сифатида» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Буддавийлик ва антик файласуфлар таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг, улардаги умумий ва фарқли жиҳатларини топиб шу асосда мустақил иш тайёрланг.
4. Мавзуга онд 10та савол, 15та тест ва кроссворд тузинг.
5. Буддавийликда билиш назарияси мавзусида кластер тузинг.

Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси. –Т.: ТошДШИ нашриёти. 2006.
2. Низомиддинов Н.Ф. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Исломи. –Т.: Зар қалам, 2006.
3. Ермакова Т.В., Островская Е.П. Классический буддизм. – С.Петербург: Петербургское востоковедение, 2009.
4. Розенберг О.О. Введение в изучение буддизма по японским и китайским источникам. Ч. 2. –Проблемы буддийской философии. –П., 1919.
5. Розенберг О.О. О мирозерцании современного буддизма на Дальнем Востоке. –П., 1919.
6. Щербатской Ф.И. Теория познания и логики по изучению позднейших буддистов. Ч. 1-2. –СПб, 1903-1909.
7. Щербатской Ф.И. Философское учение буддизма. –П., 1919.

4-МАВЗУ

ЖАЙНИЗМ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Ҳиндистондаги жайнизм таълимоти ғоялари ҳақида тушунча ҳосил қилиш; уларда мазкур диний-фалсафий таълимотдаги ижтимоий, ахлоқий қарашлар ва борлиқ тўғрисидаги қарашларни фалсафий мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Жайнизм, буддавийлик, Моҳавира Жина Вартхаман, шветамбарлар, дуализм (санавият), руҳий (жива), моддий (аджива), карма, ҳаёт чархи, таркидунёчилик, шахс борлиги, азалий ибтидо, мукаммал, номукаммал, нирвана, мокша, ички туйғу, ахимса.*

Асосий саволлар

1. Жайнизмда инсоннинг жамиятдаги ўрни.
2. Жайнизм таълимотида санавият (дуализм).
3. Жайнизмнинг ахлоқий тамойиллари.

Жайнизмда инсоннинг жамиятдаги ўрни

Милоддан аввалги I-минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда Ведалар мафқурасидан мустақил равишда бир неча таълимотлар пайдо бўлди. Уларда инсоннинг жамиятдаги ўрни масаласида янги-ча ёндошувлар баён қилинди. Пайдо бўлган бу янги мактаблар ичида жайнизм ва буддавийликкина умумҳинд аҳамиятига эга эди.

Жайнизм мил.ав.VI-V асрларда Ҳиндистонда тўла шаклланган эди. Асосчиси кейинчалик Моҳавира (буюк қаҳрамон) «жина» (ғолиб) деган лақаб олган сайёҳ ташвиқотчи Вартхаман исмли киши эди. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида пайдо бўлган бу диний-фалсафий таълимот кейинчалик бутун Ҳиндистонга тарқалган бўлса ҳам, аммо ҳеч қачон унинг чегарасидан ташқарига чиқмаган.

Жайнизм адабиётининг асосий қоидалари унинг бир йўналиши бўлган шветамбарлар (оқ кийим кийганлар) томонидан мил.ав.IV асрда ишлаб чиқилган. Аммо бу таълимот тўлалигича милодий X-XI асрларидагина шаклланган.

Жайнизм таълимотида санавият (дуализм)

Жайнистлар таълимоти дуализм (санавият)ни тарғиб қилган. Унга кўра, инсон шахсининг моҳияти икки хусусиятга – *моддий* (аджива) ва *руҳий* (жива)га эгадир. Улар ўртасидаги боғловчи карма – нозик моддадан иборат бўлган жисм бўлиб, руҳни қўпол модда билан қўшилишига имкон берган (1-илова). Тирик бўлмаган модданинг карма иплари орқали руҳ билан қўшилиши алоҳида шахснинг (индивид) келиб чиқишига сабаб бўлган. Карма эса, қайта туғилишнинг узлуксиз занжирида руҳни доимо кузатиб боради. Руҳнинг ҳаёт чархининг кармаси таъсиридан қутилишнинг иллати фақат таркидунёчилик ва ҳайрли фаолият орқалигина амалга ошириши мумкин. Жайнизм буддавийликка ўхшаб ўз таълимоти асосига шахс борлиги муамоларини қўйган эди. Бу таълимотга биноан яратилмаган ва бузилмайдиган икки азалий ибтидо (жавҳар)дан бу дунё яратилган. Улар жива (тирик, жонли, руҳий) ва аджива (жонсиз, модда)дан иборат. Аджива билан боғланганлик даражасига қараб, моҳиятлар ўртасидаги ўзаро жараён таъсирини белгиловчи жива (руҳ) борлигининг икки шаклида намоён бўладики, бири мукаммал, иккинчиси эса, номукаммал бўлади.

Номукаммал ҳолатдаги жива (руҳ) модда билан қўшилганлиги туфайли ўзининг имконий сифатини йўқотиб, азоб-уқубатларга дучор бўлиши мумкин. Мукаммал борлиқ ҳолатида эса, моддийликдан қутилиб, ўз борлигини бошқаришга қодир бўлиб ҳузур-ҳаловатли ҳолат бўлган нирвана ёки моқшага ўтиши мумкин. Живанинг икки борлиқ кўрилишига мувофиқ равишда жайнизм икки турдаги билимни, яъни номукаммал ва мукаммалликни тан олади. Номукаммал билим, бевосита ва билвосита ҳосил қилинган билимдир. Мукаммал билим эса, фақат моддийдик ришталаридан узилган, ички туйғу (интуитив) орқалигина ҳосил қилиниши мумкин.

Жайнизмнинг ахлоқий тамойиллари

1. Жонли нарсаларга озор етказмаслик (Ахимса).

Унинг асосида барча нарсалар жонли. деган таълимот ётади, чунки нафақат ҳайвонлар, балки ўсимликлар ҳам жонга эга, «ҳаётга зарар» бўлган «жонга ҳам зарар»лидир. Чунки у олий қудратдир.

Бундан жайнистлар шундай хулоса чиқарадилар. Ҳаётнинг ҳар қандай шакли, яъни жонли нарсаларнинг ҳар қандай шакллари билан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

2. Ёлгондан ўзини тийиши (Сатйа).

Доимо ҳақ гапни гапириш, галирганда ҳам яхши, ёқимли ва тўлик, ҳаётга ҳурмат юзасидан қараб гапириш ва гапиришнинг мақсади ҳақиқат бўлиши керак. Очкўзлик, қўрқув, ғазаб ва шунингдек кўполлик, ҳақорат, сурбетлик, аҳдга қарши бўлган нарсалардан қочиш лозим. Сатйа аҳимсадан мадад олади, чунки ёлгон ҳаётга зулм ўтказадиган сабабларнинг бир кўринишидир.

3. Ўғрилиқдан ўзини тия билишлик (Астея).

Астеянинг асосини жайнистлар аҳимсага тақайдилар. Фаровонлик ҳаётнинг ташқи пардаси ҳисобланади, уни бузишлик, ҳаётга зарар етказиши.

Кўриб турибмизки, биринчи учта аҳд бошқа кишиларнинг ҳаётга бўлган муносабатларига тааллуқлидир. Кишиларнинг бир-бирларига бўлган қарашларини ҳамда инсоннинг табиатга муносабатини белгилайди. Кейинги икки аҳд эркинликни қидиришга қаратилган.

4. Нафсни тийиши (Брахмачарья).

Бу аҳднинг амалга ошиши учун турмуш қуришдан, ҳар қандай ҳирсий лаззатланишдан, шунингдек, маънавий ожизликдан, масалан, ўлимдан кейин жаннатга тушиш умидидан, умуман фикрда ижобий ҳис-ҳаяжон туғдирадиган нарсалардан воз кечишлик.

5. Барча кўнгил истакларидан ўзини тия билиши (Апариграха)

Бу кишида лаззат уйғотадиган объектлардан ўзини тийишга даъват этади.

Жайнизмда маънавий идеал бу *дониманд авлиё* ҳисобланади. Бу идеалликни ҳар бир киши амалга ошириши мумкин. Инсон қайси варна(тоифа)га тааллуқли бўлишидан қатъи назар, унинг иродаси бутунлай индивиднинг ҳукмида бўлади, чунки бу шахснинг маънавий куч-қудрати орқали амалга ошади.

Шунинг учун материядан ҳалос бўлган *жива қаҳрамон* (вира) ҳисобланади. Унинг қалби чексиз билимга, ишончга, куч-қудратга ва ҳузур-халоватга эга бўлади.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Жайнизм таълимотида дуализм



2-илова

Жайнизмда ахлоқ тамойиллари



Мавзунни ўзлаштириш учун саволлар

1. Жайнизм таълимоти қачон тўла шаклланган эди?
2. Бу таълимотнинг асосчиси ким?
3. Жайнизмдаги дуализмни қандай тушунасиз?
4. Карма нима?
5. Жайнизмдаги ахлоқий тамойиллар қайсилар?
6. Сатйа тамойилига кўра, қайси иллатлар қораланади?
7. Жайнизмдаги ахлоқ тамойили Шарқ ахлоқшунослигида қандай ўрин тутасди?
8. Жива қачон «қахрамон» ҳисобланади?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Жайнизм диний-фалсафий таълимот сифатида» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Буддавийлик ва жайнизм таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг, улардаги умумий ва фаркли жиҳатларини топиб шу асосда мустақил иш тайёрланг.
4. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдириг (3-илова).

3-илова

ФСМУ учун топшириқ: Жайнизм таълимотининг ахлоқий тамойилларини таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Жайнизм, ахлоқ, Ахимса, Сатъя, Астея, Брахмачарья.

Савол	Жайнизм таълимотининг ахлоқий тамойиллари
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. Аҳмедова М. Йўлдошев С. Шоматов О. Ҳинд фалсафаси. – Т.:ТДШИ наириёти. 2009.
2. Низомиддинов Н.Ф. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Исломи. –Т.:Зар қалам, 2006.
3. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. – М.:Восточная литература РАН. –2002.
4. Барт А. Религии Индии. Пер. с франц. –М., 1897.
5. Вигасин А.А. История и культура Древней Индии. –М.Изд-во МГУ. 1990.
6. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М., 1968.
7. Ильин Г. Ф. Религии древней Индии. –М., 1959.
8. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1. – М., 1956.

5-МАВЗУ

МУМТОЗ ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАР. ЧАРВАКЛАР, ЙОГА, ВАЙШЕШИКА, НЬЯЯ, МИМАНСА, ВЕДАНТА, САНКХЬЯ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги ҳинд фалсафий тафаккури тарихидаги моддиюнчиликка асосланган фалсафий мактаблар тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, уларда ушбу мактаблардаги олам ва одам муаммоларига оид моддиюнча таълимотларни фалсафий мушоҳада қилиш ва объектив хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч гушунчалари: *Локаята, чарваклар, Йога, Вайшешика, Ньяя, Миманса, Веданта, Санкхья, Брихаспати, «Рамајана», атман, каста, қоҳин, медитация, Патанжала, таркидунёчилик, мукаммал, номукаммал, Вайшешика-сутра, Канада, «Надиртха-дхарма-санграха», жавҳар, сифат, ҳаракат, умумийлик, хусусийлик, Кошот, атомлар, адришта, дхарма (ахлоқий қоҳун), пракрити, позик жавҳар, моддий дунё, оқибат (каръя), ражас (интилиш), тамас (қоронғилик), саттва (аниқлик), нуруши (мутлақ руҳ), 25 асос, руҳий моҳиятлар.*

Асосий саволлар

1. Қадимги Ҳиндистон фалсафасидаги моддиюнчилик тамойиллари.
2. Ҳиндувийлик фалсафий асосининг олти тизими.
3. Практикнинг дунёвий моҳиятларга айланиши.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасидаги моддиюнчилик тамойиллари

Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг тараққиёти жараёнида моддиюнчилик тамойилларига асос бўлган фалсафий мактаблар ҳам вужудга келган эди. Ана шундай таълимотлардан бири локаята («бу дунёга йўналиш») бўлиб, унинг асосида чарваклар таълимоти ётади. Анъанага кўра, чарваклар таълимотининг асосчиси қадимги ҳинд донишманди Брихаспати ҳисобланади. «Рамајана» ва илк буддавийлик рисолаларида «локаята» илоҳий баҳс юритиш санъати маъносида қўлланилган. V асрдан бошлаб, буд-

давийлик ва жайнизмга тааллуқли асарларда уларнинг муаллифлари «локаята» истилоҳини худонинг мавжудлиги, руҳни (атман) борлиги ва руҳни кўчиб юриши ақидасини инкор этувчи моддйонча таълимотни ифодалаш учун ишлатганлар.

Локаятлар ёки чарваклар эътиқодига кўра, инсон тўрт моддий унсурдан – тупрок, сув, олов, ҳаводан ташкил топган (1-илова). Уларнинг бир-бирлари билан қўшилиши натижасида инсон танаси, ҳис-туйғу аъзолари ва улар асосида руҳий ибтидо ташкил топганлиги қайд этилади. Инсонда унинг ўлимидан кейин ҳеч нарса қолмайдиган бўлганлигидан, локаятлар воқе ҳаётдан фойдаланиб қолиш зарурияти ҳақида фикр юритганлар. Улар моддий ҳаёт қандай неъматлар келтирса, ҳаммасини қабул қилишни, ҳаётдаги ёқимли ва мақбул нарсалар залолат ва азоб-уқубатларни мувозанатга келтира олишини ёдда тутишни маслаҳат берганлар.

Чарваклар мангикий усуллар ёрдамида анъанавий ақидаларни шубҳа остига олганлар. Улар табақаларга мутлақ бўлинганлик (каста) тизимини, қоҳинларнинг диний расм-русумларини ва муқаддас китобларнинг мўътабарлиги ҳақидаги ақидаларни танқид остига олганлар. Улар дунёвий фанлар билан шуғулланишни, ҳар бир ашёнинг нимадан иборат эканлигини аниқлашни тавсия этганлар. Шунинг учун ҳам, табиатшунослик фанларини ривожлантиришда чарвакларнинг хизмати катта бўлган.

Ҳиндувийлик фалсафий асосининг олти тизими

Эрамининг бошида Ҳиндистоннинг маънавий ҳаётида ҳиндувийлик таълимоти ҳал қилувчи мавқега эга бўлган. Ҳиндувийликнинг энг машҳур асари «Бхагаватгита» («Илоҳий кўшиқ») бўлиб, ахлоқий масалаларга бағишланган. Ҳиндувийликнинг фалсафий асоси олти тизимда ўз ифодасини топган (2-илова). Йога – руҳий тушунчаларни текширишга ва амалда руҳий таълимотга катта эътибор берган.

Йога амалиётида саккиз босқич мавжуд: яма (чек қўйиш), нияма (ахлоқий маданият), асана (ҳолат), пранаяма (нафасни назорат қилиш), пратьяҳара (ҳис-туйғуни узоклаштириш), дхарана (диққат-эътибор), дхьяна (мушоҳада қилиш) ва самадхи (чуқур мулоҳазага берилиш).

Чек қўйиш бирор-бир кишининг ҳаётига зиён етказишдан, ёлгон гапиришдан, ўтриликдан, зино ва ҳасисликдан ўзини тийишда ифодаланади. Ахлоқий маданият поклик, қониқчилик, тарки дунёчилик, Ведаларни ўрганиш ва худо ҳақида ўйлаш каби яхши одатлар руҳидаги тарбияларни ўз ичига олади. Асана – барқарор ва қулай ҳолатни ишлаб чиқишдир. Нафасни назорат қилиш ҳаво ютиш ва чиқариш жараёнини бошқаришдан иборатдир. Ҳис-туйғуни назорат қилиш ҳиссиётни унинг объектдан узоклаштиришда ифодаланади. Дикқат-эътибор тушунчаси асосий эътиборни тирик объектларнинг ички ёки жонсиз нарсалардан ташқаридаги объектларга қаратиш билан белгиланади, масалан, дикқатни бурун учига ёки ойга қаратиш каби; мушоҳада эса, объект ҳақида узлуксиз ва собит-қадамлик билан фикрлашдир. Чуқур мулоҳазага берилиш шундай ҳолатки, унда мушоҳада қилаётган онг мушоҳада юритилаётган объектда йўқолиб, ўз-ўзини идрок қила олмай қолади.

Вайшешика фалсафасининг биринчи тизимга солинган асар Вайшешика-сутрадир. Унинг муаллифи донишманд Канададир. Китобнинг барча сутралари (боғловчи ни) милодий I-асрда ёзилган. Вайшешикага шарҳ сифатида ёзилган иккинчи асар Прашасталаланинг «Падартха-дхарма-санграха» номли китобидир

Ҳинд фалсафасининг барча тизимларидан кўра, қадимги ҳиндистонликларнинг табиий-илмий тасаввурларига энг кўп жиҳатдан алоқаси яқини Вайшешикадир. Вайшешика-сутра китоб муаллифи, деб ҳисобланадиган Канаданинг ҳикматли сўзларидан иборатдир. Баъзи олимларнинг фикрича, Вайшешика-сутрани бир киши эмас, балки бир авлод мутафаккирлари ёзган бўлиб, китоб ҳолига эрамининг I асрида келтирилган. Асар 10 китобдан иборат. Биринчи китобда Коинотни камраб олувчи 5 тушуинча – жавҳар, сифат, ҳаракат, умумийлик ва хусусийлик қараб чиқилган. Иккинчи ва учинчи китобларда жавҳарлар таърифи берилган (тупроқ, сув, нур, ҳаво, замон, макон, руҳ, ақл). Тўртинчи китобда Коинотнинг атомлардан таркиб топганлиги тасвирланган. Бешинчи китобда механик жараён сифатида тушунилган ҳаракат таҳлил қилинган (тепага отиш, пастга тушиш, қисқариш, кенгайиш ва бир жойдан иккинчи жойга ўтиш) ва атомларга биринчи туртки берган, кўринмас куч – адринта тасвирланган. Олтинчи китобда ахлоқ муаммолари таҳлил қилиниб, умумий ахлоқий қонун – «дхарма» ўрганилган. Еттинчи китоб шахсий «мен» ва

Ўзига хослик, деб аталган тушунчага бағишланган. Кейинги тўрт китобда – билиш назарияси масалалари (қабул қилиш, хулоса, сабабият ва бошқалар) баён этилган.

Вайшешика таълимотига кўра, дунёда доимий ўзгариш, даврий ва доимий жараёнда пайдо бўлиш ва таназзул юз бериб туради. Аммо бу жараёнда муқим унсур бўлган атом мавжуд. Атомларнинг вақтинча қўшилишидан, бизнинг ҳис-туйғуларимизга етиб келадиган жонли ва жонсиз ашёлар пайдо бўлади. Қайта туғилиш бундай шароитда доимий равишда қўшилиб ва ажралиб турадиган атомлар фаолиятининг маҳсулидир.

*Ньяя*да асосий эътибор мантиқ ва билиш назариясига қаратилганки, унинг муаммоларини ишлаб чиқиш жуда кўп жиҳатлардан ҳинд мантигининг чўққиси ҳисобланади. Рус ҳиндшуноси Ф.И.Щербатский (1866-1942) фикрича, *Ньяя* мантиғи Ҳиндистоннинг қадимги даврларидаги амалиётида кенг қўлланилган жамоа иштирокидаги очик баҳсларда қўлланилган усулларни умумлаштириш жараёнида пайдо бўлган.

Ньяя билиш назариясининг асосий келиб чиқиш қоидаси шундаки, билим объектив воқеликдангина келиб чиқиши мумкин. Объектив воқелик билувчига боғлиқ эмас. *Ньяя* билимнинг тўрт манбаи ёки ишончли билимнинг (прамана) воситасини фарқ қилади: 1) ҳис-туйғу, қабул қилиш (праъякша) ёки объект ҳақида бевосита билиш; 2) мантиқий хулоса (анумана) – объектни ундаги ўзгармас белгиларини (вьяпти) қисмларга бўлиш орқали билиш; 3) солиштириш ёки қиёслаш (упамана) – янги объектни уни бошланғич тасвири ва билиб олинган объект билан ўхшашлиги асосида таниш, ва ниҳоят, 4) обрўли шахснинг гапи гувоҳлиги (шабда) орқали, яъни ишончли шахснинг хабарига асосланган билим (3-июва).

*Ньяя*да асосий ўринни мантиқий хулоса таҳлили ташкил қилади. *Ньяя* хулосани уч турга бўлади: 1) сабабдан оқибатга (пурвават), масалан, осмонда тўпланаётган булутлар орқали ёмғир ёғишини билиш; 2) оқибатдан сабабга (шешават), масалан, дарёда кўтарилган сувнинг сатҳидан ёмғир ёғиб ўтганлигини билиш; 3) бевосита қабул қилинмайдиган ва биринчиси билан ошқора сабаб-оқибат муносабати билан боғланмаган бир ҳодисанинг иккинчиси билан ўзгармас равишда ҳамроҳлик алоқаси (саманьятодришта), масалан, самовий сайёраларнинг уларнинг жойи ўзгариши бўйича ҳаракати.

Ньяя фалсафасида ҳис-туйғу уйғотадиган ишончли билим воситасида хулосалар қилинади. Бунда қиёс орқали ҳам натижага эришилади.

Миманса (санскритча – ичига кириш, таҳлил қилиш, фикр қилиш, баҳс юритиш)га хос нарса унинг ведантанинг объектив идеализми, йогачар ва мадьямикларнинг ҳамма нарсани инкор этувчилик тамойилларига қарши қаратилган муқобил йўналишда бўлганлигидир. Бу нарса уни Ньяя ва Вайшешика мактаблари билан яқинлаштиради. Миманса ташқи дунёнинг воқеялигини ҳимоя қилиб, уни худо ёки руҳ томонидан яратилганлиги ва бошқарилишини инкор этади. Миманса дунёни бизнинг тасаввурларимизнинг мажмуаси ёки оқими, деб ҳисобловчи буддавийликнинг баъзи мактаблари таълимотига қарши чиққан. Миманса таълимотига кўра, умуман дунё абадий ва ўзгармас бўлиб, ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Аммо ундаги айрим ашёлар ўзгаришларга дучор бўладилар, пайдо бўладилар ва завоқ топадилар. Бирок, барча ўзгаришларга қарамай уларнинг мутлақ йўқ бўлиши ва янгидан пайдо бўлиши кузатилмайдди. Дунёнинг барча хилма-хиллигини Миманса бир неча тушунчаларда ифодалайдики, улардан энг муҳими бўлган жавҳар – барча сифатларнинг асоси сифатида унинг барча кўринишларида иштирок этади. Миманса жавҳарни тўққиз турга бўлади: беш ашёвий унсурлар (тупроқ, сув, ҳаво, олов, эфир), руҳ (атман), ақл, замон ва макон. Ақлни истисно этганда, ушбу жавҳар бевосита ҳис-туйғу орқали қабул қилинади. Миманса таълимотига мувофиқ, ашёвий унсурлар атомли таркибга эгадирлар; эфир – нозик, доимий ва барча нарсаларга қира оладиган жавҳардир. Дунёнинг барча ашёвий объектлари атомлардан ташкил топгандир.

Миманса таълимотига кўра, билиш назарияси ёрдамида нафақат ашёларни тўғри тушунишга эришиш, балки асосий метафизик тушунчаларни ҳам идрок этиш мумкин. Бунга, жумладан, ҳис-туйғу, мантиқий хулосалар ёки солиштириш ва бошқалар орқали эришиш мумкин.

Веданта (санскритча – хотима, Ведаларнинг тугаши) ёки утара-миманса (санскритча – олий тадқиқот) – ҳинд фалсафасининг объектив-идеалистик тизимидир. Ҳинд фалсафаси тарихида Веданта моддиюнчилик ва худосизликка қарши туриб, динни асос-

лаш учун кенг қўлланилган. Шаклланаётган илк феодал муносабатлар шароитида Веданта идеализми, айниқса Шанкара таълимотидаги унинг талқини, табақаларга бўлиниш, яъни касталар ўрта-сидаги фарқларни мафкуравий асослашга ва ҳиндувийлик динини шаклланишига хизмат қилган. Веданта ўз ибтидосини Упанишадлар таълимотидан олган. Веданта тарихидаги муҳим босқич Рама-нуджи ва унинг издошларининг (XVIII асргача) ижодидир. Шанкара таълимотининг асосий ғоясига кўра, борлиқнинг ягона охириги асоси шахсга эга бўлмаган, мутлақ руҳ-брахмандир. Инсон руҳи (атман) брахман билан айниятда бўлиб, унинг тажрибавий намоён бўли-шидир. Брахман борлиқ (сат), онг (чит) ва ҳеч нарса билан бузилмайдиган хотиржамлик, роҳат-фароғат (ананда)нинг ягоналиги билан ифодаланади ва шунинг учун *сатчидананда*, деб аталади. Веданта ҳамма нарса ягона воқелик сифатидаги моддий кучларнинг ўзаро ҳаракатининг маҳсули, деб қабул қилган дунё тўғрисидаги қоидалар инкор этади. У Брахманни дунёнинг мутлақ руҳий моҳияти сифатида тушуниб, тан олади.

Санкхья (санскритча – сон, ҳисоб, борлиқ асосларини ҳисоблаб чиқиш асосида фикр юритиш, ҳақиқий маъно) – ҳинд фалсафасининг илк мактабларидан бири бўлиб, энг яхши ишлаб чиқилган ва таъсири кучли бўлган таълимотдир. Асосчиси донишманд Капила ҳисобланади. Санкхьянинг айрим таълимотлари ҳақида гувоҳлик берувчи маълумотлар Упанишадлар ва илк буддавийлик манбаларида учрайди. Санкхьянинг тўла таълимоти Махабхарата достонларида келтирилган. Бу ерда у йога билан қўшилиб кетган. Санкхья ғоялари қадимги ҳиндларнинг медицинага оид рисолаларида, диний-ҳуқуқий қонунларида (айниқса «Ману Қонунлари»да) ва бошқа асарларида кенг фойдаланилган.

Пракритининг дунёвий моҳиятларга айланиши


Санкхья таълимотига кўра, дунёнинг биринчи сабаби – пракритидир. У моддий бўлиб, борлиқнинг жавҳарий асосидир. Практик ҳис-туйғу билан қабул қилиб бўлмайдиган нозик жавҳар бўлиб, унинг табиати, у келтириб чиқарган моддий дунё ашёларида, унинг оқибати сифатида намоён бўлади. Оқибат ўз сабабида олдиндан мавжуд бўлса, сабаб ўз оқибатида сақланади, сабаб (сат) ва оқибат (каръя) моҳиятан айниятда бўлади. Пракритининг

хис-туйғу билан қабул қилиб олинадиган дунёвий моҳиятларга айланиши, уч сифатли унсур бўлган ражас (интилиш), тамас (қоронғилик) ва саттва (аниқлик) таъсирида келиб чиқиши мумкинлиги таъкидланади. Ҳар бир ашёда унинг хусусиятига мувофиқ бу уч унсурдан бири кўпроқ бўлади. Санкхья пракрити билан бир қаторда, дунёнинг моддий асосидан мустақил бўлган *пуруши* (мутлақ рух)нинг мавжудлиги ҳам тан олинади. Гарчи пуруши, унинг туфайли мавжуд бўлган барча ашё ва моҳиятлар таркибида иштирок этса ҳам, уни кўриб ёки тутиб бўлмайди. Практики билан пурушининг қўшилиш вақтида 25 асос пайдо бўлади. Улар орасида моддий (сув, туپроқ ва шунга ўхшаш) ашёлар билан бир қаторда руҳий моҳиятлар (ўз-ўзини англаш, ақл) ҳам вужудга келади.


МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Чарвақлар таълимотидаги тўрт асосий унсур



Ҳиндувийлик фалсафий тизимининг гоявий асослари



Ньяяда билимнинг тўрт манбаи




Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Ҳинд моддийонча таълимотларининг асоси нима?
2. Локаята таълимотиغا кўра, инсон нималардан ташкил топган?
3. Вайиешика фалсафасида борлиқ муаммоси қандай ҳал қилинган?
4. Ньяяда билимнинг тўрт манбаси нималар?
5. Миманса сўзининг маъноси нима?
6. Ведантага қайси таълимот асос бўлиб хизмат қилган?
7. Пракроти нима?
8. Мумтоз фалсафий мактаблар ҳинд маънавий ҳаёти тараққиётида қандай аҳамиятга эга?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ҳиндувийлик фалсафий асосининг олти тизими» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Антик давр юнон файласуфларининг борлиқ ҳақидаги қарашларини ҳинд мумтоз фалсафий мактабларидаги ғоялар билан қиёсий таҳлил қилинг, улардаги умумий ва фарқли жиҳатларини топиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
4. Ўзингиз билган ва ўқиган ғарб файласуфларининг ахлоқий қарашларини ҳинд ахлоқшунослиги билан қиёслаб, шу асосда слайд тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан «Поғона» тузилмавий-мантқикий чизмасини ишлаб чиқинг. (4-илова)

4-илова



Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси. –Т.:ТошДШИ нашриёти. 2006.
2. Низомиддинов Н.Ғ. Жаҳуби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислоҳ. –Т.:Зар қалам, 2006.
3. Аникеев Н.П. О материалистических традициях в индийской философии. –М., 1965.
4. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.–М.: Восточная литература РАН. –2002.
5. Гостеева Е. И. Философия Вайиешика. –Т., 1963.
6. Дейссон П. Веданта и Платон в свете кантовой философии. Пер. с нем. –М., 1911.
7. Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. –М., 1974.
8. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М., 1968.
9. История Древнего мира. Древний Восток. –Минск, –М., 2000.
10. История философии в кратком изложении. –М.:Мысль, 1991.
11. Лунный свет Санхья и истина. Пер. с санскр. Р. Гарбе, рус. пер. и предисл. Н. И. Герасимова. –М., 1900.
12. Махабхарата. Вып. 2-7 (пер. с санскр., введение, послесловие, примечание Т.Л. Смирнова). –Ашхабад, 1956-1963.
13. Махабхарата. Рамайна. –М., 1974.
14. Мюллер М. Шесть систем индийской философии. Пер. с англ. –М., 1901.
15. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1-2. –М., 1956-1957.
16. Радхакришнан С. История философии Индии. –М., 1972.
17. Чаттерджи С.И Датта Д. Введение в индийскую философию. Пер. с англ. –М., 1955.
18. Чаттерджи С. И Датта Д. Древняя индийская философия. Пер. с англ. –М., 1954.
19. Чаттопадхья Д. Локаята даршана. История индийского материализма. Пер. с англ. –М., 1961.
20. Шанкара Ачария. Таттва-Бодха, или Познание бытия. Пер. с нем., -Харьков, 1912.
21. Шри Шримад А.Ч. Бхактиведанта Свами. Прабхупада. Бхагавад-гита как она есть. Полное издание с подлинными санскритскими текстами, русской транслитерацией, дословным и литературным переводами и подробными комментариями. Бхактиведанта Бук Трист. –Москва-Ленинград-Калькутта-Бомбей-Нью Дели, 1992.

II БЎЛИМ ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФАСИ

I-МАВЗУ

ҲИНДИСТОНДА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФАСИ. ҲИНДУИЗМ АСОСЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларга илк ўрта асрларда Ҳиндистонда фалсафий фикр тараққиёти тўғрисида, улар онгида брахманизм ва буддавийлик динлари ўрнига ҳиндуизмнинг вужудга келиши ҳамда унинг асослари ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Уларда ўрта асрлар ҳинд фалсафасининг ўзига хос хусусиятларини фалсафий англаш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Брахманизм, буддавийлик, Ватсьяяна, Пурандара, Параишастапада, Удаяна, Вайбхашика, Саутрантика, Шуньявада, Йогачариялар, ҳиндуизм, вишнуизм ва шиваизм, Вишну, Шива, аватара (тажасум).*

Асосий саволлар

1. Илк ўрта асрларда Ҳиндистондаги фалсафий фикр тараққиёти.
2. Ҳиндуизм асослари.
3. Вишнуизм ва шиваизм йўналишлари.

Илк ўрта асрларда Ҳиндистондаги фалсафий фикр тараққиёти

Илк ўрта асрлардан бошлаб, Ҳиндистонда брахманизм ва буддавийлик динларининг ўрнига *ҳиндуизм* дини жамиятнинг етакчи мафкураси сифатида мустаҳкам ўрин ола бошлади. Ҳиндуизмга қадимги ҳинд фалсафий мактаблари ўз таъсирини кўрсата бошлади. IV–X асрлар Ҳиндистон фалсафаси қадимги ҳинд фалсафий мактаблари таълимотларига (сутраларга) шарҳлар ёзиш билан чегараланган эди. Адабиётларда бу даврни *шарҳлаш даври*, деб аталган эди.

Милодий V асрда файласуф олим *Ватсьяяна* Ньяя ва Вайшешика фалсафий мактабларининг таълимотларини шарҳлаган

бўлса, VI асрда файласуф *Пурандара* Чарвака–Локаята фалсафий мактабининг таълимотларини шарҳлаган эди. Мазкур фалсафий таълимот VI асрда *Парашастапада* томонидан, X асрда эса, файласуф олим *Удаяна* томонидан шарҳланган эди. Санхйя фалсафий мактаби таълимоти *Ишвара Кришна* томонидан шарҳланган. Фалсафий мактабларнинг таълимотлари ўша даврнинг мафкуравий руҳига мос ҳолда шарҳланган ҳамда идеалистик томонлари кўпроқ бўрттириб кўрсатилган.

Шу даврда буддавийлик таълимотининг турли оқимлари юзага кела бошлади. Жумладан, *Вайбхашика*, *Саутрантикаларда* материалистик ғоялар ётган бўлса, *Шуньявада*, *Йогачарияларнинг* таълимотларида асосан идеалистик ғоялар ётган. Мазкур фалсафий оқимларнинг вакиллари *Нагаржуна* ва *Шантидевалар* инсон билимининг нисбийлиги ва ўзгарувчанлигидан моддий олам, шунингдек, онгнинг ҳам реал эмаслигини исботлашга ҳаракат қилиб, борлик фақат бўшлиқ (*шунья*)дан иборат деганлар. Бу даврга келиб, Ҳиндистонда Буддавийликнинг мавқейи пасайиб кетган бўлса, Хитой, Бирма, Япония, Тибет, Марказий Осиёда кенг тарқалган эди.

Ҳиндуизм асослари

Қадимий ва ўрта асрларда ҳиндуизм Ҳиндистонда ҳукмрон диний тизим бўлган. У асосан икки йўналишда: *вишнуизм* ва *шиваизм* йўналишларида шаклланиб, бу давр диний-фалсафий қарашлари ҳам асосан мана шу икки йўналиш қарашларига асослангандир (1-илова). Бу қарашлар вишнуизм ва шиваизм мактаблари асосчилари бўлмиш диний-файласуфлар томонидан яратилган ва мана шу мактаблар фаолияти орқали халқ орасида тарғибот қилинган. Ушбу мактаблар фаолиятини ҳатто бугунги Ҳиндистонда ҳам кузатиш мумкин. Бу маънавий-маданий меросни тўғри талқин этиш масаласи нафақат назарий жиҳатдан, балки бошқа муаммоларни ҳал этишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Ҳиндуизмни ўрганишнинг дастлабки манбаларидан бири *Пуранлар* бўлиб, улар турли расм-русумлар ва мифологик сюжетлар киритилган асардир. Пуранларнинг шаклланиш даври милодий III–IV асрларида бошланиб бутун ўрта аср давомида янада такомиллашиб борган. Пуранларда ҳиндуизм шаклланишининг турли босқичларини ажратиш мумкин. Пуранларнинг энг

кадимий тўпламларида ўша давр турли диний йўналишларининг қарашларини ҳамда кейинги давр Пуранларида эса, алоҳида олинган секталарнинг қарашлари ифода этилганини кузатиш мумкин. Жумладан, уларда шиваизм, вишнуизм, шактизм ва бошқа бир қанча майда диний йўналишлар ва уларнинг секталари қарашларини қиссий ўрганилганини кузатиш мумкин. Бугунги ҳиндуизмнинг асосий ҳолатлари ўша қадимий ва ўрта аср даври шиваизми ва вишнуизми билан бир қаторда фаолият кўрсатиб келган бир қанча майда секталар қарашлари, уларнинг ўзаро тўқнашуви ва кураши жараёнида шаклланиб, пишиб етган. Шу сабаб ҳиндуизмни ўрганишда унинг шаклланиш жараёни бўлган қадимий давр қарашларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу диний йўналишлар ҳар бир тарихий давр талабига кўра ўзгариб, сайқалланиб ҳамда ривожланиб борган.

Упанишадлар ҳиндуизм ғоялари битилган дастлабки ёдгорликлардан ҳисобланади. Упанишадларда асосан Ведаларга фалсафий талқин берилган бўлса-да, ҳиндуизмга оид қарашлар ҳам мавжуддир. Чунки ҳиндуизмнинг кўп ғоялари дастлаб Ведалар таркибида шаклланган.

Ҳиндуизмнинг икки бош йўналиши *вишнуизм* ва *шиваизм* Ведалардан анча кейин шаклланган. Лекин улардаги айрим ғояларни Веда самхитлари тўплами таркибида учратиш мумкин.

Вишнуизм ва шиваизм йўналишлари

Ҳиндуизмни дин сифатида ўрганиш вишнуизм шаклланишини ўрганиш билан бошланади. Вишнуизм шиваизмдан олдинроқ шаклланган бўлиб, ҳинд халқи орасида унинг тарафдорлари жуда ҳам кўпдир. Вишнуизм Вишну маъбуди номидан олинган. Вишну маъбуди ҳинд диний-фалсафий қарашларидаги борлиқ мавжудлигининг уч асосий хусусиятидан келиб чиқувчи уч маъбудлардан бирининг номидир. Ҳиндуизм фалсафасига кўра, борлиқ, дунё ва умуман ҳар бир нарса аввал яратилади, маълум вақт яшайди, яъни сақланади, кейин эса, яқсон бўлади. Мана шу жараён ҳинд диний-фалсафий қарашларида уч маъбуд: *Брахма* – яратувчи, *Вишну* – сақловчи ҳамда *Шива* – яқсон этувчи маъбудлар номи билан ифодаланган.

Шиваизм тарихида турли тахминлар мавжуддир. Айрим олимлар *Шивани Рудра* билан тенглаштириб, унга «Ригведа» давридаёқ сиғинилар эди, деб ҳисоблайдилар. Лекин бу икки маъбуднинг алоқаси ҳақидаги маълумотлар ҳанузгача ноаниқлигича қолган.

Шиваизм *икки йўналишда* шаклланган, деб тахмин қилинади, яъни *ҳинд-орийлар* ва *аборигенлар* шиваизми. Рудра ва Шива марказий маъбудлар бўлиб, Рудранинг номи «Ригведа»даёқ учрайди, иккинчисининг номи эса, аборигенлар билан боглик. *Шива* сўзи ведалар тўпламида «*ёқимли, яхшилик қилувчи*» маъносида ишлатилиб, фақат бир мартагина исм сифатида ишлатилган.

Шиваитлар таълимотига кўра, Брахма (яъни яратувчи) йўқ. *Борлиқ* бу Шивадир. Ригведанинг ҳеч қайси бир қўшиғида Шива яратувчи сифатида тилга олинмайди, балки у «*мангал*», яъни «*равнақ*» сифатида тушунтирилади. Ригведадаги Рудра маъбудди, яъни Шива иккинчи даражали маъбудлар сирасига киради. Атхарведада Рудра (яъни Шива) *Пашупати*, яъни *ҳайвонлар маъбудди* номи сифатида талқин этилади. Эпослар давридаги Курукшетр майдонидаги жанглардан кейинги даврда Пашупати (ёки Рудра) Шива билан бир бўлиб қўшилиб кетади. Бу даврда Шива орий бўлмаган қабилаларнинг маъбудди саналган. Ҳиндуизм динида унга яқсон этувчи маъбуд сифатида ибодат қилиб келадилар.

Шиваитлар фикрича, кўзанинг пайдо бўлиш сабабчиси кулол бўлганидек, дунёнинг пайдо бўлиш сабабчиси ҳам Шивадир.

Шиваизмнинг кенг тарқалганлиги ва унинг ўз секталари мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Уларда маъбуд белгисини билдирувчи темир тамға тақиб юришлари ҳақида ёзилган. Темир тамға Шива ҳукмронлиги ва кучқудратининг тимсоли ҳисобланган. Шиваизмдаги бу анъана кейинчалик ҳам сақланиб қолган. Ўрта асрларда бу белги уч қиррали асбоб билан алмашиниб, бу Шиванинг севимли қуролига айланиб кетган. Шиваитларнинг дарвешлари ҳам бугунги кунда мана шу уч қиррали темир нишонни шиваизм белгиси сифатида ёнларида олиб юрадилар.

Ҳиндуизм асослари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Ҳиндуизм қайси диний-фалсафий таълимотлар заминидан пайдо бўлди?
2. Ҳиндуизм қандай йўналишларга эга эди?
3. Ҳиндуизм гоялари битилган дастлабки ёдгорликларни билансизми?

4. *Ҳиндуизм фалсафасига кўра, борлиқ қандай ривожланади?*
5. *Вишнуизм ва шиваизмнинг асосий фарқлари нимада эди?*
6. *Шиваизмга кўра, оламнинг пайдо бўлиш сабабчиси ким?*
7. *Ҳиндуизм таълимотининг Ҳиндистон маънавий ҳаётида тутган ўрни қандай бўлди?*
8. *Ушбу таълимотдаги зояларга яқин қарашларни яна қайси файласуф дунёқарашида ёки қайси фалсафий таълимотларда кўриш мумкин?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ҳиндуизм таълимоти: вишнуизм ва шиваизм» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Интернетдан мавзуга оид янги маълумотлар қидиринг, уларни ўрганиб, мавжуд маълумотлар билан қиёсланг.
4. Мавзуга оид 10 та савол, 15 та тест ва 10-12 сўзли кроссворд тузинг.
5. Инсерт усулидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлди-ринг (2-илова).

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
 «V» - биламан
 «Қ» - мен учун янги маълумот
 «→» - мен билган маълумотни инкор қилади
 «?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

2-илова

Мавзу саволлари	V	-	Қ	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси. // Шарқ фалсафаси – Т.: ТДШИ, 2006.
2. Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. –М., 1974.
3. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М., 1968.
4. Индуизм от А до Я./ Сост. Косарев В.А. –М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.
5. История философии в кратком изложении. –М.: «Мысль», 1991.
6. Махабхарата. Вып. 2-7 (пер. с санскр., введение, послесловие, примечание Т. Л. Смирнова). –Ашхабад, 1956-1963.
7. Махабхарата. Рамайна. –М., 1974.
8. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1-2. –М., 1956-1957.
9. Радхакришнан С. История философии Индии. –М., 1972.
10. Философская энциклопедия. Т. 3. –М., 1964.
11. Чаттерджи С. И Датта Д. Введение в индийскую философию. Пер. с англ. –М., 1955.

2-МАВЗУ

ВЕДАНТА ФАЛСАФИЙ МАКТАБИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда Ҳиндстонда кенг тарқалган Веданта фалсафий мактаби тўғрисида, унинг асосий манбаси бўлган «Веданта-сутра»га шарҳлар ёзилиши натижасида вужудга келган Шанкара ва Раманужа таълимотлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда мазкур фалсафий таълимотларни киёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Веданта, ведалар охири, «Ведантасутра», Басдараяна, Гауданада, Атма, Шанкара, «Адвайта Веданта», монистик веданта, Брахма худосининг сояси, авидья, видья, правидья, Раманужа, мутлақ ҳақиқат.*

Асосий саволлар

1. Веданта фалсафий мактаби ва унинг моҳияти.
2. Шанкара таълимоти.
3. Раманужа қарашлари.

Веданта фалсафий мактаби ва унинг моҳияти

Веданта қадимги ҳинд фалсафий мактабларидан биридир. *Веданта* сўзи *ведалар охири* деган маънони англатади. Мазкур таълимотнинг асосчиси ўзидан сўнг «*Веданта сутра*» номли асар қолдирган. Бу асар муаллифи донишманд *Басдараяна* ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, мил. ав. VI аср бошларида яшаб ижод этган.

«Веданта сутра» тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Брахма назарияси, унинг табиати, оламга ҳамда яқка жонга бўлган муносабати баён қилинган. Иккинчи қисмида эса, веданта таълимотининг муҳолифлари: чарвака-локаята, буддавийлик ва жайнизмнинг назарий асослари танқид қилинади. Асарнинг учинчи қисмида Брахманни билишга эришишнинг йўллари ва усуллари ҳақида, тўртинчи қисмида эса, Брахманни билишнинг натижалари ҳақида фикр юритилади (1-илова).

Веданта таълимотини системалаштирган файласуф *Гаудапада* бўлиб, милодий III-аср охири – IV аср бошларида яшаб ижод этган. Гаудапада ҳам ўзидан кейин «*Мандукхья Карика*» номли асар ёзиб қолдирган. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Мандукхья Упанишадларнинг шарҳи бўлиб, унда Брахма ва Атма айнан бир нарса эканлиги ҳақида сўз боради. Гаудапада ўзининг мазкур асарида воқеликнинг тартиботлари, яъни Атма (руҳнинг) тўрт ҳолати ҳақида фикр юритади:

1. Атма уйғоқлик ҳолатдаги оламнинг онги сифатида;
2. Атма уйқу ва туш кўриш ҳолатдаги онг сифатида;
3. Атма чуқур уйқудаги онг сифатида;
4. Атма ҳар қандай ҳис этиш, муносабат, тафаккур, аниқлаш ва баён этиш ҳолатлардан ташқарида (2-илова).

Асарнинг иккинчи бобида тажрибавий дунёнинг нореаллиги исботланади. Учинчи бобида материя ғояси таҳлил қилинади. Тўртинчи бобида эса, бирдан бир реаллик бу Атма, билиб бўлмас, ўзгармас, ҳаракатсиз, ноҷисмий бўлиб, фақат шунчаки сароб ҳисобланади. Гаудападанинг билиш назарияси қуйидагича:

1. Ипсон уйғоқлик ҳолатида ҳис этадиган олам, уйқудаги ҳолат каби эмас;
2. Пировард оқибатда тажриба ва объектив ғоялар ўртасида фарқ йўқ, униса ҳам, буниса ҳам саробдир.

Шанкара таълимоти

Милодий VIII–IX асрларда «Веданта сутра» асарига шарҳлар ёзган файласуф *Шанкара «Адвайта Веданта» (монистик веданта)*-нинг асосчиси ҳисобланади. Табиат ва жамият ҳодисаларининг асоси қилиб, «мутлақ ҳақиқат»ни, яъни Брахма-Атмани олади.

Брахма абадий чексиз, аморф. У замон ва макон категорияларидан ташқарида. Сабаб ва оқибат, ҳаракат ва тургунлик, миқдор ва сифат категориялари, ҳиссий дунёга, табиатга материя (праkritи)га тааллуқлидир. Шанкара таълимотига кўра, *фақат Брахман реал мавжуд бўлиб, табиат Брахма худосининг сояси*дир. Брахма ўзлигича қолувчи, ўзгармасдир, у бошқа бирон бир нарсага айланмайди, шу жумладан, биз яшаб турган дунёнинг нарса ва ҳодисаларига айланмайди. Борди-ю у (Брахма) моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларга айлана олганда эди, унда биз

моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларни билиш орқали Брахма худосини билган бўлар эдик. Бу эса, Брахманинг моҳиятига қарама-қарши бўлган бўлар эди.

Шундай қилиб, Шанкара фикрича, реаллик ҳодисалардан ташқарида, ҳақиқат эса, гафаккурдан ташқарида бўлади. Брахма билан моддий дунё ўртасидаги алоқадорлик Шанкара фикрича, бу нарсалар ва уларнинг хоссалари ўртасидаги муносабатдан иборатдир. Океан ва унинг тўлқинлари ўртасидаги муносабат бамисоли яхлитликнинг унинг қисмларига бўлган муносабати кабидир. Бизнинг дунё Брахманинг уйқуси, у майядир.

Майя реал ва нореал, у тўлқиннинг кўриниши, нуфаклар ва кўпиклар сингари биздан яширинади. Биз яшаб турган дунё (майя) абсолют ҳисобланмайди. Чунки, у ўзича субстанционал асосга эга эмас ва ҳақиқат ҳам бўлиши мумкин эмас. Олам *авидья* (юқоридаги донишманд)лар орқали билинади. Авидья эса, жисмларнинг субстанционал асосларини оча олмайди. Шу маънода у кўриш ва билиш хусусиятига эга эмас. Биз Брахмани авидья, яъни кўринмаслиги сабабли дунё, деб биламиз. Авидья куйи донишмандлик бўлиб, *видьяга* қарама-қарши туради, яъни у юқори донишмандлик. У ўз навбатида субстанция (Брахма)ни билади ва инсонга мутлақ ҳақиқатни (*правидья*)ни беради.

Раманужа таълимоти

XII–XIII асрларда Веданта фалсафаси *Раманужа* томонидан ривожлантирилди. Агар Шанкара учун Брахма гомоген, шахссиз абсолют (мутлақ ҳақиқат) бўлса, Раманужа учун Брахма – шахс, аниқ қиёфада (Вишну, Шива ва ҳ.к.) гавдаланади. У шунингдек моддий дунёнинг турли туманлигини ўз ичига олади.

Моддий дунё Брахманинг кўриниши бўлиб, реал, лекин сароб (иллюзия) эмас. Брахма – субстанция (асос), моддий дунё эса, оқибатдир. Жисмларнинг, яъни нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқишини Раманужа оламнинг намоён бўлиши, деб қарайди. Жисмларнинг парчаланишини оламнинг намоён бўлмаслиги, дейди Раманужа, ўз навбатида куйидаги далил ва исботни илгари суради:

1. Билишнинг турли усуллари (парамана) билан исботланган барча объектлар ўзининг атрибутларига эга. Бундан шундай хулоса чиқади – объект атрибутсиз бўла олмайди;

2. Хатто интуиция ҳолатида ҳам атрибут тушунчаси доимо ўз-ўзини билишда ва интуиция шаклида мавжуддир.

Раманужанинг Веданта фалсафасига қўшган хиссаси шундаки, у Шанкаранинг реаллик ҳақиқат эмас, моддий оламни билиш ҳақиқий билим эмас, деган таълимотиини қаттиқ танқид килади. Веданта фалсафасининг кейинги босқичларида ривожланишига Раманужанинг хизматлари катта бўлган.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

«Веданта-сутра»нинг таркибий қисми



Гаудападанинг Атма (рух) нинг тўрт ҳолати ҳақидаги таълимоти



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Веданта сўзининг маъноси нима?*
2. *«Веданта-сутра» неча қисмдан иборат?*
3. *Гаудападанинг билиш назариясида нима етакчи ўринни эгаллайди?*
4. *Шанкара таълимотининг асосий гояси нима эди?*
5. *Майя нима?*
6. *Раманужа таълимоти қачон ривожлантирилди?*
7. *Раманужа таълимотидаги борлиқ муаммосини қандай тушундингиз?*
8. *Шанкара ва Раманужа таълимотларининг умумий ва тафовутли жиҳатлари нималарда акс этган?*

Мустиқил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Веданта фалсафий мактаби» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Интернетдан мавзуга оид янги маълумотлар қидиринг, топган маълумотларингиздан фойдаланиб, қисқа маъруза тайёрланг.

4. Мавзуга оид 10 та блиц-савол ва 10-12 сўзли глоссарий тузинг.
5. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдириг (3-илова).

3-илова

ФСМУ учун топширик: Шанкара ва Раманужа фалсафий тали-мотларини қиёсий таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия: Веданта, Атма, «Веданта-сутра», Шанкара, Раманужа, Брахма, субстанция, сабаб, оқибат.

Савол	Шанкара ва Раманужа фалсафий таълимотлари
(Ф)Фикрингизни баёи этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси – Т.: ТДШИ, 2006.
2. История Востока. В 6-томах. Т. II. Восток в древности.– М.: Восточная литература РАН. –2002.
3. Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. –М., 1974.
4. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М., 1968.
5. История философии в кратком изложении. –М.: «Мысль», 1991.
6. История философии. Т. 1-2. –М., 1957.
7. Махабхарата. Рамайна. –М., 1974.
8. Радхакришнан С. История философии Индии. –М., 1972.
9. Философская энциклопедия. Т. 3. –М., 1964.
10. Чаттерджи С И Датта Д. Введение в индийскую философию. Пер. с англ. –М., 1955.

3-МАВЗУ

БХАКТИ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда Ҳиндистон ҳудудида вужудга келган Бхакти диний-фалсафий таълимоти ва унинг йўналишлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; уларда бу таълимотдаги ижтимоий тенглик, ҳаётга қизиқиш, диний фанатизмга қарши курашиш ва келажакка ишонч билан қараш каби ғояларни тушуниш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Бхакти, Рамананд, Раманужа, Валлабхачарья, Чайтанья, Нимбаркачарья, Хит Харивани, тенглик, садоқат, Ниргун Бхакти, Сагун Бхакти, Кабир, Рам Бхакти, Кришна Бхакти, Тулсидас, Сурдас, «Рамаяна», «Махабхарата», «Упанишадлар», туғилиш занжири, карма, дхарма, ньяна, йога, фанатизмга қарши кураш.*

Асосий саволлар

1. Бхакти таълимотининг вужудга келиши ва моҳияти.
2. Ниргун Бхакти дунёқараши.
3. Сагун Бхакти таълимоти.

Бхакти таълимотининг вужудга келиши ва моҳияти

«Бхакти» сўзи санскрит тилидан олинган бўлиб «меҳр», «садоқат», деган маъноларни англатади. Бхакти, диний ҳаракат сифатида, аввал X–XII асрларда Ҳиндистоннинг жанубида, у ердан қувғинликка учраганидан сўнг эса, XIV асрлардан бошлаб Ҳиндистоннинг шимолида кенг ёйила борди ва XV–XVI асрларда эса, Ҳиндистоннинг шимоли Бхакти ҳаракатининг энг йирик марказига айланди.

Бхактига асос солган ҳам, уни халқ орасида тарғиб қилган ҳам асосан, диний файласуфлар бўлдилар. Агар жанубий Бхаكتининг асосчилари *Рамананд* ва *Раманужа* каби йирик файласуфлар бўлса, *Валлабхачарья, Чайтанья, Нимбаркачарья, Хит Харивани* каби файласуфлар шимолий Бхаكتининг асосчиларидир. Файласуфларнинг Бхактини тарғиб қилишдан бош мақсадлари умидсизликка тушиб қолган ҳинд халқини ҳаётга қайтариш,

уларнинг онгида сўнган ишонччи яна қайта уйғотиш, келажакка, эртанги кунга ишониб яшаш туйғуларини мустаҳкамлаш эди (1-илова). Улар нафақат бунга эришиш йўлини кўрсатдилар, балки бунинг учун амалга ошириш лозим бўлган ҳаёт тарзини, авваламбор ўзларида яшаб, унинг тўғри эканлигини амалда исботлаб бердилар. Буларни ўз кўзи билан кўрган ҳинд халқи тўла ишонч билан Бхакти йўлини танлай бошлади ва тез орада Бхакти халқ орасида кенг ёйилиб кетди.

Бхакти икки муҳим ғояни «*Яратган олдида барча тенгдир*» ҳамда «*Яратганга меҳрли ва садоқатли бўлиш*» ғояларини илгари суриб, шу ғоялар орқали оддий халқнинг, айниқса, паст табақа вакилларининг эътиборини ўзига жалб этди (2-илова).

Бхакти асосан икки йўналишда шаклланди: *Ниргун* ва *Сагун* Бхакти. Сагун Бхакти ҳам ўз навбатида *икки йўналишда*: *Рам Бхакти* ва *Кришна Бхакти* йўналишларида шаклланди. Ниргун Бхакти таълимоти ислом динининг Яратган ҳақидаги таърифига яқин бўлган, инсон юрагида яшовчи абстракт Аллоҳгагина эътиқод қилиш ғоясини илгари суради. Сагун Бхактида эса, аксинча, Яратган ҳақидаги ҳиндуизм динидаги тушунча, яъни аниқ бир киёфага эга бўлган Худобага эътиқод қилиш тушунилди.

Ниргун Бхакти дунёқараши

Ҳиндистонда Ниргун Бхактининг йирик вакили буюк шоир *Кабир*дир. Кабир том маънодаги Бхакт бўлган. Унинг фалсафий дунёқараши шунчалик кенг ва бой бўлганки, ҳатто бугунги кунда ҳам бундай буюк фикрловчи шахсни учратиш амри маҳол. Унинг дунёқараши жуда тараққиётпарвар бўлиб, барча замонлар талабига жавоб бера олади. Чунки, у инсон юрагида яшовчи мавҳум Тангрини, ҳеч қандай киёфага, кўринишга эга бўлмаган, фақат ҳис қилиб, англаб стишиладиган тангрини севган ва уни инсон юрагидан бошқа ерда яшаши мумкин эмас, деб ўз шеърлятида ўша тангри яшайдиган инсон юрагини, яъни инсоннигина улуғлаган. У яшаган даврда Ҳиндистонда турли динлар ҳукмронлик қилган давр бўлганлиги сабабли у нафақат ҳиндуизм ёки исломнинг фанатизмига, балки ўша даврдаги насроний, синкхизм, жайнизм, буддавийлик ва йога таълимотларининг ҳам фанатизмига болта урувчи сўзларни ўз шеърларида баралла қуйлаган.

Сагун Бхакти таълимоти

Сагун бхакти *Рам Бхакти* йўналишининг йирик намояндаси шоир *Тулсидас*дир. *Кришна Бхактининг* кўзга кўринган йирик вакили шоир *Сурдас*дир. Бу иккала шоир ҳам ўз тангрисини маъбуд Вишнунинг ердаги инсон қиёфасидаги тажассум (аватараси)идир, улар Рам ва Кришна қиёфасида ерга тушганлар, деб тан оладилар. Маълумки, Рам маъбудининг ердаги саргузаштлари буюк эпос «*Рамаяна*»да ҳамда Кришнанинг саргузаштлари эса, иккинчи буюк эпос «*Махабхарата*» воқеалари билан боғлиқдир. Шу боис Тулсидас учун бутун дунё Рамдан иборат. У ҳар бир нарсада, ҳар бир воқеада, жонли табиатда ҳам, жонсиз табиатда ҳам, фақат Рамнинг қиёфасини кўради ва унга кўра, катта бахт йўқдир, деб ҳисоблайди. Сурдас учун эса, худди шунинг аксидир, яъни у ўзи кўр бўлса-да, ҳар бир ҳодисанинг сабабчиси ҳам Кришна, меҳр берувчи ҳам, олувчи ҳам Кришнадир, унинг учун бу дунёда Кришнадан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмасдир.

Бхактининг дунё, инсон ва яратувчи ҳақидаги назариялари хиндуизмнинг (яъни, унинг вишнуизмининг) назарияларига асосланган ҳолда, улардаги кўр-кўрона ишончга олиб борувчи айрим қоидаларга тузатиш киритади. Жумладан, хиндуизмда инсон дунёга жазо учун юборилади, деган тушунча мавжуд. Шу боис хиндуизмнинг қадимий китобларидан бири «Упанишадлар»да инсоннинг қайта туғилиши (яъни, инсон руҳининг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриши назарда тутилади) ҳақидаги қатъий бир қонун ҳақида ёзилган. Ҳиндуизм инсониятга мана шу қайта туғилишлар *занжиридан* озод бўлишнинг тўртта йўли мавжудлигини тушунтириб беради. Булар *карма*, *дхарма*, *ньяна* ва *йога* йўллари. Бу йўлларнинг ҳар бири инсонни Олий Руҳ билан бутунлай бирлашиб кетишига олиб боради, деб тушунтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Бхакти диний-ислоҳотчилик ҳаракати хиндуизм диний фанатизмига қарши курашда худди тасаввуфдек бунёдга келган бўлса-да, ўша даврда ҳинд жамияти ҳаётида бир вақтнинг ўзида ҳукмрон бўлган бир қанча динларнинг *фанатизмига ҳам қарши* жуда мувафакқиятли равишда курашди ва бу йўлда ўз мақсадига эриша олди. Бу диний ҳаракат нафақат динни бидъатлардан тозалаш курашида, балки жамиятни ҳам тозалашда, мамлакатнинг ривожланиш йўлидан боришида, илм-фан равнақи-

да, халқнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришида катта имкониятлар яратиб берди ва Ҳиндистон ҳудудларида деярли уч юз йил етакчи ва ҳукмрон ғоя сифатида яшади.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Бхакти таълимотининг асосий мақсадлари



2-илова

Бхакти таълимотининг икки муҳим ғояси



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Бхакти сўзининг маъноси нима?
2. Бу таълимнинг вужудга келиши сабабларини биласизми?
3. Бхакти таълимнинг асосий ғояси нима?
4. Бхакти таълимоти қандай йўналишларда шаклланди?
5. Ниргун Бхакти таълимотида асосий эътибор нимага қаратилган?
6. Сагун Бхактида-чи?
7. Бхакти таълимоти ҳинд жамиятининг маънавий-ахлоқий ҳаётига нима берди?
8. Ушбу таълимот ғояларининг қайси бирини бугунги кун учун ҳам долзарб, деб ҳисоблаган бўлардингиз?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Бхакти таълимоти» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Интернетдан мавзуга оид янги маълумотлар кидиринг, топган маълумотларингиздан фойдаланиб, қисқа маъруза тайёрланг.
4. Ўрта асрларлар Ҳиндистон ва Ғарб фалсафий тафаккурини қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. «Бхакти таълимоти ва унинг йўналишлари» мавзусида кластер тузинг.

Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси – Т.: ТДШИ, 2006.
2. История философии в кратком изложении. –М.: Мысль, 1991.
3. История философии. Т. 1-2. –М., 1957.
4. Махабхарата. Вып. 2-7 (пер. с санскр., введение, послесловие, примечание Т.Л. Смирнова). –Ашхабад, 1956-1963.
5. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1-2. –М., 1956-1957.

4-МАВЗУ

ҲИНДИСТОНДА ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда Ҳиндистонга тасаввуфий қарашларнинг кириб бориши ва унинг ривожидан Марказий Осиёлик шоир ва мутафаккирларнинг тутган ўрни ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; ҳинд маънавий ҳаётида тасаввуф фалсафасининг аҳамиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Тасаввуф, суфийлик, Кубравия, Сухравардия, Чистия, Нақибандия, Амир Хусрав Деҳлавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абул Файз Файзий, Абдулқодир Бедил, «Ваҳдати вуҷуд», «Ваҳдати мавҷуд», Шоҳ Валиulloҳ, «Ҳужжатulloҳ ал-балига», Мирзо Ғолиб, диний монизм, атом, Мирзо Абдулқодир Бедил, Афлотун, Арасту, «Ирфон», «Шукот», «Чор унсур», материя, таносух, таваккул.*

Асосий саволлар

1. Мусулмонларнинг Ҳиндистонга кириб келиши ва ғоявий муҳитнинг ўзгариши.
2. Шоҳ Валиulloҳнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.
3. Мирзо Ғолиб ижоди.
4. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

Мусулмонларнинг Ҳиндистонга кириб келиши ва ғоявий муҳитнинг ўзгариши

XI–XII асрларда мусулмонларнинг Ҳиндистонга кириб келиши, XI асрда Маҳмуд Ғазнавий, кейинчалик Чингизхоннинг Ҳиндистонга қилган юришлари Ҳиндистон маданиятига ва мафкура-сига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади (1-илова).

Бу даврда Ҳиндистонда сўфий таълимотининг *Кубравия, Сухравардия, Чистия* ва *Нақибандия* оқимлари кенг тарқалган эди.

Тасаввуф таълимоти шу давр адабиётида айниқса кучли аке этган. XII асрнинг ўрталарига келиб, Ҳиндистонда форсийзабон адабиёт асосан Лоҳур, Деҳли, Мултон, Пешовар, Сиёлкут шаҳарларида тарқалган эди. XIII асрга келиб, Ҳиндистонда тасаввуф таълимотининг ёйилиши *Амир Хусрав Деҳлавий* номи билан боғлиқдир. У тасаввуф таълимотининг Чиштия тариқатининг тарафдори бўлган ва уни ривожлантирган. Амир Хусрав Деҳлавий Чиштия тариқатига асос солганлардан бири *Низомиддин Авлиёга* шогирд, ҳамфикр ва маслакдош бўлган.

Амир Хусрав Деҳлавий бутун умр сарой шоири бўлгани учун сарой аҳли ҳаёти, шоҳлар сиёсати, уларнинг дунёқараши билан жуда яқиндан таниш бўлган. Шоҳликлар ўртасидаги келишмовчиликлар, тахт таланишлар, давлат тўнтарилишлари мадорини қуритгач ҳамда унинг кўнглига яқин ягона маслакдоши, суҳбатдоши ва сеvimли устози Низомиддин Авлиё вафот этгач, у ўзини узил-кесил тасаввуф таълимотини тарғиб қилишга бағишлади.

Ҳиндистонда форсийзабон адабиётнинг гуллаган даври XVI асрнинг биринчи яримига тўғри келади. Бу даврга келиб *Ўрта Осиёлик* буюк саркарда, давлат арбоби, моҳир шоир *Заҳириддин Муҳаммад Бобур* Ҳиндистонга кириб келиб, бу ерда ўзининг йирик бир салтанатини яратди ва Шимолий Ҳиндистонда *Бобурийлар сулоласи* ҳукмронлик қила бошлади. Бу даврда Ҳиндистон иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ҳолдан тойгани сабабли кўп соҳалар ривожланишдан тўхтаб қолган эди. Адабиёт, санъат ва маданият ривожланишга муҳтож эди.

Бобур Ҳиндистонда тинчлик, адолат ўрнатиш, мамлакатни ободонлаштириш билан бирга илм-фан, маданиятни ривожлантиришга ҳам астойидил киришди. Бобур даврида мусулмон маданияти, айниқса, сўфий таълимотининг турли тариқатлари Бобурийлар салтанатида кенг қулоч ёза бошлади. Тасаввуф таълимотининг Ҳиндистонда барқ уриб гуллашида Заҳириддин Бобурнинг хизматлари каттадир.

XVI аср охири – XVII аср биринчи ярмида Ҳиндистонда сўфий адабиётнинг ривожига буюк форсийзабон шоир ва мутафаккирлардан *Абул Файз Файзий* ва *Абдулқодир Бедиллар*нинг ҳиссалари улкан бўлган. Улар ўз асарларида сўфий таълимотининг *Чиштия*, *Сухравардия* тариқатларини кенг ёритишган. Бедил ва Ғолибларнинг «*Ваҳдати вуҷуд*», «*Ваҳдати мавҷуд*» таълимот-

ларини шарҳлашда шак-шубҳасиз *Ибн Араби*, *Шайх Аҳмад Сирҳиндий*ларнинг тасаввуф таълимотларидан фойдаланишган.

Шуни таъкидламоқ лозимки, ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистонда *Шайх Баҳоуддин Нақибанд* илгари сурган шиор «*Дил ба Ёру, даст ба кор*», яъни «*Қалбинг худода, қўлинг ишда бўлсин*», деган ижтимоий-ахлоқий шиори ҳаётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шоҳ Валиуллоҳнинг фалсафи ва ижтимоий-сиёсий қарашлари (1703–1762)

Шоҳ Валиуллоҳ Ҳиндистонда ўрта аср даврида форсийзабон адабиёти, сўфий фалсафасининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган буюк адиб ва мутафаккирдир. Ўрта аср даврида Ҳиндистонда *исломни ислоҳ* қилишда ва уни кенг тарғиб қилишда Шоҳ Валиуллоҳнинг хизмати буюқдир.

Шоҳ Валиуллоҳ фалсафа ва илоҳиёт ҳақида 50 дан ортиқ асарлар ёзди. Асарларининг ҳар бирида муҳим ижтимоий муаммоларни таҳлил қилади. Исломни қайта тиклашда Шоҳ Валиуллоҳ дастлаб жамиятни қайта тарбиялаш зарур, деб ҳисоблади. Бунинг учун исломни ҳар қандай ёлгон-яшиқдан ва турли хатоликлардан тозалаш керак, дейди.

Шоҳ Валиуллоҳнинг қарашлари унинг «*Ҳужжатуллоҳ ал-балига*» асарида ўз ифодасини топган. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида Аллоҳнинг илоҳий моҳияти ва инсон табиати таҳлил қилинади. Шунингдек гуноҳ, яхшилик, шариат асослари ҳамда мусулмон фикҳи тасвирланади. Иккинчи қисми эса, мусулмон ахлоқига бағишланган. Инсон ўз-ўзини тарбиялаши, унинг жамиятда тутган ўрни, ахлоқи ва тарбиясига бағишланган.

Асарда, шунингдек, давлатни қандай бошқариш тўғрисида, турли ижтимоий гуруҳларнинг аҳволлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, урушлар ва давлатни қандай ҳимоя қилиш тўғрисидаги фикрлари келтирилади.

Шоҳ Валиуллоҳ дин тўғрисида ўз фикрини давом эттириб, *диннинг моҳияти барча халқлар учун бирдир*, дейди.

Монотеистик динлар ягона асосга эгадир, *эътиқод барчада бир, фарқи эса, фақат қабул қилинган диний қонунларда ва расм*

*русмларадидир*¹. Диннинг моҳияти оламнинг моҳияти билан айнан-дир. Фалсафанинг вазифаси ана шу моҳиятни очишдан иборатдир.

Валиуллоҳ жамиятни ислоҳ эгиш керак, дейди. Бу қуйида-гича амалга оширилади (2-илова).

1. Деҳқончиликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш.
2. Ўртача солиқни жорий этиш.
3. Давлат ихтиёридаги ерни кўпайтириш.
4. Ерларни ижарага беришни йўқ қилиш.
5. Давлат қонунига бўйсунмаганларни мулкдан, яъни ердан маҳрум қилиш.
6. Ҳарбий кўшинларни кучайтириш.
7. Ҳалол кишиларни қозиликка сайлаш.
8. Ҳокимни халқ томонидан сайлаш.

Ҳоким албатта бўлиши керак, бўлмаса жамоалар ўртасида урушлар бўлаверади. - дейди Шоҳ Валиуллоҳ. Давлат сиёсати унинг фикрича, ижтимоий масъулият ва иқтисодий тенгликка асосланиши керак.

Мирзо Ғолиб ижоди **(1796–1869)**

Форсий ва урду тилларида ижод қилган Ҳиндистоннинг кўзга кўринган адиби ва мутафаккири *Мирзо Асадуллаҳон Ғолибдир*. Унинг асл насл насаби Ўрта Осиёдан бўлиб, унинг қатга буvasи *Қўқонбекхон*, буvasи *Турсунбекхон*, отаси *Абдуллабекхон* Самарқандлик бўлиб, кейинчалик отаси Самарқандни тарк этиб, Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда ҳарбий кўмондон бўлиб хизмат қилган.

Шоир ўзининг эллик йиллик ижоди даврида она ватани, ҳазрати инсонни, байналминалликни тараннум этиб келди. Ғолиб ижодида карама-қаршилик бўлса ҳам, лекин унинг ғоялари реалистик ва оптимистик йўналишдан иборат эди.

Ғолибнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари шаклан ва қисман мазмунан ислом руҳида бўлган. Лекин жамиятда дин ҳукмронлик ролини ўйнашидан қатъи назар, у ўзига диний догматизмдан

¹ Қаранг: Гордон-Полонская Л.Р. Мусульманские течения в общественной мысли Индии и Пакистана. –М., 1963. –С.46.

хамда фанатизмдан халос бўлиш йўлини ахтарди. Унинг бу фикрини талайгина замондошлари ва биографлари хур фикр эгаси, деб аташган.

Мирза Ғолиб барча динларнинг моҳияти бир, лекин улар ўртасидаги фарқ уларнинг турли шаклларда кўриниши, турли жой, вақт ва турлича талқин қилинишидандир, деган. Ғолиб дунёқарашининг марказида *диний монизм* ётади.

Ғолиб бир неча бор – агар Аллоҳ бир экан, унда эътиқодларнинг ва динларнинг турлича бўлиши кишилар ўртасига фақат ни-фок солади, деган. Шунинг учун, у диннинг моҳияти асосида *якка худога* эътиқодни тан олган. Динларнинг турли шаклларда кўриниши кишиларни бир-биридан ажратади, улар ўртасига раҳна солади деб ҳисоблаган.

Гарчанд Ғолиб барча динларнинг моҳияти жиҳатдан бирлигини эътироф этса ҳам, Ҳиндуизмни Исломга қарши кўйиб кўювчиларни қоралади. Унинг фикрича, инсон учун энг муҳими Тангрига садоқатли хизмат қилишдир.

Ғолибнинг диний монизми, уни реал нарсаларни фақат ўз онгида мавжудлигини тан олишга ундади. Фақат номинал равишда олам мавжуд. Нарсаларнинг реаллиги фақат онгимиздандир. Гарчанд, Ғолиб табиатда илоҳий моҳиятнинг ҳақиқийлигини тан олган бўлса ҳам, нариги дунё ҳақидаги фикр пуч, деб ҳисоблайди. Ғолиб шунингдек, табиат қонунларини билиш орзусини инкор этмади. Ғолиб борлиқни, дунёнинг моҳиятини таърифлар экан, уни доимо ҳаракатда, деб биледи. *Олам доим ўзгаришда, қарама-қарши ҳодисаларнинг бирлиги ва қурашидан иборат*, дейди. Бу birlik ва қарама-қаршиликни Ғолиб ҳар ерда кўрди, яъни табиатда, жамиятда, инсоннинг шахсий дунёсида кўрди.

Яратилиш ва емирилиш шакллари, яхшилик ва ёвузлик, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ҳақидаги ғоялар Ғолибнинг бутун ижодида ўз аксини тошган. Ғолибнинг бизни ўраб турган дунёга, инсон табиатига ва ҳаётига бўлган қарашлари унинг эстетик қарашларининг марказида ётади.

Ғолиб тасаввур қилган инсон гуноҳкор, адасувчи, ҳақиқатнинг ва борлиқнинг моҳиятини кидирувчидир. Шоир ҳаётда доим инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббатли ва самимий бўлган. Ғолиб

инсоннинг дунёдаги барча иллатларини кўради-ю, лекин уларга қарши курашда фаол ҳаракат қилиш керак деган фикрдан узок бўлади. *Биздан ташқарида дунё бору айни вақтнинг ўзида дунё йўқ, чунки у мутлақ Холиқнинг аксидир.* Мутлақ Холиқнинг акси майда заррачалардан, яъни атомлардан иборат, дейди Ғолиб.

Улуғ шоир қолдирган бой илмий-адабий мерос нафақат Ҳиндистон ва Покистон халқларининг мероси, балки бутун мусулмон дунёсида, қолаверса Марказий Осиё халқлари тарихида ўчмас из қолдирган.

Ўрта Осиё халқлари шоирнинг ғазал ва рубойлари билан XIX асрнинг охири XX аср бошларида кенг танишиш имкониятига эга бўлдилар.

***Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-
фалсафий қарашлари
(1644–1721)***

Авлод-аждодлари Ўрта Осиёлик бўлган *Мирзо Бедил* Ҳиндистоннинг *Бенгалия* штатининг *Азимобод* шаҳрида *Барлос* уруғига тегишли ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган.

Бедил ўз даврининг етук олими бўлиб танилди. Бундай мавқеъга эришишда шак-шубҳасиз Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва Навоийларнинг таъсири улкан бўлган. Саъдий ижоди таъсирида у *«Бедил» (Дилсиз)*, яъни бутун қалбини шеърятга бағишлаган тахаллусига эга бўлади. Бу ҳақда таникли ўзбек олими академик Иброҳим Мўминов ўзининг Бедилга бағишлаб ёзган рисоласида шундай ёзган эди: «Гарчанд Мирзо Бедил буюк калб эгаси, ўтқир зеҳнли шахс бўлган бўлса ҳам, унинг Бедил деган номни олишининг сабаби бутун қалбини ўзи севган касбига, яъни фанга, адабиётга бағишлаган бўлса керак»¹, - деб ёзади.

Мирзо Бедил нафақат наср ва назм билан шуғулланибгина қолмай, балки фалсафа тарихини катта қизиқиш билан ўргана бошлади. У *Арасту* ижодига катта қизиқиш билан қаради. Ўз асарларида Бедил Арастуга бир неча саҳифа бағишлаган. Бедил бошқа Шарқ мутафаккирлари сингари Арастуни донишмандликнинг биринчи устози, деб билди. Бедил ўз ватанига нисбатан Арасту номидан адолат, илм ва маърифат, ҳақиқат ва самимий-

¹ Мўминов И. Мирзо Бедил. – Т.: Фан, 1964, –Б.2.

ликни улуғлайди. Шунингдек, Бедил Арастуниги физикаси, борлик, материя, шакл борасидаги таълимоти тўғрисида тўхтаб, «Биз Арасту эришган ютуқлар олдида тўхтаб қолмасдан, уни янада олға суришимиз лозим»², - дейди. У шунингдек «Ирфон» (билим) асарида Афлотунни ҳам тилга олади.

Файласуф борликни – *хаст*, ноборликни – *нест*, интихони – *фано*, абадийликни – *бақо*, мавжудликни – *вужудийюн*, ҳеч нарсани – *аъдам* каби атамалар орқали ифода этади (3-илова).

Материя шакллар дунёсида яширинган бўлса, шакл эса, материяда имкониятдадир. Агар материя шаклисиз бўлса, унда шакл қаердан пайдо бўлади. Шакл мисоли кийим бўлиб, материя унга ўралгандир.

Оламда Бедил рух билан тана, шакл ва мазмун ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кўрган. «*Нукот*» асари Бедил қарашларини якунловчи ва умумлаштирувчи асардир. Мутафаккир ўзининг бу асарида ўз қарашларининг асосларини қисқа, ихчам баён қилган. Асарнинг эътиборли томони шундаки, Бедил бир-бирига қарши икки йўналиш ҳақида фикр юритади, яъни дунёвий ва илоҳий йўналишлар ҳақида фикр юритиб, биринчи йўналиш – дунёвий йўналишни ҳаётий оқилона йўналиш, деб ҳисоблайди. Бедил таъкидлайдики, инсон узок муддат давомида жонли ва жонсиз табиатдаги ўзгаришларнинг маҳсулидир. У «*Чор унсур*» асарида тўрт унсур: *ҳаво, сув, олов, ер* унсурлари ҳақида, шунингдек, ўсимликлар, ҳайвонларнинг ва инсонларнинг пайдо бўлиши ҳақида ёзади. Бедил фикрича, ҳаво абадий, мутлақ, ҳаракатчан, ўзгарувчан ва энгилдир. Ҳаво юқорига қараб ҳаракат қилади. У шунингдек, рух ҳақида фикр юритиб, у хаводан пайдо бўлиб, табиий рух, набобат руҳи, инсон руҳи ва ҳайвон руҳини пайдо қилади, дейди. Мутафаккир *табиатни руҳлантиради*, руҳлар эса, моддий дунёдан ташқарида бўлмаслигини таъкидлайди. Бедил, шунингдек, мутлақ рух, руҳлар ва жинлар ҳақида фикр юритади. У *пантеизмнинг ваҳдатчи-мавжуд* оқими тарафдори сифатида табиатнинг абадийлигининг материя ва руҳнинг бирлигини тан олиб, *Аллоҳ оламнинг ичида*, деб ҳисоблайди.

Бедил билиш назариясига ҳам катта эътибор беради. У ҳиссий билиш ва рациснал билишни таҳлил қилар экан, ўз навбатида

² Ўша асар, –Б.24.

сезгилар, тушунча ва фикр, онг ва мутлоқ рух ҳақида фикр юритади. Оламни билишда у рационалликка катта эътибор беради. Мирзо Бедил инсон ақли қудратига катта баҳо бериб, *ақлсиз инсон балмисоли кўзгудир*, - дейди.

Тафаккур сирларнинг маъносини тушунтирса, мулоҳаза эса, ишнинг келиб чиқиши ва оқибатини тушунтиради. Агар онг бирор нарса очмаса, ҳеч ким ҳеч нарса кўра олмайди. Онгимиз кашф этмаган нарса, инсон учун сирлидир. У шунингдек ҳиндулар илгари сурган *таносух* (қайта туғилиш) назариясига қарши чиқади ва сўфий мискинлар илгари сурган «*Таваккул*», яъни тақдирий азалга тўлиқ қўшилмайди. Бедил тақдирий азал назариясини танқид қилиб айтадики, «*инсон маълум даражада ўз хатти-ҳаракатларида эркиндир. Шу сабабдан ўз ҳаётини яхшилаш ўз қўлидадир*», дейди. Бунга эришиш учун инсон илмга интилиши, ҳаракат қилиши ва меҳнат қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Фан – ҳар ерда оқил ишга бош-қош, ғалаба ҳар ерда ҳаракат исботидир. Мазкур фикрларини давом этдириб, «Чор унсур» асариде шундай ёзади.

*То фазлу ҳунар ойна пардоз нашуд,
Он иқбол дар бурун кас боз нашуд¹⁵⁹.
Маъноси: Ҳунар ўрганмаган кишига
Иқбол эшиклари очилмас.*

Бедил, шунингдек, ҳаёлий (утопик) *ижтимоий таълимотни* илгари сурган. У ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларида жамият, инсон, давлат ва унинг келиб чиқиши, уни бошқариш йўллари ҳақида, деҳқончилик ва унинг фойдаси ҳақида фикр юритади. Инсонни улуғлайди. Инсон ўз ирқи, дини ва миллатидан қатъий назар улуғдир. Бедил инсондаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, самимийлик сифатларини қадрлайди. Иш ёқмас, ялқов, такаббур, очкўз, ёлғончи, ҳийлагарларга нафақат нафрат кўзи билан қараган, балки уларни аёвсиз танқид қилган. У халқ ғамини суювчи фан ва зироатчиликнинг ривожланиши ҳақида ўйлайдиган одил шоҳ ҳақида фикр юритган. Лекин фуқароларнинг ҳолагини ачиниш билан қабул қилиб, уларга зулм-ситам ўтказувчи ёвуз кучларни қаттиқ танқид остига олган.

¹⁵⁹ Ўша асар, –Б.101.

Бедил ижоди қарама-қарши фикрлардан холи бўлмаганлиги сабабли, турли ижтимоий гуруҳлар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлар.


XIX ва XX аср мутафаккирлари, адибу шоирлари Аҳмад До-ниш, Муқимий, Фурқат ва бошқаларга Мирзо Бедилнинг илғор ғоялари озуқа бўлган. Буюк адиб ва файласуф илгари сурган ижтимоий-фалсафий ғоялар нафақат ўз даврида, балки ўзидан кейинги даврда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мирзо Бедил ҳаётийлик давридаёқ Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги мада-ний, илмий ва дўстлик алоқалари риштасига асос солган.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Тасаввуфнинг Ҳиндистонга кенг ёйилиш сабаблари




Шоҳ Валиуллоҳнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари**Бедилнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари**

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Тасаввуф Ҳиндистонга қандай кириб келди?
2. Тасаввуфнинг қайси тариқатлари Ҳиндистонда кенг ёйилди?
3. Шоҳ Валиуллоҳнинг ахлоқий қарашлари унинг қайси асариди ўз аксини топган?
4. Шоҳ Валиуллоҳ фикрича, фалсафанинг вазифаси нима?
5. Мирзо Ғолиб дунёқарашининг марказида нима ётади?
6. Мирзо Ғолиб оламнинг ҳаракатда эканлигини қандай тусунтирган?
7. Мирзо Абдулқодир Бедил дунёқарашига қайси мутафаккирларнинг таълимотлари таъсир қилган эди?
8. Ҳинд жамиятининг маънавий ҳаётига Марказий Осиёлик мутафаккирлар қай даражада таъсир кўрсатган?
9. Юқоридаги ғояларининг қайси бирини бугунги кун учун ҳам долзарб деб, ҳисоблаган бўлардингиз? Нима учун?
10. Марказий Осиё ва Ҳинд тасаввуфи ўртасида қандай тафовутлар ва ўзига хос хусусиятлар мавжуд?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ҳиндистонда тасаввуф фалсафаси», «Бедил дунёқарашини», «Амир Хусрав Дехлавийнинг ижтимоий қарашлари» ва «Шоҳ Валиуллоҳнинг ахлоқий қарашлари» мавзуларидан бирини ташлаб, слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Интернетдан мавзуга оид янги маълумотлар қидиринг, топган маълумотларингизни мавжуд адабиётларда берилганлари билан қиёсланг, шу асосда қисқа маъруза тайёрланг.
4. Мирзо Абдулқодир Бедил қарашларини Афлотун ва Арасту ғоялари билан қиёсланг, улар ўртасидаги умумийликни топиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мирзо Ғолиб ижоди билан яқиндан танишиб, унинг ахлоқий категорияларини «Балиқ суяги» технологияси орқали тусунтириб беринг (4-илова).



Адабиётлар

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси – Т.: ТДШИ, 2006.
2. Йўлдошев С. Марказий Осиё маданий меросини ўрганишининг баъзи масалалари (Покистон материаллари бўйича) // Шарқишунослик, 2002, № 2.
3. Мўминов И. Мирзо Бедил. – Т.: Фан, 1964.
4. История философии в кратком изложении. –М.: «Мысль», 1991.
5. Беруний ўрта асрнинг буюк олими. – Т., 1950.
6. Аникеев Н.П. Выдающийся мыслитель и поэт Мухаммад Икбал. – М., 1959.
7. Гордон-Полонская Л.Р. Мусульманские течения в общественной мысли Индии и Пакистана. –М., 1963.
8. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1-2. –М., 1956-1957.
9. Философская энциклопедия. Т. 3. –М., 1964.

II БОБГА ОИД ТЕСТЛАР

1. Ҳинд фалсафасининг энг қадимги ва муҳим манбалари бу -

- a) Брахманлар;
- b) Упанишадлар;
- c) Ведалар;
- d) Чарваклар.

2. Қадимги ҳинд фалсафасидаги руҳнинг кўчиб юриши тўғрисидаги назария қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- a) Сансара;
- b) Карма;
- c) Ведалар;
- d) Упанишадалар.

3. Веда сўзининг маъноси нима?

- a) Худо;
- b) Билим;
- c) Манба;
- d) Олам.

4. Ведалар қачон ёзилган?

- a) Милоддан аввалги II асрда;
- b) Милоддан аввалги III-минг йилликнинг охири ва II-минг йилликнинг бошида;
- c) Милоддан аввалги I- минг йилликнинг охирида;
- d) Милоддан аввалги II-минг йилликнинг охири ва I-минг йилликнинг бошида.

5. Ведаларнинг энг қадимги тўғри қисми қайси қаторда тўғри берилган?

- a) Ригведа, Самаведа, Брахмаведа, Яжурведа;
- b) Ригведа, Яжурведа, Брахмаведа, Атхарваведа;
- c) Ригведа, Самаведа, Яжурведа, Атхарваведа;
- d) Ригведа, Атхарваведа, Упанишадлар, Самаведа.

6. Упанишада сўзининг маъноси нима?

- a) ҳақиқатни билиш мақсадида ўқитувчи олдидан ўтириш;
- b) ведалар хотимаси;
- c) билим;
- d) оламнинг асоси.

7. Упанишадлардаги «ҳаёт чархи» таълимоти қандай номланган?

- a) Веда;
- b) Карма;
- c) Сансара;
- d) Барчаси тўғри.

8. Будда сўзининг маъноси нима?

- a) Худо;
- b) Олам;
- c) Азоб-укубат;
- d) Нурланган.

9. Буддавийлик диний-фалсафий таълимотининг асосчиси ким?

- a) Моҳавира;
- b) Шуддхо;
- c) Сиддхартха Гаутама;
- d) Дхарма.

10. Буддавийликнинг икки асосий йўналишини кўрсатинг.

- a) Ниҳаяна, Драхмасутра;
- b) Моҳаяна, Веданта;
- c) Моҳаяна, Хинойна;
- d) Веданта, Вайшешика.

11. Буддавийликнинг билиш назариясидаги беш унсур – булар... .

- a) онг, тасаввурлар, ҳис-туйғу, карма кучлари, сезгилар;
- b) онг, тасаввурлар, ҳис-туйғу, ақл, сезгилар;
- c) сезгилар, идрок, карма кучлари, ирода, ваҳий;
- d) тасаввурлар, онг, сезгилар, ваҳий, идрок.

12. Буддавийликка кўра, энг олий мақсад – бу

- a) Моҳаяна;
- b) Нирвана;
- c) Хинойна;
- d) Карма.

13. Моҳавира асос солган диний-фалсафий таълимот қайси эди?

- a) Буддавийлик;
- b) Жайнизм;
- c) Ҳиндуизм;
- d) Браҳманизм.

14. Жайнизм таълимотидаги инсон моҳиятига эга бўлган икки хусусиятни кўрсатинг.

- a) карма, руҳ;
- b) жива, карма;
- c) карма, аджика;
- d) жива, аджика.

15. Жайнизм таълимотига кўра, инсоннинг моддий асоси – бу ...

- a) жива;
- b) карма;
- c) аджика;
- d) тўғри жавоб йўқ.

16. Қадимги Ҳиндистондаги илк моддийонча тамойиллар қайси таълимотларда ўз аксини топган эди?

- a) чарвака-локаята;
- b) буддавийлик;
- c) унанишадлар;
- d) ҳиндуизм.

17. Чарвака-локаята таълимотига кўра, инсон нималардан ташкил топган?

- a) жива, аджика;
- b) сув, ҳаво, олов, тупроқ;
- c) пуруша, карма;
- d) модда, руҳ.

18. Ҳиндувийлик фалсафий тизимини нечта мактаб ташкил эгади?

- a) 5 та;
- b) 4 та;
- c) 6 та;

d) 10 та.

19. Ҳиндувийликнинг ахлоққа бағишланган энг асосий асари қайси?

- a) Драхмасутра;
- b) Бхагаватгита;
- c) Веда;
- d) Упанишадлар.

20. Вайшешика-сутранинг муаллифи ким?

- a) Будда;
- b) Канада;
- c) Брахма;
- d) Чараки.

21. Вайшешика-сутра нечта қисмдан иборат?

- a) 10;
- b) 8;
- c) 5;
- d) 12.

22. Ньяяда асосий эътибор нимага қаратилган эди?

- a) табиат ва жамиятга;
- b) борлиқ ва ахлоққа;
- c) сиёсат ва жамиятга;
- d) мантиқ ва билишга.

23. Санскритча – ичига кириш, тадқиқ қилиш, фикр қилиш, баҳс юритиш маъноларини берувчи таълимот номи қайси?

- a) Ньяя;
- b) Миманса;
- c) Веданта;
- d) Санкья.

24. Миманса жавҳарни неча турга бўлади?

- a) 10;
- b) 3;
- c) 9;
- d) 7.

25. Мимансага кўра, билимга қуйидагилар воситасида эришилади:

- a) ҳис-туйғу, маънавий хулоса ва қиёслаш;
- b) илоҳий ваҳий, тафаккур ва сезги;
- c) маънавий хулоса, ваҳий ва интуиция;
- d) ҳис-туйғу ва интуиция.

26. Веданта сўзининг маъноси нима?

- a) веданинг бошланиши;
- b) ведалар фалсафаси;
- c) хотима, ведалар тугаши;
- d) ведалар китоби.

27. Қайси таълимот моддиюнчиликка қарши кураш ва динни асослашга қаратилган эди?

- a) Веданта;
- b) Чарвака;
- c) Моҳаяна;
- d) Локаята.

28. Шанкара таълимотининг асосий ғоясига кўра, бор-лиқнинг ягона охири асоси деб нима тушунилган?

- a) шахсга эга бўлмаган, мутлақ руҳ-брахмандир;
- b) доимо абадий бўлган моддидир;
- c) ҳаёт чархи кармадир;
- d) тўғри жавоб йўқ.

29. Асосчиси донишманд Капила бўлган ҳинд фалсафасининг илк мактабларидан бири – бу

- a) Йога;
- b) Веданта;
- c) Санкхья;
- d) Вайшешика.

30. Санкхья таълимотига кўра, дунёнинг биринчи сабаби – бу... .

- a) Атман;
- b) Жива;
- c) Пракрити;
- d) Аджива.

31. Илк ўрта асрлардан бошлаб Ҳиндистонда брахманизм ва буддавийлик динларининг ўрнига қайси диний таълимот жамиятнинг етакчи мафкурасига айланди?

- a) Жайнизм;
- b) Ҳиндуизм;
- c) Веданта;
- d) Йога.

32. Ўрта асрларда ҳиндуизм қандай йўналишларда ривожланди?

- a) Моҳаяна ва хинояна;
- b) Брахманизм ва шиваизм;
- c) Вишнуизм ва жайнизм;
- d) Вишнуизм ва шиваизм.

33. Вишнуизмга кўра, Вишну қандай маъбуд ҳисобланган?

- a) Яратувчи;
- b) Сақловчи;
- c) Яксон қилувчи;
- d) Қайтарувчи.

34. Шивантлар назариясига кўра, борлик – бу

- a) Вишнудир;
- b) Брахмадир;
- c) Шивадир;
- d) Буддадир.

35. Веданта таълимотини системалаштирган файласуф Аудапада ўзидан қандай асар ёзиб қолдирган?

- a) Веданта-сутра;
- b) Дхарма-сутра;
- c) Мандукхья Карика;
- d) Карика-сутра.

36. Бхакти таълимоти ривожланган асосий йўналишларни кўрсатинг.

- a) Рам ва Кришна;
- b) Тулсида ва Сурдас;
- c) Ниргун ва Сагун;
- d) Ниргун ва Кришна.

37. XI–XII асрларда Ҳиндистонда тасаввуфнинг қайси оқимлари кенг тарқалган эди?

- a) Яссавия, Кубравия, ва Нақшбандия;
- b) Кубравия, Сухравардия, Чингтия ва Яссавия;
- c) Кубравия, Сухравардия, Чингтия ва Нақшбандия;
- d) Яссавия, Кубровия ва Хожагон.

38. Ўрта аср даврида Ҳиндистонда *исломни ислоҳ* қилишда ва уни кенг тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатган, «Ҳужжатуллоҳ ал-балиғ» асари муаллифи ким эди?

- a) Мирзо Ғолиб;
- b) Шох Валиуллоҳ;
- c) Абдулқодир Бедил;
- d) Хусрав Дехлавий.

39. Барча динларнинг моҳияти бир, лекин улар ўрасидаги фарқ уларнинг турли шаклларда кўриниши, турли жой, вақт ва турлича талқин қилинишидадир, деган мутафаккир ким эди?

- a) Хусрав Дехлавий;
- b) Шох Валиуллоҳ;
- c) Абдулқодир Бедил;
- d) Мирзо Ғолиб.

40. Бедил оламни билишда нимага қўпроқ эътибор қаратган?

- a) илоҳий билишга;
- b) интуицияга;
- c) рационал билишга;
- d) сезгиларга.

III БОБ. ХИТОЙ ФАЛСАФАСИ

I БЎЛИМ

ҚАДИМГИ ДАВР

1-МАВЗУ

ҚАДИМГИ ХИТОЙДА АСОТИРИЙ ТАФАККУР ВА ФАЛСАФИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўзининг узок йиллик тарихи ва бой маданиятига эга бўлган Хитойдаги энг қадимги асотирий тафаккур тарзи ва фалсафий билимларнинг пайдо бўлиши ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ушбу фалсафий қарашларни қадимги юнон фалсафаси билан қиёсий таҳлил қилиш ва илмий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Қадимги Хитой, дунё, инсон, илоҳийлаштирилган муҳит, осмон, ер, олий қоида, олий ҳукмдор, аждодлар руҳи, девлар, алқов, фол, келажак башиорати, бронза идишлар, «Ўзгаришлар китоби», «Тоглар ва денгизлар китоби», донишманд эрлар.*

Асосий саволлар

1. Хитой фалсафасида дунё ва инсон ҳақидаги тушунчалар.
2. Хитой фалсафасига донишманд эрлар таъсири.

Хитой фалсафасида дунё ва инсон ҳақидаги тушунчалар

Хитой фалсафаси дунё ва инсон ҳақида ўзига хос тушунчалар яратган. Хитой фалсафий тафаккурининг ибтидоси ҳам, худди кейинчалик Қадимги Юнонистонда бўлгани каби асотир тафаккурга бориб тақалади. Хитой афсонавий фикрида ҳам осмон, ер ва табиатдаги барча нарсалар илоҳийлаштирилади. Илоҳийлаштирилган муҳитдан энг олий қоида келтириб чиқариладики, у дунёни бошқариб, ашёларга мавжудлик бахш этади. Ушбу қоидага гоҳида шахсият бағишланиб, энг олий ҳукмдор (*шан-ди*) сифатида тушунилса ҳам, кўпинча «осмон» (*тян*) сўзи билан ифодаланган.

Бутун табиат жонлантирилган – ҳар бир нарса, жой ва ходиса ўз девларига эга. Ўлган аждодлар руҳини ҳурматлаш кейинчалик уларга сиғинишни келтириб чиқариб, Қадимги Хитойнинг муҳофазакорона тафаккур юритилишига олиб келган. Руҳлар инсонга унинг келажagini башорат қилиши, унинг хулқи ва фаолиятига таъсир қилиши мумкин, деб тушунилган. Қадимги афсоналарнинг илдизлари милоддан аввалги II-минг йилликка бориб тақалади. Ўша вақтда Хитойда алқов сўзлар ва ифодалардан фойдаланиб, фол амалиёти орқали руҳ билан алоқага кириш ёйилган эди. Бундай алқов ёзувларни бронза идишларга ёзилган айрим нарчалар, кейинчалик эса, «Ўзгаришлар китоби»дан мушоҳада қилиш мумкин. Қадимги Хитой афсоналар тўплами милоддан аввалги VII-V асрларга тааллуқли «Тоғлар ва денгизлар китоби» (Шан хай цзын)да баён этилган.

Хитой фалсафасига донишманд эрлар таъсири

Хитой фалсафий фикри ривожининг ўзига хос хусусияти уларга «донишманд эрлар», деб аталмиш кишиларнинг (мил.ав. I-минг йилликнинг биринчи ярми) кўрсатган таъсири билан белгиланади. Уларнинг исмлари маълум бўлмаса ҳам, аммо шу нарса сезиладикки, улар дунёни афсонавий тушунини чегарасидан чиқиб, уни тушунчалар орқали идрок қилишга ҳаракат қилганлар. Афсоналар билан борлиқни тушунчалар орқали идрок қилишга алоқа чизиги тортган бу донишмандлар ижодидан кейинги Хитой файласуфлари нақлу қавллар келтирганлар ва уларнинг карашларини ривожлантирганлар.

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

- 1. Хитой фалсафасининг дастлабки баҳс мавзулари нима эди?*
- 2. Хитой афсонавий тафаккурида нималар илоҳийлаштирилган?*
- 3. Қадимги Хитойда дастлабки асоцирий тафаккур илдизлари қайси даврларга бориб тақалади?*
- 4. Қадимги Хитой фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари нимада?*
- 5. Донишманд эрлар кимлар эди?*

6. Қадимги Хитой фалсафасига оид қандай манбаларни биласиз?
7. Донишманд эрларнинг кейинги даврлар Хитой фалсафасига таъсири қандай бўлди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Қадимги Хитойда асотирий тафаккур» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 5та савол, 10та тест ва 5та блиц-савол тайёрланг.
4. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдириг (4-илова).

4-илова

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Древнекитайская философия. В 2-х томах. –М., 1972.
2. Китайская философия. Энциклопедический словарь. –М.: Мысль, 1994.
3. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.– М.: Восточная литература РАН. –2002.
4. Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого. –Смоленск: «Русин», 2000.
5. История философии в кратком изложении. –М.: Мысль, 1991.
6. Быков Ф.С. Зарождение политической и философской мысли в Китае. –М., 1966.
7. Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. М. 1981.

2-МАВЗУ

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ФАЛСАФАСИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Қадимги Хитой фалсафаси тараққиётининг асосий босқичлари, Қадимги Хитойдаги фалсафий мактаблар фаолияти ва ғоялари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ушбу мактабларнинг таълимотларини фалсафий мушоҳада қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Қадимги Хитой, «Шу-жинг», ой-қуёш тақвими, Шан-ин, дунё, инсон, «Чунь цю», олий қоида, Ци («ҳаво», «эфир»), инь («салбий» «зулмат») ва ян («ижобий», «ёруғлик»), (Ши-жинг) («Шеърлар китоби»), «само» ва «аждод»лар руҳи, Конфуцийчилик мактаби, Лао зи, Дао мактаби, Инь ва Ян мактаби, Легизм мактаби, «Немлар» мактаби, Моизм мактаби, даврлаштириш муаммоси.*

Асосий саволлар

1. Қадимги Хитой фалсафасининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
2. Қадимги Хитой фалсафий мактаблари.
3. Мактаблар ҳақидаги ёзма манбалар.
4. Хитой фалсафасини даврлаштириш масалалари.

Қадимги Хитой фалсафасининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Хитойда фалсафий қарашлар эрта пайдо бўлган бўлиб, жамиятда қулчилик тизимининг шаклланиши ва содда табиий билимларнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқдир. Археологлар суякларда топган ёзувлари, «Шу-жинг» деб номланган қадимги китоб Хитой мунажжимлари Шан-ин давридаёқ (мил.ав. XVIII-XII аср) йилни 366 кундан иборатлигини аниқлаб, Ой-Қуёш тақвимини яратганлигида гувоҳлик беради. Ой ва Қуёш йиллари ўртасидаги фарқни бартараф этиш учун улар ҳар 3 йилда тақвимга қўшимча ой қўйдилар. Мил.ав. VII асрда эса, улар Ой-

Қуёш тақвимини такомиллаштирдилар. Бунда ҳар 19 йилга 7 та кўшимча ой кўшилди. Қадимги Хитой олимлари томонидан Ой-Қуёш тақвимининг яратилиши Ерга нисбатан юлдуз, Қуёш ва Ойнинг жойини ўзгаришини ва ҳаракатларининг кўп асрлик кузатувлари натижасида асосланган эди. Мил.авв. иккинчи мишг йилликнинг охиридан бошлаб, қадимги Хитой мунажжимлари Қуёш тутилиши ҳақидаги ёзувларни олиб бордилар. Кўп ўтмай уларнинг даврийлигидан хабардор бўлдилар. Мил.ав. VII асрдаёқ йилни алоҳида даврларга бўлинишини аниқлаб берадиган ёзги ва қишки тенг кунликни аниқлаш учун Қуёш соатлари қўлланар эди. Қадимги манбаларда комета ва метеоридлар ҳақида кўплаб ёзувлар мавжуд. Масалан, «Чунь цю» йилномаларида кометани милoddан аввалги 611 йилда қутб юлдузи ҳудудига кирганлиги ҳақида ёзилган. Уларда метеор ёмғирлари ҳақида ҳам кўп сонли ёзувлар мавжуд. Хусусан мил.ав. 687 йилнинг 6 мартда бўлиб ўтган метеор ёмғири ҳақида ёзилган. Мил.авв. IV асрда Хитой мунажжимлари Гань Дэ ва Ши Шень юлдузлар ҳақидаги 2 та китобни ёздилар, кейинчалик у «Гань Ши Син-цзын» номи билан битта умумий юлдузлар каталогини туздилар. Бу дунё бўйича тузилган юлдузлар ҳақидаги дастлабки каталог эди. Қадимги Хитойда астрономия билан боғлиқ илмлар ривожланди.

Масалан, Чжан Цан (мил.ав. II-асрнинг биринчи ярми) ва Цзын Чоу-чан (милодий I-аср) қадимги манбаларга асосланиб, 9 бобдан ташкил топган «Арифметикага оид китоб» яратдилар. Унга мувофиқ, коэффициентларни тенглаштириш ёрдамида номаълумларни изчил истисно қилиш йўли билан 2 та ва 3 та номаълум сони бўлган биринчи даражадаги тенгламаларни ечишда тизимли услуб баён этилади. Бу асарда математика тарихида илк бор манфий сонлар ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш қоидалари берилган. Китобда квадрат ва кубга сонларни киритиш қоидаларига асосланган квадрат ва куб илдизларни топиш услуби тасвирланган.

Китоб муаллифлари тенгбурчакли учбурчакни гипотенузаси квадратининг катетлар квадрати йиғиндисига тенглиги ҳақида ҳам хабардор эдилар.

Қадимги Хитой хўжалигининг асосий соҳаси бўлган зироатчиликнинг ривожланиши даврида астрономик ва биологик билимлар тўпланди. Биргина (Ши-жинг) («Шеърлар китоби») ки-

тобида маданий ва ёввойи ўсимликларнинг 200 дан зиёд турларининг тавсифи берилади.

Қадимги Хитойнинг ҳунармандчилиги ҳам такомиллашган эди. Шань Инь давридаёқ, яъни милoddан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида сопол буюмлар, ёғочдан турли махсулотлар, асл бронза қуроллар, шойи матолар тайёрланар эди. Мил.ав. VI асрда темирнинг тарқалиши ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, хаттоки ижтимоий муносабатларда ўзгаришларга ва илмий билимларни юксалишларга олиб келди. Бу даврда катта қурилиш ишларини амалга ошириш, кўп сонли сарой ва шаҳар қалъаларини қуриш, қувур ва сув тизимларини барпо этиш авж олди. Мамлакат ҳарбий ва савдо йўллари тармоғи билан боғланди. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларидаги кўп асрлик ижодий меҳнат кейинчалик келиб фаннинг ҳам ривожланишига тўртки берди. Айниқса, бу даврларда табиат сирларини билишга бўлган интилиш кучайди. Бу ҳақида, қадимги «Го юй» ва «Цзю чжуань» манбаларида кўплаб маълумотлар сақланиб қолинган. Ўша қадим замонлардаёқ сув, олов, ёғоч, олтин ва ер бирламчи унсурлар эканлиги ҳақидаги содда фалсафий қарашлар ёзиб қолинган. Цзю Чжуанда бирламчи унсурлар *Ци* («ҳаво», «эфир»), *инь* («салбий» «зулмат») ва *ян* («ижобий», «сўғулик») каби тушунчаларни фалсафий нуқтан назардан бир-бирига боғлаб ўрганиш чуқур мазмун касб этади.

Ўзгаришлар китобида («И жинг») 5 та бирламчи унсурларнинг умумий асоси ўз манбаси «тай цзы» «буюк ибтидо» бўлган *ци* материал субстанция масалалари ҳақида фикрлар ўз ифодасини топа бошлади.

Хитой фалсафасида бир- бирга қарама-қарши *Инь ва Ян* кучларга эга бўлган *ци* – тумансимон массадан барча нарсалар вужудга келади деган таълимот мавжуд бўлган. Қадимги Хитойда элементар илмий билимлар асосида пайдо бўлган содда материалистик гоялар кулдорлик жамияти шаклланиши ва ривожланиши шароитида, қабила жамоаси аъзолари билан қабила зодагонлари ўртасида тобора ўсиб бораётган зиддиятни ифода этар эди. Шу билан бирга қул ва қул эгалари орасида қаншоқланган жамоа ва қабила зодагонлари, камбағал ва қаншоқлар ўртасидаги зиддиятлар кескинланиб, чуқурлашиб борди.

Қадимги («Ши жинг») «Шеърлар китоби»да шундай ёзилган: «Айримлар қашшоқликда ва кўрқувда яшайди, бошқалар эса, шароб ва мусиқа эшитиб роҳатланадилар», «кимда ким экмаса ва меҳнат қилмаса, мўл ҳосил йиғади». Бундай ғоялар ўз даврининг илғор кишиларини «само» ва «аждод»лар руҳига ишонмай кўйишга олиб келди. Масалан, қадимги шеърларда шундай сатрларни учратамиз: «Само ёвуз ва адолатсиз, у инсонларга фақат офат ёғдиради». Вафот этган аждодларни улар инсонпарварлик ва инсонларга муҳаббат ҳиссидан ажраб қолиб, ташлаб кетган ўғлон ва набира ва авлодлари ҳақида қайғурмай қолганликда айблайдилар. Кишиларда жамиятни бундай фирклаши Қадимги Хитойда аста - секин атеизмнинг пайдо бўлишига олиб келди. У консерватив¹⁶⁰ қабила зодагонларига қарши курашда жамиятнинг прогрессив (илғор) кучларининг жанговар қуроли сифатида хизмат қилди. Ўша давр ғайридинлар орасида йирик сиёсий арбоблар – қонун асосида бошқаришнинг асосчилари Гуань Чжун (мил.ав.VII аср), Цзы Чань (мил.ав.VI аср) ва бошқалар бўлган. Уларнинг фикрича, фаровонлик ва бахтсизликни инсонлар ўзлари барпо этадилар, уларнинг тақдирини «само иродаси»га тобе эмас, деган қарашлар амалий мазмун касб эта бошлади. «Қонунлар давлатни тараққиётга ва жамиятни фаровонликка элтивучи ягона йўл» деган машҳур таълимот Гуан Чжунга тегишлидир. Унингча, Само ости фуқароларининг барчаси қонун олидида тенгдир. «Подшоҳлар эса, қонунларнинг булоқ-қайнар кўзи» яъни (яратувчиси бўлиб), уларнинг ўзи ҳам амалда қонунга бўйсинадилар, аксинча, жамият турғунлик сарин юз буриб, (ундай) давлат инқирозга юз тутлади.

Хитой фалсафасига хос бўлган яна бир жиҳат бу Хитой фалсафасида табиий фанларни ўрганишга кам аҳамият қаратилганлиги билан таснифланади. Масалан, Хитой фалсафасида методологик жиҳатдан табиий фанларга хос бўлган илмий тушунчалар у ёки бу даражада ўз ифодасини топмаган. Файласуфлар томонидан табиий фанлар маълумотларига мурожаат этишни лозим топмаганлиги ҳам бунга маълум қадар сабаб бўлган. Айримлар моддийончилар ва натурал файласуфлар мактабини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо,улар Чжоу давридан кейинок ўз фаолиятларини тўхтатишган.

¹⁶⁰ Китайско –русский словарь / 2004. –С.832.

Ана шу маънода айрим маълумотларда қадимги Хитой фалсафасининг табиий фанлардан ажратилганлиги ва мантикка оид масалаларнинг ишланмаганлиги, Хитойда фалсафий тушунчалар шаклланишининг секин кечганлигининг асосий сабабларидан бири бўлган эди, шунинг боис кўнгина Хитой мактаблари учун мантикий таҳлил усули номаълумлигича қолиб келган, деган фикрлар ушбу ўринда маълум маънода ўзини оклайди.

Қадимги Хитойда фалсафа мактаблари

Қадимги Хитойда марказлашган давлатчиликнинг кучсизланиши оқибатида марказий бошқарув маъмуриятининг турли соҳа вакиллари (жойлардаги ҳукмдорларга таъсир этиш учун) фалсафий мактаблар ташкил этишга киришдилар (1-илова). Ташкил этилган мактаблар эса, умумий «Цзя», деб номлана бошлади. Бу номлаш ўз вақтида уларнинг жамиятдаги хусусий мақомини белгилаб берар эди. «Цзя» сўзининг асли моҳияти ҳам «уй», деган маънони англатади.

1. *Конфуцийчилик* мактабига олим – интеллектуал салоҳият эгалари ва ҳунармандлар асос солган бўлиб, уларнинг асосий мақсади Конфуций ғояларини тарғиб қилиш ва уни ривожлантириш бўлган. Шу маънода уларнинг амалий фаолиятида *инсонпарварлик (Жэнь)* ғояларини тарғиб қилиш бош масала бўлган.

2. Лао-цзи асос солган *Дао мактаби*. Бу мактабга тарки дунёчилик қилган дарвешлар, мувафакқият ва мағлубият, мавжудлик ва ҳалокат, қайғу ва бахт, қадимийлик ва замонавийлик йўли (*Дао*) тўғрисида йилшомалар тузиш туфайли «показалик ва бўшлиқ», «камситилиш ва заифлашиш» орқали «поҳона санъат», ўз-ўзини сақлашга эришган хронография муассасаларидан чиққанлар яратилган.

3. *Инь ва Ян* (зулмат ва ёруғлик) мактабини, (дунёни ташкил этувчи, бошловчилар) осмон белгилари, кўш, ой, юлдузлар, қонот мўлжаллари, вақт алмашувини кузатувчилар - астрономия муассасаларидан чиққанлар яратганлар.

4. *Легизми*, «одоб-ахлоқ асосидаги» бошқарувни (*Ли*) мукофотлар, жазолар, муайян қонунлар билан тўлдирган, суд муассасаларидан чиққанлар яратилган.

5. «Исмлар» мактабини, фаолиятлари қадимда мансаб ва маросимлардаги номиналлик ва реаллик мос келмаганлиги боис уларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган маросимлар муассасаси вакиллари яратишган.

6. *Моизм* мактабига тежамкорликни, «кўп нарсани ўз ичига олувчи мухаббат» (Цзян ай)ни, «лойикларини»(сян) илгари суришни, навям (гуй) кадр-қимматни билувчи ва уни ҳурмат қилувчи, (мин) «олдидан тақдирга битилган» ва «бир хилликни» инкор этувчи ибодатхона қоровулларидан чиққанлар асос солишган.

Мактаблар ҳақидаги ёзма манбалар

Ушбу ўнлик мактабларига асосланган манбаларни милоддан аввалги III-II асрларнинг энциклопедик ёдгорликлари бўлган Люй ши чунцю (жаноб Лю янинг баҳор ва кузи) ва Хуайнань цзы (Хуайнанлик ўқитувчининг асари)да кузатиш мумкин. Уларнинг биринчисида(2–боб,5-7) «Осмон остининг ўнта атоқли арбоблари рўйхати киритилган: 1) ён беришни кўпларга ўрнак қилиб кўрсатувчи Лао Цзы, 2) инсонпарварликни улуғловчи Конфуций, 3) «мўътадиллик»ни ифодаловчи Моди, 4) «софлик»ни улуғловчи Гуань инь, 5)«борлик»ни улуғловчи Ле Цзы, 6) «тенглик»ни мактовчи Тянь-пянь, 7) «эгоизм - худбинлик»ни шарафловчи Ян Чжу, 8)«куч»ни кўпларга кўтарувчи Сунь бин, 9)«Олдинга интилиш»ни қўлловчи Ван бяо, 10) «эрғашиш»ни улуғловчи Эр лян. Ушбу тўпламда Конфуцийчилик, Моизм ва Даосизмнинг хилма-хил кўринишлари билан бирга сўнгги учинчи ўринда И Вэнь чжи матни билан боғлиқ «ҳарбий мактаб» ўз ифодасиши топган. Хуайнань цзы асарининг умумлаштирувчи якуний – 21 боби таркибида фалсафа мактабларининг вужудга келиши ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари тўғрисидаги ғоялар келтирилган бўлиб, улар қуйидаги тартибда кўрсатилган: 1) Конфуцийчилик. 2) Моизм. 3) Даони Лэгизм билан уйғунлаштирган Гуан цзы таълимоти (мил.ав.IV-III асрлар). 4) Конфуцийчиликни даосизм билан уйғунлаштирилган ва сезиларли равишда Ян-цзы чунь цю (ўқитувчи Ян баҳори ва кузи) ифодаланган Ян-цзы таълимоти. 5) Вертикал ва горизонтал (сиёсий иттифоқлар) ҳақидаги таълимот. 6) Шэн Бохайнинг «жазолар ва исмлар» (син мин) ҳақидаги таълимоти; 7) Шан ян (Гун Сунян)нинг (мил.ав. IV аср) қонунлар тўғ-

рисадаги таълимоти; 8) Даосизм билан суғорилган Лао цзы ва Хуайнанцзы таълимоти; мазкур бобнинг бошида Лао-цзы ва Чжуанцзы таълимоти ажратиб кўрсатилган, 2 бобда эса, Ян Чжу (Моци, Шэн Бохай, Гун Сунян таълимоти билан бирга тўртликни танқил этувчи) кўрсатилган бўлиб, яхлит ҳолда *И вэн чжи* турланиши билан ўзаро муносабатда ўнтага бўлинган тўпلامни ташкил этиб, хусусан, «вертикал ва горизонтал (сиёсий иттифоқлар)» мактабига хос белги ва фалсафа мактабларининг келиб чиқиши тарихий воқеликни умумий боғланиш орқали алоқадорлиги кўрсатиб берилган.

Ўзлариши «Хан»лар деб атаган Хитой империяси этноними бўлиб келган, марказлашган Хан империяси шаклланиши даврида яратилган «Лю син – бан гу» назарияси анъанавий фанда мумтозлик мавқеига эга бўлди. Кейинчалик, бутун Хитой тарихи мобайнида унга ишлов бериш давом этиб, унинг кейинги ривожига Чжан Сючэн (1738-1801) ва Чжан Бинлинь (1890-1936)лар алоҳида хисса қўшдилар.

Бу таълимот XX аср Хитой фалсафасида Ху Ши томонидан қаттиқ танқид қилиниши билан бирга олтига асосий мактабни нафақат турли касб, балки турли хилдаги шахслар ва турмуш тарзи вақллари яратган деган хулосага келган Фэн Юлан томонидан қўллаб қувватланди ва ривожлантирилди. Мактаблар ҳақида маълумот берувчи бу тўпламларнинг узоқ муддат мавжуд бўлиб келганлиги ўша давр мактабларининг жамият ҳақидаги ғоявий қарашлари хусусида етарлича маълумотларга эга бўлиш имкониятларини беради.

Хитой фалсафасини даврлаштириш масалалари

Хусусан, Хитой файласуфлари томонидан Хитой фалсафасини даврлаштириш ҳақида гап кетганда мазкур масала билан боғлиқ куйидаги уч жиҳатга аҳамият қаратилади: қадимги Шан-Ин ва Чжоу сулоласининг охири (III аср охири); ўрта асрлар – Хань ва Тан сулоалари ҳукмронлиги (III аср охири – X аср); Сун- Юань, Мин ва Цин сулоалари даври (X-XIX)¹⁶¹. Аммо, Рус синологларининг фикрича эса, Хитой фалсафасини ушбу нуқтан назардан

¹⁶¹ Древнекитайская философия 2- х томах. –М., 1972.

илмий таснифлаш тарихнинг Ной Нау бўйича даврлаштириш мезонларига тўғри келмайди. Яъни, уларнинг фикрича, Хитой фалсафасини куйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ (2-илова). Булар: 1. Хитой фалсафасининг қадимдан милюдий III асргача бўлган тараққиёти; 2. Хитой ўрта асрлар тараққиёти фалсафаси II-XVIII асрлар охири; 3. Хитой фалсафасининг янги -- (XVIII асрнинг охиридан бугунгача) даври¹⁶². Аммо, бу борада XX аср охири ва XXI асрнинг бошларига келиб кишилик жамияти ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни ҳам четда қолдирмаслик керак. Зеро, бугунга келиб фанда муаммоларни цивилизацион ёндошувлар орқали ўрганиш жиддий аҳамият касб этмоқда. Бу эса, яқин ўтмишда тўғри, деб қараб келинган айрим илмий концепцияларни ҳам ҳақиқатдан йироқ эканлигини кўрсатмоқда.

Ана шу маънода Хитой фалсафаси тараққиётида чуқур из қолдирган Конфуций ва Лао-цзи фалсафасини ўрганиш нафақат илмий мазмун касб этади, балки Хитой фалсафаси тараққиёти билан боғлиқ айрим масалаларга ойдинлик киритади. Зеро, жамият тараққиёти учун Конфуций ва Лао-цзи томонидан илгари сурилган фалсафий – ғоявий қарашлар мантикаан бир – бирига қарама-қарши. Ҳаёт давомида эса, ўз ғояларини қўллаб-қувватлаб келган давомчиларига эга бўлиб келди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Қадимги Хитой фалсафий мактаблари



¹⁶² Китай. – Л.- М. 1940.

Хитой фалсафасини даврлаштириши



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Қадимги Хитой фалсафасини бошқа фанлар билан алоқадорлиги нималарда кўзга ташланади?
2. Қадимги Хитойда табиий фанларнинг ўрғанишига бўлган иштиёқ қандай эди?
3. Қадимги Хитойдаги асосий фалсафий мактаблар қайсилар эди?
4. Қадимги Хитой фалсафий мактаблари ҳақидаги ёзма манбаъларни биласизми?
5. «Исмлар мактаби», деганда нимани тушунасиз?
6. Хитой фалсафасини даврлаштириши масаласига оид шахсий тавсияларингизни бера оласизми?
7. Қадимги Хитой фалсафий тафаккури бугунги кунда инсоният олдига турган қандай муаммоларни бартараф этишига ёрдам бериши мумкин?
8. Қадимги Хитой фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Қадимги Хитой фалсафий мактаблари» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 15та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Қадимги Хитой ва Қадимги Юнонистон фалсафий мактабларининг ғояларини ўзаро қиёсий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. «Қадимги Хитой фалсафаси» мавзусида кластер тузинг.

Адабиётлар

1. *Древнекитайская философия. В 2-х томах. М., 1972.*
2. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. –М.: Мысль, 1994.*
3. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.–М.: Восточная литература РАН. –2002.*
4. *Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого. –Смоленск: «Русин», 2000.*
5. *История философии в кратком изложении. –М.: Мысль, 1991.*
6. *Быков Ф.С. Зарождение политической и философской мысли в Китае. –М., 1966.*
7. *Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. М. 1981.*

3-МАВЗУ

ХИТОЙ МАЪРИФАТЧИЛИГИНИНГ МУМТОЗ КИТОБЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Қадимги Хитой фалсафий тафаккури манбалари бўлган Хитой маърифатчилигининг мумтоз китобларининг келиб чикиши, мазкур китоблардаги асосий фалсафий ғоялар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, шунингдек, талабаларда Шарқнинг муҳим минтақаларидан бўлган Қадимги Хитойнинг илмий-фалсафий меросидаги ахлоқий ғояларни таҳлил қилиш ва амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Мумтоз китоблар, Ашулалар китоби, Тарих китоби, Урф-одатлар ва маросимлар китоби, Баҳор ва куз китоби, Ўзгаришлар китоби, шеърият, қонунчилик, фалсафа, фолбинлик, Дун Чжунцу, конфуций, қабилалар, касб-ҳунар, Шан ҳужжатлари, расмий ёзувлар, Лу давлатининг солимаси, тошбақа косаси, инь ва ян унсурлари, ижод этиши, ижро этиши, аиёвий чизиқлар, бахт, бахтсизлик, ачиниши, уят, йўл, дао, олтига асосий тушунча осмон, ер, инсон, зиёли эр, ўз кучи (дэ), Қуёш, ой, бириктириши.*

Асосий саволлар

1. Хитой маърифатчилигининг мумтоз китоблари.
2. Мумтоз китоблар ҳақида.
3. Инсон билими ва зиёли эр вазифаси.

Хитой маърифатчилигининг мумтоз китоблари

Хитой маърифатчилигининг мумтоз китоблари милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмида ва юзта мактаб даврида (мил.ав. VI-II асрларда) келиб чиққан (I-илова). Ушбу китобларнинг бир қатори қадимги шеърият, тарих, қонунчилик ва фалсафани ўз ичига олган. Бу китобларнинг муаллифлари номаълум бўлиб, ўзлари турли даврларда ёзилган. Конфуций изидан борган мутафаккирлар уларга алоҳида эътибор беришган. Милоддан олдинги II-асрдан бошлаб ушбу китоблар Хитой зиёлилари учун асосий тарбия манбаи бўлган. Уларни билиш давлат лавозимларини эгаллаш учун давлат имтиҳонларини топширишга етарли деб топилган.

XX асргача барча фалсафий мактаблар ўз мулоҳазаларида ушбу китобга мурожаат этганлар. Уларга таяниш бутун Хитой маданий ҳаётига хос хусусиятдир.

Илк конфуцийчиликни давлат мафкурасига айлантирган Дун Чжуншу мумтоз китобларнинг муаллифи сифатида Конфуцийни кўрсатган. Аммо эски матнларнинг тарафдорлари Конфуцийни фақат ушбу китобларнинг шарҳчиси сифатида тан олганлар, холос. XX аср бошигача мумтоз китобларнинг келиб чиқиши ва талқини тўғрисидаги баҳслар давом этган.

Мумтоз китоблар ҳақида

Ашулалар китоби (Ши цзын – мил.ав. XI-VI асрлар) қадимги халқ шеърятининг тўпламидир. Диний маросимларда куйланадиган ашулаларни ўз ичига олган. «Ўзгаришлар китоби»нинг баъзи шарҳловчиларнинг фикрича, «Ашулалар китоби» қабила-лар, касб-хунарлар ва ашёларнинг келиб чиқишини тушунтирувчи ирфоний асар бўлган. У кейинги Хитой шеърятининг ривожини учун намуна бўлиб хизмат қилган.

Тарих китоби (Шу-цзын – мил.ав. I-минг йиллик боши) – Шан шу (Шан ҳужжатлари) номи билан ҳам машҳур бўлиб, тарихий воқеаларни акс эттирган расмий ҳужжатлар тўпламидир. Кейинги даврларда шаклланган расмий ёзувлар учун катта таъсир кўрсатган.

Урф-одатлар ва маросимлар китоби (Лу шу – мил.ав. IV-I асрлар) уч қисмдан: Чжоу (Чжоу ли) даври урф-одатлари, Маросимлар тартиби (И ли) ва Урф-одатлар ҳақида Ёзувлар (Ли цзы)дан иборат бўлган. Диний ва сиёсий маросимларни тўғри ташкил этиш, ижтимоий ва сиёсий фаолият меъёрларини белгилаш масалаларини ўз ичига олган. Хитойнинг қадимги даврини идеаллаштириб, кейинги тараққиёт учун намуна ва меъёр сифатида тавсия этган.

Баҳор ва куз китоби (унь цю) Цзо (Цзо чжуань – мил.ав. IV аср) шарҳи билан бирга Лу давлатининг (мил.ав. VII-Vасрлар) солнома-сидир. Кейинчалик ахлоқий ва адабий расмиятчилик масалаларини ҳал қилишда намуна ва меъёр сифатида хизмат қилган.

Ўзгаришлар китоби (И цзын – мил.ав. XII-VI асрлар) энг муҳим асар эканлиги қайд этилган. Хитой фалсафасининг дунё ва инсон ҳақидаги биринчи тасаввурларининг дунё ва инсон ҳақидаги биринчи тасаввурлари акс эттирилган. Унинг матнлари турли

даврларда ёзилган бўлиб, унда дунёни тасвирлашда асотирий тафаккурдан уни фалсафий тушунишга ўтиш бошланганлиги кўзга ташланади. Унда қадимги даврларда борлиқ ҳақидаги масалани ҳал этиш йўллари ўз аксини топган.

«Ўзгаришлар китоби»да Хитой фалсафий фикри таракқиётининг асосий қоидалари эҳс эттирилган.

«Ўзгаришлар китоби»нинг келиб чиқиш матни, деб аталган илк саҳифалари милоддан аввалги XII-VII асрларда пайдо бўлган бўлса ҳам, аммо унинг узвий қисми бўлган матнларга ёзилган шарҳлар мил.ав.VIII-VI асрларда пайдо бўлган. Илк матн тошбақа косаси, бошқа ҳайвонларнинг суяклари ва ўсимликларга (ши) қараб фол очиш қабилардан келиб чиққанлигидан ташқари, бу ерда тушунча шаклида мужассам этилган инь ва ян унсурлари ҳақидаги афсоналарнинг акс садоси эканлиги кўзга чалинади. «Ўзгаришлар китоби»нинг энг муҳим қисмларидан бири инь ва ян унсурлари ҳақидаги афсонага бағишланган. Ян фаол, ҳамма нарса таркибига кира олувчи, ашёларни билиш йўлларини ёритиб берувчи нарса сифатида ифодаланади. Инь эса, ғайри фаол, бирор нарсани кутиб турувчи, зулмат ибтидоси сифатида таърифланади. Инь ва Яннинг ҳаракати – ягона нарсада ўзгаришга сабабчи бўлувчи ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Асосий илк матн олти тўғри чизиқнинг турлича мажмуаларидан ташкил топган 64 гексаграммалар, яъни рамзлардан иборатдир (2-илова).

Ҳар бир мажмуадаги гексаграммаларда ҳамда уларнинг чизиқларининг ҳар бир ҳолатига шарҳлар келтирилган. Ана шу гексаграммалардаги чизиқларнинг ҳолатига мувофиқ равишда «Ўзгаришлар китоби» ўз номини олган. Унга берилган шарҳларда биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Ўзгаришлар – бу тасвир этилган нарсадир. Ҳаракат ҳақидаги қатор табиий асосга таянади. Ашёвий чизиқлар дунё ҳаракатига мувофиқ келади. Шундай тарзда бахт ва бахтсизлик, ачинини ва уят намоён бўлади».

Шарҳловчилар (ҳозирча номаълум) учун гексаграммалар аста-секин фақат башоратчиликка тааллуқли эканлигини йўқотиб, дунёни ўз ҳаракатида умумий бирлик томон олиб борувчи 64 тушунча вазифасини ўтай бошлаганлиги қайд этилган. Инь ва ян ўз фаолиятларини бир-бирларисиз амалга ошира олмайдилар. «Инь ва ян ўз кучларини бирлаштирадилар, бутун ва кесилган тўғри чизиқлар

эса, осмон билан ер ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи шаклни ўзларига касб этадилар». Бу асосий қоидалар ўзларининг ўзаро таъсирларини ўзгартирадилар ва «ўзаро бир-бирларига» кирадилар, шунингдек, нимаики, «инь ва ян фаолиятида яширин қолса, тушуниб бўлмайдиган ҳолатда қолади». Инь ва яннинг бир-бирига ўтиб туриши йўл (дао) деб аталади, ва бу «йўл барча ашёларда яшайди». Инь ва яннинг ўзаро «ҳамдўстлиги» туфайли бир-бирига киришишидан уларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи олтига асосий тушунча келиб чиқади. «Ўзгаришлар китоби»нинг муаллифлари табиат ҳодисаларини ифодалашда табиий атамаларни қўллаганлар: «Барча ашёларни ҳаракатга келтириш учун, момақал-дирокдан тезроқ ҳеч нарса йўқ. Барча ашёларни саросимага солиб кўйиш учун, шамолдан ўзга қулайроқ нарса йўқ. Барча ашёларни қуриштириш учун, оловдан бошқа ҳеч қандай қуруқ нарса йўқ. Барча ашёларни тинчлантириш учун, қўлдан кўра сокинроқ нарсанинг ўзи йўқ. Барча ашёларни ҳўллаш учун, сувдан кўра ҳўлроқ ҳеч нарса йўқ. Барча ашёларнинг пайдо бўлиши ва интиҳосига етишиш учун, қайтишдан тўлароқ ҳеч нарса йўқ. Ахир бу барча ашёларни тўлдириш-ку». «Ўзгаришлар китоби» даони, яъни ашёлар йўли ва дунё йўлини ҳаракатдаги ҳолатини кузатиб боради. Унда, айниқса, «уч нарсанинг қатнашиши» алоҳида ажратиб кўрсатиладики, улар ўз йўлларича ҳаракатланадилар, аммо ҳар доим бирга келадилар, булар: осмон, ер, инсон. Ўзгаришлар китоби: кўшимча этилган ҳукмлар шарҳи II жилд, 10-боб: «Ўзгаришлар шундай китобни ташкил этадиларки, у улугвор ва кенг бўлиб, ҳамма нарсани қамраб олади. Унда осмон йўли, замин йўли, инсон йўли ўз аксини топган. Ушбу биргаликда мавжуд бўлган ва олти тўғри чизиқ сабабидан бир-биридан ажралиши мумкин бўлган иштирокчилар, берилган уч нарсанинг йўлидан бошқа нарса эмас»¹⁶³.

Инсон билими ва зиёли эр вазифаси

Инсоннинг барча билимлари ҳамма мавжуд нарсаларни тушуниш, бир-биридан ажрата билиш ва айрим белгиларни идрок этишга қаратилган. «Зиёли эр барча нарсаларни бир-бирига қўша олишни уйдлаш учун ўқиб ўрганади. Зиёли эр, барча


¹⁶³ Восточная философия. Перевод с чешского канд.филос.наук Богута И.И. –Москва: Мысль, 1991. –С.564.

нарсаларнинг фарқига бориш учун сўраб-суриштиради. Ҳамма нарсаларни бўлиб чиқа олиш учун, барча нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича қолдиради». Инсон табиат дунёсидаги ўз ўрни ҳақида ўйлаши лозим, «ўз кучини (дэ) Осмон ва Ер билан қўшиши, ўзининг порлашини Қуёш ва Ой билан бириктириши, ўз фаолиятини йилнинг тўрт фасли билан бирлаштириши» зарур. У «пайдо бўлиш ва таназзулга юз тутишни ҳам билиши» ҳамда «бунинг барча ҳақиқатини йўқотмаслиги» лозим.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Хитой мумтоз китоблари



«Ўзгаришлар китоби»даги гексаграмма

1. _____

Ижод этиш (Цян)

2. _____

Ижро этиш (Кунь)

3. _____

Ҳали тугалланмаган(Вай цзы)

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Хитой маърифатчилигининг мумтоз китобларини ўрганишнинг муҳимлиги нимада?*
2. *Мазкур мумтоз китобларнинг муаллифлари кимлар эди?*
3. *Урф-одатлар китобида нималар ҳақида сўз боради?*
4. *Ўзгаришлар китобида олам ва одам ҳақидаги тасаввурлар қандай акс эттирилган?*
5. *«Зиёли эр» тушунчасидаги ахлоқий категорияларга яна нималарни киритиш мумкин ?*
6. *Кейинги даврда мумтоз китобларнинг Хитой тафаккури тараққиётига таъсири қандай бўлди?*

7. «Зиёли эр» тушунчасидаги ахлоқий категорияларни билиш жамиятимизда баркамол авлодни тарбиялашда нечоғлик муҳим?
8. Мумтоз китобларнинг энг асосий хусусиятлари нимада?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Хитой маърифатчилигининг мумтоз китоблари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест ва 10та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Қадимги Хитой маърифатчилигининг мумтоз китобларидаги ижтимоий-ахлоқий ғояларни антик давр юнон ахлоқшунослигидаги ғоялар билан қиссий таҳлил қилинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдириг (3-илова).

3-илова

ФСМУ учун топшириқ: Ўзгаришлар китобидаги фалсафий қарашларни таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Ўзгаришлар китоби, Конфуций, инь ва ян, гексаграмма, олам, одам.

Савол	Ўзгаришлар китобидаги фалсафий қарашлар
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. И.И.Бозута.* –М.: Мысль, 1991.
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах.* –М., 1972.
3. *История философии в кратком изложении.* –М.: Мысль, 1991.
4. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.* –М.: Восточная литература РАН. –2002.
5. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* –М.: Мысль, 1994.
6. *Конфуций. Уроки мудрости* –М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.
7. *Шуцкий Ю.К. Китайская книга перемен.* –М., 1960.

4-МАВЗУ

КОНФУЦИЙ ВА КОНФУЦИЙЧИЛИК ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Қадимги Хитой фалсафасининг энг йирик вакилларида бири бўлган Конфуций ва конфуцийчилик таълимоти, ушбу таълимотдаги борлик, билиш ва ижтимоий адолатга оид ғоялар ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда конфуцийчилик таълимотининг ахлоқий ғояларини фалсафий мушоҳада қилиш ва амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Конфуций, Кун Фу ызы (муаллим Кун), конфуцийчилик, муҳофазакорона таълимот, ижтимоий меъёр, инсон тарбияси, муштоз китоблар (ызы), донишмандлик шарҳловчиси, «Сўхбатлар ва ҳукмлар» (Лун юй) китоби, Яо, Шунь ва Юй, адолат, Осмонга сизини, «Шу-ызын» китоби, исмлар, расм-русумлар, муסיқа, биродарлик олишжаноблиги (сяо ти), олишжаноб эр (цзюнь ызы), ахлоқий кучга (дэ), билим (чжи).*

Асосий саволлар

1. Конфуций – қадимги аجدодлар донишмандлигининг шарҳловчиси.
2. Конфуций адолат ҳақида.
3. Конфуцийнинг «исмларни тузатиш» ғояси.
4. Конфуцийда тартиб тушунчаси.
5. Конфуций билим ҳақида.

Конфуций – қадимги аждодлар донишмандлигининг шарҳловчиси

Конфуцийчилик ягона, бир бутун таълимот эмас эди. У муайян жамият ташкилотининг назарияси сифатида ахлоқий қоидалар, ижтимоий меъёрлар ва бошқарувни такомиллаштиришга диққат-этибор берган ва бу соҳада муҳофазакорона мавқеда турган ғоя эди (1-илова). Конфуций ўзи ҳақида: «эскини баён этаман ва янгини барпо этмайман» деган эди. У ва унинг издошлари жамиятнинг ахлоқий таназзулидан хавотирланиб, инсон тарбиясига асосий этибор қаратиб, жамиятда бир-бирини кечирриш муҳитини барқарор этишга ҳаракат қилдилар.

Конфуций (мил.ав.551-479 йй.) нинг ҳақиқий исми Кун Фу цзы (устоз Кун) бўлиб, лотинча ёзилишда Конфуций сифатида қайд этилган. Бу мутафаккир (олдинги исми Кун-цю) Хитойнинг биринчи файласуфи ҳисобланган. Конфуций бир неча йиллар давомида Шарқий Хитой давлатлари бўйлаб саёҳатга чиққан ва ҳаётининг охириги йилларини шогирдлар тарбиясига қаратиб, баъзи мумтоз китобларни (цзын) тартибга солган. У таълимоти Цинь сулоласи ҳукмронлиги даврида таъқиқланган кўпгина файласуфлардан бири эди. Хань сулоласи даврида Конфуций катта эътибор қозониб, илоҳийлаштириш даражасига бориб етган ва янги давргача ҳурматли донишманд сифатида тақдирланган.

Конфуцийнинг фикрлари ўз шогирдлари билан қилган суҳбатлари тарзида сақланиб қолган. Унинг суҳбатлари мазмуни ўз ифодасини топган «*Суҳбатлар ва ҳукмлар*» («*Лун юй*») китоби энг ишончли манбадир; унда Конфуций ўзини қадимги аждодлар донишмандлигининг сақловчиси ва шарҳловчиси сифатида танитган. У ўз замондошларини Қадимги Хитойнинг афсонавий ҳукмдорлари бўлган Яо, Шунь ва Юйлардан ўрнак олишга чақирган. Уларнинг хайрли ишлари ҳақидаги ҳикоялар авлодлардан авлодларга ўтиб келган.

Ижтимоий бурчга содиқлик ва холислик билан ном чиқарган ҳукмдор Яо халқни маърифатли қилган, барчага меҳр билан қараб, фуқаролик ва қонунчиликни жорий этган. Унинг ҳукмронлиги даврида уйларнинг эшиги кулфланмаган, йўқолган нарсалар эса, эгаларига қайтарилган.

Яо томи қамиш билан ёпилган кулбада яшаган. Унинг таоми ёввойи ўтлар ва гурунч бўтқаси бўлган. Кийими ниҳоятда оддий бўлган. Кулолчилик идишларидан овқат еган. Агар мамлакатда кимдир оч қолган бўлса, Яо албатта шундай деган: «Унинг оч бўлишига мен айбдорман». Агар мамлакатда кимнингдир кийими бўлмаса, Яо албатта яна шундай деган: «Унинг кийими йўқлигига мен айбдорман!» Агар мамлакатда кимдир жиноят қилган бўлса, Яо албатта шундай деган: «Мен уни жиноят қилишгача олиб бордим». У барча учун маъсулиятни ўз бўйнига олган. Мамлакатни кўп йил бошқарган Яо, қариб қолганда ҳокимиятни ўғлига қолдиришни истамаган. Чунки унинг ўғлининг бошқариш истеъдоди йўқ бўлганлигидан, Яо ўзидан кейин халқни қийналишини истамаган. Шунинг учун салоҳиятли кишиларни атрофига тўплаб, улардан энг

аклисига тахтни топширмоқчи бўлган. Шундай одам Шунь бўлиб чиққан. У ёшлигидаёқ ота-онасига зўр ҳурмати билан машҳур бўлган, деҳқончилик, балиқчилик ва қулчиликни ўрганган.

Шунь Яога ўхшаб бир печа ўн йиллар подшоҳлик қилган ва жуда кўп хайрли ишлари билан донг чиқарган. Кейин у ҳам. Яога ўхшаб, ашула ва рақслар билангина овора бўлган ўз ўғлига тахтни қолдирмаган, балки истеъдодли ва адолатли Юйга ҳокимиятни топширган.

Юй ўз ҳукмронлиги даврида мисли кўрилмаган сув тошқини оқибатларини бартараф этган. Тошқинга қарши курашда у ўз қўлига сабат ва белжурак олиб иштирок этган. Шамол ва ёмғирга қарамасдан, бутун халқни ўз кетидан сафарбар этган. У дарёлар ўзанини тозалаган, янги оқув йўллариини очган.

Конфуций ўз ташвиқотларида юқоридаги афсонавий ҳукмдорлар фаолиятдан ўрнак олишга чақирган. Ўзи тўғрисида у шундай деган: «*Мен шарҳлайман, аммо яратмайман. Мен қадимги даврларга ишонаман ва уни севаман*». Ва яна бошқа жойда: «Менинг таълимотим, қадимгиларнинг бизга қолдирган ва дарс берган таълимотларидан ўзга нарса эмас. Бу таълимотга мен ҳеч нарса қўшмасдан ва ҳеч нарсани олиб қолмасдан, аввалгидек, соф ҳолича етказаяпман. Бу таълимот ўзгармасдир, осмоннинг ўзининг ижодкоридир. Мен ўзим ерга уруғ сепадиган ва суғорадиган деҳқонга ўхшайман, аммо у ўз-ўзича сепилган уруғни кўкартириб чиқарадиган ва ўсимликнинг бошқа тури шаклига айлангир оладиган кучга эга эмас».

Конфуций адолат ҳақида

«Ер юзидаги адолатсизликни тугатиш учун нима қилмоқ керак?», деган саволга Конфуций: «кишиларни ахлокий тарбиялаш йўли билан», -деб жавоб берган.

Осмонга сизгиниш конфуцийчиликда муҳим ўрин тутган. Осмон муайян мақсадга йўналтирилган олий куч сифатида талқин этилган. У барча аҳолининг тақдирини белгилайди. Осмон улуғвор қудратга эга бўлган куч бўлиб, ақл ва олий адолат рамзидир. Аммо осмон ҳукмини ерда ижро қилишга ким лойиқ? Осмоннинг ердаги шундай «вакили» ҳукмдор шахсидир. Бу ҳақда конфуцийчиликнинг «Шу-цзын» китобида шундай дейилади: «Осмон,

одамларга ҳаёт бағишлаш билан бирга, уларга эҳтирослар ҳам беради. Агар одамлар бошқарувчисиз қолишса, унда бош-бош-доқликлар келиб чиқиши мумкин, шунинг учун Осмон олий ақи эгаси бўлган инсонни яратдики, лозим бўлган вақтда ҳукмрон бўлишга қодир». Шундай қилиб, Конфуций ва унинг издошлари ҳукмдорнинг ҳокимиятини илоҳийлаштирадилар. У нафақат Осмоннинг ердаги «вакили», балки инсонлар дунёси билан руҳлар ва илоҳий кучлар ўртасидаги воситачи ҳамдир.

Конфуцийнинг «исмларни тузатиш» ғояси

Конфуций «исмларни тузатиш» (чжэн мин) ғоясини илгари сурган эди. Тузатиш ёки тўғирлаш тушунчасининг моҳияти қуйидагилардан иборат эди: ҳар бир киши жамиятда ўзига ажратилган муайян жойни эгаллаши ва шунга мувофиқ ўз хатти-ҳаракатини ўлчаши лозим, яъни жамиятда ўз «мақом»и га эга бўлиши ё ҳукмдор ёки шох, катта лавозимдаги мансабдор ёки ўртача лавозимдаги ходим, ёки оддий фуқаро бўлиши зарур. «Олижаноб эр, - деган эди у, - ўзи билмаган нарсага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоғи лозим. Агар исмлар нотўғри бўлса, айтилган сўзлар асосли бўлмайди. Агар айтилган сўзлар асосли бўлмаса, у вақтда ишлар бажарилмайди. Агар ишлар амалга ошмаса, расм-русумлар ва мусиқа равнақ топмайди. Агар расм-русумлар ва мусиқа равнақ топмаса, жазолаш етарли даражада қўлланилмайди. Агар жазолаш етарли даражада қўлланилмаса, халқ нима қилишини билмай қолади».

Конфуцийда тартиб тушунчаси

Ғарбий Чжоу сулоласи давридаги муайян меъёрлар, муносабатлар, ҳаракатлар, ҳуқуқ ва бурчларни ифодаловчи тартиб тушунчасининг (ли) илк маъносини Конфуций намунавий ғоя сифатида тавсия этади. Унинг фикрича, тартиб инсоннинг табиатга, жумладан, кишилар ўртасидаги муносабатларида намоён баладиган умумий орзудаги истак туфайли ўрнатилади. Тартиб (ли) ташқи хатти-ҳаракатни, яъни этикетни ҳам ўз ичига олувчи ахлоқий тушунча сифатида намоён бўлади. Тартибга аслий келиб чиқиш жиҳатдан рюя этниш бурч мажбуриятларини мақсадга мувофиқ

равишда бажаришга олиб келади. «Агар олийжаноб эр (цзюнь цзы) аниқ иш тутувчи ва вақтни бекорга сарфламайдиган бўлса, башарти у бошқаларга нисбатан хурмат билан муомала қиладиган ва тартибга риоя этувчи бўлса, унда тўрт денгиз орасида яшовчи кишилар унга биродар бўладилар». Тартиб (ли) хайрли иш (дэ) билан тўлдирилади: «Цзычан ҳақида гапирган муаллим, унинг олийжаноб эр кишига тааллуқли тўрт хайрли ишини таъкидлаб ўтган. Хусусий хатти-ҳаракатида у мулойим, хизматда-аниқ иш тутувчи, инсонпарвар ва одамларга нисбатан адолатли». Конфуций фикрича, ўз вазифаларини ана шундай тартибга биноан бажариш зарурий равишда одамгарчиликнинг (жэнь) намоён бўлишига олиб келади. Одамгарчилик – инсонга нисбатан қўйиладиган барча талабларнинг асосидир. Инсоннинг яшаш тарзи шунчалик ижтимоийдирки, у уни бошқариб турувчи куйидагиларсиз яшай олмайди: а) *ўзинг нимага эришмоқчи бўлсанг, бошқаларга ҳам шунга эришишига ёрдам бер*; б) *ўзинг хоҳламаган нарсани, бошқаларга ҳам раво кўрма*.

Одамлар оилавий шароитга боғлиқ равишда, кейин эса, ижтимоий ҳолатларга нисбатан бир-бирларидан фарқланадилар. Оилавий отасолорлик (патриархал) муносабатларидан Конфуций *ўғиллик ва биродарлик олийжаноблиги (сяо ти) асосий қондасини* келтириб чиқаради. Ижтимоий муносабатларга оилавий муносабатлар тенгдирлар. Фуқаронинг ҳокимга, бошликнинг ўз қўл остидаги хизматчига бўлган муносабати ўғилнинг отага ва уканинг акага бўлган муносабати кабидир. Хизмат юзасидан бошлиққа нисбатан бўлган муомала тартибига риоя этиш учун Конфуций адолатлилик ва ижрочиликнинг асосий қондаларини (*ти*) ишлаб чиқди. Адолатлилик ва ижрочилик ҳақиқатни борлиқ сифатида тушунишга боғлиқ бўлмаганлиги туфайли, Конфуций бу масала билан махсус шуғулланмайди. Инсон тартиб ва унинг ҳолати тақозо этгандек, хатти-ҳаракат этмоғи лозим. Тўғри ижрочилик хатти-ҳаракати – бу шундай одобки, унда тартиб ва одамгарчиликка қатъий равишда риоя қилинади, негаки, «олийжаноб эр қайси нарса яхши ижрочиликка қаришини, худди кичик лавозимдаги одамлар нима фойдалигини билганидек, унинг фарқига борадилар».

Конфуций таълимотига кўра, маълумотли кишиларнинг йўли (*дао*) шундай бўлиб, улар ахлоқий кучга (*дэ*) эгадирлар ва

шунинг учун ҳам жамиятни бошқариш уларга ишониб топширилиши керак.

Конфуций билим ҳақида

Конфуцийнинг ахлоқий-сиёсий таълимоти қандайдир назарий билиш асосига таянмайди. Билим (*чжи*) ва унинг келиб чиқиш масаласини Конфуций қадимги китобларни ўрганиш ва қадимги аждодлар тажрибасидан иқтибос қилишда, деб билди. Унингча, билимнинг асосий манбаси ўқишдир ва унинг манбаси эса, қадимги ривоятлар ва солномалардир. Шунинг учун конфуцийчиликка жамият тараққиётидаги илгариги ва янги тажрибага танқидий муносабатда бўлиб, улардан хулосалар чиқариш ёт эди. Табиатшунослик фанларига умуман эътибор берилмаган эди. Ҳар қандай янги ҳодиса эскига тажриба нуқтаи назаридан баҳоланар ва ўтмишга бориб тақалар эди. Масаланинг бундай қўйилиши Хитой ўтмишини идеаллаштиришга олиб келди. Конфуцийчилик таълимоти муҳофазақорона фикрлар таянчига айланди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Конфуций таълимотидаги асосий жиҳатлар



Мавзунни ўзлаштириш учун саволлар

1. *Конфуций ким бўлган?*
2. *Конфуцийчилик таълимотининг етакчи зояси нима эди?*
3. *Яо, Шунь ва Юйлардек афсонавий ҳукмдорлар Марказий Осиё тафакқури тарихида ҳам мавжуд бўлганми?*
4. *Конфуцийчиликнинг асосий шиори нима эди?*
5. *Конфуцийга кўра, адолатсизликни тугатмоқ учун нима қилмоқ керак?*
6. *«Исмларни тузатиш» зояси деганда нимани тушунаси?*
7. *Конфуций ўзининг билиши тўғрисидаги қарашларида нимага асосланади?*
8. *Конфуцийчилик таълимоти ҳозирги кунда Хитой маънавий ҳаётида қандай аҳамият касб этмоқда?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Конфуцийчилик таълимоти ва унинг Хитой маънавий ҳаётида тутган ўрни» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот килинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 15та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Конфуций ва Арастуларнинг ахлокий қарашларини қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Инсерт усулидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдилинг (2-илова).

2-илова

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш кайдаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
«V» - биламан
«Қ» - мен учун янги маълумот
«→» - мен билган маълумотни инкор қилади
«?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	V	–	Қ	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. Вебер М. *Хозяйственная этика мировых религий.* –М., 1985.
2. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. И.И.Богута.* –М.: Мысль, 1991
3. *Древнекитайская философия. В 2 томах.* –М., 1972.
4. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.*–М.: Восточная литература РАН. –2002.
5. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* –М.: Мысль, 1994.
6. *Конфуций. Уроки мудрости* –М.: Эксмо.ФОЛИО, 2007.
7. *Философская энциклопедия. Т.3.* –М., 1964.
8. *История философии в кратком изложении.* –М.:Мысль, 1991.
9. *Ясперс К. Истоки истории и её цель. Ясперс. Смысл и назначение истории.* –М., 1994.
10. *Трофилюва З.П. Гуманизм, религия и свободомыслие.* –М., 1993.

5-МАВЗУ

МЭН-ЦЗЫНИНГ БОРЛИҚ, ЖАМИЯТ ВА ИНСОН ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитой файласуфи Мэн-цзынинг табиат, жамият ва инсон ҳақидаги таълимотлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, уларда Мэн-цзы таълимотининг ижтимоий ғояларини фалсафий мушоҳада қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Мэн-цзы, Кэ, Цзы-Юй, Цзы Сы, «Мэн-цзы» китоби, инсон табиати, хайрли иш, ашёлар тартибидан юриш, тубан ғаризалар, инсонпарварлик, адолат, анъаналарга содиқлик, билим, ахлоқий куч-қувват, истибдод, сиёсий дастур, орзудаги куч-қудрат.*

Асосий саволлар

1. Мэн-цзы инсон табиати ҳақида.
2. Мэн-цзы олийжаноблик (сяо ти) ҳақида.

Мэн-цзы инсон табиати ҳақида

Мэн-цзы (мил.ав.372-289йй.) – қадимги Хитой мутафаккири, Конфуций невараси Цзы Сы шогирдларининг шогирди бўлган. Шогирдлари томонидан у ҳақида ёзилган эсдаликлар 7 бўлимдан иборат «Мэн-цзы» китобини ташкил этган.

Мэн-цзы мактаби конфуцийчилик таълимотини ривожлантириб, уни бошқа фалсафий мактаблар хужумидан химоя қилган. Конфуцийчиликнинг равнақи доирасида Мэн-цзы инсон табиати жиҳатларининг асосий қондасини ишлаб чиққан эди. У Конфуцийнинг хайрли ахлоқ ва зиёли кинининг бундай ахлоққа нисбатан бўлган муносабати ҳақидаги фикрларини ривожлантирган.

Олийжаноблик, хайрли иш–мажҳул ахлоқий тушунча бўлиб, унда тўғри йўлдан бориш (*дао*) жараёнида ҳосил қилинадиган тартиб (*ли*) назарда тутилади. Мэн-цзы таълимотига кўра, инсон табиатидаги эзгуликка мойишлик туғма фазилатдир. Аммо бундай табиат ўзини ҳамма вақт ҳам намоён қилавермайди. Зеро, инсон

тўғри йўлдан, ашёлар тартибидан юриши мумкин ва бундай юриш у яшаган ижтимоий вазиятлар таъсирида келиб чиқиши мумкин, негаки, инсонда тубан биологик ғаризалар (инстинктлар) ҳам бор. Ҳар бир кишида олийжаноблик тўртга хайрли иш воситасида амалга ошириши мумкинки, уларнинг *асоси билимдир*, зеро ашёлар тартибини, дунёни ва инсонни билиш жамиятда куйидагиларни амалга оширишга олиб келади:

- 1) инсонпарварлик (*жэнь*),
- 2) адолат (*и*),
- 3) анъаналарга содиқлик (*ли*),
- 4) билим (*чжи*).

Мэн-цзы олийжаноблик (сяо ти) ҳақида


Мэн-цзынинг таълимотида ҳам Конфуций томонидан ўртага қўйилган фарзандлик ва биродарларча олийжаноблик (*сяо ти*) изчил равишда таҳлил этилади. Бу асосий қоида Мэн-цзы фикрича, ҳукмдорга ҳам мансуб бўлиб, у қўн нарсани билувчи билимдон, донишманд ҳамда ахлоқий куч-қувват (*дэ*)га эга бўлмоғи зарур. Унинг ҳокимиятига хос хусусият инсонпарварлик (*Жэнь чжэнь*)ка амал қилмоқликдир. Агар ҳукмдор ушбу асосий қоидага риоя қилмаса, ҳамда билимдан келиб чиқадиган шахсий куч-қувватини истибдод (*ба*) билан алмаштирса, халқ уни ҳокимиятдан ағдаришга ҳақлидир. Бу моҳият эътибори билан инсоннинг дунёга тааллуқли ва осмонга (*тян*) мурожаати билан узвий боғланган сиёсий дастур эди.

Мэн-цзы Осмонни инсонни мавжудликка ва ижтимоий вазифага мустаҳиқ этувчи (демак, ҳокимиятга ҳам эриштирувчи) орзудаги куч-қудрат, деб билади. *Инсон Осмон туфайли яшайди ва шунинг учун табиат каби, унинг бир қисмидир*. Инсонга унинг мавжудлиги табиатини бахшида этадиган *тян* билан инсон ўрта-сидаги тафовутни ушбу табиатни соф шаклга келтириш даражасида қайта ишлаш ва юксак камолотга эришиш йўли билан бар-тараф этиш мумкин.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Мэн-цзы инсон табиати ҳақида



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Мэн-цзы ким бўлган?*
2. *Мэн-цзы фалсафасининг етакчи гоёси нима эди?*
3. *Мэн-цзы конфуцийчиликдан қайси гоёларни олган?*
4. *Унга кўра, олийжаноб киши қандай фазилатларга эга бўлиши керак?*
5. *Мэн-цзыга кўра, ҳукмдор қандай бўлиши керак?*
6. *«Жень чжэнь» гоёси деганда нимани тушунасан?*
7. *Мэн-цзынинг борлиқ ҳақидаги қарашларига кўра, борлиқнинг асоси нимадан иборат?*
8. *Файласуфнинг қайси фикрлари сизда ижобий таассурот қолдирди ва нима учун?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Мэн-цзынинг инсон ҳақидаги қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

3. Мавзу юзасидан 10та тест, 15та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Мэн-цзы ва конфуцийчиларнинг ахлоқий қарашларини қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. И.И. Богута. – М.: Мысль, 1991.*
2. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. – М.: Восточная литература РАН. – 2002.*
3. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. – М.: Мысль, 1994.*
4. *Конфуций. Уроки мудрости – М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.*
5. *Попов ГТ.С. Китайский философ Мэн-цзы. – СПб, 1904.*
6. *Ян Юн-го. История древнекитайской идеологии. Перевод с китайского. – М., 1957.*
7. *Философская энциклопедия. Т.3. – М., 1964.*
8. *История философии в кратком изложении. – М., 1991.*

6-МАНЗУ

СЮНЬ-ЦЗЫНИНГ БОРЛИҚ, БИЛИШ НАЗАРИЯСИ ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитой файласуфи Сюн-цзынинг борлиқ ва билиш ҳақидаги таълимотлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, уларда Сюн-цзы таълимотининг ижтимоий ғояларини фалсафий мушоҳада қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Сюнь-цзы, Осмон – илоҳий ибтидо, моддиюнча тушуниш, сув, олов, энергия, ҳаёт, кўкатлар, дарахтлар, қушлар, ҳайвонлар, бурч, Осмон остидаги дунё, ягона бутунлик, ахлоқий онг, уйғунлик, моддий ашёлар – ци, шэн – ҳаёт, чжи – онг, ақлий билиш – синь, ҳужмдорнинг мутлақ образи.*

Асосий саволлар

1. Сюнь-цзы томонидан Осмонни моддиюнча тушуниш.
2. Сюнь-цзы тил ва ақл ҳақида.

Сюнь-цзы томонидан Осмонни моддиюнча тушуниш (мил.ав. 313-238)

Сюнь-цзынинг ҳақиқий исми Сюнь цинь бўлиб, конфуцийчилик мактабининг йирик вакилидир. Унинг «Сюнь-цзы» деб аталган рисоласи Конфуций фалсафасининг биринчи тизимга солинган баёни эди. Осмонни илоҳий ибтидо, деб талкин қилган Конфуций ва Мэн-цзыдан фарқли ўларок, Сюнь-цзы уни моддиюнча тушуниб, инсонлар ишига алоқаси бўлмаган ва шунинг учун ҳам ёмонлик учун жазоламайдиган ва хайрли иш учун мукофатламайдиган табиат сифатида таърифлаган эди.

«Сюнь-цзы» рисоласининг 9-бобида у қуйидагиларни ёзади: «Сув ва оловда энергия бор, аммо ҳаёт йўқ; кўкатлар ва дарахтларда ҳаёт бор, аммо онг йўқ; қушлар ва ҳайвонларда онг бор, аммо бурч ҳис-туйғуси йўқ. Инсонда энергия, ҳаёт, онг ва бундан ташқари бурч ҳис-туйғуси бор. Шунинг учун у (инсон) Осмон остидаги дунёнинг энг олийжаноб мавжудотидир».

Сюнь-цзы юзта мактаб даврининг энг йирик конфуцийчиси сифатида танилган. Осмонни у доимий, ўз йўлига эга (*тян дао*),

инсонга мавжудлик ва моҳият бағишловчи куч-қудрат соҳиби сифатида тушунган. Унингча, ер билан биргаликда осмон дунёни ягона бутунликка бирлаштиради. Ана шу ердан, инсон табиатнинг бир қисми эканлиги келиб чиқади. Бундан ташқари, Мэн-цзыга қарши ўларок, у инсон табиатига ёмонлик хослиги ҳақидаги ақидани олға суради. Унинг фикрича, инсоннинг барча қобилияти ва яхши хусусиятлари таълим-тарбиянинг натижасидир. Кишилар табиат устидан ғолиб чиқиш учун жамиятдаги ташкилотлар ва уюшмаларга бирлашадилар. Аммо улар бу ишни вазифалар ва муносабатларни қатъий равишда бир-биридан ажратган ҳолда бажарадилар.

Сюнь-цзынинг табиатни айрим қисмларга бўлиши диққатга сазовордир (1-илова): 1) тирик бўлмаган ҳодисалар, моддий ашёлар бўлган – *ци* дан ташкил топгандирлар; 2) моддий ашёлардан ташкил топган тирик (жонли) ҳодисалар *шэн* – ҳаётга эгадирлар; 3) моддий ашёлардан таркиб топган ҳодисалар яшовчан бўлиб, *чжи* – онгга эгадирлар; 4) моддий ашёлардан таркиб топган инсон яшовчан бўлиб, онгга эга ва бундан ташқари, *и* – яъни ахлоқий онгга ҳам эга. Инсон ашёларни, муносабат ва тушунчаларни атамалар билан номлаш учун исмларни ташкил топтиради, бу эса, воқеликдаги ҳодисаларни бир-биридан фарқ қилиш ва аниқ ифода-далаш заруриятидан келиб чиқади. Бу ерда «Ўзгаришлар китоби»нинг акс садосини сезиш мумкин.

Сюнь-цзы тил ва ақл ҳақида

Сюнь-цзы тилининг мавжудлик масалаларига ҳам тўхталган. Унингча, воқеиликни тушунчалар воситасида ўзлаштириш ақл ёрдамида амалга оширилади. Ҳис-туйғунинг воқеилик билан тўқнашуви билишнинг биринчи босқичидир, кейинги босқич – ақлий билишдир (*синь* – айнан юрак). Ақл уч асосий шартни қониктириши керакки, улардан энг аҳамиятлиси – ақлнинг барча руҳий тўсиқлардан «софлиги»дир.

Гарчи Сюнь-цзыни конфуцийчилик мактабига мансуб деб билинса ҳам, у ушбу мактабнинг ижтимоий ахлоқидаги *мунтоз тартиб* тушунчасини бартарф этади. Унинг фикрича, инсоннинг қобилияти ирсий жиҳатдан ёки тақдир азалдан белгилаб берилмаган. Инсоннинг хатти-ҳаракати у олган таълим-тарбияга мувофиқ келиши лозим. Бундай ёндашув, ҳамда ҳукмдорнинг мутлақ обрўсини таъкидлаш уни легистлар мактаби ақидаларига яқинлаштиради.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Сюн-цзынинг табиат қисмлари ҳақидаги фикрлари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Сюн-цзы ким бўлган?*
2. *Сюн-цзы фалсафасининг етакчи гояси нима эди?*
3. *Сюн-цзы Мэн-цзыдан қайси гояларни олган?*
4. *Унга кўра, инсоннинг ижобий фазилатларининг сабаби нима?*
5. *Сюн-цзыга кўра, табиат қандай таркиб топган?*
6. *Сюн-цзынинг борлиқ ҳақидаги қарашларига кўра, борлиқнинг асоси нимадан иборат?*
7. *Файласуфнинг қарашларига кўра, билишнинг манбаи нима?*
8. *Сюн-цзынинг фалсафий таълимотидаги моддийонча қарашлар Хитой фалсафий тафаккури ривожига қандай таъсир кўрсатган?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Сюн-цзынинг табиат ҳақидаги қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 15та блиц-савол тайёрланг.
4. Сюн-цзы ва Конфуцийнинг қарашларини қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. ФСМУ жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

ФСМУ учун топширик: Сюнь-цзынинг билиш назарияси ҳақидаги фалсафий қарашларни таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Сюн-цзы, Конфуций, Осмон – илоҳий ибтидо, моддиюнча тушуниш, Мэн-цзы сув, олов, энергия.

Савол	Сюнь-цзынинг билиш назарияси
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. И.И.Богута. –М.: Мысль, 1991.*
2. *Го Мо-жю. Философы Древнего Китая. Пер. с кит., –М., 1961.*
3. *Древнекитайская философия. В 2 томах. –М., 1972.*
4. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература РАН. –2002.*
5. *История философии в кратком изложении. –М. 1991.*
6. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. –М.: Мысль, 1994.*
7. *Философская энциклопедия. Т.5. –М., 1970.*

7-МАВЗУ

МОИЗМ. КОНФУЦИЙЧИЛИКНИНГ ТАНҚИДИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитой файласуфи Мо-цзы ва у асос солган моистчилар мактабининг конфуцийчиликка қарама-қарши ғоялари, умумий муҳаббат қондаси, ҳақиқат, билиш ва мантикка оид қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, уларда Мо-цзы таълимотининг ўзига хос хусусиятларини фалсафий мушоҳада қилиш, назарий ва амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Мо-цзы. Мо Ди, ижтимоий ахлоқ, жисмоний меҳнат, умумий муҳаббат, умумий меъёр, назарий тадқиқотлар, фойдасиз ҳашам, амалий мақсад, самовий ирода, мусиқа (юэ), урф-одатлар (ли), истеъдодни ҳурмат қилиш, ўзаро эҳтиром, иқтисод, ҳужум қилмаслик, бош-бошидоқлик, самимий ирода, тақдирга ишонш, сабаб, жинс, ҳақиқат, туғма билим, ҳис-туйғу объекти, шахсий тажриба, мантиқ, ҳукм, дедуктив метод, индуктив, метод, Хуэй Ши, Гунсунь Лун, рiezнёт, илмий табиатишунослик, техника муҳандислиги.*

Асосий саволлар

1. Моизмнинг конфуцийчилик таълимотига тубдан қарама-қаршилиги.
2. Мо-цзы таълимотида умумий муҳаббат қондаси.
3. Мо-цзы ҳақиқат ҳақида.
4. Моизм билим ҳақида.
5. Мо-цзынинг мантиқий таълимоти.

Моизмнинг конфуцийчилик таълимотига тубдан қарама-қаршилиги

Моистчилар мактаби ўз номини унинг асосчиси Мо-цзы (Мо Ди) (мил.ав.468-376 йиллар) дан олган. Унда асосий эътибор ижтимоий ахлоқ муаммоларига қаратилган эди. Мо-цзы фикрича, ижтимоий ахлоқнинг амалга оширилиши ҳокимият бошлигининг фаолиятига боғлиқ. Унга кўра, жисмоний меҳнат жамият познсьматлари, бойлигининг асосини ташкил этади. Моистчиларнинг

таълимоти Конфуций таълимотиға тубдан қарама-қарши эди. Унинг барча мазмуни умумий муҳаббат (*цзян ши*), ҳар соҳада муваффақиятларга эришиш, ўзаро фойда ғояларида ифодаланган. Жамиятда барча кишилар учун мажбурий бўлган ўзаро одамгарчиликнинг умумий меъёри бўлиши лозим ва ҳамма бир-бирларининг ўзаро фойдаси ҳақида ғамхўрлик қилиши зарур.

Бу таълимотга кўра, назарий тадқиқотлар – фойдасиз ҳашам-дир; муайян амалий мақсадга йўналтирилган меҳнат фаолияти-заруриятдир. Мо Ди ўзининг ақидаларини барқарор этишга таъсир кўрсатадиган самовий иродани тан олган.

Моистчилар ақидаси милоддан аввалги V-III асрларда Хитойда катта таъсирга эга бўлган эди. Бизнинг кунларгача бу таълимотнинг ягона ёдгорлиги сифатида «Мо-цзы» рисоласи етиб келган.

Бу фалсафий-сиёсий рисолада таълимот асосчиси Мо Дининг қарашларидан ташқари, унинг кейинги маслакдошлари ғояларини ҳам ифодалаган.

Мо-цзы ўрта табақадан келиб чиққан бўлиб, унинг мафкура-сини ифодалаган шахс эди. Бошида асосан халқни мусиқа (юэ) ва урф-одатлар (ли) воситасида тарбиялаш ҳақидаги таълимотни танқид қилиш билан чиққан эди. («Мо-цзы» рисоласининг Фэй жу боби). Кейинчалик конфуцийчиликнинг ахлокий-сиёсий тизимини танқид қилган.

Танқид асосида Мо-цзы ишлаб чиққан *Шанцян* қондаси (истеъдодларни ҳурмат қилиш), *шантун* (ўзаро эҳтиром), *цзеюн* (иқтисод), *фэйгун* (ҳужум қилмаслик) ва *цзяной* (умумий муҳаббат) ётган эди. Мо-цзы фикрича, ҳокимият келиб чиқиши аслзода бўлганларгагина эмас, балки қобилиятли ва истеъдодли барча кишиларга очиқ бўлиши лозим. У аслзодаларнинг ҳашаматли ҳаёти ва исрофгарчилигига (цзеюн қондаси), урушларга (фэйгун қондаси) қарши чиқди; «Кўшнни подшоҳликларга ҳужум қилиш, халқни ўлдириш, чорвани босиб олиш ва бойликни ўғирлаш мумкин эмас» («Мо-цзы» рисоласи, Лу вэнь боби).

Мо-цзы таълимотида умумий муҳаббат қондаси

Мо-цзы тизимида умумий муҳаббат қондаси асосий хатти-ҳаракатни белгилар эди. Унинг фикрича, барча ижтимоий ва сиёсий низоларни ушбу ахлоқий қонда ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Умумий муҳаббат қондасига Мо-цзы иқтисодий ва сиёсий мазмун ҳам қўшган эди. Зеро, уни амалга ошириш зарурлиги гоёсига «ўзаро фойда» (бир-бирини яхши кўриб, бири иккинчисига ёрдам бериш туфайли кишилар иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишлари мумкин) ақидасини қўшган эди. Агар ҳукмдор бу қондаларга риоя этиб мамлакатни бошқарса, у вақтда сиёсий бош-бошдоқлик ҳам бўлмаслиги мумкин. Мо-цзынинг таъкидлашича, «кимки ўз яқинига муҳаббат ва самимийлик билан боқмаса, «самимий ирода» уни жазолайди» («Мо-цзы» рисоласи, Фа и боби) (1-илова).

Ишон тақдирини белгиловчи худо сифатида «самовий ирода»ни ифодалаган конфуцийчиликка қарши турган Мо-цзы айтишича, «агар кишилар тақдирга ишонсалар, улар фаровонликларни учун курашни тўхтатадилар» (ўша ерда, Фей мин боби).

Мо-цзы Хитой фалсафаси тарихида биринчи бўлиб сабаб (*су*) ва жинс (*лэй*) тушунчаларига эътибор қаратди. Уларни моддийона талқин қилиш асосида кейинги унинг маслақдошлари томонидан билиш назарияси ва мантик ривожлантирилди.

Мо-цзы ҳақиқат ҳақида

Мо-цзы *ҳақиқат* ҳақида қуйидагиларни айтган эди: у шундай нарсаки, ўтмиш тажрибасига таянади. Яъни ўтмишни танқидий ўрганишни, қадимги даврлардан фақат яхши нарсанигина олишни талаб қилади. *Ҳақиқат*, унинг фикрича шундай нарсаки, у биринчидан, халқ фойдасига мувофиқ келади; иккинчидан, у шундай нарсаки, халқ тушунчасидагина ҳақиқат (агар халқ «ҳа, шундай» деса, ўша ҳақиқат) бўлади.

Моизм билим ҳақида

Кенг тарқалган «туғма билим» назариясига қарши чиқиб, Мо-цзы инсон ўз билимини фақат амалий фаолият жараёнида қўлга киритади, деган эди. Унинг фикрича, инсон ўз амалий фаолиятида билим ҳосил қилса-ю, уни ҳаётда қўллай олмаса, бундай билим ҳақиқий эмасдир.

Мо-цзынинг таълимоти узлуксиз равишда конфуцийчилик тарафдорларининг қаршилигига учради. Кейинги даврларда унинг тарафдорлари моизмни моддиюнча йўналишда ривожлантирдилар. Уларнинг таъкидлашларича, «билим ҳис-туйғу объекти бўлган ҳис-туйғу аъзоларини мавжудлигини тақозо этади, ҳамда унинг манбалари бўлган шахсий тажриба, бошқа одамлар айтган фикрлар хулосасини ҳам қамраб олади» («Мо-цзы», цзын бўлими) (2-илова).

Мо-цзынинг мантиқий таълимоти

Моистчиларнинг кейинги даврдаги асарларида мантиқ катта ўрин тутди. Улар ҳукмнинг 7 усулини ишлаб чиқдилар («Мо-цзы», сяо цюй бўлими). Уларнинг баъзилари Ғарбий Европа олимлари томонидан ишлаб чиқилган дедуктив ва индуктив методларга ўхшайди.


Моистчиларнинг мантиқий асарларида Хуэй Ши ва Гунсунь Луннинг қарашлари рад этилган эди. Улар риёзиёт (математика), илмий табиатшунослик ва техника муҳандислиги масалалари билан ҳам шуғулланишга киришган эдилар. Улар билиш жараёнининг ўзи билан ҳам кизиқишган. Уларнинг ақидасига кўра, «билиш воқеялик билан ҳиссий тўқнашиш воситасида юз беради ҳамда ҳис-туйғу орқали қабул қилинган тушунчаларни идрок этиш йўли билан ҳосил қилинади».

Миллоддан аввалги II асрда конфуцийчилик моизмни орқа планга суришга муваффақ бўлди, ва у ўз аҳамиятини йўқотди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Мо-иъы таълимотида умумий муҳаббат қондаси



2-илова

Моизм таълимоти билим ҳақида



Мавзунни ўзлаштириш учун саволлар

1. Мо-цзы ким бўлган?
2. Мо-цзы фалсафасининг етакчи гоёси нима эди?
3. Моистлар фалсафасининг жозибакорлиги нимада эди?
4. Нима учун Мо-цзы Конфуцийни танқид остига олди?
5. Мо-цзыга кўра, ҳақиқат нима?
6. Сизнингча, ҳақиқат нима?
7. Файласуфнинг қарашларига кўра, билишнинг манбаи нима?
8. Сюн-цзынинг фалсафий таълимотидаги моддийонча қарашлар Хитой фалсафий тафаккури ривожига қандай таъсир кўрсатган?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Мо-цзынинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 15та тест, 15та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Мо-цзынинг ва Конфуцийларнинг қарашларини қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини ишлаб чиқинг (3-илова).

3-илова

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. И.И.Богута. –М.: Мысль, 1991.*
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах. –М., 1972.*
3. *История философии в кратком изложении. –М.: Мысль, 1991.*
4. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература РАН. –2002.*
5. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. –М.: Мысль, 1994.*
6. *Конфуций. Уроки мудрости –М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.*
7. *Ян Хин-шун. Теория познания моистов. //Вопросы философии, 1956, №1*

8-МАВЗУ

ДАОСИЗМ. ЛАО-ЦЗЫ ҚАРАШЛАРИ ВА «ДАО ДЭ ЦЗЫН» КИТОБИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитойнинг йирик фалсафий мактабларидан бўлган Дао мактабининг ташкил топиши ва унинг асосчилари, даосизм таълимотининг уч йирик мактаби ва улардаги фалсафий ғоялар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда даосизмнинг табиат ва инсон, инсоннинг бош ҳаётий вазифаси, «табиий тартиб» ҳақидаги ғояларини фалсафий мушоҳада қилиш, назарий ва амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Дао, Лао- цзы, «Дао дэ цзын», дэ, Сыма Тан, Ян Чжу, Чжуан-цзы, энг азиз нарса-жон, ривожланиш, ўзгариш, доиравий тараққиёт, орзудаги моҳият, релятивизм, адашиш, ибтидоий жамлоа, коинот, инсон, табиат билан «қўшилиб» кетиш, Хань сулоласи. Сыма Цяню, исмсиз, ашёлар манбаи, шлоҳий маъно, айният, инь, ян, руҳий хотиржамлик, муросаа, ҳийла-найранг, муқаддас идиш, ашёлар меъёрини сақлаш, Чжун Чжоу, «табиий» тартиб, индивидуаллаштириш, ниҳойи натижа, алоҳидалик, ҳақиқат, ҳаққонийлик, буддавийлик шаҳобчаси, фалсафий даосизм (дао цзя), диний даосизм (дао цзяо), ўлмастик даосизми (сян).*

Асосий саволлар

1. Дао мактабининг вужудга келиши ва даосизмнинг уч мактаби: Ян Чжу, Лао-цзы ва Чжуан-цзы.
2. Даосизм табиат ва инсон ҳақида.
3. «Дао дэ цзын» китоби борлиқ ҳақида.
4. Даосизмда инсоннинг бош ҳаётий вазифаси масаласи.
5. Чжуан-цзы «табиий» тартиб ҳақида.

Дао мактабининг вужудга келиши ва даосизмнинг уч мактаби: Ян Чжу, Лао-цзы ва Чжуан-цзы

Даосизм милoddан аввалги VI-V асрларда пайдо бўлган қадимги Хитой фалсафасининг етакчи оқимларидан бири эди. «Даосизм» истилоҳи фанга милoddан аввалги II асрда Хитой тарихчиси Сыма

Тан томонидан киритилган. У Хитой фалсафасидаги олти йўналишни кўрсатиб, улардан бирини «дао» ва «дэ» мактаби, деб атаган эди («дао» – барча ашёларнинг манбаи, «дэ» эса – ҳар бир нарсага тўғри келадиган «дао»нинг қисми). Кейинчалик ушбу мактаб оддийгина «дао» мактаби, деб атала бошланган.

Милоддан аввалги III асргача даосизм уч мактаб орқали намоён бўлди: Ян Чжу, Лао-цзы ва Чжуан-цзы (1-илова). Ян Чжу (мил.ав.V-IV асрлар) фалсафасининг асосий ғояси – «ҳамма нарса ўзим учун» тушунчасида ифодаланган. Унинг таълимотига кўра, инсон учун энг азиз нарса унинг *жони* бўлиб, уни ҳеч қандай бойлик билан алмаштириб бўлмайди. Сақланиб қолган манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ян Чжу инсон ҳаётини худо иродасига боғлиқлигини инкор этган.

Лао-цзынинг фаолияти милоддан аввалги VI-V асрларга таллуқлидир. Аммо, Хитой олимларининг фикрича, «Лао-цзы» (ёки «Дао дэ цзын») китоби анча кейин, тахминан милоддан аввалги IV-III асрларда пайдо бўлган.

Унинг асосий тушунчаси «дао» – худога ҳам, инсонга ҳам боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг табиий йўли бўлиб, дунёдаги умумий ҳаракат ва ўзгаришларнинг умумий қонунидир. Лао-цзы фикрича, барча ашёлар ривожланиш ва ўзгариш жараёнида бўлиб, ундаги нарсалар муайян бир ҳудудга етгандандан кейин, ўзининг қарама-қаршисига айланади. Аммо тараққиёт, «Лао-цзы» га кўра, қуйидан юқорига қараб эмас, балки доира бўйлаб, абадий равишда айланади. Файласуф барчани табиий қонунга тўла риоя этиб, нарсалар ҳаётига аралашмасликка чақирган.

Чжуан-цзы (мил.ав. IV-III асрлар) таълимоти Лао-цзы мактабининг давоми бўлиб, «дао»ни мажҳул ва орзудаги моҳиятга айлантириш тамойилини олға сурганлиги билан ажралиб туради. Лао-цзынинг диалектик ғоялари Чжуан-цзыда релятивизм (нисбийлик)га айлантирилган. Барча нарсалар ўзгариш жараёнида бўлганлигидан ва ҳар бир берилган нарса, айни вақтда бошқасига айланиши, иккинчиси эса – бир лаҳзада биринчисига айлана олиш имкониятига эгаллигидан, шу нарса келиб чиқадики, улар орасида тафовут йўқ. Ҳақиқатни адашиш, адашишни эса, ҳақиқат, деб билган Чжуан-цзы объектив ҳақиқат мавжудлигини инкор этган эди.

Ижтимоий ахлоқий ғоялар соҳасида Лао-цзы ва Чжуан-цзы мактаблари ибтидоий жамоага қайтиш зарурлигини тарғиб қилган-

лар, негаки, улар фикрича, ўша даврларда кишиларнинг хоҳиш-иродаси камторона бўлиб, ҳаёт оддий ва сунъийликдан холи бўлган. Баъзи олимларнинг фикрича, даосизмнинг бундай ғоялари таназзулга юз тутган деҳқон жамоалари орзу умидларининг инъикоси эди.

Даосизм табиат ва инсон ҳақида

Даосизмнинг диққат марказида табиат, коинот ва инсон туради, аммо бу ибтидоий изчил мантиқий шакллар орқали ақлий йўл билан эмас, балки табиат мавжудлигига тўғридан-тўғри тушунчалар орқали кириш ёрламида билиб олинади. Дунё доимий равишда ҳаракат ва ўзгариш ҳолатида бўлиб, ҳеч бир сабабларсиз яшайди ва ўз-ўзидан ҳаракатланади. Борлиқ таълимотида айниқса ана шу йўл тушунчаси – дао марказий ўринни эгаллайди. Даосизм таълимотига мувофиқ, тафаккурнинг мақсади инсонни табиат билан «қўшилиб» кетишидир, негаки, у табиатнинг бир қисмидир. Бу ерда «субъект-объект» муносабатларида ҳеч қандай ажратишга ўрин йўқлиги яққол намоён бўлади.

Лао-цзы (ёши улуғ муаллим) – Конфуцийнинг ёши катта замондоши ҳисобланади. Хань сулоласи тарихчиси Сыма Цяньнинг хабар беришича, унинг ҳақиқий исми шарифи Лао Дань бўлган. Уни «Дас дэ цзын» китобининг муаллифи, деб биладилар. Бу китоб ўз номини Хань сулоласи даврида олган бўлиб, даосизм таълимотининг кейинги тараққиётига асос бўлди. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб (биринчи қисмда Дао йўли ҳақида, иккинчисида дэнинг кучкуватли тўғрисида гап боради) даонинг борлиқ таълимоти келиб чиқишининг асосий қоидаларини баён этади.

Дао шундай тушунчадирки, унинг ёрдамида барча мавжудотларнинг келиб чиқиши ва яшаш тарзи ҳақидаги саволларга умумий, уларнинг барча томонларини тўла камраб олувчи жавоблар бериш имконияти вужудга келади. У қоидага қўра, исмсиз бўлиб, ўзини ҳамма ерда намоён қилади, негаки, у ашёлар «манбаи»дир, аммо мустақил жавҳар ёки моҳият эмас.

Даонинг ўзи ибтидо ва манбаларга эга бўлмаса ҳам, ўзининг энергетик фаолиятсиз ҳам, барча нарсаларнинг илдизидир. «Сўзлар билан ифода қилиш мумкин бўлган дао, доимий дао эмасдир; исм

билан айтиш мумкин бўлган нарса, доимий исм эмасдир. Бирхиллик –номаълум муаммонинг тағзамини»¹⁶⁴. Шундай булса ҳам, ҳамма нарса ундан ўтади, у – барча нарсани кўзлаган йўлдир. «Қандайдир жисмсиз, шаклсиз нарса мавжуддир, ва аммо, у тайёр ва тугаллангандир. Қанчалик у товушсиздир! Шаклдан маҳрумдир! Ўз ҳолича турибди ва ўзгармаяпти. У ҳамма жойга кира олади ва унга ҳеч қандай нарса хавф сола олмайди. Уни борлиқ (барча мавжудотлар)нинг онаси, дейиш мумкин. Унинг исмини мен билмайман. «Дао» сифатида танилган. Мен унга исм беришга мажбурман, уни энг стук, деб атайман. Етук – яъни, сирғалиб кетиб қолувчи. Сирғалувчи – яъни, қочиб кетувчи. Узоклашувчи – яъни қайтиб келувчи»¹⁶⁵. Дао нарсалардаги илоҳий маъноларни ифодалайди.

Даврлар ўтиши билан, «Дао» фундаментал таърифланмайдиган, маданиятнинг умумий контексти хусусиятларини ўзида акс этган тушунчага айланди.

«Дао дэ цзын» китоби борлиқ ҳақида

«Дао дэ цзын»нинг борлиқ ҳақидаги мазмуни даҳрийликни эслагаети. Зеро, *дао*га мувофиқ, дунё олдиндан тайин этилмаган, яъни тақдир билан белгиланмаган ўз-ўзича ҳаракатдадир. «Дао» барча қолган ва тахмин этиладиган нарсалар билан айният, бир хиллик ҳолатидадир, яъни бу дегани: дао замондан, пайдо бўлиш кенгликларидан, Коинотнинг тараққиёт ва ҳалокатидан мустаснодир, аммо дунё умумий ягоналигининг асосидир. Борлиқни ифодаловчи тушунча сифатида *дао* ҳамма нарсада, ҳамма жойда, доимий равишда мавжуддир, аммо, биринчи навбатда унга хос хусусият – фаолиятсизликдир.

Дунёда барча нарсалар ҳаракатда, йўлда ва ўзгаришдадир, барча нарса ўткинчи ва ниҳоялидир. Бундай бўлиши барчага маълум бўлган «инь ва ян қондаси туфайли»дир, улар ҳар бир ҳодиса ва жараёнларда диалектик бирликда бўлиб, уларнинг ўзгариши ва ҳаракатинингсабабидир. Улар таъсирида ашёлардаги ривожланиш

¹⁶⁴ Древнекитайская философия. В 2-х томах. –М., 1972. Т.1. –С.115.

¹⁶⁵ Ўша жойда. –Б.25,40,122 .

давом этади, зеро «хамма нарса ичида *инь* бўлиб, *ян* уларни камраб олади»¹⁶⁶.

Даога ўзининг ички ижодий кучи *оэ* хос бўлиб, *дао* унинг орқали *инь* ва *ян* таъсири остида ашёларда ўзини намоён этади. *Дэни* ашёлардаги ҳар бир муайян нарса сифатида тушуниш, конфуцийчиликдаги *дэни* одамдаги ахлоқий куч сифатида тушунишдан тубдан фарқ қилади.

Бир хилликнинг борлиқ қондасига биноан, инсон табиатнинг бир қисми сифатида ундан чиқиб, аммо у билан birlikни ушлаб туриши лозимлиги, билиш нуқтаи назаридан ҳам тақазо этилади. Бу ерда гап инсоннинг руҳий хотиржамлигига асосланган дунё билан муроса қилиш ҳақида бормоқда.

Лао-цзы айрим олинган кишинигина саъй-ҳаракатини эмас, балки жамиятнинг ўзини интилишини ҳам инкор этади. Маърифатли дунё туғдирган жамиятнинг хатти-ҳаракатини инсон ва оламнинг қарама-қаршилигига, келишмаслигига олиб келади, зеро, «агар бирор киши дунёга эга бўлишни хоҳлаб, ҳийла-найранг кўрсатса, у муваффақиятсизликка учрайди. Негаки дунё – бу муқаддас идишдирки, унга турли нарсалар билан таъсир кўрсатиб бўлмайди. Агар кимки, у билан ўйнашса, уни яқсон қилади. Агар кимки, уни ўзлаштирмоқчи бўлса, уни йўқотади»¹⁶⁷.

Даосизмда инсоннинг бош ҳаётӣй вазифаси масаласи

«Ашёлар меъёрини» сақлаш инсоннинг бош ҳаётӣй вазифасидир. Фаолиятсизлик ёки аниқроғи, бу меъёрни бузмасдан туриб, кўрсатилган фаолият (у вэй) шаклланмаган ҳафсаласизликни рағбатлантириш эмас, балки инсон ва дунё ҳамдўстлигининг ягона асосда тушуниш бўлиб, у даодир. Ҳис-туйғу билан ҳосил қилинган билим фақат иккинчи даражали нарсаларга таянади ва «инсонни йўли йўқ жойга олиб келиб қўяди»¹⁶⁸.

Бошқа томонга кетиш, четланиш донишманднинг хатти-ҳаракатини ифодалайди. Дунёни идрок этиш хотиржамлик билан ҳа-

¹⁶⁶ Ўша жойда. –Б. 6,9,39,42 .

¹⁶⁷ Ўша жойда. –Б.29,54,72,80,81.

¹⁶⁸ Ўша жойда. –Б. 3,5,10,12.

моҳангдирки, оқил эр шундагина дунёни эгаллайди. Бу бошқаларни ўқитиш, таълим-тарбия ва бошқариш соҳасида машқ қилиш лозим бўлган конфуцийчилик қондасидаги «олийжаноб эр» (маълумотли, зиёли эр) тушунчасига кескин қарама-қаршидир.

Чжуан-цзы «табий» тартиб ҳақида

Чжуан-цзы (мил.ав.369-286 йй.)нинг асл исми Чжун Чжоу бўлиб, даосизм таълимотининг йирик тарафдори ва тарғиботчиси эди. Борлиқ масаласида у ҳам Лао-цзы каби «Дао»ни билиш асосида жамиятни «табий» тартибга келтириш мумкинлиги ҳақидаги фикрларга қўшилади. У даони тушунишни индивидуаллаштиради, яъни дунё мавжудлиги хусусияти ва уни идрок этишни ниҳой натижасини инсонни ўраб турган воқеликни субъектив равишда ўзига буйсундириш даражасига олиб боради. Лао-цзыга бегона бўлган тақдирга ишониш, Чжуан-цзыга хос хусусиятдир. Субъектив равишда дунё ишларига аралашмасликни у аввало ҳиссиётлар ва манфаатдорликдан қутилиш чораси сифатида қарайди. Барча ашёларнинг кадр-қиммати бир хилдир, зеро, ҳамма ашёлар даодадирлар ва уларни бир-бирига солиштириб бўлмайди. Ҳар қандай солиштириш – бу алоҳидалик, жузъий томонларни таъкидлаш бўлганлигидан бир томонламаликка олиб келади.

Ҳақиқатни билиш, ҳаққонийликни идрок этиш, билувчи инсонга берилмаган: «шундай ҳолат бўладики, унда кимдир ҳақ, бошқаси эса, хато қилган бўлса, ёки иккиси ҳам ҳақ ёки иккиси ҳам адашган бўлса? Бу нарсани билиш, қоронғуликда ҳақиқат қидирувчи сизга ҳам, менга ҳам, бошқа одамларга ҳам, муяссар бўлмайди». «Бирор нарса ҳақида гапириб уни ҳақиқий деймиз. Агар ҳақиқийлик, зарурият юзасидан шундай бўлганда, у вақтда уни ҳақиқий эмасликдан фарқ қилиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг кераги йўқ бўлур эди».

Чжуан-цзы ўзининг барча умидсизликларига қарамасдан ҳақиқатни билиш усулини ишлаб чиқдики, унинг натижасида инсон ва олам ягона бирликни ташкил этади. Гап унитиш жараёнининг зарурлиги (ван) ҳақида кетмоқдаки, у ҳақиқатлик ва ҳақиқий эмаслик ўртасидаги фарқни унутишдан бошланиб, ҳақиқатни идрок этишни барча жараёнларини мутлақ равишда унитишгача

давом этмоғи керак. Унинг чўққиси «шундай билимки, энди билим эмас»лик даражасига етган.

Бундай фикрларни мутлақлаштириш, кейинчалик IV ва айниқса, V асрда Хитойда барқарор бўлган буддавийлик билан даосизмни бир шахобчага яқинлаштирди.

Кейинги вақтлардаги ривожланиши нуқтан назаридан даосизм умуман уч турга бўлинади: фалсафий (дао цзя), диний (дао цзяо) ва ўлмаслар даосизми (сян).

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Даосизмнинг уч мактаби ва асосчилари



2-илова

Мавзунинг асосий мазмуни

1. Даосизм милoddан аввалги VI-V асрларда пайдо бўлган қадимги Хитой фалсафасининг етакчи оқимларидан бири эди.
2. «Дао»- барча ашёларнинг манбаи, «дэ» эса, – ҳар бир нарсага тўғри келадиган «дао»нинг қисми.
3. Милoddан аввалги III асргача даосизм уч мактаб орқали намойи бўлди: Ян Чжу, Лао-цзы ва Чжуан-цзы мактаблари.
4. Даосизмнинг диққат марказида табиат, коинот, ва инсон туради, ammo бу ибтидоий изчил мантиқий шакллар орқали ақлий йўл билан эмас, балки табиат мавжудлигига

тўғридан-тўғри тушуинчалар орқали кириш ёрдамида билиб олинади.;

5. Дунёда барча нарсалар ҳаракатда, йўлда ва ўзгаришдадир, барча нарса ўткинчи ва ниҳоялидир;

6. «Ашёлар меъёрини сақлаш» инсоннинг бош ҳаётий вазифасидир.

7. Чўжуан-цзы ўзининг барча умидсизликларига қарамасдан, ҳақиқатни билиш усулини ишлаб чиқдики, унга кўра инсон ва олам ягона бирликни ташкил этади;

8. Кейинги вақтлардаги ривожланиши нуқтаи назаридан, даосизм уч турга бўлинади: фалсафий (дао цзя), диний (дао цзяо) ва ўлмаслар даосизми (сян).

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

- 1. Даосизм атамасининг дугавий ва истилоҳий маъноларини биласизми?*
- 2. Даосизм таълимотининг асосчилари кимлар эди?*
- 3. Ушбу фалсафий мактабнинг асосий ғояси қандай эди?*
- 4. Даосизм асосий манбасини биласизми?*
- 5. Ушбу таълимотга кўра, инсоннинг бош вазифаси нима бўлмоғи керак?*
- 6. Сизнингча-чи, инсоннинг ҳаётий бош вазифаси нима?*
- 7. «Табийий тартиб» деганда нимани тушунасан?*
- 8. Даосизм фалсафий таълимотининг энг муҳим хусусиятлари нимада?*

Мустақил таълим учун вазифалар

- 1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.*
- 2. «Лао-цзынинг фалсафий қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.*
- 3. Мавзу юзасидан 20та тест, 15та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.*
- 4. Даосизм ва конфуцийчилик таълимотларини қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.*
- 5. Мавзу юзасидан кластер тайёрланг.*

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. Богута И.И.* –М.: Мысль, 1991.
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах.* –М., 1972.
3. *История философии в кратком изложении.* –М.: Мысль, 1991.
4. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.* –М.: Восточная литература РАН. –2002.
5. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* –М.: Мысль, 1994.
6. *Конфуций. Уроки мудрости* –М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.
7. *Культура Китая от А до Я.* – М.: Восток –Запад. –2008.
8. *Хоу Вай-ду (и др). Чжунго сысян тунши (История китайских идеологий). Т.1-2.* – Пекин.1957.
9. *Ян Юн-го. История древнекитайской идеологии. Перевод с китайск.* –М., 1957.
10. *Ян Хин-шун. Древнекитайский философ Лао-цзы и его учение.* –М.-Л., 1950.

9-МАВЗУ

ДАО ДУНЁНИНГ ИБТИДОСИ, АСОСИ ВА ҚОНУНИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда даосизм таълимоти-даги дунёнинг ибтидоси, асоси ва қонуни сифатида «дао»нинг эътироф этилиши, даосизмнинг янги схоластик оқимларининг вужудга келиши тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда «дао» истилоҳининг ўзгариб бориши ва талқин этилиши ҳақида фалсафий мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Дао, йўл, йўналиш, Хитой мунажжимлари, Сомон йўли, осмон ёритгичлари, табиат йўли, ахлоқий меъёр, моддийончилар, идеалистлар, Лао- цзы, Сюнь-цзы, Ван Чун, Ван Би, зоялар ибтидоси, «йўқлик», мистик файласуфлар, Дао Чжун-шу, илоҳий йўл, Сун сулоласи, схоластик оқим, абадий, зоявий ибтидо, моддийлик, Чжу Си, Мин, Цин, баҳс.*

Асосий саволлар

1. «Дао» тушунчасининг ўзгариб бориши.
2. Янги схоластик оқимнинг вужудга келиши.

Дао тушунчасининг ўзгариб бориши


Дао хитой мумтоз фалсафасининг энг муҳим тушунчаларидан биридир. Аввалида «дао» истилоҳи «йўл», «йўналиш» маъносини англатган эди. Кейинчалик «дао» тушунчаси қадимги Хитой мунажжимлари томонидан «Сомон йўли» маъносида осмон ёритгичлари ҳаракатини ифодалаш мақсадида қўлланилган. Милoddан аввалги V-III асрлардан бошлаб «дао» тушунчаси даосизм таълимоти маъносини англатадиган бўлган. Бу тушунчанинг маъноси доимий равишда ўзгариб борган. Кўпчилик файласуфлар учун дао табиат йўли, унинг қонунийлиги маъносини англатган. Шу билан биргалликда бу тушунча инсон ҳаёти йўлининг маъносига ҳам айланиб, «ахлоқий меъёр» тушунчасини («дао-дэ») касб этган эди.

Хитой фалсафаси тарихида дао шундай тушунчага айландики, уни талқини файласуфларни моддиюнчилар ва идеалистларга ажратганлиги баъзи тадқиқотларда таъкидланади (1-илова). Баъзи файласуфларнинг қарашларига кўра (Лао-цзы, Сюнь-цзы, Ван Чун ва бошқ.), дао ашёларнинг табиий йўли, моддий дунёнинг қонунийлиги ва бутун борлиқнинг биринчи сабабий ибтидо-сидир. Дао объектив равишда мавжуд бўлиб, абадий ва чексиздир. Бошқа бир гуруҳ файласуфлар (Ван Би ва бошқ.) фикрича, дао «ғоялар ибтидоси» бўлиб, «йўқлик» тушунчасида ўзининг энг яхши ифодасини топган. Дао ғояси бу ерда ягона, энг асосий, умумий, соф мантиқий тушунчага айланадики, у ақлий жиҳатларда кўриб чиқилади. Мистик файласуфлар (Дао Чжун-шу ва бошқ.) даони «илохий йўл» сифатида талқин қилганлар.

Янги схоластик оқимнинг вужудга келиши

Сун сулоласи даврида (X-XIII) даосизмнинг буддавийлик ва конфуцийчилик билан қўшилиб кетиши натижасида «*даосюэ*», деб аталган янги схоластик оқим вужудга келган. Унга биноан, абадий, ўз-ўзича мавжуд бўлган, ғоявий ибтидо (*ли*) моддийликдан (*ци*) олдин вужудга келади ва ашёлар дунёсини бошқаради. Чжу Си томонидан тақдим этилган «*даосюэ*» оқими, Мин ва Цин сулолалари даврида ҳукмрон табақаларнинг илк таълимотига айланган эди. Унга қарши XVII асрда яшаган бир қатор файласуф-маърифатчилар ўз қарашлари билан чиқишган эди. Кейинчалик «*дао*» тушунчаси атрофида қадимги даврда бошланган кураш ўз ривожланишида давом этди. Хитой фалсафаси тарихига доир ҳозирги адабиётларда ҳам: «*Дао* тушунчаси моддий ёки ғоявий ибтидони билдирадими?», -деган баҳс ҳамон давом этаётганлиги диққатга сазовордир.

Хитой файласуфлари «дао» ҳақида



Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар


1. Дао тушунчасини ўзгартириб бориш сабаблари нимада?
2. Қачондан бошлаб, «дао» сўзи даосизм таълимоти маъноси-ни англатадиган бўлди?
3. Ушбу тушунчани қадимги Хитой файласуфлари қандай таъқин этганлар?
4. «Илоҳий йўл» тушунчасининг маъноси нима?
5. Ушбу таълимотга кўра, илсон ҳаётининг маъноси нима?
6. Сизнингча-чи?

7. Даосизмнинг янги схоластик оқими қандай вужудга келди?
8. Ушбу оқимнинг асосий ғояси нима эди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Дао» тушунчасининг фалсафий моҳияти» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол тайёрланг.
4. Даосизм янги схоластик оқими ва анъанавий даосизм таълимотларининг «дао» ҳақидаги қарашларини қиссий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. «Дао» тушунчасини «Балиқ суяги» техникаси орқали ёритиб беринг (2-илова).

2-илова



Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан.филос.наук. Богута И.И. –М.:Мысль, 1991.*
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах. –М., 1972.*
3. *История Востока.В 6-томах. Т.1. Восток в древности.– М.:Восточная литература РАН. –2002 .*
4. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. –М.: Мысль, 1994.*
5. *Конфуций. Уроки мудрости –М.:Эксмо.ФОЛИО, 2007.*
6. *Культура Китая от А до Я. – М.: Восток –Запад. –2008.*
7. *Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого. –Смоленск «Русич», 2000.*
8. *Fung Yu-lan. A history of Chinese philosophy, V.1-2, Princeton, 1952-1953.*
9. *Ян Хин-шун. Древнекитайский философ Лао-цзы и его учение. –М.-Л., 1950.*

ДАОСИЗМНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда даосизм таълимотидаги ижтимоий-ахлоқий ғоялар, тақдирга ишониш назарияси ва ашёларнинг ўзгариши ҳақидаги қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда даосизмнинг бахт-саодат ҳақидаги ғояларини фалсафий мушоҳада қилиш ва амалий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ахлоқий таълимот, бахтсизлик, хотиржамлик, тақдирга ишониш, Лао-цзы, кескин кураш, маданий ривожланиш, ибтидоий жамоа, Ван Чун, худо, руҳлар, мукофот, гуноҳ, жазо, бойлар, камбағаллар, қуюқ эфир, ижтимоий ўпирилиш, табиий фалокатлар, Ян Чжу, доимий ўзгариш, бадан, руҳ, эҳтиёж, Чжан Дао-лин, ҳамдардлик, «сарик тугунлилар», байроқ, Тан сулоласи, Лао-цзы ибодатхонаси, Сун ва Мин сулоалари, Цин сулоласи, Гоминданчилик мафкураси, мўъжизавий воситалар, ҳаёт элекури, сеҳргарлик, алхимия, табобат, астрономия.*

Асосий саволлар

1. Даосизмнинг тақдирга ишониш назарияси.
2. Ян Чжунинг ашёларнинг ўзгариши ҳақидаги қарашлари.
3. Даосизмнинг Дао-линча талқини.
4. Даосизмда бахт-саодат ғояси.

Даосизмнинг тақдирга ишониш назарияси

Даосизмнинг ахлоқий таълимотига кўра, жамиятдаги барча бахтсизликлар табиий қонун бўлган даонинг бузилишидан келиб чиқади. Бу қонунни бузмаслик учун, кишилар ўз эҳтиёжларини фаолиятда эмас, балки хотиржамликда қониқтиришни ўрганишлари керак. Ана шу ердан тақдирга ишониш назарияси бўлган ва жамият ҳаётининг асосида ётган «ҳеч нарсага қўл урмаслик» ақидаси келиб чиққан. Ҳамма нарса ўз ҳолига қўйиб қўйилиш лозим. Даосизм асосчиси ҳисобланган Лао-цзы фикрича, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги кескин кураш маданий ривожла-

нишдан келиб чиқади, шунинг учун кишини киши томонидан тобе қилиш бўлмаган, уруш нималигини билмаган, ҳар бир киши оддий, табиий ҳаёт тарзи билан қониққан, ибтидоий жамоа тузумидаги жамиятга қайтиш зарур.

Даосизмнинг иккинчи йирик вакили бўлган Ван Чун ҳам ижтимоий-ахлоқий масалаларда тақдирга ишонишдан келиб чиққан. Хайрли ишлар учун худо ва руҳлар томонидан бериладиган мукофот ва гуноҳлар учун бериладиган жазоларни рад этган Ван Чун буни шундай изоҳлайдики, бойлар ва камбағаллар, аслзода ва оддий фуқароларнинг ҳар бири пайдо бўлиш лаҳзасида бир хил бўлмаган қуюқликдаги эфирдан ташкил топганлар. Тақдирга ишониш Ван Чуннинг тарихий қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Унга биноан, барча ижтимоий ўпирлишлар, гуё олдини олиш мумкин бўлмаган табиий фалокатлардан келиб чиқади.

Ян Чжунинг ашёларнинг ўзгариши ҳақидаги қарашлари

Милоддан аввалги IV асрда яшаган Лао-цзынинг маслакдоши бўлган Ян Чжу ғайритабиий кучлар мавжудлигини инкор этиб, ажлодлар руҳига сиғинишга қарши чиққан эди. Унинг фикрича, ашёлар дунёси ўзининг қонунларига биноан идора қилинади ва доимий равишда ўзгаришдадир.

Ян Чжу таълимотига кўра, инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг ақли билан ажралиб туради. Инсон руҳини унинг баданидан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Бадан ўлса, у ҳам йўқолади. Шунинг учун инсон ўз ҳаёти давомида ўзининг эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши керак. Унинг таълимотига кўра, барча нарса инсон учун мавжуддир. Ян Чжу «ҳамма нарса ўзим учун» ғоясини олға суради.

Даосизмнинг Дао-линча талқини

Милодий II асрнинг биринчи ярмида Чжан Дао-лин даосизмнинг шундай таълимотини ишлаб чиқдики, у жамиятнинг ижтимоий куйи табақалари орасида кенг ёйилди. Унда камбағалларга ҳамдарадлик кучли эди. Шунинг учун у II аср охиридаги «сарик туғунлилар», деб аталган деҳқонлардан тузилган инқило-


бий лашкарлар ҳаракатининг байроғи бўлиб хизмат қилди. Аммо Жанубий ва Шимолий сулолалар ҳукмронлиги даврида (IV-VI асрлар) илк даосизм таълимоти қайта кўриб чиқилиб, ҳукмрон табақалар талабларига мувофиқ равишда ўзгартирилди ва феодалларнинг маънавий кулолига айлантирилди. Даосизм ўзининг кейинги ривожини асосан жамиятнинг юқори табақалари ичида топди. Тан сулоласининг императорлари (618-907) ўзларини Лао-цзынинг авлодлари ҳисоблай бошладилар ва бу таълимотни ҳурматлаб, ўз аждодлари руҳига Лао-цзы ибодатхонасида сиғина бошладилар, ҳамда Лао-цзыга энг улут биринчи император унвонини бердилар. Шунингдек, Сун (960-1279 йиллар) ва Мин (1368-1644 йиллар) сулолалари ҳукмронлиги даврида даосизм таълимоти раванк топди. Фақат манчжурларнинг Цин сулоласи (1644-1911 йиллар) давридагина дао этиқоди аста-секин таназзулга юз тутта бошлади. Гоминданчилик мафкураси ҳукмронлиги даврида даосизмдан Хитойдаги инкилобий ҳаракатга қарши курашда фойдаланилди.

Даосизмда бахт-саодат ғояси

Даосизм тарафдорлари айрим олинган шахс ҳаётининг абадийлиги, инсондан юқори турувчи, чексиз бахт-саодат ғоясини ташвиқ этиб, ички ва ташқи мўъжизавий воситаларни (абадий ҳаёт элексири, «чуқур нафас олиш машқи» ва бошқаларни) тадқиқ этиб, сеҳргарликнинг турли кўринишлари билан шуғулландилар.

Шу билан бирга даосизм сеҳргарлигининг айрим жиҳатлари (алхимия) фан учун айрим материаллар берди. Даосизм маслакидагилар табобат ва астрономия фанларини ҳам ўрганганликлари манбаларда қайд этилган.

Даосизмнинг ахлоқий таълимоти



Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар

1. Даосизмнинг ахлоқий таълимотида кўра, жамиятдаги барча бахтсизликларнинг сабаби нимада?
2. «Ҳеч нарсага қўл урмаслик» ақидасининг моҳияти нима?
3. Ван Чун ҳам ижтимоий-ахлоқий масалаларда тақдирга муносабати қандай бўлган?
4. Ян Чжу таълимотида кўра, инсон – бу нима?
5. Нима учун Ян Чжу «ҳамма нарса ўзим учун» гоёсини олган сурган?
6. Сизнингча, тақдир нима?

7. Чжан Дао-лин даосизмининг бош гояси нима эди?
8. Даосизмининг ижтимоий-ахлоқий таълимотиини ўрганши жамиятимиз истиқболи йўлида нималарни кафолатлаши мумкин?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Даосизмининг ижтимоий-ахлоқий таълимоти» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Даосизмда бахт-саодат гоясини антик файласуфларнинг «бахт» ҳақидаги қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. Богута И.И. –М.: Мысль, 1991.*
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах. –М., 1972.*
3. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература РАН. –2002 .*
4. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. –М.: Мысль, 1994.*
5. *Конфуций. Уроки мудрости –М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.*
6. *Культура Китая от А до Я. – М.: Восток –Запад. –2008.*
7. *Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого. –Смоленск «Русич», 2000.*
8. *Конрад Н.И. Философия китайского Возрождения (о Сунской школе) //Запад и Восток. –М., 1966.*
9. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск. –М., 1961.*

11-МАВЗУ

ИНЬ-ЯН ФАЛСАФИЙ МАКТАБИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда инь-ян таълимотидаги «ци» биринчи моддий ибтидо эканлиги, «Ицзын» фалсафасининг моҳияти ва Чжу Си таълимоти тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда инь-ян фалсафий мактабининг оламнинг ибтидосини тушунишдаги дуалистик таълимотини қадимги давр юнон файласуфларининг субстанция тўғрисидаги қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиш ва назарий ҳулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ци, ҳаво, газ, нафас, эфир, кичик заррача, қуюқ ашё, «Сицы чжуань», Ван Чун, Сюнь-цзы, Ицзын («Муқаддас ўзгаришлар китоби»), «Чжоу и» («Чжоунинг ўзгаришлар китоби»), Конфуцийнинг «Ўн уч китоби», «муқаддас матн» (цзын), саккиз триграмм (ба чуа), Фуси, цян (ижод), кун (бажарши), Чжэнь (уйғониш), кань (гарқ бўлиш), янь (қоим ҳолатда бўлиш), сунь (аниқлаш), ли (занжир-боғланганлик), олов, равшанлик, луй (ечши, ижозат бериш), сув маҳзани, хурсандчилик, Чжуань-цзын, «Шин» («Ўнта қанотлар»), «Буюк ҳудуд».*

Асосий саволлар

1. Ци - биринчи моддий ибтидо сифатида.
2. «Ицзын» фалсафасининг моҳияти.
3. Чжу Си таълимоти ва мактаби.

Ци - биринчи моддий ибтидо сифатида

Ци (хитойча – ҳаво, газ, нафас, эфир) –Хитой фалсафасидаги асосий тушунчалардан биридир. Умумий маънода энг кичик заррачалар кўринишидаги дунёнинг моддий ибтидосини англатади. Бу кичик заррачалар доимий ҳолатдаги нафас олишда бўлиб, гоҳида қуюқлашиб ашёларни ташкил этади, гоҳида эса, тарқалиб кетиб ёйилиши оқибатида ашёларни ўзгариши ва йўқ бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, *ци* – бу моддий куч, энергия ёки ҳаётгий куч-қувват бўлиб, қон ва нафас билан боғлангандир. У бундай сифатий кўринишда ашёлар ва инсонларнинг ташкил то-

пиш жараёнида иштирок этади. *Ци* тушунчаси «Сицы-чжуань» асарида учрайди, Ван Чуннинг моддиюнча таълимотида муҳим ўринни эгаллайди, ҳамда Сюнь-цзы (мил.ав.298-238 йиллар) ижодида ўз аксини топган.

«Ицзын» фалсафасининг моҳияти

«Ицзын» («Муқаддас ўзгаришлар китоби») ёки бошқача айтганда «Чжоу И» («Чжоунинг ўзгаришлар китоби»), қадимги анъанага кўра, Конфуцийнинг «Ўн уч китоби»га кирган китоблардан энг мураккаби ва серқирралиси бўлиб, бутун Хитой фалсафасига аксарият даражада ўз таъсирини ўтказа олган. У «Муқаддас матн» (цзын) ва шарҳлар (чжуань) дан иборатдир.

Ицзын ўзига хос график белгилардан ташкил топган 64 гексаграмм шаклларида иборатдирки, уларнинг турли хилда кўшилиши воситасида вужудга келган саккиз триграмм (ба чуа) дан иккитаси дунёнинг саккиз биринчи асосининг ибтидосидирлар. Анъанавий ақидага мувофиқ, *ба чуа* осмондан афсонавий император Фусига (мил.ав. 2852-2738 йй.) туширилгандирларки, у уларни шарҳлаб, икки баробарга кўпайтириб гексаграммаларга айлантирган. Уларда ўз ифодасини топган ғоялар эҳтимол Ин даврининг охири Чжоу (мил.ав.XI-X асрлар) даврининг бошида пайдо бўлган бўлса ҳам, аммо кейинчалик, милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида шаклланган (1-илова).

Чжуань-цзынни тушунтирувчи етти матн мавжуд бўлиб, улардан учтаси икки қисмга бўлинган ва «Ўнта қанотлар» («Шин»), деб аталган ўнта шарҳларни ташкил этади. Уларни Конфуцийга тааллуқли, деб билишган. Аммо ҳозирги замон тадқиқотлари шуни кўрсатдики, улар турли муаллифлар томонидан тахминан милоддан аввалги V-III асрларда вужудга келган. «Ицзын» фалсафасининг моҳияти «Сици-чжуань» («Шин»дан бири) китобида ва «Муқаддас матн»да баён этилган: унинг асосида доимо ўзгариб турадиган Коинот ётадики, ундаги *инь ва ян* кучларининг ўзаро таъсиридан барча ашёлар ва ҳодисалар вужудга келади. *Ба чуа*нинг келиб чиқиши ҳақида қуйидагилар айтилган: «Ўзгаришлар (жараёни) Тайцзыдан бошланади. Буюк ҳудуд икки бирламчи моҳиятни туғдиради (яъни, инь ва ян кучини ёки осмон ва ерни)... (улар) тўрт рамзни туғдирадики..., улардан саккиз три-

грамм ибтидоси келиб чикади. Саккиз триграмм бахт-саодат (омад) ва бадбахтликни (омадсизлик) ифода килади». Барча ҳодисалар ва ашёларнинг бошланғич манбаси цян ва кун триграммлари ҳисобланади: цян уларни вужудга келтиради, кун эса, уларни ўстиради.

Ци нинг бошқача тушунчасини янги конфуцийчиликдан топиш мумкин. Чжан Цзай цини ҳаракатсизлик ҳолатида «буюк бўшлиқ» билан баробарлаштиради, ҳаракат ҳолатида эса, «буюк уйғунлик» ва «*буюк ҳудуд*» тушунчалари билан ифодалайди. «Буюк ҳудуд», яъни тайцзы қадимги Хитой фалсафасидаги асосий тушунчалардан биридир. Иероглиф «*цзы*»нинг кўп маънолик эканлиги («олий даражада», «энг охирги», «томнинг юқори таянчи», «кутб», «охирги ҳудудгача олиб бориш») уни турлича таржима қилишга олиб келди. Улардан энг кенг тарқалгани - «*Буюк ҳудуд*» маъносидир. Бу тушунча биринчи марта «Сицзы чжуань» китобида *тайцзы* дан келиб чиққан коинотдаги ўзгариш ва тараққиёт жараёни сифатида қўлланилади. Тайцзига шу ерда берилган шарҳда у «*Буюк ибтидо*», «*Удугвор бирлик*», ундан осмон ва ер ажралиб чиқмасдан олдинги аралаш-қуралаш ибтидо сифатидаги хусусиятлар берилган. Буюк ҳудуд – бу «немга эга бўлмаган атамадир; уни қўлга киритиш ва номлаш мумкин эмас»; бу шундай йўқликдирки, ундан борлиқ туғилади; у «икки бирламчи мохият»ни туғдирадики, улар коинотни ташкил бўлиш ва тугалланиш жараёнини амалга оширадилар. Тайцзы тушунчаси янги конфуцийчиликда алоҳида эътибор билан кенгрок ишлаб чиқилган. Чжоу Дуньи, «тайцзы ту то» («Буюк ҳудуд диаграммасини тушунтириш») рисоласида «Буюк ҳудуд»нинг ўзи чексиз эканлигини қайд қилиб ўтган.

Чжу Си таълимоти ва мактаби

Чжу Си айрим олинган ва ҳамда биргаликда келган барча одамлар ва ашёларда *тайцзы* нинг мавжудлиги ҳақидаги таълимотини олға суриб, уни орзудаги ғоя бўлган *ли* билан бир эканлигини ва у Коинотнинг олий ғояси сифатида, унинг барча фаолиятини бошқаришини таъкидлайди.

Чжу Си ёки Чжу Хитой файласуфи бўлиб, бу оқимнинг шаклланиш жараёнини схирига етказган. У истъъодли комусий олим

бўлиши билан бирга, ғайратли бошқарувчи ҳам эди. Чжу Си мумтоз китобларнинг шарҳловчиси ва дарс берувчи устоз эди.

Чжу Си Конфуцийдан бошлаб, Чжоу Дунъи, Чан Цзай ва ака-ука Чэишларгача бўлган конфуцийчилик мутафаккирларининг ғояларини таҳлил қилди ва уларнинг асарларини ўзининг шарҳи билан бойитди ва улар ҳақида «Цзынь са лу» («Ҳозирги замон мутафаккирлари ва уларнинг ғоялари ҳақида ёзишмалар») номли тадқиқот ишини ёзди.

Чжу Си ўз таълимотида янги конфуцийчиликнинг барча олти асосий ғояларини бир тизимга солди ва уларни ривожлантирди. У дуалистик ақида бўлган икки ибтидо – бирламчи ғоявий «ли» ва иккиламчи, моддий «ци»нинг ривожланиши ҳақида Чэндан ҳам ўзиб кетди: *ли* муайян *ци* га боғланишга эҳтиёж сезади, *ци* эса, ўз навбатида ҳаётнинг қонуни сифатида *ли* га эҳтиёж сезади, шунинг учун ҳам уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди (2-илова).

Воқеликдаги ва имкониятдаги барча қоидалар, ҳамда *ци* ҳам табиий шаклдан маҳрум бўлган «Буюк ҳудуд»да мавжуд бўлиб, айрим олинган ҳолда Коинотдаги барча ашёлар таркибида ҳам бор. Инсоннинг (ёки ашёларнинг) *ли* си унинг муайян воқеликдаги табиатидир, у инсоннинг ҳеч нарсага тегинмаган ва етук ҳолатидаги бирламчи табиати бўлиб, бу –ахлоқий ақлдир. Унинг табиатидаги *ци* эса, инсоний хоҳиш ва ниятлар билан қўшилган табиий унсур бўлиб, хайрли ишга ҳам, залолатга ҳам оғиши мумкин бўлган инсоний ақлдир. *Жэнь* (инсонпарварлик) Чжу Си талқинида инсон ақли хатти-ҳаракати ва муҳаббат қондаси шаклини олади. Чжу Сининг умумлаштирувчи таълимоти кейинчалик Хитой фалсафасининг бош оқимига айланди. Мумтоз рисоалар ва уларга ёзилган шарҳларга таянадиган давлат имтиҳонлари тизими орқали эса, XX аср бошларигача давом этган ёшларнинг таълим тарбиясида муҳим ўрин тутди. Чжу Си ўз таълимоти билан Корея ва Япония фалсафасига чуқур таъсир ўтказди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Ба гуи жадавли

Номи	Сиймоси (рамзи)	Хусусияти
Цян (ижод)	Осмон	Мустаҳкамлик
Кун (бажариш)	Ер	Ўз-ўзини бағишлаш
Чжэнь (уйғониш)	Момақалдиروق	Ҳаракатчанлик
Кань (ғарқ бўлиш)	Сув	Хавф-хатарли
Яэнь (коим ҳолатида бўлиш)	Тоғ	Қоимлик
Сунь (аниқлаш)	Шамол (дарахт)	Ўтказувчанлик
Ли (занжир-боғланганлик)	Олов	Равшанлик
Луй (сечиш, ижозат бериш)	Сув махзани	Хурсандчилик

2-илова

Чжу Сининг дуалистик таълимоти



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Ци қандай тушунча?
2. «Ицзын»даги саккиз триграмм (ба чуа)да нималар акс этган?
3. Хитой фалсафасидаги асосий тушунчалардан бири бўлган «Буюк ҳудуд» нимани аниқлатади?
4. Чжан Цзай цини қандай тушунган?
5. Чжу Си ўз таълимотини шакллантиришида нималарни асос қилиб олди?
6. У ўз фалсафий таълимотида биринчи «ибтидо» муаммосини қандай ҳал қилди?
7. Чжу Си таълимоти ва мактаби кейинги даврларда Узоқ Шарқда фалсафий тафаккур тараққиётига қандай таъсир кўрсатди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Ицзын» фалсафасининг моҳияти» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 10та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Мавзудаги «биринчи моддий ибтидо - ци» ҳақидаги ғояларни антик давр Милет мактаби вакиллариининг субстанция ҳақидаги қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини ишлаб чиқинг (3-илова).

3-илова

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. Богута И.И.* –М.: Мысль, 1991.
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах.* –М., 1972.
3. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.* –М.: Восточная литература РАН. –2002.
4. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* –М.: Мысль, 1994.
5. *Конфуций. Уроки мудрости* –М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.
6. *Культура Китая от А до Я.* –М.: Восток –Запад. –2008.
7. *Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого.* –Смоленск «Русич», 2000.
8. *Конрад Н.И. Философия китайского Возрождения (о Сунской школе) // Запад и Восток.* –М., 1966.
9. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск.* –М., 1961.

12-МАВЗУ

ИНЬ-ЯН ВА БЕШ БИРИНЧИ УНСУРЛАР

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитой фалсафасининг асосий тушунчаларидан бўлган, қарама-қаршиликнинг кўшилишини ифода этувчи *инь* ва *ян* тушунчалари, оламнинг асосида ётувчи беш биринчи унсурлар ва Иньянцзя фалсафий мактаби тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда Чжоу Дунининг давлат қурилиши тўғрисидаги қарашларини фалсафий таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Инь, ян, булутли кун, қуёшли кун, соя, ёруғ, олов, сув, ер, фаоллик, ҳудудий чегара, «Ицзын», жамият, ғоя, инсон, маданият, буюк ҳудуд, Чуньдю, Чжаьго, Усин, тинчлик-омонлик, тартиб ҳукмронлиги, бош-бошдоқлик, Ван Чун, Дун Чжуншу, иньянцзя, Хандаври, Цзоу Ян, Цзыся академияси, ахлоқий сифатлар, Ся сулоласи, Шан сулоласи, Чжоу сулоласи, у-цай (беш моддий манба), «ҳаёт-ўлим», металл, Чжоу Дуньи, тайцзы (чексиз буюк ҳудуд), нур, тунроқ, инсонпарварлик, адолатлилик, одоб, билим, садоқат, хайр (яхшилик), шарр (ёмонлик), чэн (ростғўйлик), ҳукмдор сифатлари.*

Асосий саволлар

1. «Инь» ва «ян»дан моддий дунё, жамият, ғоялар, маданият ва ахлоқнинг вужудга келиши.
2. Иньянцзя фалсафий мактаби.
3. Чжоу Дунининг давлат қурилиши назарияси.

«Инь» ва «ян»дан моддий дунё, жамият, ғоялар, маданият ва ахлоқнинг вужудга келиши

«Инь» ва «ян» – Хитой фалсафасининг асосий тушунчаларидир. Келиб чиқиш маъноси куйидагича (1-илова): булутли ва қуёшли кун ёки сояли ва ёруғли томон (масалан, тоғлар, далалар). Қадимги Хитой мутафаккирлари бундай қарама-қаршиликнинг қўшлигини бири иккинчисининг кетидан келиб алмашадиган кўплаб ходисаларнинг фалсафий ифодаси учун

қўлайдилар: ёруғлик билан қоронғулик, Куёш ва Ой, олов ва сув, фаоллик(ҳаракат) ва Ер ҳамда шунга ўхшавл: «ян худуд чегарасига етиб, *инь*га айланади; *инь* худуд чегарасига етиб, *ян*га айланади». Бу ўз ифодасини «*Ицзын*» гексаграммаларида топган. Ундаги бутун тўғри чизик «Ицзында инь ва ян ўзаро доимий қарама-қаршиликда бўлган коинотдаги куч сифатини ўзига камраб оладики, у туфайли моддий дунё, ҳамда жамият, ғоялар, маданият, ахлоқ вужудга келади ва ўзгаради. *Инь* ва *ян*нинг ўзлари эса, «Буюк худуд»дан вужудга келгандирлар» (2-илова).

Чуньчю даврида (мил.ав. VIII-V асрлар) *инь* ва *ян* назарияси *ци*-энергия, ҳаётий куч тушунчаси билан тўлдирилди. Чжаьго даврида эса (мил.ав. V-III асрлар), беш бирламчи унсур (*У-син*) ҳақидаги ақида билан бойитилиб, улар *инь* ва *ян*нинг ҳаракати учун ашёлик вазифасини ўтар эдилар. *Инь* ва *ян* ҳақидаги таълимотининг ҳамда *У-син* тўғрисидаги қарашларнинг муҳим жиҳати, уларнинг кишилар ҳаёти ва инсон жамияти билан чамбарчас борлиқлигида эди. Агар кишилар табиий қонуниятга мувофиқ ҳаракат қилсалар, у вақтда мамлакатда хотиржамлик, тинчлик-омонлик ва тартиб ҳукмронлик қилади. агар уларнинг фаолияти бўзилса, унда бош-бошдоқлик ҳукм суради ва аксинча, кишилик жамиятидаги тартибсизлик *инь* ва *ян* ҳамда *У-син*нинг табиий ўзгаришларига тўққинлик қилади. *Инь* ва *ян* таълимоти турли файласуфлар (Ван Чун, Дун Чжуншу, янги конфуцийчилик намояндалари) томонидан ишлаб чиқилган, аммо иньянця мактабининг таълимотида улар алоҳида ўрин эгаллаган.

Иньянця фалсафий мактаби

Иньянця (маъноси - инь ва ян кучлари ҳақидаги таълимотга асосланган мактаб) қадимги Хитой фалсафасининг Хан даври (мил.ав.206 й.–мил.220 й.) олимлари томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилган ўнта фалсафий мактабнинг бири бўлиб, астрономик кузатишлар натижасида келиб чиққан.

*Иньянця*нинг энг йирик намояндаси Цзоу Ян (мил.ав.305 – 240 йиллар) ҳисобланади. У *Цзыся академиясида* ўқиган, кейинчалик катта олим ва сермахсул муаллиф бўлиб етишган. У ҳаракатдаги беш ибтидонинг (*У-син*) ўзаро доиравий тарзда бир-бирини туғдириши ва бир-бирини таъсирини кишилик жамиятига татбиқ

этиб «Ҳаракатдаги беш ибтидонинг айланиб туришининг ахлоқий сифатлари» (унинг рисолаларидан бирининг номи) ҳақидаги таълимотни илгари сурди: «Худди металл ёғочни енганидек, олов эса, металлдан ғолиб чиққани каби Ся сулоласи (мил.ав. XXIII-XVIII асрлар), яъни металл томонидан тахтдан туширилди, у эса, ўз навбатида, олов каби бўлган Чжоу (мил.ав. XVII-XI асрлар) сулоласи томонидан ҳокимиятдан туширилган». Ушбу таълимот тарихнинг даврийлик тараққиёти ҳақидаги назарияга асос бўлди (масалан, Дун Чжуншу ва бошқалар ижодида). Иньянзя ва унинг *инь* ва *ян* ҳаракатидаги беш ибтидо кучлари ҳақидаги таълимоти кейинги фалсафий ва тарихий назарияларга кучли таъсир кўрсатди.

У-син – бу олов, сув, ёғоч, металл ва тупроқ аввалида улар, *у-цай* (беш моддий манба, беш турли хомашё) тушунчаси остида бирлашган эдилар. Улар муайян ашёларни англатувчи маънода қабул қилинган эдилар. Кейинчалик уларни моддий дунёни ташкил этишда қатнашувчи ва уни асоси бўлган куч ва унсурлар сифатида фалсафий маънода идрок этишга ўтилди. *У-син* қуйидаги мураккаб диалектик алоқани ифода этар эди: «хаёт-ўлим»; ёғоч оловни туғдиради, олов тупроқни (кулни) туғдиради, тупроқ металлни туғдиради, металл сувни туғдиради (металлдан ясалган ашёларда қиров тўпланади), сув ёғочни туғдиради ва ҳаёт доирасини хотималайди; ўз навбатида, «ўлим ҳалок бўлиш» доирасида ёғоч тупроқни енгади, тупроқ сувни енгади, сув оловни енгади, олов металлни енгади, металл ёғочни енгади (3-илова). *У-син* ҳақидаги таълимот *иньянцзя* фалсафий мактаби ва янги конфуцийчиликда муҳим аҳамият касб этди. Масалан, янги конфуцийчилик таълимотининг асосчиларидан бўлган Чжоу Дуньи фикрича, «чексиз буюк худуд» (тайцзы) ҳаракатланиш натижасида *ян* ни, яъни нурни тугдиради, ҳаракатсиз ҳолатда эса, *инь*, яъни сояни («қўшилишга» олиб келувчи ҳаракатсизлик) тугдиради. Бунда *ян* ўзининг худудий чегарасига етишиб, *инь*га айланади, *инь* эса, яна *ян* га айланади. Уларнинг ўзаро таъсири *У-син* (сув, олов, ёғоч, металл, тупроқ)ни ижод этади. Улар замонда ҳаракатга келиб, *тайцзы*, *инь ва ян*нинг сирли иттифокида, эркаклик ибтидоси (осмон) ва аёллик ибтидоси (ер) воситасида, тўхтовсиз равишда ўз-ўзини вужудга келтирувчи беҳисоб ашёларни шакллантиради. Бу жараённинг тожи сифатида *беш ахлоқий қоидага* (инсонпар-

варлик, адолатлилик, одоб, билим, садокат) эга бўлган ва хайр (яхшилик) билан шаррни (ёмонлик) ажрата биладиган инсон майдонга чиқади. Барча фаолиятнинг асосий манбаи ахлоқий фаолиятсизликка баробар бўлган самимийлик (ростгўйлик-чэн) дир.

Чжоу Дунининг давлат қурилиши назарияси

Давлат қурилиши назариясида Чжоу Дуни марказий ўринни хукмдорга берадики, ўзининг хусусиятлари жихатидан тўғри хулқ-атворнинг намунаси бўлган: соф қалбли, ахлоқий қондаларга қатъий амал қилувчи, ўз нутқи, кўриниши, нигоҳи ва эшитиши билан бошқаларга ўрناق бўла оладиган ҳамда атрофига фазилатли ва истейдодли одамларни жалб эта оладиган бўлиши лозимки, токи улар ёрдамида мамлакатни осон идора эта олсин.


МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова


Инь ва яннинг келиб чиқиши ҳақидаги тасаввурлар



Инь ва ян қарама-қаршилиги натижалари



*Иньяңзя фалсафий мактабининг «У-син»
диалектик таълимоти*



Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар

1. *Инь-ян таълимотига кўра, дунёнинг сабаби нима?*
2. *Бирламчи У-син таркибига нималар киради?*
3. *«Харакатдаги беш ибтидонинг айланиб туришининг ахлоқий сифатлари»да нималар акс эттирилган?*
4. *У-син диалектик таълимотининг амалий аҳамияти нимада?*
5. *Чжоу Дуньи фикрича, ян қандай пайдо бўлади?*
6. *У ўз фалсафий таълимотида илгари сурган беш ахлоқий қоидаларини биласизми?*
7. *Чжоу Дуньи фикрича, ҳукмдор қандай хулқ эгаси бўлиши керак?*
8. *Инь-ян таълимоти кейинги даврларда Шарқ халқлари, хусусан Узоқ Шарқ халқлари маънавий ҳаётида қандай аҳамият касб этди?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Иньянцзя фалсафий мактаби» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 15та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Инь ва яндан моддий дунё, жамият, ғоялар, маданият ва ахлоқнинг вужудга келиши ҳақидаги ғояларни антик давр юнон файласуфларининг субстанция ҳақидаги қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Инсерт усулидан фойдаланиб, куйидаги жадвални тўлдириг (4-илова).

4-илова

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига куйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
«V» - биламан
«Қ» - мен учун янги маълумот
«-» - мен билган маълумотни инкор қилади

«?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	V	-	Қ	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. Богута И.И. – М.: Мысль, 1991.*
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах. – М., 1972.*
3. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. – М.: Восточная литература РАН. – 2002.*
4. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. – М.: Мысль, 1994.*
5. *Конфуций. Уроки мудрости – М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.*
6. *Культура Китая от А до Я. – М.: Восток – Запад. – 2008.*
7. *Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого. – Смоленск «Русич», 2000.*
8. *Конрад Н.И. Философия китайского Возрождения (о Сунской школе) // Запад и Восток. – М., 1966.*
9. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск. – М., 1961.*
10. *Хоу Вай-лу (и.др.). Чжунго чжасюэ цзянши (Краткая история китайской философии). – Пекин. 1963.*

13-МАВЗУ

ИСМЛАР МАКТАБИ. ГУНСУНЬ ЛУННИНГ МАНТИҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитой фалсафасидаги исмлар мактаби Хуэй Шининг ашёларнинг номлари ҳақидаги фалсафий қарашлари ва Гунсунь Луннинг мантиқий таълимоти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда Гунсунь Лун қарашлари ва антик давр файласуфи Зенон апорияларини қиёсий таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Гунсунь Лун, ҳукм, Хуэй Ши, ашёларнинг хусусиятлари, солиштириш, Чжуан-цзы, замон, макон, борлиқдаги бирлик, айният, тафовут, «Гунсунь Лун-цзы», Хань шу («Хан сулоласи тарихи китоби»), «Баймату» («Оқ от ҳақида»), тушунчалар (гоялар), «Ўз-ўзларича», «яширин», «ашё-гоя». «Цзян байлунь» («Қаттиқлик ва оқлик»), эшитиш, кўриш, пайнаслаш, оқлик, қаттиқлик, Инь Вэньцзы, Дэн Си-цзы.*

Асосий саволлар

1. Хуэй Ши ва исмлар мактаби.
2. Гунсунь Луннинг «Гунсунь Лун-цзы» китоби.
3. Дэн Си-цзы қарашлари.

Хуэй Ши ва исмлар мактаби

Давлат гуллаб-яшнаган ва бой ғоявий муҳит шаклланган бир шароитда, «Юзта мактаб» деб аталган, воқеликнинг тил воситасида ифодаланиши муаммосини ҳал қилишга қаратилган тафаккур йўналиши пайдо бўлди. Манбаларда исмлар мактаби ашёлар муносабатини ва шу муносабатларнинг ўзини ифодаланишини, кейин эса, ҳукм чиқариш ва номланишнинг бири-бирига мувофиқлиги масалаларини тадқиқ этганлиги қайд этилган.

Хуэй Ши (мил.ав.350-260йиллар) биринчи бўлиб ашёларнинг ташки хусусиятлари уларнинг исмларига унчалик мувофиқ

келмаслигига ўз эътиборини қаратди. Унинг таълимотига кўра, ҳар бир нарсанинг хусусиятини ифодаловчи исм, бошқа ашёлар билан солиштириш натижасидагина вужудга келади. Хуэй Ши асарларидан фақат айрим парчаларгина сақланиб қолган бўлиб, улар Чжуан-цзынинг китобида келтирилган. Инсонлар ҳукм юритишининг нисбийлиги замон ва макон муайянлигига баробар даражада тааллуқлидир. Унинг фикрича, айрим олинган ашёлар ўртасидаги муносабатни тушуниш уларнинг борлиқдаги бирлиги билан белгиланади: «Бир-бирларига нисбатан жуда ҳам айниятда бўлган ашёлар, ўзларидан кам даражадаги ашёлардан фарқ қилсалар, бу ҳолда уларни *фарқ қилувчи айният*, деб атайдилар. Аммо барча нарсалар пировард натижада ҳам айниятда ва ҳам тафовутдадирларки, буни *улуғвор фарқли айният*, деб атайдилар».

Гунсунь Луннинг «Гунсунь Лун-цзы» китоби

«Гунсунь Лун-цзы» китобида сақланиб қолган рисоалар мазмунига кўра, Гунсунь Лун (мил.ав. 325-250 йй.) ашёлар исмланишининг тўғрилигини тадқиқ қилган. «Хан сулоласи тарихи китоби»нинг («Хань шу») «Адабиёт» бўлимида («И вэнь чжи») кўрсатилишича, Гунсунь Лун 14 бобдан иборат бўлган «Гунсунь Лун-цзы» деб аталган умумий номда китоб ёзганки, улардан фақат 6 боби ҳозирги кунларгача етиб келган.

«Баймалун» («Оқ от ҳақида») бобида Гунсунь Лун шуни исботлашга ҳаракат қиладики, тушунчалар (ғоялар) ҳис-туйғу ҳосил қилувчи ашёлар билан боғлиқ эмас; улар мустақил бўлиб, айрим ҳолда мавжуддирлар, «ўз-ўзларича бўлиб», «яширин» борлиқ сифатидадирлар. Ҳис-туйғули ашёлар ғояларга боғлиқ бўлмасдан, соф борлиқнинг моддий шаклларидадирлар. Ғоялар ва ҳис-туйғули ашёларнинг қўшилиши, ҳодисаларда ўзларини намоён қиладиган «ашё-ғоя»лардир. Бундай ғоя ашё ҳам, ашёнинг ҳос-саси ҳам эмас. Масалан, оқ отнинг оқлиги «ашё-ғоя»дир, аммо «оқлик» от бадани билан қўшилмасдан олдин айрим ҳолда мавжуд бўлган. «От» ҳам «оқ от»нинг шакли сифатида «наrsa-ғоя»-дир, аммо оқ ранг билан қўшилгунча, у ҳам алоҳида ҳолда мав-

жуд бўлган. Шунга асосланиб Гунсунь Лунь «оқ от, от эмас» деган ғояни олға сурди. «Цзян бой лунь» («Қаттиқлик ва оқлик») бобида худди юқоридаги таҳлил асосида Гунсунь Лун шуни исботлашга уриндики, тошдан алоҳида олинган қаттиқлик хиссий қабул қилишдан (эшитиш, кўриш, пайпаслаш ва бошқалар) алоҳидалигини таъкидлаб, улар фақат алоҳида олинган тақдирдагина мавжуддирлар, деб ҳисоблади. Гунсунь Лун фикрича, кўз билан қаттиқликни кўриб бўлмайди, фақат унинг воситасида оқликни кўриш мумкин, холос; оқликни қўл билан билиб бўлмайди; унинг воситасида фақат қаттиқликнигина билиш мумкин. Шунинг учун биринчи ҳолатда қаттиқлик йўқ бўлса, иккинчи ҳолатда оқлик мавжуд эмас. Шундай қилиб, пайпаслаб билиш ва кўриш алоҳида мавжуд бўлиб, бир-бирига кирмайди ва ўзаро таъсирга эга эмас.

Мантиқда Гунсунь Лун бирлик ва айниятни таъкидлаб, «айримлик ва тафовут»ни рад этган Хуэй Ши мактабининг қарашларини тўғирлашга ҳаракат қилди ва Чжуан-цзынинг ҳақиқат ва ёлғонни тушунишдаги релятивизмини танқид қилди. Уларнинг қарашларига қарши ўларок, «Тун бяи лунь» («Ўзгаришлар ҳақидаги тушунтириш») бобида Гунсунь Лун «нотўғри»ни «тўғри» билан, «тўғри»ни эса, «нотўғри» воситасида ҳар томонлама тадқиқ қилиш қоидасини олға сурди. Аммо «айримлик ва тафовут»ни мутлақлаштириб Гунсунь Лун барибир *айримлик ва умумийлик ўртасидаги диалектик бирликни тушуниб етмади* ва шировардида шундай натижага келдики, тушунчалар ва ашёлар мутлақ бир-бирларига боғлиқ эмаслар. Гунсунь Лун софизмида ҳаракатнинг қарама-қаршилиги, замон ва маконнинг чексизлиги намоён бўлади.

Унинг таъкидлашича, «учиб бораётган камалак ўқи ҳаракатда ҳам, соқинлик ҳолатида ҳам эмас», «агар ҳар қуни бир чи узунликда бўлган қалтақдан ярми олинса, (бу жараёни) ўн минг авлод ўтгандан кейин ҳам тугатиб бўлмайди» (Чжуан-цзы, 33-бўлим).

Гунсунь Лун қарама-қаршилиқлар воситасидагина тараққиёт бўлиши мумкин, деган ғояни рад этди.

Дэн Си-цзы қарашлари


Исмлар мактабининг файласуфлари ашёлар номланишини уларнинг ўзидан келиб чиққан ҳолда тушунтириш зарурлигига ўз эътиборларини қаратдилар.

Бу мактабга мансуб бўлган бошқа файласуфлардан яна Инь Вэн цзы ва Дэн Си-цзыни кўрсатиб ўтиш лозим. Исмлар мактабининг мақсадини Дэн Си-цзы қуйидагича аниқ ифодалайди; «Исмлар тадқиқоти орқали кашф этиладиган ҳақиқат, олий ҳақиқатдир. Ҳақиқат орқали кашф этиладиган исмлар, энг умумий исмлардир. Қачонки, бу икки восита бир-бири билан ўзаро қўшилса ва тўлдирилса, инсон ашёларни ва уларнинг исмларини касб этади».

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Исмлар мактаби



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Қадимги Хитойда исмлар мактаби қандай пайдо бўлган эди?
2. Хуэй Ши ўз асарларида исмларнинг келиб чиқиши тўғрисида қандай фикрлар билдирган эди?
3. «Гунсунь Лун-цзы» китобининг муаллифи ким эди?
4. Гунсунь Лун мантиқий таълимотининг ўзига хослиги нимада?

5. «Баймалун» («Оқ от ҳақида») бобида Гунсунь Лун нима-ларни исботлашга уринган?
6. Гунсунь Луннинг «учиб бораётган ўқ» ҳақидаги қарашларининг лантикий аҳалияти нимада?
7. Дэн Си-цы исмларнинг келиб чиқишини қай тарзда тушунтирган?
8. Сизнингча, борлиқдаги ашёларнинг номлари қандай пайдо бўлган?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Қадимги Хитойда исмлар мактаби» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 10та тест, 15та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Гунсунь Лун қарашлари ва антик давр файласуфи Зеноннинг апориялар ҳақидаги қарашларини киёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. ФСМУ жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

ФСМУ учун топшириқ: Хуэй Шининг исмлар ва ашёлар ҳақидаги фалсафий қарашларини таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Хуэй Ши, исмлар, ашёлар, ҳукм, пировард натижа, солиштириш.

Савол	Хуэй Шининг исмлар ва ашёлар ҳақидаги фалсафий қарашлари
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. Богута И.И.* – М.: Мысль, 1991.
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах.* – М., 1972.
3. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.* – М.: Восточная литература РАН. – 2002.
4. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* – М.: Мысль, 1994.
5. *Конфуций. Уроки мудрости* – М.: Эксмо. ФОЛИО, 2007.
6. *Культура Китая от А до Я.* – М.: Восток – Запад. – 2008.
7. *Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого.* – Смоленск «Русич», 2000.
8. *Конрад Н.И. Философия китайского Возрождения (о Сунской школе) // Запад и Восток.* – М., 1966.
9. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск.* – М., 1961.
10. *Хоу Вай-лу (и др.). Чжунго чжэсюэ цзянши (Краткая история китайской философии).* – Пекин. 1963.

14-МАВЗУ

ЛЕГИЗМ МАКТАБИ. ШАН ЯН ВА ХАНЬ ФЭЙ-ЦЗЫ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Хитой фалсафасидаги легизм мактаби таълимоти тўғрисида, Шан Ян ва Хань Фэй-цзыларнинг мустабид давлат назариясининг моҳияти ва унинг натижалари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда Шан Ян ва Хань Фэй-цзыларнинг қарашларини Афлотун ва Арастуларнинг давлат ва жамият тўғрисидаги қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч гушунчалари: *Легизм, Шан Ян, Хань Фэй-цзы, «Урушувчи давлатлар», ижтимоий назария, мустабид давлат, Шэнь Бухай, Хань сулоласи, туб ва кескин чоралар, Шан Ян, «Шан цзюнь цу» («Шан вилояти ҳокимининг китоби»), Гунсунь Ян, Вэй Ян, Сяо-гун, ислоҳотлар, ягоналик назарияси, «омбурлар» назарияси, оқил, қонун, қобилият, Сюнь-цзы, Цинь Ши-хуан, зўравонлик (тоталитар), «Лао-цзы» рисоласи, халқни жаҳолатда тутиш, худбинлик, якка ҳокимлик, «Дао дэ цзын» талқини, камчиликларни яшириш, мукофотлаш, жазолаш, инсоннинг ёмон табиати, фуқаро, манфаат, фойда, фармонлар, ўтмишни мадҳ этиш, китобларни ёндириш, эклектиклар, Гуань-цзы, Люй Бу Вэй, тарихий ҳужжат.*

Асосий саволлар

1. Шан Ян мустабид давлат назарияси асосчиси.
2. Хань Фэй-цзы қарашлари.
3. Эклектик назариялар (Гуань-цзы, Люй Бу Вэй).

Шан Ян мустабид давлат назарияси асосчиси (мил. ав. 390-338 йиллар)

Легизм «урушувчи давлатлар» даврида ўз диққат эътиборини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар масаласига қаратган таълимот сифатида шаклланган эди. Унинг вакиллари ижтимоий назария муаммоларни (эски қишлоқ хўжалигига асосланган мустабид давлат

манфаатлари нуқтаи назаридан) ва давлатни бошқариш билан боғлиқ бўлган масалалар билан шуғулланганлар. Легистларнинг раҳнамоси *Шэнь Бухай* (мил.ав.400-337 йиллар) ҳисобланади. Унинг давлатни бошқаришга доир назариясидан Хань сулоласи ҳукмронлиги даврида фойдаланилди, ҳамда конфуцийчилик мазмунига қўшилди. Ўзларининг асосий душманлари сифатида конфуцийчиликни кескин танқид қилиш билан бирга легистлар давлат ва жамият ҳаётига янгиликлар олиб кириб, туб ва кескин чоралар кўришни тавсия қилдилар. Уларнинг бундай қарашларидан Шан Янга тааллуқли деб топилган, милoddан аввалги III асрда ёзилган «Шан цзюнь шу» («Шан вилояти ҳокимининг китоби») китоби гувоҳлик беради.

Шан Яннинг тўлиқ исми Гунсунь Ян, Вэй Ян бўлиб, қадимги Хитойнинг жамоат арбоби ва легизм таълимотининг асосчиларидан бир эди. У Вэй подшолигининг камбағаллашиб қолган аслзодалар уруғидан эди. Шан Ян Цинь сулоласидан бўлган подшоҳ Сяо-гуннинг (мил.ав.361-338й.) биринчи маслаҳатчиси сифатида легизмнинг асосий қоидаларига мувофиқ бўлган бир қатор ислохотлар ўтказдики, улар ҳокимиятнинг подшоҳ кўлида тўпланишига сабабчи бўлди.

Шан Яннинг таълимоти унинг шогирдлари томонидан милoddан аввалги III асрда тузилган «Шан цзюнь шу» («Шан вилояти ҳокимининг китоби») рисоласида баён этилган (2-илова). Шан Ян Хитой сиёсий тафаккури тарихида биринчи бўлиб *мустабид давлат назариясини* яратди ва легизмнинг давлат ва жамиятни бошқариш ҳақидаги асосий қоидаларини ишлаб чиқди: тенг имкониятлар қондаси, иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқариш, халқ фаолиятининг асосий соҳасида ягоналик назарияси (кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ер ишларига ва урушга жалб этиш), аслзодалик мартабаси тизими, «омбурлар» назарияси – жамоа ерларида ишловчиларга давлат маъмурлари фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқини бериш, қонун олдида жамоавий масъулият қондаси ва бошқалар. Сяо-гун вафотидан кўп ўтмай, аслзодалар авлодлари талабига мувофиқ Шан Ян унинг оила аъзолари билан биргаликда қатл этилди.

Шан Ян китобидан қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Кимки, оқил бўлса, қонунлар билан чегараланиб қолади. Кимки,

қобилиятли бўлса, тартибларни ўзгартиради, кимки, қобилиятсиз бўлса, у тартиблар билан боғланиб қолади. Тартиблар билан боғланиб қолган одам билан ишлар ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча, қонунлар билангина чегараланиб қолган киши билан эса ўзгаришлар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ».

Хань Фэй-цзы қарашлари (мил.ав.280-233 йиллар)

Легизм таълимотининг энг кўзга кўринган вакили Хань Фэй-цзы эди. У Конфуций тарафдори Сюнь-цзынинг шогирди эди. Хань Фэй-цзы гоьларини император Цинь Ши-Хуан (мил.ав.221-209 йй.) амалда қўллаганини қайд этилган.

Хань Фэй-цзы фацзя мактаби тараққиётини яқунлаган «Хань Фэй-цзы» рисоласининг муаллифи бўлиб, ўз келиб чиқиши жиҳатидан аслодалар уруғига мансуб эди. Ҳаётини зиндонда ўзини-ўзи ўлдириш билан яқунлади.

Хань Фэй-цзынинг *фацзя* назариясига қўшган ҳиссаси шу бўлдики, у, «Шан-цзюнь шу» асарида, мил.ав. IV асрда сиёсий арбоб Шэнь Бухай томонидан ишлаб чиқилган сиёсатнинг зўравонликка (тоталитар бонқаришга) асосланган умумий қондасини (ахлоқдан бутунлай ажратилган) *бюрократия* *устидан назорат ўрнатиш* усули билан тўлдирди. У фацзя сиёсий назариясини фалсафий асосга қўйиш учун даосизмдан (айниқса, «Лао-цзы» рисоласида баён қилинган конфуцийчиликнинг ахлоқ тушунчасини танқидидан) фойдаланди. Жумладан, халқни сиёсий жиҳатдан лақиллатмоқликни асослаш (юйминь) учун у «Лао-цзы»да келтирилган маърифатли бўлгандан кўра, халқни жаҳолатда тутиш афзалроқдир, деган фикрдан фойдаланди.

Фацзя тизимига *даоча* тушунчаларни киритилиши Хань Фэй-цзы таълимотида жуда кўп ғализликларни келтириб чиқарди. *Бир томондан*, у «Шан-цзюнь шу» асаридан шундай фикрни олдики, унга кўра, инсон табиатан худбин, баттол (баджаҳл) бўлганлигидан сиёсий арбоб халқ ҳақида ғамхўрлик қилмаслиги керак ва ўзининг яқка ҳокимлигига эришиши учун у билан шундай муомала қилиши керакки, гўё халқ анё бўлиб, ҳукмдор нимани хоҳласа, ундан шунни ясаши мумкин бўлсин. *Иккинчи томондан*, Хань Фэй-цзы *даочилардан* фаолиятсизликни макташини

Ўзлаштириб, шуни таъкидладикки, ҳукмдор бошқаришда шахсан муфассал равишда ишлаб чиқилган қонунлар воситасида бошқариладиган фаолиятни фақатгина кузатиши лозим. Хань Фэй-цзынинг мустабидликни асословчи таълимоти моҳиятан даосизмга бегона бўлишига қарамасдан (чунки даосизм давлат бошқаруви кишанини ва ижтимоий қоидаларни улоқтириб ташлаб, табиат билан қўшилишга чақирар эди), у бунёд этган фацзя билан даосизмнинг қоришмаси (*амальгама*) шу нарсага олиб келадикки, фацзя назариясининг бир қатор қоидалари кейинги *дао* ча диний қонунларга кириб келди. Хань Фэй-цзы ўзининг динга қарши тамойиллари билан ҳам машҳур: у қонун билан руҳларни мувофиқлаштириб бўлмаганлиги учун, уларга ишонишни рад этди.

Хань Фэй-цзы кўпинча бошқа мактаблар томонидан ишлаб чиқилган тушунчалардан фойдаланди ва уларни ўзича талқин қилиб, янги мазмун билан бойитди. Жумладан, бу нарса, анъанавий конфуцийчилик тушунчалари бўлган – тартиб (ли), хайрли фаолият (дэ) ва инсонпарварлик (жэнь)га тааллуқли эди. У кўп вақтини «Дао дэ цзын»ни талқинига бағишлайди. Борлиқ ҳақидаги таълимот жиҳатидан Хань Фэй-цзы бу соҳадаги турли мактаблар тушунчаларини янги тизимга солиб, уларни бир-бирига қўшишга ҳаракат қилди. «Йўл (дао) – бу шундай нарсаки, ашёларни, улар қандай бўлсалар, шундай қабул қилади, бу шундай нарсаки, тартибни (ли) шакллантиради. Тартиб – бу шундайки, у ашёлар сиймосини ташкил этади...» (Хань Фэй- цзы асаридан).

Жамиятдаги тартиб – бу фақат камчиликларни ташқи томондан яширишдир. Бу нарса одамлар ўртасидаги муносабатларда, жумладан, ҳукмдор билан жамият орасидаги заруриятдир. Масалан, ҳукмдор фақат қонунларни (фа) ва фармонларни (мин) чиқаради, жамият манфаатлари ичига эса, чуқур кириб бормайди (у вэй), негаки, бу қонунлар доирасида фақат мукофотлаш ва жазолаш тизимигина ишлаб чиқилган.

Хань Фэй-цзы Сюнь-цзынинг инсоннинг ёмон табиати ҳақидаги фикрини янада ривожлантиради. Инсон шахсий муваффақиятга эришишга интилади ва шунинг учун бу нарсани ижтимоий муносабатларда қўллашга ҳаракат қилиш керак. Фуқаро ўзи учун қандайдир манфаат ва фойда олиш учун ўз

кобилиятини сотади. Қонунлар бундай муносабатларни бошқариш учун хизмат қилади. «Агар қонунлар (фа) ва фармонлар (мин) ўзгарса, у вақтда манфаатдорлик ва манфаатсизлик алмашса, одамлар фаолиятининг йўналиши ҳам алмашади». Демак, олдинги тартиб эмас, балки ҳукмдорнинг қонушари кишиларни «вужудга келтиради». Ҳукмдорнинг ўрни осмоний илоҳийлик томонидан тайин этилган. Хань Фэй-цзы қонун ҳақидаги ўз тушунчасини бошқа мактабларнинг худди шундай тушунчаларига қарама-қарши қўйиб, уларни ўзича талқин этади.

Худди шундай тарзда жамият тараққиётининг моҳияти тушунтирилади. Ўтмишни қайтариш керак эмас. Янги тарихий воқеликка, янги тарздаги бошқарув воситалари мувофиқ келиши лозим. Конфуцийчиликдаги маънога кўра, тартибга қарши курашиш фойдасиз бўлиб, янги қонунлар хусусияти билан қарама-қаршиликдадир. Хань Фэй-цзы ўтмишни мадҳ этиб, ҳозирги замонни рад этувчи бошқа мактаблар қарашларига қарши чиқди. Цинь сулоласининг энг машҳур ҳукмдори бўлган император Цинь Ши-хуан Хань Фэй-цзыни жуда ҳам ҳурмат қилар эди. Шунинг учун у ўлим жазоси билан қўрқитиб, бошқа мактаблар ва таълимотлар фаолиятини таъқиқлади. Уларнинг китоблари ёндирилди. Хань Фэй-цзы ўзининг номи билан боғлиқ бундай зўравонлик ва шафқатсизлик муҳитига чидамай ўз жонига қасд қилди.

Эклектик назариялар (Гуань-цзы, Люй Бу Вэй)

Эклектиклар (турлича қарашларни, назарияларни бир-бирига ўзбошимчалик билан қориштириб юборувчилар)нинг таъкидлашларича, ҳар бир мактаб воқеликни ўзининг идрок этган тарзига мос ҳолда тушунади. Шунинг учун, бундай тушунинг воситаларини шундай бир бутунликка кўшиш керакки, токи у дунёни талқин этишнинг янги, энг умумий тизими бўлсин. Бундай оқим вакиллари «Туань-цзы» рисоласини ёзган Гуань-цзы, «Люй ши чунь» («Жаноб Люйнинг баҳори ва кузи») китобининг муаллифи Люй Бу Вэй (мил.ав.235 й.ваф.эт.)лар киради. Бу китобларда турли мактаблар таълимотлари ўз аксини топган бўлиб, шу жиҳатдан ҳам улар соф тарихий ҳужжат сифатида қимматлидир.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Легизм таълимотининг вакиллари



2-илова

Шан Яннинг мустабид давлат назарияси



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. *Легизм мактаби қандай ташиқил топган эди?*
2. *Шан Яннинг таълимотлари бизга қайси манба орқали етиб келган?*
3. *Нима учун Шан Ян мустабид тузум назариясини ишлаб чиққан эди?*
4. *Хань Фэй-цзы сиёсатдаги зўравонлик гоёясини кимнинг қарашлари асосида шакллантирди?*
5. *Хань Фэй-цзынинг жалбиятдаги қонунларга муносабати қандай эди?*
6. *Хань Фэй-цзы таълимотининг ўз даврида ягона таълимот даражасига кўтарилишига сабаб нима эди?*
7. *Эклектиклар кимлар?*
8. *Фалсафа тарихида эклектикларнинг фаолияти инсоният тафаккури тараққиётига ижобий таъсир кўрсатганми?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва кискача конспект ёзинг.
2. «Легизм мактаби» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 15та блиц-савол ва глоссарий тайёрланг.
4. Шан Ян ва Хань Фэй-цзыларнинг ижтимоий қарашларини Аф-логун ва Арасгуларнинг давлат ҳақидаги назариялари билан киёсий таҳлил қилиб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Инсерт усулидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлди-ринг (4-илова).
6. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белги-ларни қўйиб чиқинг:
«V» - биламаг;
«Қ» - мен учун янги маълумот
«→» - мен билган маълумотни инкор қилади
«?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) маълумот.

7. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	V	-	Қ	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. *Восточная философия. Перевод с чешского кан. филос. наук. Богута И.И. – М.: Мысль, 1991.*
2. *Древнекитайская философия. В 2 томах. – М., 1972.*
3. *История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. – М.: Восточная литература РАН. – 2002.*
4. *Китайская философия. Энциклопедический словарь. – М.: Мысль, 1994.*
5. *Книга правителя области Шан («Шан цзюнь шу»). Перевод с китайского, вступление, статья и комментарии Л.С. Переломова. – М., 1968.*
6. *Культура Китая от А до Я. – М.: Восток – Запад. – 2008.*
7. *Рубин В. Хань Фэй-цзы. // Философская энциклопедия. Т.5. – М., 1970.*
8. *Конрад Н.И. Философия китайского Возрождения (о Сунской школе) // Запад и Восток. – М., 1966.*
9. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск. – М., 1961.*
10. *Хоу Вай-лу (и др.). Чжунго чжасюэ цзянши (Краткая история китайской философии). – Пекин. 1963.*

II БЎЛИМ. ЎРТА АСРЛАР

1-МАВЗУ

1-X АСРЛАРДА ХИТОЙДА ФАЛСАФИЙ ФИКР РИВОЖИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрлар Хитой фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари, Ван Чуннинг субстанция ҳақидаги модднюнча қарашлари, I-X асрларда Хитойда фалсафий тафаккур тараққиёти тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ўрта асрлар Хитой фалсафий таълимотларини қадимги даврдаги тафаккур тараққиёти билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ўрта асрлар, Хитой фалсафаси, Ван Чун, «Луи хэн», «ци», моддий субстанция, («Цзынь-ци»), руҳий куч, нур, ҳақиқат, ҳиссий таассурот, идрок назарияси, метафизик характер. Ян-ци ва Ин-ци, Бао Цзынь-ян, подшоҳ, фуқаро, Гэ Хун, «дао», Фан Чжэнь, буддвийлик, «руҳнинг фонийлиги», Люй Цай, худо амри, инсон тақдири, конфуцийчилар, Пэй Вэй, идеализм, схоластика.*

Асосий саволлар

1. Ван Чун фалсафаси.
2. IV-X асрларда Хитой фалсафаси тараққиёти.

Ван Чун фалсафаси (милодий 27-97 йй.)

Ван Чун (милодий 27-97 йй.) – ўз сиёсий фалсафий қарашларида мистика ва идеализмга қарши курашда илғор ғояларни ривожлантирди. Унинг «Луи хэн» деб аталган асарида Лоа Цзы ва унинг издошлари томонидан яратилган фалсафий - материалистик таълимотлар кейинги ривожини топди.

Ван Чуннинг фикрича, дунё абадий мавжуд бўлган «ци» моддий субстанциядан иборат (1-илова). Бу ерда дао воқелик ривожининг қонунияти сифатида мавжуддир. Баъзи «ци»лар юқорида – самода (туман кўринишида), бошқалари эса, пастда – ерда (куюклашган кўринишда, турли жисмлар шаклида) мавжуддир. Ван Чун «ци»нинг иккита тури – туманлашган (*ян ци*) ва куюк-

лашган (*ин ци*) абадий мавжудлиги ва уларнинг ўзаро ҳаракатидан барча нарсалар вужудга келади, деб таълим берган.

Ван Чун конфуцийчиларнинг инсон ҳаракатларини доимо кузатувчи ва иродасига бўйсунмаганида жазо берувчи само ҳақидаги мистик таълимотини инкор этган. У конфуцийчиларни «илмсиз инсонлар», деб атаган.

Ван Чун моддий субстанциядан иборат бўлган нарсаларни кўриб чиққан. Сувдан муз ҳосил бўлганидек, *ци* инсонни яратади: сув қуюқлашиб музга айланади, *ци* қуюқлашади, инсон пайдо бўлади. Ҳар қандай тирик организмда бўлгани каби инсонда ҳам ҳаётий қувват («Цзынь-ци») қон айланиши жараёнида ишлаб чиқиладиган руҳий куч мавжуд. Қон айланишининг тўхташи ҳаётий қувватнинг йўқ бўлишига сабаб бўлади ва ажал келади.

Инсоннинг ўлими оловнинг пасайишига ўхшаш. Ван Чун ёзишча: «Агарда инсон ўлимидан сўнг онга эга, деб таъкидланса, у олов ўчганидан сўнг ҳам нур сочади, деган билан тенг». Ван Чун, ўз даврда кенг тарқалган инсон руҳиятининг абадийлиги ҳақидаги ғояга қарши чиқди, Конфуцийнинг туғма билимлар ҳақидаги таълимотини танқид қилди.

Унинг фикрича, туғма билимлар йўқ, бизнинг билимларимиз ҳақиқий воқеликни ўрганишга асосланган, деб ҳисоблаган.

Ван Чуннинг фикрича, ҳақиқатни фақат тажриба орқали исботлаш мумкин. Аммо идрок этилмаган маълумотлар, ҳиссий таассуротлар ҳақиқий далил бўла олмайди. Тажриба ва идрокнинг яхлитлиги – Ван Чун идрок назариясининг асосини ташкил қилади.

Ван Чун материализми умуман олганда метафизик характерга эга бўлса-да, у диалектика унсурларига ҳам эга.

Ван Чун таълимотидаги нарсаларнинг ўз-ўзидан табиий ривожланиши; *ян-ци* ва *ин-ци* ўзаро таъсирини моддий дунёнинг иккита зиддиятли томони ва уларнинг ўзаро бирлиги; ҳаёт ва ўлим – ягона жараённинг икки томони ҳақидаги ғояларида содда диалектик ёндошувни кўриш мумкин.

IV-X асрларда Хитой фалсафаси тараққиёти

IV-X асрлар оралиғида Хитой фалсафасида бир қанча мутафаккирлар фаолият кўрсатган бўлиб, улардан энг асосийлари сифатида қуйидаги файласуфларни ва уларнинг фалсафий қарашларини кўриб ўтишимиз мумкин бўлади (2-илова).

Бао Цзынь-ян (IV аср) – мистиклар илгари сурган ҳукмронлик ва зўравонликка асосланган ижтимоий тартибнинг илоҳий келиб чиқиши ҳақидаги таълимотни рад этди. Унинг фикрича, қадим замонларда боий ва камбағаллар бўлмагани каби, подшоҳ ҳам, фуқаро ҳам бўлмаган ва барча инсонлар тенг бўлган. Фақатгина кейинчалик кучли ва маккор одамлар пайдо бўлиб, кучсизларга зўравонлик қилиб, содда халқни алдаган. Улар халқ устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, катта солиқлар солишган. Бао Цзынь-ян томонида жамиятни бундай тушунилиши, унинг «мистиклар ердаги ҳаётнинг ҳукмони», деган ғоянинг Самога ҳеч қандай боғлиқ эмаслиги ҳақидаги қарашнинг шаклланишига олиб келди.

Гэ Хун (V аср) – «дао» таълимотининг йирик намояндаси сифатида даони абадиятга эришиш йўли тарзида тушунган. Бу даврда буддавий теологлар руҳ табиати ҳақида кетма-кет баҳслар юритдилар. Мистификациялашган даосизм Конфуций идеализми билан тобора уйғунлашди. Бундай нуқтаи назарлар мил.ав. II асрда пайдо бўлган «Хуайнань цзы» китобида ўз аксини топди. Бу асарда дао ҳақидаги моддиюнча таълимот унсурлари, илмий билимлар мистика билан чамбарчас боғланиб кетган эди.

Фан Чжень (VI аср) – ўз даврининг йирик сиёсий арбоби бўлиб, узок давр сарой лавозимларида ишлаган. 505 йилда унга турли айблар қўйилиб, жалубга сургун қилинган.

Фан Чжень буддавийлик мистикасини рад этувчи «руҳнинг фонийлиги» ҳақида машҳур рисоласини ёзди. Унда Фан Чжень инсон руҳини танадан ажралмаслиги ҳақидаги материалистик назарияни ривожлантирди: «Тана руҳнинг субстанциясидир, руҳ эса, тананинг функциясидир». Фан Чжень руҳ – инсон танасининг хусусияти, деёл ҳисоблаган. У инсон руҳини пичоқнинг ўт-

кирлиги билан солиштирган: «Тиг пичок, деб аталмайди. Пичок эса, тиг деб аталмайди. Аммо пичок тигсиз бўлмайди. Шу каби инсон танаси ўлган бўлса – унинг руҳи мавжуд, деб бўлмайди».

Фан Чжень инсонларни одам ўлганидан сўнг рух кўчиши, у дунёда жаннат борлиги ҳақидаги буддавийлик эртақларига ишон-масликка, балки барча эътиборни ердаги ҳаётнинг моддий шароитини яхшилашга қаратиш тарафдори бўлган ва шунга даъват қилган. Унинг фикрича, халқ яхши ҳосил етиштириш учун ерга ишлов бериши, кийим тикиш учун эса етарли даражада матоларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим.


Люй Цай (VII аср) – қадимги материалист Ван Чуннинг таълимотини ривожлантириб, мистикага қарши чиқди. Худо иродаси, худо амри, инсон тақдири олиндан белгиланганлиги уйдирма, ўйлаб топилган, деб ҳисоблаган. Мистиклар «одамларнинг пулини олиш учун»гина тақдир ҳақидаги ҳар қандай фол, башоратларни айтадилар. Люй Цай дунёни ўз-ўзича мавжуд, барча нарсалар «ци» моддий қисмдан иборат ҳамда бу нарсаларга ўзгариш ва ҳаракат хос, деб ҳисоблаган. Ўзининг атеистик чиқиши билан Люй Цай буддавий ва бошқа мистикага кучли зарба берди. Шу билан бирга ўша даврда буддавийлик ичида номинализм ва реализм ўртасида кескин кураш кечган. Хитойдаги буддавийлик икки катта оқим – шимолий ва жанубийга бўлинди. Бу буддавийлар кучини аҳамиятли даражада пасайтирди ва уларнинг рақибларига, биринчи навбатда конфуцийчиларга йўқотган мавқеларини эгаллаб олишга имконият берди.

Пэй Вэй (X аср) – таълимотида асосан, борлиқ ва ноборлиқ ўртасидаги муносабатни аниқлаш муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Пэй Вэй ўз асарларида ноборлиқ (йўқлик)нинг ҳақиқийлиги ва борлиқнинг тасаввурийлиги ҳақидаги идеалист мистиклар назариясини рад қилди. Унинг фикрича, дунёнинг асосини моддий борлиқ ташкил этади. Пэй Вэй ёзишича: «Мутлоқ йўқликдан ҳеч нарса пайдо бўлмайди ва ўз-ўзидан пайдо бўлган субстанция каби у борлиққа муҳтождир». Пэй Вэйнинг бу қарашлари ўша давр схоластикасига кучли зарба берди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Ван Чун «ци» – моддий субстанция ҳақида



2-илова

IV-X асрларда Хитой фалсафаси таракқиёти



Мавзунни ўзлаштириш учун саволлар

1. Хитой ўрта асрлар фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари нималар билан характерланади?
2. Ван Чун таълимотининг асосий гояси қандай эди?
3. Нима учун Ян Чун конфуцийчиларни «илмсиз инсонлар», деб атаган?
4. Ван Чун материализми қандай характерга эга эди?
5. Бао Цзынь-яннинг ижтимоий қарашларида қандай гоя етакчи эди?
6. «Тана руҳнинг субстанциясидир, руҳ эса, тананинг функциясидир» гоясининг муаллифи ким эди?
7. Фан Чженнинг фикрича, бахтга эришишнинг йўли нима?
8. Пэй Вэй нимаси билан Хитой фалсафаси тарихида ўрин эгаллади?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «IV-X асрларда Хитой фалсафаси тараққиёти» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 15та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. ФСМУ жадвалини тўлдилинг (3-илова).

3-илова

ФСМУ учун топшириқ: Ван Чуннинг моддиюнча қарашлари ини таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Ван Чун, «Ци», моддий асос, суюқ ҳолати, қуюқ ҳолати, инсон, олам.

Савол	Ван Чуннинг моддиюнча қарашлари
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исбот-ловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. *История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века.* – М.: Восточная литература РАН. – 2002.
2. *Кобзев А. Учение Ван Янмина и классическая китайская философия.* – М., 1980.
3. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* – М.: Мысль, 1994.
4. *Ли Дачжао. Избранные произведения.* – М. 1989.
5. *Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая.* – М. 1981.
6. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск.* – М., 1961.
7. *Хоу Вай-лу (и др.). Чжунго чжасюэ цзянши (Краткая история китайской философии).* – Пекин. 1963.
8. *Ху Ши. Собрание сочинений. Ч. I.* – Шанхай, 1930.

2-МАВЗУ

ХИТОЙДА СУН ДАВРИ ФАЛСАФАСИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрлар Хитой фалсафасидаги неоконфуцийчилик таълимотининг пайдо бўлиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, Чжоу Дуни ва Чжан Цзайларнинг моддийонча қарашлари, Чен Хао ва Чен Иларнинг идеалистик таълимоти, Чжу Сининг фалсафий қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ўрта асрлар Хитой фалсафий таълимотларида моддий субстанция – «ци»нинг моҳиятини фалсафий таҳлил қилиш, уни бошқа таълимотлардаги субстанционал концепциялар билан қиёслаш ҳамда шу асосда назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Сун сулоласи, Тан сулоласи, неоконфуцийчилик моддийонча таълимот, Чжоу Дуни Чжан Цзай, идеалистик қарашлар, Чжоу Дуни, Чжан Цзай, сув, олов, ёғоч, металл, ер, «Само ва Ер», «Тай суй», диалектик мулоҳазалар, трансцендентал, Ли (қонун шакли), Ци (модда), субстанция, Чжу Си, «ортодоксал мафкура», ҳукмрон манфаатлар, Лу Цзююань, Ван Янмин, Ли Чжи, тузма билимлар, севги-муҳаббат, инсонпарварлик.*

Асосий саволлар

1. Хитойда неоконфуцийчиликнинг шаклланиши.
2. Чжоу Дуни ва Чжан Цзайларнинг моддийонча қарашлари.
3. Чен Хао ва Чен Иларнинг идеалистик таълимоти.
4. Чжу Сининг фалсафий қарашлари.
5. Чжу Си таълимотининг танқиди.

Хитойда неоконфуцийчиликнинг шаклланиши

Х асрнинг охирида деҳқонларнинг исёнлари натижасида Тан сулоласи барбод бўлди. Унинг ўрнида Хитой ҳудудида майда феодал давлатлар пайдо бўлди, улар йиллар давомида ўзаро уруш қилдилар. Кўп сонли урушлар натижасида кучсизланган Хитой варвар қабилаларининг тажовузи манбаига айланди. 960-980 йилларда ҳукмронлик қилган Сун сулоласи доимий равишда хорижий босқинчиларнинг зуғуми остида бўлди. Ниҳоят, бу

сулола қабилалар томонидан жанубга сиқиб чиқарилди. Бу ерда феодал Хитойнинг иктисодий ва сиёсий ҳаёти янада ривожланди. Бу даврда Сун сулоласининг ҳукмрон доиралари Хитойнинг қолган ҳудудларида ўз ҳукмронликларини давом эттирдилар. Бошқа томондан эса, ўз она ерининг ҳимоясига чиққан қуролланган деҳқонларга қарши кураш учун хорижий босқинчилар билан ҳамкорлик қилиб капитуляция сиёсатини амалга оширдилар. Бу иккиламчи сиёсат *неоконфуцийчилик* деб номланган фалсафада ўзининг ёрқин ифодасини топди. Неоконфуцийчилик IX-XII асрларда кенг тарқалди. Фаолиятининг биринчи босқинчида маскур ғоявий оқим ичида материализм ва идеализм ўртасида кескин кураш борди. Неоконфуцийчилар ичида материалистик йўналишнинг вакиллари Чжоу Дуни (1017-1073), Чжан Цзай (1020-1077), идеалистик йўналишнинг вакиллари эса, ака-ука Чен Хао (1032-1085) ва Чен И (1033-1107) эдилар (1-илова).

Чжоу Дуни ва Чжан Цзайларнинг моддийонча қарашлари

Чжоу Дуни фикрича, бутун коинот аввалига шаклсиз тартибсизликдан иборат бўлган. У салбий ва ижобий моддий субстанция – Инь-ци ва Ян-ци дан ташкил топган. Биринчисига осойишталик хос бўлса, иккинчисига ҳаракат хос бўлган. Бу хислатлар тўғайли улар ўзаро ҳаракатда бўлиб, бир-бири билан қўшилади, натижада нарсаларнинг 5 та бирламчи унсурлари пайдо бўлади. Булар сув, олов, ёғоч, металл, ердир. Бу 5 та бирламчи унсурлардан ҳамма нарсалар вужудга келган (2-илова). Чжоу Дуни фикрича, шу йўсинда вужудга келган нарсалар ва тирик жонзотлар доимий ва чексиз ўзгаришда бўлади. Улар орасида энг мукаммали инсондир. Инсонга маънавий ҳаёт ва атроф муҳитни идрок этиш қобилияти хос.

Ўз даврининг йирик материалисти Чжан Цзай эди. У буддавий фалсафасининг коинот «Само ва Ер» фақатгина соф субъектив хиссиёт эканлиги ҳақидаги далилини рад этган. Чжан Цзай фикрича, нарсалар дунёси бизнинг онгимиздан мустақил равишда мавжуд бўлиб, унинг асосида *ци* – моддий субстанция ётади ва у турли шаклларда намоён бўлади. Унинг илк шакли- «*Тай суй*» бўлиб, у кўзга кўринмас *ци* унсурларига тўйинган чексиз макондир. Кўзга кўринмас тарқоқ *ци* – унсурлар қуюқлашганида тумансимон массани ташкил қилади. Уни Чжан

Цзай «тай хэ» – «буюк камолот», деб номлайди. Бу буюк камолотда *ци* унсурлари ижобий ва салбийларга бўлинади. Уларнинг ўзаро таъсири натижасида барча нарсалар вужудга келади. Нарсаларнинг ўзгариши ва ривожланиши ҳақида гапирар экан, у қонунларнинг икки турини кўрсатади. Биринчиси – умумий ва иккинчиси – нарсаларнинг алоҳида турларига хос қонунлар. Чжан Цзай таълимотида бир қатор ажойиб диалектик мулоҳазалар мавжуд. Масалан, унинг фикрича, «мавжуд бўлган нарсалар алоҳида бўлмайди», улар ўзаро шартланган ва замон ва маконда ўзаро боғлиқдир. Чунки, нарсаларнинг ривожланиш жараёни маконда 2 та шаклга эга – нарсаларнинг аста-секин ўзгариши ва жадал ривожланиши, *инь* ва *ян* қарама-қарши кучларнинг кураши орқали намоён бўлади. Чжан Цзай ўзининг диалектик топилмаларидан метафизик хулосага келади: яъни *инь* ва *ян* – қарама-қарши кучлар курашининг натижаси ҳар қандай ҳаракатнинг асосини ташкил қилган *муросадир*.

Билиш назариясида Чжан Цзай асосан материалистик нуқтан назар тарафдори эди. Унинг фикрича, бизнинг билимларимиз ҳиссийга аъзоларимизга ташқи буюмлар таъсири натижасида пайдо бўлади. «ташқини ички билан бирлашиши» натижасида биз «хатосиз ишларни яқунлайдиган» ҳодиса пайдо бўлади. Чжан Цзай билимларни икки турга – ички ҳиссий ва ташқи ҳиссийга бўлади. Биринчисига – инсон ташқи дунёни идрок этиш йўли билан эришади. Иккинчиси эса, унга туғма берилади.

Чен Хао ва Чен Иларнинг идеалистик таълимоти

Ака-ука Чен Хао ва Чен И неоконфуцийчиликнинг идеалистик йўналишини ривожлантирдилар. Улар Чжан Цзай таълимотидан материализм унсурларини олиб ташлаб, трансцендентал *Ли* га асосланган идеалистик тизимни яратдилар. Хитой фалсафаси тарихида илк бор буюмлар дунёси моҳиятини икки томонини ифода этувчи *Ли* (қонун шакли) ва *Ци* (модда) категорияларининг ҳар томонлама талқинини бердилар. Чен Хао ва Чен И таълимотига мувофиқ, *Ли* буюмлар дунёсининг ақлли манбаидир, у бирламчидир, *Ци* унинг моддий субстанцияси бўлиб, ундан келиб чиққан ва шунинг учун иккиламчидир. Ака-укалар инсон

табиатига, шахс тарбиясига эътибор қаратиб, унинг идеалистик концепциясини яратганлар.

Чжу Сининг фалсафий қарашлари (1130-1200)

Неоконфуцийчилик таълимотининг яна бир йирик намояндаси файласуф, сиёсий арбоб Чжу Си – Чен Хао ва Чен И ларнинг идеалистик қарашларини янада ривожлантирди. Унинг фикрича, *Ли* – ақлли ижодий куч бўлиб, *Ци* – пассив материяни муайян нарсаларга айлантиради ва уларни бошқаради. *Ли* – идеал манба сифатида, инсонда ижобий хислат – эзгуликка интилишни ташкил қилади. *Ци* – моддий субстанцияси эса, унга салбий хислат, яъни ҳиссиётларга тобе бўлишни беради. Чжу Си фикрича, файласуфларнинг вазифаси инсондаги яхши хислатни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ёвуз интилишларини чегаралашдир. Мустабид тузум шароитида, бу, меҳнатқашлар барча қийинчиликларга бардош бериб, ҳукмрон табақага сўзсиз бўйсуниши лозим, дегани эди. Чжу Сининг неоконфуцийчилик таълимоти расман ортодоксал мафкура деб тан олинганлиги бежиз эмас эди. Асрлар давомида бу мафкура феодаал Хитойда монопол ҳолатни эгаллаб келди. Аммо «ортодоксал мафкура» чапдан ҳам, ўнгдан ҳам рақибларга дуч келди. Унинг чап танқидчилари Е Ши (1150-1223), Чен Лян (1143-1194) лар бўлди. Улар Чжу Сининг идеализмини, хусусан билиш назариясидаги априоризмини рад этдилар. Уларнинг фикрича, ҳақиқатни идрок этиш фақатгина муайян нарса ва инсонларнинг ҳаётини ўрганиш йўли билангина кечини мумкин. Е Ши ҳақиқий билим тажриба кузатуви орқали асосланади деган: «Само остининг қонунларини аниқлаш ва умумлаштириш учун Само остидаги ишлар ва ҳаётни ҳар томонлама ва батафсил ўрганмок лозим. Фақатгина шунда хатодан йироқ бўлиш мумкин». Унинг фикрича, интуитив идрок эшитиш ва кўришсиз идрок инсонни адаштиради.

Чен Лянинг фикрича, Чжу Сининг тарафдорлари ўзининг мавҳум ва ёлғон билимларига асосланиб, «ўзлари ва бошқаларни алдайдилар». У моддийончи файласуфлар самарасиз схоластикани яқунлаб, давлатнинг барча тadbирлари «ҳукмрон табақа маффаатларига эмас, балки халқ маффаатларига» қаратилиши

учун фойдали ишларни амалга оширишга даъват қиладилар, деб ҳисоблаган.

Чжу Си таълимотининг танқиди


Чжу Си таълимотининг танқидини ўнгдан Лу Цзю - юань (1139-1192) бошлаб берган бўлса, уни Ван Янмин (1472-1528) якунига етказди. Улар Чжу Сини *Ли* ва *Цзининг* объектив мавжудлигини тан олгани учун танқид қилдилар. Иккала танқидчи субъектив идеалист эди. Ван Янмин катта мактабга асос солди. Кейинчалик бу мактаб феодал Хитойнинг асрлар давомида етакчилик қилган ғоявий оқимларидан бирига айланди. XVI асрдаёқ Ван Янмин шогирдлари орасида тараққийпарвар олим ва файласуфлар етишиб чикди. Улар ичида Ли Чжи (1527-1602) алоҳида ажралиб турар эди. Одатда, ўз таълимотида конфуцийчиликни байроқ қилиб олган бошқа мутафаккирлардан фарқли равишда, Ли Чжи Хитой феодализмининг кўп асрлик расмий мафкурасига очиқдан-очиқ қарши чикди. У, инсонларга конфуцийчиларни ўзини олимдек кўрсатган оми, ўқимаган одамлар сифатида кўрсатди: «Мамлакатни бошқарган бу омилар халқни бахтсиз қиладилар, ҳақиқатда истеъдодли олим ва буюк донишмандлар эса, бутун ҳаётларини қашшоқликда ўтказадилар». Ли Чжи, конфуцийчиларнинг ўз таълимотини абадий ҳақиқат деб таъкидлашлари, аслида оддий халқни алдашдан бошқа нарса эмаслигини исботлашга уринди. Унинг фикрича, ҳақиқат ҳаёт билан бирга ривожланади. «Кеча тўғри бўлган нарса, бугун нотўғри бўлиши мумкин, бугун тўғри бўлган нарса, эртага нотўғрига айланиши мумкин», деб ёзган файласуф. Ли Чжи Конфуцийнинг қадимги таълимоти абадий ҳақиқат эмас, у узок ўтмишда қолиб кетган, деб таъкидлаган.

Ли Чжи билимлар туғма бўлиши ҳақидаги конфуцийчилар назариясини ҳам кескин танқид қилди. Бу назария ёрдамида ҳукмронлар ўз қилмишларини оқлайдилар, улар инсонларга севгимухаббат ва инсонпарварлик ҳақида жар солиб, аслида ўз ғаразли манфаатларини ҳимоя қиладилар. Конфуций мафкурасини аёвсиз рад этган, халқ манфаатларининг ҳимоячиси бўлган Ли Чжи император жаллодлари томонидан қийнаб ўлдирилган.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Хитойда неоконфуцийчиликнинг пайдо бўлиши



2-илова

Чжоу Дунининг борлиқ тўғрисидаги қарашлари



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. *Хитойда неоконфуцийчилик фалсафаси қандай пайдо бўлди?*
2. *Ўрта асрларда Хитойдаги моддийонча қарашларнинг ўзига хослиги нимада?*
3. *Чен Хао ва Чен Иларнинг идеалистик таълимотининг моҳияти нима эди?*
4. *Чжу Си фикрича, файласуфларнинг вазифаси нимадан иборат?*
5. *Чжу Си таълимотини кимлар танқид қилдилар?*
6. *Чжу Си таълимоти нима учун танқидга учради?*
7. *Ли Чжининг ижтимоий-фалсафий қарашларининг моҳиятини биласизми?*
8. *Қайси мутафаккирнинг фикрлари сизга манзур бўлди ва нима учун?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Чжоу Дуни ва Чжан Цзайларнинг моддийонча қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 15та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Чен Хао ва Чен Иларнинг идеалистик таълимоти билан танишиб чиқинг, фалсафа тарихидан бирор бир идеалист мутафаккирни танлаб, уларнинг фалсафий таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Инсерт усулидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлди-ринг (3-илова).

3-илова

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
«V» - биламан
«К» - мен учун янги маълумот
«—» - мен билган маълумотни инкор қилади
«?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саво.лари	V	-	К	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. *История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века.* – М.: Восточная литература РАН. – 2002.
2. *Кобзев А. Учение Ван Янмина и классическая китайская философия.* – М., 1980.
3. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* – М.: Мысль, 1994.
4. *Ли Дачжао. Избранные произведения.* – М. 1989.
5. *Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая.* – М. 1981.
6. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск.* – М., 1961.
7. *Хоу Вай-лу (и.др.). Чжунго чжасюэ цзянши (Краткая история китайской философии).* – Пекин. 1963.
8. *Ху Ши. Собрание сочинений. Ч. I.* – Шанхай, 1930.

3-МАВЗУ

XV-XVIII АСРЛАРДА ХИТОЙДА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКР РИВОЖИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда XV-XVIII асрлар Хитой фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари, Ван Янмин, Ван Чуан-шань, Хуан Цзунси, Ку Тинлин, Лин Цзэсюй, Гун Цзычжэнь, Вэй Юаньларнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари, XV-XVIII асрларда Хитойда фалсафий тафаккур таракқиёти тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ўрта асрлар Хитой фалсафий таълимотларини қадимги даврдаги тафаккур таракқиёти билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ўрта асрлар Хитой фалсафаси, Ван Янмин, Ван Чуан-шань, Хуан Цзунси, Ку Тинлин, Лин Цзэсюй, Гун Цзычжэнь, Вэй Юань, Конфуций қарашлари, «ҳаракат ва билимнинг мувофиқ келиши», буддавийлик, даосизм, мавҳум инсоният, антропология, материя абадийлиги, «жисм ва ҳаракат бирлиги», Хуан Цзунси, Ку Тинлин, Дай Чжэн, ижтимоий адолатсизлик, «Афюнга қарши» уруши, «Осмон ўғли», «очиқ суд», «тажриба», руҳий қувват, «ўлган қалблар».*

Асосий саволлар

1. Ван Янмин фалсафаси.
2. Ван Чуан-шань, Хуан Цзунси, Ку Тинлин, Дай Чжэннинг фалсафий қарашлари.
3. Лин Цзэсюйнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
4. Гун Цзычжэнь фалсафаси.
5. Вэй Юань фалсафаси.

Ван Янмин фалсафаси (1472-1529)

Мин даври неоконфуцийчилик фалсафасининг йирик вакили, файласуф, адабиётчи, сиёсий ва ҳарбий арбоб Ван Янмин, Ван Шоу Жэн бўлган. У ўз даврида шахс ва мутафаккир сифатида алоҳида ўрин тутган. 1584 йилда унинг номи белгиланган тахтача

Конфуций ибодатхонасидан ўрин олган, Мин даврининг фақат тўрт конфуцийчилари бундай эътиборга сазовор бўлганлар. Ван Ян Мин фалсафаси XVII аср ўрталарига қадар Хитойда ғоявий ҳукмронлик қилган. Унинг таълимоти Корея ва Японияда ҳам тарқалган.

Ван Янмин Чжэн Цзян худуди, Шаосин вилоятининг Юйяо туманида таваллуд топиб, қадимги қабағаллашиб кетган зиёлилар уругига мансуб бўлган. Утурли маъмурий лавозимларни эгаллаган.

Асосий уринишлари Конфуций қарашларини изоҳлашга йўналтирилган Чжу Сидан фарқ қилиб, Ван Янмин Конфуций ва Чжу Си ғояларини синтезлаб, ўз фалсафий тизимини яратган.

Ван Янминнинг йирик ютуқларидан бири – «ҳаракат ва билимнинг мувофиқ келиши» ва «солиҳ фикрлашни яқунига етказиш» билан боғлиқ тамойилларни ишлаб чиқиш бўлган¹⁶⁹.

Ван Янмин Лулин тумани бошлиғи бўлган даврда «қўрқитиш ва жазолаш сиёсатига қарши одамлар юрагида маърифатни ардоқлаш»¹⁷⁰ шиори остида ижтимоий – иқтисодий тадбирлар ўтказган.

Ван Янмин дунёқарашининг шаклланишига буддавийлик ва даосизм кучли таъсир кўрсатган. Ван Янмин таълимотида инсон табнати, унинг ички дунёси муаммоларининг устиворлиги янминизмнинг антропологизациясига олиб келди. Аввалги файласуфлардан фарқли (асосий эътиборини социумга қаратишган), анъанавий конфуцийчилик тушунчаларини антропологизациялаш патижасида, индивидуал шахс унинг фалсафасини энг асосий объектига айланган. Шу сабабли, мавҳум инсоният эмас, балки индивидуал шахс, аниқ инсонга эътибор биринчи даражали мақомга эга бўлди. Объект эмас, балки субъектга бўлган муносабат Ван Янминни Чжу Сидан фарқлайди.

Шундай қилиб, Ван Янмин таълимотида марказий ўринни инсон муаммоси эгаллайди. Лекин унинг мақсади одамнинг мавжудлигиши объектив ўрганиш эмас, ҳақиқий шахсга айланиш йўлини кўрсатишидир¹⁷¹.

¹⁶⁹ Кобзев А. Ученне Ван Янмина и классическая китайская философия. – М., 1980. – Б.57.

¹⁷⁰ Қаранг: кўрстанган манба. – Б.57.

¹⁷¹ Кўрсатилган манба. – Б.57.

Ван Янмин Чжу Си тарафдорлари билан фаол мунозаралар олиб борган. Хусусан, унинг рақиблари шахснинг ички мукам-маллашувига катта эътибор беришган бўлса, Ван Янмин шу билан бирга «ташқи билимлар» тўплашни ҳам муҳим, деб ҳисоблаган. Ван Янмин ўз давомчиларига фалсафий васият сифатида қолдирган «*Буюк таълимотга савол*» асари энг муҳимларидан биридир. Муаллифнинг мақсадига кўра, «Саволлар» энг аввало тарғибот учун мўжалланган бўлиб, уни камида уч босқичга ажратиш мумкин: биринчиси, Конфуций таълимотининг асосий низомларининг тақдироти; иккинчиси, Чжу Си томонидан улар талқинини танқиди; учинчиси, ўзининг талқини ва хулосалари¹⁷².

Ван Янмин ғоявий тарғибот фаолиятининг олий мақсади ўз замондошларини қомусий асарларга ақидавий итбатдан қайтаришга интилиш, уларни фақатгина ўзлаштириш воситаси эканлигини таъкидлашдир¹⁷³.

Умуман олганда, кўриб чиқилган даврларда Конфуций фалсафасининг ривожланиши таҳлили ушбу жараён ахлоқ ва сиёсат ўртасидаги мавжуд зиддиятлари билан характерланади. Бу ҳол конфуцийчиликни мафкуравий тизимга айлантириб боришда яққол намоён бўлади.

Ван Чуан-шань, Хуан Цзунси, Ку Тинлин, Дай Чжэннинг фалсафий қарашлари

Ван Чуан-шань (1619-1692) – ўз асарларида ҳукмрон зодагонларга қарши демократик ғояларни ривожлантирган. Унинг фикрича, императорнинг мулки, деб қабул қилинган ер аслида халқники бўлиши лозим. Ер шу ерда туғилиб, вояга етиб ва ишлов бераётган дехқонларга тегишли бўлиши керак. Халқ эксплуатациясини оқлашга ҳаракат қилган назарияларни рад этиб, Ван Чуан-шань материалистик фикр ривожига катта қадам ташлади. У материя абадийлиги, унинг бирламчилиги ва қонунларининг объектив характери ҳақидаги масалани ҳар томонлама ишлаб чиқди. Ван Чуан-шаннинг «жисм ва ҳаракат бирлиги» ҳақидаги назарияси алоҳида эътиборга лойиқ. Табиат фақатгина ҳаракатда намоён бўлади, деб ёзар эди у. Ҳаракат

¹⁷² Кўрсатилган манба. –Б.63.

¹⁷³ Ўша ерда. –Б. 77.

табиатга аниқлик киритади. Шу туфайли табиатда жисмлар идрок этилиши мумкин. Жисм ва уларнинг ҳаракати уларнинг ҳақиқийлиги намоен бўладиган бирликдир. Абадийлик дунёсида жисмлар мавжуд – «уларнинг ҳаракати – ҳаётдир».

Ҳаракат *Ци* маоддий субстанциянинг белгисидир – бу Ван Чуаншаннинг «жисм ва ҳаракат бирлиги» концепциясининг моҳиятидир. Ҳаракат янги нарса ва ҳодисаларни вужудга келтиради. «Қоинотда жисмлар мавжудлиги туфайли ҳаракат мавжуд, бу эса, янги жисмларни пайдо бўлишига олиб келади».

Хуан Цзунси (1610-1696). Хуан Цзунси манчжур босқинчиларига қарши кураш олиб борган жасур жангчи эди. Душманга қуролли қаршилиқ кўрсатишда муваффақиятсизликка дуч келгандан сўнг, у илмий фаолият билан шуғуллана бошлади ва Ван Чуан - шань каби демократик ғояларни тарғиб қила бошлади.

Хуан Цзунси қадимги замонларнинг ижтимоий тартиб, яъни халқ хўжайин, ҳукмрон эса, унинг хизматкори бўлган даврларни тиклашни талаб қилди. Унинг фикрича, жамиятдаги барча бахтсизликлар «собик хизматкор» халқнинг жамлодига айланганлиги туфайлидир, мутафаккир давлат хизматкорлари ва зиёлиларни императорга эмас, балки халққа хизмат қилишга даъват қилди. Фалсафанинг асосий масаласини хал қилиш Хуан Цзунси материалистик назария тарафдори эди. У жаҳоннинг содир этилаётган чексиз ўзгаришининг асосида бутун маконни эгаллаб олган *Ци* материал субстанцияси ётади, деб таъкидлар эди.

Ку Тинлин (1613-1682) ҳам Ван Чуаншан ва Хуан Цзунси каби материалистик ғояларни илгари сурган. Улардан фарқ қилиб, Ку Тинлин асосий эътиборини тажрибага асосланган билимга қаратди. Мутафаккир кўп йиллар давомида мамлакат бўйлаб саёҳат қилди. Саёҳат даврида у аҳолининг турли қатламлари вакиллари – деҳқонлардан олимларгача суҳбат қурди, халқ ҳаётини чуқур ўрганиб, турли ҳудудларнинг урф-одатлари билан танишди. Ку Тинлин ҳар бир назарий ҳолат фактларда асосланиши ва ҳаёт тажрибаси билан тасдиқланишини талаб қилди. У конфуцийчи схоластларни саводсиз деб ҳисоблаган. Чунки, унинг фикрича, улар тарихий факт ва халқ ҳаётини ўрганмасдан ҳақиқат ва ёлғон ҳақида бўлмағур баҳслар юзантидилар. Ван Чуаншань, Хуан Цзунси ва Ку Тинлиннинг материалистик таълимотлари ўша даврдаги идеализмга, биринчи навбатда конфуцийчилик идеализмига қаттиқ зарба етказди ва Хигой

тарихида моддиюнчилик фалсафасининг ривожланишида янги боскичга асос солди.

Дай Чжэн (1723-1777) – ўз даврининг етук файласуф олими эди. У манчжурлар ҳукмронлиги даври мафкураси, яъни «ортодоксал мактаб»га қарши чиқди. Фалсафий асарлардан («Мэн-цзи китобининг далилий талқини», «Бошланғич эзгулик ҳақида» ва б.) ташқари у томонидан «Тригонометрия», «Қисқа астрономия», «Қуёшнинг ҳаракатланиши тўғрисида рисола» каби асарларни ёзган. Бу асарларда Дай Чжэн ўзининг табиатга бўлган материалистик қарашларини тинмай ташвиқот қилган.

Дай Чжэн «абადий табиатнинг табиийлиги» инсон онгидан мустақил равишда мавжуддир, деб таълим берган. Бундан ташқари бу «абადий табиат» доимий ҳаракатдадир, бунинг натижасида янги нарсалар ва ҳодисалар мунтазам вужудга келади. «Ҳаётнинг ривожи бу (ҳар қандай) ўзгаришнинг манбасидир. Ҳаётдаги қонуният ва ривожланиш ўзгаришларнинг тўхтовсиз оқимидир» деб ёзади файласуф. Ўзгариш ўз-ўзидан содир бўлмайди, у *ци* моддий субстанциясининг атрибутидир. «Самовий ва ердаги «*Ци*» нинг ўзгариши ана шу тўхтовсиз жараёндыр, у доимо янги ва янги ҳаётларни вужудга келтиради». Бу барча ўзгаришлар Дай Чжэн бўйича дао қонунинг табиий намунасыдир.

Дай Чжэн моддий дунёнинг ҳаракати ва ривожи инсон онгига боғлиқ эмас, деб таъкидлаган. У: «Энг аниқ ва энг ёрқин бу олий қонундыр, унга мувофиқ қонундаги (самода ва ерда) барча нарса – инсонлар, нарсалар, воқеалар, қилмишлар – ўзининг табиий заруриятига бўйсунди», деб ёзади. Бу қонунни идрок этиш учун Дай Чжэн фикрича, «руҳ энг нафис моддадан туғилади», унинг табиати «жонли жисм материяси» хусусиятлари билан белгиланади. Чжу Сининг идеал ибтидо ҳақидаги априоризмини ва Ван Ян Миннинг мистик интуитивизмини рад этган машҳур Хитой материалисти тажрибали билимни қатъий ҳимоя қилган ва ҳиссиётлар билимимизнинг манбаси, деб таъкидлаган. Дай Чжэн Чжу Сини инсон табиатини икки қисмга – туғма ижобий ҳислат ва инсоннинг моддий эҳтиёжлари туфайли вужудга келадиган салбий ҳислатга бўлиниши ҳақидаги неоконфуцийчилик таълимотига қарши чиқади. Дай Чжэнь фикрича, инсон табиатининг иккига бўлиниши ҳақидаги таълимот муаллифларнинг уйдирмасидир, у муаллифларни ғаразли манфаатларини ҳимояси учун хизмат қилади. «Бу таълимот ёрдамида, амалдорлар қўл остидагиларини, катта ёшдагилар кичик ёшдагиларни, бойлар

камбагалларни айблайдилар, уларнинг айбловлари нотўғри бўлса-да, уларнинг барчалари ҳақ бўлиб қоладилар. Агарда ҳақ бўйсалар-да кўл остидагилар, кичиклар, камбагаллар ўз ҳуқуқларини ҳимоялашга ҳаракат қилсалар, уларни жиноятчи, деб тан оладилар», деб ёзади у. Бу ёлгон таълимот ёрдамида олийжапоблар бахтсиз инсонларни айблаб, қамокқа юборишади, уларни ўлдиришади, уларга ҳеч кимни раҳми келмайди «чунки куйи қатламдаги оддий инсонлар мамлакатда раҳм кўрмайдилар» деб давом эттиради файласуф. Дай Чжэн фалсафий қарашларида феодал Хитойдаги ижтимоий адолатсизликка қарши зулм кўрган халқ оммасининг норозилиги ёрқин ўз аксини топди. Ижтимоий масалаларни ҳал қилишда Дай Чжэн идеалистик тасаввурлар доирасидан чиқиб кетмаган. Масалан, унинг фикрича, агарда халқ кўпроқ ўқиса ва неоконфуцийчи, будпараст ва даочи ёлгончи фирибгарлардан юз ўгирса, ижтимоий зулмдан озод бўлади. Дай Чжэннинг ижтимоий қарашлари ўша даврдаги озодлик ва инқилобий ғоялар ривожига ижобий роль ўйнади.

Лин Цзэсюй ижтимоий-сиёсий қарашлари (1785-1850)

Лин Цзэсюй катта ер эгаси оиласида дунёга келди. Ўз даврининг таниқли давлат арбоби эди. Турли даражадаги юқори маъмурий - бошқарув лавозимларида ишлади. Унинг жамият ва халқ олидидаги буюк хизмати умумдават манфаатларидан келиб чиқиб, катта миқдорда ташқаридан кириб келаётган афюн ва унинг оқибатлари натижасида мамлакатда юзага келган оғир шароитда давлатни таназзулдан сақлаб қолишга, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсий-амалий фаолиятида намоён бўлди.

У биринчи «Афюнга қарши» урушнинг фаол катнашчиси эди. Лин Цзэсюй ажнабийларни иктисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучдан тойдириш йўлларида қидиради. Унинг фикрича, « жамиятда ҳар доим жоҳил (маданиятсиз) одамларнинг аҳволи, уларнинг кучли ва кучсиз томонларини билиш эҳтиёжи мавжуд бўлади, уни англаб етилган тақдирда «улар устидан назорат ўрнатил», «душман маданияти беками кўст ўрганилган тақдирда унинг устидан ғалаба қилиш мумкин». Бу ғоя Лин Цзэсюй сиёсий қарашларининг туб моҳиятини белгилайди. Шундан келиб чиқиб, у ҳукмрон доираларнинг манфаатлариға хилоф равишда, ўзгача кайфият

билан «одамларни хар куни Ғарбдаги ишлардан доим вокиф бўлиб туришга, Ғарб китобларини таржима қилиш, кундалик газеталарини сотиб олишга чакиради». Унинг сиёсий фаолиятининг самараси ўлароқ, ўша давр Хитой жамияти учун қимматли бўлган Ғарб манбаларига асосланган тарих, география, сиёсат ва турли давлатларнинг қонунилари ҳақида маълумот берувчи – «Си-чжоу-чжи» («4 китъа ҳақида маълумот») номли китоби (1840 йил) дунёга келди. Унинг вафотидан кейин бой маълумотлар асосида ёзилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий асарлари «Линь Вэнь чжун гун чжэншу» («Маданиятли ва садоқатли княз Линянинг маъмурий ҳужжатлари») ҳақидаги асари нашр этилди.

Линь Цзэсюйнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари асосида Хитойда тинчликнинг рамзи бўлган «Осмон ўғли» ҳақидаги анъанавий ғоялар ётарди. «Афюнга қарши» курашда Англия билан бўлган тўқнашувда у «Англия маликасига мурожаат»ида (1839 йил): «Сизнинг эътиборингизга шунини ҳавола этаманки, менинг ҳоқоним бошқа давлатларга ҳам ўз давлатида бўлгани каби сизнинг мамлакатингизга тинчлик ва хотиржамликни тилайди ва инсонпарварлик тамойиллари асосида – ҳамма билан барқарор муносабатда бўлишни асосий восита деб билади. Ҳаққоният юзасидан қувонч ва бахтни (фойдани) бутун дунё билан биргаликда баҳам кўришга, ҳамкорликда эса, ёвузликни бир ёқадан бош чиқариб йўқ қилишга тайёр. Одамларга ғамхўрлик қилишда у Осмон ва Ер кабидир».

Ҳоқонлик ҳокимиятининг «очиқ суд» қилиш ҳақидаги анъанавий ва ҳуқуқий қарашларидан ва ахлоқий-диний маросимларни ўтказиш одат-русмларига асосланиб, Линь Цзэсюй «ҳоқонга махфий маълумот»ида (1841й.) шундай ёзади: «Бизнинг сулола Яо (манчжурлар кўзда тутилмоқда) Шун тамойилларига асосланиб, Ўрта империя ва бегона халқларни бошқаряпти». Яъни, у идеал (ижтимоий сиёсий) бошқарувнинг моҳиятини қадимий афсонага айланиб бўлган конфуцийчилик ғоялари билан суғорилган миллий кадриятлар ташкил этади, аммо бундай бошқарув бутунга келиб, замон талабларига мос тушмайди, деб ҳисоблаган.

Ахлоқий-диний маросим қоидаларининг (ли)тартиб қоидаларига кўра, Линь Цзэсюй жамиятни ижтимоий бошқарув шакллари, қонуниларига зид бўлган жарима жазосини амалда жорий этишни зарур, деб ҳисоблайди. Донишманд ва адолатпарвар одамлар ҳамма

вакт ҳам қонунга таяниб, келажак бахти ва истикболи учун сотқинлик ва ёвузликни қоралашган ва жазолашган, деган хулосага келади.

Гун Цзычжэнь фалсафаси

Линь Цзэсюйнинг яна бир маслакдоши, машҳур файласуф, олим ва адабиётшунос *Гун Цзычжэнь* эди. У амалдор оиласида туғилди ва ўзи ҳам давлат хизматида бўлди. 1829 йили у юқори илмий даража – «цзынь ши»га сазовор бўлди. У Хитойда «ғалаёнли даврлар» бошланишидан изтиробга тушган, унинг дунёқараши «афюнга қарши кураш» даврида тобланган ҳамда ўлимидан кейин бир неча тўннамга жамланган асарларида ўз ифодасини топган.

Гун Цзычжэнь Хитойда биринчилардан бўлиб, имтиҳон топшириш ва унга амал олинган системасига қарши чиқди. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий таназзулдан олиб чиқишининг бирдан бир йўлини Ғарб фан-техникасини олиб киришда, деб билди.

У бойлик ва камбағаллик орасидаги фарқ – мавжуд тузумга таҳдид солиши, етишмовчиликлар орасидаги чуқур ихтилофлар сабаб мамлакат - ҳалокатга яқин туришини, аксинча, қанчалик кам харажатли бўлса, шунчалик тартибга яқин бўлишини уқтиришга ҳаракат қилди. Унинг «тенглик ҳақида»ги мақоласида – фойдани бўлиш, идеал жамият ҳақидаги ғоялари ўз ифодасини топди. (Пин-Цзюнь пян 1816й). Унинг идеал жамият ғояси «олтин давр (аср)дан фарқ қилиб, ижтимоий сиёсий уйғушликнинг гаровидир».

Идеал жамиятнинг ютуғи – сувни адолат билан тарқатгани сингари фойдани ҳам тенг бўлиш – жамиятнинг манфаатлар йўналишига (ақл йўналишига) боғлиқлигида, деб билади. Унга кўра: «Инсоннинг қалби – дунё табиати асоси – давлат мафаатлари ўзаги» ўзаро уйғун бўлмоғи керак.

Гун Цзычжэнь – Мэн-цзынинг ихтилофчиси Гаоцзы (мил. ав. IV) изидан бориб, инсон табиатида меҳрибонлик ва ёвузлик мавжуд деган ғояни тасдиқлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун, «Инсон қалби» тушунчаси мазмуни ва моҳиятини – янги мактаб асосчилари томонидан қандай очиб берилганлигига эътибор қаратди. У Конфуцийнинг «яхшилик қилиш» ҳақидаги қарашларини – янги ижтимоий муносабатлар ва тамойиллар асосида ўрганилиши ва такомиллаштирилиши керак, деган ғояни илгари сурди. Ижтимоий ҳаётдаги ва маънавий муҳитдаги ўзга-

ришлар сиёсий-ҳуқуқий қонунларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш зарурлигини талаб этади. Сулола бошқарувчиси (подшоҳ) қанчалик эскилик тарафдори бўлса, у тизим сифатида шунчалар тез ўлимга маҳқум. Бошқарувчилар «ўз сулоласи асосчилари орқасидан кўр-кўрона эргашади, ҳақиқатни омма ҳукмига ҳавола этишдан кўрқади». Шу билан бирга, ўз вақтида янгилик олиб киришга интиланган, сиёсий-ҳуқуқий танқидий фикрлар билан чиқишга қодир сулола ворисларигина тахтни асрлар бўйи бир император исми - шарифи билан ушлаб туриш ва сақлашга қодирдирлар.

Вэй Юань фалсафаси

Вэй Юань – Линь Цзэсюй ва Гун Цзычжэннинг яқин сафдоши, кўзга кўринган файласуф, моҳир даосизм ва Будда таълимотининг тарафдори, қомусий олим, адабиётшунос ва сиёсий арбоб эди. У ҳам амалдор оиласида туғилди ва ўзи ҳам давлат хизматида бўлди.

Унинг дунёқараши «Гу-вэй Тан цзы» тўпламида акс эттирилган («Қадимий Зал қалбидаги тўплам» (асар) 1878й.) ва 10 цзюандан ташкил топган. Вэй Юаньнинг асосий фалсафий асарлари қаторига кирган бу тўплам «Мо Гу» – («Сукут сакловчининг мактубчиси» номи билан 1909 йилда қайта босиб чиқарилди.

Вэй Юань қадимги мумтоз хитой асарларига шарҳлар ёзган, улар ичида энг муҳими «Дао дэ пзин». («Мувозанат ва йўл қонунлари») – «Лао-цзы бэнь-и» («Лао цзы») асарлари матни 68 бобдан иборат. Шунингдек «Чжуцзы цзы-чэнь» (4 мумтоз фалсафа корпуси) туркумига киритилган асарларидир. Вэй Юань тарихий-сиёсий ва географияга оид бўлган асарлар ҳам яратди. «Шэн-у цзы» («Муқаддас урушлар ҳақида хат», 1842й), «Юань-иш синь-бэнь») Юань тарихининг (сулоласининг) янги таҳрири, 1905й. («Хай-го тучжи») «Ажнабий давлатларнинг картографияси ҳақидаги тасвири», 1849й). Линь Цзэсюйнинг «Си чжоу чжи» («4 қитъа ҳақида маълумот») ғояси ва Японияда «Мэйдзи инқилоби» (1867-1868) давридан илҳомланиб яратган охириги асари «Жоҳил қўли билан жоҳилларни бошқариш» номли китобидир.

1840-1842 йилларда «афюнга қарши» курашда Хитой мағлубиятга учрагач, Вэй Юань биринчилардан бўлиб, Ғарб илмий-техника ютуқларини, энг аввало артиллерия, буг машиналари, пароходларни ўзлаштириш йўли орқали мамлакатни замонавийлаштириш режасини олға сурди. Дунёда ўзгармайдиган

конунлар (фа) йўқлигини таъкидлаб, давлат лавозимларини эгаллаш учун топшириладиган имтиҳон тизимига қарши чиқди, вилоятда нон солиғини, туз устидан ўрнатилган назоратни бекор қилишга, қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ўзгартиришлар қилишга ҳаракат қилди. Вэй Юань, энг аввало, «ҳақиқат ва ёлғон»нинг мезони «тажриба» (Ши Фэй), фойда ва зиёни тенглаштириш (Ли хай) ғоясига асосланди. Унингча, бу шахсни ҳаракатта келтирувчи амалий омил ҳисобланади.

Вэй Юань фикрича, «пневмага айланишдан» ҳосил бўлган дунё (Ци хуа) ҳар лаҳза ўзгариб турувчи жараёндир. У бошқарадиган (чжу), бошқаси – ёрдамлашадиган (о фу) тафовутли жуфтга бўлинади. Тафовут бир-бирини асрайди ва бир-бирига айланади. У Хуан-чао пзин-иш вэнь-бень (Подшоҳлик сулоласи даврининг маълумотлари, (1826й.) тўпламининг кириш қисмида шундай ёзди: «Икки нарсанинг туташувидан маънавий манба (цзын) ҳосил бўлади». Бу умум фалсафий схемадан Вэй Юань шундай хулоса қилади: «Қиш бўлмасдан баҳор келмайди, Хитой бўлмаса, жоҳил қабилалар бошқарувчидан айрилишади, олижаноб инсонлар бўлмаса, авом халқ химоясиз қолади».

Инсон фақат руҳий қувват (*дин шуан*) билан боғлиқ табиатнинг онгли ва режали иштироки орқали ўз-ўзидан ижодий яралишга қодир, - деб ҳисоблайди Вэй Юань. Инсон муаммоси турли дунёқарашларнинг ўзаро кураши жараёнида ечимини топади. Вэй Юань Конфуций таълимотига асосланиб, шундай дейди: ғоят ақлли (донишманд) инсон, юқорида туриб «шеър» ва «хат» битади, хат ёзишни ўргатади (ўқитади), «диний маросимлар» ва «муסיқа» орқали халқнинг ички дунёсини ўзгартиради. У, давлатни бошқаришда конфуцийчиларнинг қадимий рақибби – даочилар ва легистлар (фа-цзя-конунчилари)нинг муваффақиятларидан фойдаланиш лозим, деб ҳисоблади. «Мо Ру» асарининг «Бошқариш ҳақидаги» – «Чжи пян» бўлимида улар ўртасидаги ўхшашликни кўрсатади: «Оёқ кийим, албатта тенг бўлиши мумкин эмас, у оёққа қараб ишланади, шундай экан, бошқарув ҳам бир хил эмас, у халқнинг манфаатидан келиб чиқиб аниқланади. Шу билан бирга, у «Улуғворлик (маҳорат)да намуна» (Хун Фань)», «Хат конунлари (ҳужжат)» («Шу Цзын») да ифодаланган: давлат ўзининг муҳим муаммолари ечимини топиши учун нафақат бошқарувчилар, ўринли ҳолларда халқ

фикринигина эмас, балки юқори куч – *навей* (ўлган қалблар) ва рухларнинг кўрсатмаларини ҳам инобатга олиш лозим деган қадимий тасаввурларни қўллаб-қувватлаган.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

XV-XVIII асрларда Хитойда ижтимоий-фалсафий фикр ривожу



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Ван Янмин дунёқарашига қайси таълимотлар бевосита таъсир кўрсатган?
2. «Жисм ва ҳаракат бирлиги» концепциясининг асосчиси ким эди?
3. Хуан Цзунси ва Ку Тинлинь фалсафий таълимотларининг моҳияти нима эди?
4. Дай Чжэньнинг «абадий табиатнинг табиийлиги» назариясининг мазмуни нимадан иборат бўлган?
5. Лин Цзэюй ижтимоий-сиёсий қарашларидаги «Осмон ўғли» анъанавий назариясининг моҳияти нима эди?
6. Ушбу файласуфлар таълимотларига конфуцийчиликнинг таъсири қандай бўлган?
7. Ушбу давр фалсафасининг ўзига хослиги нимада?
8. Қайси мутафаккирнинг фикрлари сизга манзур бўлди ва нима учун?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «XV-XVIII асрларда Хитойда ижтимоий-фалсафий фикр ривожини» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Мавзу юзасидан 20та тест, 20та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. Ушбу давр файласуфларининг фалсафий таълимотларини қиёсий таҳлил қилинг, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Инсерт усулидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдиринг (3-илова).

2-илова

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
«V» - биламан
«Қ» - мен учун янги маълумот
«—» - мен билган маълумотни инкор қилади
«?» - ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	V	-	Қ	?
1.				
2.				
3.				

Адабиётлар

1. *История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века.* – М.: Восточная литература РАН. –2002.
2. *Кобзев А. Учение Ван Янмина и классическая китайская философия.* –М., 1980.
3. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* –М.: Мысль, 1994.
4. *Ли Дачжао. Избранные произведения.* –М. 1989.
5. *Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая.* –М. 1981.
6. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайск.* –М., 1961.
7. *Хоу Вай-лу (и др.). Чжунго чжасюэ цзянши (Краткая история китайской философии).* –Пекин.1963.
8. *Ху Ши. Собрание сочинений. Ч. 1.* – Шанхай, 1930.

4-МАВЗУ

ТАЙПИН (ОСМОН) ДАВЛАТИ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда Хитойда ташкил тошган Тайпин давлати мутафаккирлари – Хун Сюцюан, Хун Жэньгань каби мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий қарашлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш; шунингдек, талабаларда ўрта асрлар Хитой фалсафий таълимотларини қадимги даврдаги тафаккур тараққиёти билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Тайпин, Англия, Хитой, АҚШ, Тянь Цзын (Осмон пойтахт), Лянсима, беи боилиқ, Хун Сюцюань, сю-цяя, конфуцийчилик, дао, буддистлар, диний-утопик қарашлар, «Буюк иттифоқ», «Буюк мувозанат», христиан миссионерлари, «Худога сизинувчилар жамаияти», Хун Жэньгань, «Афюнга қарши кураш» қонунлар, «қонун руҳи», ксенофоб, Вэнь-цзу, Му-цзун, «ўзини кучайтириш» сиёсати.*

Асосий саволлар

1. Тайпин давлатида ижтимоий-сиёсий фикрлар.
2. Хун Сюцюаннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
3. Хун Жэньгань қарашлари.

Тайпин давлатида ижтимоий-сиёсий фикрлар

Хитойнинг «Афюнга қарши кураш» натижасида Англия, АҚШ ва Франция билан ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган шартноманинг имзолаши давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий таназзул томон кетишига сабаб бўлди. Мамлакатда манчжурлар ҳукмронлигига қарши тайпинлар кўзғолони бошланди. ТяньЦзын (Осмон пойтахт), деб қайта номланган Нанкин пойтахтининг забт этилган ҳудудида кўзғолончилар -- Осмон давлатининг Буюк миннатдорчилиги рамзи сифатида янги монархия давлатига асос солинди. (*Тай пин Тянь-го*).

Бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ғоялари Тайпин раҳбарлари томонидан 1853 йили нашр этилган «Осмон сулоласининг ер тизими» («Тян-гао тян-му чжи-ду» хужжатида баён этилган эди. Унинг мазмунини Хан давридаёқ (мил. ав. III аср–мил. III аср) баён этилган ва конфуцийчилар, даолар тарафидан сиёсий-тарихий назария сифатида қабул қилинган («Буюк мувозанат») утопик қарашларни насронийлик билан уйғунлаштириш масаласи ташкил этган эди.

«Ер тизимида» шундай дейилади: «Осмон остидаги барча эътиқод қилувчилар – Худо ҳукмронлиги – Осмон отасининг катта бир оиласи. Аммо бу тенглик ва биродарлик ғоясида ҳарбий-бюрократизм ва теократик ҳокимиятни умумий қамраб олган патриархал жамоаларга хос майда тизимларга айлантириш масаласи ўз ифодасини топади. Осмон давлатининг ҳамма аҳолиси бошида бошлиқ турган 5 хўжалиқдан иборат гуруҳга ажралди. Шундай 5 гуруҳ, яъни 25 оила Тайпин жамиятининг асосий негизини ташкил этади. Уни мажбурийлари ғоят кўп лянсима–бошлиқ бошқарган. Ғайратлиларни тақдирлаб, яқовларни жазолаб, у 5 бошлиқ билан бирга деҳқонларнинг дала ишларида назорат ўрнатди, муқаддас нарсалар сақланадиган жойлар (давлат)га раҳбарлик қилди, тўй, крестина ва ўлимга маблағ ажратишни, ҳосилдорлик ва бошқа озик-овқатлар ҳисобини режа билан юргизди. Лянсима суд ишларини ҳам бошқарди, агарда деҳқонлар орасида низо (жанжал, ихтилоф) ва тортишув туғилиб қолса, улар унга (Лянсимага) мурожаат қилишлари лозим эди. Шунингдек, у Осмон подшоҳлигининг буйруқлари ва муқаддас мурожаатларига кўра болаларни эски, янги матнлар васияти бўйича ўқитадиган ва ўқийдиган (ваъзгўй, ваъзхон) диний маросимларни ўтказадиган кишлоқ руҳонийси ҳам эди. Осмон давлатида яқшанба куни ҳамма мажбурий бориши керак бўлган, ҳар 25 оиладан иборат ячейкага 1 черков таъсис этилди. Лянсима юқорида санаб ўтилган вазифалардан ташқари, яна унга бўйсинувчи аҳолининг душман аскарларига қарши курашларига болчилик қилди».

25 хўжалиқ взводни (лян), 4 взвод – ротани, 5 рота – бригадани, 5 - бригада – дивизияни, 5 дивизия – корпусни ташкил этарди. Бу ҳарбий - давлат иерархияси тепасида Худо номидан бошқарувчи Осмон князи (Тян-ван) турди. Унга бўйсунувчи армиянинг

бош кўмондони - Шарқ князи (Дун-ван) маъмурий ижроия хокимиятини бошқарди. Осмон давлатида меросий лавозимлар (ван, хоу ва б.) сақланиб қолди, ҳар йили амалдорнинг лавозимга шкала бўйича кўтарилишнинг II даражаси жорий этилди. Ҳар уч йилда бир мартаба лавозим учун тафтиш ўтказиш мўлжалланган. Лавозимдан кетган –мансабдор, ҳунарманд ва сотувчилардан ажралиб чиққанлар деҳқончиликка тушириларди. Тайпин давлати ҳақида сақланиб қолган айрим ҳужжатларда айбдорларни вақтинчалик қулларга айлантириш мумкинлиги тўғрисидаги манбалар мавжуд. Энг олий жазо – ўлимга маҳкум этиш белгиланган.

Берилган ерга эгаллик қилиш, илмий даражага имтиҳон топшириш, амалдор лавозимини эгаллаш, армияда хизмат қилиш ҳуқуқини олган эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари – тайпинларнинг муҳим ижобий янгилиги эди. Ахлоқий бузуқлик, ҳисоб китоб билан уйланиш, келин сотмоқ ва олмоқ, аёллар оёғини ўраб боғлаш таъқиқланди. Осмон ости давлатида очиқ суд қилиш тизими ўрнатилди ва азоблаш (исканжага солиш, кийноққа тортиш усуллари) бекор қилинди.

Хун Сюцюаннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари (1814-1864)

Тайпин кўзғолонинг ғоявий йўлбошчиси ва доҳийси Хун Сюцюань 1851 йилда ўзини Тайпинлар давлатининг Осмон ости князи, деб эълон қилди. У деҳқон оиласида туғилиб, қишлоқда ўқитувчи эди ва уч марта амалдор мансабига йўл очувчи энг паст илмий даража – сю-цаяга муваффақиятсиз имтиҳон топширди. Гуанчжоуга имтиҳон топширишга борган сафарларининг бирида у насроний миссионерлари билан танишди.

1843 йилда у конфуцийчилик, дао ва будпарастларга қарши чиқиб, ўз туғишганлари ва ҳамқишлоқларини насронийликка эътиқод қилишга чақирди ва ўз ғоявий йўналиш «Худога сиғинадиган жамият» («Бай Шан-ди хуй»)га асос солди. Хун Сюц-юань Тайпин давлатининг мағлубияти арафасида насронийлик қонунларига кўра, заҳар ичиб, ўзини ўлдиради.

Унинг жамият ва давлат қуриш ҳақидаги асосий диний-утопик қарашлари кўп сонли кичик асарларида ифодасини топган: «Инсоннинг пайдо бўлиши ва йўлнинг бошланишига оид панд-

насихатлар», («Юань-дао син-ши сюнь»1845й.) «Оламни сақлаш ва йўлнинг бошланиши мурожаати ҳақида мадҳия», («Юань-дао цзю-ши Гэ»1845й.), «Хитойнинг тузалиши ва ҳақиқатнинг қайтиб келиши» («Гай-се гуй-чжэн»1845й.) ва бошқ. Хун Сюц-юань асарларида насронийлик ғояларини Конфуций ва қадимги хитойликларнинг «Буюк иттифок» ижтимоий-сиёсий утопияси (Датунг) «Буюк мувозанат» билан боғлади (Тай пин). «Агар бизнинг замонавий гуноҳга ботган дунёмизни алоҳида бўлақлардан иборат деб қарасак, унда у кўплаб ҳар хил давлатларни юзага келтиради. Агар унга бир бутун (яхлит) ҳолда қарасак, у маънода уни бир оила, деб тушунса бўлади. Бу гуноҳга ботган ердаги ҳамма одамларнинг отаси – Олий қудратли ҳукмдор. Бизнинг давлатимизда бўлгани каби, у бошқа чет давлатларда ҳам тақдир ва ҳамма нарсани яратувчидир. У барча давлатларда шунингдек Хитойда ҳам бутун жонзотнинг химоячиси ва асровчисидир. Осмон остида ҳамма эркаклар, ака-ука ҳамма аёллар опа-сингилдир. Улар орасида қандай қилиб чегара бўлиши мумкин? Қандай қилиб уларда мол-дунёни, жонни бир-биридан тортиб олиш фикри туғилиши мумкин?»

Хун Жэньгань қарашлари (1822-1864)

Хун Жэньгань -- «Худога сифинувчилар жамияти»нинг кўзга кўринган яна бир намояндаси, Хун Сюцаннинг амакиваччаси эди. Хун Сюцюанга ўхшаб, у ҳам сю-цзя даражасига эришиш учун беш марта имтихон топширишга уринди. Аммо унинг бу йўлдаги барча ҳаракатлари бесамар кетди. Аммо унинг ҳам Хун Сюцюанга ўхшаб христиан миссионерлари билан мулоқотда бўлиб турганлиги кейинчалик келиб сиёсий дунёқарашининг шаклланишида ўзининг хал қилувчи нуқтасини қўйди. Ғарб цивилизацияси ютуқларига чуқур ҳурмат билан қаради. Тайпин кўзғолони мағлубиятга учрагандан сўнг, 1864 йилда ўлдирилди.

1859 йили Осмон ости давлатида княз унвонига (Гань-Ван) сазовор бўлиб, бош вазир ўрнига сайланади. Хун Жэньганьнинг «Бошқарувга ёрдам беришда янги асар»ида унинг бутун давлат ва жамият ҳақидаги барча сиёсий ғоявий қарашлари жамланган. Унда Осмон қироли томонидан давлатни бошқариш учун ишлаб чиқилган режа

ва ҳужжатлар, қонунларни яратиш, амалда тўғри жорий этиш, қобилияти бор одамларни саралаш масалалари ўз ифодасини толади. Унингча, ношуд (қобилиятсиз) одамлардан фойдаланиш жамият тараққиётида мантқиққа зид бўлиб, нотўғри қабул қилинган қонунлар сабаб, одамлар фақат зарар кўради. Унингча, бу икки асосга риоя этилса давлатнинг гуллаб яшнаши ва тараққиётида бир – бирини тўлдирди. Унинг сийсий - ғоявий қарашларини тахминан учга бўлиш мумкин бўлади: 1) эски одатлани янгиликларни олиб кириш ёрдамида ўзгартириш; 2) эски қонунларни янги қонунлар ёрдамида ўзгартириш (янги қонунлар билан алмаштириш; 3) одамларни жазолаш орқали тарбиялаш. Бу кўрсатиб ўтилган омиллардан ташқари бу уч ҳолатни юзага чиқарадиган одамнинг шахсан ўзи унинг ёйилишида ибратли бўлиши, жонкуярлик қилиши, самимийлик билан ҳаракат қилиши лозим. Шундай тартиб ўрнатилганда, настуғилар юқорида турган (одам)га, худди гиёҳ шамолга бўйсуниганидек, итоаткор ва ҳамма соҳада унга эргашадиган бўлади. Аксинча, янги қонунларга сохта тақлидлар кўпайиб, янги иллат за қусурларнинг газак отиши исёнга сабаб бўлади.

Эски қонунларни янгилари ёрдамида ўзгартириш мақсадида, Хун Жэньгань: «ҳаётда мос келадиган маориф ва тарбия қонунларини ўтказиш зарур»; «тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, қонун ҳаммага тушунарли бўлади; қонун ҳаммага тушунарли бўлса, бошқарувчининг (халққа) бўлган муносабати аниқ бўлади. Шунда одамлар бир-биридан руҳланади, кун-сайин қобилиятлар пайдо бўлиб, эзгу ниятлар гуллаб-яшнайдилар, кундан-кунга урф-одат ва расм-русумлар такомиллашиб яхшиланиш томонга юзланадилар», деган ғояни илгарин суради.

Тайпинларнинг зукко йўлбошчиларидан бўлган Хун Жэньгань «давлат учун энг муҳим бўлган қонунлар тўплами (го цзя и фа-чжи вэй ся)да (қонунлар) «тинчлик йўли ва инсон қалби» (ши дао жэнь-синь) орқали мустаҳкам алоқага эга бўлишини қаттиқ туриб талаб қилди: «ҳар қандай қонун бир вақтнинг ўзиде аниқ ва мавҳум кўринишида бўлади. у сув каби ҳаракатчан, темир каби мустаҳкамдир. У иш ва ҳодиса сингари, бир вақтнинг ўзиде аниқ ва ноаниқ бўлиши, қаттиққўллик ва эгулувчанлик хусусиятига эга бўлган инсон юраги кабидир. У иллат пайдо бўлишининг

осон сабаби бўлиб, қонун чиқарувчилар учун қийинчиликлар билан кечади. Қонунни қайта ишлаб чиқиш учун нимани билиш керак, деб сўрашади. Энг аввало «қонун руҳи» умум қадриятлар асосида юзага келишини ўзлаштириб олиш лозим. У мустақкам ва ўзгармас бўлиши шарт. Қонун (аниқ, раво) мазмуни (вақт ўтиши билан) оммага тушинарли бўлиб бориши, замон талабларига мос ўзгариб бориши лозим».

Англия, Франция, Россия ва бошқа Ғарб давлатлари тажрибалари ҳақида фикр юритиб, Хун Жэньгань яхши қонун чиқарувчи давлатни нафақат қонунбузарлик, жиноятчилик ва ғалаёнлардан саклайди, давлатнинг, жамиятнинг гуллаб-яшнашига олиб келади, деган хулосага келади. Мутафаккир оммабол алоқа йўллари тизимининг биринчи даражали сиёсий-ҳуқуқий функциясига аҳамият бериб, Ғарбнинг ижобий тажрибасини қабул қилишга чакирди. У матбуотни, почта станцияси тармоқларини, куруқлик ва сув транспорти, йўл қурилиши ва шу кабиларни ривожлантиришни қўллаб қувватлади. Хун Жэньганнинг ҳукуматнинг муносабатлар тизимига оид «ахборот алмашиниши ҳақидаги» қарашлари ўз даври учун илғор ғоялардан эди: «Буткул ҳокимият юқоридан пастга қараб, каттаю кичикка бир хил муносабатда бўлиши керак. Подшоҳ ҳам, халқ ҳам уни бир хил ҳурмат қилиши лозим. Шунда у халққа етиб боради. Ахборотлар юқоридагилар ва пастдагилар ўртасидаги муносабатларни ўзаро тушуниш учун асосий ҳалқадир. Бу ҳақиқатни қарор топмоғи, аксинча унга ғов бўлаётган, ёвузлик кўзи билан қараётганларни йўқотишда асосий қуролдир. Ушбу тизим орқали амалда оддий халқнинг фикри юқорига етиб бориши лозимлиги таъминланади. Бунга етишишининг энг яхши омили газеталарни чоп этиш, сотиш масалаларини ташкиллаштириш, махфий авф (кечирирм)ни тарқатиш кутилари ўрнатилиши шарт».

Унинг фикрича, «ҳар бир вилоятда маъмурий ҳокимиятдан фойдаланмасдан ўз мажбуриятларини бажарадиган амалдор – мухбир сайланиши керак. Ундай одам ростгўй ва ҳақиқатпарвар бўлиши шарт. У маҳаллий ҳукуматга бўйсунмайди ва маҳаллий ҳокимиятга тегишли ҳеч қандай лавозимга эга бўлмайди. Маҳаллий ҳокимият ундан ундиришга (ишдаги камчиликлари учун), мукофотлашга (бошқа хизматлари учун) ҳаққи йўқ. Амалдор –

мухбирнинг мажбуриятлари юқорига хабардор этадиган газеталар учун хабарлар тўплашдан иборат. Бу рўёбга чиққач, ҳамма хоинлар доимий кўрқувда бўлиб, у вақтда одамларга фикрларнинг моҳияти аён бўлади (аниқ бўлади). Инсонпарвар одамларнинг фикри хоинлар фикри каби жамият судидан яширин четда қолмайди. Бу адолатнинг ғалабасига ва Осмон остида умумжамият тинчлигига олиб келмайдими?»).

Сўнгги мақсадларига эришиш учун Хун Жэньгань: афюн, вино, тамаки ишлаб чиқаришни таъқиқлаш; буддист ва даоистларнинг монастирларини ёпиш, монархларни тинч дунёга қайтариш; уларнинг китобларини ёқиш; кўча ўйинлари (томоша)ни, буддист лавозимларини ва дао удумларини тугатиш; геомант-фолчиларнинг ишларига чек қўйиш; «ёвуз, яъни регламентга асосланган ҳокимият ва билимларнинг илдизини қирқиш» ва ҳоказоларга жазо чораларини кўришни таклиф этди.

Бу ҳарбий – деҳқон давлатида паст савиядаги маъмурий назорат самарадорлигини ошириш учун муассасаларни дунё суди вазифасини бажарувчи ва қишлоқдаги соқчи аскарларни бошқарадиган қишлоқ бошлиқлари лавозимлари билан таъминлаш кўзда тутилади.

Хун Жэньгань ота-оналарнинг ўз фарзандларини сувга ёрқ қилишларига ва уларни қул қилиб сотишни таъқиқлаш сингари бошқа инсонпарвар таклифлари билан «жиноятчи ва унинг оиласига бўлган муносабатларнинг қатъий ажралиб туриши»га жавобан жамоада оилада ҳам, Хитой анъанавий ҳуқуқида муҳим ўзгаришлар киритилишини талаб этди.


Хитой ўзининг ксенофоби туфайли «қон томирлари бекилиб қолган ва вужудида қон айланиши тўхтаб қолган» оғир хастага ўхшаб қолганини тан олиб, Хун Жэньгань насронийликнинг қутқарувчилик кучига ишонди ва «мамлакат тузалиши учун, даставвал, одамларни ўнлаб кўриқхоналар ёрдамида тарбиялашни амалга ошириш жоиз ва шундан кейингина давлат қонушлари ёрдамига мурожаат қилини керак», деб ҳисоблади. У анъанавий давр олий жазонинг – халқ олдида жиноятчини осинга ҳукм этиш «муқаддас қондаси»нинг мақсадларини тушунтиришга ҳаракат қилади: «Тян-ван Осмон отасининг меросхўри ҳисобланади; у ердаги одамларга раҳбарлик қилишга буйруқ олди. Фуқаро

қонунни бузса, юқорида ўтирган (одам) уни жазосиз қолдирмайди. Тушунарли, шундай қилиб, улар ўзларининг кўлларини арқон билан боғлаб, Осмон отаси уларни жазолашини талаб этишади».

1861 йилда Хитойнинг Франция билан бўлган иккинчи «афюнга қарши» урушида мағлубиятга учрагандан сўнг, император Вэнь-цзун (подшоҳлик даври: 1850-1861й.)нинг ўгай укаси улуғ княз Гун (1832-1898й.) тахтга ўтирди. У ҳукмронлик қилган вақтда Пекинда Цзун-ли-я-мэнь ташқи алоқалар умумраҳбарияти учун алоҳида ҳамкорлик ташкилоти тузилди.

Вэнь-цзунинг ўлиmidан кейин ҳокимият тепасига онаси билан янги ёш император, Му-цзун (подшоҳлик даври: 1861-1874й.) ва император Ци-си (1835-1906й.) ва улуғ князь Гун ҳукумат гуруҳи келди. У анъанавий холисликдан бош тортишни ва чет эл давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатишни мақсад қилиб, «ўзини кучайтириш» сиёсатини юргиза бошлади. Пекинда дипломатик фаолият олиб бориш учун зиёли оилалардан болаларни тайёрлайдиган чет тиллар мактаби очилди, дипломатия, сиёсат ва ҳуқуқ ишлари бўйича Ғарб адабиёти хитой тилига таржимаишлари кучайди. Руҳи тушган халқ кўзғолонлари ва уларнинг огоҳлантиришларининг ягона йўли бўлиб ҳисобланган бу сиёсат ҳарбий-миршаб ва ғоявий назоратни ўзлаштириш билан бирга юргизилди.

Хун Жэньганнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. «Тайпин» нима дегани?
2. Тайпин давлати мутафаккирлари кимлар эдилар?
3. Ушбу давр мутафаккирлари қарашларининг ўзига хослиги нимада?
4. «Бошқарувга ёрдам беришда янги асар»нинг муаллифи ким эди?
5. Хун Сюцюань қарашларининг моҳияти нима эди?
6. Хун Жэньганнинг фикрича, жамиятни ислоҳ этиши учун нималарни амалга ошириши керак?
7. Хун Жэньгань таълимотидаги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг таъсири кейинги даврларда Хитойнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида қандай аҳамият касб этди?
8. Қайси мутафаккирнинг фикрлари сизга манзур бўлди ва нима учун?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Хун Жэньганнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

3. Мавзу юзасидан 20та тест, 15та блиц-савол ва кроссворд тайёрланг.
4. ФСМУ жадвалини тўлдириш (2-илова).

2-илова

ФСМУ учун топширик: Хун Жэньганнинг «хаётда мос келадиган маориф ва тарбия қонуналарини ўтказиш зарур», деган фикрини таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Хун Женгань, тарбия, маориф, қобилиятлар, эзгу ниятлар, урф-одатлар, расм -русумлар.

Савол	«Хаётда мос келадиган маориф ва тарбия қонуналарини ўтказиш зарур»
(Ф)Фикрингизни баён этиш	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтириш	
(У)Фикрингизни умумлаштириш	

Адабиётлар

1. *История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века.* – М.: Восточная литература РАН. –2002.
2. *Кобзев А. Учение Ван Ямина и классическая китайская философия.* –М., 1980.
3. *Китайская философия. Энциклопедический словарь.* –М.: Мысль, 1994.
4. *Ли Дачжао. Избранные произведения.* –М. 1989.
5. *Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая.* –М. 1981.
6. *Го Мо-жо. Философы Древнего Китая. Перевод с китайского.* –М., 1961.
7. *Ян Юн-го. История древнекитайской идеологии. Перевод с китайского.* – М., 1957.
8. *Хоу Вай-лу (и др.). Чжунго чжасюэ цзяшици (Краткая история китайской философии).* –Пекин. 1963.
9. *Ху Ши. Собрание сочинений. Ч. I.* – Шанхай, 1930.

III БОБГА ОИД ТЕСТЛАР

1. Қадимги Хитой фалсафасида интеллектуал салоҳият эгалари ва хунармандлар асос солган, (Жэнь) ғояларини тарғиб қилиш бош масала бўлган фалсафий мактаб қайси эди?

- a) даосизм мактаби;
- b) моизм мактаби;
- c) конфуцийчилик мактаби;
- d) исмлар мактаби.

2. Таркидунёчилик қилган дарвешлар, мувафаккият ва мағлубият, мавжудлик ва ҳалокат, қайғу ва бахт, қадимийлик ва замонавийлик йўли тўғрисида фикр юритувчилар мактаби – бу

- a) даосизм;
- b) конфуцийчилик;
- c) инь ва ян мактаби;
- d) исмлар мактаби.

3. Осмон белгилари, қуёш, ой, юлдузлар, кoinот мўлжаллари, вақт алмашувини кузатувчилар мактаби – бу

- a) конфуцийчилик мактаби
- b) даосизм мактаби
- c) инь ва ян мактаби
- d) моизм мактаби

4. «Одоб-ахлоқ асосидаги» бошқарувни (Ли) мукофотлар, жазолар, муайян қонунлар билан тўлдирган, суд муассасаларидан чиққанлар асос солган мактаб қайси?

- a) моизм мактаби;
- b) конфуцийчилик мактаби;
- c) даосизм мактаби;
- d) легизм мактаби.

5. Қабилалар, касб-хунарлар ва ашёларнинг келиб чиқишини тушунтирувчи ирфоний асар қандай номланган?

- a) «Ўзгаришлар китоби»;
- b) «Ашулалар китоби»;
- c) «Баҳор ва куз китоби»;
- d) «Урф-одатлар китоби».

6. «Дао» сўзининг маъноси нима?

- a) билим, ҳаёт;
- b) йўл, таълимот;
- c) тақдир, инсон;
- d) жон, адолат.

7. Қадимги даврларда борлиқ ҳақидаги масалани ҳал этиш йўллари ўз аксини топган асар қайси эди?

- a) «Ўзгаришлар китоби»;
- b) «Ашулалар китоби»;
- c) «Баҳор ва куз китоби»;
- d) «Урф-одатлар китоби».

8. «Эскини баён этаман ва янгини барпо этмайман», деган фикр муаллифи ким эди?

- a) Лао Цзи;
- b) Конфуций;
- c) Мэн-цзы;
- d) Цзы-Юй.

9. Мэн-цзы таълимотига кўра, ҳар бир кишида бўлиши шарт бўлган фазилатлар қайси қаторда берилган?

- a) одамгарчилик (жэнь), меҳрибонлик (ший), ҳалол ижрочилик (и), хушмуомалалик (ли);
- b) одамгарчилик (жэнь), хушчақчақлик (ди), хушмуомалалик (ли), билим (чжи);
- c) ҳалол ижрочилик (и), хушмуомалалик (ли), билим (чжи), меҳрибонлик (ший);
- d) одамгарчилик (жэнь), ҳалол ижрочилик (и), хушмуомалалик (ли), билим (чжи).

10. Мэн-цзы нимани инсонни мавжудликка ва ижтимоий вазифага мустаҳиқ этувчи орзудаги куч-қудрат, деб билади?

- a) Осмонни;
- b) Ерни;
- c) Даони;
- d) Женни.

11. Сюнь-цзынинг борлик ҳақидаги қарашларига кўра, оламнинг асосида нима ётади?

- a) Рух;
- b) Осмон;
- c) Ер;
- d) Модда.

12. Назарий тадқиқотлар – фойдасиз ҳашамдир; меҳнат фаолиятида белгиланган амалий мақсадга мувофиқлик-заруриятдир, дея Конфуцийга қарши чиққан мактаб қайси эди?

- a) Конфуцийчилик мактаби;
- b) Моизм мактаби;
- c) Даосизм мактаби;
- d) Легизм мактаби.

13. «Агар кишилар тақдирга ишонсалар, улар фаровонликлари учун курашни тўхтатадилар», деган ғоя муаллифи ким эди?

- a) Мэн-цзы;
- b) Конфуций;
- c) Лао Цзи;
- d) Мо-цзы.

14. Мо-цзынинг фикрига кўра, билишнинг ишончли манбаи бу – .

- a) тажрибадир;
- b) ақлдир;
- c) интуициядир;
- d) илоҳий хабарлардир.

15. «Даосизм» атамаси фанга ким томонидан киритилган?

- a) «Даосизм» асосчиси Лао цзи томонидан;
- b) Конфуций томонидан;
- c) Хитой тарихчиси Сима Тан томонидан;
- d) Мен-цзы томонидан.

16. «Дао дэ цзын» китоби қачон пайдо бўлган эди?

- a) тахминан милодий I-II асрларида;
- b) тахминан милоддан аввалги V-IV асрларда;
- c) тахминан милоддан аввалги VI-V асрларда;
- d) тахминан милоддан аввалги IV-III асрларда.

17. Даосизмнинг диққат марказида ... туради.

- a) табиат, коинот ва инсон;
- b) табиат, жамият ва инсон;
- c) табиат, коинот ва йўл;
- d) табиат, коинот ва жамият.

18. Кейинги вақтлардаги ривожланиши нуқтаи назаридан даосизм умуман қуйидаги уч турга бўлинади:

- a) афсонавий, диний ва ўлмаслар даосизми;
- b) фалсафий, диний ва ўлмаслар даосизми;
- c) фалсафий, афсонавий ва ўлмаслар даосизми;
- d) дунёвий, фалсафий ва диний даосизм.

19. «Дао» - барча ашёларнинг манбаи, «дэ» эса, - .

- a) ҳар бир нарсага тўғри келадиган «дао»нинг қисми;
- b) ҳар бир нарсага хос моддий хусусият;
- c) ҳар бир нарсага хос бўлган руҳий хусусият;
- d) нарсаларнинг ботиний бирлиги.

20. Абадий, ўз-ўзича мавжуд бўлган, ғоявий ибтидо (ли) моддийликдан (ци) олдин вужудга келади ва ашёлар дунёсини бошқаради, деювчи таълимот қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- a) конфуцийчилик таълимоти;
- b) «даосю» таълимоти;
- c) моизм таълимоти;
- d) легизм таълимоти.

21. Даосизмнинг ахлоқий таълимотига кўра, жамиятдаги барча бахтсизликлар нимадан келиб чиқади?

- a) инсонларнинг жень га амал қилмасликларидан;
- b) табиий қонун бўлган дао нинг бузилишидан;
- c) жамиятда адолатсиз ҳокимликдан;
- d) ижтимоий тенгсизликдан.

22. Ян Чжу таълимотига кўра,

- a) инсон бошқа мавжудотлардан ташқи кўриниши билан фарқ қилади;
- b) инсон табиатнинг бир қисми, холос;
- c) жисм ўлса ҳам, руҳ ўлмайди;
- d) барча нарса инсон учун.

23. Инь ва ян тушунчалари нимани англатади?

- a) инсонпарварлик ва жувонмардлик;
- b) карама-қарши тушунчалар – зулмат ва ёруғлик;
- c) олийжаноб киши ва донишманд эр;
- d) дао ва ҳаёт.

24. Бирламчи У-син таркибига нималар киради?

- a) олов, сув, ёғоч, металл ва тупрок;
- b) олов, сув, ёғоч, ҳаво ва тупрок;
- c) олов, ҳаво, ёғоч, металл ва тупрок;
- d) олов, сув, ёғоч, металл ва ҳаво.

25. Иньянцзя мактаби қандай ташкил топди?

- a) тарки дунёчиликка меҳр қўйиш оқибатида;
- b) урф-одатларни сақлаб қолиш мақсадида;
- c) астрономик кузатишлар натижасида;
- d) одоб-ахлоққа бўлган кучли иштиёқ таъсирида.

26. Иньянцзядаги беш ахлоқий қоидага нималар киради?

- a) адолатлилик, одоб, хушмуомалалик, фаоллик, билим;
- b) инсонпарварлик, адолатлилик, саҳийлик, билим, садоқат;
- c) инсонпарварлик, адолатлилик, одоб, билим, садоқат;
- d) адолатлилик, одоб, билим, садоқат, ватанпарварлик.

27. Ашёлар муносабатини ва шу муносабатларнинг ўзини ифодаланишини, ҳукм чиқариш ва номланишнинг бир-бирига мувофиқлиги масалаларини тадқиқ этган мактаб қайси эди?

- a) Исмлар мактаби;
- b) Конфуцийчилик;
- c) Инь ва ян мактаби;
- d) Даосизм.

28. Тушунчалар ҳис-туйғу ҳосил қилувчи ашёлар билан боғлиқ эмас; улар мустақил бўлиб, айрим ҳолда мавжуддирлар, деган гоя муаллифи ким эди?

- a) Чжу Си;
- b) Гунсунь Лун;
- c) Дэн Си-цзы;
- d) Хуэй Ши.

29. Легистлар кимларга ўзларининг асосий душманлари сифатида қарашган?

- a) исмлар мактаби вакилларига;
- b) даосизм тарафдорларига;
- c) иньянцзига;
- d) конфуцийчиларга.

30. Хитой сиёсий тафаккури тарихида биринчи бўлиб мустабид давлат назариясини яратган мутафаккир ким эди?

- a) Хань Фэй-цзы;
- b) Шан Ян;
- c) Гуань-цзы;
- d) Люй Бу Вэй.

31. Ван Чуннинг фикрича, дунё нимадан иборат?

- a) абадий мавжуд бўлган «ли» руҳий субстанциядан;
- b) беш бирламчи унсурдан;
- c) абадий мавжуд бўлган «ци» моддий субстанциядан;
- d) абадий мавжуд бўлган муқаддас осмондан.

32. Ван Чуннинг фикрича, билишнинг асосий воситаси бу – .

- a) тажриба;
- b) туғма билимлар;
- c) илоҳий хабар;
- d) интуиция.

33. Неоконфуцийчилик тарафдори Чжоу Дуни фикрича, бутун коинот нимадан ташкил топган?

- a) беш бирламчи унсурдан;
- b) азалий ва абадий руҳдан;
- c) инь ва яндан;
- d) ўз-ўзидан.

34. Неоконфуцийчиликда ака-ука Чен Хао ва Чен Илар қандай йўналишни ривожлантирдилар?

- a) идеалистик йўналишни;
- b) материалистик йўналишни;
- c) деистик йўналишни;
- d) тўғри жавоб йўқ.

35. Ван Янмин таълимотида марказий ўринни нима эгаллайди?

- a) борлиқ муаммоси;
- b) инсон муаммоси;
- c) билиш назарияси;
- d) ижтимоий муносабатлар.

36. «Хаётнинг ривожу бу (ҳар қандай) ўзгаришнинг манбаси-дир. Хаётдаги қонуният ва ривожланиш ўзгаришларнинг тўхтовсиз оқимидир», деган Хитой файласуфи ким эди?

- a) Ван Янмин;
- b) Лин Цзэсюй;
- c) Ку Тинлин;
- d) Дай Чжэн.

37. Ку Тинлин фикрича, конфуцийчи схоластлар - ...

- a) дарҳақиқат, халқнинг энг сара қатлами эдилар;
- b) халқни ахлоқий жиҳатдан тарбиялар эдилар;
- c) асосий этиборини тажрибада кўрилган билимга қаратар эдилар;
- d) саводсиз эдилар.

38. Линь Цзэсюйнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари мохиятини нима ташкил қилар эди?

- a) «Афюнга қарши» курашни тарғиб қилувчи ғоялар;
- b) конфуцийчилик тамойилларига қайтиш ғоялари;
- c) «Осмон ўғли» ҳақидаги анъанавий ғоялар;
- d) тақдир азалнинг қатъий ҳукми ҳақидаги ғоялар.

39. «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тапазулдан олиб чиқишининг бирдан бир йўли Ғарб фан-техникаси ютуқларини олиб киришда», деб айтган ўрта асрлар Хитой файласуфи ким эди?

- a) Гун Цзычжэнь;
- b) Линь Цзэсюй;
- c) Вэй Юань;
- d) Дай Джен.

40. Хун Сюцюань ким бўлган?

- a) «Мусаффо ер» мактаби вакили;
- b) Тайпин кўзғолонинг ғоявий йўлбошчиси ва доҳийси;
- c) Тендай мазҳаби асосчиси;
- d) Неоконфуцийчиликнинг энг йирик намояндаси.

IV БОБ. КОРЕЯ ВА ЯПОНИЯ ФАЛСАФАСИ

I БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ДАВР КОРЕЯ ВА ЯПОНИЯ ФАЛСАФАСИ

1-МАВЗУ

ҚАДИМИЙ КОРЕЯДАГИ ДИНИЙ-МИФОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР ВА ДАСТЛАБКИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Кореедаги илк эътиқодлар, диний-фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиш сабаблари ва заминлари ҳақида (мифология ва шаманизм), қадимги Чосондаги дастлабки фалсафий қарашларнинг моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; ундаги дунёнинг асоси тўғрисидаги, руҳ тўғрисидаги қарашларнинг ўзига хос жиҳатларини фалсафий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Қадимги Корея, илк эътиқодлар, «Тангун ҳақида афсона», Кирин, анимизм, мифология, шаманизм, Окошанте, ханьр, қадимги Чосон, ян ва ым, янки, ымки, беш унсур, реинкарнация.*

Асосий саволлар

1. Қадимги Кореедаги илк диний-фалсафий тасаввурлар.
2. Қадимги Корееда мифология ва шаманизм.
3. Қадимги Чосонда дастлабки фалсафий қарашларнинг шаклланиши.

Қадимги Кореедаги илк диний-фалсафий тасаввурлар

Тотемизм асоратлари – инсоннинг ҳайвонот, ўсимлик ва бошқа жисмлар гуруҳининг сирли дунёси билан боғлиқлигига бўлган ишонч – корейс халқининг турли афсона ва ривоятларида, ҳамда уларнинг қадимий рассомчилик санъатида мавжудлигини кузатиш мумкин. Шундай қадимий афсоналардан бири бу «Тангун ҳақида афсона» бўлиб, у корейс халқи ва давлатининг қадимийлигини ифодалаган. Унга кўра, осмон маъбудининг ўғли шаҳзода Хванун Тхэбоксан тоғида «Маъбудлар макони»ни қурган. У одамларни фойдали ишларга ва билимларга, жумладан,

деҳкончилик, табибчилик, дурадгорлик ва тикувчилик санъатларига ҳамда балиқчиликка ўргатади. У пайтларда тоғда инсонга айланиб қолиш хоҳишидаги айиқ ва йўлбарс яшар эдилар. Шунда Хванун уларга агар сиз ғор ичида юз кун саримсоқ пиёз ва доривор ўтлар истеъмол қилиб яшасангиз, истагингиз амалга ошади, деб айтган экан. Айиқ бу шартни бажарган ва бир аёлга айланган. Аёлга айланган айиқ Хванунга турмушга чиқиб, бир Тангун исмли ўғилни туққан ва мил.ав. 2333 йилда Пхеньянда у Чосон ёки қадимги Чосон давлатига асос солган¹⁷⁴.

Қадимги Кореяда мифология ва шаманизм

Анимизм ва шаманизм корейс халқининг афсонавий дунёсида алоҳида аҳамият касб этади. Анимизм асоратлари Корея ҳудудидаги турли қадимий жойларнинг қазилмаларида топилган¹⁷⁵. Ўзининг кўп асрлик тарихи давомида корейс халқи доим табиатни илоҳийлаштириб, уни саноксиз сирли руҳлар ва ёвуз кучлар билан боғлаб келган. Руҳлар ва ёвуз кучлар ҳар ерда мавжуддир. «Улар ҳар бир дарахт тагида, ҳар бир ташландиқ ерда, оқаётган сувда ва тоғ бағрида яшайди... улар ҳар бир корейсни умр бўйи кузатиб юради»¹⁷⁶. «Корейс мифологиясида ғаройиб ҳайвонлардан аждаҳо, бир шоҳли қирин, қақнус қуши ва бошқалар мавжуд. Энг олий даражада шаклланган аёл ва эркак синтезини ўзида тўлиқ акс эттирган ҳайвон «қирин» ҳисобланади. («ки» - эркак, «рин» -- «аёл»). У ўзида дунё пайдо бўлишининг дастлабки беш элементи лари: сув, олов, дарахт, металл ва ерни мужассамлаштирган. У шу билан бир қаторда ўзида қадимги корейсларнинг аксиология қадриятларини ҳам акс эттирган. Қирин тинчлик, бахт, тўғрилиқ ва ҳақгўйлик рамзидир¹⁷⁷. «Қирин» образида корейс фалсафасининг мифология қарапидлардан келгуси тушунчалар ва образларга аста-секин ўтиш жараёнини: дунё яралишининг аёл ва эркак даврини (ян ва ым), дастлабки беш унсур таълимотиши (сув, олов, ёғоч, металл ва ер), инсоният ва дунё тараққиётининг бирлиги (осмоний «ли» таълимоти)ни кузатиш мумкин.

Инсонда бир эмас, учта руҳ мавжуд экан. Бири инсон ўлгашидан кейин самога олиб кетилади (ханьр); уни учта фаришта (ях-

¹⁷⁴ Корея. Цифры и факты. – Сеул. 1993. – С.16.

¹⁷⁵ История Кореи. Т. 1. – М., 1960. Пер. с кор. – С.42.

¹⁷⁶ Описание Кореи. – М., 1960. – С.402.

¹⁷⁷ Қаранг: Ўша асар. – Б.404-406.

шилар руҳи) гўзал боққа(син-тён) олиб кетади. Боғ раҳбари Оконшанте уни сўроқ қилади, ерда қилган гуноҳлари ва яхшиликларига қараб, уни яна қайта ерга ўша танага юборади ёки гўзал боғда қолдиради, ёки бирон бир ҳайвон қиёфасига киритади. Иккинчи руҳ эса, тана кўмилган ерда қолади ва уни дўзахга (уни ҳам уч фаришта) олиб кетадилар. Учинчи руҳ эса, ҳавода, ўз яшаш жойига яқин қисмида қолади, уни эса, фаришта олиб кетар экан.

Қадимги Чосонда дастлабки фалсафий қарашларнинг шаклланиши

Қадимги Чосондаги дастлабки фалсафий қарашлар Хитой таъсирида шаклланган. Қадимий корейс файласуфлари дунёни иккита омилар: эркак, ижобийлик, яхшилик, фаоллик рамзи бўлмиш – **ян** ва аёл, салбийлик, ёвузлик ва фаол бўлмаслик рамзи бўлмиш – **ым**нинг ўзаро таъсири, чатишуви ва аралашувидан пайдо бўлган, деб тушунган. Дунё асосининг иккала кучи (**янки**: кийахшилик ва **ымки**–ёвузлик)хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган **ки**нинг комбинацияси ҳамда беш асосий стихия сув, ер, олов, металл ва ёғоч асосида ер ва осмон пайдо бўлди. Беш унсурнинг турли таркибий қисмда эканлиги сифат ва миқдор жиҳатдан турли мавжудотларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди¹⁷⁸.

Айнан мана шу беш элемент турли шохликлар сулоласининг пайдо бўлиши асосида ҳам ётади. Ҳар бир сулола унга азалдан берилган хусусиятлар ва унга асос бўлган элемент (ер, сув, олов, металл ва ёғоч)га хос бўлган «ижобий сифатлар»га асосланган ҳолда ҳукмронлик қилган. Бу стихиялар аста-секин бир-бири билан ўрин алмашавиради: ер ёғоч билан, ёғоч металл билан, металл олов билан, олов сув билан. Айнан мана шу алмашишлар ҳукмрон сулоларга ҳам хосдир. «Ҳар бир сулола ҳукмронлиги даврида унга асос бўлган стихияга хос ижобий сифатлар ўзининг тараққиёт чўққисига эришади. Осмон сулолаларининг ҳукмронлик муддатини ўз ҳукми билан тугата олмаслиги сабабли у бу ишни кейинги сулолага хос бўлган қарашлар асосида амалга оширади. Жумладан, ёғоч стихиясига хос бўлган сулоланинг ҳукмронлик муддати тугатганини англатувчи белги қуриган ва барглари тўкилаётган дарахтдир»¹⁷⁹.


¹⁷⁸ Ушқов Л.М. Некоторые вопросы истории философской мысли в Корее эпохи феодализма.//Вопросы философии» 1962, № 5. –С.106.

¹⁷⁹ Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. –М., 1966. Пер. с кор. –С.23.

Ки тушунчаси (*ымки* ва *янки*) инсон руҳи ёки корейслар тан олганидек руҳларнинг ҳам асосида ётади. *Ымки* «*пэк*»ни – ўлимдан сўнг эса, «*девга*» айланадиган руҳни ҳамда *янки* – «*хон*»ни «руҳларга» айланадиган (аклли руҳ)ни яратди. Корейсларда «хон» қайта туғилувчи руҳ сифатида тан олинади. Реинкарнация, руҳнинг инсон ёки ҳайвон қиёфасида қайта туғилиш ғояси айнан шу руҳ билан боғлиқ. Ушбу ғоя буддавийликдаги «руҳнинг қайта туғилиш» ғоясига яқиндир. Лекин у Корейда тотемизм билан боғлиқ бўлган ҳолда анча қадимий ағъападир¹⁸⁰.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова



Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Қадимги Корейда қандай диний-фалсафий қарашлар мавжуд эди?
2. «Тангун ҳақида афсона»нинг моҳияти нимада?
3. Анимизм ва шаманизм корейс халқининг мифологик дунёсида қандай аҳамият касб этади?
4. Қадимги Корейдаги мифологиянинг ўзига хос жиҳатлари нималарда, деб ўйлайсиз?

¹⁸⁰ Қараг: Ионов Ю.В. Представления корейцев о душе //Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. –М., 1973. –С.171-172.

5. Қадимги Чосондаги дастлабки фалсафий қарашларга қайси таълимотлар таъсир қилди?
6. Янки ва ыркининг моҳияти нимада?
7. Реинкринация деганда нилани тушунасиз?
8. Қадимги Корея фалсафий тафаккури Шарқ фалсафасида қандай ўрин тутади?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. Қадимги Кореядаги илк мифология ва шаманизм мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. «Чосондаги дастлабки фалсафий фикрлар» мавзусида кичик эссе ёзинг .
4. Қадимги Корея фалсафасини шарқнинг бошқа фалсафий тафаккури намуналари билан қиёсланг ва шу мазмунда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан Б/Б/Б жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

«Биламан, билмоқчиман, билдим» жадвалини тўлдириш.

Биламан	Билмоқчиман	Билдим

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Хан В. С. Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён). –Т.: ТДШИ табириёти. 2009.
2. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература РАН. –2002.
3. Корея. Цифры и факты. –Сеул, 1993.
4. Описание Кореи. –М., 1960.
5. Ушков А.М. Некоторые вопросы истории философской мысли в Кореи эпохи феодализма. //Вопросы философии, 1962. №5.
6. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. – М., 1966.

2-МАВЗУ

ҚАДИМГИ ЯПОНИЯДА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Япониядаги илк эътиқодлар, диний-фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиш сабаблари ва заминлари ҳақида тушунча ҳосил қилини; уларда синтоизмнинг соф япон таълимоти сифатида шаклланганлиги ва илк япон фалсафий тафаккурининг ўзига хос жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Қадимги Япония, илк эътиқодлар, «Кодзики», натурализм анилизм, ёзма қондалар, синтоизм, «ками но-михи», аёл худо Аматерасу, императорнинг муқаддас иродаси. (микадо, тенно), «норито», шаманизм.*

Асосий саволлар

1. Япония қадимги даврда.
2. Японларнинг илк эътиқодлари.
3. Синтоизм.

Япония қадимги даврда

Япон оролларига аҳолининг кўчиб келиши узоқ минг йилликлар қаърига бориб тақалади. Янги эра арафасида мўғул маньчжур-туңгус қабилаларининг полеоазит ҳамда малай қабилалари билан ўзаро қўшилиши натижасида япон элатининг ўзаги ташкил топди. Милодий III-VI асрларда улардан бири бўлган Ямато қабиласи қолганларни ўзига тобе этишга муваффақ бўлди. Шу тарика бирламчи япон элатининг шаклланиш жараёни бошландики, у архипелагда нисбаган бир хил аҳолини вужудга келишида ўз ифодасини топди. IV-VIII асрларда хитой ва корейларнинг қитъадан фаол кўчиб келиши ҳодисаси рўй берди. Ямато тузуми ороллардаги биринчи давлатнинг тамал тошини қўйди. Бунда ушбу даврга келиб, ўз давлатчилигининг юқори даражада ривож топишига эришган Хитойнинг таъсири муҳим аҳамиятта эга бўлди.

Илк япон давлатининг бошида илоҳийлаштирилган доҳий -- ҳукмдор турган бўлиб, у анъанавий нуқтаи назарга кўра, «ўз шажарасини худолардан бошлаган» эди. Уруғ аслзодалари маъму-

рий мақомларга эга бўлиб, мамлакат ҳудудларини бошқарар эдилар. V-VII асрларда шоликорлик ва чорва молларини кўпайтириш билан шуғулланган деҳқонлар ер солиғини тўлар эдилар.

Японларнинг илк эътиқодлари

Қадимги японларнинг дунёқараши ҳақидаги маълумотлар VIII асрга келиб ёзиб тугалланган «*Кодзики*» («Қадимги кишиларнинг қилмишлари ҳақидаги битиклар»)да сақланиб қолган. У ўз ичига афсоналар, тарихий ривоятлар ва бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган. Қадимги эътиқодлар асосида оила-уруғ, қабила арвоҳлари ва ҳомий худолар бўлган – *Ками*ларни қадрлаш ётар эди. «*Ками*» сўзининг том маъноси «тепадаги», «баланддаги»ни билдирар эди. Арвоҳлар барча мавжудотларнинг кўзга кўринмас рамзи ҳисобланар эдилар. Қадимги япон асотир тафаккури учун хос бўлган хусусият табиатни илоҳийлаштириш (*натуризм*) ва уни жонлантириш (*анимизм*) деб билиш эди. Бутун табиат руҳлар билан тўлиб-тошган деб тушунилиб, тоғлар, булоқлар, дарахтлар, гуллар ва шу қабиларга сиғинилар эди. Табиатга сиғинишнинг марказида Куёшни илоҳийлаштириш ётар эди. Қадимги эътиқодлар ёзма қондаларга ҳам, руҳларнинг табақаланишига ҳам, ҳақиқий ибодатхоналар ва қоҳинларга ҳам, уларнинг номланишига ҳам эга эмас эдилар.

Синтоизм

V асрда буддавийликнинг ва VI асрда конфуцийчиликнинг кириб келиши муносабати билан, уларга муқобил ҳолда қадимги анъанавий дин «ками но-михи», айнан «ками йўли», яъни «маҳаллий худолар йўли» ёки - хитойчасига «шин-то», кейинчалик эса, Европа тилларига «*синто*» сифатида кириб, «*синтоизм*», деб аталадиган бўлди. Синтоизм VI аср ўрталарида буддавийлик давлат дини, деб эълон қилннгунга қадар, давлат дини сифатида хизмат қилди. Синтоистик тасаввурларга кўра, бутун борлик худо томонидан яратилган бўлиб, яратилиш жарасинини ўзи худоларнинг вужудга келиши билан узвий равишда боғланган. Оламнинг ибтидодаги ҳолати тартибсизлик (хаос) тарзида тавсифланади, кейинчалик осмоннинг ердан ажралиши рўй беради. Матнларда «8 мириадалар» ёки 8 миллион худолар, яъни руҳлар ҳақида фикрлар мавжуд. Син-

тоистик худолар сафининг марказида *аёл худо Аматерасу* турган бўлиб, унинг тимсоли сифатида Куёш тан олинади.

Япон императорлари шажарасининг асосчиси, деб ҳисобланган афсонавий император Дзимму, аёл худо Аматерасунинг набираси сифатида тан олинади. Ана шу ердан синтоизмнинг асосий ўзаги, яъни император ҳокимиятининг илоҳий келиб чиқиши ҳақидаги ақида бошланади ва шунинг учун ҳар бир япониялик шахс императорнинг муқаддас иродасига (микадо, тенно)¹ бўйсунушга мажбур. Император саройи ва оламдан ўтган *тенно* макбаралари муқаддас ибодатхоналар ҳисобланади.


Синтоистик эътиқод «*норито*» – дуо ифодаларини ўқиш, қурбонликлар (гуруч, сабзавот, балиқ) келтириш билан боғлиқ. Аммо синтоизмда *шаманизм* унсурлари ҳам мавжуд. Қоҳинлар эътиқод қилувчиларни жазаво тушишга ундаб, уларни худолар билан мулоқот қилдириш мақсадида ўзлигини йўқотиш ҳолатига гача олиб келадилар.

Ҳарчи синтоизмда эътиқод асосчиси ёки пайғамбари, унинг алоҳида диний таълимоти, диний ахлоқ меъёрлари бўлмаса-да, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган худолар даври ҳақидаги йилнома муқаддас ёзма манба вазифасини бажариб келади. Синтонинг ўзига хос хусусияти шундаки, у нариги дунё масалалари билан жуда кам қизиқиб, асосий эътиборни бутунлай ердаги ҳаётга қаратади. Бу ақида омманинг хулқ-атвор тарзи, ривоят, одатлари, қадимий ишончларининг муайян белгиларининг мажмуи сифатида япон турмуш тарзининг таркибий қисмини ташкил этади.

Қарийб 2 минг йил муқаддам пайдо бўлган, қадимий дин ҳисобланган Синто, муайян шароитлар тақозоси билан ўзгариб, янгиланиб борган. Ўз вақтида давлат дини мақомига эга бўлган буддавийликдан фарқли ўлароқ, Синто тарихий ривожланишнинг барча босқичларида японларнинг ягона, асл миллий дини бўлиб келди.

¹ Қараңг: Токарев А. Религии в истории народов мира. –М., 1964. –С.243-250.

Қадимги Японияда фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Қадимги японларнинг дунёқароши ҳақидаги маълумотлар қайси асарда сақланиб қолган?
2. Камиларни қадрлаш, деганда нимани тушунасан?
3. Қадимги япон тафаккури учун хос бўлган хусусиятлар қайсилар?
4. Японларнинг илк эътиқодларига кўра, табиатга сизинишнинг марказида нима илоҳийлаштирилади?
5. Синтоизм қандай таълимот?
6. «8 мириадалар» ҳақидаги фикрларни изоҳлаб беринг.
7. Нима учун синтоизм японларнинг миллий дини даражасига кўтарилган?
8. Синтоизмнинг асосий моҳияти нимада эди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Қадимги Японияда диний-фалсафий тафаккур мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
2. Мавзу бўйича 15та тест саволлари тайёрланг.
3. Мавзудаги таянч тушунчалардан фойдаланиб, глоссарий тузинг.
4. Қадимги япон фалсафаси мавзусида буклет тайёрланг.

5. Синтоизмнинг бошқа диний-фалсафий таълимотлар билан қиёсланг ва шу мавзуда мустақил иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Япон фалсафаси (қисқача тарихий баён). -- Т.:ТошДШИ. 2008.
2. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.-- М.:Восточная литература РАН. --2002.
3. История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века.-- М.:Восточная литература РАН. --2002.
4. Нагата Хироси. История Японского материализма. Перевод с японского. -- М., 1990.
5. Синтоизм от А до Я./Сост. Белкин И.Ю. --М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.
6. Степаньянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. -- М., 1997
7. Томсон М. Восточная философия. Перевод с английского. -- М., 2000.

И БЎЛИМ. ЎРТА АСРЛАР КОРЕЯ ВА ЯПОНИЯ ФАЛСАФАСИ

1-МАВЗУ

УЧ ДАВЛАТ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА КОНФУЦИЙЧИЛИК, БУДДАВИЙЛИК ВА ДАОСИЗМ ФАЛСАФАСИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда қадимги Корёга кон-фуцийчилик, буддавийлик ва даосизмнинг кириб келиши ва ри-вожланиши тўғрисида, қадимги давр Корёя халқининг ижтимоий-маънавий ҳаётида ушбу диний-фалсафий таълимотларнинг аҳа-мияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, ушбу таълимотларнинг Шарқ халқлари маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини тушуниш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Уч давлат ҳукмронлиги, Ко-гурё, Пэкче ва Силла давлатлари, конфуцийчилик, тхэкак мактаби, кендан мактаби, Осмонга сизиниш, буддавийлик, мохаяна, «Пхальг-ванхе» байрами, «саккиз нарсадан воз кечиш» дастури, ортодоксал буддавийлик, даосизм, «ки», «до», «Когурё ёзишмалари».*

Асосий саволлар

1. Корёяда конфуцийчилик.
2. Буддавийлик.
3. Даосизм.

Корёяда конфуцийчилик

Конфуцийчилик Корёяга қадимий Чосон давридаёқ кириб келди. 372 йилда эса, Когурё давлатида зодагон оилалар таълим оладиган «*тхэкак*» номли конфуцийчиликнинг олий мактаби ташкил этилди. Булар билан бир қаторда оддий халқ учун «*кендан*» номли конфуцийчилик мактаблари турли вилоятларда фаолият кўрсатиб келди. IV асрда конфуцийчилик Пэкчега, VI асрда эса, Силла давлатларига кириб борди.

Бу даврда конфуцийчилик асосида худонинг куч-қудрати ва барча нарса ва ходисаларни бошқарувчиси сифатида Осмонга си-ғиниш кучайиб борди. Ота-онага ҳурмат, шоҳга халқнинг садо-

кати, кичикларнинг катталарга бўйсунishi, аёлнинг эрини хурмат қилишига асосланган конфуцийчилик бу даврга келиб давлат қурилиши ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг асосига айланди. Хурмат тушунчаси бутун жамиятга сингиб борди: оиладан тортиб бутун давлат миқёсида, натижада давлат-оила, деган ижтимоий модель шаклланди¹⁸¹.

Корейс конфуцийчилиги маҳаллий расм-русумларни ҳеч қандай тўсиқсиз, муаммосиз қабул қила бошлади. Масалан, унда ота-боболар ва буюк шахслар руҳига ғамхўрлик қилиш кенг ёйила борди. (Конфуций, хитой мифологиясидаги ҳикоялар ва корейс халқининг тарихий қахрамонлари), қурбонлик келтириш ва сиғиниш учун қурилган ибодатхоналардаги руҳлар (маҳаллий ерлар, тоғлар, сувларни, ҳамда табиат кучларини – осмон, ер, шамол, ёмғир ва бошқаларни ҳимояловчи). Конфуцийчиликда руҳсат берилган ота-боболар руҳига ғамхўрликнинг ўзига хос томони шундан иборат эдики, ўлган киши руҳининг яхши ёки ёмон ҳолатда бўлиши ва, шунга кўра, уларнинг ўз авлодларининг ҳаётига бўлган таъсири авлод томонидан урф-одатларга риоя қилинишига, ўз навбатида уларнинг маънавий ахлоқига ҳам боғлаган қолда талқин қилинган. Боболар руҳига сиғинишда икки дунёнинг (ўликлар ва тириклар дунёси) ўзаро таъсирга оид икки нарсани кузатиш мумкин. Қурбонлик келтириш ва турли маросимлар ўтказиш билан тириклар боболар руҳининг, у тириклигида қандай инсон бўлганидан қатъий назар, тинчлигини таъминлай олади, иккинчи томондан, худди шу маросимлар боболарнинг ўз авлодига бўлган муносабатини юмшатишига, агар улар бунга лойиқ бўлса бўлмаса, эриша оладилар.

Конфуцийчилик беш унсур ҳақидаги таълимотни ҳам қабул қилди. Буни конфуцийчиликда мавжуд бўлган жамиятдаги беш хил муносабат (шоҳ ва қўл остидагилар муносабати, ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабат, эр-хотин ўртасидаги муносабат, катталар ва кичиклар ўртасидаги муносабат, дўстлар ўртасидаги муносабат) ҳақидаги таълимотдан ҳамда маънавиятнинг беш асосий хусусияти ҳақидаги таълимотдан (бағрикенглик, тўғри фикрлаш, тўғри ахлоқ, билишга интилиш ва ҳаққонийлик) яққол кўриш мумкин.

¹⁸¹ Аҳмедова М.А., Хан В.С. Корей фалсафаси (қисқача тарихий баён). –Т.: ТошДўШИ нашриёти. 2009. –Б.8.

Буддавийлик

Буддавийлик – аниқроғи унинг Моҳаяна номли йўналиши, Кореяга милодий IV асрда Ҳиндистон ва Хитой миссионерларни томонидан олиб кирилган эди.

Корея ярим оролида буддавийлик маҳаллий динлар таъсирида ўзига хос хусусиятлар билан бойиди. Будда бу ерда мавжуд сиғиниш объектларига, боболар руҳи ва табиий кучларга сиғинишга қарши қўйилмади, аксинча, «улар билан бир қаторга қўйилиб, бир-бирини тўлдирувчи ва боболар руҳига бўлган эътиқодни кучайтирувчи маъбуд сифатида қабул қилинди»¹⁸². Силлада буддавий байрамлар саккиз руҳга: осмон, буюк тоғлар, буюк дарёлар, аждаҳолар ва бошқа руҳларга бағишланган «Пхальгванхе» байрами билан биргаликда нишонланар эди. Когурёда осмон ва ғорлар руҳига сиғинилар эди. Пэкчесда эса, Осмон ва Ер руҳига сиғинилар эди¹⁸³.

Қисқа вақт ичида буддавийлик уччала давлатнинг юқори табақалари орасида тарқалди. Тез орада эса, буддавийлик ҳукмрон динга айланди.

Буддавийлик Кореяда тарқала борган сари ўзига хос хусусиятларга эга бўла бошлади. Илк даврларда унинг таркидунёчилик ғояси, яъни дунёвий истаклардан воз кечиш ва руҳни поклашга йўналтирилган тўғри ахлоқ-одоб йўлидан бориш алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Таркидунёчиликни тарғиб этиш Силла шоҳининг маслаҳатчиси бўлган ва давлат назариясига айланган «саккиз нарсадан воз кечиш» дастурини ишлаб чиққан руҳоний Херяна номи билан боғлиқдир. Ман этилган саккиз нарсаларга қуйидагилар кирар эди: «Тирик жонзотни ўлдирмаслик, ўғирликка қўл урмаслик, дангасалик ва бемаъни хулқли булмаслик, сўзлашувда бемулоҳазалик, хулқда нокамтарлик, ичкиликка берилмаслик, хушбўй ҳидлардан фойдаланмаслик, гуллардан узоқ юриш, роҳатланишдан ўзини тийиш»¹⁸⁴.

Тез орада Кореяда ортодоксал буддавийликдан фарқли равишда турли диний секталар, мазҳаблар пайдо бўла бошлади:

¹⁸² История Кореи. Т. 1. Пер. с кор. –М., 1960. –Б.78.

¹⁸³ Аҳмедова М. А., Хан В. С. Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён). –Т.: ТошДШИ нашриёти. 2009. – Б.9.

¹⁸⁴ Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –М., 1966. –Б.33.

Вон Хё (617–687 йй.) ташкил этган Хэдончон мазхаби (Шарқ денгизлари мазхаби), Ый Сан (624–702 йй.) томонидан ташкил этилган «Хэдон хваомчон» мазхаби, шунингдек рухоний Вон Кван қарашларини санаб ўтиш мумкин.

Ўй Саннинг таъкидлашича, ҳатто ҳақиқат ҳам руҳдадир. Ҳақ йўлидан боришни инсоннинг босган қадами орқали аниқланиши лозим: «буддавийлик қонун-қоидалари тенгликка асосланган, шу боис улар учун юқори табақа, қуйи табақа, олийлар ёки пастрлар, деган тушунчалар бегонадир».¹⁸⁵ Ҳашаматли пойтахтда яшаб нотўғри йўлдан юргандан кўра, шох бўлса ҳам ҳужрада яшагани фойдалироқ, деб ҳисоблаш Ҳақ йўлидан туриб бошқарилаётганини англатади.

Вон Кван ҳам, шунингдек, ортодоксал буддавийликнинг догмаларидан фарқ қилувчи таълимот билан чиққан. Яъни, у ортодоксал буддавийлик таълимотига қарши равишда тирик жонзотни ўлдириш (албатта, сабабсиз эмас) мумкин, деган ғояни кўтариб чиқади.

Даосизм

Даосизм – Хитой файласуфлари Лао-цзы ва Чжуан-цзы таълимоти – Корея яриморалига VII аср бошларида кириб келган.

Даосизмга кўра, дунё асосида бош негиз сифатида *ки* («ци» - Хитой даосизмида) ҳамда ҳаётнинг ҳаракат ва ўзгариш қонуни *до* («дао» – «йўл» Хитой даосизмида) ётади. Барча нарсалар доимий ўзгаришдадир. Давлатни бошқаришда донишманд ҳукмдор даога – нарсаларнинг табиий ҳаракатига ҳалақит бермаслиги керак. Давлатнинг ҳақиқий инқирози ҳукмдорнинг даога ҳалақит беришидан бошланади. Даосизм тарафдорлари бу таълимотни амалда ҳам қўлладилар. Пэкче ҳукмдори Когурёга босқинчиликни такрорланганида унинг кўмондони Мак Гё Хэ бостириб бормасдан илгари шу билан чекланишни таклиф этган ва бу фикрини шундай асослаган: «Бизга қадимдан даоларнинг қуйидаги ривояти маълум: «Агар меъсирини билсанг уят эмас, вақтида ўзингни тўх-

¹⁸⁵ История Кореи. Т. 1. Пер. с кор – М., 1960. – Б.12.

тата олсанг хавф мавжуд эмас. Биз энди кўп нарсага эга бўлдик, биз яна ҳам кўп талаб қилишимиз лозимми?»¹⁸⁶

Даосизм секин-аста кучая борди. Унга буддавийлик ва конфуцийчиликнинг муҳим бир тармоғи, деб қарала бошланди. «Уч давлатнинг тарихий йилномалари» («Когурё ёзинималари») даосизмнинг таъсир кучи ҳақида шоҳ саройи амалдорларидан бирининг тилидан шундай муносабат билдирилади: «... Уч муқаддас таълимот (конфуцийчилик, буддавийлик ва даосизм) бамисоли қозоннинг уч оёғи, унинг ҳатто битгаси бўлмаса ҳам билинади»¹⁸⁷.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Илк ўрта асрлар Кореяда диний-фалсафий таълимотлар

<i>Номланиши</i>	<i>Асосий ғоялари</i>
<i>Конфуцийчилик</i>	<i>Ота-онага хурмат, шоҳга халқнинг садоқати, кичикларнинг катталарга бўйсунishi, аёлнинг эрини хурмат қилиши</i>
<i>Буддавийлик</i>	<i>Таркидунёчилик, яъни дунёвий истаклардан воз кечиш ва руҳни поклашига йўналтирилган тўғри ахлоқ-одоб йўлидан бориш</i>
<i>Даосизм</i>	<i>Дунё асосида бош негиз сифатида ки («ци» - Хитой даосизмида) ҳамда ҳаётнинг ҳаракат ва ўзгариш қонуни до («дао» – «йўл» Хитой даосизмида) ётади. Барча нарсаларни бошқаришда донишманд ҳукмдор даога – нарсаларнинг табиий ҳаракатига ҳалақит бермаслиги керак.</i>

¹⁸⁶ Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –М.. 1966. –Б.37.

¹⁸⁷ Уша асар. –Б.39.

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. *Конфуцийчилик Кореяга қачон кириб келди?*
2. *Конфуцийчиликда жамиятнинг қайси соҳасига кўпроқ эътибор берилди?*
3. *Кореядаги конфуцийчилик анъанавий конфуцийчиликдан нимаси билан фарқ қилади?*
4. *Кореядаги конфуцийчиликнинг беи унсур тўғрисидаги таълимотининг моҳияти нимада ?*
5. *Ортодоксал буддавийлик деганда нимани тушунасан?*
6. *«Саккиз нарсдан воз кечиш» дастурида нилалар акс этган?*
7. *Даосизм таълимотининг асосий ғояси нима эди?*
8. *Нима учун буддавийлик таълимоти ҳар уччала давлатнинг юқори табақалари орасида кенг тарқалди?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Уч давлат ҳукмронлиги даврида конфуцийчилик, буддавийлик ва даосизм» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. «Конфуцийчиликдаги ижтимоий-фалсафий қарашлар» мавзусида кичик эссе ёзинг .
4. Мазкур уч таълимотни бир-бири билан қиёсланг ва шу мазмунда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан инсерт жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

«Инсерт» жадвали

1. «V»- мен билган маълумотларга мос;
2. «-» - мен билган маълумотларга зид;
3. «+» - мен учун янги маълумот;
4. «?» - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Хан В.С. Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён). –Т.: ТДШИ наизриёти. 2009.
2. История Востока. В 6-томах Т.1. Восток в древности. –М.: Восточная литература РАН. –2002.
3. История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века. –М.: Восточная литература РАН. –2002.
4. Корея. Цифры и факты. –Сеул, 1993.
5. История Кореи. Т. 1. Пер. с кор. –М., 1960.
6. Описание Кореи. –М., 1960.
7. Ушков А.М. Некоторые вопросы истории философской мысли в Корее эпохи феодализма. // Вопросы философии. 1962. №5.
8. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –М., 1966.
9. ИONOBA Ю.В. Представления корейцев о душе. // Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. –М., 1973.

2-МАВЗУ

ҚЎШМА СИЛЛА ВА КОРЁ ДАВЛАТЛАРИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДАГИ ФАЛСАФА ТАРАҚҚИЁТИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрларда Қўшма Силла ва Корё давлатларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, илм-фан, фалсафа ва маданият тараққиёти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; уларда буддавийликнинг корёйс халқи маънавияти асоси эканлиги, конфуцийчилик давлат бошқарувининг асоси эканлигининг асосий сабабларини англаш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Қўшма Силла ва Корё давлатлари, «Самгук саги» («Уч давлатнинг тарихий ёзишмалари»), «Самгук юса» («Уч давлатнинг унутилган фаолиятлари»), Чхве Чхи Вон (858–951 йй.), буддавийлик, конфуцийчилик, Сакья Муни таълимоти. То Сон, «Чири пхунсусоль» таълимоти, геомантия.*

Асосий саволлар

1. Ўрта асрларда Корёя ярим оролидаги ижтимоий-сиёсий вазият.
2. Корё давлати ҳукмронлиги даврида фалсафий фикрлар тараққиёти.
3. То Соннинг «Чири пхунсусоль» таълимоти.

Ўрта асрларда Корёя яриморотидаги ижтимоий-сиёсий вазият

Когурё, Пэкче ва Силла давлатлари ўртасида доим ўзаро урушлар бўлиб турар эди. Охир оқибат улар Силла давлати бошчилигида ягона давлат сифатида бириктирилдилар. Бириктирилган Силла давлатининг гуллаб яшашини (668-935 йй.) VIII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шоҳликда ибодатхона маросимлари, меъморлик, илм-фан, китоб нашри (ксилография усулида), санъат, адабиёт, савдо кенг ривожланди. Иқтисодий ислохотлар ўтказилди. Лекин Корё ва Пэкче давлатлари таркибидаги енгилган сулолаларнинг қарши чиқишлари, ҳамда давлат раҳбарлари орасидаги зодагонларнинг ҳукуматни ўз қўлига олиш учун қилган турли ҳаракатлари давлатни анча кучсизлантириб борар эди.

Натижада Силла ўрнига Корё сулоласи ҳукумат тепасига келади (918-1392 йй.)¹⁸⁸.

Корё давлатининг ютуқлари ҳам кўзга кўринарли ва аҳамиятли бўлди. Бунга асосан савдо, илм-фан (астрономия, математика, география, фармокология)нинг тараққиёти, Гутенбергдан икки юз йил илгари 1234-йилда биринчи бор юрадиган металл ёзувнинг кашф этилиши, 80 000 дарахт пўстига ёзилган буддавийлик сутралари тўлиқ тўпламлари кутубхонасининг ташкил этилиши, «Самгук саги» («Уч давлатнинг тарихий ёзишмалари») ва «Самгук юса» («Уч давлатнинг унутилган фаолиятлари») каби солномаларнинг тузилиши, шахсий мактабларнинг кенг миқёсда ёйилиши ва бошқалар.

Корё давлати ҳукмронлиги даврида фалсафий фикрлар тараққиёти

Бу давр фалсафий қарашларида беш унсур ҳақидаги талимот ҳали сақланиб қолган эди. «Корё тарихи»да на фақат дунёнинг тузилиши, балки яхшилик ва ёмонликнинг сабаблари ҳам кўрсатилади. «Осмонга беш хил ҳаракат, ерга бешта унсур ҳосдир. Инсон ҳаёти уларнинг ўзаро таъсирдан иборатдир. Улар инсон танасидаги беш аъзодан чиқади ва ташқи дунёдаги беш аломатда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, агар уларни жиловлаб турилса, ҳамма нарса изидан чиқмай туради, аксинча, жиловланмаса у яхшиликка олиб келмайди. Биринчиси – яхшилик аломати, иккинчиси эса, ёмонлик, тартибсизлик олиб келади»¹⁸⁹.

Шундай қилиб, ўз таркибига инсон, билиш ва маънавият ҳақидаги билимларни, беш унсур таълимотини бириктирган ҳолда космогоник, географик макон, ижтимоий, антропологик, гносеологик ва этик томонларни ўзида мужассамлаштирган тўлиқ бир тизимга айланди. Бу тизим нафақат дунёни тавсифлаб берувчи, балки изоҳловчи ва олдиндан айтиб берувчи бир тизим вазифасини ҳам бажара бошлади. Бу тизимга илова объекти сифатида турли туман нарсалар кириши мумкин эди: табиатнинг дахшатли

¹⁸⁸ Қаранг: Аҳмедова М.А. Хан В.С. Корёя фалсафаси (қискача тарихий баён). –Т.: ТДШИИ нашриёти. 2009. –Б.16.

¹⁸⁹ Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –М., 1966. –Б.50.

сирли ҳодисалари маъноларини ва йирик тарихий воқеаларни изоҳлашдан тортиб, то яшаш жойини танлашгача бўлган муаммоларни ечиб бера олган.

Ўша даврнинг таниқли файласуфи Чхве Чхи Вон (858–951 йй.) «пхунню»: гоъларини шундай таърифлайди: «Улар (шогирдлар, ёки хваранлар) уйда яхши (намунали)хулқи билан, ташқарида эса, – Конфуций таълимотига кўра, ўз шоҳига садоқатлилиги билан ажралиб турадилар. Кўз илғамас амалиётларни бажаришда, ёки сўз билан таърифлаш ожизлик қиладиган эътиқодга риоя қилишда Лао-цзы тамойилларига асосланадилар. Ёвузликка кўли урмаган ҳолда фақат яхшилиқ амалларини бажаришда эса, улар Сакья Муни таълимоти йўлидан борадилар»¹⁹⁰.

То Соннинг «чири пхунсусоль» таълимоти

Бирлашган Силла ҳукмронлиги ҳамда Корё даври охирларида То Соннинг «чири пхунсусоль» номли таълимотида буддавийлик таълимоти олдиндан кўра билиш – геомантия таълимоти билан бирлашиб кетади. Бу таълимот *ым* ва *ян*нинг ўзаро муносабатларининг таъқинига асосланган гексограмм, яъни олдиндан кўра билиш тизимидан иборатдир. Таълимотга кўра, яшаш жойини, ота-боболар мазорини, давлат пойтахтларини танлаш ва уларни макондаги ўрнини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, геомантияда ер юзига алоҳида эътибор қаратилади. Лекин ерда ҳаёт энергияси ҳар ерда бирдек тақсимланмаган. Шу боис, яшаш жойлари ва ота-боболар мазори энергия максимал даражада бўлган жойда бўлишини таъминлаш лозим. Одамлар суғий йўллари билан (ерни ишлаш ёки буддистлар минораларини курдириш) объектлар жойланган ерларга салбий таъсир қилишлари мумкин. Жойини тўғри танлашда кўпгина омилларни ҳисобга олиш геомантияни олдиндан кўра билишнинг мураккаб бир тизимга айланишига сабаб бўлди.

Корё ҳукмронлиги даври конфуцийчилик ва буддавийлик ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан тавсифланди. Буддавийлик ҳукмрон дин бўлишига қарамасдан, у маънавият асоси, конфуцийчилик эса, давлат бошқаришнинг асоси саналган. Буддавий

¹⁹⁰ Ким Бусик. Самгук Саги. Летописи Силла. –М., 1959. –Б.136.

монастирлари томонидан ерларни эгаллаб олишга бўлган қаршиликлар, конфуцийчилик, даосизм ва маҳаллий секталар мафкура-сининг буддавийлик мафкураси билан қарама-қаршилиги, деҳқонлар кўзғолонлари, сулолалар алмашишига олиб келган феодал гуруҳларининг тахт учун курашлари охир-оқибат конфуцийчилик мафкуравий йўналишининг ҳам ўзгаришига олиб келди.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Мавзунинг асосий мазмуни

Қўшма Силла давлатининг ташкил топishi

Корё давлати ҳукмронлиги даврида фалсафий фикрлар тараққиёти

Чхве Чхи Вон (858–951 йй.) таълимоти

То Соннинг «Чири пхунесуоль» таълимоти

Конфуцийчилик ва буддавийлик ўртасидаги рақобатнинг вужудга келиши

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Қўшма Силла давлати қачон ташкил топди?
2. Корё давлатининг қандай диққатга сазовор ютуқлари бор эди?
3. Чхве Чхи Вон таълимотининг асосий ғояси нима эди?
4. То Соннинг «Чири пхунесуоль» таълимоти нимага асосланган эди?

5. Нима учун Корё давлатида буддавийлик ва конфуцийчилик ўртасида рақобат кучайиб борди?
6. Ушбу давр фалсафасининг ўзига хослиги нимада деб ўйлайсиз?
7. Геомантия таълимотининг моҳияти нимада?
8. Мавзуда келтирилган қайси зоялар сиз учун қизиқарли бўлди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Қўшма Силла ва Корё давлатлари ҳукмронлиги давридаги фалсафа тараққиёти» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Ушбу мавзу юзасидан 15-20та блиц-савол тайёрланг.
4. Мавзу бўйича интернет маълумотларини қидириб топинг ва шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдириг (2-илова).

2-илова

ФСМУ учун топшириқ: То Соннинг «Чири пхунсусоль» фалсафий таълимотини таҳлил қилинг.

Ўнналтирувчи услубий тавсия:

Буддавийлик, геомантия, гексограмм, олдиндан кўра билиш.

Савол	То Соннинг «Чири пхунсусоль» фалсафий таълимоти
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Хан В.С. *Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён)*. –Т.: ТДШИ наириёти. 2009.
2. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. *История корейской философии. Пер. с кор.* –М., 1966.
3. Ванин Ю.В. *Феодальная Корея в XIII-XIV веках.* – М., 1962.
4. ИONOBA Ю.В. *Пережитки тотемизма в религиозных обрядах корейцев.// Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии.* – М., 1970.
5. ИONOBA Ю.В. *Представления корейцев о душе.// Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии.* –М., 1973.
6. *История Кореи. Т. 1. Пер. с кор.* –М., 1960.
7. *История философии. Т.1.* –М., 1957.
8. Ким Бусик. *Самгук Саги. Летописи Силла.* –М., 1959.

3-МАВЗУ

ИЛК ЧОСОН ДАВРИДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда ўрта асрлар Корея фалсафасининг энг умумий жиҳатлари ва неоконфуцийчилик таълимотининг асосий мактаблари тўғрисида тушунча бериш, уларда Шарқ фалсафасининг ажралмас қисми бўлган корейс фалсафаси ва унинг корейс халқи маънавий ҳаётида тутган аҳамияти, шунингдек, бу ахлоқий таълимотларни Ғарб фалсафасидаги ғоялар билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Янги Чосон даври, неоконфуцийчилик, Чжу Си таълимоти, Саллимхакпха мактаби, Ли Сэжа (1328–1396), Чон Мон Чжу (1337–1392), «ли» (руҳий омил), Чон До Чон, Кванхакпха мактаби, Квон Гын, ки дунёнинг моддий асоси.*

Асосий саволлар

1. Янги Чосон даврида неоконфуцийчилик.
2. Саллимхакпха мактаби.
3. Кванхакпха мактаби.

Янги Чосон даврида неоконфуцийчилик

Хукуматга янги Чосон ёки Ли (1392–1910) сулоласининг келиши билан, неоконфуцийчилик – давлатда янги мафкура шаклланишининг асоси бўлиб қолди.

Конфуцийчиликни етакчи таълимот сифатида тасдиқлаш, Кореяда бир қанча асоратлар қолдирди. Бир томондан, бошқаришни марказлаштиришга хизмат қилувчи конфуцийчиликнинг Қирол ҳукуматига барчанинг сўзсиз бўйсунуш тамойили ва бошқарувда ижтимоий иерархияга асосланган «олийнасаб кишилар» синфи вақиллари ҳокимлиги тамойили тадқиқ этилди. Иккинчи томондан эса, қирол оиласи аъзоларига ҳам тегишли бўлган конфуцийчиликнинг «хатоларни тан олиш ва уларни тўғирлаш» асосида ўз-ўзини маънавий юксалтириш тамойили бошқаришда шох томонидан яқинлар ва олимлар тавсияларини ҳисобга олиш имкониятини берди. Кореяда қироллар халқ билан бўлган муносабатда

бир неча бор ўз хатоларини тан олганлар ва уларни тўғирлашга ваъда берганлар, олимлар ва амалдорлар Корея тарихида давлатдаги мавжуд камчиликларни очиқ ойдин айтганлар ва шоҳларга қирол бошқарувини янгилашга оид ўз таклиф ва мулоҳазалари лойиҳаларини жўнатганлар. Кореяда неоконфуцийчилик хитойлик файласуф Чжу Си таълимоти асосида шаклланган бўлса-да, ўз ривожига Кореяга хос бўлган томонлар билан бойиб борди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «Кореяда конфуцийчилик ҳақида эмас, Корея конфуцийчилиги ҳақида сўзлаш мумкин»¹⁹¹.

Саллимхакпха мактаби

XIV-XV асрларда неоконфуцийчилик Кореяда икки йўналишга ажралди: Биринчиси - *саллимхакпха* (тоғ ва ўрмонлар мактаби). Унинг вакилларининг - Ли Сэка (1328–1396) ва Чон Мон Чжу (1337–1392) – фикрича, дунё яратилишининг асосида «*ли*» (руҳий омил) ётади. Конфуцийчилик таълимотига асосланган ҳолда улар инсонлар ўртасидаги беш турдаги муносабатни (ота-ўғил, катта ва кичик, эр-хотин, ҳукмдор ва фуқаро ҳамда дўстлар ўртасидаги муносабатлар) осмоннинг бузилмас қонуниятларидир, деб ҳисоблаганлар. Ли Сэк буддистлар монастирлари бойликларини танқид остига олган бўлса-да, унинг буддавийликка бўлган муносабати нигилистик эмас эди. Буддавийлик уни бир сиёсат институти сифатида қониктирмас эди. Буддавийлик таълимотининг назарий асосига келсак, уларнинг фикрича, Будда ва Конфуций таълимотининг асоси бирдир. Буни биз буддавийликнинг «комиллик йўлида ўзини енга олиш» ва конфуцийчиликнинг «камолотга етиш» таълимотларида кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари, у «буддавийлар – буюк авлиёлардир», буддавийлар «сутралари олий эзгуликни ҳимояловчи ғоялари билан тўладир». Бу конфуцийчиликнинг ота-боблар руҳига ишонишдек, муҳим қондасига ҳам тегишлидир: «Конфуцийнинг айтишича, ўтганлар руҳига ишониш қадимдан мавжуд. Менимча, бу буддавийликка ҳам жуда мос келади»¹⁹².

¹⁹¹ Ушков А.М. Утопическая мысль в странах Востока: традиции и современность. –М., 1982. –Б.61.

¹⁹² Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –М., 1966. –Б.7.

Чон Мон Чжу буддавийликни танкидида чегараланмасдан уни сиёсий томонига ҳам ўтиб кетади ва буддавийлик йўлини шубҳа остига ҳам қўяди. Унинг фикрича, руҳий тараққиёт йўлида дарвешона ҳаёт кечириш, ғорларда ёлғиз яшаш, ўт-ўланларни ейиш, одамлардан, оиласидан алоқани узган ҳолда яшаш шарт эмас, конфуцийчилик таклиф этган руҳни такомиллаштириш йўли кундалик ҳаётда қўллаш мумкин бўлган йўл бўлиб, фақат *ли* га риоя қилинса бас.

Ли Сэк ва Чон Мон Чжу ўзларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида катта ер эгалари томонидан ерларни эгаллаб олишга қарши бўлган меъёридаги ислохотчилик тарафдори бўлганлар.

Кванхакпха мактаби

Кванхакпха номли иккинчи йўналиш вакиллари – Чон До Чон (тахаллуси Самбон, 1337–1398) ва Квон Гынлар (1352–1409) буддавийликни ҳар томонлама ва радикал танкид остига оладилар.

Чон До Чоннинг фалсафий қарашларида икки хил: материянинг бирламчилиги (материализм) ҳамда руҳнинг бирламчилиги (идеализм) аралаш ҳолда мавжуд эди. Бундай «дуалистик»¹⁹³ қарашлар кўнгина корейс файласуфларига хосдир. Мир Чон До Чон *ки* дунёнинг моддий асоси, деб ҳисоблаган. Жисм ва руҳнинг тузилиши *ки*нинг жипслашишидир. *Ки* тарқалиб кетиши билан улар ҳам йўқолади. Иккинчи томондан, файласуф дунёнинг тараққиёт қонунларини белгиловчи руҳ бирламчи бўлмиш *ли*ни ҳам тан олган. Барча нарсалар *ли*га эга бўлиб, у руҳиятда мавжуд бўлади. Шу боис, «руҳият бўшлиқдан иборат бўлса-да, унда бутун дунё мавжуддир».

Дунё беқисс, чегарасиз ва доимий ўзгаришдадир. Бу ўзгаришлар умумий (универсал) ва доимийдир. Кечаги кунни тугатувчи бугунги кун ўзини тугатишга бўлган қадамдир. «Ўзгариш, -

¹⁹³ Гарб мумтоз дуализмида мавжуд икки (моддий ва руҳий) карама-қарши субстанциянинг мавжудлиги ҳақидаги назарияга ўхшаш «*ки*» ва «*ли*»ни бир-бирга карама-қарши қўйиш анъанаси кўпроқ субстратдаги ўзгаришлар детерминанти бўлмиш ашёвий ва шакл яратувчанлик тамойилини боғлиқдир. Айрим таълимотларда тўғридан-тўғри ишора қилинишига қарама-асдан, корейс фалсафий таълимотининг ҳаммаси ҳам «*ли*»ни Европа фалсафасидек руҳий (ғоявий) дунё билан боғлаётмайди.

деб ёзади файласуф, – бу бугун мустаҳкам равишдаги мавжудликнинг тугашидир, бу келажакда буткул йўқоладиган бугундир»¹⁹⁴. Янгининг пайдо бўлиши ва эскининг яқсон бўлишини Чон До Чон нарсаларнинг *ки* билан тўлиши ва бўшаши ҳамда унинг тарқалиш ва йўқолиш жараёни билан боғлайди. Эскидан янгига ўтиш иккала ҳодисани ўз ичига олувчи доимий жараёндир. Ўзгаришдаги иккала жараён ҳам: эскининг ўлиши ва янгининг туғилиши бир вақтнинг ўзида содир бўлади. «Пайдо бўлган нарса ҳали ўлмайди ва ҳали пайдо бўлмаган нарса туғила боради. Бу жараёнда хатто бир дақиқалик ҳам узилиш бўлмайди»¹⁹⁵. Чон До Чон, ўзгаришлар табиати ҳақида гапириб, у бу масалани ҳал қилишда Ғарб фалсафасидан бир неча асрга илгарилаб кетади.

Чон До Чон буддавийликдаги абадийлик ва руҳнинг кўчиб юришига онд назариясини танқид остига олади. У руҳнинг мавжудлигини инсон мавжудлиги билан боғлайди, унинг ўлими билан руҳ ҳам ўлади, «тана пайдо бўлиши» билан руҳ ҳам пайдо бўлади, деб ҳисоблайди.

Гносеологияда Чон До Чон билишни «тажрибага, нарсалар ва хатги-ҳаракатлар билан мулоқотга асосланган» билиш сифатида талқин этади. У реал мавжуд бўлган нарса ва жараёнларнинг аксидир. Ўрганилаётган нарса қанчалик мураккаб бўлмасин (самовий таначалар, миллион йилларга тенг замон) уларни билиш мумкин.

Ўзининг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашларида Чон До Чон жамиятдаги мавжуд «беш» турдаги муносабат концепцияси тарафдори бўлган. Одамларни файласуф уч турга ажратади: олий донишмандлар, комиллар ва «ўз истакларининг кули» бўлган омма каби турларга ажратади. Одамлар табиатдан меҳрлидир: ўз қилмишидан уялиш ва бошқаларнинг ёмон ишидан норозилик ҳар бир кишига хосдир. Лекин, шундай бўлса-да, одамлар ёмонлик, масалан, ўғирлик қиладилар. Бунинг сабабини Чон До Чон ижтимоий ҳолатларда, масалан, «очлик ва совуқлик» ҳамда, «юқори маънавият»нинг пасайишида кўради. Файласуф, етук, комил давлатда ҳукмдор шоҳона ҳаётга берилиб кетмаслиги, аксинча, оддий халқ ҳаётига эътибор бериши ва инсонларнинг яшаш асоси бўлган деҳқончиликнинг маънақатларини билиши лозим, деб ҳисоблаган.


¹⁹⁴ Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –., 1966. –Б.79.

¹⁹⁵ Ўша асар. –Б.79.

Кванхакханинг бошқа вакили Квон Гын анъанага кўра, шаклланган беш унсур ва инсонлар ўртасидаги беш хил муносабатни англатувчи *ым* ва *яни* тан олади. Унинг онтологиясида аввал *ли*, кейин *ки*, кейин эса, енгил, ёруғ, юқорига кўтарилиб осмонга айланувчи *ян*, кейин оғир, бўғик, пастга йўналиб ерга айланувчи *ым* пайдо бўлади. Кейин фасллар алмашилиши бошланади. Инсонда *ки* ва *ли* тўлиқ равишда, бошқа нарсалар таркибида эса, қисман мавжуд бўлади. Ер ва осмон бўлмиш *ли* инсон табиатига хосдир, *ки* ер ва осмон унинг танасидир. Инсоннинг юраги(сим)да *ли* ҳам, *ки* ҳам бордир¹⁹⁶.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова



Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар

1. Янги Чосон даврида фалсафасига конфуцийчилик қандай таъсири кўрсатди?
2. Кореяда конфуцийчилик билан корейс конфуцийчилиги тушунчаларининг нима фарқи бор?
3. Саллимхакпха мактаби таълимотининг асосий ғояси нима эди?

¹⁹⁶ Ўша асар. –Б.86-87.

4. Чон До Чоннинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашларининг асосий мазмуни нималардан иборат эди?
5. Нима учун Чон Мон Чжу буддавийликни танқид остига олади?
6. Квон Гыннинг онтологияси қандай кўринишга эга?
7. Чон До Чоннинг билишга оид қарашлари нималардан иборат эди?
8. Ҳар икки мактаб вакиллариининг қайси гоялари сиз учун қизиқарли бўлди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Илк Чосон даврида фалсафий қарашларнинг шаклланиши» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Ушбу мавзу юзасидан 15-20та тест саволлари ва 10-12та сўз иштирок этган кроссворд тайёрланг.
4. Саллимхакпха мактаби ва Кванхакпха мактаби таълимотларини ўзаро қиёслаб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан кластер тузинг.

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Хан В.С. *Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён)*. –Т.: ТДШИ наириёти. 2009.
2. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. *История корейской философии. Пер. с кор.* – М., 1966.
3. Ванин Ю.В. *Феодальная Корея в XIII-XIV веках.* – М., 1962.
4. Ионова Ю.В. *Пережитки тотемизма в религиозных обрядах корейцев. //Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии.* – М., 1970.
5. Ионова Ю.В. *Представления корейцев о душе.// Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии.* –М., 1973.
6. *История Кореи. Т. 1. Пер. с кор.* –М., 1960.
7. *История философии. Т.1.* –М., 1957.
8. Ким Бусук. *Самгук Саги. Летописи Силла.* – М., 1959.
9. Ушков А.М. *Утопическая мысль в странах Востока: традиции и современность.* – М., 1982.

4-МАВЗУ

XV-XVI АСРЛАРДА ЧОСОНДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда XV-XVI асрларда Кореядаги ислохотлар, илм-фан ва маданият тараққиёти, мазкур даврга оид бўлган фалсафий мактаблар, уларнинг вакиллари ва ғоялари ҳақида тушунча бериш; талабаларда сўнгги ўрта асрлар корейс фалсафасининг ўзига хос жиҳатларини фалсафий мушоҳада қилиш ва қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *XV-XVI асрларда ислохотлар, илм-фан тараққиёти, маданият, легистлар мактаби, (чүчхичүйхак), Чон Гван Чо (1482-1519), до таълимоти, «Югирон» мактаби, Ким Си Сын (1435-1493), Со Кён Док (Хвадам, 1489-1546), «Буюк чегара», «Чурипха» мактаби, Ли Он Чок (1491-1553), Ли Хван (1501-1570), «Бирламчи табиат», «Иккиламчи табиат», «Чугипха» мактаби ва Ли И фалсафаси.*

Асосий саволлар

1. XV-XVI асрларда ислохотлар, илм-фан ва маданият тараққиёти.
2. Легистлар мактаби.
3. «Югирон» мактаби.
4. «Чурипха» мактаби.
5. «Чугипха» мактаби ва Ли И фалсафаси.

XV-XVI асрларда ислохотлар, илм-фан ва маданият тараққиёти

XV-XVI асрлар ислохотлар, илм-фан ва маданиятнинг тараққиёт давридир. Бу даврнинг муҳим воқеаларидан бири 1443 йилда корейс алфавити *хангыль*нинг яратилиши бўлди. Хитой иероглифларидан фарқли равишда у *Хангыль* ҳарфларидан ташкил топган бўлиб, ишлатиш ва эслаб қолиш учун жуда осон бўлган. Бу оқддий халқнинг саводли бўлишига катта ёрдам берди.

Илм-техника соҳасидаги тараққиёт, авваламбор, амалиётга боғлиқ. Бу об-ҳаво ва осмон жиёмларини кузатувчи асбоблар, само юлдузлари харитаси, ёмғир ўлчагичлар, топография асбоб-

лари, аниқ ишланган тақвим, географик таърифлар, ноталар ёзуви, қуёш ва сув соатлари, қуроқларни ясаш, сув қурилмалари ва китоб нашр этувчи техникалардан иборат бўлган.

Табобат илмини тизимга солишда катта муваффақиятларга эришилди. 365 китобдан иборат «Даволаш усуллари» номли, 85 китобдан иборат «маҳаллий дорилар ҳақида маълумот» номли трактатлар яратилди. Иккинчи китоб касалликларга ташхис қўйиш бўйича 959 мақоладан, 10706 рецептдан ва игна билан даволаш ҳақида 1477 хил тавсиялардан иборат эди.

Тарихий ва географик нашрлар жуда кенг миқёсда тарқади. Шейриятда Корё ҳукумати даврида шаклланган Сичжо жанри жуда ривожланди. Янги ҳукуматни мустаҳкамлаш ва эски сулола тарафдорларига қураш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараён граждан лирикаси жанри сифатида шаклланишига олиб келди. Пейзаж тасвирлари деярли бўлмаган ва асосан ишқий лирика бош ўринни эгаллаган. «XIV–XV асрлардаги Сичжонинг асосий хусусияти – амалдор-шоирнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига нисбатан бўлган аниқ ва равшан муносабатини ва бу ҳодисалар таъсири остида юз берган шоир тақдиридаги ўзгаришни акс эттиришдан иборатдир»¹⁹⁷.

Легистлар мактаби

Легистлар мактабининг ташкил топиши (чучхичуйхак) Чон Гван Чо (1482-1519) номи билан боғлиқдир. Легистлар «инсон табиатига хос гуноҳ қилиш»га мойилликни йўқ қилувчи қатъий қонунларга асосланган марказлашган йирик бир давлатни ташкил этиш тарафдори бўлганлар. Уларни чжусианларга хос метафизик ва схоластик сафсатабозликдан кўра, давлатни гуллаб-яшнатадиган қонун ва уларни амалий натижалари кўпроқ қизиқтирган.

Чон Гван Чо таълимотиغا асосан ахлоқ ижтимоий-сиёсий қарашлар билан боғлиқ бўлган. Бунинг учун у керакли йўлни тўғри аниқлаб бера оладиган *до* нормативига мурожаат этади. *До* таълимоти конфуцийчиликда мавжуд бўлган ҳокимият ва фуқаро, ота ва ўғил ва бошқа шу турдаги муносабатларга асосланган. *Дога* рияо

¹⁹⁷ Никитина М.И. Жанр «сичжо» в корейской поэзии XV в. // Вопросы филологии и истории стран советского и зарубежного Востока. –М., 1961. –Б.96.

килган ҳар бир шахс камолот чўққисига етиб, афсонавий «етук донишманд» даражасига эришиш имкониятига эга бўла олган. Бу билан стишиб бўлмайдиган нарса, деган тушунчага чек қўйилган. Маънавий етукликнинг муҳим бир томонларидан бири сифатида Чон Гван Чо ҳар нарсада меъёрга риоя қилиш ва ўзини тия олиш хусусиятини кўрган. Буни амалга оширишда ўзаро ёрдам ва маънавиятга риоя қилишда бир-бирини тергаш имкониятига эга бўлган қишлоқ жамоалари катта аҳамият касб этиши мумкин, деб ҳисоблаган. Чон Гван Чо давлатни «куч ва қўрқинч»га асосланган бошқарувга қарши равишда «до» қондаларини амалда қўллаш, «маънавий бошқариш» ва «халққа меҳр бериш»га мўлжалланган «қирол йўли» номли тамойилни ишлаб чиққан.

«Югирон» мактаби

XV-XVI асрларда моддий асос – «ки»нинг бирламчилигини тан олган материалистик мактаблар шаклланди. Бу даврдаги материалистик фалсафий мактабларнинг вакиллари Ким Си Сып (1435–1493) ва Со Кён Док (Хвадам, 1489–1546)лар эди. «Югирон» мактаби охиргисининг номи билан боғлиқ.

Ким Си Сып материализми корейс ва хитой фалсафасига хос бўлган «Буюк чегара» категорияси ҳамда *ли* ва *ки* муносабатларини талқин қилишда кўзга ташланади. Файласуфнинг фикрича, «Буюк чегара» - бу *ыи* ва *яининг* бирлигидир. *Ки* ва *ли* ҳам бирликни ташкил этади. *Ки*даги ўзгаришлар *ли*да акс этади. «Совук ва иссиқ келади ва кетади. Қуёш ва Ой, кун ва тул бир-бири билан ўрин алмашади – буларнинг барчасини «*ли*» «*ки*»нинг ўзгаришлари ва айланиш хусусиятлари орқали ўзида мужассамлаштирган»¹⁹⁸.

Рухни Ким Си Сып материал бўлган *ки* билан боғлайди. *Ки*-нинг концентрацияси ҳаётни пайдо қилади, унинг йўқ бўлиши эса, ўлимни олиб келади. Ўлим билан бирга инсоннинг руҳи ҳам ўлади.

Ким Си Сып «инсонга ҳурмат»га асосланган «инсонпарварлик бошқаруви», «идеал бошқарув» номли концепциясини конфуцийчиликдаги жамият ва оила назариясига асослаган. Қадимни идеаллаштирувчи кўпчилик конфуцийчилардан фарқли равишда файласуф тарихда тараққиёт тарафдори бўлган.

¹⁹⁸ Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. – М., 1966. –Б.123.

Со Кён Док бу даврнинг энг йирик материалисти бўлди. Унинг 18 ёшлигида яратган асарларидаёқ «муайян нарсалар»ни тадқиқ этишга асосланган методологияси шаклланиб бўлган эди.

Со Кён Док йўқлик абсолют бўшлиқдир, деган фикрни инкор этади. Унингча, дунёвий макон ёки «Буюк бўшлиқ» мавжуд нарсадир. «Буюк бўшлиқ» маконда ва замонда чексиздир. Бир қарашда макон бу бўшлиқдир, чунки уни ушлаб, ҳидлаб, тинглаб бўлмайди. Лекин бу ҳеч нарса дегани эмас: «Чексиз макон шунчалик тўлаки, унда бирон бир бўш жой, ҳатто, бир тола сочга ҳам жой йўқдир»¹⁹⁹. Со Кён Док учун моддий субстанциядан ташқарида ҳеч қандай бўш макон мавжуд эмас. Маконни тўлдириб турган барча нарса кидир, у худди майда ва ҳаракатланувчи чангдек аниқ ва танасиз субстанциядир. Кининг зич жойлашиши ер ва осмонни, унинг суст жойлашиши эса, бошқа барча нарсаларни пайдо қилган. Дунёдаги барча нарсаларнинг пайдо бўлиши кининг зичлашиши ва сустлашиши натижасидир. Ки дунёвий бўшлиқни бутунлай тўлдирувчи бўлгани сабабли у «Буюк бўшлиқ» билан бирдир.

Гносеологияда Со Кён Док билишнинг бошланиш нуқтаси -- нарсаларнинг ўзидир, дейди. Тажриба, кузатиш, мантикий фикр -- билишнинг асосий қуролларидир. Мантикий фикрлашда чегара бўлмаслигига аниқ ишонч Со Кён Докни ақлий фикрларни мутлақлаштиришга олиб келади: «Юз бор ўйлаб, охири яна ўша фикрга қайтасан ... -- дунёни жойингдан қимирламасдан туриб билиш мумкин. Нима учун имконият бўлган вақтда бутунлай китобга муножаат қилмасдан муаммони ҳал қилиш мумкин эмас?»²⁰⁰.

Бу даврнинг кўпчилик олимлари қаторида Со Кён Док ҳам олийнасаб синф вакиллари томонидан деҳқонларнинг ерини тортиб олиб, уларни ўзларига оилавий мазор қилиб олаётганларини қаттиқ танқид остига олади. Бу ишда файласуф фақат олийнасабларнигина эмас, балки шоҳни ҳам айблайди. Шу билан бир қаторда файласуф ҳеч қандай мақсадга фойдаси бўлмаган анъана сифатида амал қилинадиган расм-русумларга ҳам қарши чиқади.

¹⁹⁹ Ўша асар. –Б.132.

²⁰⁰ Ўша асар. –Б.144.

«Чурипха» мактаби

XVI асрда «Югирон» мактаби билан бир қаторда фаоллик ва шакл яратувчанлик хусусиятига эга бўлган «ли»нинг бирламчилигини тан олувчи «чурипха» мактаби ҳам шаклланди. Унинг йирик намояндalари Ли Он Чок (1491–1553), Ли Хван (1501–1570)лардир.

Ли Он Чокнинг фалсафий қарашлари «Чексизлик» ва «Буюк чексизлик» номи таълимотлар талқинида ўз аксини топди. У «Чексизлик» ва «Буюк чексизлик»ни айнан бир нарса, деб таърифлайди. Улар борлиқдан аввалги мавжудликнинг моҳияти ва унинг шаклидир. «Буюк чексизлик» барча нарсаларнинг жавҳарий асосидир, унинг таркибида қолган барча нарсалар, имкониятлар сифатида мавжуддир. «Буюк чексизлик», - деб ёзган Ли Он Чок, - аниқликдан маҳрум, бепоён, бешакл, унинг таркибида шакллар мириадалари мавжуд. ...Унда осмон баландлигининг, ер бепоёнлигининг, қуёш ва ой нурларининг манбаи мавжуд бўлиб, унинг муқаддас ериарида эса, руҳият манбаи, айнан унда шамолларнинг момақалди роқ билан алмашилиб дарёларнинг оқини, ҳаққоний ҳаёт кечирини ва маънавий қоидаларининг сабаблари мужассамлашгандир»²⁰¹.

Неоконфуцийчилик аънарасига кўра, *до* ва *ли* Ли Он Чокда маънавий ахлоқнинг асоси ва қоидалари, бўйсундириш ва қомиллик тизими саналади. Шу асосда неоконфуцийчилик идеализми Ли Он Чокда антропологик хусусият касб этади. Файласуф турли ерларда таъкидлайдики, «танадан ва табиий борлиқдан ташқарида бирон бир мавжудлик бўлиши мумкин эмас», «қандайдир мавжудликни инсоний борлиқдан ташқарида қидириш бўшлиқни қўл билан ўлчаш билан тенгдир» ва ҳоказолар. Маънавий қомилликка эришиш учун одамлар, хаттоки, энг майда хатти-ҳаракатда ҳам, «самовий *ли*»га етишишга интилишлари лозим. Шу боис, Ли Он Чок олий табақа вакилларининг тўқин-сочинлик ва битмас-туганмас истакларини танқид остига олади.

«*Ли* мактабининг кўзга кўринган файласуфларидан бири Ли Хван (Тхвеге)дир. Ли Хванга «бидъатларни қоралаш ва ҳақиқат-

²⁰¹ Қўрап: Аҳмедова М.А. Хан В.С. Корёя фалсафаси (қисқача тарихий баён). –Т.: ТДШИ нашриёти. 2009. –Б.27

ни шарафлаш»га чақирини хос бўлган. Чжусианликнинг химоясига ва унинг равнаки томонига ўтиб, Тхвеге унга қарши турган барча фалсафий таълимотларни қоралайди.

Бошқа барча корейс файласуфларидек, *ли* ва *ки* таълимотига дуалистик муносабат Тхвегега ҳам хосдир. Унинг айтишича, улар иккови ўртасида узилмас алоқа мавжуддир: *лидан* ташқарида *кининг* мавжуд бўлиши мумкин эмас, *ли* эса, *кисиз* мавжуд бўлмайди. *Ки* бу бутун борлиқни тўлдириб турган моддий нарсалар бўлиб, у шакл ва танага хос белгилардан иборатдир. *Ли* эса, -- нарсаларнинг сифат белгиларини, ҳаракат ва улардаги ўзгариш йўналишини белгиловчи сабабдир. Ли Хван ёзади: «Осмон ости жисмларининг ҳар бирига уларнинг айнан шундай яратилганлигининг сабаби ва нима учун улар ҳозир шундай ҳолатда эканлигининг қонуни мавжуддир. Униси ҳам, буниси ҳам «*ли*»дир»²⁰².

Антропологияда Тхвеге чжусианларнинг инсон табиатидаги «бирламчи» ва «иккиламчи» таълимотига асосланади. «Бирламчи табиат» барча инсонларга хосдир. «Иккиламчи табиат» эса, улар орасидаги фарқни ажратади. Унга кўра, одамлар «ўта донишмандлар»га, «оддийлар»га ва «онгсизлар»га бўлинади. Биринчилари конфуциан ахлоқ нормаларига мос келувчи «самовий ли»га риоя қилиб, руҳий покликда ҳам, босган қадамида ҳам комил инсонлар намунасидир; иккинчилари эса, маънавий комилликка эришиш лозимлигини кўнгилда тушуниб, амалда унга жуда кам риоя қиладиганлардир; учинчи гуруҳ вакиллари эса, «самовий ли»ни тушунишга уринмайдилар ҳам, унга риоя ҳам қилмайдиганлардир.

Ли Хван конфуцианчиликдаги дарвешона ҳаёт тарғиботчисини бўлган. «Тана талабларини» ёмонлар экан, у на фақат тўкинликни, балки етарли даражадаги ўй ва таомни ҳам танқид қилади ва буни «ёвузлик», деб ҳисоблайди.

«Чугунха» мактаби ва Ли И фалсафаси (1536–1584)

Неоконфуцийчилик даври файласуфларининг охириги йирик намояндаларидан бири «Чугунха» мактаби асосчиси Ли И (Юльгок) дир. Файласуфнинг мероси 44 жилдлик тўпламга жамланган бўлиб, у 1749 йилда тўлиқ асарлар тўплами сифатида нашр этилган.

²⁰² Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. Пер. с кор. –М., 1966. –Б.168.

Ли И корейс фалсафасининг асоси саналмиш *ли* ва *ки* тушунчаларини талқин этишда Ли Хван ва Со Кён Док йўлларини бирлаштирувчи дуалистик йўлдан боради. Иккала томонни бир ёкламаликда айблайди ва уларни танқид остига олиб, Юльгок уларни «бошланғич нуқта (буюк чексизлик) *ли* да қандай мавжуд бўлса *ки* да ҳам (*ьм* ва *ян*) худди шундай мавжуддир», деган юкори даражадаги талқинга стиб бормаганликда айблайди»²⁰³.

Юльгок гноссологиясида билиш ҳаёт энергияси жойлашган инсон тана тузилиши билан боғлиқдир. Ли И нинг фикрига кўра, билиш уч босқичдан иборат: паст, ўрта ва олий.

Юльгокнинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари анъанавий конфуцийчилик «шох йўли». «инсонпарвар бошқарув» ва «халққа муҳаббат» каби тушунчалари билан боғлиқ бўлган маънавият ва ахлоқ қондаларига асосланади. Ли И жамиятдаги асосий беш нуқсонлар сифатида: Тўланмаган қарзлар ва турли айбларни қариндош ва қўшниларга юклатиш тизими; чегарасиз божлар ва поралар; тортиқ ва совғалар анъанаси; раҳбарларнинг порахўрлиги ва бошқаларни кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси халқ бўйинига юк бўлиб тушади, дехқонлар ўз турар жойларидан кетадилар, қишлоқлар хувиллаб қолади, мамлакат инқирозга юз тутади.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

XV-XVI асрларда Чосонда фалсафий қарашларнинг ривожланиши

<i>Фалсафий мактаблар</i>	<i>Вакиллари</i>	<i>Асосий гоялари ва йўналишлари</i>
<i>Легистлар мактаби</i>	<i>Чон Гван Чо (1482-1519)</i>	<i>Унинг таълимоти ахлоқ ва ижтимоий-сиёсий қарашлар билан боғлиқ бўлган. Бунинг учун у керакли йўлни тўғри аниқлаб бера оладиган «до» нормативига мурожаат этади.</i>

²⁰³ Bae-Jong-ho. The Philosophical Ideas of Yulgok. – «Korea Journal». Vol. 28, N 11. 1988.20-5.


«Югирон» мактаби	<i>Ким Си Сын (1435–1493)</i>	<i>Ким Си Сын «инсонга ҳур- мат»га асосланган «ин- сонпарварлик боиқаруви», «идеал боиқарув» номли концепциясини конфуций- чиликдаги жамият ва оила назариясига асослаган.</i>
	<i>Со Кён Док (Хвадам, 1489– 1546)</i>	<i>Со Кён Док йўқлик абсо- лют бўшлиқда, деган фикр- ни инкор этади. Унингча, дунёвий макон ёки «Буюк бўшлиқ» мавжуд нарсадир. «Буюк бўшлиқ» маконда ва замонда чексиздир.</i>
«Чурипха» мактаби	<i>Ли Он Чок (1491–1553)</i>	<i>«Буюк чексизлик» барча нарсаларнинг субстанциион асосидир, унинг таркибида қолган барча нарсалар им- кониятлар сифатида мав- жуддир.</i>
	<i>Ли Хван (1501–1570)</i>	<i>Ли Хван конфуцийчиликда- ги дарвешона ҳаёт тарғи- ботчиси бўлган. «Тана та- лабларини» ёмонлар экан, у на фақат тўқинликни, балки етарли даражадаги уй ва таомни ҳам танқид қилади ва буни «ёвузлик», деб ҳисоблайди.</i>
«Чугипха» мактаби	<i>Ли И (Юльгок, 1536–1584)</i>	<i>Ли И «ли» ва «ки» тушун- чаларини талқин этишида Ли Хван ва Со Кён Док йўлларини бирлаштирувчи дуалистик йўлдан боради.</i>

Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар

1. XV-XVI асрларда Чосондаги ислохотлар, илм-фан ва маданият тараққиёти нимага асос элади?
2. Чон Гван Чоннинг давлатни бошқаришидаги «қирол йўли» таълимийлигининг моҳияти нима эди?
3. «Юеирон» мактаби қайси фалсафий йўналишидаги мактаб эди?
4. Со Кён Докнинг билиш назариясида нима етакчи ўрин тутади?
5. Неоконфуциан идеализми Ли Он Чокда қандай хусусият касб элади?
6. «Чурипха» мактабини нима учун фалсафий мактаб, деб атаيمиз?
7. Юльгокнинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари нималардан иборат эди?
8. Ушбу фалсафий мактабларнинг қайси гоялари сиз учун қизиқарли бўлди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «XV-XVI асрларда Чосонда фалсафий қарашларнинг ривожланиши» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Ушбу мавзу юзасидан махсус комплекс иш тайёрланг.
4. Юқорида кўриб ўтилган фалсафий мактабларнинг таълимотларини ўзаро қиёслаб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан «балиқ суяги» чизмасини ишлаб чиқинг.



Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Хан В.С. *Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён)*. – Т.: ТДШИ нашриёти. 2009.
2. Никитина М.И. *Жанр «сичжо» в корейской поэзии XV в.// Вопросы филологии и истории стран советского и зарубежного Востока.* – М., 1961.
3. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. *История корейской философии. Пер. с кор.* – М., 1966.
4. Тягай Г.Д. *Общественная мысль Кореи в эпоху позднего феодализма.* – М., 1971.
5. Ванин Ю.В. *Феодальная Корея в XIII-XIV веках.* – М., 1962.
6. *История Кореи. Т. 1. Пер. с кор.* – М., 1960.
7. *История философии. Т.1.* – М., 1957.
8. Bae-Jong-ho. *The Philosophical Ideas of Yulgok.* – «Korea Journal». Vol. 28, N 11. 1988.

5-МАВЗУ

ЯПОНИЯДА БУДДАВИЙЛИК

Мавзунинг ўқув мақсиди: Талабаларда илк ўрта асрларда Японияда буддавийликнинг тарқалиши ва ривожланиши, унинг «Мусаффо ер» мактаби, Тендай, Сингон ва Нитэрен мазҳаблари ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Талабаларда япон халқи маънавий ҳаётида буддавийликнинг тутган ўрнини бошқа халқлар қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Буддавийлик, Тендай мазҳаби, Сэйко (767-822), «Нилуфар сўтраси», Генсин (Эсина, 942-1017) қарашлари, «самаджи», «Мусаффо ер» мактаби, Хонэн (1133-1212) таълимоти, «8та дўзах», «худо доираси», Синран (1173-1282), Сингон мазҳаби, Нитэрен мазҳаби, Кукай (774-835) таълимоти, Нитэрен (1222-1282) таълимоти.*

Асосий саволлар

1. Японияда буддавийликнинг тарқалиши.
2. Тендай мазҳаби.
3. «Мусаффо ер» мактаби.
4. Сингон мазҳаби. Нитэрен мазҳаби.

Японияда буддавийликнинг тарқалиши

Милодий I асрда Хитойда ёйилган буддавийлик Японияга V асрда Корёя орқали кириб келди. Илоҳлар билан қон-қариндошлик алоқалари борлигини пеш қилмай, ўзини муқаддаслаштирмаган ва мустаҳкамламаган, жаҳон дини бўлган буддавийлик, иркий гуруҳлар раҳнамоларининг куч-қудратини тугатишда ўз таъсирини кўрсатди. У ягона марказланган давлатни барпо қилишда мафкуравий восита бўлиб хизмат қилди ва ҳокимият вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди. Маҳаллий шароитларга мослашиб, маҳаллий эътиқодларни ўзига сингдирганлиги туфайли буддавийлик кенг ёйилиш имкониятига эга бўлди²⁰⁴.

²⁰⁴ Аҳмедова М.А. Япон фалафаси (кискача тарихий баён). –Т.: ТошДПУИ нашриёти, 2008. –Б.13.

Буддавийликнинг қабул қилиниши муайян тадрижий ривожланишга дучор бўлди – унча кўп бўлмаган ўқимишли кишиларнинг диний фалсафаси бўлишдан тортиб, жамият қатламларини бонқараётган юқори доирадаги кишиларни тушунини учун бир қалар солдалаштирилган таълимот, кейинчалик эса, кенг халқ оммасига тушунарли бўлган диний фалсафа даражасига етди.

Тэндай мазҳаби

Японияда буддавийлик ўз ривожини турли мактаб ва мазҳаблар кўринишида топди. Шулардан бири *Тэндай* мазҳаби бўлиб, унинг асосчиси – буддавийлик роҳиби *Сэйко* (767-822) эди. Император саройининг қўллаб-қувватлашига таянган ушбу мазҳаб Японияда йирик диний ташкилотга айланди.

Тэндай мазҳабининг вакиллари «Бир лаҳзада уч минг дунё», яъни космологик назария қондасига амал қилар эдиларки, уни Будда «Нилуфар сутраси»да баён этган эди. Унда «ўн йўналишга тарқаладиган ва ўзининг маркази бўлган Буддага эга бўлган» бошқа дунёларнинг манзараси тасвирланган. Бу назариядан кўзда тутилган мақсад шундаки, буддавийликнинг воқеяликка нисбатан қарашларини барча дунёларга хос бўлган, умумий нарса сифатида тасаввур қилиб, уларни ўзаро умумий алоқадорликда намоён бўлишларини тан олишдир. Мактаб томонидан ваҳийларнинг алмашинувиغا (фаҳмлашга) алоҳида эътибор берилар эдики, уларнинг энг олийси сифатида «Нилуфар сутраси» тан олинган эди.

Тэндай мактабининг бошқа бир вакили бўлган *Генсин* (*Эси-на*) (942-1017) ўзининг «Мусаффо ерда қайта туғилиш ҳақидаги энг муҳим воқеалар тўплами» асарида қалб нурланишининг асосий воситаси сифатида медитация, транс, «*самаджи*»ни, яъни Будда исмини талаффуз қилиб ёдга олиш орқали эришиладиган алоҳида рухий ҳолатни тан олади.

«Мусаффо ер» мактаби

Бу мактаб ўз ривожини XIII асрда бошлади. Японияда бу мактаб асосчиси *Хонэн* (1133-1212) бўлган. Унинг намояндалари «ифлосланган ердан фарқли ўларок, «Мусаффо ер» мавжудлигини тарғиб қила бошладилар. Инсон олами ва ундан ташқаридаги

«8 та дўзах»дан бошлаб «худо доираси»гача бўлган барча бошқа дунёлар «ифлосланган ер»ни ташкил этадилар. Бироқ, шу билан бирга, «Мусаффо ер» ҳам мавжуд бўлиб, унга бутун инсониятни қутқаришга қасамёд қилган Будда Амида ҳукмронлик қилади. Қалб нурланишига «Наму Амида буцу» – «Эй, Будда Амида!» каби авраш дуосини ўқиш орқали эришиш мумкин.

«Мусаффо ер» мактабининг бошқа бир вакили бўлган *Синран* (1173-1282)нинг тан олишича, инсон олами ва одамлар тубан эҳтирослар ботқоғига шунчалик ботиб кетишганки, уларнинг ўз кучлари билан рўшноликка эришишларининг ҳеч қандай имконияти қолмаган. Рухий амалиёт ахлокий сифатлар, жумладан, целибат, яъни ўзини тийиш ва уйланмасдан юриш орқали эмас, балки Будда Амиданинг куч-қудратига эътиқодни ифодаловчи авраш дуолари асосига қурилмоғи лозим. У «Йўқотилган аср Мадҳияси»да ўз нуқтаи назарини қуйидагича баён этган:

*«Қасамёд» кучи чексиз бўлгани учун,
Карма тоши қанчалик оғир бўлмасин, қўрқинчли эмас,
Ахир, Будданинг донишмандлиги чексизку.
Ва у гўлроҳлар ва нодонларни ташлаб қўймайди»²⁰⁵.*

Сингон мазҳаби. Нитэрэн мазҳаби

Ушбу мазҳабга Кобо Даиши номи билан машҳур бўлган улуғ устоз *Кукай* (774-835) томонидан асос солинган. Бунда шундай анъана тан олинар эдики, унга мувофиқ ҳар бир киши ўз умри давомида Буддага айланиши мумкин. Бундай даражага эришиш шундагина рўй берадики, мактаб маслакдоши бўлган мухлис рухий тараққиёт жараёнида коинот томон тортилиб, Будда қиёфасини англаш орқали катта олам билан бирлашиб кетади.

Ушбу мазҳаб ўз асосчиси бўлган *Нитэрэн* (1222-1282) номи билан аталади. Бу мазҳаб бошқа буддавий ташкилотларга нисбатан ўзининг мурасасизлиги билан ажралиб туради. Нитэрэн ўзини Японияни ички зиддиятлари ва ташқи хавф-хатарларидан (мўғуллар босқини) қутилишининг йўлини кўрсатишга қодир бўлган халоскор ботхисаттванинг тимсоли, деб эълон қилди. Бу мактабнинг таянч қоидалари «Нилуфар сутраси» (ёки «Ҳақиқий қонун сутралари»)нинг талқинига асосланар эди.

²⁰⁵ Темпсон Мел. Восточная философия. –М., 2000. – Б.200.

Ушбу мактаб учун Икинэннинг асосий қондаси хос бўлиб, унга кўра, инсон тафаккури ҳар бир лаҳзада бутун дунёни акс эттира олади. Яъни, инсон акли бир зумда ер юзидаги барча мавжудотларни камраб олиши мумкин. Шундай руҳий амалиёт тавсия этилдики, унга мувофиқ «Мукамал ҳақиқат Нилуфарига ҳамду-санолар бўлсин!», деган авраш дуосини ўқиш орқали илтижо қилувчини қалбини нурлантириб, уни бутун табиат билан бирлашиб кетиши даражасига олиб келиш мумкин.

Будданинг ва унинг табиатининг умумийлигини қайд этиш шунга олиб келдики, Будда Шакъямуни (Гаутама) шахси иккинчи ўринга суриб қўйилди. Агар Япониядаги ҳар бир киши япон тилида Нилуфар сутрасининг номи бўлган «Наму миохо ренге кио»ни тилга олиб талаффуз қилса, у вақтда Япония ер юзидаги жаннатга айланади, деб таъкидлаш эса, буддавийликка миллийлик хусусиятини берди.

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар


1. *Нима учун Японияда буддавийлик ҳокимият вакиллари томонидан қўллаб-қувватланган?*
2. *Буддавийликнинг қабул қилиниши қандай натижаларга олиб келди?*
3. *«Тэндай мазҳаби вакиллариининг «Бир лаҳзада уч минг дунё» назариясининг моҳияти нима эди?*
4. *Нима учун Хонэн ўз таълимотини «Мусаффо ер» деб атади?*
5. *Ушбу мактаб гоялари тўғрисида шахсий фикрингиз қандай?*
6. *Сингон мазҳаби ва Нитэрен мазҳаби гояларидаги умумийлик нимада эди?*
7. *Ушбу диний-фалсафий мазҳаблар Япония маънавий ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этади, деб ўйлайсиз?*
8. *Ушбу фалсафий мактабларининг қайси гоялари сиз учун қизиқарли бўлди?*

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Японияда буддавийлик» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.

3. Ушбу мавзу юзасидан 20та блиц-савол ва 10та тест тайёрланг.
4. Теңдай, «Мусаффо ер», Сингон ва Нитэрен мазҳаблари таълимотларини ўзаро қиёслаб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан «Поғона» тузилмавий-мантикий чизмасини ишлаб чиқинг. (2-илова)

2-илова



Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Япон фалсафаси (қисқача тарихий баён). -- Т.: ТошДШИ. 2008.
2. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. -- М.: Восточная литература РАН. --2002.
3. История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века. -- М.: Восточная литература РАН. --2002.
4. Нагата Хироси. История Японского материализма. Перевод с японского. -- М., 1990.
5. Синтоизм от А до Я./ Сост. Белкин ИЮ. -- М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.
6. Степаньянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. -- М., 1997.
7. Томпсон М. Восточная философия. Перевод с английского. -- М., 2000.
8. Японские материалисты. Актуальные проблемы философской науки и истории философской мысли Японии. Сборник статей. Перевод с японского языка. -- М., 1985.

6-МАНЗУ

ДЗЭН-БУДДАВИЙЛИК ВА УНИНГ ЯПОНИЯДАГИ РИВОЖИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Дзэн-буддавийлик мактаблари, таълимоти ва асосий қоидалари тўғрисида кенгрок тушунча ҳосил қилиш, бу таълимотлардаги маънавий-ахлоқий қарашларни фалсафий таҳлил қилиш ва уларни классик буддавийлик таълимотидаги ғоялар билан қиёслаш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Дзэн-буддавийлик, «дхьяна», медитация, Бодхикарма, Хуэй-Нэн (662-713), дил ёруғлиги, «сатори», «каонлар», «дза-дзэн», «риндзай-дзэн» ва «сото-дзэн» мактаблари, Энсэй (1141-1215) таълимоти, Хакуин (1685-1769) қарашлари, фалсафий-диний анъана, Догэн (1200-1253), Нисида Китаро, Судзуки.*

Асосий саволлар

1. «Дзэн» тушунчаси ва анъанаси.
2. Дзэн-буддавийликнинг асосий қоидалари.
3. Дзэннинг асосий амалиётлари.
4. Японча дзэн мактаблари.
5. Риндзай дзэн ва Сото дзэн мактаблари.

«Дзэн» тушунчаси ва анъанаси

«Дзэн» сўзи санскритдаги «дхьяна», медитация, сўздан келиб чиққан бўлиб, хитойча – «ч'ан», японча – «дзэн»га айланиб кетган. Дзэн-буддавийлик Моҳаянадаги энг йирик мазҳаблардан бири бўлиб, унга биноан буддавийлик моҳиятини қалбни ёритишга олиб келувчи, ўз ички онгини интуитив идрок этиш орқали билиш мумкин.

Тарихий жиҳатдан дзэн-буддавийлик бевосита Сидхартха Гаутамага бориб тақаладики, унинг ваъзалари пайтида шогирдларида воқеъликни бевосита қабул қилиш жараёни содир бўлган.

Бу анъананинг асосчиси ҳинд роҳиби *Бодхикарма* бўлган. У дзэн-буддавийликнинг биринчи патриархидир. У бутунлай янги таълимот асосини қурди. Унда илоҳиёт ва абстракт фалсафадан кўра, афзаллик тўғридан-тўғри Будда таълимотини шахсий тушу-

нишга қаратилган эди. У диний қарашни эмас, балки фикрлаш ва шахсий интизомнинг муҳимлигини таъкидлайди. Дзэн – бу «анъана ва муқаддас матиларни четлаб ўтиб, бевосита онгли уйғотишга ўтишдир», деган ибора унга тегишлидир.

Дзэн-буддавийликнинг асосий қоидалари

Дзэн-буддавийликнинг асосий қоидаларини бу диннинг олтинчи олий руҳонийси Хуэй-Нэн (662-713) ишлаб чиқди. Моҳаяна таълимотининг ҳеч нарса абадий, алоҳида ва мустақил равишда мавжуд бўлмайди, деган қоидасидан келиб чиқиб, у воқеяликни эскича қолинда қабул қилишни, ҳар қандай расм-русумларни қалб нурланишига олиб боровчи восита, деб билишни рад этди. Анъанавий буддавийлик томонидан тавсия этилган зўрма-зўраки тиришқоқликка қарши, у ички истак уйғотувчи сабаб натижасида ҳосил қилинадиган *дил ёруғлигини* қўндаланг қўйди. Кўнгил ёруғлигига воқеяликни эскича услубда қабул қилишдан воз кечиш йўли билангина эришиш мумкин.

Дзэн шундан келиб чиқадики, Будданинг онгли идроки бўлган онг ҳар бир кишининг туғма табиатига ҳосдир. Ибодат орқали бярланиш худо билан эмас, балки Будда онгли билан рўй берадики, одатда у инсоннинг ўз ичида марказлаштирилган қоидавий тафаккурининг босиб турилишидан келиб чиқадиган табиий моҳиятини ифодалайди. Ушбу моҳиятни фақат тўсатдан келган ички туйғунинг барқ уриши бўлган – «*сатори*» орқалигина идрок этиш мумкин. Сатори – японча сўз бўлиб, ички гуйғу билан тушуниш, ёритилиш лаҳзасини англатади. Сатори ҳолати донмий бўлмай, у барқ урган онгнинг чақмоғига ўхшайди. Уни сўз билан ифодалаб бериш қийин.

Дзэннинг асосий амалиётлари

Дзэннинг ўзагини *медитация* ташкил этади. Саторини идрок этишининг икки асосий амалиёти (медитация техникаси) ишлаб чиқилган бўлиб, улар ўз ифодасини «*каонлар*» устида мушоҳада юритиш ва қўшимча воситаларсиз фикрни бир нуктага қаратиб ўтириш – «*дза-дзэн*» да топади.

Каонлар – бу уста (устоз) билан унинг шоғирди ўратасидаги савол-жавобли суҳбатдир. Мумтоз каонлар қадимги Хитойда шоғирдларга бериладиган саволларга асосланган. Бошқа каонлар ўқувчиларни ундамоқ ва улар тушунишини рағбатлантирмоқ мақ-

садида бевосита ўқитувчи томонидан қўйилган саволларга асосланади. Саволлар ва жавоблар парадоксал; кутилмаган тарзда жанранглаши лозим. Саволлар ва жавобларнинг кутилмаганлиги ва уларнинг одатдагидан кескин фарқи, ҳозиргача тажрибада қўрилган бирламчи тушунчаларга хос бўлган чегараланишларни барта-раф қилишга мажбур этади.

Дзэн-буддавийлик бошқа таълимотлардан шуниси билан фарқ қиладики, у онг чақмоғи барқ урган *лаҳзада* ҳосил қилинган билимлар қондасини шакллантириш имкониятини рад этади. Азоб-укубат – моддий ашёлар ёки ғояларга боғланган бўлишидан қатъий назар, барибир, бирор нарсага боғланганлик натижасидир. Бирор нарсага кўнгил қўйишлик буддавийлик услубига хос бўлган ички туйғуга асосланган қабул қилишни йўқотиб қўйишга сабаб бўладиган воқеяликни идрок қилишга ёндашиш ёки уни тизимга солишга уриниш ҳамдир. *Тўғридан-тўғри воқеяликни тушунишга* қаратилган ва қондавий маъно асосидаги ақлий назарияларга йўл қўймадиган дзэн таълимоти, унинг назарий асосини энг кам даражага олиб келади. Бу нарса дзэн-буддавийликни кўпроқ даражада динга ўхшатиб қўяди²⁰⁶.

Японча дзэн мактаблари

Хитойда дзэндан таълим олган япон миллатига мансуб бўлган, буддавийликни ўз эътиқодига айлантирган кишилар ибодатхоналар қуриб, шогирдларга дарс бериш йўли билан дзэн-буддавийликни ёйган вақтларида, XI асрда дзэн Японияга кириб келди. У япон маданиятига хос бўлган ўзининг ёрқин ифодасини қўлга киритиб, XII асрда ўзининг алоҳида гуллаб-яшнаган даврига эришди. У ҳарбий табақа орасида айниқса алоҳида шухрат қозониб, ўз ифодасини самурайларнинг виждон кодексини бўлган – Бусидода, масалан, жуда қатъий интизом талабларида топди.

Японияда дзэннинг икки асосий йўналиши ташкил топди: Булар: «*риндзай-дзэн*» ва «*сото-дзэн*» (хитойча мактаблар минци ва тян-тун номларидан олинган) эдилар.

Риндзай дзэн ва Сото дзэн мактаблари

Мактаб асосчиси Тендай мактабидан чиққан *Энсэй* (1141-1215) эди. 1184 йилда бу таълимот мухлисларининг ибодатхонаси

²⁰⁶ Қаранг: Мэл Томпсон. Восточная философия. –Б. 359.

қурилди. Таълимот самурайларнинг дастурий қуролига айланди. Бирок бу йўналиш узок вақт кўпроқ эстетик ва маданий анъана сифатида намоён бўлди. *Хакуин* (1685-1769) бу йўналишни Японияда *фалсафий-диний анъана* сифатида шакллантирди. У қуйидагича дзэнча қоидаларга таянади: воқеълик ўзининг бутунлигига кўра бўлинмасдир; пировардида ҳақиқат қоидавий идрокка тегишли эмас; шахсий ва ташқига тақсимлаш воқеъликка оид эмас ва у азоб-укубатга олиб келади. Инсон борлиқнинг ажралмас таркибий қисми бўлганлигидан ва Буддага айланиш имконияти борлигидан у ҳақиқий воқеъликни қабул қилишга қодирдир. Ҳақиқатни идрок этишнинг воситаси медитациядир.

Риндзай мактабидан фарқли ўлароқ, бу ерда кўнгил нурулинишига эришмоқ учун дза-дзэн техникаси бўлган – ўтирган ҳолдаги медитациядан фойдаланилади. Бу анъананинг асоечиси Догэн (1200-1253) эди. Унинг таълим беришича, барча кишилар аввал бошданок ўзларида Будда табиатига эгадирлар. Бирок у шарт-шароит ва хурофий одатларга кўра бузилади. Будда табиатини ёки ўз ўзининг моҳиятини амалга ошириш учун инсон диний ва тарки дунёчилик амалиётига муҳтож эмас. Буддавийлик эътиқодининг энг яхши воситаси дза-дзэн усулидир. Медитация вақтида киши юзини қуруқ деворга қаратиб ўтириб, бу ҳолатни юриб турган ҳолатдаги медитация – «Кинхон» билан алмаштириб туради. Бу ҳолат фикрsiz хотиржамликка эришишга ёрдам беради ва бундай вазиятда одам воқеъликни бевосита идрок қилишни қўлга киритади. Медитация диққат-эътиборни бир нарсага қаратиш ва мувозанагни сақлаш учун, ички ором ва осойишталикни вужудга келтириш учун муҳимдир. Киши медитация жараёнида диққат-эътиборни бир нуқтага қаратишни ўрганиши, кейин эса, кундалик ҳаётда уни ўз хатти-ҳаракатига сингдириши лозим.


Ўз-ўзини назорат қилиш ва медитация ғояси жасоратга қуниқиб воситаси сифатида ҳарбийлар табақаси орасида жуда ҳам шухрат қозаниб, Бусидо мазмунига ва самурайларнинг турмуш тарзига таъсир ўтгазган эди.

XVII-XVIII асрларда дзэн мактаблари конфуцийчилик билан яқинлашганлиги натижасида соф буддавийлик хислатларини йўқотдилар. Аммо, янги давр – XX асрда дзэн Нисида Китаро, Судзуки ва бошқа бир қатор мутафаккирларга сезиларли даражада таъсир ўтказдики, улар дзэн ғояларини Ғарб фалсафаси тушунчалари ёрдамида ифода этишга уриндилар.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Дзэн-буддавийлик ва унинг Япониядаги ривож



Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. «Дзэн» сўзининг маъноси нима?
2. Медитация деганда нимани тушунасиш?
3. Дзэн-буддавийликнинг асосий қондаларининг моҳияти нима эди?
4. Сатори қандай тушунча?

5. Рендзай дзэн ва Сото дзэн мактаблари гояларидаги умумийлик нимада эди?
6. Ушбу мактаблар Япония маънавий ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этган, деб ўйлайсиз?
7. Ушбу фалсафий мактабларнинг қайси гоялари сиз учун қизиқарли бўлди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Тақдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Дзэн-буддавийлик» мавзусида слайд тайёрланг ва тақдимот қилинг.
3. Ушбу мавзу юзасидан 20та блиц-савол ва 10та тест тайёрланг.
4. Ўрта асрлар япон ва корейс фалсафий мактаблари таълимотларини ўзаро қиёслаб, шу асосда мустақил иш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан кластер тузинг.

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Япон фалсафаси (қисқача тарихий баён). -- Т.: ТошДШИ. 2008.
2. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности. -- М.: Восточная литература РАН. --2002.
3. История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века. -- М.: Восточная литература РАН. --2002.
4. Нагата Хироси. История Японского материализма. Перевод с японского. -- М., 1990.
5. Синтоизм от А до Я. / Сост. Белкин И.Ю. -- М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.
6. Степаньянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. -- М., 1997
7. Томпсон М. Восточная философия. Перевод с английского. -- М., 2000.
8. Японские материалисты. // Актуальные проблемы философской науки и истории философской мысли Японии. Сборник статей. Перевод с японского языка. -- М., 1985.

7-МАВЗУ

ЯПОНИЯДА КОНФУЦИЙЧИЛИК. ЯНГИ КОНФУЦИЙЧИЛИК ВА УНИНГ ЯПОНИЯ ФАЛСАФИЙ ФИКР ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда Японияда конфуцийчиликнинг ёйилиши, унинг натижасида вужудга келган фалсафий таълимотлар, мактаблар ва уларнинг намояндалари, фалафий, маънавий, ижтимоий-ахлоқий қарашлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, талабалар онгида ўрта асрлар япон ва корейс фалсафасий таълимотларининг умумий ва фарқли жиҳатларини топиш кўникмаларини шакллантириш.

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Конфуцийчилик, махсус ўқув юртлари, Тан сулоласи, «Тайк тўнтариши», Сун мактаби, Чжу Син, Ян Мин, беш унсур, туғма билимлар, даосизм, Ли ва Ци, чжусианлик, Сюсигакуха мактаби, Фудзивара Сейка, Хаяси Радзан, Ри ва Ки, синто-конфуцийчилик синкретизми, Киото мактаби, Ямадзака Ансай, Оёмейгакуха мактаби, «Бирламчи табиат», «Иисон қалби».*

Асосий саволлар

1. Японияда конфуцийчиликнинг ёйилиши.
2. Сун мактаби.
3. Японияда чжусианлик – Сюсигакуха мактаби.
4. Киото мактаби.
5. Ван Янмин издошлари. Оёмейгакуха мактаби.

Японияда конфуцийчиликнинг ёйилиши

Конфуцийчилик Японияга III асрнинг иккинчи ярмида кириб келди. Мамлакатда император оиласи шаҳзодаларига ва зодагон оилалар намояндаларига конфуцийчилик таълимотининг асослари, комилликка эришиш қоидаларини, конфуцийчилик ақидасига биноан халқни тинчлантириш орқали мамлакатни бошқариш усулларини ўргатадиган *махсус ўқув юртлари* пайдо бўлди. Конфуцийчилик таълимоти ахлоқий ва сиёсий фикр сифатида қабул қилиниб, унинг дунёни билишга ва фалсафий масалаларга қаратилган жиҳатларига деярли эътибор берилмади.

VI асрга келиб Японияга Хитой маданиятининг кириб келиши кучайди. Хитойдан қайтаётган япон роҳиблари, дипломатлари, ҳунармандлари ўзлари билан бирга Япония учун янгилик бўлган турмуш тарзи ва диний қарашларни олиб келдилар. Мамлакатга Хитой алифбоси олиб келиниб, унинг асосида япон ёзуви яратилди. VII асрда Японияда Хитойнинг Таи сулоласи маъмурий тизимига асосланган бошқарув соҳасида ислохотлар ўтказилди ва у «Тайк тўнтариши» номини олди.

XVII асрдан бошлаб Токува ва Бакухан ҳукумати даврида янги конфуцийчилик Япониянинг ижтимоий онгида устувор аҳамиятга эга бўлди. У ҳукмронлик мавқеига эга бўлган самурайлар тоифасининг мафқурасига айланди. Конфуцийчилик буддавийликдан мустақил равишда алоҳида ўрин эгаллади. Шу билан биргалликда синтоистик фикр ҳам, синто-конфуцийчиликнинг турли оқимлари ҳам ривож топди.

Япон конфуцийчилик фалсафасининг асосий тушунчалари қуйидагилардан иборат эди: «Ри» (хитойча Ли), «Ки» (хитойча Ци), «Ин»- «е» (хитойча ин-янь), «гогё» - (беш табиий унсур) (1-илова). Аммо ушбу тушунчаларнинг асл моҳияти ва ғоявий мазмунини муайян-тарихий вазиятга боғлиқ равишда у ёки бу мутафаккир уларнинг ҳар бирига қандай маъно касб этишига қараб, қабул қилмоғи лозим.

Ўрта аср япон фалафий тафаккурига назар ташланганда, асосан бир қанча фалсафий мактаблар номлари остида фаолият олиб борган файласуфларни кўриш мумкин (2-илова).

Сун мактаби

Хитойда Сун сулоласи (960-1279) ҳукмронлик қилган даврда «Сун мактаби», деб аталган фалсафий мактаб шаклланиб, янги конфуцийчиликка асос солди. Унинг энг йирик намояндалари *Чжу Си* ва *Ван Янмин*лар бўлиб, уларнинг таълимотларига мувофиқ равишда *чжусианлик* ва *ванянминлик* номи билан машҳур бўлди.

Чжу Си (1130-1200) конфуцийчиликнинг асл матнларини билимдони бўлиб, уларни муфассал таҳлил қилиб чиқди. У анъанавий конфуцийчилик фалсафасини назарий тизимга солиб, яхлит бир шаклга келтирди ва конфуцийчилик ахлоқшунослигини фалсафий жиҳатдан асослади. Шу билан бир вақтда, у табиатни ўрганишга ҳам катта эътибор қаратди.

Илк конфуцийчилик билан солиштирганда, унинг таълимоти кўпроқ ақлга таянган ва анчагина метафизик хусусиятга эга эди. Конфуцийчиликнинг асосий тушунчалари унинг таълимотида янгича қоидаларга мувофиқ жаранглай бошлади.

Шунга мувофиқ равишда чжусианликнинг коинот ҳақидаги таълимоти илгари сурилди. Унда биринчи сабаб бўлган Тайдзи *Цини* вужудга келтиради ва бу билан ўзгаришлар ва узлуксиз равишда уйғунлик кидирувчи жараёни бошлаб берувчи ҳаракат бўлган инъянга туртки беради. У эса, ўз навбатида, инсон фаолиятига таъсир кўрсатувчи ва унинг дунёвий жараёнга қўшилишини акс эттирувчи *беш унсур* – сув, олов, дарахт, металл ва тупроқни яратади.

Ахлоқ табиий кучлар мувозанатини акс эттирувчи ҳодиса сифатида майдонга чиқади. Тайдзи туфайли табиий унсурларнинг мажмуаси ўз асосида барқарорликка эга бўлади. Ана шу ҳолатдан «5 барқарорлик», «исмларга бўлиш», «исмларни тузатиш» ҳақидаги таълимотлар келтириб чиқарилади.

Ван Янмин (1472-1529) Чжу Сининг замондоши ва муҳолифи эди. Чжу Сидан фарқли ўлароқ, унинг қараишларида *Ли* ва *Ци* ўртасидаги чегара йўқолиб кетган. *Ли* – оламнинг, коинотнинг моҳияти бўлиб, у «бизнинг қалбимизда» мавжуд, қалбнинг моҳияти эса, бу – *туғма билимлардир*. *Ци* – бу туғма билимларнинг ёйилишидир. *Ли* – бу шундай нарсаки, у *Цининг* мавжудлигини тақозо қилади. Ашёларнинг моҳиятини билиш – бу туғма билимларнинг моҳиятини аниқлашдир. Шунга мувофиқ равишда, Ван Янмин ўз-ўзини англаш ва тажрибага катта эътибор қаратади.

Умуман олганда конфуцийчилик даосизмнинг кўпгина ғояларини ўзига сингдирган. Шу билан бирга, янги конфуцийчилик концептуал яхлитликка эга. Маълум даражада айнан шу сабабга кўра, у нафақат Хитой, балки бутун Узоқ Шарқ, шу жумладан, Япон фалсафасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Японияда чжусианлик – Сюсигакуха мактаби

Мактаб асосчиси *Фудзивара Сейка* (1561-1619), собиқ буддавий руҳонийси эди. У бакухан тизимини мустақкамлашга хизмат қилган ва шунинг учун ҳам сёгун томонидан қўллаб-қувватланган. *Фудзивара Сейка* чжусианликни, айниқса, «исмларнинг бўлиниши» таълимотини, яъни жамиятни «қуйи ва юқори» табақаларга бўли-

ниши ғоясини маҳаллий шароитга мослаштиришга ҳаракат қилган. У буддавийликни танқид қилиб, чжусианликни япон диний ақидаларига мослаштиришга, синтоизмни конфуцийчилик маъносидан англашга ҳаракат қилди ва шундай ғояни олға сурдики, унга кўра, синтоистик худолар япон императорларида мужассамлашиб, уларнинг авлодларида ҳам яшайдилар.

Хаяси Радзан (1583-1657) – Фудзивара Сейканинг шогирди бўлиб, Япония ижтимоий фикри тарихида юқори ўрин тутди. У конфуцийчиликни ҳукмрон зодагонларнинг мафкураси сифатида мустаҳкам ўрин олишига катта ҳисса қўшган. У «Бакухан» ҳукуматида хизмат қилиб, самурайлик ҳақида чиқарилган фармонларнинг (1624-1640) муаллифи бўлган.

Радзан самурайлар режими томонидан қўйилган масалаларни чжусианлик нуқтаи назаридан, оқилона асослашга уринди. Унинг таъкидлашича, кишилар орасидаги иллатларни тузатиш учун *Ри*-нинг моҳиятини англаш муҳимдир.

Ри ва *Ки* нисбати муаммосини ишлаб чиқар экан, у шундай таълим берадики, *Ри* – бу «Буюк ҳудуд»дир; *Ки* – бу «ин» ва «е»-дир, *Ри* ва *Ки* бир-бирларидан ажралмасдирлар, 5 барқарор нарса – бу *Ри* бўлса, 5 биринчи ибтидо – бу *Кидир*.

Жамият тарихи ҳақидаги таълимотга Радзан чжусианлик тасаввурлари нуқтаи назаридан мантиқан ёндошиб, давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг «палапартиш ҳолатдан биргаликда» яшаган, жоҳиллик ҳолатидан ривожланган жамиятга ўтиш ҳаракати тарзида тушунтирди.

Радзан буддавийликни моддий дунёдан чекинганлиги туфайли кескин танқид остига олди. «Буддавийлик, – деб таъкидлади у, – тоғлар, дарёлар, ерни ўткинчи, инсон ахлоқини – ҳаёлий, деб тасаввур қилди ва охир оқибат барчани бурч ҳиссидан маҳрум этди». «Хукмдор ўз фуқаросини тарк этади, отаси ўз ўғлини ташлаб кетади, ва мана шундай тарзда Йўл қидиришади»²⁰⁷. У синтоизмни буддавийликдан тозалашга даъват этди, конфуцийчилик нуқтаи назаридан туриб асослади, *синто-конфуцийчилик синкретизми*ни ишлаб чиқди. У «бизнинг империя – худолар мамлакати» ақидасини тарғиб қилди.

²⁰⁷ Нагата Хироси. История философской мысли Японии. (Япония фалсафий тафаккури тарихи). Перевод с японского. –М., 1991. –С.104.

Киото мактаби

Мактаб асосчиси *Ямадзака Ансай* (1616-1682) эди. Унинг кўзга кўринган намоёндалари Асами Кейсан, Мияки Сёсай ва Сото Наокайлар эдилар.

Ямадзака Ансай, аввал буддавийлик эътиқодида бўлиб, кейинчалик шуни тушундики, буддавийлик «ахлоқий тамойилларни бузади» ва шу боисдан конфуцийчилик нуқтаи назари томонига ўтган. У *Суй-Ситто* таълимотининг асосчиси, яъни Сун мактаби ва Синтоизм мутафаккирларининг таълимотини бириктирувчи эклектик мактаб бунёдкори сифатида майдонга чиқди.

Асами Кейсан – Киото мактабининг бошқа бир вакили бўлиб, шуни қайд этдики, чжусианлик битта мактабнинг оддий таълимоти эмас, балки бутун Коинотнинг ҳақиқатидир, яъни у бутун коинотни тушунарли қилиб берди. У Чжу Си таълимотидаги «исмларни бўлиш» ҳақидаги нуқтаи назарга, яъни жамиятнинг барча аъзолари учун бажарилиши шарт ҳисобланган хулқ-атворнинг кундалик қоидалари тўғрисидаги фанга алоҳида эътибор қаратди. Чжусианлик таълимотидан келиб чиқиб, у шуни таъкидлайдики, «*Ри*» мантиқан, ақлга тенгдир, ва алқисса, оламда икки ибтидо – *Ри* ва *Ки* мавжуд бўлганлигидан, унда барқарорлик ва ўзгарувчанлик ҳам бўлиши лозим. Барқарорлик – бу *Ри* бўлса, ўзгарувчанлик бу – *Ки*дир.

Канбера Эккен (1630-1714) XVIII асрнинг машҳур мутафаккири бўлиб, файласуф, табиатшунос ва «Япониянинг ўсимликлари» китобининг муаллифи эди. Умуман, чжусианлик таълимоти нуқтаи назарида туриб, у Сун мактаби намоёндаларини энг аввало, буддавийлик ва дзэн-буддавийлик таъсирида бўлганликлари учун танқидий таҳлил қилади.

Муро Кюсо (1658-1734) – XVIII асрнинг яна бир машҳур чжусианчиси эди. У буддавийлик ва синтоистик мистикани, шунингдек, Ван Янмин тарафдорларининг *туғма билимлар* ҳақидаги ақидаларини танқид қилди.

Кюсо ўзининг сиёсий қарашларида *ижтимоий шартнома* ғоясига яқинлашиб келиб, уни ҳукмдор билан халқ ўртасидаги шартнома асосига қурилган муносабатлар сифатида талқин қилди. «Ҳукмдор аслзода бўлмаганлар ҳисобидан аслзодадир, халқ туфайли зодагондир... Халқ ва мен (ҳукмдор), ҳар бири ўз

халича, халқ менинг олдимга келиб, мендан иш сўрайди, мен унга иш беришни ваъда қиламан, шунинг учун халқ мени иззат-хурмат қилади ва ўз ҳукмдори қилади; ҳукмдор бўлгач, мен халқ фаровонлиги учун хизмат қиламан ва бу билан ўз ишимни ба-жараман. Ҳукмдорнинг бурчи ўз халқининг фаровонлигини таъминлашдир»²⁰⁸. Чжусианлик таълимотининг тарафдори сифатида, у фуқароларнинг ҳукмдорга бўлган садоқатини ва ўғиллик эҳтиромини хайрли амаллар қаторида тарғиб қилди.

Араи Хукусяки (1657-1725) – бакуфу ҳукуматининг мафкурачиси бўлиб, сёгунлар Токугава Иэкобу ва Токугава Ёсимуилар хомийлигидан фойдаланди, уларнинг фармонларига мувофиқ «Буюк Япония тарихи» китобини (1720й.) ёзди.

Хакусяки «Худолар асири»нинг *ақшй талқинини* бошлаб берди. Мумтоз ёзма ёдгорликларга асосланган ҳолда у шуни аниқладики, «худолар асири» амалда Чжоу сулоласи ҳукмронлик қилган даврга мувофиқ (мил.ав. XI – 25 йй.) келади. Шу билан бирга, у шуни аниқлашга ҳаракат қилдики, худоларнинг қилмишлари ҳақидаги барча ҳикоялар инсонларнинг қилмишларига бориб тақалади. У шуни қайд этдики, худованд бу барча кишилар хурмат қиладиган инсоннинг метафизик сиймосидир.

XVIII асрнинг охирига келиб, чжусианлик Японияда ўз ривожининг чўққисидан ўтди. Масалан, Хаяси Дзюсай (1768-1841), Асака Гондзай (1786-1860) ва бошқа чжусианлик ақидасидагилар ахлоқ ва бошқарув ҳақидаги таълимотлар билан чегараланиб, асосан самурайларни ўқитиш билан шуғулландилар.

Ван Янмин издошлари. Оёмейгакуха мактаби

Ван Янмин мактаби Японияда чжусианликка муҳолифатда бўлганларни ўзига тортувчи марказга айланди. Бу мактабнинг асосчиси *Накаэ Тодзю* (1608-1648) бўлиб, уни Омалик «донишманд», деб аташган. Унинг асосий асарлари «Мўйсафиднинг саволлари ва жавоблари», «Эҳтиёткорликка чақирувчи чизгилар», «Қалб ҳақидаги фан» эдилар. Унинг «Қалб ҳақидаги фан» таълимоти оддий инсоннинг донишманд бўлувчига қадар босиб ўтган йўли тарзида талқин этилади. У инсонни барча ашёларнинг меъё-

²⁰⁸ Нагата Хироси. История философской мысли Японии. –С.104.

ри деб ҳисоблаб, инсон қалбини эса, кичик ўлчовдаги коинот сифатида таърифлайди. Ҳар бир инсон ташқи омилларни эмас, балки ўз ахлоқий ҳиссиётларини ўзининг ҳаёти тарзи дастурул амалига айлантириши лозим. Ахлоқий ҳақиқатларни тушуниш интуитив тарзда, ўз ички дунёсига берилиш ва «табiiй туғма билим» – «Рёти»ни англаш орқали рўёбга чиқарилади.

Кумадзава Бандзан (1616-1691) – Токугава биринчи даври янминизмининг энг йирик вакили эди. У Ван Янминдан алоҳида синчковлик билан ўзини таҳлил қилиш, туғма билимларга етишиш гоёсини қабул қилган. Шу билан бирга, у Чжу Сидан инсон нуқсонларини тузатиш мақсадида бирламчи табиат, ашёларнинг моҳиятини англаш зарурлиги ҳақидаги гоёларни ўзлаштирди.

«Бирламчи табиат» (Чжу Си) ва «Инсон қалби» (Ван Янмин) «Буюк бўшлиқ» билан айнан бир нарса, деб ҳисобланди. Бандзан ўз таълимоти асосига айнан «Буюк бўшлиқ» тушунчасини қўйиб, уни РИ ва КИнинг бирлашган доираси – барча ашёлар ва одамлар пайдо бўладиган ҳаётнинг манбаи сифатида талқин қилади.

Бирламчи табиат ёки оламнинг моҳияти инсонга намоён бўлади. Инсоннинг бирламчи табиати эса, бу – «нурли эзгулик»дир. «Қалб» инсонда қандай ўрин тутса, инсоннинг оламдаги ўрни ҳам шундайдир.


Сато Инсай (1772-1859) XVIII аср охиридаги Ван Янмин тарафдорлари мактабининг вакили эди. Унинг таъкидлашича, инсон ахлоқ қонунлари («Рин-Ри») ва табиий ашёлар қонунлари («Буцу-Ри») биргина ўша Рининг ўзгинасидир, яъни уларнинг моҳияти бирдир. Табиий ашёларнинг қонунлари ўз моҳиятларини инсоний ахлоқ қонунлари ҳақидаги фан орқали очадилар.


Инсай Японияга кириб кела бошлаган «Ғарб фанлари»га нисбатан ўз муносабатини ифодалаб берди. У «Ғарб фанлари»ни Рига яқинлашиб келишини «мудҳиш ёвузлик» сифатида баҳолади. Аммо, умрининг охирларига келиб, Ғарб фанларини ўрнини сезиларли даражада фойда келтириши мумкин бўлган нарса сифатида баҳолай бошлади.

МАВЗУГА ОИД КОНСУЛЬТАТИВ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Япон конфуцийчилик фалсафасининг асосий тушунчалари





Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Ўрта асрларда Японияда қандай фалсафий мактаблар бор эди?
2. Япон конфуцийчилик фалсафасининг асосий тўшунчалари нималардан иборат эди?
3. Япон конфуцийчилик фалсафаси конфуцийчиликдан бошқа яна қайси таълимотлардан таъсирланган эди?
4. Чжу Си (1130-1200) таълимотига асосан борлиқнинг асосида нима ётади?
5. Ван Янмин билишида асосан нимага катта эътибор қаратади?
6. Япон конфуцийчилик фалсафий мактабларининг ўзига хос хусусиятлари нимада, деб ўйлайсиз?
7. Ушбу мактаблар Япония маънавий ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этган, деб ўйлайсиз?
8. Ушбу фалсафий мактабларнинг қайси зоялари сиз учун қизиқарли бўлди?

Мустақил таълим учун вазифалар

1. Такдим этилаётган адабиётларни ўқинг ва қисқача конспект ёзинг.
2. «Япония конфуцийчилик фалсафаси» мавзусида слайд тайёрланг ва такдимот қилинг.
3. Ушбу мавзу юзасидан 20та блиц-савол, 10та тест ва 20-25 сўзли кроссворд тайёрланг.
4. Ўрта асрлар япон ва корейс фалсафий мактаблари таълимотларини ўзаро қисқаб, шу асосда мустақил нш тайёрланг.
5. Мавзу юзасидан ФСМУ жадвалини тўлдиринг (2-илова).

2-илова

ФСМУ учун топширик: Чжу Си ва Ван Янмин фалсафий таълимотларини қиссий таҳлил қилинг.

Йўналтирувчи услубий тавсия: Сун мактаби, Чжу Син, Ян Мин, беш унсур, туғма билимлар, даосизм, Ли ва Ци.

Савол	Чжу Си ва Ван Янмин фалсафий таълимотлари
(Ф)Фикрингизни баён этинг	

(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштринг	

Адабиётлар

1. Аҳмедова М.А. Япон фалсафаси (қисқача тарихий баён). – Т.: ТошДШИИ. 2008.
2. История Востока. В 6-томах. Т.1. Восток в древности.– М.:Восточная литература РАН. –2002.
3. История Востока. В 6-томах. Т.2. Восток в средние века.– М.:Восточная литература РАН. –2002.
4. Нагата Хироси. История Японского материализма. Перевод с японского. – М., 1990.
5. Синтоизм от А до Я./ Сост. Белкин И.Ю. –М.: АСТ: Восток–Запад, 2007.
6. Степаньянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. – М., 1997
7. Томпсон М. Восточная философия. Перевод с английского. – М., 2000.
8. Японские материалисты.// Актуальные проблемы философской науки и истории философской мысли Японии. Сборник статей. Перевод с японского языка. – М., 1985.

IV БОБГА ОИД ТЕСТЛАР

1. Қадимги Корея дунёқарашида инсоннинг ҳайвонот гуруҳининг сирли дунёси билан боғлиқлигига бўлган ишонч, эътиқод қандай номланади?

- a) Анимизм;
- b) Фетишизм;
- c) Тотемизм;
- d) Фатализм.

2. Корейс халқи ва давлатининг қадимийлигини ифодаловчи афсоналардан бири кўрсатилган қаторни тошинг.

- a) «Тангун ҳақида афсона»;
- b) «Тўфон ҳақида афсона»;
- c) «Арфа чалувчининг қўшиғи»;
- d) «Кириин ҳақида афсона».

3. Корейс мифологиясига кўра, энг олий даражада шаклланган, аёл ва эркак синтезини ўзида тўлиқ акс эттирган ҳайвон бу –

- a) қакнус;
- b) аждаҳо;
- c) кириин;
- d) илон.

4. Кириин ўзида нимани мужассам этган?

- a) модда ва руҳни;
- b) аёл ва эркак хусусиятларини;
- c) корейс афсона ва ривоятларини;
- d) дастлабки беш элементларни ва қадриятларни.

5. «Кириин» образи ниманинг рамзи?

- a) садоқат, адолат, диёнат ва обрў;
- b) тинчлик, бахт, тўғрилиқ ва ҳақгўйлик;
- c) мол-мулк, давлат, амал ва ҳокимият;
- d) хиёнат, зўравонлик, хоинлик.

6. Қадимий Чосондаги дастлабки фалсафий қарашлар қайси ҳудуд таъсирида шаклланган?

- a) Ҳиндистон;
- b) Хитой;

- c) Япония;
- d) Мўғулистон.

7. Қадимги японларнинг дунёқараши ҳақидаги маълумотлар қайси манбада сақланиб қолган?

- a) «Кодзики»да;
- b) «Ками»да;
- c) «Норито»да;
- d) корейс манбаларида.

8. Хитойчасига «шин-то», яъни «махаллий худолар йўли» маъносини берувчи сўздан қайси таълимотнинг номи келиб чиққан?

- a) Конфуций;
- b) Даосизм;
- c) Шинтоизм;
- d) Синтоизм.

9. Сингонинг ўзига хос хусусияти нима эди?

- a) Ердаги ҳаётни ўткинчилиги ва нариги дунёнинг абадийлиги бот-бот таъкидланади;
- b) Бутун эътиборини нариги дунё ҳаётига қаратади;
- c) Бутун эътиборини бу дунё ҳаётига қаратади;
- d) Бутун эътиборини икки дунё саодатига қаратади.

10. Уч давлат ҳукмронлиги даврида қадимги Кореяда қандай таълимотлар бор эди?

- a) Буддавийлик, синтоизм, Конфуций;
- b) Конфуций, даосизм, ҳиндуизм;
- c) Даосизм, синтоизм, буддавийлик;
- d) Конфуций, буддавийлик, даосизм.

11. Қайси диний-фалсафий таълимот Кореяга эрамизнинг IV асрида Ҳиндистон ва Хитой миссионерлари томонидан олиб кирилган эди?

- a) буддавийликнинг Ҳинояна таълимоти;
- b) буддавийликнинг Моҳаяна таълимоти;
- c) даосизм таълимоти;
- d) синтоизм таълимоти.

12. Даосизм таълимоти Кореяга қачон кириб келди?

- a) VII аср бошларида;
- b) IV аср ўрталарида;
- c) 372 йилда;
- d) 565 йилда.

13. Корё хукмронлиги даври нима билан тавсифланди?

- a) конфуцийчилик ва даосизм ўртасидаги рақобатнинг куча йиши билан;
- b) даосизм ва буддавийлик ўртасидаги рақобатнинг куча йиши билан;
- c) конфуцийчилик ва буддавийлик ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан;
- d) хар уч таълимотнинг ривожланиши билан

14. Ҳукуматга янги Чосон ёки Ли (1392–1910) сулоласининг келиши билан

- a) даосизм давлатда янги мафкура шаклланишининг асоси бўлиб қолди;
- b) неоконфуцийчилик давлатда янги мафкура шаклланишининг асоси бўлиб қолди;
- c) буддавийлик давлатда янги мафкура шаклланишининг асоси бўлиб қолди;
- d) янги диний фалсафий тизимни шакллантирди.

15. Неоконфуцийчилик Кореяда қандай йўналишларга ажралди?

- a) Кванхакпха ва Самбон;
- b) Чон До Чон ва Кванхакпха;
- c) Саллимхакпха ва Самбон;
- d) Саллимхакпха ва Кванхакпха.

16. Ўзининг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашларида Чон До Чон қандай концепция тарафдори бўлган?

- a) жамиятдаги мавжуд «беш» турдаги муносабат концепцияси;
- b) барчанинг тенглиги ҳақидаги концепция;
- c) доимо сабр-қаноат ва бағрикенглик концепцияси;
- d) каттиққўллик ва тоталитар ҳукмронлик концепцияси.

17. Чон До Чон жамиятдаги одамларни уч турга ажратади:

- a) олий донишмандлар, қуллар ва ҳарбийлар;
- b) олий донишмандлар, қомиллар ва «ўз истакларининг қули» бўлган омма;
- c) подшоҳлар, руҳонийлар ва оддий халқ;
- d) олий донишмандлар, ҳарбийлар ва «ўз истакларининг қули» бўлган омма.

18. Кореяда ўрта асрларда легистлар мактабининг ташкил топиши кимнинг номи билан боғлиқдир.

- a) Ли Он Чок (1491–1553);
- b) Ким Си Сып (1435–1493);
- c) Со Кён Док (Хвадам, 1489–1546);
- d) Чон Гван Чо (1482-1519).

19. Легистлар мактаби таълимотига кўра, дога риюя қилган ҳар бир шахс - .

- a) нирванага эришади;
- b) «етук донишманд» даражасига етади;
- c) икки дунё саодатига ноил бўлади;
- d) «олий рух» билан бирлашиб кетами.

20. XV-XVI асрларда ташкил топган, моддий асос – «ки»нинг бирламчилигини тан олган материалистик мактаб номи қайси қаторда акс этган?

- a) «Чугипха» мактаби;
- b) «Чурипха» мактаби;
- c) «Югирон» мактаби;
- d) Легистлар мактаби.

21. «Чексизлик» ва «Буюк чексизлик» номли таълимотларни илгари сурган Ли Он Чок қайси мактаб вакили эди?

- a) «Чугипха» мактаби;
- b) «Югирон» мактаби;
- c) «Чурипха» мактаби;
- d) Легистлар мактаби.

22. Гносеологияда Со Кён Док билишнинг бошланиш нуқтаси деб нимани кўрсатган?

- a) парсаларнинг ўзиши;
- b) тажрибани;
- c) сезгиларни;
- d) ақлни.

23. «Чурипха» мактабининг йирик намояндалари кимлар эди?

- a) Ли И (Юльгок, 1536–1584) ва Ли Он Чок (1491–1553);
- b) Ким Си Сып (1435–1493) ва Со Кён Док (Хвадам, 1489–1546);
- c) Ли Он Чок (1491–1553) ва Ли Хван (1501–1570);
- d) Со Кён Док (Хвадам, 1489–1546) ва Ли Хван (1501–1570).

24. Ли И нинг фикрига кўра, билиш уч босқичдан иборат бўлиб, булар - .

- a) сезги, идрок ва тасаввур;
- b) қуйи, ўрта ва олий;
- c) тушунча, ҳукм ва хулоса;
- d) онг, онгости ва онгсизлик.

25. Японияга буддавийлик қачон ва қаердан кириб келди?

- a) милoddан аввалги III асрда Ҳиндистон орқали;
- b) милoddан аввалги III асрда Хитой орқали;
- c) милoddан аввалги III асрда Корея орқали;
- d) милoddий V асрда Корея орқали.

26. «Бир лахзада уч минг дунё» космологик назариясига амал қилувчи буддавийлик мазҳаби қайси эди?

- a) «Мусаффо ер» мактаби;
- b) Сингон мазҳаби;
- c) Тендай мазҳаби;
- d) Нитэрсен мазҳаби.

27. Генсин (Эсина) (942-1017) ўзининг «Мусаффо ерда қайта тугилиш ҳақидаги энг муҳим воқеалар тўплами» асарида нималарни таъин олган?

- a) инсон камолоти бўлган «нирвана» ҳолатига эришини;
- b) «8 та дўзах»дан бошлаб «худо доираси»гача бўлган барча

- бошқа дунёларни;
- c) қалб нурланишининг асосий воситаси сифатида медитация, транс, «самаджи»ни;
 - d) тўғри жавоб йўқ.

28. XIII асрда Японияда Хонэн (1133-1212) асос солган фалсафий мактаб қайси эди?

- a) Тендай;
- b) Сингон;
- c) «Мусаффо ер»;
- d) Нитэрэн.

29. Япониядаги Нитэрэн мазҳаби нимаси билан буддавийликнинг бошқа мазҳабларидан ажралиб турган?

- a) ўзининг мурасасозлиги билан;
- b) ўзининг бағрикенглиги билан;
- c) ўзининг одиллиги билан;
- d) ўзининг мурасасизлиги билан.

30. Икинэннинг асосий қондасига кўра, инсон тафаккури

... .

- a) фақат Буддани қамраб олади;
- b) чекланган бўлиб, фақатгина баъзи нарсаларнигина акс эттира олади;
- c) ҳеч нарсани акс эттира олмайди;
- d) ҳар бир лаҳзада бутун дунёни акс эттира олади.

30. «Дзэн» сўзи нимани англатади?

- a) санскритдаги «дхьяна», медитация маъносини англатади;
- b) қадимги хитойчада «дзе», ахлоқ маъносини англатади;
- c) қадимги ҳиндчада «дхарма», таълимот маъносини англатади;
- d) қадимги хитойчада «дао», йўл маъносини англатади.

31. Дзэн-буддавийлик таълимотининг асосчиси ким бўлган?

- a) ҳинд роҳиби Бодхикарма;
- b) япон файласуфи Хонэн;
- c) хитой файласуфи Чжу Си;
- d) Сидхарта Гаутама.

32. Японча сўз бўлган, ички гуйғу билан тушуниш, ёритилиш лаҳзасини англаувчи тушунча қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- a) Самиджи;
- b) Сатори;
- c) Дза-дзэн;
- d) Каон.

33. Япониядаги дзэннинг икки асосий йўналишини кўрсатинг.

- a) риндзай-дзэн ва дзэн-буддавийлик;
- b) дзен-буддавийлик ва сото-дзен;
- c) риндзай-дзэн ва сото-дзэн;
- d) сото дзен ва самаджи-дзен.

34. Риндзай-дзэн таълимотига кўра, хақиқатни идрок этишининг воситаси нима?

- a) Медитация;
- b) Ақл;
- c) Кучли тафаккур юритиш;
- d) Тажриба ва сезги.

35. Чжу Си таълимоти анъанавий конфуцийчиликдан фарқли ўлароқ қандай хусусиятга эга эди?

- a) Кўпроқ ақлга таянган ва анчагина метафизик хусусиятга эга эди;
- b) Кўпроқ ҳис-туйғуга таянган ва мистик хусусиятга эга эди;
- c) Конфуцийчиликни бутунлай инкор этар эди;
- d) Буддавийликнинг бир тармоғи эди.

36. Ван Янмин (1472-1529) таълимотига кўра, Ли - .

- a) билишнинг асосий манбаи бўлиб, тажрибага таянади;
- b) бирламчи модда бўлиб, барча нарса ундан пайдо бўлгандир;
- c) оламнинг, коинотнинг моҳияти бўлиб, у «бизнинг қалби мизда» мавжуд;
- d) тўғри жавоб йўқ.

37. Суп мактаби вакиллари кимлар эди?

- a) Чжу Си ва Ван Янмин;
- b) Фудзивара Сейка ва Хаяси Радзан;

- c) Чжу Си ва Хаяси Радзан;
- d) Ван Янмин ва Фудзивара Сейка.

38. Кюсю ўзининг сиёсий қарашларида қандай ғояни илгари сурди?

- a) тоталитар тузум;
- b) мутлақ монархияга асосланган жамият;
- c) ижтимоий шартнома;
- d) тўғри жавоб йўқ.

39. Ван Янмин издоши Наказ Тодзюнинг фикрича, ахлоқий ҳақиқатларни англаш воситаси нима эди?

- a) илоҳий ваҳий;
- b) кўп йиллик тажриба;
- c) ақл ва тафаккур;
- d) табиий туғма билим.

40. Сато Инсай Японияга кириб келаётган гарб илм-фанини дастлаб қандай баҳолади?

- a) «нажот зиёси»;
- b) «мудҳиш ёвузлик»;
- c) «инсоният бахти»;
- d) «икки дунё саодати».

ГЛОССАРИЙ

Аверроизм – Ибн Рушд фалсафий мероси таъсирида Ғарбда вужудга келган фалсафий йўналиш.

Амалий фалсафа – Ибн Синнонинг фанлар таснифига кўра, фалсафанинг иккинчи қисми бўлиб, у сиёсат, ҳуқуқ, уй ишларини ўрганиш – иқтисод ва ахлоқшунослик, яъни этикадан иборатдир.

Анимизм – ибгидой тасаввурлардан бири бўлиб, табиатда руҳларнинг таъсири мавжудлигига ишониш.

Араб илмлари – калом, фикҳшунослик ва ҳадисшунослик каби диний илмлар.

Аскетизм – моддий дунё ноз-неъматларидан воз кечиб, руҳий камолот йўлида узлатга чекинишдир.

Асотир тафаккур (афсонавий фикрлаш) – инсоннинг дунёга ва билвосита ижтимоий муносабатларга бўлган муносабатини муайян бутунликда ифодалаш шаклларида биридир.

Атомизм – материянинг узлуксиз, дискрет (дона-дона) тузилиши ҳақидаги таълимот.

Ахлоқ – (араб. хулқ сўзининг кўплиги) кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб, қоидалар йиғиндиси.

Брахма – брахманизм диний таълимотига кўра, ягона реал дунёвий рух, илоҳий субстанция, ҳаёт манбаи, борликнинг асоси.

Брахманлар – Қадимги Ҳиндистонда давлат раҳбарлари, зиёлилар ва донишмандлардан ташкил топган ижтимоий қатлам.

Будда – (қад. санскритча – «нурланган») буддавийлик таълимоти асосчиси, тарихий шахс Сидхарта Гаутама.

Бурҳон – исботлаш, унинг моҳияти, вазифаси, турлари, қоидалари ва бошқа масалалар.

Ваҳдат ул-вужуд – тасаввуф таълимотининг етакчи ғояси, худо ва олам бирлиги.

Ведалар – Қадимги ҳинд жамиятининг ҳаёт тарзи ҳақида таълим берувчи биринчи манбалар.

Веданта – ведалар охири деган маънони англатувчи қадимги ҳинд фалсафий мактабларидан биридир.

Вожиб ул-вужуд – араб-мусулмон фалсафасида борликнинг биринчи сабаби, яъни бор бўлиши шарт бўлган борлик – худодир.

Деизм – бу таълимотга кўра, борлик худо томонидан яратилган бўлса-да, худонинг иштирокисиз, табиий қонунлар асосида ривожланади.

Драхмалар – буддавийликка кўра, «ўзининг белгиларига эга бўлган заррачалар» ёки «унсурлар» .

Жавҳар – арабча сўз бўлиб, Шарқ фалсафасида оламнинг бирламчи сабаби, моддий ёки руҳий асоси, деган маънода кенг қўлланилган.

Жадал – диалектик ҳукмлар номини олган мураккаб ҳукмлар, шартли бўлинувчи савол-жавоб ҳукмлари кабилар.

Жэнь – Қадимги Хитой фалсафасидаги инсонийлик тушунчаси.

И – хитой фалсафасига кўра, ҳалол ижрочилик тушунчаси.

Икки донишмандлик – Носир Хисрав фикрича, бу қадимги юнон фалсафаси (юнон донишмандлиги) ва қарматийлик илоҳиётидир.

Индукция – бўлақдан бутунга томон ҳукм юритиш.

Инь ва ян – хитой фалсафасига кўра, борликдаги ўзгариш ва ривожланишларнинг сабаби бўлган азалий қарама-қарши ибтидолар.

Калом илми – ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида вужудга келган махсус билимлар тизими.

Карма – қадимги Ҳиндистонда шаклланган жоннинг бир танадан иккинчи танага ўтиб юриши ҳақидаги таълимот. Карма қонунига биноан инсон фоний дунёда қилган хатти-ҳаракатлари учун нариги дунёда жавоб беради.

Кванхакпха – ўрта асрларда Кореядаги неоконфуцийчилик йўналишларидан бирининг номи.

Кирин – («ки» - эркак, «рин» – «аёл») қадимги корейс мифологиясига кўра, ўзида дунё пайдо бўлишининг дастлабки беш элементларини мужассамлаштирган афсонавий ҳайвон.

Кодзики – Япониядаги қадимги китобларнинг қилмишлари ҳақидаги битиклар.

Ли – хитой фалсафасига кўра, руҳий олам, руҳий субстанция.

Мумкин ул-вужуд – Вожиб ул-вужуднинг оқибати, яъни худо томонидан яратилган борлиқ, олам ва ундаки жамики нарсалар.

Мутақаллимлар – калом илми вакиллари, уларнинг энг машҳурлари, Абул Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

Муътазилийлар – (арабча – ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) Исломда илк илоҳиёт оқимларидан бири бўлиб, диний ҳукм ва ақидаларни ақл доирасида қабул қилувчилар.

Назарий фалсафа – Ибн Синонинг фанлар таснифига кўра, метафизика (олий фан), математика (ўрта фан) ҳамда табиат ҳақидаги фан – табиатшунослик (частки фан)дан иборат илмлар мажмуи.

Натуризм – табиатни илоҳийлаштириш.

Нирвана – буддавийлик таълимотига кўра, азалий карма ипларидан халос бўлиш ва абадий руҳий хотиржамлик.

Норито – Қадимги Япониядаги синтоистик эътиқод бўлиб, у дуо ифодаларини ўқиш, қурбонликлар (гуруч, сабзавот, балиқ) келтириш билан боғлиқдир.

Нубувват – пайгамбарлик, илоҳий хабар – ваҳий орқали Аллоҳ ер юзига ўз элчисини юбориб, инсонларни залолатдан қутқариши.

Ораз – акциденция, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган, тасодифий, ўзгарувчан, аҳамиятсиз хоссасини билдиради.

Пацифизм – ҳеч нарсага озор бермаслик тамойили.

Пуранлар – Ҳиндуизмни ўрганишнинг энг дастлабки манбаларидан бири бўлиб, улар турли расм-русумлар ва мифологик сюжетлар киритилган асардир.

Саллимхакп-ха – ўрта асрларда Кореядаги неоконфуцийчилик йўналишларидан бирининг номи.

Сатори – японча сўз бўлиб, ички туйғу билан тушуниш, ёритилиш лаҳзасини англатади.

Сафсата – нотўғри ҳукмлар, бошқаларни алдаш, ёлғонни исботлашга қаратилган софизм, паралозимлар.

Таважжух – бутун ички моҳиятни Худога қаратиш, унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмасликдир.

Таносух – инсон вафот этгандан сўнг, руҳнинг бир танадан бошқа танага кўчиб ўтиши ҳақидаги назария.

Тендай мазҳаби – ўрта асрларда Хитойда гуллаб-яшнаган будда-вийликнинг «Бир лаҳзада уч минг дунё», яъни космологик назария қондасига амал қилувчи мазҳаби.

Тотемизм – ибтидоий тасаввур шаклларида бири бўлиб, борлиқдаги ўзгаришларни ва ривожланишларни тушунишда ҳайвонларнинг ғайритабиий таъсирига ишониш.

Упанишадлар – (ҳақиқатни билиш мақсадида ўқитувчи олдда ўтириш) Ведаларнинг тўрттасидан бирига анъанавий тарзда қўйиладиган Қадимги Ҳиндистоннинг фалсафий-диний асарлар туркуми.

Фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги бўлиб, бу соҳа ривожда Қафқол Шоший, Бурҳониддин Марғинович, Жалолоддин Аҳмад ал-Косоний кабиларнинг улуши катта бўлган.

Фозил шаҳар – Форобий ижтимоий-сиёсий қарашларидаги идеал жамият.

Хитоба – риторика, нотиклик санъати қоидалари, унинг таркибий қисмлари каби масалалар.

Хожагон – Ясавия ва Нақшбандия оқимларидан иборат бўлган, Марказий Осиёда кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири.

Хуасгуанифт – монийликнинг тавба намози.

Ци – хитой фалсафасига кўра моддий ашёлар.

Чиштия – ўрта асрларда Ҳиндистонда кенг тарқалган тасаввуф тариқати оқими.

Чарваклар – бу таълимотга кўра, оламнинг асосида тўрт унсур – сув, олов, ҳаво ва тупроқ ётади.

Шеър – шеърый ҳукмлар. Шеър ёзиш санъати, унинг вазиқалари.

Эманация – тажаллий этиш жараёни, яъни ўзидан нур таратиш оқибатида янги ҳодисани вужудга келтириш.

Югирон – XV-XVI асрларда Кореяда моддий асос – «ки»нинг бирламчилигини тан олган материалистик мактаб.

Янги афлотунчилик – эраизмнинг бошларида вужудга келган, Плотин, Прокл, Порфирий каби файласуфлар томонидан Афлотун ғояларини жонлантириш ва ривожлантиришга асосланган таълимот.

Қазо ва қадар – ислом динига кўра, тақдир азалга сўзсиз ишониш.

Қарматийлар – Исмоилийлар фалсафий оқимининг бир шахобчаси.

Қиёс – дедуктив, силлогистик хулоса чиқариш, унинг шакллари, қоидалари каби масалалар.

Қоим – исмоилийлар фалсафасига кўра, Қиёмат куни Муҳаммад ибн Исмоилни Имом Маҳдий суратида қайтиши.

Қаюло – бирламчи сабаб, моддий асос, субстанция.

ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ

I боб	II боб	III боб	IV боб
1. d	1. c	1. c	1. c
2. e	2. b	2. a	2. a
3. a	3. b	3. c	3. c
4. d	4. d	4. d	4. d
5. b	5. c	5. b	5. b
6. e	6. a	6. b	6. b
7. a	7. e	7. b	7. a
8. a	8. d	8. b	8. d
9. b	9. c	9. d	9. c
10. a	10. c	10. a	10. a
11. d	11. a	11. d	11. b
12. b	12. b	12. b	12. a
13. c	13. b	13. d	13. c
14. d	14. d	14. a	14. b
15. a	15. c	15. c	15. d
16. b	16. a	16. d	16. a
17. c	17. b	17. a	17. b
18. d	18. c	18. b	18. d
19. b	19. b	19. a	19. b
20. a	20. b	20. b	20. c
21. c	21. a	21. b	21. c
22. d	22. d	22. d	22. a
23. a	23. b	23. b	23. c
24. b	24. e	24. a	24. b
25. c	25. a	25. c	25. d
26. a	26. c	26. c	26. c
27. a	27. a	27. a	27. c
28. b	28. a	28. b	28. c
29. c	29. c	29. d	29. d
30. b	30. c	30. b	30. d
31. d	31. b	31. c	31. a
32. e	32. d	32. a	32. b
33. b	33. a	33. c	33. c
34. b	34. e	34. a	34. a
35. e	35. e	35. b	35. a
36. a	36. c	36. d	36. c
37. b	37. e	37. d	37. a
38. e	38. b	38. c	38. c
39. d	39. d	39. a	39. d
40. b	40. c	40. b	40. b

Фойдаланилган адабиётлар

Расмий адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.* –Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. *Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-18 жилдлар.* –Т.: Ўзбекистон, 1996-2010.
3. *Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.* –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. *Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.* –Т.: Ўзбекистон, 1994.
5. *Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.* –Т.: Ўзбекистон, –1998.
6. *Каримов И.А. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқ. Асарлар. 7-жилд.* –Т.: Ўзбекистон. – 1999.
7. *Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.* –Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. *Каримов И.А. Имом Мотуридий таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 2000 йил 16 ноябрь.* –Т.: Ўзбекистон, –2001. 9- жилд.
9. *Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.* –Т.: Ўзбекистон, –2008.
10. *Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида.* –Т.: Ўзбекистон. 2011.

Илмий маънавият:

Ўзбек тилида

11. *Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.* –Т.: «Ёзувчи» нашриёти, 2002.
12. *Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.* –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
13. *Абу Райҳон Беруний. Доривор ўсимликлар ҳақида китоб (Сайдана).* –Т.: Фан, 1968.
14. *Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.* –Т.: Фан, 1957.
15. *Абу Райҳон Беруний. Минералогия.* –Т.: Фан, 1967.

16. *Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.:Фан, -- 1968.*
17. *Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Т.:Фан, 1965.*
18. *Абдуҳалимов Б. «Байт–ал ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.:Тошкент ислом университети, 2004.*
19. *Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О.Ҳинд фалсафаси.// Шарқ фалсафаси. –Т.: ТошДШИ нашриёти, 2006.*
20. *Аҳмедова М.А. Хан В.С. Корея фалсафаси (қисқача тарихий баён). –Т.: ТДШИ нашриёти, 2009.*
21. *Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-удум» асарида поэтика. –Т., 2001.*
22. *Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари. –Т.: Шарқ, 1996.*
23. *Ирисов А. Ҳаким ибн Сино. –Т : Фан, 1996.*
24. *Ислом тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Тузувчи проф. Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005.*
25. *Ислом, тарих ва маънавият. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.*
26. *Ислом энциклопедия (А-Ҳ) «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Т., 2004.*
27. *Йўлдошев С. Қодиров М, Усманов М. Аждодларимиз мероси – мафқураларимиз гавҳари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.*
28. *Маънавият юлдузлари. (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Масъул муҳаррир Хайруллаев М.М. Тўлдирилган катта нашр. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.*
29. *Муртазоев С. Саъдулдин Тафтазоний асарларида дунёқараш, билиш назарияси ва логикий масалаларнинг ёритилиши. Автореферат. –Т., 1975.*
30. *Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. –Т.: Фан, 1983.*
31. *Мўминов И. Мирзо Бедил. – Т.: Фан, 1964.*
32. *Навоий А. «Мажолис ун-нафоис»,«Маҳбуб ул-қулуб».Тўла асарлар тўплами. 9-жилд. –Т.: Ўзбекистон Матбуот ва ах-*

- борот агентлиги. Фафур Фулом номидаги наириёт-матбаа уйи. 2011.
33. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. –Т.: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. Фафур Фулом номидаги наириёт-матбаа уйи. 2011.
 34. Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақоқиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). –Т., 1995.
 35. Баҳодиров О.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Маънавият юлдузлари. (Марказий осийлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Масъул муҳаррир Хайруллаев М.М. Тўлдирилган катта наир. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси наириёти. 1999.
 36. Содиқов Қ. Аждодларимиз битиги. –Т.: Фан, 1990.
 37. Содиқов Қ. Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қараишлари. –Т.: ТошДШИ наириёти, 2004.
 38. Содиқов Қ.Қадимги турк фалсафаси. –Т.: ТошДШИ наириёти, 2008.
 39. Умар Хайём. Рубоийлар. Шоислом Шомухамедов муқаддаси. –Т.: Шарқ, 1997.
 40. Умар Хайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Т.: Моварауннахр. 2004.
 41. Усмон Тўрор. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиқлол, 1999.
 42. Фалсафа. М. Аҳмедова умум.таҳр. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти наириёти, 2006.
 43. Фалсафа: энциклопедик лугат./ЎзРФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий наириёти, 2010.
 44. Фахруддин Али Сафий. Раишаҳот (оби ҳаёт томчилари). –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт наириёти, 2003.
 45. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. – Т.: Фан, 1963.
 46. Шарипов А. Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қараишлари. –Т.: Фан, 1972.
 47. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик М.М. Хайруллаев таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

48. Қаямов А., Исҳоқов М., Отаҳўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. –Т.: Ёзувчи. 2000.
49. Қодиров М. Марказий Осиё. Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.: ТоғДШИ навириёти. 2010.
50. Қодиров М. Авесто. Ўзбек мислий энциклопедияси. Т. 1. –Т., 2001.
51. Қодиров М. Исломий маърифат, маданият ва маънавий қадриятлар фалсафаси. «Ислам, тарих ва маънавият». – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси навириёти. 2000.
52. Ғиждуюний Хожя Абдуллоқ. Васиятнома. Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси, инв. –№ 3844. В.

Рус тилида

53. Абу Райҳан Беруни. Геодезия. –Т.: Фан, 1966.
54. Александров Ф.Ф. История социологических учений. Древний восток. –М., 1959.
55. Аль Фараби. О разуме и науке. –Алма-Ата: Наука, 1975.
56. Аникеев Н.П. О материалистических традициях в индийской философии. –М., 1965.
57. Ахмедова М.А. Японская философия. (краткий очерк истории). –Т., 2004.
58. Аълохон Афсаҳзод. Лирика Абд ар-Раҳмана Джамии. –М.: 1988.
59. Барт А. Религии Индии. Пер. с франц. –М., 1897.
60. Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. Т. 3. –М.: Паука, 1965.
61. Брагинский И. 12 миниатюр. –М.: Художественная литература, 1966.
62. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Абу Райҳана Беруни. –Т.: Фан, 1972.
63. Быков Ф.С. Зарождение общественно-политической и философской мысли в Китае. –М., 1966.
64. В.В. Бартольд. Введение к изданию худуд ал-алам. Сочинения. Т. 8. –М., 1973.
65. Ваши Ю.В. Феодалная Корея в XIII-XIV веках. – М., 1962.
66. Васильев В. Буддизм, его догматы, история и литература. Ч. 1-3. –СПб., 1857-1860.
67. Васильев Л.С. История Востока. Т.1, II. – М., 1998.

68. Вебер М. *Хозяйственная этика мировых религий*. –М., 1985.
69. *Восемь гимнов Риг-Веды*. Пер. Н. В. Крушевского. –Казань, 1879.
70. *Восточная философия*. Перевод с чешского канд. филос. наук. И.И.Богута. –М.: Мысль, 1991.
71. *Го Мо-жо. Философы древнего Китая*. Перевод с китайского. –М., 1961.
72. *Гордон-Полонская Л.Р. Мусульманские течения в общественной мысли Индии и Пакистана*. –М., 1963.
73. *Гостеева Е. И. Философия Вайшешика*. –Т., 1963.
74. *Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана (VII-XII вв)*. –М., 1960.
75. *Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока*. –М., 1960.
76. *Дейссон П. Веданта и Платон в свете кантовой философии*. Пер. с нем. –М., 1911.
77. *Делюсин Л.П. Конфуцианство в Китае. Проблемы теории и практики*. – М., 1982.
78. *Делюсин Л.П. Китай: традиция и современность*. –М., 1976.
79. *Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю*. –М., 1974.
80. *Джавахарлал Неру. Открытие Индии*. –М., 1968.
81. *Древнекитайская философия. В 2 томах*. –М., 1972.
82. *Жизнь Будды*. Перевод К. Бальмонта. –М., 1913.
83. *Ибн Сина. Дании-наме*. –Душанбе, 1957.
84. *Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии*. –М.: Наука, 1988.
85. *Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока*. –М.: Изд-во социально-экономической литературы, 1961.
86. *Ильин Г. Ф. Религии древней Индии*. –М., 1959.
87. *Ионова Ю.В. Пережитки тотемизма в религиозных обрядах корейцев. // Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии*. – М., 1970.
88. *Ионова Ю.В. Представления корейцев о душе. // Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии*. –М., 1973.

89. *Ислам (энциклопедический словарь)*. – М.: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1991.
90. *Исматов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX-XV вв.* – Душанбе: Дониш, 1986.
91. *История Востока. Т. I-II. Восток в древности*. – М., 1999.
92. *История Востока. В 6-томах. Т. 1. Восток в древности*. – М.: Восточная литература РАН, –2002.
93. *История Востока. В 6-томах. Т. 2. Восток в средние века*. – М.: Восточная литература РАН, –2002.
94. *История всемирной литературы. Т. 1*. – М.: Наука, 1983.
95. *История Древнего мира. Древний Восток*. – Минск, Москва: Харвест Аст, 2000.
96. *История Кореи. Пер. с кор. Т. 1*. – М., 1960.
97. *История философии в кратком изложении*. – М.: Мысль, 1991.
98. *Кадыров М. Авеста. Материалы по истории общественно-философской мысли народов Узбекистана*. – Т.: Фан, 1976.
99. *Каримов У.И. Неизвестное сочинение ар-Рази («Книга тайны тайн»)*. – Т., 1957.
100. *Ким Бусик. Самгук Саги. Летописи Силла*. – М., 1959.
101. *Китайская философия. Энциклопедический словарь*. – М.: Мысль, 1994.
102. *Книга правителя области Шан («Шан цзюнь шу»)*. Перевод с китайского, вступление, статья и комментарии. – Л.С.Переломова. М., 1968.
103. *Кныи А.Д. Мусульманский мистицизм*. – М., СПб.: Диля, 2004.
104. *Кобзев А. Учение Ван Янмина и классическая китайская философия*. – М., 1980.
105. *Конрад П.И. Философия китайского Возрождения (о Сунской школе)//Запад и Восток*. – М., 1966.
106. *Конфуций. Уроки мудрости* – М.: Эксмо. ФОЛЛИО, 2007.
107. *Кочетов А. Н. Буддизм*. – М.: Наука, 1965.
108. *Крымский А. История Персии, её литературы и дервешской теософии*. – М., 1912. Т. II.
109. *Культура Китая от А до Я*. – М.: Восток – Запад. –2008.
110. *Ларин Б. Из области ведийской поэзии*. //Восток, 1924. №4.
111. *Ли Дачжао. Избранные произведения*. – М., 1989.

112. *Лунный свет Санкхья и истина. Пер. с санскр. Р. Гарбе. рус пер. и предисл. Н.И. Герасимова. –М., 1900.*
113. *Мери Бойс. Зороастризм. –М., 1988.*
114. *Мец А.: Мусульманский ренессанс. –М., 1973.*
115. *Микулинский С.Р. Очерки развития историко-научной мысли. –М.: Наука, 1988.*
116. *Минаев И. П. Буддизм. Исследования и материалы. Т. 1. вып. 1-2. –СПб, 1887.*
117. *Муминов И. М. Философские взгляды Мирзы Бедия. –Т.: Фан, 1957.*
118. *Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т., 1957.*
119. *Мухаммад ал-Хорезми. Математические трактаты. –Т., 1964.*
120. *Мюллер М. Шесть систем индийской философии. Пер. с англ. –М., 1901.*
121. *Нагата Хироси. История философской мысли Японии. Перевод с японского. –М., 1991.*
122. *Нагата Хироси. История Японского материализма. Перевод с японского. –М., 1990.*
123. *Насири Хисрав. Зод ал-мусофирин. – Берлин, 1935.*
124. *Пикитина М.И. Жанр «сичжо» в корейской поэзии XV в.// Вопросы филологии и истории стран советского и зарубежного Востока.– М., 1961.*
125. *Ольденбург С. Ф. Жизнь Будды, индийского учителя жизни. –П., 1919.*
126. *Описание Кореи. –М., 1960.*
127. *Основы философии (под ред. Ахмедовой М.А., Хан В. С.). – Т., 2004.*
128. *От магической силы к моральному императиву: категория дэ в китайской культуре. –М.: Восточная литература РАН. –1998.*
129. *Очерки истории общественно – философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1977.*
130. *Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. –М. 1981.*

131. Петров А.А. Ван Чун-древнекитайский материалист и просветитель. –М., 1954.
132. Петров А.А. Очерки философии Китая.// Китай. –М.-Л., 1940.
133. Петрушевский И. П.: Ислам в Иране. –Л., 1966.
134. Рагозина З. А. История Индии времен Риг-Веды. –СПб., 1905.
135. Радхакришнан С. Индийская философия. Пер. с англ. Т. 1-2. –М., 1956-1957.
136. Радхакришнан С. История философии Индии. –М., 1972.
137. Раховский Б.Э. Философское наследие Ибн Сины.//Вопросы философии, 1995, № 5.
138. Розенберг О.О. Введение в изучение буддизма по японским и китайским источникам. Ч. 2. –Проблемы буддийской философии. –П., 1919.
139. Рубин В. Хань Фэй-цзы.// Философская энциклопедия. Т.5. – М., 1970.
140. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Книга издана координационным бюро Фонда им. Фридриха Эберта по центральной Азии. –Алматы: Фонд «XXI век», 1999.
141. Сидихменов В.Я. Китай: страницы прошлого. –Смоленск «Русич», 2000.
142. Собрание текстов. В двух томах. – М., 1972-1973. Т.1.
143. Степаньянц М.Т. Восточная философия. Вводный курс. – М., 1997.
144. Струве В.В. История древнего Востока. –Л., 1941.
145. Сыркин А.Я. О некоторых закономерностях в содержании ранних Упанишад.//Индия в древности. –М., 1964.
146. Сыркин А.Я. Система отождествлений в Чхандогья Упанишад.//Уч. зап. Тартуского гос. ун-та, 1965.
147. Токарев А. Религии в истории народов мира. – М., 1964.
148. Тримингэм Д.С. Суфийские ордена в исламе. –М.: Наука, 1989.
149. Томпсон Мэл. Восточная философия. Перевод с английского. –М., 2000.
150. Трофимова З.П. Гуманизм, религия и свободомыслие. –М., 1993.

151. Тугушева Л.Ю. Ярлыки уйгурских князей из рукописного собрания ЛО ИВ АН. –Тюркологический сборник, 1971, –М., 1972.
152. Тураев Б. А. История древнего Востока. Т. 1. –Л., 1935.
153. Тягай Г.Д. Общественная мысль Кореи в эпоху позднего феодализма. – М., 1971.
154. Ушков А.М. Некоторые вопросы истории философской мысли в Корее эпохи феодализма. // Вопросы философии, 1962. №5.
155. Файзуллаев О.А. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. –Т.: Фан, 1974.
156. Фараби. Существа вопросов. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М., 1968.
157. Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города // Григорян С.Н. Из истории Средней Азии и Ирана VII-XII веков. –М., 1960.
158. Философская энциклопедия. Т.3. –М., 1964
159. Философская энциклопедия. Т. 5. –М., 1970.
160. Философская энциклопедия. Т.1. –М., 1960.
161. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. –Т.:Фан, 1988.
162. Фортунатов Ф. Samaveda – Aranyaka Samhita. Исследование. –М., 1875.
163. Хисматуллин А.А. Суфизм. –СПб.: Петербургское востоковедение, 2008.
164. Чанышев А.Н. Философия Древнего мира. – М., 1999.
165. Чаттерджи С.И Датта Д. Введение в индийскую философию. Пер. с англ. –М., 1955.
166. Чаттонадхьяя Д. Локаята даршана. История индийского материализма. Пер. с англ. –М., 1961.
167. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. –М., 1966. Пер. с кор.
168. Шанкара Ачария. Таттва-Бодха, или Познание бытия. Пер. с нем. –Харьков, 1912.
169. Шуцкий Ю.К. Китайская книга перемен. – М., 1960.
170. Щербатской Ф.И. Теория познания и логики по изучению позднейших буддистов. Ч. 1-2. –СПб., 1903-1909.
171. Щербатской Ф.И. Философское учение буддизма. –П., 1919.

172. Юшкевич А.П. Арифметический трактат Мухаммеда ибн Муса ал-Хорезми. Труды института истории естествознания и техники АН СССР, вып. 1. –М., 1964.
173. Юшкевич А.П. История математики в среднее века. –М., 1961.
174. Ян Хин-шун. Древнекитайский философ Лао-цзы и его учение. –М.-Л., 1950.
175. Ян Хин-шун. Теория познания моистов.// Вопросы философии, 1956, №1.
176. Ян Юн-Го. История древнекитайской идеологии. Перевод с китайского. –М., 1957.
177. Японские материалисты.// Актуальные проблемы философской науки и истории философской мысли Японии. Сборник статей. Перевод с японского языка. – М., 1985.
178. Ясперс К. Истоки истории и её цель. Ясперс. Смысл и назначение истории. –М., 1994.

Инглиз тилида

1. Bae-Jong-ho. *The Philosophical Ideas of Yulgok*. – «Korea Journal», Vol. 28, N 11. 1988.
2. Fung Yu-lan. *A history of Chinese philosophy*, V.1-2, Princeton, 1952-1953.
3. Pitti, PII, *History of the Arabs*. –London, 1953.
4. Nasr S. H. *Science and civilization in Islam*.Harward. 1968.
5. R. J. Mckarthy, *Theology of al-Ash'ari*. –Beirut, 1953.

Француз тилида

1. Yahia, O. *Histoire et classification de l'oeuvre d'Ibn Arabi*. --Damascus, 1964. (француз тилида).

Араб тилида

1. Ал-Хаййот, Абул Хусайн Абдурахим ибн Муҳаммад. *Китоб ал-интисор ва-р-радд ала Ибн ар-Равандий ал-мудҳид*. --Бейрут. 1957.

2. *Ашъарий, Абул Ҳасан. Дин усулларига тафсир. –Ҳайдаробод, 1948. 6 саҳифа.*
3. *Байҳақий, Абул Ҳасан. Торихе ҳукамоул ислом («Ислом ҳукамолари тарихи»), –Дамашқ, 1946.*
4. *Журжоний. Шарҳе мулаҳхас ал-ҳайа ал-Чағминий. –Тошкент: ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги 2655-рақамли қўлёзма.*
5. *Ибн Арабий. Фусус ал-ҳикам (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Абу Аъло Афифий). –Қоҳира. 1949.*
6. *Ибн Бажжа. Расоил мобаъдул табиа. –Байрут. 1968*
7. *Ибн Надим Ал-Фехрист.*
8. *Ибн Халдун. Муқаддима. –Қоҳира. 1995. 1-жилд.*
9. *Ибн Халликон. Вафиёт ул-аъён. 4-жилд. –Қоҳира. 1995.*
10. *Комил Мустафо ал-Шайбий. Ал-Ҳаллож девонининг шарҳи. –Байрут-Бағдод. 1394/1974.*
11. *Мискавайҳ. Таҳзиб ул-ахлоқ. –Байрут. 1966.*
12. *Созд ибн Созд Андалусий. Табақот ул-умам. –Бейрут. 1912.*
13. *Тавҳидий, Абу Ҳаййон. Ал-имтоъ вал муъонисати. –Қоҳира. 1939-1944.*
14. *Тавҳидий, Абу Ҳаййон. Ал-ҳавомил ва ал-шавомил. –Қоҳира. 1951.*
15. *Қифтий, Али. Торихе ҳукамо (Ҳақимлар тарихи). –Лейпциг. 1903 (араб тилида).*
16. *Форобий. Китоб таҳсил ас-саодат. –Ҳайдаробод.1927.*
17. *Форобий. «Рисола ат-таҳсил ас-саодат». «Мажму-ар расоил». УзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№ 2865.*
18. *Форобий. Рисолат фи ал-ақл («Ақл ҳақида рисола»), -- Байрут, 1939.*
19. *Форобий. Аристу фалсафаси ва фалсафанинг қисм ва босқичлари. Мухсин Маҳди таҳрири остида «Матнлар силсиласи». –Байрут, 1-жилд, 1961.*
20. *Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳалза. Мақомоти Мири Кулол. 1436 й. Бухоро вилоят музейи. Инв. –№ 1158.*
21. *Ғаззолий, Абу Ҳомид. Ихёи улум ад-дин. («Диний илмларнинг жонланиши»). –Қоҳира. 1348 ҳижрий йил. (1931) 4-жилд.*
22. *Ғаззолий, Абу Ҳомид. Мушикот ул-анвор. –Қоҳира. 1961.*

Форс тилида

1. Али Акбар Деххудо. *Лугатинома. 104-жилд.* –Техрон: Техрон университети нашри. 1965.
2. Ибн Туфайл. *Хай ибн Яқзон.// Можед Фахрий. Сайр фалсафа дар жаҳоне ислом.* 1983. –Техрон университети нашриёти.
3. *Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийе маънавий: Муқаддима.* –Қобул. 1982.
4. *Можед Фахрий. Сайр фалсафа дар жаҳоне ислом.* 1983. –Техрон университети нашриёти.
5. *Мужмал ал-ҳикма (Ихвон ас-сафо рисолатари таржумаси): Мухаммад Тақи Донишпажух ва Ираж Афшар таҳрири остида.* –Техрон, 1996.
6. *Ризо Доварий Ардакониӣ. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси. Илмий-текишириш ва маданӣ тадқиқотлар муассасаси.* –Техрон, ҳижрий 1377/1998.
7. *Ролитоний Хожя Али. Рисолати Ҳазрат Азизон. 1327 й.* – Бухоро вилоят музейи. Инв. –№ 12548/II.
8. «*Ойнайе гитинамо*». ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзмалар фонди: 2984-рақамли қўлёзма.

Хитой тилида

1. *Го Мо-жо. Ши пипан шу («Десять критических статей»)* -- Пекин, 1956.
2. *Хо Вай-ду (и.др.). Чжунго сысян тунши (Общая история идеологии Китая). Т.1.* –Пекин, 1957.
3. *Ху Ши. Собрание сочинений. Ч. I.* – Шанхай, 1930.

Интернет сайтлар:

1. www.ziyounet.uz
2. www.edu.uz
3. www.gov.uz
4. www.freenet.uz
5. *Routledge Encyclopedia of Philosophy (Философская энциклопедия Рутледжа).* www.pep.routledge.com.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ ФАЛСАФАСИ	
I БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ	
1-Мавзу. Шарқ фалсафасининг мавзу ва вазифалари	5
2-Мавзу. Қадимги Мисрда фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши.....	10
3-Мавзу. Қадимги Шумер ва Бобилда ижтимоий тафаккур. Хаммурапи қонунлари	16
4-Мавзу. Қадимги Марказий Осиё ва Эрон халқлари тафаккури. «Авеста»даги фалсафий ғоялар.....	21
5-Мавзу. Марказий Осиёда буддавийлик, монийлик ва маздакийлик диний-фалсафий таълимотлари.....	28
II БЎЛИМ. ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФАСИ	
1-Мавзу. Қадимги туркий битиклар фалсафаси.....	34
2-Мавзу. Қуръони Карим ва Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари таълимотининг шаклланиши.....	38
3-Мавзу. Ислоҳ дунёсига дунёвий фалсафанинг кириб келиши ва Арасту таълимотининг қайта тикланиши.....	44
4-Мавзу. Ислоҳ илоҳиёти – калом фалсафасининг шаклланиши (VIII-IX асрлар).....	50
5-Мавзу. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг табиий-илмий қарашлари.....	59
6-Мавзу. Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ва ибн Равандийнинг фалсафий қарашлари.....	70
7-мавзу. Абу Бакр Муҳаммад Закарийё ар-Розийнинг фалсафий қарашлари.....	77
8-Мавзу. Исмоилийларнинг фалсафий таълимоти	83
9-Мавзу. Носир Хисравнинг фалсафий қарашлари.....	89
10-Мавзу. Ислоҳ дунёсига фалсафий маданиятнинг ёйилиши.....	96
11-Мавзу. Ислоҳ дунёсида янги афлотунча фалсафий қарашлар. Абу Наср Форобий.....	104
12-Мавзу. Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашлари	117

13-Мавзу. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг фалсафий қарашлари	130
14-Мавзу. Абу Райҳон Берунийнинг фалсафий қарашлари	137
15-Мавзу. «Ихвон ас-Сафо» («Соф биродарлар») фалсафий мактабининг таълимоти	148
16-Мавзу. Умар Хайёмнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари	153
17-Мавзу. Тасаввуф фалсафаси ва унинг Марказий Осиёдаги оқимлари	161
18-Мавзу. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг тасаввуфий қарашлари	185
19-Мавзу. Тасаввуфни назарий жиҳатдан шакллантиришда Абу Ҳомид Ғаззолӣ ва Ибн Арабийларнинг ўрни	193
20-Мавзу. Муслмон Испанияси (Андалузия) фалсафаси	202
21-Мавзу. XIV-XV асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр	217
I бобга оид тестлар	230
II БОБ. ҲИНДИСТОН ФАЛСАФАСИ	
I БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ	
1-Мавзу. Браҳманизм таълимоти. Ведалар фалсафаси	238
2-Мавзу. Упанишадларда фалсафий ғоялар	244
3-Мавзу. Буддавийлик диний-фалсафий таълимоти	249
4-Мавзу. Жайнизм диний-фалсафий таълимоти	255
5-Мавзу. Мумтоз фалсафий мактаблар. Чарвақлар, йога, вайшешика, ньяя, миманса, веданта, санкхья	260
II БЎЛИМ. ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФАСИ	
1-Мавзу. Ҳиндистонда илк ўрта асрлар фалсафаси. Ҳиндуизм асослари	270
2-Мавзу. Веданта фалсафий мактаби	277
3-Мавзу. Бхакти таълимоти	283
4-Мавзу. Ҳиндистонда тасаввуф фалсафасининг ривожини	288
II бобга оид тестлар	300

III БОБ. ХИТОЙ ФАЛСАФАСИ I БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ДАВР

1-Мавзу. Қадимги Хитойда асотирий тафаккур ва фалсафий билимларнинг пайдо бўлиши	307
2-Мавзу. Қадимги Хитой фалсафаси тараққиёт босқичлари.....	310
3-Мавзу. Хитой маърифатчилигининг мумтоз китоблари.....	320
4-Мавзу. Конфуций ва конфуцийчилик таълимоти	328
5-Мавзу. Мэн-Цзынинг борлиқ, жамият ва инсон ҳақидаги таълимоти.....	336
6-Мавзу. Сюнь-Цзынинг борлиқ, билиш назарияси ва жамият ҳақидаги таълимоти.....	340
7-Мавзу. Моизм. Конфуцийчиликнинг танқиди.....	344
8-Мавзу. Даосизм. Лао-Цзы қарашлари ва «Дао Дэ Цзын» китоби	350
9-Мавзу. Дао дунёнинг ибтидоси, асоси ва қонуни	359
10-Мавзу. Даосизмнинг ижтимоий-ахлоқий таълимоти.....	363
11-Мавзу. Инь-Ян фалсафий мактаби.....	368
12-Мавзу. Инь-Ян ва беш биринчи унсурлар.....	375
13-Мавзу. Исмлр мактаби. Гунсунь Луннинг мантиқий таълимоти.....	382
14-Мавзу. Легизм мактаби. Шан Ян ва Хань Фэй-Цзы қарашлари	388

II БЎЛИМ. ЎРТА АСРЛАР

1-Мавзу. I-X асрларда Хитойда фалсафий фикр ривож.....	396
2-Мавзу. Хитойда Сун даври фалсафаси.....	403
3-Мавзу. XV-XVIII асрларда Хитойда ижтимоий-фалсафий фикр ривож	411
4-Мавзу. Тайпин (Осмон) давлати мутафаккирларининг фалсафий қарашлари.....	424
III бобга оид тестлар	434

IV БОБ. КОРЕЯ ВА ЯПОНИЯ ФАЛСАФАСИ

I БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ДАВР КОРЕЯ ВА ЯПОНИЯ ФАЛСАФАСИ

1-Мавзу. Қадимий Кореядаги диний-мифологик тасаввурлар ва дастлабки фалсафий қарашлар.....	441
---	-----

2-Мавзу. Қадимги Японияда диний-фалсафий тафаккур	446
II БЎЛИМ. ЎРТА АСРЛАР КОРЕЯ ВА ЯПОНИЯ	
ФАЛСАФАСИ	
1-Мавзу. Уч давлат хукмронлиги даврида конфуцийчилик. буддавийлик ва даосизм фалсафаси	451
2-Мавзу. Кўшма Силла ва Корё давлатлари хукмронлиги давридаги фалсафа тараққиёти	458
3-Мавзу. Илк Чосон даврида фалсафий қарашларнинг шаклланиши	464
4-Мавзу. XV-XVI асрларда Чосонда фалсафий қарашларнинг ривожланиши	470
5-Мавзу. Японияда буддавийлик	480
6-Мавзу. Дзэн-буддавийлик ва унинг Япониядаги ривожи.....	485
7-Мавзу. Японияда конфуцийчилик. Янги конфуцийчилик ва унинг Япония фалсафий фикр тарихида тутган ўрни	491
IV бобга оид тестлар	502
ГЛОССАРИЙ	510
ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ	514
Фойдаланилган адабиётлар	515

Қайдлар учун:

**Д. Пўлатова, М.Қодиров, М.Аҳмедова,
А.Абдуҳалимов, Ш.Шозамонов.**

ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ: «ЈАНОН PRINT»
2013. – 532 б.**

**Техник муҳаррир:
М.М.Зарифов**

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128-сонли буйруғига асосан 5120500- Фалсафа таълим йўналишида таълим олувчи талабалар учун асосий қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган (Рўйхат рақами 128-007)

Мазкур ўқув қўлланма ТДШИ Ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқиб тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.
(2-сонли баённома. 25.10.2011)

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013